

Воҳид Абдуллаев

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ТАРИХИ

(XVII асрдан XX асрнинг иккинчи ярмигача)

Тошкент-2019

ТАРИХИЙ ШАРОИТ ВА МАДАНИЙ МУҲИТ

Марказий Осиёнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида вужудга келган тушкунлик XVI асрнинг охири ва XVII асрнинг бошларида янада равшанроқ намоён бўла бошлади, ўзаро ва қўшни давлатлар билан бўлган урушлар натижасида мамлакатда шайбонийлар сулоласининг ҳукмронлиги тобора заифлашиб бормоқда эди.

Озроқ вақт Шайбонийхонга қарам бўлган Хоразм 1511 йилдан бошлаб мустақил хонликка айлана бошлади. Шайбонийларнинг Хоразмни ўзларига бутунлай қарам қилишга бўлган кейинги уринишлари улар истаганча натижа бермади. Ана шундай бир шароитда, 1598 йилда, сўнгги ҳукмдорлардан Абдулмўминнинг ўлдирилиши билан шайбонийлар сулоласи ҳам емирилди. Ҳукмрон доиралар Бухоро тахтига аштархонийлар хонадонидан бўлган Боҳимухаммадни (1599-1605) хон қилиб кўтардилар. Шу вақтдан бошланган аштархонийлар сулоласининг мамлакатдаги ҳукмронлиги қарийб 150 йил давом этди¹.

Эрон ҳукмдори Шох Аббос Бухоро хонлигига қарашли Сабзавордан Ҳиротгача бўлган Амударёнинг жанубий қисмидаги ҳудудни босиб олган эди. Бу ҳудуддан маҳаллий аҳолининг ёрдами билан фақат Балх вилоятигина Бухоро хонлигига қайтариб олинади. Ҳиндистон ҳукмдорлари Шохжаҳон ва Аврангзеблар ҳам ўз боболари Бобир Мирзонинг туғилиб ўсган ватани – Мовароуннаҳрни эгаллаб олишга иштиёқманд эдилар. Улар сиртдан аштархонийлар билан дўстона муносабатда бўлсалар ҳам, аслида Шимолий Афғонистонни ва, иложи бўлса, бутун Мовароуннаҳрни эгаллаб олиш ниятида эдилар. Буни қуйидаги воқеадан айниқса равшан кўриш мумкин. Аштархонийлардан Надирмуҳаммадхон (1642-1645) исёнчи шаҳзодалар ва беқларнинг хуружидан хавфсираб, Шохжаҳондан ёрдам сўрайди. Шохжаҳон қўшни Надирмуҳаммадга ёрдам бериш ўрнига Шимолий Афғонистонга бостириб киради ва Балх вилоятини забт этиб, уни қарийб икки ярим ой давомида талон-тарож қилади ва қаттиқ жанглардан кейингина Балхни ташлаб чиқиб кетади².

Шундай қилиб, бир томондан, ўзаро урушлар, иккинчи томондан, қўшни давлатларга бўлган истилочилик ва босқинчилик ҳаракатлари давом этиб, натижада Марказий Осиёнинг хўжалиги издан чиқарилади, сугориш иншоотлари бузилади, экин ерлари пайҳон қилинади, шаҳар ва қишлоқлар

¹ Аштархонийларнинг ота-боболари Каспий денгизининг Шимолий соҳилларида – Аштархон (Астрахан) атрофида яшаган ўзбеклар бўлиб, улар XV аср ўрталарида Марказий Осиёга кўчиб келган ва шайбонийлар даврида катта мавқега эга бўлган эдилар.

² Герман Вамбери. История Бухару или Трансоксании с древних времен до настоящего. том I, Москва, 1924, стр. 153-154.

вайрон этилади. Буларнинг устига XV аср охирларида Ҳиндистонга денгиз йўлининг очилиши Мовароуннахрнинг савдо йўли сифатидаги аҳамиятини бўшаштирган эди. XVI-XVII асрларда Марказий Осиё билан Ҳиндистон ўртасидаги савдо алоқаларида Балх ва Афғонистон савдо йўли маълум аҳамият касб эта бошлаган эди. Лекин Эрон ҳукмдори Шох Аббос бунга раҳна солиб, истилочилик сиёсатини қўллар, гоҳ у, гоҳ бу вилоятга қўшин тортар эди.

Ўзаро урушлар ва низоларнинг бутун оғирлиги халқ гарданига тушар, уни хонавайрон қилар эди. Чунончи, аштархонийлардан бўлган ака-ука Субҳонқулихон билан Абдулазизхон ўртасида қарийб 37 йил давом этган тож-тахт талашлари, шиддатли уруш ва юришлар деҳқонларни ҳам, шаҳар косиб-хунармандларни ҳам қон қақшатган, халқнинг тинқасини қуритган эди. Бу воқеаларнинг шохиди бўлган XVII аср тожик шоири Сайидо Насафий халқ ва мамлакат аҳволига зўр ачиниш билан шундай ёзган эди:

Дар талоши салтанат афтодаанд аз пой халқ,
Тож агар ин аст, олам сарнагунб хоҳад шудан.

(Тож-тахт талашлардан халқнинг тинқаси қуриди, тож агар шундай бўладиган бўлса, (у ҳолда) олам остин-устун бўлади.)

Ҳақиқатан ҳам, Ҳабаш ва Элборсларнинг Хоразм тожу тахтини талашиб, ўз оталари Арабмуҳаммаднинг кўзини ўйиб олишлари, оға-ини Асфандиёр билан Абулғози ўртасидаги низолар, Арангхон, Жўжихон ва Шохниёзхонлар ўртасида авж олган тож-тахт талашлари, «қўғирчоқ хонлар»нинг тахтга келиб-кетиши, Эрон шоҳларининг таловчилик юришлари ва бошқалар натижасида мамлакат хароб бўлиб, халқ ниҳоятда қашшоқлашган эди. Бу аҳволни ўз кўзи билан кўрган Сайидо алам ва изтироб билан шундай ёзган эди:

Самарқанд як кўчайи қоқ шуд,
Бухоро тали Хожа Исҳоқ шуд.

(Самарқанд бўм-бўш кўчага, Бухоро Хожа Исҳоқнинг қуп-қурук тепалигига айланди.)

Ўлкада Бухоро, Хева хояликлари бялая Эрон давлати ўртасидаги урушлар натижасида иқтисодий тушқунлик кучайиб бормоқда эди. Бинобарин, ҳар иккала хонлик ўртасида ва бу хонликлар билан Эрон давлати ўртасида савдо муносабатлари мўътадил суратда давом эта олмас эди.

Ўзаро урушлар ва қўшни давлатлар билан бўлган ихтилофлар савдо алоқаларининг, хусусан, карвон савдосининг ўсишига катта зарба берди. Лекин, шунга қарамай, Бухоро ва Хева хонликлари ўртасида ҳамда бу хонликлар билан Ҳиндистон, Эрон ва бошқа мамлакатлар ўртасида савдосотик тамоман тўхтаб қолмади. Россия билан савдо алоқалари юритиш зса Марказий Осиё хўжалиги учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Россиядан Бухоро ва Хевага келиш ёки Бухоро. Хева ва кўхна Урганчдан Астрахан ҳамда Ёйик (Гурьев) орқали Оренбург ундан Москвага боришда йўлларда турли хавф-хатар бўлишига қарамай, Россия билан Марказий Осиё бир-бирига савдо қарвонлари юбориб турар эди. Бухоро ва Хева хонликларидан Россияга, Москвага, Сибирь ва бошқа жойларга турли газламалар, ипак моллар, пахта, туркман гилами, тери, қуруқ мева ва ҳоказолар олиб борилган. Марказий Осиё савдо қарвонлари Россия бозорига қисман бўлса ҳам, Ҳиндистон, Хитой ва Эрон молларини (ипак моллар, чинни доривор ва бошқаларни) етказиб берганлар. Россиядан эса тери, мовут, ойна, балиқ тиши, олтин-кумуш идишлар, ёғоч маҳсулотлар ва бошқа нарсалар олиб келганлар.

Буни ўша вақтдаги Москва Юстиция вазирлиги ҳужжатларидан ҳам кўриш мумкин: Москвага Марказий Осиёдан 1633 йилда 8769 сўмлик, 1634 йилда 2018 сўмлик, 1637 йилда 543 сўмлик, 1640-1641 йилларда 10 585 сўмлик, 1666 йилда сўмлик турли моллар олиб борилган. Абулғозиниё кўрсатишича, 1646 йилда рус савдогарлари Хеванинг ўзидан 7 минг сўмдан 10 минг сўмгача мол сотиб олганлар.

Россия Марказий Осиё билан савдо алоқаларини мустаҳкамлашга, қизиқади. Рус ҳукумати Марказий Осиёдан келувчи савдогарларни махсус фармон билан пошлинадан озод қилади, икки ўртада дипломатия алоқалари ўрнатилиб, элчилар ҳам юборилади, турли масалаларга доир ёрлиқлар ҳам ёзилади. Ёрлиқ ва мактублар Бухорода деярли форс-тожик тилида, Хоразмда эса ҳам ўзбек, ҳам тожик тилида ёзилар эди. Бу ёрлиқ ва мактублар ўзбекча ва тожикчадан русчага таржима қилинганидек, русчадан ўзбек ва тожик тилларига ҳам таржима қилинар эди. Чунончи, Асфандиёрхоннинг 1641 йил март ойида элчи Назар Малик Баҳодир орқали бояр Ҳожи Тархонга юборган бир китобати (мактуби)да икки ўртада қадимдан савдо муносабатлари бўлганлиги, уларнинг хали ҳам давом этаётганлиги кўрсатилиб, денгиз лочинларидан бир нечасини юбориш илтимос қилинади.

Бироқ икки ўртадаги савдо алоқалари баъзан айрим амалдорлар томонидан бузилар, савдо қарвонлари қароқчилар томонидан таланиб, кишилар тутқун ёки қул қилинар эди.

Марказий Осиё ҳудудида XVI-XVII асрларда давом этган тарқоқлик XVIII асрда янада кучайиб, мавжуд икки хонлик (Бухоро ва Хева) уч хонликка (Бухоро, Хева ва Кўқон хонликлари) ажралиб кетди. Натижада ўзаро урушлар, қўшни давлат ҳукмдорларининг тажовузкорлиги, жумладан, Нодиршоҳ Афшорнинг Марказий Осиё ҳудудининг бир қисмини заб этиши ўлкани харобаликка, аҳолини қашшоқликка ва хонавайронликка гирифтор этиб, иқтисодий ва маданий ҳаётни тушкунлик сари элтар эди.

XVIII асрда, айнкса шу асрнинг 40-60 йилларида, Хоразм хонлигини сиёсий аҳволи ва хўжалик ҳаёти ниҳоят оғир эди. Хоразм ҳукмдорлари (Шоҳниёз, Шерғозий, Элборс) марказий ҳокимиятга бўйсунидан бош тортган ороллик амалдорларга (Шердолибий, унинг ҳомийси Шоҳтемур ва бошқалар) курашда ижобий натижага эриша олмадилар, хонликнинг хўжалик масалалари ва ободончилиги билан шуғулланиш ўрнига, эл-юртни талон-тарож қилдилар, шу билан бирга кўшни давлатга қарши босқинлар уюштирдилар. Бу билан улар қашшоқлашган хонлик хазинасини янги ўлжалар, бойликлар билан тўлдиришга интилар эдилар. Бундай хатти-ҳаракатлар босқинчи Нодиршоҳнинг Бухоро ва Хоразм худудига бостириб киришига бир баҳона бўлди. Нодиршоҳ ҳамда унинг сафдошлари Тохирхон ва бошқалар Хоразмни талаб, унинг бошига чексиз кулфатлар солдилар. Хева, Урганч каби йирик ва обод шаҳарлар хувиллаб қолди, аҳолининг бир қисми қирилди, бир қисми бошпана ахтариб чўлларга кўчиб кетди. Тохирхонга қарши исён кўтарилиб, унинг кўшини тор-мор қилинган, ўзи ўлдирилган бўлса-да, хонлик тепасига келган Ғойибхон ҳам, Жаҳонгирхон ва бошқалар ҳам золим, жоҳил кишилар эди.

Нодиршоҳ истилосининг даҳшатли оқибатлари узоқ вақт давом этди. Фақат XVIII асрнинг охирларига келиб Хоразм хонлигининг хўжалигида, сиёсий ва маданий ҳаётида бирмунча жонланиш сезила бошлади. XVIII асрнинг охирларидан бошлаб Хоразмда марказий давлат нуфузини кўтаришга, унинг кўшни ўлкалар билан, хусусан Россия билан савдо муносабатларини тиклашга, мамлакатнинг иқтисодий ва маданий тараққиётини нисбатан бўлса-да, изга туширишга ҳаракат қилувчи кучлар ҳам пайдо бўла бошлади. Бу жараён XVIII асрнинг иккинчи ярмида ҳокимият тепасига келган Муҳаммад Амин иноқ (1770-1791), Авазбий иноқ (1791-1804), Элтузархон (1804-1806), Муҳаммад Раҳим (1806-1825), Оллоқули (1825-1842), Раҳимқули (1842-1846) ва бошқаларнинг ҳукмронлиги даврида рўй берган эди. Гарчи бу даврда Хоразмда савдо муносабатлари ва шаҳарларда ҳунармандчилик ишлари маълум даражада жонланган бўлса-да, аммо меҳнаткаш омма, хусусан деҳқонлар ва қосибларнинг аҳволи ҳар жиҳатдан аянчли эди. Деҳқонлар катта ер эгаларига қарам бўлиб, оғир меҳнат қилар эдилар. Меҳнаткашлар турли мажбурий ишлар (бегор, қазув)га сафарбар қилинардилар; улар олғит, солғит, милтиқ солиғи, улоқ тортув, арава олув, миробона, мушрифона, чопар пули, мачит пули, нафсан, вақф пули каби катор солиқлар туфайли хонавайрон бўлиб, қаддини ростлай олмас эдилар. Шаҳар расталаридаги тиргар, камонгар, кавушдўз, маҳсиддўз, совунгар, тўқувчи, чилангар, чархчи, дукчи ва шу каби ҳунармандлар ҳам ўз оилаларини зўрға боқар, қийничиликда ҳаёт кечирар эдилар. Натижада халқ оммасининг норозилик ҳаракати кучайиб, тез-тез халқ

ғалаёнлари бўлиб турар эди.

XVIII асрда ва XIX асрнинг биринчи ярмида вилоятларда амирнинг қавм-қариндошлари, туманларда қози, амин ва амлоқдорлар, қишлоқларда оқсоқоллар ҳукмронлик қилиб турган Бухоро хонлигида ҳам аҳвол бундан яхши эмас эди. XVIII асрда Бухоро хонлигида аштархонийлар сулоласи ўрнини манғитлар хонадони эгаллади, аммо мамлакатнинг аҳволи аввалгидек мушкуллигича қолаверади. Бухоро тахтига турли хонадон вакиллари келиб-кетиб тургани билан сиёсий ҳокимиятнинг асосий табиати, мазмуни ўзгармас эди. Амннона, никоҳона, муҳрона, кафсам, миробона, тарозуёна, ҳушпули, сомонпули, чўппули ва шунга ўхшаш турли-туман солиқ ва мажбуриятларнинг жорий қилиниши халқ бошига битган бало бўлиб, шоир Гулханий таъбири билан айтганда, у вақтларда «Бухоронинг ҳар туманида минг чордевор» вайрона ҳувиллаб турар эди.

XVIII асрнинг ўрталарида Қўқон хонлиги вужудга келиб, у Қўқон, Марғнлон, Исфара, Андижон ва бошқа шаҳарларни ўз ичига олди. Қўқон хонлиги XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида катта ҳудудни — Гулханийнинг «Зарбулмасал»ида келтирилишича, «Шарқдан-Қашқар шаҳридин Норин узилишигача, жанубдан — Қундуз, Бадахшон, Тибетгача, шимолдан — Дашти қипчоққача, ғарбдан — Мовароуннаҳрғача» бўлган ҳудудни эгаллаган эди.

Хева, Бухоро ва Қўқон хонликларидаги ишлаб чиқариш қуроллари ғоят оддий бўлиб, улар меҳнатни енгиллаштириш ва унумдорликни оширишга имкон бермас эди. Ишлаб чиқариш қуроллариининг соддалиги ва ноқулайлиги, меҳнат шароитининг оғирлиги натижасида мамлакатнинг табиий бойликлари деярли фойдаланилмай қоларди.

Бироқ ташқи савдонинг, хусусан Россия билан бўлган савдонинг маълум натижалари сезила бошлайди. Бу даврда (айниқса, XVIII аср охири XIX аср бошларида) ҳар учала хонликда ташқи савдо, хусусан Россия билан савдототиқ жонланиб, у ердан Марказий Осиё бозорларига олтин, мис, чўян ва темир асбоблари қанд ва газламалар келтирилди, Марказий Осиёдан эса Россияга пахта, боғдорчилик ва чорвачилик маҳсулотлари чиқарилди эди.

XIX асрнинг биринчи ярмида Москвада «Россия товарларини Осиёда сотиш» жамияти тузилиб, унинг идоралари Марказий Осиё ҳудудларида ҳам очилган эди. Бу идоралар Россиянинг фақат Марказий Осиё билангина эмас, балки Ҳиндистон, Афғонистон ва Хитой билан ҳам савдо муносабатларини кенгайтиришда муҳим роль ўйнаган эди.

Аммо хонлиқлар ўртасидаги ўзаро курашлар, бир хонликнинг иккинчи бир хонлик ҳудудси ҳисобига ўз чегарасини кенгайтиришга интилниши XVIII асрда ва XIX асрнинг биринчи ярмида ниҳоят даражада кучайиб кетиб,

мамлакат ҳаётига зарар етказди, халқнинг бошига янги-янги кулфатлар солди.

АРХИТЕКТУРА, ИЛМ-ФАН ВА ТАЪЛИМ

Марказий Осиёнинг шаҳар ва қишлоқларида кўзга ташланадиган биринчи бино масжид эди. Бухоро музофоти ислом динининг Марказий Осиёдаги таянч маркази бўлиб, унда лой, гил, гувала ва ғиштдан ясалган масжидлар ниҳоятда кўп эди. Фарғона водийсида ҳам, Хоразмда ҳам масжид ва хонақоҳлар оз эмас эди (қишлоқлардаги кўпчилик масжидлар пахса девордан бўларди). Чунончи, XIX асрнинг 30—40- йилларида Гурланда 3 катта масжид, Қипчоқда 5 масжид, Қўнғиротда 7 масжид, Манғитда 9 масжид, Янги Урганчда 15 масжид, Ҳазораспда 10 масжид, Хевада эса 17 масжид бўлган.

XVI-XVII асрлар давомида Тошкентда Шайхантохур қабристони, Бароқхон мақбараси, Бухорода Мирараб мадрасаси (1535-1536), Маежиди калон (1540-1541); Абдуллаҳон мадрасаси (1589-1590), Хўжа Зайниддин хонақоси, Абдулазизхон мадрасаси (XVII), Надир Девонбеги масжиди (XVII); Самарқандда «Шердор» (1619), «Тиллакор» (1646), «Надир Девонбеги» (1630) мадрасалари, «Хожа Аҳрор мазороти» (1632), Хевада Арабмуҳаммад мадрасаси (1616), Анушанинғ «Оқ масжиди» ва Муҳаммад Ризобек номидаги мадрасалар бунёдга келди.

«Шердор» ва «Тиллакор» мадрасалари меъморчилик санъатининг нодир ёдгорлиги сифатида вужудга келди. Аммо бу даврдаги моддий маданият ёдгорликларининг кўпчилиги ўзининг сифати жиҳатидан XV асрда Улуғбек диди, завқи ва ташаббуси туфайли юксак санъаткорлик маҳорати билан бино қилинган ёдгорликлардан фарқ қилар, улардан анча паст турар эди.

XVIII асрда Хева, Бухоро ва Қўқон хонликларидаги тарқоқлик ва ўзаро урушлар туфайли мадраса ва миноралар, нақш-нигорли катта-катта бинолар камдан-кам қад кўтарар эди. Хоразмдаги «Мадрасаи Шерғозихон» (1719), «Мадрасаи Муҳаммадамин иноқ» (1770); Бухородаги «Мадрасаи Домло Турсунжон» (1797), «Мадрасаи Эрназар Элчи» (1795), Қўқондаги «Мадрасаи Мир», «Мадрасаи Хонхўжа» каби муҳташам бинолар бармоқ билан санарли эди. Фақат XIX аср бошларида марказий ҳокимиятнинг кучайиши ва хўжаликнинг бирмунча жонланишидан кейин бинокорлик ишлари ҳам жонланиб янги-янги бинолар қад кўтарди. Чунончи, Хоразмда «Муҳаммад Раҳимхон мадрасаси», «Оллоқулихон мадрасаси» (1832), «Раҳимқули мадрасаси», «Саидмуҳаммадхон мадрасаси», «Муҳаммадамин II мадрасаси» (1852-53), «Муҳаммадниёз Девонбеги мадрасаси»; Бухорода «Мадрасаи Чаҳорминори-халифа Ниёзқул» (1807) 1777 йилда қурила бошланиб, 1855 йилгача давом этган Халифа Худойдод номи билан аталувчи масжид, мазор,

мадраса ва сардоба, Қўқонда эса «Мадрасаи Офтобойим», «Мадрасаи Ризоқулибек», «Мадрасаи Мингойим», «Мадрасаи Муҳаммадясовул», «Мадрасаи Хўжадодхох», «Мадрасаи Ҳаққули мингбоши», «Мадрасаи Муҳаммадсиддиқ тўнқатор», «Мадрасаи Маҳмуд дастурхончи», «Мадрасаи Аминхон хиштин», «Мадрасаи Муҳаммад Юсуф Охун девона» каби мадрасалар бунёдга келди. Оллоқулихоннинг Хевадаги «Тош ҳовли»си (1832) ўзининг саҳни, салобати, зеб-зийнати ва нақшинқорлиги билан ўша вақтлардги мадрасаларга яқинлашади. Элтузарнинг «Кўриниш-хона»си, Раҳмонқулининг Ҳазораспдаги қасри эшик ва деворларининг нозик ўймакорлиги, оқ ва яшил аралаш нақшлари қадимий Хоразмга хос архитектура санъатини эслатади. Ана шу эслатиб ўтилган мадрасалардан бизгача сақланиб қолган айрим бинолар («Мадрасаи Мир», «Мадрасаи Муҳаммадамин» кабилар ёки айримларининг бугунгача етиб келган харобалари («Мадрасаи Шерғозихон», «Мадрасаи Халифа Ниёзқул») ўша даврдаги архитектура обидалари Урганч, Самарқанд, Ўзганд, Бухоро архитектура санъатининг қадимий анъаналари асосида бунёдга келганини кўрсатади, (Тўрт бурчакли, пештоқли, гумбазли, минорли, кўп ҳужрали, кошинли ва бошқа бинолар услуби.)

Қадимий анъаналарга кўра, мадраса ва ҳаммомларнинг гумбазлари чархий (бўйи ва эни бир хил тўртбурчак, томи айлана), балхий (бўйи энидан узун, пастқам), мирзойи (гумбаз баландлиги эни кенглигининг ярмидан ортиқ), чортарк (томи пастак, тўрт қиррали, тўрт чокли) ҳамда қовурғали, бешикча, чоркунжа ва гажакдор шаклларда яратилган. Қурилиш материалларидан темир, ёғоч кабилар кам бўлганидан кўпроқ соғ тупроқ, оҳақ, ганч, ғишт ва юпқа сопол ғиштлар ишлатилар, синчлар терак, тол, тут, ёнғоқ, қайрағоч, арча ёғочларидан бўлиб, бино пойдевориغا харсанг тош ёки мрамор тош ётқизилар эди. Шунингдек, масжид ва ўрта иморатларининг салобатли, ҳашаматли бўлиши учун уларнинг гумбазлари кўкўпар қилиб қурилар, ҳаммом қурилишларида эса иссиқни сақлаш мақсадида гумбазлари паст ва қалин қилинар эди.

Хевадаги биноларда, Бухоро ва Қўқондаги қурилишларда қадимий Бухоро ва Самарқанд архитектура санъати изининг давоми кўзга ташланиб турса-да, лекин мазкур қурилишлар Бухоро ва Самарқанд архитектура санъатининг XV асрдаги ёдгорликлари билан тенглаша олмас эди. Қурилиш материаллари сифатининг яхши эмаслиги, архитектура санъатининг занфлиги, бинокорликнинг яхши тараққий этмаганлиги сабабли кўпчилик иморатлар сақланмай, қулаб, хароб бўлиб кетган. Улуғбек давридаги бинокорликда намгарчилик таъсири ҳисобга олиниб, деворлар «қир» қорилмаси билан сувалар эди. «Қир» қорилмаси шундай тайёрланар эди: камиш қули билан

оҳак аралаштирилиб, майда қилиб туюлар, унга узум ёки тут шинниси ва сирач аралаштирилар, бир қозон қорилмага 10 дона тухум оқи солинар; сўнг бу қорилмага қориштириладиган лойдан ғуборни кетказиш, зарарли моддаларни ювиб чиқариш учун 5-6 кун давомида унинг устидан сув оқизиб кўйилар эди. Хулдас, қурилиш материалларини тайёрлашда ана шундай мураккаб шартларга риоя қилинарди. XIII-XIX асрларда бино қилинган мадрасалар эса деярли кошисиз, бир ошёнали, пасткам минорали бўлиб, гумбазлари кўримсиз, кўпчилигининг хужралари тор ва сони ҳам 40-50 дан ошмас эди. Чунончи, Халифа Ниёзқулнинг 1807 йилда Бухорода еолдирган «Мадрасаи Чаҳорминор» биносининг ҳам бўйи паст бўлиб, унинг у қадар баланд бўлмаган миноралари кириш дарвоза гумбазининг тўрт томонидан қад кўтарган ва фақат қуббалари кошинли бўлиб, деворлари, хужралари ёлғиз гиштдан кўтарилган эди.

Лекин архитектура санъати тараққиётининг ана шундай даражада бўлишидан қатъи назар, бу бинолар (Тош ҳовли, Ҳазораспадаги қалъа, Элтузархон кўринишхонаси ва ҳоказолар)даги ўймакорликлар, кўк, яшил, оқ ва зангори рангли айрим кошинлар, айрим гумбазларнинг қурилиш шакллари ўша замон меъморларининг ўз ота-боболари ҳунарига иштиёқманд бўлганликларидан, меҳнат шароити қанчалик оғир бўлмасин, билимдонликка интиланликларидан, ўз маҳоратларини кўрсатишга уринганликларидан далолат беради. Зеро, косонлик Муҳаммад Аминхожа таърифига бағишланган:

Хирадманду наққошу нажжор ҳам,

Бино тарҳандозу меъмор ҳам.

байтида унинг наққош, дурадгор, бинокор ва меъмор бўлгани таъкидланадики, бу ҳам фикримизнинг исботидир. Бу мадрасаларда китобот тарзида биринчи навбатда «Қуръон», «Тафсир», «Одобус-солиҳин», «Маслакул-муттақин», «Саботул-ожизин», «Кимиёи саодат», «Ҳадис», «Шамойилун-наби», «Меърожун-нубуват», «Ҳикматул-айн», «Шарҳи-виқоя» каби асарлар ўргатиларди. Масжнд ёнидаги мактаб 7 йил ичида болаларга алифбе, абжад, фарзи айн, чор китоб, Хожа Ҳофиз, «Маслакул-муттақин» ва Мнрзо Бедилдан савод ўргатиши лозим эди. Ўзбек болалари кўпроқ бўлган мактабларда яна 5 китоб «Китоби Фузулпй», «Лисонут-тайр», «Девони Алишер Навоий», «Хувайдо», «Қиссаи девона Машраб» ўтиларди.

Мадрасаларда эса ўқиш муддати 15-20 йил бўлиб, 137 дан ортиқ ўқув предмети ёки китоблар ўқитилар эди. Улар араб тилининг сарф-наҳви (грамматикаси), мантиқ, қироат (риторика), ақоиди ислом (илми калом), ҳикмат (табиий ва илоҳий), фикҳи ислом (тахорат, намоз, рўза, жаноза, ҳаж, закот, ннкоҳ, талоқ), мерос ва бойлик тақсимоти, савдо-сотик муносабатлари

учун «Илми фароиз» (математиканинг тўрт амали ҳажмида) ўқитилар эди.

Мактаб ва мадрасаларда тараққийпарвар, билимдон ва донишманд кишилар, мударрислар ҳам бор эди. Хоразм мадрасаларидаги Сайид Муҳаммад Охунд, Яҳё, Давлат Мамед Озодий (туркман классик шоири Махтумқулининг отаси), Киромий; Фарғона водийси мадрасаларидаги Мулло Шермуҳаммад Акмал, Муҳаммад Аминхожа Косоний ва Мавлоио Нодир шундай мударрислар жумласидандир.

XXIII-XIX асрларда мадраса ҳужраларида кўчирилиб тарқатилган китобларнинг ҳам, хаттотлар фаолиятининг ҳам ғоя ва савияси, санъат ва маҳорати хилма-хил эди.

МУЗИКА

Маълумки, бадиий адабиёт маданиятнинг ҳамма соҳалари билан яқин алоқададир. Бадиий адабиёт билан музика санъати ўртасидаги алоқа янада қадимийроқ ва чуқурроқдир. Музика адабиётга оҳанг беради, куйлар бахш этади, шеърнинг оҳангдорлигини таъминлайди, унинг таъсирчанлигини кучайтириб, инсон руhini қамраб олишига кўмаклашади.

Бадиий адабиёт билан музика ўртасидаги алоқа XVII-XIX асрларда янада ўсди, камол топди. Бу асрларда ҳам халқ мақомлари, куйлари билан бирга Навоийлар давридаги классик музика мақомлари давом этди, такомиллашди.

Музика санъати ривожини билан бирга бу даврда музика санъатига доир рисолалар ҳам яратилди. Шулардан бири Дарвешалн чангий рисоласидир. Дарвешали чангий музика фани тўғрисида 12 мақом (боб)дан иборат «Рисолаи мусики» («Тухфатус-сурур») асарини бунёдга келтирди. Бу асарнинг I-VI бобларида музика, музика ритми, чолғу асбоблари (танбур, чаиг, най, уд, кўбуз, симтўр, сетор кабилар) ва 12 мақом (Рост, Ушшоқ, Наво, Ҳпжоз, Ироқ, Ҳусайний, Бўслик. Риҳавий ҳақида ҳамда Рост ва Ушшоқнинг Исфаҳон; Наво ва Ҳижознинг - Бузург; Бўслик ва Ҳусайнийнинг — Зангула қисми) ҳақида фикр юритилади. VII бобда ўтмишда музика санъатига доир асарлар ёзган олимлар, шоирлар ва улуғ кишилар (Рўдакний. Абдулқодир ноий, Хисрав Деҳлавий, Фирдавсий, Мавлоно Мирак чангий Бухорий, Мавлоно Қосим Раббоний, Паҳлавон Котиби Нншопурий, Мавлоно Соҳиб Балхий, Мир Айюб Абулбаракат Шаҳрисабзий) тўғрисида гапирилади. VIII-X бобларда Абдурахмон Жомий, Хожа Абдулло бин Муҳаммад Марворид. Алишер Навоий, Шоҳкули ғижжак, Ҳасанхожа Нисорийларнинг музика санъатига бўлган муносабатлари баён этилган. Асар муаллифи ўз замондошларидан устод Абдуллои ноий, устод Дарвеш шайхим қаландари Ҳиравий, устод Султон Муҳаммади танбур, хофиз Жаложили Ҳиравий, хофиз Собир кўк, устод Ҳусайн удий кабиларнинг санъаткорлик маҳоратларини тўғрисида баҳс

этади.

Хоразмлик Муҳаммад Хоксорнинг «Мунтахаб ул-луғот» асари ҳам музика санъати ва музикашунослик жиҳатидан аҳамиятлидир. Чунончи, унда “ағони” сўзи «нағма ва сурудлар» деб изоҳланар экан, шу изоҳнинг ўзиданок Хоксор замонла хилма-хил нағма ва суруд (қўшиқ)лар ҳам бўлганини англаб олиш қийин эмас. Шунингдек, ўша китобда «Ҳижоз» сўзига изоҳ ёзилганда, “Шаҳри Макка ва яна нағмаедур нуғамотдин”, дейилади ва: «бу икки маънига Амр буюрурлар деб, Навоийнинг «Ҳижоз» сўзни ҳам шаҳар ва ҳам нағма маъносида ишлатган қуйидаги байти мисол тарзида келтириладн:

Навоий, ёр ила бўлкнм будир ҳарам васли.

Мақоминг ўлса Ажам ё Ироқ ёки Ҳижоз.

Демак, Навоий замонидаги «нағамот»лар, жумладан «Ажам», «Ироқ», «Ҳижоз» номли классик мақомлар бу асрларда ҳам бор эди.

Музика ва мусиқий илми ҳақида Мавлоно Нодирнинг «Ҳафт гулшан»ида айрим маълумотлар бор. Чунончн, Нодир асарнинг бир ўрнида Нодирахоним атрофидагн сўз аҳллари, шоир ва шоиралар ҳақида гапириб. бундай деб ёзади:

Ҳама фаҳму фаросат ичра шоир,

Ҳамма мусиқи илми ичра моҳир.

Навоу нағмалар бирла тузиб базм,

Хаёлу фикр бирла боғлабон назм...

Мавлоно Нодир ўша асарнинг “Учинчи гулшан”ида бир қизнинг музика чалишдаги маҳоратини тасвирлаб:

Агар чун нағмасин айласа соз,

Садодек тошу қумдин чиқғай овоз,-

дейдики, бу мусиқий нағмаси билан гўё «тошу қумдин» ҳам садо чнқариб юборадиган санъаткорлар бўлганидан далолат беради.

КИТОБИЁТ ВА ХАТТОТЛИК

XVII-XIX асрларда китобиёт соҳаси ва хаттотлик санъати соҳасида аввалги асрлардаги тажриба ва анъаналар давом этди, истеъдодли хаттотлар етишди.

Хаттотлик санъатига доир махсус рисоалар ҳам яратилди. Шундай рисоалардан бири Мунис Хоразмийнинг «Саводи таълим» (1804) рисоласи бўлиб, муаллиф унда хат ва ёзувнинг маданий-маърифий аҳамияти, хат ёзиш қоидалари, хуснихат талаблари ҳақида маълумот ва ҳарфларнинг шакли бўйича машқлар беради. «Хатдан мақсад эрур хатти хўб» деган Мунис хатнинг аҳамиятини таъкидлаб, айтади:

Ҳар сўзки, кўнгилдин ўлди мавжуд,
Хат бўлмаса, бўлғай эрди нобуд.
Хат айлар ўз аҳлини мукаррам,
Хаттиға чекиб улусни ҳар дам.

XVII-XIX асрларда ҳам, худди аввалги асрларда бўлганидек, бир томондан, ўтган асрлардаги муаллифларнинг китоблари кўчирилиб тарғиб этилса, иккинчи томондан, янги асарлар яратилиб, тарғиб қилинар эди. Жумладан, қуйидаги асарлар кўчирилган, китобат қилинган ёки янгидан яратилган эди. Хевада - Имом Муҳаммад Ғаззолийнинг «Кимийи саодат» номли форс-тожик тилидаги асари (1819 йилда номаълум котиб томонидан кўчирилган), «Ҳошияи Мирзожон бар «Ҳикматул-айн» («Ҳикматул-айн» деган арабча китобга Мирзожон ёзган ҳошия; 1712 йилда Мулло Юсуф бин Мулло Амонкули томонидан кўчирилган); Бухорода - «Қаландарнома» (Амнр Ҳусайн Абулҳасаннинг сўфиёна шеърларн, 1846 йил), «Девони Қосим девона» (XIII аср шоири Қосим девонанинг сўфиёна шеърлари, 1712 йилда Муҳаммад Ғафур томонидан кўчирилган), «Саботул-ојизин» (Сўфи Оллоёр асари, 1819 йилда Исроил бин Абдулло сўфи томонидан кўчирилган), «Муродул-орифин» (Сўфи Оллоёр асари, 1843 йилда Исматулло Марвозий томонидан кўчирилган), «Маслакул-муттақин» (1813 йилда Муҳаммад Фозил, 1819 йилда эса Ёрмуҳаммад бин Холмуҳаммад томонидан кўчирилган), «Фолнома», «Тухфатус-салавот» ва бошқалар; Қўқонда - «Маслакул-муттақин» (1802 йилда Мулло Абдулло бин Тошпўлод Намангоний томонидан кўчирилган), «Саботул-ојизин» ва бошқалар. Шунингдек, Муҳаммад Тоҳир эшон Хоразмийнинг «Силсилатул-авлиё» ёки «Тазкирайи Муҳаммад Тоҳир эшон» (яна бир номи «Силсилаи хожағони нақшбандия») китоби сингари асарлар бунёдга келди. 1747 йилда Бухорода форс-тожик тилида ёзилиб, XIX асрда Хоразмда ўзбек тилига таржима қилинган бу китобда Хоразм, Самарқанд, Бухоро, Туркистон, Хуросон ва бошқа ерларда ўтгаи шайхлар, азиз-авлиёлар ҳақида баён этилади; Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Боқирғонийлардан тортиб Баҳоваддин Нақшбандий, Абдуҳолиқ Ғиждувонийгача, Махдуми Аъзам, Қул хўжа Убайдийлардан тортиб Ҳасанқули Аҳсаний Али Азизони Самарқандий ва жўйбор шайхларигача бўлган ўнлаб шайхлар таъриф ва тавсиф қилинади.

Китобиёт аа китобхонликда, айрим мударрнслар, хаттотлар ва толиби илмлар тарих, география, астрономия, риёзиёт, фалсафа, филология, табиёт каби фанларга тааллуқли асарларни кўчириш. ўрганиш ва тарғиб қилишга катта эътибор берар эдилар. «Тарихн Табарий» (1916), «Равзатус-сафо» (1820), «Тарихи Роқимий» (1852), «Тарихи Муқимхоний» (1845), «Нисобус-сибён», «Рисола дар махорижи ҳуруф», «Чанд луғати арабий ва форсий», «Шарҳи абёт», «Тазкиратуш-шуарои Давлатшоҳий», «Рисолайи аруз», «Арузи

Сайфий» каби асарларнинг китобат қилиб кўчирилиши, ўрганилиши ва тарғиб қилиниши бунинг равшан далилидир. Бу даврда етишган Муҳаммад Собир мударрис Бухорий, Иброҳим Мулло Боқий Тошкандий, Мулло Одил Тошкандий, Абдулҳаким Шоший, Оллоқули Хоразмий, Мирзо Ғойиб Марғилоний, Мулло Муҳаммад Содик Хўқандий, Муҳаммадхожайи Бухорий каби хаттотлар, котиблар Жомий ва унинг шогирди Абдулғафур Лорий, Навоий, Бобир, Ҳилолий ва Бедил каби мутафаккир сўз санъаткорларининг қанча-қанча асарларни кўчириб, китобхонларга тақдим қиладилар. Айрим китоблар Хева, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Қўқон ва бошқа шаҳарларда бир неча марта кўчирилган. Чунончи, Абдулғафур Лорийнинг «Ҳошия ал-фавоид ал-зиёия» китоби 1792 йилда Бухорода (Тўрахожа бин Хожажони Тошкандий томонидан), 1786 йилда Наманганда (Мир Шариф бин Мулло Муҳаммад Зоҳир томонида). 1800 йилда Хевада (Оллоқули Хоразмий томонидан) 1873 йилда Қўқонда кўчирилган. (Абдулғафур Лорийнинг бу китоби 1475 йилда ёзилган бўлиб, унда Абдурахмон Жомийнинг таржимаи ҳоли ва «Нафоҳотул-унс» асари ҳақида баҳс юритилади.)

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу даврда китобхонлик ва китобдорлик борасида Алишер Навоий асарлари алоҳида ўрин тутади. Хевада ҳам, Бухоро ва Қўқонда ҳам Навоийнинг деярли ҳамма асарлари хаттотлар қалами билан қайта-қайта кўчирилади,

Албатта, хаттотларнинг билим савияси ва ҳуснихати бир хил даражада эмас ади. Бунимдон, саводи мукамал ва ҳуснихатга моҳир хаттотлар билан бирга, чала мулла ва бадхат котиблар ҳам бор эди. Турли-туман машаққатларни енгиб, мустақил машғулот, кунт ва иштиёқ билан «муншии зебо рақам», «назокат савод» бўлиб етишган хаттотлардан бири XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг биринчи ярмида Фарғона водийсида яшаган Муҳаммад Амин Косонийдир. Унинг “меъморилик”, “бино тарҳандоз”лик, “наққош”лик, “нажжор”лик, “муаммокушой”лик, “нуктадон”лик, “ҳакими суҳангўй”ликлари билан бирга, “мунши зебо рақам” ва “назокат саводлик”лари ҳақида мана бундай байтлар ҳам тўқилган эди:

Накутабъу санжидаю пурҳунар,

Зи ҳар пешаву ҳар ҳунар баҳравар.

Чу Беҳзоду Моний бувад дар қалам,

Тавон гуфт муншии зеборақам.

Муаммокушаяндаи нуктадон,

Ҳакими суҳангўйи асрорхон.

Бу ҳусни китобат назокатсавод,

Ки бар хеш Мунший таҳаллус ниҳод.

XVII-XIX асрларда яратилган ёки кўчирилган китоблар фан ва

маданиятнинг турли соҳаларига мансуб бўлиб, улар ўз даври эҳтиёжи ифодаси бўлиши билан бирга, кейинги даврларга ҳам мерос бўлиб, фан ва маданият обидаларига янги ҳаёт бағишлади, уларни боқий қилиб қолдирди. Мунис Хоразмий “Саводи таълим” рисоласида:

Ул бўлмаса бўлмағай китобот,

Бул бўлмаса қолмағай ҳикоёт, -

деганидек қомат ва хат китоботни вужудга келтиради, унга умр беради.

XVII-XIX аср китоботи, хусусан, луғат, тарих, мемуар, тазкира каби асарлар адабиётшунослик жихатидан кагта ақнмиятга эга, Бинобарин, биз луғат, тарих ва мемуар асарлар ҳақида маълум тасаввур ҳосил қилиш учун, айримлари билан қисқача танишиб ўтамиз.

Муҳаммад Хоксор ва унинг “Мунтахаб ул-луғот” асари

Шу даврда Бухоро, Самарқанд, Марв ва бошқа шаҳарларда кўпгина котиблар томонидан қайта-қайта кўчирилиб, шуҳрат топган асарлардан бири Муҳаммад Хоксориинг «Мунтахаб ул-луғот» асаридир. Муҳаммад Хоксор замонасининг буюк ва донишмандларидан бирн бўлган, У 1798 йилда Хевада «Мунтахаб ул-луғот» китобини ёзган. Муҳаммад Хоксор ўзининг бу асарини яратишда қуйидаги машҳур асарлардан, яъни, “Канзул-луғот”, «Хулосат ул-луғот», «Мажма ул-фурс», «Меърожнома» иомли китоблардан; Алломаи Тафтазоий, Хусайн воиз асарларидан; Мавлоно Муиннинг «Баҳрул-дурад», Абулқосим Фирдавсийнинг «Шохнома», Низомий Ганжавийнинг «Хамса», Шайх Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон», Абдурахмон Жомийнинг “Юсуф ва Зудайҳо”, «Силсилатуз заҳаб», «Девони Жомий», Алишер Навоийнинг «Хазойинул-маоний». “Хамса”, «Маҳбубул-қулуб», «Лисон ут-тайр», «Ҳасби ҳол», «Вақфия» ва бошқа асарлари, Фузулийнинг “Банг ва бода”, “Девон”, “Лайли ва Мажнун” асарларидан, Мавлоно Юсуфий, Мавлоно Нозим ва Мавлоно Умархўжа шеърларидан фойдаланган.

“Мунтахаб ул-луғот”да инсон ва унинг тирикчилиги учун зарур бўлган ҳаётий масалалар асос қилиб олинади. Унда жониворлар, паррандалар, дарахтлар, мевалар, наҳрлар, чашмалар, бинолар, тарихий ёдгорликлар, зироат ва ҳунармандчилик анжом-аслаҳалари, рўзғор буюмлари, косиблик ускуналари, кийим-кечаклар, зийнат безаклари, ишлаб чиқариш ва жамият ҳаёти учун керакли ашёлар ҳақида, одамнинг онги ва билимини юксалтиришда зўр аҳамиятга эга бўлган география, триногеометрия, астрономия, архитектура, музыка, адабиёт, хаттотлик, ҳайвонот, наботот ва бошқа соҳалар юзасидан муҳим ва қимматли маълумотлар берилади.

“Мунтахаб ул-луғот”да бадий адабиёт муҳим объект бўлиб хизмат қилади. Муаллиф турли соҳаларга доир сўзларнинг маъносини алифбо тартиби билан изоҳлашда ўзбек, тожик, эрон ва озарбайжон адабиётидан,

машҳур адабиёт ёдгорликларидан мисоллар келтиради. Чунончи, “ҳаққок” сўзининг маъносини “дур тешувчи” деб изоҳлагандан сўнг, Алишер Навоийдан, “Сабъаи сайёр”да “буюрурлар” деб, куйидаги байтни келтиради:

Дурни суфт айламак аро ҳаққок

Кўп қилур саҳв бор эса бебок.

“Ҳасаб” сўзи “фазл ва ҳунар” ва “улуғлук” маъноларида ишлатилиши уқтирилгандан сўнг, “Бу маънига Амир (Алишер – В.А.) “Искандарнома”да Нозмехр бирла Равшанак ҳикоятида буюрурлар” деб тубандаги байт берилган:

Насаб бирла етса анго шоҳлик,

Ҳасаб бирла етмиш манго моҳлик.

Ёки “Банно ва меъмор – иморат қилувчи устод”. Бу маънига Амир “Фарҳод ва Ширин”да... Фарҳод учун қаср бино қилатурғон ерида буюрурлар, байт:

Буюк тоқ устида устоди банно,

Куйидин қилса ғишт олмоқ таманно.

Боҳир – ғалаби ҳунар ва ҳусн жамол. Бу маънига Амир қасида буюрурлар...”

Бу маълумотлар филологик қимматга эга бўлиши билан бирга, Муҳаммад Хоксорнинг меҳнатга, ҳунар ва ҳунармандчиликка, жасурлик ва тўғрилиқка иштиёқмандлигини кўрсатиб туради. Муҳаммад Хоксор ўз асаарида улуғ Алишер Навоийнинг буюк инсонпарвар сифатида айтган чуқур мазмунли қимматли фикрларини мисол келтириб, ҳунармандликда ҳам, бошқа ишларда ҳам камолга етиш учун, хатога йўл қўймаслик учун кўрқмаслик, енгилтак, бсфаросат иа калтафаҳм бўлмаслик, балки дур-гавҳарни тешишда дур тешувчи қанчалик меҳнат сарф қилса, ана шунчалик захматқашлик ва ишқибозлик кўрсатиш лозимлигини уқтиради. Муҳаммад Хоксор, одамнинг кадр-қимматини унинг насл-насаби ёки мансаби эмас, балки “фазл ва ҳунари” белгилаши лозим, деган Навоийнинг фнкрини қувватлайли. Муаллиф, кишининг довюрақлиги, ботирлиги, унинг тўқайга кириб шернн ўлдириб чиқиши билангина эмас, балки мантиқ эътибори билан бой мазмунни ифодалаши, нафсоният итларини ўлдириб, ном қозониши билан белгиланади; инсон фақат шу йўл биллап ўз фазилатларини зийнатлайди, дейди.

«Мунтахабул-лугот»да «хурофот» сўзи «сўзлареки, андин кулку келур» деб шарҳланса, «харафот» (Су икки сўз араб графикасида бир шаклда ёзилади) сўзи эса «кам шудани ақл аз жиҳати пири» (қарилик туфайли ақлнинг камайиши) деб изоҳланади.

Муҳаммад Хоксор ҳақиқат ва ҳаққониятни, тўғрилиқ ва ростгўйликни севади. Билимдонлик ва донишмандликни ҳаётда кўришни, турмушда, тажрибада синовдан ўтказишни маъқул кўради. Бу жиҳатдан унинг «басорат ва

басират» сўзларига ёзган баёни алоҳида аҳамиятга эгадир. «Басорат ва басират - донишманд ва хирадманд», деб ёзади муаллиф ва фикрини давом эттириб, кўйидагича фалсафий тафсилот беради:

«Басорат ва басират — асл луғатда мутлақ кўрмоқлик маъносида. Чунончи, аҳли басиратга возеҳ ва равшандир... Яъни ақл билан идрок қилатурған ишлари... кўзи билаи кўрар. Хато жонибиға айланмас. Андоқки, киши кўзи билаи кўрган нимарсада сахв ва хато бўлмас, балки маҳсусотдин мақулотни (мавҳумдан маълумни) яхши кўрар».

Муҳаммад Хоксор турмуш воқеаларини кўриб, кузатиб, фикр ҳосил қилнш, аниқ билимга эга бўлиш ва шу хилда амалий ишда хатога йўл кўймаслик керак, дейди ҳамда бу муҳим фалсафий фикрини: «ҳар кишига бу давлат муяссар бўлса, муборак бўлгай», - деб тугатади.

«Мунтахабул-луғот» Муҳаммад Хоксорнинг, ўз даврига кўра, турли соҳаларда хийла кеиг ва чуқур билимга, маълумотга эга эканлигидан далолат беради. У юлдузшунослик ва тригонометриядан ҳам хабардор киши бўлган. Бу китоб муаллифининг хандасага (тригонометрияга) оид терминларни (сатҳ — текислик, қутр — фазо, ватар — камон, ярим доира, минтақа — она, қитъа; меҳвар — чарх ўқи; хатти устуво — экватор кабиларни) бир бобга тўплаб, алоҳида-алоҳида тафсилотлар бериши ва, бирмунча содда бўлса-да, айрим шакллар, чизиқлар чизиб кўрсатиши унинг китобини бошқа луғат кптобларидан фарқ эттиради ва юқори даражага кўяди.

«Мунтахабул-луғот»нинг биология ва зоологияга доир ўринлари ҳам китобхонни қизиқтиради. Чунончи: ашқар, абраш, ашҳаб, адҳам, марқаб, жанибат, шамус сўзлари келтирилиб, буларнинг ҳаммаси ҳам миниладиган отларнинг номлари эканлиги уқтирилар экан, айни ҳолда уларнинг хусусиятлари, ранги, турки ҳақида ҳам маълумот берилади. Чунончи: «шамус» — ўзига кишини ёндаштирмайдиган, минишга кўймайдиган асов от; «ашқар» — бўз от; «абраш — баданида оқ ҳоллари кўп бўлган от; «ашҳаб — ола от; «адҳам» — қора рангли от ва ҳоказо.

Китобда; агони, балоғат, бадеъ, ташбеҳ, разм, радиф, фасоҳат, мажоз, мизмор, муродиф, назм, ҳижо каби сўзлар изоҳланадики бу муаллифнинг музыка, адабиёт ва архитектура соҳасида ҳам билимли эканини кўрсатади. Мисоллар:

«Ташбеҳ — ўхшатмоқ ва монанд қилмоқ. Бу маънга буюрурлар:

Қилди Навоий қадинга сарви сихи ташбеҳини,

Бу таъби номавзун ила бечора шоир бўлгуси.

Шеър — сухани мавзун (келишган сўз); назм — ипга марварид термоқ; ҳижо — ҳажв қилмоқ; балоғат — сўзга яхши етишмоқ ва сўзни мухотабга яхши адо бирла баён қилмоқ».

Бу изоҳлар замирида Муҳаммад Хоксорнинг сўз санъатида камол топиш, гавҳар доналарини ипга тергандай моҳирона ишлатиб асарлар яратиш билан адабиётни юксалтириш ҳақидаги истаклари кўриниб турибди.

Китобда Арабистоннинг Ҳуссон, Саҳбон ва Фараздақ каби машҳур шоирлари ҳам тилга олинади. Чунончи, муаллифнинг китобга киритилган бир шеърида объектнинг тавсифини чизиб кўрсатишда ўзи у ёқда турсин, ҳатто Фараздақ ҳам ожизлик қилади, деган муболағали мисралар келтирилади:

Манго не ҳадки тавсифин дегайман,
Анинг мадҳида ожиздир Фараздақ.

Яна бир ўринда: «Ҳуссон ном шоиреки фасоҳат ва балоғат бирла маъруф эрди. Амир буюрурлар», деб Навоийнинг ҳам бу шоир билан хисоблашганлигини кўрсатувчи шундай мисралар келтирилади:

Вагар бўлсанг фасоҳат ичра навъе,
Ки назминг айлагай Ҳуссонни беҳуд.

Китобда: «Саҳбон... бир шоирнинг отидирким арабда камоли фасоҳат ва балоғат бирла машҳур эрди», деб уқтирилиб, Фузулийнинг ҳусни таърифлашда бу шоир билан баҳслаша бошлаганига доир шундай байти келтирилади:

Сифати ҳуснинг этар хаста Фузулий не ажаб,
Ҳусни гуфтор ила тар айласа Саҳбон ила баҳс.

Бу китобнинг баъзи ўринларида арабча байтлар ҳам келтириладики, бу Муҳаммад Хоксорнинг араб тилини яхши билганлиги ва араб адабиётидан ҳам дурустгина маълумотга эга эканлигини кўрсатади.

Муҳаммад Хоксор ўз замонасидаги ўзбек адабиётини раванк топтиришда, унга маънавий озик беришда Навоий сингари машҳур вакиллари бўлган ўзбек классик адабиётининг ҳамда бу адабиёт билан қадимдан яқин алоқада бўлиб келаётган тожик ва озарбайжон адабиётининг ролига алоҳида эътибор беради. Шунинг учун ҳам у ўз китобига Низомий ва Фузулийдан, Фирдавсий ва Саъдийдан, Жомий ва Навоийдан, Нозим ва Юсуфийдан шеърий парчалар келтириб, бу парчаларни ўз замондошлари учун ибрат, намуна сифатида хизмат эттиришни истайди.

Муҳаммад Хоксор Алишер Навоий ижодига алоҳида эътибор билан қарайди. У арабча, форсча ва тожикча сўзларни изоҳлаш, ўз мулоҳаза ва фикрларини тасдиқлаш учун ҳаммадан кўра кўпроқ Навоий асарларига мурожаат қилади. У Навоийнинг ҳамма асарларини кўздан кечириб, изоҳ қилиниши лозим бўлган сўзларга доир ўринларни таилаб олади. Муаллифнинг ўзи китобнинг муқаддимасида зътироф этганидек, Навоий асарларининг қарийб ҳаммасидан мисоллар келтиришга муваффақ бўлади.

Демак, Муҳаммад Хоксор арабча; форсча сўзларни тушунтириш

билангина чегараланиб қолмайди, балки луғат воситаси билан бўлса ҳам Шарқ адабиётининг машҳур классиклари Фирдавсий, Низомий, Саъдий, Жомий, Навоий, Фузулий ва бошқа устоз санъаткорларнинг асарларини китобхонларга тақдир қилади, уларни тарғиб ва ташвиқ этади. Бу эса XVIII аср адабиёти учун ҳам, кейинги асрлардаги шоирлар ижоди учун ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эга эди. Шу сабабдан ҳам «Мунтахаб ул-луғот» китобига бўлган талаб тобора ўсиб борган ва котиблар бу асарини қайта-қайта кўчириб, шоирлар, ёзувчилар ва маданият мухлисларига тақдим этганлар.

ТАРИХНАВИСЛИК

XVII-XIX асрларда ўзбек ва тожик тилларида яратилган тарих китоблари тарихий манба бўлиши билан бирга, маълум даражада маданият ва адабиёт ёдгорлиги ҳамдир. XVII асрда Сайид Муҳаммадтоҳир бин Абулқосимнинг «Ажойибут-табақот» номли географик асари, Абулқосим бин Шоҳмирзо ибн Саъдулла ал-Ҳусайний ал-Қасбавийнинг «Натойижул-фикр» тарихий китоби, Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи турк», «Шажараи тарокима» номли тарихий таснифлари, Муҳаммадамин Яроқчининг «Муҳитут-таворих» асари, Мулло Шарафиддин Аълам ибн Нуриддин Охунд Мулло Фарҳод Самарқандийнинг «Таворихи касира» асари, Маҳмуд ибн Валининг «Баҳрул-асрор фи манокібул-ахёр» китоби, Суҳайлонинг «Имомқулинома» шеърий тарихи каби асарлар яратилган эди.

Шеърий таҳаллуси билан асарлар ёзган Абулқосим бин Шоҳмирзо ибн Саъдулла ал-Ҳусайний «Натойижул-фикр» асарида Субҳонқулихон ҳукмронлиги давридаги тарихий воқеаларни баён этади. Абулқосим Шеърий Субҳонқулихонни кўкларга кўтариб мақтайди, унга қарши бош кўтарган кўзғолончиларни эса (масалан, 1657 йилдаги Бухоро кўзғолони қатнашчиларини) «аҳли фасод» деб баҳолайди.

XVII асрнинг кўзга кўринган тарихчиларидан Маҳмуд ибн Вали ўзининг «Баҳрул-асрор фи маиоқибул-ахёр» («Яхши кишиларнинг фазилатларига доир сирлар денгизи») номли 7 томдан иборат ўзига хос энциклопедик асарининг тарих бўлимида Чингизхон давридан бошлаб аштархонийлар давригача бўлган воқеа-ҳодисалар тўғрисида маълумот беради.

Бу даврда яратилган тарихий асарлардан яна бири Мулло Шарафиддин Аълам Охунд Самарқандийнинг «Таворихи касира» асаридир. Аммо бу асар бизгача айнан етиб келмаган. Унинг қисқартирилган варианты, проф. А. А. Семёнов кўрсатганидек, илм аҳли орасида машҳурдир. «Таворихи касира» асарининг қисқартирилган вариантининг муаллифи XVII аср охири ва XVIII аср бошларида яшаб ижод этган ва Роқимий таҳаллуси билан шуҳрат қозонган Мир Сайид Шариф Роқим Самарқандийдир.

XVIII аср ва XIX асрнинг биринчи ярмида тарихнавислик соҳасида Мулло Хўжа Гаюрнинг «Омадани Муҳаммад Раҳимбий оталиқ ба вилояти Кеш», Муҳаммад Вафо Карминагийнинг «Тухфаи хоний» ёки «Тарихи Раҳимхоний», Мирмуҳаммад Амин Бухорийнинг «Убайдуллонома», Абдурахмон Толъининг «Тарихи Абулфайзхон», Муҳаммад Шариф бин Муҳаммад Нақийнинг «Тожут-таворих», Муҳаммад Содик Мунший Бухорийнинг «Футухоти амир Шохмурод дар Эрон», Ҳакимхон Тўранинг «Мунтахабут-таворих», Мирзо Қаландар Мушриф Исфарагийнинг «Шохномаи Нусрат паём», Муҳаммад Ёқубнинг «Гулшанул-мулук», Мулло Шариф ва Мулло Ибодуллоларнинг «Тарихи амир Ҳайдар», Мунис ва Огаҳийларнинг «Фирдавсул-иқбол» каби илмий савияси ва ғоявий мақсади ҳар хил бўлган бир қанча тарихий асарлари яратилди. Бу асарларнинг кўпчилиги, асосан, Бухоро, Хева ва Қўқоннинг XVIII асрдаги ва XIX асрнинг бошларидаги ижтимоий-сиёсий ҳаётини, бу ўлкалардаги тарихий ҳодиса-воқеаларни баён этишга бағишланган, уларнинг айримлари фактик материалга бойлиги, воқеаларни баён этиш услуби ва бошқа жиҳатлари билан алоҳида ажралиб туради. «Тарихи Муқимхоний», «Убайдуллонома», «Мужтахабут-таворих», «Фирдавсул-иқбол» каби тарихий асарлар шулар жумласидандир. Бу асарларнинг яна бир қиммати шундаки, уларда фақат тарихий воқеаларнинг баёни берилиб қолмасдан, балки шу билан бирга, маданий-адабий ҳаётга доир хилма-хил қимматли маълумот ва материаллар ҳам берилади. Бинобарин, бу асарлар XVIII аср ва XIX асрнинг биринчи ярми маданий ҳаётини, жумладан, бадиий адабиётини ёритишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

АБУЛҒОЗИ БАҲОДИРХОН

(1603-1664)

Абулғози 1603 йилда Хева хони Арабмуҳаммад оиласида дунёга келди. У болалик чоғларидаёқ, тож-тахт талашларининг жабр-жафосини чекди. Мансабпарсат оталари томонидан Эронга четлатилди. Эронда ўн йил назорат остида яшагандан кейин ўз ватанига қочиб келди ва қаттиқ курашлардан сўнг Хева тахтини эгаллаб, 1645 йилдан 1663 йилгача ҳукмронлик қилди.

Абулғози шарқшунослар ва тарихчилар қайд қилганидек, Хева хонлиги ҳокимиятини мустаҳкамлашга, Хевага қўшни бўлган давлатлар билан алоқани кучайтиришга интилди. Буларнинг барчаси маълум даражада ижобий аҳамиятга эга эди.

Абулғози 1663 йилда ўғли Ануша Муҳаммадни ўз ўрнига хон қилиб кўтарди, шундан кўп ўтмай, у 1664 йилда 61 ёшида вафот этди.

Абулғози сиёсий ва ҳарбий ишлар билангина чекланиб қолмади. У илм-

фан, санъат ва адабиёт бялан ҳам шуғулланди; замонасининг етук тарихчиси бўлиб етишди. Бу тўғрида Абулғозининг ўзи «Шажараи турк» иомли асарида шундай ёзади: “Бу фақирға худои таоло нноят қилиб кўп нимарса берган турур. Хусусан, уч нимарса берган турур: аввал сипоҳгарликнинг қонун ва йўсини... нккинчи. маснавиёт ва қасоид ва ғазалиёт ва муқаттиёт ва барча ашъорни фаҳхламаклик, арабий, форсий ва туркий луғатларнинг маъносини билмаклик, учинчи, Одам атодан то бу дамгача Арабистонда ва Эрон ва Туронда ва Мўғулистонда ўтган подшоларнинг отлари ва умри ва салтанатини каму зиёдини билмаклик.

Абулғози ўз сиёсий фаолиятини давом эттириш бялаи бирга, адабий ва илмий ишлар билан ҳам шуғулланиб, асарлар яратди. Абулғози тиббиёт билан ҳам шуғулланиб, «Манофеъул-инсон» (Инсоннинг манфаатлари) номли рисола ёзган. Унда 120 дан ортиқ хасталик ҳақида сўзлаб, бу хасталикларни даволаш йўллари китоблардан, жумладан Абу Али ибн Синодан ўқиб, устодлардан эшитиб олганини қайд этади. Абулғози қобилиятли шоир ва донишманд муаррих – тарихчи бўлган. Унинг «Шажараи гарокима» ва «Шажараи турк» асарлари Хоразмнинг, шу билан бирга, туркман ва қорақалпоқ халқларининг XVI-XVII асрлардаги тарихини ўрганишда муҳим манбадир. Хоразмнинг кейинги асрлардаги тарихини ёзган Мунис, Огаҳий ва Баёнийлар Абулғозига юқори баҳо берганларидек. Г.Вамбери ва Б.Бартольд каби шарқшунослар ҳам унинг илмий фаолиятини юксак баҳолайдилар. Масалан, венгер шарқшуноси Герман Вамбери: «Абулғози Баҳодирхоннинг кўпгина ишлари Бобирни хотирга туширади... жаҳон анинг «Шажараи турк» номидаги туркпй асари учун ундан миннатдордур», — деган эди.

Мунис таъбирича, “Бағоят ашъорфаҳм ва тарихдон киши” бўлган Абулғозининг биринчи тарихий асари “Шажараи тарокима” бўлиб, у хижрий 1071 йилда (мелодий 1660-1661 йилларда) ёзилгандир. Абулғозининг “Шажараи тарокима” асарининг ятарилиш сабаб ҳақида ёзган қуйидаги сўзлари диққатга сазовордир: “Туркманнинг муллолари ва шайхлари ва беклари менинг тарихни яхши билуримни эшитиб турурлар, тақи бир кун барчалари келиб арз қилдиларким, бизнинг ичимизда “Ўғузнома” кўп турур. Аммо ҳеч яхшиси йўқ. Борчаси ғалат ва бириси-бирисиға мувофиқ эмас, ҳар қайсиси бир турлук ва бир дуруст эътибор қилгудек тархи бўлса эрди, деб ўтун қилдилар. Эрса онларнинг ўтунларини қабул қилдим. Тақи китобни айтмоққа ружў қилдук. Тақи бу китобга “Шажараи тарокима от қўйдук... Онча билғонимизни бир-бир этолинг, билмагонимизга идож не”.

Абулғози бу асарига туркман халқи тарихига оид тарихий манба ва ривоятларни ҳам, афсона ва ҳикоятларни ҳам иложи борица киритишга

интилган. “Шажараи тарокима”нинг муаллифи ўз асарини содда, оммабоп услуб ва тилда ёзишга алоҳида эътибор берган. Буни унинг ўзи ҳам алоҳида таъкидлаб, шундай ёзган эди: “Барча билингим, биздин бурун тюркий тарих айтқонлар арабий луғатларни қўшиб турурлар ва форсийни ҳам қўшиб турурлар ва туркийни ҳам сажъ қилиб турурлар. Ўзларининг хунарлари ва устозликларини халққа маълум қилмоқ учун. Биз мунларнинг ҳеч қайсисини қилмадук, анинг учун ким бу китобни ўқуғучи ва тинглағучи албатта турк бўлғуси турур: бас, туркларга туркона айтмоқ керак, то уларнинг барчаси фаҳм қилғайлар”.

Абулғозининг фикрлари, унинг “туркона айтмоққа” ҳаракат қилиши кейинги тарихий асарида ҳам ўз ифодасини топган. Бу эса Абулғозининг беовсита жонли тилга мурожаат этгани ва ўз асарларини ёзаётганида “андоқ айтмоқ керакким, яхши ва ёмон борчалари билиб, кўнгулларига маъқл бўлғой” деган принципга амал қилишга уринганини кўрсатади. Шу билан бирга, Абулғози “Шажараи тарокима” асарида туркман халқи томонидан ижод қилинган кўпгина ривоят ва ҳикоятларни, хусусан, афсонавий Ўғуз, Дада Кўркут ҳақидаги эртақ ва достонларни яхши билган киши сифатида кўзга ташланиб туради. Бу эса “Шажараи тарокима” асарининг адабий қимматини янада оширади.

“Шажараи тарокима” туркман халқи тарихини ўрганишда муҳим бир манба сифатида аҳамиятлидир. Шунинг учун ҳам академик В.Бартольд бу асарни туркман халқи тарихига бағишланган махсус китоб сифатида таърифлаган ва айни чоғда ундан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш кераклигини ҳам таъкидлаб ўтган эди. Чунки “Шажараи тарокима”да тарихий маълумотлар билан бир қаторда афсона, ривоят ва ҳикоятлар ҳам мавжуд бўлиб, баъзи ҳолларда тарихий ҳақиқат афсона билан қоришиб, аралашиб кетган эди.

Абулғозининг иккинчи тарихий асари “Шажараи турк” бўлиб, муаллиф уни ёзиб тугатишга улгурмай вафот этган эди. Ануша Муҳаммад отаси ўлимидан кейин «Шажараи турк» асарини ёзиб тугатишни Маҳмуд бинни Мулло Муҳаммад Замон Урганжийга буюради.

Абулғози «Шажараи турк» асарида ўз сулоласининг шажарасини, ҳукмдорларнинг силсиласини тарихий воқеалар ва кўпинча, афсона ва ривоятлар фонида ёритади. «Шажараи турк» асари тўққиз бобдан иборатдир. 1-2- боб, Шарқ тарихчилари анъаналарига мувофиқ, Одам атодан бошлаб, Чингизхонгача бўлган воқеалар баёнига; 3-4-5- боблар Чингизхон ва унинг Чиғатой, Тўли номли ўғиллари ҳамда уларнинг болаларининг Мовароуннахр, Мўғулистон, Эрон ва Қашқардаги ҳукмронликлари баёнига бағишланади; 7-8- бобларда эса Жўжи болаларининг Дашти Қипчоқдаги ҳокимияти

тасвирланади. Тўққизинчи бобда XVI асрдан XVII асрнинг иккинчи ярми (60-йиллар)га қадар бўлган Хоразм тарихига доир воқеалар нақл ва ривоятларга яқин бир услубда ҳикоя қилинади. «Шажараи турк»нинг 1-8- боблари компилятив характерда (бошқа китоблардаи йиғиб олиб ёзилган) бўлса ҳам, унинг

9- боби ўзининг оригиналиги ва тарихий воқеаларнинг бевосита шохиди бўлмиш киши томонидан ёзилганлиги туфайли ўша давр тарихини ўрганишда муҳим манбалардан биридир. Шунинг учун ҳам Хоразм тарихини ёзган XIX аср муаллифлари Мунис, Огаҳий ва Баёний ҳамда Хоразм ва Марказий Осиё тарихини ўрганган шарқшунослар В. Бартольд, Г. Вамбери, Н. Веселовский, А. Якубовский, Я. Ғуломов ва бошқалар Абулғозининг «Шажараи турк» асаридан фойдаландилар.

Абулғози «Шажараи турк»да ўз ота-боболарининг ҳукмронлиги давридаги тарихий воқеалар бирор тарихий китобда битилмаганидан афсусланади: «Бизнинг ота-оқаларимизнинг бепарволиги сабабидан Абдуллахоннинг оталари бирлан оталаримизнинг айрилғон то бизга келганча тарихларини битмай эрдилар». Демак, Абулғози ўз сулоласининг тарихини яратмоқчи ва шу орқали уни янада мустаҳкамлаш учун курашмоқчи бўлган. Бинобарин, муаллиф асарда ўзидан илгари ўтган ҳокимларга ана шу нуқтаи назардан ёндашади, уларнинг хулқ-атвори, сиёсати ва хатти-ҳаракатларини тасвирлаб, уларни мактайти ва ибрат олишга чақиради (Жалолиддин, Темур Малик, Али Султон, Қурбон ҳожи кабилар), баъзиларини эса танқид қилади, ҳажв остига олади (Севинчхон, Бердибек, Ҳабаш, Элборс кабилар).

«Шажараи турк»нинг муаллифи ўзининг асарини содда ва оммабоп тилда ёзиш ҳақида «Шажараи тароқима»да баён этган фикрларини давом эттиради. У «Шажараи турк»ни «...туркий тили билван айтдум. Туркийни ҳам андоқ айтубманким, беш ёшар ўғлон тушинур», дейди. Асарнинг композицион тузилишида ҳам Абулғози баёндаги ихчамликка, ифоданинг изчиллигига ва воқеаларни латифа ва ривоя услубида содда ва жозибали қилиб баён этишга эътибор берган. Баъзан эса муаллиф, воқеалар баёнида турли пейзажларни тасвирлаб, жонли манзаралар яратади. Шу билан бирга, у орага ўз саргузаштларини қистириб ўтади. Бу хусусиятлар «Шажараи турк»ни эсдаликлар типидagi мемуар асарларга, жумладаи «Бобурнома»га яқинлаштиради.

Абулғози ўз асарининг кенг тарқалишини таъминлаш ва таъсир кучини ошириш мақсадида мақол ва эртаклардан ижодий фойдаланади, бадий тасвир воситаларини ишлатади. Буларнинг ҳаммаси «Шажараи турк»нинг маърифий аҳамиятини оширади, содда жумлаларда ҳарорат билан тасвирланган воқеа ва хотиралар кишини ўзига мафтун этади. Масалан, 1622 йилда Хевада кўтарилган фитна ва унга қарши кураш оқибатини Абулғози қуйидагича

эслайди: «Асфандиёрни сўл ва фақирни ўнг қилиб эрдилар (Лашкарнинг сўл ва ўнг томонлари назарда тугилади.— В. А.). Улуғ уруш бўлди. Фақир уч от йиқилгунча уруштум. Барча халқдин сўнг кетдум. Қатимда олти киши бўлди. Кейинимдан жов кўп етди. Қайтиб уруштук. Ул қирқ киши жов кўтарила от солди, тақи аралаша қолди... ўзга кишиларимизнинг ҳар қайсиси ҳар тарафга кетти... Жов қолмай от қулаб кела юруб эрди. Бириси ўқ бирла оғзимга урди, эгнағимнинг суяклари пора-пора бўлди. Оғзим тўла қон бўлди. Бир улуғ йилғинни ўрқулдум, жовни кўзи мани кўрмай ўзга кишига тушди. Шу вақтда отимнинг аёқи сичқоннинг инина кириб, андоқ йиқилдиким, оттин тўрт-беш қадам йироқ бориб туштум. От турди, тақи ғовғодин қочти, юрийверди. Қатимдаги киши манга отини бериб ўзи қолди. Ёш ўғлон якка борур эрдим».

Бу парчада фитнани бостиришга қатнашган Абулғозининг ҳолати, кайфияти кўз ўнгимизда гавдаланадиган даражада жонли ва ишонарли қилиб тасвирланган,

Табиат манзараларини, жанг лавҳаларини, қилич товуши, отнинг дукурлаши ва кишиларнинг ҳайқириғини тасвирлаганда ишлатилган сўзлар ҳам, бадий ифода услуби ҳам китобхонни завқлантиради. Асарда кишиларнинг хулқ-атвори ҳам ихчам, содда ва равшан акс эттирилган. Масалан: «Отнинг оти Жонибек, ул ҳам беақл киши эрди, онинг ўғли Искандархон, ул ҳам кам ақл киши эрди». Аванишхоннинг Маҳмуд Султон номли ўғли ҳақида эса бундай дейилади: «Иккинчи ўғлининг оти Маҳмуд эди. Они сари Маҳмуд Султон дерлар эрди. Бениҳоя тентак ва ғайратсиз ва номуссиз ва кўрқоқ киши эрди».

«Шажараи турк» насрда ёзилган бўлса ҳам, унда баъзи ўринларда бирор воқеа муносабати билан байт ва мисралар келтирилади. Асарда айрим мақоллар ҳам учрайди. Масалан: «Ўксук ўэ киндигин ўзи кесар», «Отанг эвин ёв чопса, бирга чоп», «Ўн дарвеш бир палос устиға сиғар, икки подшоҳ жаҳонга сиғмас», «Ит семирса, эгасин копар» ва бошқалар. «Шажараи турк»да саж усулида ёзилган жумлалар ҳам бор. Масалан: «Менглихон тақи бир неча йиллар эт еб, қимиз ичиб.... ойдай, кундай сулувларни қучиб, симобдай йўрғаларни миниб, кўнгли теган ерларга учиб, ул дунёға кетди»; «Ўрдухон подшоҳ бўлиб, бир неча йиллар арақ ва қимиз ичиб, хитои кимхобни пичиб, сулувларни қучиб, отаси кейинидан кетти» кабилар.

Абулғози ўзининг биринчи тарихий асари бўлган “Шажари тарокима”да саж усулини қўлламаганини уқтирган бўлса ҳам, лекин у анъанавий тарихий хроникаларнинг анъаналари, улардаги “мусажжаъ муражжаз”, “ори”лар ҳамда халқ оғзаки ижодиётининг таъсири натижасида ўзининг “Шажараи турк” асарида жой-жойи билан беихтиёр саж усулини ишлатадики, бу ҳол асарнинг равонлигини на мусиқийлигини оширишга ёрдам берган.

Шундай қилиб, «Шажараи тарокима» ва «Шажараи турк» асарларини яратган Абулғози ўрта аср тарихчилигига ўз ҳиссасини қўшган XVII асрнинг билимдон сиймоларидан биридир. Агар унинг тиббиётга доир «Манофеъул-инсон» рисоласи ва ўзининг «бағоят ашъорфаҳм»лиги ҳам эътиборга олинса, Абулғозининг ўз даврнинг кенг билимли кишиси бўлганлиги яққол намоён бўлади. Демак, Абулғозининг асарларидаги қарама-қаршиликларни инкор этмаган ҳолда уни XVII аср маданияти тарихига сезиларли ҳисса қўшган бир арбоб сифатида баҳолаймиз.

“Тарихий Муқимхоний”

XVIII асрда Муҳаммад Юсуф мунший томонидан ёзилган бу асар аштархонийлар сулоласининг вакили бўлган Балх ҳокими Муҳаммад Муқимхонга (1702-1707) бағишланиб, унда Бухоро хонлигининг XVII-XVIII асрлардаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига доир кўпгина маълумотлар келтирилади.

Муаллиф аштархонийларнинг мўғуллар билан муносабатини кўрсатиш мақсадида асарда Марказий Осиёнинг Чингиз қўшинлари томонидан босиб олинишидан бошлаб, XIII-XVI асрларгача бўлган тарихига қисқача очерк ҳам бағишлайди. «Тарихи Муқимхоний» асри фактик материалларга бой бўлиб, унда тарихий воқеалар изчил хронологик тартибда баён қилинган; Шу билан бирга, асарда ўзбек қабилаларининг этногенези ва этнографиясига, уларнинг XIII асрдаги жойлашишига доир муҳим маълумотлар келтирилган. Бинобарин, Муҳаммад Юсуф Муншийнинг бу асари ўзбек халқининг XVII асрдаги тарихини ўрганишда, унинг тарихий-этнография манзарасини чизишда муҳим манбадир.

«Тарихи Муқимхоний»да XVII асрда бино қилинган архитектура ёдгорликлари — мадраса, боғ, ҳовуз каби қурилишлар тўғрисида ўша даврнинг Мавлоно Сайлий, Мавлоно Туробий, Боқихўжа Ахрорий, Мулло Бадеъ, Мавлоно Юсуф Қаробоғий, Мулла Муфид каби шоирлари, Мир Али Соний деб аталмиш Мавлоно Хожа Ёдгор, Мавлоно Муҳаммад Амин каби шоор хаттотларн ҳақида маълумот берилади, уларнинг асарларидан намуналар келтирилади. Шу асардан маълум бўлишича, ўша даврда ўзининг санъаткорлигн билан мвшхур бўлган хаттотлардан бири Мавлоно Хожа Ёдгор экан. Мавлоно Хожа Ёдгор зўр маҳорат билан кўчирган асарлари, жумладан, Шамсиддин Ҳофиз Шерозийнинг Марказий Осиёдагина эмас, балки ундан ташқарида ҳам зўр қизиқиш билан қарши олиниб, шуҳрат топган экан.

“Тарихи Муқимхоний”нинг муаллифи ҳам, бошқа тарихий асарларда бўлгани каби, ўз асарида турли шеърий парчалардан фойдаланади, улар билан ўз асарини зийнатлайди.

“Тарихи Муқимхоний” асари шарқшунос профессор А.А.Семёнов томонидан тожик тилидан рус тилига таржима қилиниб, 1956 йилда Тошкентда нашр этирилган.

“Убайдуллонома”

XVIII асрнинг биринчи ярмида Мирмуҳаммад Амин Бухорий томонидан ёзилган “Убайдуллонома”, профессор А.А.Семёнов таъкидлаганидек, гўёки “Тарихи Муқимхоний”нинг давоми сифатида кўзга ташланади. Чунки бу асар Бухоро хонлигининг 1702-1711 йиллардаги тарихини ўрганишда муҳим манбалардандир.

Агар Муҳаммад Юсуф Муншнй ўзининг «Тарихи Муқимхоний» асарида Бухоро хонлигининг ичдан чириб кетаётганини, марказий ҳокимиятнинг бўшашиб бораётганини тасвир этган бўлса, Муҳаммад Амин Бухорий ўзининг «Убайдуллонома» номли тарихий асарида марказий Бухоро хонлигининг янада заифлашиб борганини баён этади, Шу нарса диққатга сазоворки, «Убайдуллонома» воқеаларни изчил ва кенг баён қилиш билангина эмас, балки амирликка, хусусан, Убайдуллохон ва Муқимхонларнинг ички сиёсатига танқидий ёндашиши билан ҳам бошқа тарихий асарлардан юқори туради. Масалан, Муҳаммад Амнн Бухорий ўз асарида Балх ҳокими Муҳаммад Муқимнннг ахлоқий жихатдан бузилган киши эканлигини, айш-ишратга берилиб, давлат ишларидан четлашганини баён этади. «Убайдуллонома»нинг ақамияти яна шундан иборатки, асарда XVII-XVIII асрларда яшаб ижод этган машҳур тожик шоири Сайидо Насафнй, шоир Қосимхожа Мулла Сарафроз, Фитрати Зардўзи Самарқандий ва Мулҳам тўғрисида муҳим қизик маълумотлар берилади, уларнинг ҳаёти ва ижодига донр аича кенг ва тўғри мулоҳазалар юритилади.

Чунончи, муаллиф Мулло Сарафроз Самарқандий тўғрисида биографик маълумотлар келтириб, унинг истеъдодли шоир эканини қайд қилади-да, шоирнинг банг ва кўкнорга бўлган майли ошиб унинг дуруст асарлар ёза олмаганини кўрсатади. Фитрат билан Мулҳам ҳақида гапириб, уларнинг хунарданд кишилар экани ва ўз хунаридан келган даромадга қаноат қилувчи шоирлар бўлганини уқтиради. Сайидо Насафий ҳақида ҳам шундай мулоҳаза юритади.

Шундай қилиб, «Убайдуллонома» XVII-XVIII асрда Бухоро хонлигининг ижтимоий-сиёсий ҳаётини ўрганишда ва текширишда тарихчига қанчалик муҳим маълумот берса, хусусан, шоирлар ҳақидаги хотима қисми билан ўша давр адабий муҳитини ўрганишда адабиёт тарихчисига ҳам шунчалик кўмаклашади.

Умуман, тожик тилида ёзилган бу икки асар Бухоро хонлигининг XVII-

XVIII асрлардаги тарихини ўрганишда муҳим ва қимматли манбадир.

«Убайдуллонома» ҳам профессор А. А. Семёнов таржимасида 1957 йилда Тошкентда нашр этирилган.

Бу асарнинг асл нусхаси 1680 йилда Мулло «Тарихи Роқимий» Шарофиддин Аълам бин Нуриддин Охунд Мулло Фарҳод Самарқандий томонидан яратилган бўлиб, 1701-1702 йилларда унинг қисқартирилган вариантини Роқимий тахаллуси билан ижод қилган Амир Сайид Шариф Роқим Самарқандий майдонга келтирди. Асарнинг қисқартирилган варианты «Тарихи Сайид Роқим», «Тарихчаи Мирсаид Роқим», «Тарихи касира», «Тарихномаи касира» номлари билан ҳам машҳурдир. Мазкур китобнинг кўпгина қўлёзма вариантлари билан бирга, 1913 йилда Тошкент литографиясида нашр этилган нусхаси ҳам мавжуддир.

«Тарихи Роқимий»да XIV асрдан бошлаб XVII асргача бўлган турли ходиса-воқеалар баён этилади, унда Темурнинг туғилиши, сиёсий майдонга кириб келиши, Дашти Қипчоқ, Исфаҳон, Озарбайжон ва бошқа ўлкаларга юришлари; Улуғбек ва унинг илмий хизматлари, Шоҳрух ва унинг ҳукмронлиги, Султон Ҳусайн Бойқаро, Шайбонийхон, Убайдуллохон, Бобир Мирзо, Абдуллахон, Ҳумоюн тўғрисида маълумотлар бор. Шу билан бирга, асарда кўпгина шоирлар (Ҳофиз Шерозий, Камол Хўжандий, Алишер Навоий, Биноий, Осафий, Фигоний, Ҳотифий, Мушфиқий) нинг вафотига ёзилган тарихлар, Самарқанд, Бухоро, Машҳад, Ҳирот ва бошқа шаҳарларда бино қилинган мадраса, масжид, хонақоҳ, мақбара каби иморатларнинг қурилган йилларига доир шеърӣ таърих-қитъалар ва ҳоказолар мавжуддир. Чунончи, муаллиф улуғ ўзбек шоири Алишер Навоийнинг вафотини баён этар экан, «Тарихи вафоти амири кабир Алншер Навоий» сарлавҳаси остида қуйидагиларни ёзади:

«Хусрави иқлими суханорои Низомиддин Амир Алишер ал-мутахаллис ба Навои дар даври салтанати Султон Ҳусайн Мирзо аз мансаби вазорат ба мартабаи аморат расида, аммо дар умури вазорат чунон маҳорат дошт, ки бе сооити тадбир закги кудурат аз рӯи оинаи давлат мезудуд... «Хамса»и Низоми Ганжавиро ба турки жавоб навишта ва ин ду байт аз он «Хамса»ест, ки дар баробари «Махзанул-асрор»и Шайх Низомий гуфта.

Маснавий:

Йўлдаса бу йўлда Низомий йўлум,

Қўлдаса Хусрав ила Жомий қўлум

ва тазкирае мусаммо ба «Мажолисун-нафоис»и шуаро низ дорад.

Ва тадвини девон карда ва боз расоили дигар ҳам пардохта, ки шўхрат дорад. Аммо дар тарихи 906 дар авоили моҳи барот мушриффи казо рўзномаи хаёти ўро чун ботил аз дафтари лайлу наҳор берун кард.

(Сўз иқлимнинг подшоси Навоий тахаллусли Низомиддин амир Алишер Султон Ҳусайн Бойқаро даврида вазирлик маисабидан амирлик даражасига кўтарилди, аммо у вазирликда жуда маҳорат билан иш юритар эди. У Низомий Ганжавийнинг “Хамса”сига ўзбек тилида жавоб ёзди. Қуйидаги байт Шайх Низомийнинг “махзан ул-асрор”ига жавобан ёзилган бўлиб, “Хамса”га киритилгана саридан, яъни «Ҳайратул-аброр»дандир. Маснавий:

Йўлдаса бу йўлда Низомий йўлум,
Қўлдаса Хусрав ила Жомий қўлум...

Шоирлар баёнига бағишланган “Мажолис ун-нафоис” номли тазкираси ҳам бор. Девон ва бошқа рисолалари ҳам мавжудки, улар шўхрат топгандир. Аммо 906 йилнинг барот ойининг бошларида дунёдан ўтди).

Шундан сўнг Навоий вафоти муносабати билан Амийнӣ, Мирхонд ва бошқа муаллифлар ёзган таърих-қитъаларни келтиради. Муаллиф ана шу таърихлардан бирида «Буд Кайхусрав дар иқлими сухан» каби мисраларни келтириб, Алишер Навоий ҳақли равишда сўз оламининг подшоси деб баҳолайди. Муҳаммад Тарағай Улуғбек, Заҳириддин Бобир ва бошқалар тўғрисида келтирилган маълумот ва таърих-қитъалар ҳам уларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишда анча фойдалидир.

Шундай қилиб, “Тарихи Роқимий” ўша даврдаги тарихий воқеаларни, ижтимоий-сиёсий ҳаётни, маданият, санъат ва адабиётни ўрганишга кўмаклашадиган китоб сифатида муҳимдир.

XIX асрда яратилиб, Қўқон хонлиги тўғрисида маълумот берувчи тарихий асарлардан бири Ҳакимхон Тўранинг «Мунтахабут-таворих» асаридир. Бу асарнинг умумий тарих қисми билан бирга, Ҳакимхон Тўранинг ўз кўзи билан кўрган ёки унга аниқ маълум бўлган ҳодисаларни баён этувчи мемуар характердаги боблари ниҳоятда кизиқарлидир. Ҳакимхон Тўра ўз асарида Ҳозик, Нодира, Адо ва бошқа шоирлар тўғрисида кўпгина маълумотлар келтирилади.

“Фирдавсул-иқбол”

Хоразм тарихига бағишланган «Фирдавсул-иқбол» икки муаллиф томонидан ёзилгандир. Уни аввал машҳур ўзбек шоири Мунис Хоразмий ёза бошлади. Унинг ўлимидан сўнг эса асарни Муниснинг жияни Муҳаммадризо Огаҳий давом эттирди. «Фирдавсул-иқбол»нинг Мунис Хоразмий томонидан ёзилган қисмида қадим даврлардан бошлаб 1813 йилгача Хоразмда содир бўлган тарихий ҳодиса-воқеалар баён этилган бўлса, Огаҳий томонидан

ёзилган қисмида 1813 йилдан кейинги ҳодиса-воқеалар тўғрисида фикр юритилади.

«Фирдавсул-иқбол»да Хоразмда ҳокимият тепасига келиб кетган хонлар тарихигина ёритилиб қолмайди, балки уларнинг ҳукмронлиги даврида, рўй берган муҳим тарихий ҳодиса-воқеалар ҳам кенг баён этилади. Масалан, тарихчи Хоразмнинг Эрон шоҳи Нодиршоҳ томонидан босиб олиншини ва шундан кейинги воқеаларнинг тафсилотини баён этиб, муҳим фактларни қайд қилади. У Нодиршоҳнинг Хевани уч кун тўпга туттириб таслим бўлишга мажбур қилганлиги тўғрисида қуйидагиларни ёзади:

«Рамазон ойининг авоилида Хонқоҳдин кўчиб, Хевақни муҳосара қилиб, сарқуб кўтариб отқулади. Туфанг ва тўп ва замбурак ўқининг зарбасидан аксар иморат хароб бўлди ва уч кундан сўнг Дўстмуҳаммад Арбоб қалъани шоҳга таслим қилди. Усароеким³, Хоразм диёрида қайди раиятда эрди, барчани олиб, хеш ва ақрабосига топширди ва бу йўсунда баъзи калмоқия ва русия бандиларини дағи олди, жумладан, Хуросон усаросининг адади ўн икки мингдан мутажовуз эрди ва тўрт минг нафар доруссалтанати Хевақдин эрди».

Шундан сўнг Нодиршоҳ ва унинг Хоразмдаги вассали Тоҳирхон халққа жабр-зулмни кучайтириб, зўравонлик ва ҳақсизликни авж олдирдилар, янги-янги солиқлар (масалан, моли амони) солдилар. Натижада хеваликлар бунга қарши норозилик билдириб, кўзғолон кўтардилар. «Фирдавсул-иқбол» муаллифи кўзғолонга хайрихоҳлик билан қараб, шундай ёзади: «Бу тааддиға Муҳаммад Мироб ибн Ид Мироб нуфуз туза билмайин, Қотға кириб, мўхолафат тариқиға ихдом кўргузди ва муборизат аламин жилваға киргузди ва Оролға киши юборуб, Ортуқ ва Сайид Алиниким, ул ужурда ул навоҳий ҳукуматида мустақил бўлиб эрдилар, истидо қилиб келтирди. Нуралихон Абулхайрхоннинг ўғлидир. Ортуқ Иноқ ва Саид Алибий ва Хузурбек ани ўзлари била келтуруб, Котда хон кўтариб, Хевақ устига юрдилар ва қаҳрамон халқнинг саъйи билан шаҳарга кириб, «қизилбош»лар билан Тоҳирхон аркка қабалиб, уч ойгача урушдилар, охир нақб билан қудўқни кўмуб, сув сотиб олдилар. Тоҳирхон ва уйғур Қутлихонни қизилбошлар била дарғаҳи жаҳаннамга юбордилар ва аркка кириб, Нуралихон подшоҳлик тахтига ўлтурди».

Юқорида келтирилган парчалар китоб муаллифининг тарихий ҳодиса-воқеаларни баён қилиш билангина чекланиб қолмасдан бу воқеаларга ўзининг муносабатини ҳам маълум даражада ифодаланганини кўрсатади. Бу ҳол айрим ҳукмдорларнинг феъл-атвори, ҳокимлик даврининг хусусиятлари акс эттирилган ўринларда янада яққол сезилади. Муаллиф золим ва фосиқ хонларни ёқтирмайди. Мисоллар:

³ Усаро — асирлар.

Гойибхон — «Ул Баҳодирхоннинг ўғли, золимбаб киши эрди. Бешқалъа раоёсиға қирқ минг тилло солиқ солди, фуқаронинг додиға етмади...»

Ортуқ Иноқ ва Хузурбек - «Ортуқ Иноқ олти йил ва хузурбек беш ярим йил истиқлол била жамеъи Хоразмга ҳукумат сурдилар. Аларнинг айёмида маросими зулм ва инод ва фасод иштихор топди».

Жахонгирхон — «Онинг замонида Бешқалъада қаҳат пайдо бўлиб, ит ва пишакни едилар ва фарзандларини қозоққа сотиб қут этдилар ва онинг устига Хевақда вабо иллоти пайдо бўлди. Бу жиҳатдан аксар ўзбек ва сарт бузулиб, Орол ва Бухорога кетдилар. Хевақ бошлиқ Бешқалъа билоди хароб бўлди. Хевақда қирқ уйлик фуқародин ўзга киши йўқ эрди. Аксар намози жумъада уч киши ё тўрт киши намоз ўқур эрди ва шаҳарнинг ичида юлғун ва сўксук кўкариб, вайрона уйларда ваҳший жониворлар манзил тутди».

«Фирдавсул-иқбол»да тарихий, иқтисодий, сиёсий маълумотлар билан бирга, маданий ва адабий ҳаётга доир анча қимматли маълумотлар ҳам бор. Унда биз шоир ва ёзувчилардан Вафоий, Яхё, Байзо, Сайид Муҳаммад Охунд, Равнақ, Киромий ва бошқалар ҳақида эътиборга сазовор ва қимматли материаллар берилганини кўрамиз. «Фирдавсул-иқбол»да шоирлар ва ёзувчиларнинг ҳаёти на ижодиёти тўла баён қилинмаса ҳам, аммо уларнинг ҳаёти ва ижодиётидаги диққатга сазовор ўринлар қайд қилинади.

Масалан, китобда Шерғозихон ҳукмронлиги даврида яшаган фозил кишилардан Мавлоно Сайид Муҳаммад Охунд ҳақида куйидагиларни ўқиш мумкин: «Анинг {Шерғозихоннинг - В. А.) замонида фузалодин Мавлоно Муҳаммад Сайид Охундким, анинг аждоди ва ансоби ва аҳволоти ва футухотида «Гулшани иқбол» отлиғ бир тарих битибдурур, мусажжаот ва таржеот ва истиорот ва мажозот ва саноеъ ва бадоеъ била оростадурур. Аммо хануз мутаид ёзилмадурур эрди, Бухоро фузалосинииг кўлига тушуб, хасуддин хар достондан жузв-жузв, варақ-варақ мактуъ этиб зоеъ қилибдурурлар». Ёки:

«Мавлоно Яхёким, ул дағи нодираи асрдурур. Маснад тахаллус қилиб эрди, ул ҳам онинг отига бир маснавий битибдурурким, бағоят покиза нборат ва хушмазмундурур» ва ҳоказолар.

Келтирилган мисоллардан равшанки, «Фирдавсул-иқбол»нинг муаллифи хар бир шоир, ёзувчи ва олим тўғрисида фикр юритар эқан, ўша ижодкорнииг характерли асари ёки ижодиётининг ўзита хос хусусиятига алоҳида эътибор бериш билан адабиётшунос сифатида кўзга ташланади.

Бундан ташқари, китобда ўша замонда бино қилинган иморатлар ҳам қайд қилинади, уларнинг қачон ва нима мақсадда қурилганлиги баён этилади. Масалан, китобда Муҳаммад Амин Иноқ даврида бино қилинган «Мадрасаи

Иноқия» тўғрисида, жумладан, қуйидагилар ёзилган:

«...мундин бошқа дағи иморатлар бино қилдиким, фалак биносига дами мусодот урар эди. Ул жумладин «Мадрасаи Иноқия» дурким, маъмани уламо ва маскани фузалодурур. Маснавий:

Анинг ҳар хужраси жаннат уйидур,
 Демай жаннат уйи, раҳмат уйидур.
 Бўлуб файзи азалдин бемадоро,
 Дару деворидин илм ошкоро».

Шундай қилиб, «Фирдавсул-иқбол» фақат тарихий ҳодиса-воқеаларни ўрганишдагина эмас, балки ўша замондаги адабий-маданий муҳитни текшириш ва ёритишда ҳам катта роль ўйновчи манбадир. «Фирдавсул-иқбол» прозаик тарихий асар бўлса ҳам, унда ўрни билан ривоятлар, шеърӣ парчалар, халқ мақоллари ва афористик сўзлар бериб бориладиким, бу ҳол унинг адабий-тарихий аҳамиятини янада оширади.

Демак, юқоридаги қисқача тавсиф XVIII-XIX асрнинг биринчи ярмида ҳам тарихнавислик соҳасида хийла иш қилинганини кўрсатади. Албатта, бу тарихий асарларда ўрта аср тарихчиларининг дунёқараши ва илмий-маданий савияси билан изоҳланадиган зиддият, маҳдудлик ва камчиликлар йўқ эмас. Аммо бундай нуқсонлар мазкур тарихий асарларнинг XVI-XIX асрлардаги Марказий Осиё халқлари тарихини ёритишда бир манба сифатидаги кимматини пасайтира олмайди.

ТАЗКИРАНАВИСЛИК. БАЁЗ. МАЖМУА-БАЁЗ КИТОБЛАР

Баёз, мажмуа ва тазкиралар ўтмиш адабиёт ва адабиётшуносликнинг муҳим ёдгорликлари, кимматли манбаларидир. Баёз — тўплам, мажмуа ҳам жам этилган маъносида тўпламни ифодалайди. Авваллари бир ёки бир нсча (Саъдий, Ҳофиз, Фирдавсий, Хусрав Дехлавий ва ҳоказо) шоирнинг том маънодаги мукамал ва машҳур шеърларини бир китобга тўплаб тарқатиш, ўрганиш назарда тутилган ҳолда бошланган баёз (оққа кўчириш) тартиб бериш анъанаси аста-секин асрлар, замон, шароит, истак-орзуларга кўра мураккаблашиб, янги мазмун ва мундарижалари, хилма-хил кўринишлари билан ҳар даврнинг ўз тамғаси босилган ҳолатларгача етиб келди. Баёзлар алифбо тартибида, мавзуй тартиб, радойифул-ашъор (шеърнинг радифига қараб) тартибда, бирор адиб ёки шахсга бағишлаб ҳам яратилган. Бухоро, Хоразм, Фарғона, Тошкент, Самарқанд баёзларини кўздан кечиран эканмиз, улар ғазалиёт, мухаммасот, мусаддасот баёзлари ёки қоришиқ жанрлардаги баёзлар эканини, ўтмиш классиклари асарлари, ўтмиш классиклари билан бирга баёз тузувчи шоир ёки котиб замондошларини ҳам ёки фақат замондошларнинг асарларидан ташкил топган баёзларни кўрамиз. Баёзларда

шеърӣй намуналар девонлардан, тазкиралардан, кўпинча ҳали эълон қилинмаган қўл ёзмалардан кўчириб келтирилади. Баёзларнинг дебочали, сўнг сўзли (ё насрда, ё шеърда) баёзлар, бадий тасвирий нақшлар иштирок этган баёзлар, маълум композицияли ёки қоришиқ жанрли баёзлар; буюртма баёзлар ёки шахсий ташаббус ва иштиёқ билан тузилган баёзлар; баёз тартиб берувчининг яшаб турган муҳити тақозосига кўра фақат ўзбекча, ўзбекча-тожикча, баъзида ўзбекча-тожикча-туркча-арабча намуналар ҳам киритилган баёз турлари бўлган. Баёзлар фақат маҳаллий халқларнинггина эмас, шу билан бирга, кўшни халқларнинг атоқли шоирларидан, жумладан, Мирзо Бедил, Фузулий, Махтумқули ва ҳ. к. намуналар берилиши жиҳатидан адабий алоқалар ва қаламкашларнинг ўзаро ижодий ҳамкорликларини ўрганиш учун ҳам муҳим манба ҳисобланади. Баёзларнинг ғоявий йўналишида тартиб берувчи шоир ёки котибнинг дунёқараши ҳам яққол сезилиб туради. Баёз ёки мажмуа ашула, мақом куйлари репертуарига кирган ёки шуларга мос тушадиган шеърлар асосида тузилган.

XVIII-XIX асрларда ривожланиб кетган баёз тартиб бериш иамуналари давр руҳини ҳам, жанр (ғазал, қитъа, фард, рубоий, муаммо, мухаммас, мусаддас, тарих, чистон, луғз ва ҳ. к.)лар тараққиёт даражасини ўрганиш учун ҳам маълум аҳамиятга моликдир.

Тазкиралар қаламкашларнинг яшаш жойлари, касб-корлари, хунармандликлари, яратган асарлари ва ҳоказо масалаларга озми-кўпми тавсиф бериб, мисол келтириш жиҳатидан баёзлардан фарқ қилади. Айрим тазкираларда назарий ва танқидий фикрлар ҳам келтирилади. Бу жиҳатдан тазкиранавислар ўз даврининг таниқли адиблари ёки адабиётшуосларидирлар. XVII аср ва XIX асрнинг биричи ярми тазкиранависликларида, асосан, икки анъана мавжуд эди: ўтмиш ва ўз замонининг ҳам қаламкашларини бериш («Љубобул-албоб» — Авфий Бухорий, XIII аср; «Тазкиратуш-шуаро» Давлатшоҳ Самарқандий, XV аср) анъанаси ва кўпинча ўз замонини қаламга олиш («Мажолисун-иафоис» — Алишер Навоий, XV аср; Музокирул-аҳбоб»—Ҳасан Хожа Ннсорий, XVI аср) анъанаси.

Ҳар иккн анъана ҳам адабиётшунослик тарихида муҳим роль ўйнади. Аммо устод Алишер Навойдан бошлаиб, биринчи марта Ҳасан Хожа Ннсорий томонидан эргашилган кейинги анъана, тазкиранавис ҳаёт кечирган замон, шароит, адабий муҳитни ўрганиш жиҳатидан ўзига хос аҳамият касб эта бошлади. Бу янги анъанани XVII аср ва XIX асрнинг биринчи ярми адабиётида Султонмуҳаммад Мутрибий, Мулло Содик Самарқандий, Малехо Муҳаммад Амин Насафий ва мажмуа-тазкира («Мажмуаи шоирон») бош муаллифи Фазлий Намангонийлар давом эттирдилар. Улар ўтмишнинг

забардаст устодларини зарур ўринларда тилга олиб, асосан, ўзлари кўрган, суҳбатлашган ва ишончли манбаларга кўра замондошликлари аниқ бўлган қаламкашлар ҳақида баҳс юритдилар.

“Тазкиратуш-шуаро” ва “Нусхайи зебойи Жаҳонгир»

Ҳар иккала тазкира ҳам Султонмуҳаммад «Тазкиратуш-шуаро» Нойи Мутриби Самарқандий (1559-1629) қаламига мансубдир. Самарқандда туғилиб, улғайиб, ўз таҳсилани Бухорода Ҳасан Хожа Нисорий ҳомийлигида давом эттирган шоир, адиб, хаттот ва бастакор Мутрибийнинг «Тазкиратуш-шуаро» (1604-1605)сида 320 дан зиёд қаламкаш тилга олинади. Улар самарқандлик Афзалий, Ашкий, Одамий, Базлий, Бедиллий, Дўстий, Викорий, Важхий, Зухдий, Ҳазиний, Тарзий, Толеъий, Лутфий, Муқимий, Зехний, Зайний; бухоролик Асвадий, Аминий, Боқий, Пайравий, Жалоли Табиб, Чокарий, Дўстий, Ҳижрий, Ёрий, Лутфий, Нисорий, Фатхий, Шўхий, Хуррабий, Зиёий; тошкентлик Жалилий, Дардий, Жамил Мирак, Мухлисий, Садрий, Собирий, Забтий, Лофий; андижонлик Доий, ахсикатлик Важхий, Мавлоно Поянда Охунд; шаҳрисабзлик Ҳасратий, Рашкий; оҳангаронлик Шухратий; туркистонлик Зархий, насафлик Қадрий, Ҳолатий; қорақўллик Аҳдий; ғиждувонлик Фоний; карманалик Нозимий; миёнколлик Қотилий, Собитий, Завқий; хавослик Ғойибий; сайрамлик Ҳижрий ва бошқалар билан, уларнинг асарлари намуналари билан таништиради. Мутрибий ўз тазкирасида мазкур шоирларнинг тожикча шеърларини асос қилиб олган. Лекин у шоир Вафойининг ўзбекча шеърларига, озарбайжон классиги Фузулийнинг туркий ғазалларига ҳам тазкирадан муносиб ўрин берган. Мутрибий XVI-XVII асрлардаёқ ўзбек китобхонлари орасида ҳам шуҳрат топган буюк озарбайжон шоири Муҳаммад Сулаймон ўғли Фузулий (1498-1556) нинг ҳаёти, фаолияти, бадий маҳорати ҳақида қисқа, мазмунли фикрлар баён этади ва ўз мулоҳазаларининг исботи учуи:

Булбули дил гулшани рухсорин айлар орзу,
Тўтии жон лаъли шаккарборин айлар орзу
каби мисраларни илова қилиб ўтади.

Мутрибий тазкирасининг хусусиятларидан бири шуки, муаллиф унда келтирилган ғазал, қасида ва шу каби жанрлардаги асарларнинг вазн турларини (бахрини) аниқлашга интиланган. Аммо бу яхши ташаббус охиригача етказилмай қолган.

Хуллас, Мутрибийнинг «Тазкиратуш-шуаро» асари ўзининг композицияси билан ҳам, шоирларга объектив баҳо беришга интилиши билан ҳам, Марказий Осиё ва Озарбайжон халқлари ўртасидаги адабий алоқалар тарихини ўрганишда ҳам, ўша даврда мавжуд бўлган адабий оқимлар

тўғрисида тасаввур ҳосил қилишда ҳам, энг муҳими, XVI асрнинг охири ва XVII асрнинг бошларида Марказий Осиё худудида, хусусан, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларидаги адабий муҳитни текширишда ҳам муҳим манбалардан биридир.

Яқин йилларгача адабиётшунослигимиз Мутрибий таҳаллусли тазкиранавису унинг мазкур «Тазкиратуш-шуаро»сини биларди, холос. Кейинги изланишлар шуни равшанлаштирдик, Мутрибий 70 ёшга бориб қолганлигига қарамай, ўз замондоши Мир Дўстий Самарқандийнинг маслаҳати билан янги бир тазкира тузиб, 1627 йилнинг феввалида Ҳиндистонга, Акбаршоҳнинг ўғли Жаҳонгир ҳузурига борган экан. Жаҳонгир ўз яқинларидан бири Фасеҳхон орқали Мутрибийнинг янги асари билан танишиб, уни «Нусхайи дилпазир» (ёқимли асар — В. А.) деб атаб, ўша 1627 йилнинг 25 феввали, пайшанба куни учрашув маросимини ўтказган ва ўз ёшлиги, йигитлиги йилларида тўплагани — 81 шоир ҳақидаги материалларни кўрсатиб, Самарқандда тартиб берилган янги тазкирага киритишни тавсия этган. Мутрибий бу тухфадан бедад хурсанд бўлиб, филбадеҳа:

Илоҳо, токи меҳру моҳ бошад,

Жаҳонгир ибни Акбаршоҳ бошад.

(Ё оллоҳ, то офтобу ой бор экан, Акбаршоҳ, ўғли Жаҳонгир ҳам бўлсин)

Байтини айтади ва ҳқумдорнинг Кашмирга биргаликда сафар қилиш таклифига ҳам узр сўраб (бир томондан, ёши анчага бориб қолганлиги, иккинчи томондан, янги асарни Жаҳонгир тақдим этган янги номлар билан тезроқ зийнат бериш истаги билан бўлса керак) Лоҳурдан ўз она ватани Самарқандга қайтади. Бу ҳақда “Юз шукрки, чаман шабадаси бўлиб, Лоҳурга бордим, сафарда ёшим етмишда эди, етмиш бирга кираримда ватанимга етдим”, мазмунида мана бундай деб ёзади:

Сад шукрки аз лутфи худойи зулминан

Рафтам сўйи Лоҳур чу бод ба чаман.

Дар муддати сайр умрам ҳафтод,

Ҳафтоду якўм буд расидам ба ватан.

“Серҳашам Жаҳонгир номига бу дилкушо нусха қаламга келиб “Нусхайи зебойи Жаҳонгир” номи билан тарих топди” мазмунидаги муаллифнинг:

Ба иоми Жаҳонгир — шаҳи чарх ҳашам,

Ин нусхайи зебо омад ба қалам.

Тарихи тамомаш хиради хурдашинос,

Зад нусхайи зебойи Жаҳонгир рақам

мисраларидан равшанки, асарга «Нусхайи зебойи Жаҳонгир» ном берилиб, ёзилиш тарихи ҳам абжад ҳисоби билан шу номда 1034 йил ҳижрий

(1624-25) кўрсатилган.

Тазкирада деярли 300 нафар қаламкашларнинг номи келтирилган бўлиб, уларнинг кўпчилиги Бадахшонда, Пешовурда, Ҳиндистон, Афғонистон шаҳарларида яшовчи мовароуннаҳрликлар, жумладан, Мавлоно Саҳлин Бухорий, Мавлоно Ғурборий Бухорий, Мавлоно Фазлий Бухорий, Мавлоно Қосим Коҳин Миёнколи, Мавлоно Ниёзий Самарқандий ва ҳ.к. самарқандлик, бухоролик қаламкашлардир. Бу тазкирадан аниқланишича, 1598 йилда ёзилган “Абдуллонома”нинг муаллифи Нахлий таҳаллусли Ҳофиз Таниш билан бир даврда яшаб, ундан сўнг мазкур китобни давом эттириб, қитъалар билан тўлдирган ва ўз девони бўлган бошқа Нахлий таҳаллусли шоир ҳам ўтган. Шу мисолнинг ўзидан равшанки, Мутрибийнинг мазкур тазкираси адабиёт тарихини ўрганиш ва кўп муаммоларни ечишда муҳим манба бўлиб хизмат этади.

Мана, яна бир мисол: Тазкирада келтирилишича Мулло Ҳайдар номли шоир асли Ироқдан бўлиб, Ҳиндистонга бориб ўтроқлашиб қолган, хилма-хил жанрларда шеърлар ёзган Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийларга издошлик қилган.

Тазкиранавис Султонмуҳаммад Нойи Мутрибий Самарқандий фақат ўз замони учунгина эмас, XVIII-XIX асрларнинг қаламкашлари учун ҳам, адабий муносабатларни бизгача етказа олганлиги билан ҳам мўътабар сиймодир.

«Музокирул-асҳоб»

«Музокирул-асҳоб» 1692 йнли Самарқандда XVII асрнинг забардаст шоири, адиби, Шайбонийхон номидаги мадрасанинг донишманд мударриси — Муҳаммад Бадъ Малехо томонидан ёзилган.

Малехо 1641 йилда Самарқанднинг фозил кишиларидан бўлган Муҳаммад Шариф Самарқандийнинг оиласида туғилди. Малехонинг отаси ўз ўғлини замонасининг билимдон ва фозил бир кишиси қилпб етиштирмоқчи эди. У Малехони жуда ёшлигидаёқ ўқнишга берди, унинг яхши билим олиши учун шарт-шароит яратди. Малехо илм билан бирга поэзияга ҳам қизиқди. Малехо шеър ёзиш билан шуғулланган дастлабки кезларда отаси илмга сарф этиши лозим бўлган вақт бекорга ўтмасин деб, унинг шеър ёзишига қаршилик кўрсатди. Кейинчалик эса Малехога маддоҳ ва тамагир шоир бўлмаелик кераклигини уктириб, унинг шеър ижод қилишига имкон яратди. Отанинг насиҳати Малехо ижодига ижобий таъсир кўрсатди: унинг ижодида биронта ҳам маддоҳлик (хушомадгўйлик) руҳида ёзилган қасида топилмайди. Малехо ёшлигиданоқ тазкира тузишни орзу қиларди. У ўз режаларини амалга ошириш мақсадида кейинчалик саёҳатга отланиб, аввал Бухорога, кейин эса Эронга сафар қилиб, уч йил орасида кўпгина шаҳарларда бўлди. У сафар вақтида XVII

аср шоирлари тўғрисида қимматли маълумотлар тўплади. У сафардан қайтиб, Самарқандга келгач, Шайбонийхон мадрасасида мударрислик лавозимида ишлай бошлади ва кўпдан берн орзу қилпб юрган тазкирасини тузди. У тахминан XVIII асрнинг бошларида вафот этди.

Малехонинг «Музокирул-асҳоб» тазкираси муаллифнинг ижодий мероси ичида алоҳида ўрин эгаллайди. 1692 йилда ёзилган бу асарда XVII асрда Марказий Осиё ва Эронда яшаб ижод этган 160 дан ортиқ шоир ҳақида катта аҳамиятга эга бўлган маълумотлар келтирилади. Жумладан, Малехонинг машҳур тожик шоири Сайидо Насафий, Лутфулло-Шокир, Хожа Само Содот, Муҳаммадамин Сарафрозӣ Самарқандий ва бошқалар ҳақида келтирган маълумотлари уларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишда жуда қимматлидир.

Малехо тазкирасида шоирлар араб алфавити тартибда жойлаштирилган. Тазкира муаллифи ўзига бевосита суҳбатдош бўлган шоирларнинг ҳаёти ва ижодига батафсил тўхталиб, уларнинг асарларидан намуналар келтиради. Бу эса, шубҳасиз, асарнинг қимматини оширади. Чунончи, Малехонинг XVII асрдаги машҳур тожик шоири Сайидо Насафий тўғрисидаги хотиралари ғоят мароқлидир. Муаллиф Сайидонинг Бухорода Мадрасаи Девонбеги яқинидаги хужралардан бирида яшагани, бағоят нозик адо ва ширин калом эканлиги, ғазал, мухаммас, маснавий жанрларида ижод этишда замоиасининг забардаст кншиларида бўлганлигини баён қилади. Малехо зийраклик билан бутун адабий муҳитни кузатади, ўрганади, ёш қаламкашлар ижодига қизиқади ва уларнинг истиқболига умид билан қарайди. Масалан, у Абдулла Мулҳам Бухорий ҳақида бундай дейди: «Мулҳам - Абдулло ном дорад, низ Бухорой... Жавон аст. Нав дар арса омада аст. Асари... беҳрўзӣ дар вай афзун аст» (Таржимаси: «Мулҳам оти Абдуллодир. У ҳам бухоролпк бўлиб, ёшдир. Майдонга энди кириб келаётир. Унинг келажаги порлоқ эканлиги кўриниб турибди»).

Малехо тазкирасидаги адабий фактларнинг аниқ ва ишончли эканлиги, шоирларнинг ҳаёти ва ижодиёти ҳақида келтирилган маълумотларнинг текширилганлиги бу асарнинг илмий аҳамиятини кучайтиради.

Лекнн асарнинг аҳамияти бу билангина чекланмайди. Малехо ўз тазкирасида Субҳонқулихон замонидаги ижтимоий ва иқтисодий шароит тўғрисида, бу даврда порахўрлик ва зулмнинг кучайганлиги ва шунга ўхшаш воқеалар ҳақида ҳам сўз юритади. Бу эса, Малехо тазкирасининг, биринчидан, XVII асрнинг иккинчи ярмида Бухоро хонлигининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий аҳволини ўрганишда ҳам муҳим аҳамиятга ага эканлигини, иккинчидан, ундан олдин яратилган тазкиралардан фарқини кўрсатади. «Музокирул-асҳоб»нинг аҳамияти яна шундаки унда Мутрибийдан сўнг, яъни 1605 йилдан кейин (1692 йилгача) Самарқандда Болту тахаллусли Мулло

Содиқ Самарқандий деган адабиётшунос томонидан ҳам “Риёзуш-шуаро” номли бир тазкира яратилганлиги ҳақида маълумот берилган. Чунончи, Малехо ўз асарида Мулло Содиқ Самарқандийнинг “Риёзуш-шуаро” номли тазирасида қуйидагиларни ёзади:

«Аз жумлаи мутааххирин Мулло Содиқ Самарқанди, ки Болту ном дашта, аз уружи Абдулло Баҳодурхон то хуружи хони жаннатмакон Надирмуҳаммадхон Баҳодурхон бин Динмуҳаммадхон навишта ажаб жамиъ жомеи мебошад мусамми ба «Риёзуш-шуаро» анжуман. Дар ҳар анжуман гурӯҳеро баён карда аз подшоҳ ва фузало ва машоих ва умаро ва талаба ва уламо ва вузаро ва шуаро ва хаттот ва аҳли кутуб ва санъат ва ҳирфат ҳар як соҳиб тахаллуси буда... Аз дида ва шунида ва ҳамсўҳбат шуда ва ғайра навишта аст.⁴»

Мазмуни: «Кейинги даврда Болту тахаллусли Мулло Содиқ Самарқандий «Риёзуш-шуаро» номли тазкира ёздики, унда Абдуллахон ўлимидан (1598 йилдан) Надирмуҳаммадхоннинг ҳокимиятга келганига (1642 йилга) қадар бўлган даврдаги ҳар бирининг ўз тахаллуси бўлган подшолар ва фозил кишилар, машойихлар ва амирлар, талабалар ва олимлар, вазирлар ва шоирлар, хаттот ва кптоб аҳли, санъаткорлар ва ҳунармандлар ҳақида сўз юритиб, уларни кўрганини, улардан эшитганини ёки улар билан суҳбатлашганини ёзган».

Демак, Мулло Содиқ Самарқандийнинг тазкираси XVII асрнинг дастлабки 40 йили мобайнидаги Марказий Осиёнинг маданий ва адабий ҳаётини ёритишда муҳим манбадир. Лекин афсус билан эслатиб ўтиш керакки, бу асар ҳозирча топилган эмас.

Бу ўринда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, Мутрибийнинг «Тазкиратуш-шуаро», Малехонинг «Музокирул-асҳоб» асарларида айтилишича, XVII аср ҳукмдорларининг даргоҳидан четда ҳаёт кечирган кўпгина шоирлар касиблик, ҳунармандлик ва бошқа ҳар хил ишлар билан шуғулланиб, тирикчилик қилганлар. Чунончи, Боқий Каффош, Фатҳий Бухорий, Ҳолатийлар кавушдўзлик, Лоиқий Бухорий сабзавотчилик, Давоий Самарқандий табиблик, Шухратий темирчилик, Зирехий Туркистоний зирехгарлик, Мавлоно Дониший мушқфурушлик, Мавлоно Ниҳоний шонатарошлик (тароқчилик), Қурайший наққошлик, Мавлоно Шаҳидий чармгарлик (кунчилик) каби касблар билан шуғулланган эканлар.

XVII асрда адабиёт назариясига доир мустақил рисоаларнинг майдонга келгани ҳозирча маълум бўлмаса ҳам, аммо адабиёт, хусусан шеър ва шоирлик тўғрисида айtilган назарий фикрлар турли жанрдаги бадиий

⁴ Н. Д. Миклухо-Маклай. Описание таджикско-персидских рукописей, вып. 2. ИВЛ, Москва, 1961, 33-бет.

асарларда ва тазкираларда ифодаланган. Бу жиҳатдан Мутрибий ва Малехо тазкираси устидаги кузатишлар диққатга сазовордир.

Гарчи бу даврда адабиётнинг ижтимоий-эстетик вазифаси каби назарий масалалар ҳар томонлама ёритилмаган бўлса ҳам, лекин айрим адабий-назарий масалалар: бадий сўзнинг аҳамияти, адабий сўз воситасида тасвирланадиган воқеанинг аниқ ва ҳаққоний бўлиши, ижодкорнинг эса. билимдон киши бўлиши, маза-матрасиз, суюқ шеърлар муаллифини ёки бошқаларнинг шеърларини ўғирлаган шоирларни танқид қилиш, бир ёки бир неча арзимас номигагина шеър дейиш мумкин бўлгац мисраларни ёзиб, мағрурланиб юрувчи ижодкорларга қарши нафрат каби масалалар таҳлил ва талқин этилган. Чунончи, Мутрибий шоирнинг билим доираси кенг бўлиши кераклиги тўғрисида фикр юритиб, «Ҳазрати Махдумли, яъни Ҳасанхожа Нисорий шоир шеър ижод этгунга қадар билимдон бўлиши керак, дердилар», деб ёзар экан, бу унинг шоир олдига катта вазифалар қўйганлигидан, шошмашошарлик билан шеър ижод қилиш яхши эмаслигини таъкидлаганидан далолат беради. Бундай фикрларни Малехо тазкирасида ҳам учратамиз.

Мазкур фикрлар ўтмишдаги адабиётшуносларнинг, жумладан удуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг адабий-бадий қарашлари билан ҳамоҳанг эдики, бу XVII асрдаги тазкира муаллифларининг ўзларидан илгари ўтган адабиётшуносларнинг фикрларига улардан илҳомланганини кўрсатади. Ҳақиқатан ҳам, Алишер Навоийнинг:

Назмда ҳам асл анго маъно дурур,

Бўлсин анинг сурати ҳар недурур.

Назмки маъни анга марғуб эмас,

Аҳли маони қошида хўб эмас.

Назмки ҳам сурат эрур хуш анга,

Зимнида маъни дағи дилкаш анга

мисраларининг мазмуни, руҳи фақат XV аср адиблари учун эмас, балки кейинги асрлар, жумладан XVII асо адыблари учун ҳам назарий қўлланмадир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, XVII асрда адабиётда мавжуд бўлган икки адабий оқим ва улар ўртасидаги кураш бу тазкираларда из қолдирмаслиги мумкин эмас эди, албатта. Тазкираларнинг муаллифлари шаклбозликка мубтало бўлган ва кўчирмачи шоирларни гоҳ истехзо ва киноя билан, гоҳ нозик юмор билан қоралайдилар.

Бу ўринда ҳам адабиёт тарихига, жумладан Алишер Навоийнинг адабий-бадий қарашларига мурожаат этсак, Навоийнинг ҳалол ва фойдали меҳнат аҳлларини кадрлаб улуғлаганини, уларни ардоқлаб, чуқур ҳурмат қилганини кўраимиз. Навоий ҳам ўз даврида бир чақалик иш қила олмаган, нодон, лекин талтайиб кетган шоирларни қаттиқ ҳажв остига олган эди:

Англамайин сўзда туюқ баҳрини,
 Қайси туюқ, балки қўшуқ баҳрини.
 Лафзлари бемаза, таркиби сушт,
 Носара манъию адо нодуруст...

Шунингдек, Навоий ўзининг юрак қони билан ёзилган мисраларини ўғирлаган, унинг ёнига қўшиб-чатиб, гўзал байтларини хароб қилган р шоирлардан ранжиб, уларни нафрат билан тилга олади:

Жисмида не ҳулла қўюб, не ҳарир,
 Ўзини бедод ила айлаб асир,
 Зоҳир этиб йиғлагудек ҳол анга,
 Кийдурубои эски қаро шол анга...
 Турфа буқим шеър қўюб отини,
 Еткурубон кўкка мубоҳотини.
 Турфароқ улқим тониримни билиб,
 Ҳақдин уялмай манга зоҳир қилиб...
 Кўнглима кўп тиғи жафо урдилар,
 Дема кўнгул, жонима еткурдилар.

Алишер Навоийдан сўнгги давр адабиётида, жумладан XVI аср охири ва XVII асрнинг бошларидаги адабий муҳитда ҳам бундай бемаъни ҳоллар учраб турар эди. Бинобарин, Мутрибийнинг шоирларнинг шеърларини ўғирлаб, ўз номига ўтказиб, халқ олдида уялмасдан ўқиб юрадиган Ёрмуҳаммад Ҳужумий Ҳисорийни қоралаб, унга қарата киноя ва заҳарханда билан: «Ўғирлик қилма ўғирлик ҳам ишми... ўғирласанг, хотинлар қулоғидаги дурни эмас, сўз баҳридаги дурларни ўғирла», деб ёзиши ва ўз фикрининг исботи учун қуйидагиларни ҳикоя ҳилиши бежиз эмас: «...Гоҳо шоирларнинг шеърларини ўғирлаб, ўзиники қилиб кишилар олдида ўқир эди... Бир куни Ҳасанхожа Нисорийнинг ғазалини ўзиники деб ўқиди. Махдумий буни билиб қолиб, нега бундай қилдинг, дедилар. Ҳужумий жавоб берди; Мен девонда бу ғазалнинг сизнинг қўлингиз билан хошияда ёзилганини кўрдим. Мен бу ғазалии мулозимларим ёқтирмас деб хошияда ёзгандирсиз деб ўйладим-да, уни ўзимники қилиб ола қолдим»⁵.

XVII асрнинг иккинчи ярмида бундай ноҳўя ишлар янада кўп бўлган бўлса керакки, Муҳаммадбадеъ Малехои Самарқандий ўзининг «Музокирул-асҳоб» тазкирасида Алишер Навоийнинг юқорида келтирилган байтлари мазмунига ҳамоҳанг бўлган қуйидаги мисраларни келтиради:

Агар манъи аз байти шахсе рабуд,
 Таворуд ннҳад номи дузди ба худ.
 Ба мазмун агар соҳибаш бурд пай,

⁵ Бу ўринда Мутрибий гапларининг мазмуни: берилди.

Ба дандон газад даст, гўяд, ҳай.
 ...Ба худ ном аз табъ илло ниҳанд,
 Ба ин ранг худро тасалло диҳанд.
 Чу мо нест мавзун санжидае...

Мазмуни: «Агар бировнинг шеъридан мазмунни ўғирласалар, буидай ўғирликни «Э, таворуд» (бир тасодиф) бўлибди деб оқлашга уринадилар. Шеър мазмунининг эгаси бу ҳолни сезиб қолса, уларнинг найрангидан ҳайратда қолади... Бундай шоирлар шеъриятда худодлик даъвосини қилиб, ўзларига тасалли берадилар, бизга ўхшаш шеърфаҳм ва маънидон йўқ деб биладилар...».

Илғор адабиётнинг намояндалари шаклбозлик услубига, адабиётга суқилиб кирган тасодифий кишиларга қарши адабий ижодда ҳалоллик ва тўғрилиқ, меҳнат ва ижодкорлик ғоясини илгари сурдилар, бадий адабиётнинг ғоявийлиги учун курашдилар.

«Мазҳарул-мусаннифин»

XVIII асрда яшаган Муҳаммад Амин бин Нурмуҳаммад Насафий 1758-1759 йилларда «Мазҳарул-мусаннифин» номли асарини яратди. Аммо муаллиф бу муҳим асарини охиригача етказа олмади. «Мазҳарул-мусаннифин» тарихий воқеаларнинг баёнига бағишланган бўлишига қарамай, у айрим хусусиятлари билан тазкираларга ҳам, хусусан замондош шоир, ёзувчи ва олимларга бағишланган тазкираларга яқин туради.

Муаллиф ўз замонининг қаршилиқ, бухоролик, самарқандлик Эъжоз, Мирзо Муҳаммад Мунший, Мирзо Афзал Мунший, Мулло Муҳаммад Амин Фохир, Муҳаммад Мусо, Мулло Муҳаммад Раъноий каби ўнлаб қалам аҳллари тилга олиб, улардан айримларининг касбини (Сафойи — кордгар, Мавлоио Абдул — қоғозфуруш, Устод Қосим — камонгар (ёй ясовчи), Шавқий — тиргар (ўқ ясовчи), Ризойи — котиб, Раъноий — охунд, Иброҳим Самарқандий — охунд...), баъзи бирларининг асарларини (жумладан, 1737 йилда Нодиршоҳнинг ўғли Насрулло Қаршини қамал қилганидан бир ҳафта кейин дунёдан ўтган Сайидхожа Насафийнинг «Боғча ва бўстон», «Шохча ва бўстон», «Китоби ҳамешабахор», «Хобу хаёл», «Фироқу висол» асарлари ва шеърлар девонини) санаб ўтган бўлса ҳам, аммо улар ҳақида муфассал маълумот бера олмади.

Шунга қарамасдан, «Мазҳарул-мусаннифин»да шоирлар ҳақида келтирилган маълумотлар ўша давр адабий муҳитида Юсуфий, Фазлий, Ишратий таҳаллуслари билан байтлар тўқиган Муҳаммад Юсуфхўжа Бухорий каби шоирлар билан бирга, ҳунармандлик билан шуғулланган бир қанча шоиртаблар ҳам бўлганлигини аниқ кўрсатади. Чунончи, бухоролик

Муҳаммад Юсуфхўжа томонидан битилган қуйидаги мисраларда инсон умри моҳияти ҳақида қуйидагича сатрлар битилган:

Байтулэхзони ватанда умрим ўткардим дариф,
Куч боринда ҳақ йўлида жустужўе қилмадим,—
деб ёзган бўлса, Азизий пўстиндўз шеъриятда ўзи ва ўзига ўхшаш кишиларнинг ҳаётиини тасвирлашга, яъни турмуш ҳодиса-воқеаларини акс эттиришга ҳаракат қилади. Азизий пўстиндўз бпр ғазалини шундай байт билан бошлайди:

Ғариб мардам аз ин накарда ёд касе,
Ба бекасию ғарибийи маи мабод касе
(Ғариб бўлганлигнм туфанли мени ҳеч ким йўқламайди. Ҳеч ким мендек ғариб ва кимсасиз бўлмасин).

«Мазҳарул-мусаннифин» асари XVIII асрнинг иккинчи ярмида Бухоро хонлиги ҳудудидида майдонга келган бўлса, XIX асрнинг бошларида Қўқонда «Мажмуаи шоирон» асари яратилди.

«Мажмуаи шоирон»

Бу асар Қўқон хони Амир Умархон ҳукмронлиги даврида сарой шоири Фазлий Намангоний бошлиқ муаллифлар жамоаси томонидан тузилган.

Абдукарим Фазлий Намангоний Қўқон саройи шоирларидан бўлиб, у «Зафарнома» ёки «Шоҳнома» маснавийсида ҳам, қасидаларн ва ғазалларида ҳам Амир Умархонни улуғлаган. Шунинг учун ҳам Умархон «Мажмуаи шоирон»ни тузишни Фазлийга топширган.

«Мажмуаи шоирон» 1821 йилда тузилди. Бу асарда асосий ўрин ва эътибор Умархон (Амир, Амирий), унинг вазири Қосим Бекларбеги (Вазир), Шайхулислом Султонхонтўра Аҳрорий (Адо) Бухоро амирзодаси Ҳусейнбек (Мир, Мирий), оқсуяк Сайид Ғозихонтўра, (Нола), Хўжакалон (Ринд) каби йирик шахсларга ўрин берилган.

«Мажмуаи шоирон»да шоирларнинг Амирий ғазалига боғлаган назираларн билан бойиитилган.

«Мажмуаи шоирон»нинг тузилиш структураси асосан қуйидагичадир:

- 1) Ҳамд, наът ва китобга киритилган шоирларга қисқача шеърий характеристика;
- 2) Умархонга бағишланган қасидалар;
- 3) Амирий шеърлари ва унга назира тарзида ёзилган пайравлар;
- 4) мухаммас, рубоий, таърих ва мушоиралардан намуналар.

Китобда маснавий, баҳри тавил, қасида, ғазал, рубоий, мухаммас, мусаддас, мутассаъ, мустазод, таърих, муфрадот, муаммо мушоира (савол-

жавоб) жанрларидан намуналар келтирилади.

Асарда парчалар жанрлар эътибори билан жойлаштирилгандай кўринсада, аммо бу принципга изчил риоя қилинмагани сезилади, Фазлийнинг «Мажмуаи шоирон»даги 1302 мисрали маснавийларида шонрларга доир маълумот ва тақризлар ёзилган. Кириш қисмидаги 598 мисрали маснавийда 75 шоирнинг номи тилга олинган (академик В. В. Бартольднинг ҳисобига кўра, китобда 101 шоирнинг шеъри бор).

Ҳаёт ҳодиса-воқеалари билан қизиқиб, ўша замондаги турмуш ва тирикчилик қақида бош қотириб, қалам тебратган шоирлар (Гулханий, Махмур, Маъдан, Ҳозик ва бошқалар) ижодида муҳим ғоявий-бадий янгиликлар ҳам кўринар эди. Уларнинг ҳам Умархон ғазалларига боғлаган назиралари «Мажмуаи шоирон»га киритилди.

«Мажмуаи шоирон»нинг яна бир хусусияти шундаки, асарда шоирлар ҳақидаги биографик маълумотлар шеърий формада, арузнинг мутақориб мусаммани мақсур баҳрида ёзилган. Бундан олдин Марказий Осиё ҳудудида тузилган тазкираларда бундап ҳол кўринмас эди. Агар «Мажмуаи шоирон»даги биографик маълумотлар уни тазкирага яқинлаштиради, унда бир қанча шоирларнинг бир қофия ва радифдаги шеърларининг (Амирий ғазалларига назираларнинг) келтирилиши асарни радиофул-ашъор типидagi баёзларга ўхшатиб кўяди.

«Мажмуаи шоирон»нинг аҳамияти шундаки, унда кўпгина фактик материаллар тўпланган ва XIX асрнинг биринчи чорагидаги адабий оқимлар ўртасидаги курашга доир маълумотлар берилган.

«Тухфатул-аҳбоб...»

XVIII асрда ва XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган санъаткор ва шоирларга бағишланган тазкиралардан бири Қори Раҳматулло Возехнинг «Тухфатул-аҳбоб фи тазкиратул-асҳоб» асаридир.

Возех (1817—1894) XIX асрнинг кўзга кўринган шоири ва олимидир. У бир неча асарларнинг, жумладан, «Савонехул-масолик ва фаросахул-мамолик», «Кони лаззат ва хони неъмат», «Ақоидун-нисо» ва бошқа китобларнинг муаллифидир. Унинг «Тухфатул-аҳбоб...» тазкираси 1871 йилда ёзилиб, XVIII-XIX асрларда Қўқон ва Бухоро хонлигида яшаган 145 шоир ҳақида маълумот беради. «Тухфатул-аҳбоб...» муаллифи шоир ва ёзувчилар ҳақида сўз юритганда ҳам, тазкирани тузишда ҳам маълум тизим билан иш кўради. Тазкиранинг умумий тузилиши қуйидагичадир: аввал муаллифнинг кириш сўзи, кейин шоирлар биографияси ва шеърларидан намуналар келтирилади ва муаллифнинг охириги сўзи билан асар тугайди. Муаллифнинг кўрсатишича, тазкирада шоирлар араб алфавити тартибида жойлаштирилган.

Асарга машхур шоирлар ҳам, эндигина адабиёт майдонига қадам ташлаб келаётган ҳавасмандлар ҳам (Марказий Осиё ҳудудида ёки ундан ташқарида бўлишидан қатъи назар) киритилган. Возеҳ ўзи бевосита таниган, суҳбатда бўлган қаламкашлар тўғрисида дадил ва ишонч билан мулоҳаза юритади, ўзи кўрмаган, суҳбат қилмаган, аммо эшитган ёки асарларини ўқиган шоирлар тўғрисида анча эҳтиёткорлик билан сўз юритади, девонлари бўлган шоирларни эслатиб ўтади.

Муаллифнинг шоирлар тўғрисидаги мулоҳазалари ҳам кўп ўринда режали равишда баён қилинади:

- 1) қисқача кириш сўз;
- 2) шоирнинг биографиясига доир маълумот;
- 3) шоир ижодиётига характеристика;
- 4) шоир асарларидан намуналар.

Возеҳ аввал шоирнинг таҳаллуси, сўнг унинг шахсий хусусиятлари тўғрисида гапириб, отини, отасининг номини, қаерлик эканини, билим доирасини, касбини, илмий фаолиятини эслатади. Кейин шу шоирнинг қачон яшаганини, унинг сарой билан алоқасини ёритиб, ижодиётининг қисқача характеристикасига ўтади ва шеърларидан намуналар келтиради. Лекин ҳамма ўринда ҳам бу принципга риоя қилинмайди, албатта. Шуни алоҳида уқтириш керакки, Возеҳ шоирлар ижодини чуқур таҳлил қилмайди, уларнинг ютуқ ва камчиликларини батафсил баён этмайди, балки кўп ўринда шоир ижодиёти ҳақида умумий сўз юритади. Аммо баъзи ўринларда шоирнинг бирор шеъри ёки ижоди ҳақида (масалан, Ҳозик баёнида) нисбатан кенгроқ ва муфассалроқ тўхтайдди. Асарда асосан тожик тилида ёзилган шеърлар келтирилса-да, унда ўзбекча шеърлардан намуналар ҳам учрайди (масалан, Хон Муҳаммад Алихон зикри...). Тазкирада турли адабий оқимга мансуб шоирлар тўғрисида фикр юритилади, ўзбек адабиёти тарихида муҳим роль ўйнаган Гулханий, Ҳозик каби шоирлар ҳақида ҳам маълумот берилади.

«Тухфатул-аҳбоб»даги материаллар анча ишончли бўлганлиги учун ҳам ундан сўнг яратилган қатор тазкиралар (Абди, Афзал, Хашмат Муҳтарам, Шаръий, Садри Зиё тазкиралари) Возеҳ асарига таянади. Шу сабабдан Возеҳнинг «Тухфатул-аҳбоб...» тазкираси Салимбек Иноқ томонидан айрим қўшимчалар билан 1914 йилда Тошкентда тошбосмада нашр эттирилган эди.

«Тухфатул-аҳбоб...» XVIII асрдаги ва XIX асрнинг биринчи ярмидаги адабий муҳитни ўрганиш ва текширишда ишончли манбалардан биридир.

Шундай қилиб, адабиётшунослик, жумладан тазкира, баёз ва мажмуа асар тузишда ғоявий-эстетик кураш ўз ифодасини топди.

ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ ВА ХАЛҚ ҚИТОБЛАРИ

XVII-XIX асрларда ҳам, худди илгариги даврда бўлгани каби, ҳукмрон сннфлар меҳнаткаш оммага таъсир ўтказиш учун хизмат қила оладиган воситаларнинг ҳаммасини ишга солдилар. Халқ табиатан илгарилаб борувчи катта ижодкор кучдир. Шунинг учуи ҳеч бир нарса унинг умумий ижодий фаолиятини, шу жумладан бадиий ижод соҳасидаги фаолиятини ҳеч қачон тўхтата олмайди.

Аввало шуни айтиш лозимки, сўз санъатининг боши бўлган фольклор ҳар бир даврда халқ ҳаётининг доимий йўлдоши, энг илғор энг ғоявий адабиёт бўлиб келган. Халқ илғор ғояларни ташувчи ўлмас асарларни, бадиий образларни яратган инсониятга чуқур мазмунли фикрий хазиналарни бағишлаган. Халқ бадиий ижодининг ажойиб ёдгорликлари бутун-бутун авлодларнинг онги ва фикрини ўстиришда, уларнинг эстетик завқи, маънавий дунёсини бойитишда мислсиз катта роль ўйнаб келган. Бу ажойиб ёдгорликлар келажак авлод учун ҳам юксак қимматга эгадир.

XVII-XIX асрларда ҳам фольклорнинг хилма-хил дурдоналари яратилди. Халқнинг яхши турмуш ҳақидаги ўй-хаёли ва армонини ўзида акс этгиртан ҳисобсиз лирик парчалар, жуда кўп нақллар, мақоллар, ҳикматомиз сўзлар, зртаклар, афанди латифалари, кўшиқлар кенг тарқалди. Бир қанча истеъдодли халқ шоирлари етишиб, катта эпик асарлар, дostonлар орқали халқ орзуларини куйладилар. Ўзбек халқининг бу даврда яратган оғзаки адабий мероси мавзу жиҳатидан бойлиги, жанрларнинг ранг-баранглиги билан ажралиб туради.

XIX асрнинг иккинчи ярмида халқ ижодининг катта мактаби бўлиб, Жассоқ бахши, Кичик Бўрон, Кўлдош шоир, Суяр шоир, Хўжаназар бахши ва Жуманбулбул каби машҳур халқ шоирларини етиштирган Нурота ва Булунғур биз ўрганаётгаи даврда ҳам фольклорнинг йирик маркази бўлган. Машҳур олим В.М.Жирмунскийнинг фикрига қараганда, бахшиларнинг Нурота мактаби вакиллари романтик дostonларни, «халқ романлари»ни куйлашга, Булунғур мактаби вакиллари эса қахрамонлик дostonларини куйлашга кўпроқ эътибор берганлар. Бироқ бахшилар ижод қилган асарлар бизгача фақат оғизма-оғиз етиб келган. Мадрасаларда форс ва араб тилида таҳсил кўрган зиёлилар шоирлар томонидан яратилган қасида, мадҳия ва бошқа шу каби асарлари кадрлаганлари ҳолда, бахши шоирларнинг бармоқ вазнида, содда, халқ тилида ғоят енгил ва қизиқарли қилиб яратилган дoston ва кўшиқларини ҳақиқий санъат асари ҳисобламаганлар. | Шунинг учун, ўтмишда бунёд этилган тазкира, мажмуа, девои ва баёзларда бахшиларнинг асарлари ҳам, улар тўғрисидаги биографик маълумотлар ҳам учрамайди. Халқ орасида эса бахшилар ижод қилган асарларнинг ишқибозлари ғоят даражада кўп бўлса ҳам, кўпчилик омма саводсиз бўлганлиги учун бундай намуналарни ёзиб олувчи махсус кишилар бўлмаган ёки жуда кам бўлган. Лекин, шунга

карамай, халқ ўз маънавий бойлигини авайлаб сақлаган, оғзаки тарзда келгуси авлодларгача етказа олган.

Бу даврда ўзбек халқ оғзаки ижоди соҳасида чинакам юксалиш юз берди. Халқ дostonчилигининг гўзал намуналаридан бири бўлган «Равшан» дostonи Жуманбулбулнинг ўзи томонидан ижод этилган, деган фикр, шунингдек, академик В. М.Жирмунскийнинг «Алпомиш» дostonидаги жанг манзараларида тасвирланган қалмоқ полвонларининг бесўнақай кулгили портретлари XIX аср ўрталарида яшаган муболаға устаси Амин бахшининг ижоди бўлса керак, деган ҳақиқатга яқин фикри асоссиз эмас, албатта⁶.

Бу даврда Марказий Осиё хонликлари бўйлаб «Алпомиш» дostonи, «Гўрўғли» циклидаги эпик қиссалар, «Тоҳир ва Зухра», «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» каби асарлар кенг тарқалди. Бу дostonларнинг илдизи узок замонларга бориб тақалгани сингари, улар кейинги. асрларда ҳам шаклланиб, мукаммаллашиб борди ва уларнинг янги-янги вариантлари пайдо бўлди. Шу билан бирга, бу дostonлар туркман, қозоқ, қорақалпоқ, озарбайжон ва бошқа халқларнинг фольклор ёдгорлиги бўлиб, асрлар давомида бахшилар, оқинлар ва ошиқлар томонидан куйланиб келмоқда. Шунинг учун ҳам 1842 йилда «Гўрўғли»нинг озарбайжонча нақлларида бирини нашр эттирган А. Ходзко мана бундай деб ёзган эди:

«Осиё ва умуман Шарқда бу ном (Гўрўғли номи) машҳур бўлмаган бирорта ҳам бурчак йўқ. Сиз уни ҳатто Бессарабияда, Молдавияда ҳам эшитасиз... Ҳар ҳолда, унинг Осиёдаги шуҳрати Гомернинг Грециядаги шуҳрати қадар буюқдир»⁷.

Шу билан бирга, «Гўрўғли» дostonи ҳар бир халқнинг ўз бадий бойлиги, ўз мулкидир. «Гўрўғли» ҳар бир халқ ва элатда ўзининг маҳаллий ва миллий колоритига эга. Бу ҳол дostonнинг иомланишида ҳам (озарбайжонларда «Кўрўғли», ўзбекларда «Гўрўғли», тожикларда «Гўргули»), образларида, сюжет линияларида, композициясида, дostonда ифодаланган воқеаларнинг содир бўлгаи жойлар ҳам Равшан кўринади. Чунончи, қардош озарбайжон эпосида Гўрўғлининг умр йўлдоши Нигор бўлса, ўзбекларда Юнус пари билан Мисқол паридир; Озарбайжонда «Гўрўғли» циклининг 17 дostonи бўлганидек, ўзбекчада қирқдан кўпроқ дostonлари мавжуд; озарбайжончада унинг яккаю ягона зурриёти Кўрдўғлу тасвирланган дostonлар бўлса, ўзбекларда унинг ўғиллари, неvara-чевараларигача куйланган алоҳида дostonлар бор.

«Гўрўғли» эпоси халқчил асар бўлиб, султонлар, беклар босқинчилар, боилар ва бошқа золимларга қарши халқнинг ғазаб ва нафратини, унинг орзу-

⁶ Проф. В. М. Жирмунский. Эпоснинг умумий назарий проблемалари ва ўзбек дostonчилигини ўрганиш тўғрисида. «Ўзбек тили ва адабиёт масалалари» журналі, 1959, 4-сон, 76- бет.

⁷ «Кер-оглы» восточный поэт-наездник». «Кавказ» газетаси, 1856, 21-сон.

армонларини ифодалагани ва санъатнинг юксак намунаси бўлганлиги учун ҳам у кўпдан-кўп юртлар, элатлар ва халқлар орасида шуҳрат қозонди. Озарбайжон адабиётшунослари Ҳамид Арасли, Мирзо оғо Қулизода, ўзбек фольклористлари Ҳоди Зариф, Мансур Афзалов, Музайяна Алавия, Малик Муродов, М.Сайидов ва бошқалар эса «Гўрўғли»нинг халқчиллигини янада кенгроқ ва чуқурроқ ёритдилар.

«Гўрўғли» каби дostonлар меҳнаткаш халқни эркинлик, озодлик ва ободонлик учун фидокорлик кўрсатиш руҳида тарбиялаб келди. Ана шундай халқчил дostonлар, жумладан, «Тоҳир ва Зухра», «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» дostonлари айрим шоирлар ёки Мутрибий ва Малехо тазкираларида зикр этилган хаттотлар томонидан (улар ҳозирча аниқланган эмас) қаламга олингач, оғзаки адабиёт билан ёзма адабиёт ўртасидаги кўприк сифатида халқ китоблари шаклини ола бошлаган эди.

«Тоҳир ва Зухра», «Юсуф ва Зулайхо», «Баҳром ва Гуландом», «Гулфарах», «Санобар», «Бўзўғлон» ёки «Юсуфбек ва Аҳмадбек» каби ўнлаб халқ китоблари халқнинг руҳий озиғи сифатида катта шуҳрат топди. Уларда инсонпарварлик, эрксеварлик, ватан ва эл-юртга муҳаббат, тинчликсеварлик, қаҳрамонлик каби халққа хос бўлган ажойиб фазилатлар улуғланди. Бу китобларнинг кўплари халқ қалбига сингиб кетган бўлиб, тўй ва маъракаларда, оммавий сайил ва йиғинларда қайта-қайта куйланган, иштиёқ билан ўқилган, Марказий Осиёнинг турли жойларида котиблар, саводли кишилар томонидан кўп нусхаларда кўчирилган. Бу хил халқ китобларида ўқувчини мардлик ва қаҳрамонликка, ҳалол севги ва садоқатга етакловчи ғоялар ҳам, уларнинг мунгли кўнглини аллаловчи, юпатувчи, алам ва армонларга тўла ширин хаёлларга чўндирувчи эпизодлар ҳам кўп учрайди. Шунинг учун ҳам ўтган асрнинг ўрталарида Марказий Осиёни кезиб чиққан венгриялик шарқшунос Г.Вамбери эл ичида машҳур бўлган «Юсуфбек ва Аҳмадбек», «Тоҳир ва Зухра» каби халқ китоблари халқ романлари ҳақида кўйидагиларни ёзган эди:

«Ўзбекистонда бундай романлар сон-саноксиз даражада кўп бўлиб, ўзбеклар асосан, шу хилдаги асарларни ғоят севадилар... Бундай асарлардан ўзбекларнинг миллий ҳис ва ифтихорини, мардлик ва қаҳрамонлигини акс эттирувчи кўпгина манзараларни то- пиш мумкин»⁸.

Халқ романлари ўзига хос специфик хусусиятларга эга бўлган бадий асарлар бўлиб, ўзбек адабиёти тарихида алоҳида жанрни, соҳанп, йўналишлардан бирини ташкил этади. Бу асарлар аслида узоқ вақтлар мобайнида халқ томонидан жамоавий ижод маҳсули сифатида майдонга келтирилган ва халқ мулки сифатида унинг эстетик ҳиссиётини, ақл-

⁸ Г. В а м б е р и . Очерки Средней Азии, Москва, 1868, 336-бет.

заковатини тарбиялашга хизмат этган. Бинобарин, халқ китобларининг биринчи ижодчиси, муаллифи халқдир.

Қатор ўзбек шоирлари бой фольклор материаллари асосида оригинал эпик асарлар яратганлар. Халқ китоблари эпик асарлар яратишнинг ана шу методи воситасида шоирларнинг битмас-туганмас илҳом манбаи ролини ўтаган. Шоирлар халқ ижодидаги тайёр сюжет ва қаҳрамонлар саргузаштини ўз ижодий лабораторияларида қайта ишлаганлар, уларга тарихий шароитнинг талаб ва эҳтиёжлари тақозо қилган айрим ўзгартишларни киритиб, бадий жиҳатдан сайқал бериб, уларни ёзма адабиёт намуналарига айлантирганлар. Шундай қилиб, халқ оғзаки ижоди билан ёзма адабиётга хос хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган оригинал бадий асарлар майдонга келган ва улар халққа манзур китоблар бўлиб қолган. XVII-XIX асрларда ўзбек ва туркман, қорақалпоқ ва қozoқ халқлари орасида оғзаки ижоднинг ана шу хилдаги асарлари кўплаб яратилди ва ёзма адабиётнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Бу даврларда «Тоҳир ва Зухра»нинг XVI-XIX асрларда яшаган Сайёдий тахаллусли шоир ёзган вариантдан бошқа номаълум муаллифлар яратган вариантлари ҳам вужудга келди.

XVIII асрнинг охирларида ижодий камолотга эришган ҳисорлик шоир Собир Сайқалий Баҳром билан Гуландом ҳақидаги халқ афсоналари асосида «Баҳром ва Гуландом» номли оригинал ва бадий жиҳатдан анчагина етук асар яратди. Буни шоирнинг ўзи ҳам қуйидагича эслатиб ўтган эди:

Кел, эй руҳи равоним, тавсани сан,
Ки бир афсова айғил, бошлайин ман.
Кел, эй тўти, эшитгил қиссаларни,
Ажаб афсонаи пур ғуссаларни...

Бу дostonдаги образларнинг характерида адолатпарварлик ва инсонпарварликни, севги ва садоқатни, жасорат ва мардликни улуғлаш, зулмат ва ёвузликка нафрат, ҳаётга муҳаббат каби фазилатлар устун туради.

Шунингдек, халқ ижоди материаллари заминидан шоир Ризоий томонидан «Хуршид ва маликаи Дилором», шоир Дилафкор томонидан «Шаҳзода Раъно ва Сухангул», XVIII аср туркман шоири Шайдой томонидан «Санобар», XIX аср бошларида ўтган шонр Маъфурий томонидан «Юсуфбек ва Аҳмадбек» дostonлари яратилди. Муаллифи ҳозирча номаълум бўлган «Гулфараҳ» дostonи ҳам Нозим ва Ҳозиклар томонидан тожик тилида, Андалиб, Хиромий ва Мирийлар томонидан ўзбек тилида назм қилинган «Юсуф ва Зулайҳо» қиссалари ҳам шу даврларда кенг тарқалган халқ китобларидан эди. Бу асарларда, ёзма ва оғзаки адабиётнинг бошқа намуналаридаги сингари, ижтимоий муҳит, халқнинг турмуши, урф-одатлари, халқнинг фаровон ҳаёт ва ҳақиқат ҳақидаги орзулари ўз ифодасини топган.

Уларнинг мазмунида, баъзи бир истиснолардан қатъи назар, халқчиллик руҳи ҳукмрондир.

Халқ романларига хос хусусиятлардан яна бири шундан иборатки, улар бевосита халқ оғзаки ижоди, халқ куйлаб келган анъанавий сюжетлар асосида яратилганлиги учун, ишқий-романтик лавҳаларга, қизиқарли фантастик саргузаштларга бойдир. Воқеаларнинг баён қилиниш тартиби, услуби, бир томондан, халқ ижод қилган «Алпомиш», «Гўрўғли» каби дostonлари сеҳрли фантастик эртақларни эслатса, иккинчи томондан, «Қиссаи Сайфулмулук» характеридаги ёзма адабиёт дostonларига ҳам ўхшаб кетади. Бу асарларнинг тили равон, услуби содда, бадий жихатдан ҳам ғоят пишиқ бўлиб, улар ўқувчини ўзига қаттиқ жалб қилади. Бу ҳолни «Тоҳир ва Зухра» каби асарлардан ёки Муҳаммад Зокир Мусоқори ўғли томонидан хижрий 1326 (мелодий 1908) йилда Тошкентдаги Ғуломия матбаасида типо-литографик усул билан нашр этилган «Санобар» китоби каби асарлардан ҳам англаб олиш мумкин.

«Тоҳир ва Зухра» Тоҳир ва Зухра севгиси ҳақидаги қисса халқ адабиётининг меваси сифатида вужудга келиб, Марказий Осиё, Арабистон ва Ҳиндистон халқлари орасида кенг шуҳрат топди, бадий адабиётни, халқ оғзаки ижодини севган кишиларнинг руҳига сингиб, узоқ замонлар мароқ билан куйлаб келинди ва халқнинг энг севимли қиссаларидан бири бўлиб қолди.

Балхлик ўзбек шоири Сайёдий «Тоҳир ва Зухра» вариантларини кунт билан мутолаа қилиб, бу қиссани шеърӣ йўл билан қайта ишлаб чиқди ва ёзма адабиёт майдонига олиб кирди. Сайёдий қайта ишлаган бу дostonда адолатпарварлик, инсонпарварлик, севги ва мардлик, ҳаётга муҳаббат каби олижаноб ғоялар мужассамлаштирилган, унинг тили ва бадий тажассуми анча чиройли ишланган бўлиб, шу хусусиятлари билан кўпгина халқ китобларидан ажралиб туради. Унда қатор дostonларда учрайдиган символик образлар — девлар, парилар йўк, сеҳрли ғайри реалистик эпизодлар эса жуда камдир.

«Тоҳир ва Зухра» севги мавзусидаги дoston бўлиб, у Тоҳир ва Зухранинг мураккаб саргузашти, ишқ можароси ва фожиали тақдирини ҳикоя қилади. Сайёдий мана шу дostonга мурожаат этиб, тайёр сюжет ва образларни олган бўлса ҳам, лекин уни қайта ишлашда дostonни оригинал эпизодлар, образлар ва ғоялар билан бойитди, дostonнинг ҳаётӣ моҳиятини кучайтирди. Ҳар қандай шоир ижоди ва ҳар бир адабий асар конкрет давр ҳаёти билан узвий боғланган ҳолда майдонга келганидек, Сайёдийнинг асари ҳам унинг ўзи яшаган ижтимоӣ муҳитдан таъсирланиши ва уни маълум даражада акс эттиришининг маҳсули сифатида яратилди. Дostonда келтирилган:

Яна Сайфулмулук Соид бирлан
 Яна юз минг сипах, обид бирлан
 каби мисралар ёки:
 Кел, эй Сайёдий, сан бошла бу дoston,
 Зимистонда нечук бўлди гулистон
 каби байтлар унинг XVI аср шоири Мажлисийнинг «Сайфулмулук»
 асаридан сўнг вужудга келганини кўрсатса,
 Ғариб кўрсанг, ғарибга берма озор,
 Эрам боғида булбулдур ғариблар.
 На қилдим, эй нигоро, қилмадинг ёд,
 Ғарибинг кўнглини ҳеч қилмадинг шод,
 каби мисралар эса Сайёдий достонининг XVI-XVII асрнинг адабий
 маҳсули бўлган «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» билан деярли бир даврда
 яратилганига далил бўлади.

Сайёдий Тохир ва Зухра ўртасидаги муҳаббатнинг кўнгилсиз оқибатини,
 фожиасини ўзи яшаган муҳит фониди тасвирлайди. Достоннинг ғоявий
 мазмуни ғоят қизиқарли саргузаштлар, ҳаётини ва фантастик эпизодлар фониди
 очилади. Воқеалар изчил композиция воситасида, содда ва равон услубда
 ҳикоя қилинади. Шоир Сайёдий Лутфий, Мажлисий ва Фузулий каби машҳур
 достоннавислар ижоди билан бошланган анъаналардан фойдаланиб асар
 сюжетини монолог характеридаги ўнлаб бадиий ғазаллар билан бойитиб,
 дoston қаҳрамонларининг руҳий дунёсини тўлароқ очишга лиризмни
 кучайтиришга, эмоционал таъсирни оширишга муваффақ бўлган.

Шоир асарининг кириш қисмидаги ҳамд ва наътлардан сўнг ғамгин
 дустларининг кўнглини овлаш ҳамда ўзидан кейинги авлодга ошиқ-
 маъшуқлар ҳақида ажойиб бир бадиий ёдгорлик қолдириш учун дoston
 ёзишга киришганлигини қайд қилади:

Кел, эй Сайёдий, сан бир соз қилғил,
 Қанотингни ёзиб, парвоз қилғил.
 Ки ошиқларга сан гуфтор очғил,
 Бу турки тил биладурларни сочғил...
 Чунон эртакки эрди хосу ома,
 Тўлиб эрди бу Ҳиндустону Шома.
 Аларнинг ишқини кўнглимга солдим,
 Ки ошиқларга яхши базм қилдим.
 Қуруқ жазра эрди, бўстон қилдим,
 Ки ошиқларга хуб дoston қилдим.

Шоир ошиқлар учун бўстон сифатида тақдим қилмоқчи бўлган
 дostonнинг қисқача мазмуни қуйидагичадир:

«Тотор» шахрининг подшоси Бобохон жуда золим эди. Унинг Боҳир деган вазирп бор эди. Бобохоннинг ҳам, Боҳирнинг ҳам фарзанди йўқ эди. Фарзандсизлик уларни жуда ғамгин қилган эди. Бир куни вазир уйқуга кетиб, туш кўради. Тушида фарзанд кўрпш орзусига эришган эмиш. Вазир эрталаб ўз тушини подшога гапириб беради. Подшоҳ буни эшитиб хурсанд бўлади. Вазир подшоҳдан агар иккимиз фарзанд кўрсак, суюнчисига нима берамиз, деб сўрайди. Подшоҳ унга жавоб бериб агар фарзандларимизнинг иккаласи ҳам ўғил бўлса, улар бир-бири билан дўст бўлишсин, агар иккаласи ҳам қиз бўлса, бир-бири билан дугона бўлишсин, мабодо бири ўғил ва бири қиз бўлса, бир-бирига ҳамдард бўлишсин, дейди.

Кунлардан бир кун подшоҳнинг хотини қиз кўради. Унинг отини Зуҳра кўйишади. Зуҳранинг гўзаллиги ҳақида овоза мағрибдан машрикқача этади. Подшоҳ «Агар Боҳир ўғил кўрса, нима қиламан», деб ўйлаб қолади. Бир неча кундан кейин Боҳирнинг хотини ўғил кўради. Ушшг отини Мирза Тоҳир кўйишади. Тоҳир беш ёшга кирганида отаси вафот этади. Бобохон Боҳир вафотпни эшнтиб, оллоҳнинг тақдири шу экан, илгари Тоҳир Боҳирнинг ўғли эди, мен Боҳир билан шарт қилганимми ҳеч ким билмайди, деб вазирга берган ваъдасини пучга чиқариб, Тоҳирни назарига илмай қўяди. Тоҳир билан Зуҳра эса мактабта ўқиб юриб, бир-бирини севиб қоладилар.

Бобохон подшоҳнинг боғбони бор эди. Шоҳ боғбонга: «Агар бир ходиса рўй берса, келиб менга айтасан»,—деб тайинлаб қўяди. Зуҳра билан Тоҳир ахён-ахён- да боғ саирига чиқиб турар эдилар. Боғбон бу сирни подшоҳга етказди. Шоҳ ғазабланиб: «Тоҳирни сандикқа солиб, сувга ташланг»,—деб буйруқ беради ва унн дарёга оқизади. Тоҳир сандик ичида қийналиб, азоб-укубатлар чекиб, бир гирдобга оқиб боради. У ердаги дарахт устидан сандикни кўриб турган икки қуш учиб бориб, сандикни сувдан чиқариб, дарахт устига олиб чиқади. Тоҳир қушларнинг қўлига тушганидан жуда хафа бўлади. Тоҳир қушлар дастидан озод бўлишни, ҳар қандай балога йўлиқса ҳам, дарё ичида йўлиқишини истаб, севгилнси Зуҳрани соғивиб, ўкинч кўз ёшларини тўқади ва, мен гадонинг ҳолини дилдорга етказгпн, деб шамолга нола қилади. Шамол Тоҳир солинган сандикни дарахт устидан сувга учуриб тушади. Тоҳир яна ишқ ўтида ёниб, дарёда оқиб кетади ва уч ой деганда Бағдод шахрига етиб келади.

Бу ерларнинг ҳукмдори Одил номли подшоҳ экан. Унинг уч ўғли ва уч қизи бор экан. Бир куни Одил подшоҳнинг Моҳим деган қизи тушида бир гўзал йигитни кўриб, у билан сўзлашади ва эртасига тушини энагасига айтади. Моҳим канизлари билан сайр қилиб юрганида узоқдан оқиб келаётган сандикни кўриб қолади. Сандик дарё қирғоғига яқин келганда Жаҳонгир деган қиз сандикни сувдан тортиб олади. Моҳим сандикни очгач, тушида кўрган

йигитни кўриб, уни севиб қолади.

Тоҳир ғамгин: у Зухра билан онасини соғиниб, нола-фиғон қилади. Тоҳирнинг онаси эса ўғлини бир кўриш орзусида зор-зор йиғлаб, унинг дийдорини кўромай вафот этади. Бобохон Зухрани ўзининг қариндоши Қорабаҳодир (Қоработир)га бермоқчи булади. Зухра бу гапни эшитгандан кейин жуда ҳам хафа бўлиб, Тоҳирга хабар юборади. Хабарчи жуда ҳам баланд овоз билан ишқий ғазаллар айтиб, Тоҳирни шаҳарма-шаҳар қидириб юради. У бир неча манзил йўл юриб, охири Тоҳирни топади ва Бобохон ўз қизи Зухрани Қоработирга бермоқчи эканлигини айтади. Моҳимнинг опаси Шаҳри Санам хабарчини севиб қолади хабарчи ҳам Шаҳри Санамга уйланиб, Бағдод шаҳрида қолади. Тоҳир Моҳимни уларга топшириб, унинг кўнглини тинчитади ва улар билан хайрлашиб, йўлга равона бўлади. Тоҳир йўлда бир неча қароқчиларга учраб, баланд тоғлардан ўтиб Зухранинг олдига етиб келади. Зухра Тоҳирни бир неча кун душманларидан яшириб юради. Бир куни Тоҳир билан Зухранинг дўстлари кенгашиб, барча созандаларни чақиртиради. Зухранинг отаси бу хабарни эшитиб Тоҳирни жаллодга топширади. Подшоҳнинг амри билан жаллод Тоҳирнинг бошини кесади. Бу жудоликка чидай олмаган Зухра Тоҳирнинг қабрига бориб, кўксига ханжар уриб, ўзини ўлдиради.

Қорабаҳодир Зухранинг ўлганини эшитиб, унинг қабрига боради ва у ҳам ўзини ўлдиради. Қоработирни Тоҳир билан Зухра қабрининг ўртасига кўмадилар

Одилшоҳнинг қизи Моҳим Тоҳирни кўп ўйлайди, ҳар хил ташвишли хаёлларга бориб юради. Бир куни Моҳим билан қизлар кўчадан ўтиб кетаётган карвонбошидан Тоҳир билан Зухранинг ўлганини эшитиб қоладилар. Бу хабардан Моҳимнинг қалби қаттиқ озор чекади ва у зўр изтироб алангасида ғазал ўқиб жон беради. Бунга тоқат қилолмаган унинг дугоналари Моҳим учун жонларини қурбон қиладилар.

Қисса мазмунидан кўришиб турибдики, шоир Сайёдий ёш қалб эгаларининг бир-бирига бўлган самимий муҳаббати, бир-бирига қовушиш йўлндаги жасуруна интилишлари орқали эркин севгини куйлаган. Асар қаҳрамонлари қалб амри билан бир-бирини севади.

Достоннинг асосий қаҳрамонларн Тоҳир, Зухра, Моҳим, Хубон ва Одилшоҳдир. Шоир, айниқса, қиссанинг бош қаҳрамонлари бўлган Тоҳир билан Зухранинг дунёга келишидан тортиб, зулмат ва жаҳолат сиртмоғида ҳалок этилишигача бўлган мураккаб ҳаётини акс эттиради. Асар марказида турувчи икки ёшнинг муҳим хислатларини, руҳий оламини алоҳида-алоҳида тасвирлаш маҳсадида шоир ҳамма воситалардан, жумладан, эпизодик образлардан фойдаланади. Шоир достон образларини очиб бориш жараёнида

заҳматкаш халкнинг баҳамжиҳат кучи ва ғайратини, кудрати ва руҳий кайфиятини ҳам маълум даражада акс эттиради.

Тоҳир соф муҳаббатни, вафодорликни ўз умрининг мазмуни деб билади. У юксак ахлоқ эгаси, идеал ошиқдир. Тоҳир ёшлик чоғиданоқ илм-хунарга ихлос қўяди, инсоний камолот сари интилади, ўз. даврининг тамизли, доно ва ақлли кишиси бўлиб етишади. У чииакам инсоний муҳаббатни юксак кадрлайди, уни ҳар нарсадан устун қўяди; чунончи, у ўз севгилиси Зухрага мурожаат этиб:

Сансизин жаннатга борсам, хонаи зулмат эрур,

Нолаю афғон этиб, бир моҳи тобон истарам,—

дейди. Тоҳир ишқ савдосида ўз мақсади учун фаол, мардонавор ҳаракат қилувчи йигит. Золим подшоҳ Бобоҳон бошлиқ қора кучлар икки ёш орасидаги самимий муҳаббатга чанг солиб, Тоҳирни дарёга оқизганларида, хижрон ва изтиробга, турли руҳий қийинчиликларга дучор этганларида ҳам, у севгнга, ҳаёт завқига умид кўзлари билан қарайди, тушкунликка беридмайди, ўз севгнсидан воз кечмайди. Тоҳир ўзга юртларда ғариблик даврида куйиб-ёнган чоғларида ҳам Зухрага берган ваъдасига хиёнат қилмайди. Одилшоҳнинг қизи гўзал Моҳим унга муҳаббат. изҳор қилганда ҳам, Одилшоҳ унга тожу тахт ворислигини инъом этганда ҳам, у севгисига содққ қолиб, буларнинг барчасидан бош тортади. Тоҳир Зухрага бўлган оташин ва пок севгиси учун Бобоҳон томонидан қатл этилишга ҳукм қилинганда ҳам, мағрур туради, ўз муҳаббати учун жон беришни шараф деб билади.

Зухра ишқ-муҳаббат ўтида куйиб-ёнади, ўз севгилиси Тоҳир висолига эришиш йўллариини излайди, лекин бу истагига зриша олмайди. У Тоҳирни ҳеч нарсага ва ҳеч кимга тенг қилмайди; уни ҳамма ошиқлардан мўътабар кўради. Зухрани кишиларнинг мол-мулки, шон-шавкати ва мансаби қизиқтирмайди. Шунинг учун ҳам у, гарчи шоҳ қизи бўлса ҳам, отасиз, етим Тоҳирни севади, энг нозик ва хавфли дамларда ҳам унга бўлган муҳаббати ва аҳду паймонидан воз кечмайди. Асарнинг бош қисмларида Зухра ўз мақсадларига эришиш учун, золимларга ёлворади, худодан нажот ва раҳм-шафқат тилайди. Лекин унинг умидлари сароб бўлиб чиқади, чунки унинг нола-фиғонига отаси ҳам кулоқ солмайди. Шундан кейин у золимларнинг хоҳишига қарши фаол, ошкора ҳаракат қилишга ўтади, жасорат ва олижаноблик кўрсатади. Тоҳир ўлдирилгандан кейин Зухра учун дунёда тирик қолишнинг маъноси қолмайди. У ўзини Тоҳир учун қурбон қилади. Бу Зухранинг мағлубияти эмас, балки руҳий ғалабаси эди.

Достонда тасвирланган Хубонхоним ҳам ўқувчи учун маърифий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлган образлардан биридир. У Тоҳир каби қахрамон, пок қалбли ўғилни тарбиялаган, унинг юрагида ҳақиқий севги, чин инсоний

хислатларини ўстирган онадир. Хубонхоним Тоҳир ва Зухра ўртасидаги муҳаббатни қувватлайди, уларнинг бир-бирларига етишишлари учун фаол ва кескин ҳаракат қилади. Бироқ у навқирон нури дийдасидан ажралади. Шоир руҳий азоблар исканжасида қийналган онанинг қалб жароҳатларини, мунгли ва ҳазин нолаларини, руҳий драматизминини ғоят таъсирли ва чиройли мисраларда мужассамлаштириб бера олган.

Сайёдий ўз асарида севишган ёшлар ўртасига ғов бўлган золим пшоҳ образини ва бошқа салбий образларни ҳам яратган. Зухранинг отаси Бобоҳон ва Қоработир ана шундай образлардан бўлиб, улар яхшилик ва эзгуликнинг ашаддий душманлари сифатида кўрсатилган. Шоир талқинида Бобоҳон ҳам, Қоработир ҳам раҳм-шафқатни билмайдиган, золим ва разил кишилар вакилидир. Улар одамларнинг номуси ва қалб туйғулари билан ҳисоблашмайди.

Шоир Сайёдий Бобоҳон образига қарама-қарши тарзда Одилшоҳ образини яратиб, бу билан ўзининг адолат ва адолатли ҳукмдор ҳақидаги орзуларини илгари суради. Демак, Одилшоҳ образида Сайёдийнинг идеали, орзуси мужассамлашгандир. Объектив ва субъектив сабабларга кўра, халқ золим шохлар образини ҳам, улардан тамомила фарқ қилувчи одилшоҳлар образини ҳам яратар, одилшоҳлар образи орқали энг яхши инсоний хислатларни ифодалар эди. Сайёдий Одилшоҳ образида халқ-улус ҳақида қайғирувчи, ўлкани адолат нури билан ёритувчи, ақлли, тадбирли ҳукмдор образини акс эттиради. Асарда тасвирланишича, Одилшоҳ ихтиёрндаги Бағдод фаровон ва обод мамлакат бўлиб, унинг халқи ўз ҳукмдоридан миннатдордир. Агар золим Бобоҳон ҳатто ўз қизининг қалб амри ва иродасига чанг солиб, унинг умрига завол бўлса, Одилшоҳ ўз қизи Моҳимнинг Тоҳирга бўлган муҳаббатини олқишлайди, чин инсоний севги ва олижаноб инсоний фазилатларнинг ҳимоячиси сифатида иш кўради. У шу қадар инсонпарвар ва мард кишики, ҳатто ўз қизини ташлаб кетган Тоҳирнинг вафодорлигига қойил қолади. Унинг Зухрага бўлган муҳаббатига қўлидан келган ёрдамини аямайди.

Сайёдий достонида халқ образига ҳам бирмунча кенг ўрин берилганки, бу дoston фазилатларидан биридир. Асарда меҳнаткаш фуқаро Тоҳир ва Зухралар муҳаббатининг ҳақиқий ҳимоячиси сифатида тасвирланади. Халқ Тоҳир ва Зухра билан бирга шодланади, уларнинг бошига тушган кулфат учун баб-баравар қайғуради. Масалан, Тоҳирни сувга оқизиш жаарёнини акс эттирувчи қуйидаги сатрларни ўқир эканмиз, ўзимизни бевосита Тоҳир билан Зухра аламида туғёнга келган омма орасида кўрамиз. Халқ ноҳақ азоб тортаётган Тоҳирни, пассивроқ тарзда бўлса ҳам, Бобоҳондан озод этишни талаб қилади:

Бу шаҳр аҳли деди: бўлди қиёмат,

Бу шаҳга қилдилар барча маломат.
 Бориси дедилар: «Барча боролук,
 Бобоҳон олдига ҳозир туrolук».
 Кенгаш бирла халойиқ барча келди,
 Келиб шоҳ олдида хизматда турди.
 Дедилар барча: «Эй султни олам,
 Бу шаҳр эли барча тутди мотам.
 Бу Тоҳирнинг гуноҳин бизга бергил,
 Нақим сан пора миқдорича олғил».
 Ки бу сўзларга шоҳнинг қаҳри келди,
 Ачиғланди, йилондек заҳри келди.

Бу ўринда Сайёдий халқ кучини зулм кўрган ёшларни қутқаришга йўналтирган. Демак, Сайёдий соф виждонли кишиларнинг душманларига нисбатан кўпчилик нафратини кўзгашига ҳаракат қилган. Бу соҳада шоир маълум муваффақиятларга ҳам эришган, чунки шоир инсонни, инсоний севги ва садоқатни улуғлаш билангина кифояланиб қолмаган, балки, шу билан бирга, гарчи абстракт тарзда бўлса ҳам, мамлакатда адолат тантана қилган тлқдирдагина, соф муҳаббат, вафо ва тенглик бўлиши мумкин,— деган фикрга ишора қилган. Бу эса халқнинг адолат ва эзгулик ҳақидаги орзуси эди. Бу жиҳатдан қараганда, ҳозир ҳам достоннинг тарбиявий-маърифий аҳамияти йўқолган эмас. Тоҳир ва Зухраларга хос бўлган олижаноб хислатлар бахтиёр ёшларимизни соф виждонли, садоқатли ва вафодор бўлиш руҳида тарбиялашга ёрдам беради.

Шоир асар мазмунини ёрқинроқ ифодалаш, ўқувчида кучли эмоционал туйғулар ҳосил қилиб, унинг эстетик завқини тарбиялаш мақсадида хилма-хил бадий-тасвирий воситалардан фойдаланади. Асарда халқ мақоллари ва образли иборалар жуда кўп. Сайёдий маҳоратига хос бир хусусият шундаки, у ўз қаҳрамонларининг саргузаштларини ҳикоя қилишда уларнинг ички дунёсини, руҳий кечинмаларини чуқурроқ очишга алоҳида эътибор беради. Достонда:

Фироқинг дардида бемордурман,
 Висолинг ҳасратида бордурман.
 Ўшал жоми висолинг ичтим эрса,
 Ўшал кундин бери хумордурман.
 Муҳаббат тухмин экдинг кўнглум ичра,
 Онинг чун кеча-кундуз зордурман.
 Мани кўрган киши юз таъна айлар,
 Рақиблар жабридан афгордурман...
 Мани манъ айламанг бу ишқ йўлидан,

Мисоли мен танурнинг норидурман.
 Жамолинг бўлмаса, ризвонни найлай,
 Анингдек жазрадин безордурман...
 каби жуда пишиқ, қаҳрамонларнинг соф қалбини, маънавий кўркини
 равшанроқ кўрсатадиган лирик парчалар:
 Ки Зухра жону ман жононасиман,
 Ки Зухра шамъу ман парвонасиман,
 Ки Зухра боғу ман боғнинг гулиман,
 Ки Зухра гул эрур, ман булбулиман.
 Бу сўзлар эрлардин қолғон масалдур,
 Ҳар ишнинг аввали саъю жадалдур,
 Гар насиб бўлса бихишт борсам, висолинг бўлмаса,
 Найлайин, воллоҳ, керакмас ҳуру ғилмони манга...
 Ҳар шакарнинг талхи бордур, ҳар тиконда гуд битар,
 Ҳар ғаминг бир шоди бор, беҳуда, эй жон, ғам ема...
 Сўзни сақлаб сўзлаганлар хўб билур сўз қадрини...
 Фарқи йўқ кўп сўзлаганлар на билур ўз қадрини...
 Киши эр бўлса аҳдидин тонарму?
 Қилич бошиға келса ул ёнарму?
 каби халқ мақоллари, ҳикматли сўзлари ва хилма-хил ташбеҳларини ўз
 ичига олган чиройли байтлар кўп учрайди.

Достонда айрим ортикча воқеа ва эпизодлар ҳам бор. Достонда аҳён-
 аҳёнда қофия, вазн сакталиклари ҳам, мазмунан саёз ва ширасиз чикқан
 байтлар ҳам кўзга чалиииб туради.

Ижодкорнинг яшаган муҳити ва унинг хотиржам қалам тебратишига
 имконият бермаган оғир шароитлари билан изоҳланадиган бундай жузъий
 камчиликлардан қатъи назар, шоирнинг

Гулистон кўрмасун боди хазонин,
 Рақибларнинг худо берсун заволин
 каби байтлари унинг «боди хазондан дарак бўлмаган гулистонлар
 орзусида ижод этганлигини;

Ҳар ишнинг аввали саъю жадалдур
 каби мисралари унинг халқни ғайрат қилиб, яхшироқ ҳаётни бунёд этиш
 пайида бўлишга чақирганини кўрсатади.

Достонда ёзма адабиётга хос «алвидо», «алфироқ», «жоми висол» каби
 китобий таъбирлар кўп бўлса ҳам, лекин унда халқнинг «айрилғай»
 (айрилмоқда), «боролук»,- «туролук» (борайлик, турайлик) сингари жонли
 сўзлашув тили унсурлари асосий ўринни ншғол этади. Бу маълумотлар:
 Сайёдийнинг «Тоҳир за Зухра» халқона услубда яратганидан далолат беради.

“Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”

Мазкур дoston шу ном билан ҳамда «Ғариб ва Шоҳсанам», «Ғариб Шоҳсанам», «Ошиқ Ғариб» номлари билан озарбайжон, ўзбек, туркман, қорақалпоқ халқлари ва бошқа халқлар адабиётида машҳурдир. Асар дастлаб қайси ерда яратилганидан қатъи назар, унда халқнинг XVI-XVII асрлардаги мусибатли ҳаёти акс эттирилгандир. Дoston мавзуининг тарихи ва озарбайжонча «Ғариб ва Шоҳсанам»ни тадқиқ этган профессор Ҳамид Араслининг ҳулосалари ҳам бу фикрни гасдиклайди. Ҳ. Араслининг асосли далилларига кўра XVI асрда Ғариб тахаллусли ошиқ — шоир ўтган бўлиб, у куйлаб юрган ғарибона термалар маълум сюжетли дoston яратиш учун асос бўлган Шу билан бирга, озарбайжонлик Қурбоний ҳам Ғариб ошиқ тахлитдаги ижодкор бўлиб, дostonнинг вужудга келиши ва такомиллашувида озмунча хизмат қилмаган.

“Ошиқ Ғариб” дostonи бир неча халқнинг фольклорида бор. Лекин бундай қатъи назар, ишонч билан айтиш мумкинки, бу дoston дастлаб Озарбайжонда яратилган, кейинча ўзбек, туркман ва қорақалпоқ халқларида пайдо бўлган. Чунки озарбайжон тилидаги “ошиқ” ўзбекчадаги «бахши», қозоқчадаги «оқин», қорақалпоқчадаги «жиров» сўзларининг маъносини ифодалайди. Дostonдаги бош қаҳрамон Ғариб ҳам шоир, ҳам бастакордир. Шунинг учун у ошиқ (бахши, оқин, жиров) деб аталади. Бунинг ўзи ҳам юқоридаги даъвони қувватлайди. Бундан ташқари, ўзбекча «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» дostonидаги:

Бир ўзга ера тут ватан,

Осон эмас бўра ётан

байтида «ерда» сўзининг «ера» шаклида, «бу ерда» сўзининг «бўра» шаклида ишлатилиши ҳам, умуман дostonда озарбайжон тилига хос элементларнинг кўплиги ҳам бу фикрни исботлайди.

Ўзбекистонда эса «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» дostonининг дlставвал Хоразмда яратилганлиги шубҳасиздир. Дoston матнларида Хоразм диалекти элементларининг кўплиги, дostonнинг деярли ҳамма ўрнида қўл маъносида «ал» қўлланилиши, жўналиш келишиги қўшимчаси «ға» нинг «а» ёки «я» шаклида, «лик» қўшимчасининг «ли» тарзида ишлатилиши ва ҳоказолар бунинг яққол кўрсатиб туради. Дostonда «ли» қўшимчаси баъзан «диган» қўшимчаси ўрнида:

Хуш қол энди, жоним онам,

Мен букун кетели бўлдим;

баъзан эса сўнг, кейин, учун маъноларида ишлатилади:

Дарёлар ёқасин сайрон этоли,

Сайронлар этмадим сиз ёр кетели.

Бу ҳол ҳам Хоразм диалектига хос хусусиятдир. Шунингдек, озарбайжончадаги Арзрум, Табриз шаҳарлари ўрнида Ваянгон шаҳри (қадимги Хоразм шаҳарларидан бири) каби маҳаллий жой номларининг зикр этилиши, воқеаларнинг деярли шу ерларда давом эттирилиши ҳам асарнинг ўзбек тилидаги варианты дастлаб Хоразмда яратилганини ва маҳаллий колорит билан суғорилганини кўрсатади.

Достоннинг айрим вариантларида⁹ акс эттирилаётган воқеалар Овул, Қозоқ вилояти, Ийдгоҳ, Қаландархона ва бошқа жойларда содир бўлади, бу жойлар кейинги асрларда зоҳир бўлган ёки достоннинг халқ китоби шаклига келтирилиши жаарёнида шоирлар, котиблар, ижрочилар томонидан қўшилган янгиликлар тарзида изоҳланиши лозим.

Достоннинг халқ китоби ҳолидаги вариантларида «Аммо ровийлар андоқ ривоят қилурларким», «алқисса шул тариқа аҳду паймон боғладиларким», «аҳднома туздиларким» тарзидаги китобий таъбирлар, «саволи Ақча», «жавоби Ғариб» диалоглари, «на фароғатдур», «на кабоҳатдур», «на қиёфатдур» каби ёзма адабиётга хос китобий сўзлар киритилган бўлса ҳам, достон халқ ижодига хос асосии ва етакчи хусусиятларини сақлаб келди¹⁰.

Достон давлатманд оиладан бўлган Шоҳсанам билан камбағал оиладан чиққан Ғариб ўртасидаги муҳаббат мавзусига бағишланади. Достондаги воқеалар давомида Ғарибнинг шоирлик санъатига, уста созандалигига қойил қолган халқ унинг шоҳ Аббос қизи Санамга самимий ошиқ бўлганига ҳам ҳурмат билан қарайди ва уларнинг ўз аҳду паймонларига эришувига кўмаклашади. Халқ ўз фарзандлари Ғариб билан Шоҳсанамни мурод-мақсадига етказишни ўз тақдирининг таркибий қисми деб билади. Зотан, асарда фақат Ғариб билан Санамнинг орзу-ҳавасларинигина эмас, балки халқнинг эркинлик ва фаровонлик, маданий тараққиёт, тенглик ва ҳамжиҳатлик тўғрисидаги азалий орзуларини амалга ошириш каби масалалар ҳам илгари сурилади.

Булбул фиғон этиб айрилмас гулдин,
 Парво қилмон, жоним олсалар тандин,
 Садпора қилсалар кечмасам сандин,
 Ошиқларга дўнмак ордур, Санамжон
 каби оташин нидоларидан пок ва самимий муҳаббат Шоҳсанамнинг:
 Юрагимда ёрнинг дарди ётибдур,
 Ишқ ўти жон-жонимдан ўтибдур

⁹ Бу ерда Мулло Саид Маҳмуд ва Мулло Абдулмажид Қори бин Қори Абдулвоселарининг 1906 йилда Бухорода нашр этилган варианты кўзда тутилади.

¹⁰ «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» достони 1956 йилда ЎзР Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг фольклор бўлими томонидан қискартирилган ҳолда нашр эттирилган.

каби онтларидан вафодор маъшуқаларнинг ўз ниятига эришиш йўлидаги жазмлари аниқ кўзга ташланади.

“Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” асарининг XVII асрдаёқ халқ китоби шаклини ола бошлаганлигини ундаги Алишер Навоий ва XVII аср шоирларидан Вафой билан Сайидо Насафий шеърларига ҳамоҳанг бўлган байтлардан ҳам кўриш мумкин. Чунончи, Алишер Навоий «Хамса»сида:

Ошиқ ани билки эрур дарднок,

Ҳам тили, ҳам кўзию, ҳам кўнгли пок,—

дейилган бўлса, «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» достонида худди ана шу мисраларнинг мазмуни ва шеърий тартибига яқин байтлар Шоҳсанам тилидан:

Ошук билан маъшук йўли бир керак,

Ваъдаси, вафоси, қалби бир керак

тарзида колтнрилади. Санамнинг: «Бир одамдан ўзга менга ким дастгир - деб оишқ-маъшуклик учун биринчи галда инсонийлик туришини уқтирган олижаноб сўзлари ҳам Шириннинг Фарҳодга бўлгап садоқатини ифодалаб:

Менга не ёру не ошиқ хавасдир,

Агар мен одам ўлсам ушбу басдир,—

деган сўзларини эсга туширади.

Демак, дostonнинг вужудга келиши билан унинг халқ китобига айланиши деярли олдинма-кетин содир бўлган. Лекин дostonдаги термаларнинг хилма-хил вазндалиги, уларга Озарбайжон ва Хоразм халқ мақомларининг сингдирилиши уни бир вазнда ёки бир хпл шеърий шаклда бунёд этилган дostonлардан ажратиб туради. Шунинг учун ҳам сиз дostonдаги термаларнинг бирор сўз ёки бпрор мисрасини («Дардингдан», «Ёрнинг гули галди», «На бўлди», «Сабо келибсиз», «Менга сиз ёр керак, дунё керакмас», «Иложим йўқ ёра бора билмадим» кабиларни) хотирга келтиришингиз билан унинг ўйноқи ёки мунгли куйи ҳам кўшилиб кела беради. Бу эса адабиёт билан музиканинг чамбарчас алоқасини, унинг халқ ижодпда маҳорат билан мужассамлашганини равшан кўрсатади.

Асар асосан 8 ва 11 ҳижоли бармоқ вазнида яратилган бўлиб, унда:

Жон чикмасдан бурун жононни келтир,

Муҳаббат шавқида армонни келтир

тарзидаги арузнинг сареъи мусаддаси матвии мавкуф (мафоилўн мафоилўн маулўн) баҳрига ўхшаш айрим термалар ҳам борки, бу албатта асарнинг ёзма адабиёт билан натижаси бўлса керак.

«Санобар»

Дostonда асосан шахзода Санобар ҳамда Гулпаризод ва Меҳрангиз ўртасидаги ишқий саргузаштлар тасвир этилади. Дoston ҳам наср ҳам назм

билан ёзилган бўлиб, унинг қисқача мазмуни қуйидагича:

Чин шахрида Хуршед номли бир подшо бўлиб, унинг Санобар номли ғоят бир соҳибжамол ва соҳибкамол ўғли бор эди. Санобар ўн ёшигача мактабда ўқийди, сўнг отасининг қистови билан сипоҳигарликни ўрганишга киришади. Кунлардан бир кун боғ сайрига чиққанида, уни уйку элтиб, ухлаб қолади. Санобар тушида офтобталъат ва муштараксаодат бир паризоднинг гулзор ичида ётганини кўради ва унга ошиқи беқарор бўлиб, исмини, манзил-маконини сўрайди. Қиз ўз исми Жамол (Гулпаризод) бўлиб, парилар маликаси эканини, Фаррухшоҳ унинг отаси бўлиб, даргоҳи эса уч юз йиллик йўлда жойлашган Шахристондалигини айтади.

Парилар маликаси ишқида алаҳлаб уйғонган Санобар ҳузурда вазирнинг ўғли Зеваршоҳ пайдо бўлиб, ундан ҳол-аҳвол сўрайди, шахзоданинг аҳволидан, отаси, эл-уруғи, беклар, аъёнлар хабар топадилар. Ниҳоят Санобар отасининг розилигини олиб, 500 паҳлавони билан сафарга чиқади. Улар дарёда кема билан сузиб кетаётиб, гирдобга йўлиқадилар ва 6 ой шу жойда тўхтаб қоладилар, тўфон кўтарилиб кема чил-парчин бўлиб синганида, Санобар Зеваршоҳ билан бир тахтага илиниб қолади, бошқалар эса ҳалок бўладилар. Икковлари қирғоққа чиқиб тунайдилар. Зеваршоҳ ҳам вафот этади. Дўсти билан видолашган Санобар ёлғиз ўзи узоқ йўл босиб, ниҳоят бир марғзорга етади; шу ерда тунамоқчи бўлганида, боғ ўртасидаги азим чинор остидаги катта ҳовуздан оғзига гавҳар тишлаган бир хўкиз чиқиб келади ва гавҳарни шоҳсупа устига қўйиб, ўтлагани кетади. Гавҳарнинг нуридан боғ ичи мунаввар бўлиб кетади. Санобар чинор устига чиқиб, гавҳарни завқ билан томоша қила бошлайди. Анча вақтдан сўнг хўкиз келиб, яна ҳовузга кириб кетади. Санобар бу ернинг ғаройиботларидан ваҳимага тушиб, дарҳол йўлга равона бўлади ва бир неча кундан кейин жодугар макони бўлган яна бир боққа етиб келади. Боғни томоша қилиб турганида жодугар, унинг устига бир сиқим тупроқ сочиб юборади. Санобар кийик суратига кириб қолади. Шу тахлитда боғ ичидаги бир уйга яқинлашади. Уй ичидаги тахтада жодугарнинг қизи Мехрангиз ётган экан. Санобар қизга кўрган-кечирганларини сўзлаб беради ва ундан ёрдам сўрайди. Мехрангиз бир ҳовуч тупроққа дам солиб, Санобарнинг бошига сочади. Санобар аслига қайтади. Жодугарнинг қизи уни севиб қолади ва ўтириш уюштиришни буюради. Санобар эса қолишга кўнмай, йўлга равона бўлади ва тоғда макон қурган чилтонларга дуч келади. Чилтонлар унга «вахдат майи»дан ичирадилар. Санобар яна йўл юриб, 60 кундан кейин бир хиёбонга кириб келади. Бу ер зангилар ўрдаси экан. Зангилар уни банди қилиб, ўз бошлиқлари олдига олиб борадилар. Бошлиқнинг гўзал бир қизи бўлиб, у Санобарни кўриши билан, уни севиб қолади. Санобарни олтин кафасга қамайдилар. Қиз ҳар куни уни томоша қилишга келади ва ўз шаънига

қўшиқ айтишни илтимос қилади.

Санобар уни ҳажв қилувчи байтлар айтади. Қиз хафа бўлиб, чиқиб кетади. Шу пайт ғойибдан бир қўл чўзилиб, Санобарни қафас билан кўтариб, чўлга элтиб ташлайди. Қафас очилиб кетиб, Санобар озод бўлади. У йўлида давом этиб, уч кундан сўнг ваҳшийлар қароргоҳи бўлган чангалзор олдидан чиқиб қолади. Шунда бир рўдапо унинг елкасига миниб олади. Ақл ва тадбир кучи ғолиб келиб; Санобар рўдапони ёниб турган оловга отади; рўдапо куйиб кетади. Яна етти кечаю етти кундуз йўл юриб, тоғ бағридаги ғорда семурғ кушга дуч келади ва бошидан ўтганларни ҳикоя қилиб, ундан нажот сўрайди. Семурғ овқат тайёрлашни буюради. Санобар ов ўлжаси бўлган икки кийик гўштини бир тулумга жойлаб семурғ усгига ортади, Қуш парвоз қилади ва 40 кундан сўнг Шаҳристон яқинидагп жойга туширадн. Тунда девларнинг ҳаммаси маст уйқуда экан. Санобар машуқасини ухлаб ётган ҳолда учратиб, унинг ишқида ғазал ўқийди. Девлар ҳам, қиз ҳам уйқудан бош кўтарадилар. Маликанинг хизматчиси Санобарни малика ҳузурига олиб киради. Қиз тушида кўрган йигитни танийди ва унга зарар етказмасликни дсвларга буюради. Санобар ойнабанд кўшқдан шуъла сочиб турган гўзалга ўзини танитади, ҳамма сирни, ҳатто ота-онасининг кимлигини ҳам маълум қилади. Малика девларга бир олтин тахт ясашни буюради; тахт ясалгач Малика билан Санобар унга ўтирадилар ва девлар ёрдами билан Чин шаҳрига қараб учадилар. Санобар ўз гўзалининг розилиги билан Меҳрангизни ҳам чорлатиб, дўстлари ғарқ бўлган дарё йўли орқали ўз юртига етади. Хуршедшоҳ ўғлики шаҳар бўсағасида кутиб олади. Бироқ Санобар дарёга ғарқ бўлган; дўстларининг ота-оналари ва қариндош-уруғларининг юзига қандай қарайман,— деб, шаҳарга киришга кўнмайди. Ота-ўғил нажот тилаб, худога илтижо қиладилар; шунда ўлган йигитлар тирилади ва ҳаммалари биргаликда шод-хуррамлик билан шаҳарга кириб келадилар. Санобар Гулпаризодга уйланади. Улар тахтга ўтирадилар. Шундай қилиб, ошиқ-маъшуқлар мурод-мақсадларига етадилар.

Асар мазмунидаи кўриниб турибдики, «Санобар» достониини яратган шоир халқ оғзаки ижодидан самарали фойдаланган. Китобдаги асосий персонажларнинг айримлари дев ва парилар ҳам кўп ҳолларда улар кишилар сиигари ҳаракат қиладилар, қийинчиликларни енгишда, мардлик кўрсатишда, севги ҳамда вафодорликда инсонларга хос энг яхши фазилатларини намоиш этадилар.

Бундай хусусиятларни бошқа халқ китоблари, жумладан, «Юсуф ва Аҳмад» достонида ҳам кўриш мумкин.

«Юсуф ва Аҳмад» (ёки «Бўзўғлон») ўзбек, туркман, қорақалпоқ ва қозоқ халқлари ўртасида кенг тарқалган дostonлардандир. У халқ шоирлари репертуаридан ўрин олган бўлиб, унинг турли вариантлари ва халқ китоби

турлари вужудга келган, бу дoston XIX аср охирларидан бошлаб бир неча бор нашр этилган¹¹.

«Юсуф ва Аҳмад»нинг халқ китоби вариантларидан бирида хикоя қилинишича, туркманларнинг емерли (эмрели) уруғидан чиққан шоҳ Бўзўғлон икки гўзал сингисини Оғобек ва Бобобек номли лашкарбошиларига хотинликка беради. Оғобекдан Юсуфбек, Бобобекдан эса Аҳмадбек номли ўғил дунёга келади. Бу болалар паҳлавон ва ажойиб мерган бўлиб етишадилар. Ҳар қайсисининг беш мингдан йигити бўлади. Икки паҳлавоннинг овозаси оламга тарқалади.

Шундай кунларнинг бирида сарой аҳлларида бири Бўзўғлонга: «Жиянларинг тож-тахт орзусида юришибди, хавфнинг олдини олиш керак»,— деб маслаҳат беради. Бўзўғлон суриштириб ўтирмай, жиянларига Исфаҳондан чиқиб кетишни буюради. Юсуф ва Аҳмад ўн минг уйли йигитлари ва қабила аъзолари билан Сабзавор орқали Хевага ўтадилар. Хева хони Эралихон қизи Гулхадичани Юсуфбекка, Манғқишлоҳ хони Нодир эса қизи Одинани Аҳмадбекка никоҳ қилиб беришади.

Миср (ёки Масал) номли бошқа бир мамлакатнинг подшоси Гўзал шоҳ тушида ўзига икки шер ҳужум қилаётганини ва оғзидан қора қуш учиб чиққанини кўради. Гўзалшоҳ тушининг таъбирини ечиш мақсадида чинмочинлик Бобоқамбарга мурожаат қилади. Бобоқамбар гўё Юсуф билан Аҳмад унинг тахтини эгалламоқчи эканини айтади. Ваҳима ва саросимада қолган шоҳ Мирзолид (Мирзоали)¹² исмли жосусини Урганчга юборади. Бу жосус етти тоғ ошиб, Урганчга етиб келади ва Юсуфбек хизматига киради. Юсуфникига келган тоғаси Бўзўғлон Мирзолиднинг хавфли одам эканлигини уқтириб, уи ўлдириш лозимлигини маслаҳат беради. Бироқ ўзига ишонган Юсуф тоғасининг маслаҳатига қулоқ солмайди. Муғамбир Мирзолид кунлардан бирида Юсуф ва Аҳмадни алдаб, овга олиб чиқади. Уларни Гўзалшоҳ одамлари асир тушириб қасрга олиб келадилар. Гўзалшоҳ уларни тошбўрон қилдиради, Аммо Юсуф билан Аҳмад ўлмайди. Шундан сўнг Гўзалшоҳ уларни зиндонга солдиради. Зиндонбон қизининг ёрдами туфайли улар кўп йил давомида зиндонда тирик қоладилар. Бобоқамбар ҳам шу зиндонда улар билан бирга эди. Етти йилдан сўнг уларни Гўзалшоҳ олдига олиб чиқадилар. Гўзалшоҳ Юсуфга Гашан шоир¹³ билан дугорда мусобақа-мушоира қилишни буюради. Юсуф мушоирада енгиб чиқади. Ўртадаги шартга мувофиқ оға-ини озод этилади. Улар қирқ мул олтин билан ўз ватанларига

¹¹ «Юсуф ва Аҳмад» дostonининг халқ вариантлари Фозил Иўлдош ўғли, Пулкан, Гаийдмурод Паноев, Қурбон полвон ва бошқа бахшилардан езио олинган.

¹³ Бошқа вариантларда Мирзо Аҳмад деб ҳам айтилган. Бошқа бир вариантда Қўкча шоир дейилган.

қайтадилар.

Шундан кейин Юсуф катта лашкар тўплаб, ўз душмани бўлган Миср (Масал) подшосига қарши уруш бошлайди. Урушда Гўзалшоҳ енгилади. Юсуф билан Аҳмад зиндонда эканлигида уларга ёрдам кўрсатган Қоракўз қизнинг илтимосига биноан Гўзалшоҳ жазога дучор этилмайди. Юсуфнинг маслаҳати билан Бобоқамбар Қоракўзга уйланади. Шундай қилиб, оға-инилар ўз мақсадларига эришиб, юртларига қайтиб кетадилар.

Демак, юқорида айтилганлардан маълумки, халқ романларининг муаллифлари ўз китобларида фольклор вариантларидаги асосий сюжет чизиғини, фантастик-афсонавий воқеаларни, образлар тараққиётига хос бўлган қаҳрамонлик ва жанговарлик саргузаштларини, тил воситаларини, бадий тасвирий омилларни сақлашга уринганлар. Бироқ у асарлар маълум даражада замонавийлаштирилганлар, воқеа ва образлар ижодий равишда талқин қилинар эди. Халқ китобларида асар мазмунининг китобхон қалбига етиб боришини қийинлаштириб қўювчи мураккаб китобий ташбеҳлар, арабча ва форсча сўзлар кам учрайди. Воқеаларнинг халқ дostonлари, хикоялари ва эртақларига хос услубда баён қилиниши, тил ва услуб раvонлиги бу асарларнинг халқ китоблари бўлиб қолишини, чпнакам халқчиллигини таъминлаган муҳим омиллардандир. Ана шунинг учун ҳам бундай асарлар адабиётимиз тарихида халқ китоблари номини олган. Улар икки ижод боғининг меваси, халқ оғзаки ижодидан ёзма адабиётга ўтган ёдгорликлар бўлганлиги учун фольклористиканинг ҳам, адабиёт тарихининг ҳам предмети саналади.

Юқорида эслатиб ўтилган халқ китобларидаги қаҳрамонлар: Юсуф, Зулайхо, Санобар, Гулфараҳ, Раъно, Сухангул, Баҳромшоҳ, Гуландом, Юсуфбек на Аҳмадбек инсоний пок муҳаббат, севги ва садоқат, вафодорлик ва дўстлик, мардлик ва қаҳрамонлик фазилатларини ташувчи кишилар тарзида тасвирланган. Улар ҳамма вақт яхшиликни ёмонликка, инсонпарварлик ва адолатни зулм ва жаҳолатга қарши қўядилар.

ЁЗМА АДАБИЁТ

XVII аср ва XIX асрнинг биринчи ярми адабиёти ўзбек адабиёти тарихи тараққиётининг муҳим бир босқичидир. Шу даврда бир қатор истеъдодли ёзувчиларнинг етишуви, қимматли бадий асарларнинг вужудга келиши, «Мунтахабал-луғот», «Мазхарул-мусаннифин» каби китобларнинг пайдо бўлиши, Алишер Навоий «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» дostonларининг қисқартирилган ҳолда эркин насрга айлантирилиши ва бошқалар мазкур давр адабиётининг бойлиги ва хилма-хиллигини кўрсатиб, айрим ўтмиш шарқшуносларининг бу давр адабиёти қашшоқ бўлган деган фикрларини батамом рад этади.

Кейинги йиллардаги илмий тадқиқотлар эса Марказий Осиё халқларининг бу даврда бой адабиёт яратгани, истедодли ёзувчиларни етиштирганини кўрсатди. XVII аср ўзбек адабиётида Турди (Фароғий), Бобораҳим Машраб, Мавлоно Вафо-Вафой, Мавлоно Нодир каби пешқадам ёзувчилар, тожик адабиётида Сайидо Насафий ва Халил Бухорий каби забардаст сўз санъаткорлари етишган бўлса, кейинги асрларда Фарғона водийсида Ҳувайдо, Акмал, Низомий Хўқандий (XVIII аср), Гулханий, Махмур, Нодира, Увайсий (XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошлари); Хоразмда Равнақ, Андалиб, Роқим, Нишотий (XVIII аср); Мунис, Зийрак, Огаҳий, Диловарий (XIX аср); Бухорода Жоний, Мужрим-Обид, Сайқалий, Шавқий ва Хиромий (XVIII-XIX асрлар) каби атоқли сўз санъаткорларини етиштиргани каби, туркман халқи Махтумқули ва унинг отаси Давлатмамед Озодий билан бирга, Шоҳбанда, Қурбонали, Мағруфий (XVIII аср); Камина; Зеллий, Сейидий, Ғойибий, Мулла Непес (XVIII-XIX асрлар) каби забардаст каламкашларни етиштирди.

Бу давр адабиётининг муҳим хусусиятларидан бири икки тилда ижод этиш анъанасининг давом этиши ва ривожланишидир Ўзбек ёзувчилари она тилидан ташқари форс тожик тилида ҳам ғоявий бадиий жиъатдан мароқли бўлган асарлар яратдилар, шеър ушаклар битдилар. Ҳудди шунингдек, тожик шоирлари ҳам ўзбек тилида асарлар ижод қилдилар. Икки тилда ижод қилиш анъанаси ҳар учала хонликда ҳам, жумладан, Бухоро хонлигида ҳам давом этди. Бухоро хонлигида Абдулло Мулҳам Бухорий, Музниб, Фитрати Зардўзи Самарқандий (XVIII аср), Шамсиддин Шоъин, Аҳмад Дониш ва Садир Зиё (XIX аср) каби истедодли тожик шоирлари билан бирга, Мужрим Обид, Жоний, Шавкат Каттакўрғоний каби машҳур ўзбек шоирлари ҳам икки тилда асарлар ёздилар. Бухоро ва Қўқонхонликларида яшаб ижод этган Жунайдулло Ҳозиқ эса ўзбек адабиётининг ҳам тожик адабиётинининг улкан намоёнасидир. Икки тилда ижод этиш анъанаси ўзбек ва тожик ҳамкорлигининг қадимдан давом этиб келаётган дўстлиги ва ҳамкорлигини, улар тарихий тарақиёти ва тақдирларининг бир-бири билан узвий боғланганини кўрсатади. XVIII ва XIX асрнинг биринчи ярмида етишган ўзбек ва тожик ёзувчилари ўзбек ва тожик классик адабиётининг Навоий ва Жомий, Бобур ва Ҳилолий каби буюк намоёндалари ижодидан илҳом ва таълим олдилар.

Шу билан бирга, ўзбек адабиёти билан туркман, озарбайжон, ҳинд, тожик ва бошқа халқлар адабиёти ўртасидаги алоқалар ҳам ўсди, мустаҳкамланди. Озарбайжон адабиётининг буюк классиги Фузулий, туркман адабиётининг классиги Махтумқули, асли келиб чиқиши Марказий Осиёдан бўлиб, Ҳиндистонда яшаб, форс-тожик тилида ижод этган Зебуннисо ва Бедил

каби машҳур шоирларнинг асарлари ўзбек халқига яқиндан манзур бўлди, ўзбек ҳофизларининг овозига жўр бўлди, улар устоз санъаткорлар қаторидан ўрин олди. Бир қанча эрон, ҳинд ва араб дostonлари, эртақлари ўзбек ёзувчилари томонидан ижодий қайта ишланди, таржима қилинди. Ўзбек адабиётида турли ирқ ва халққа мансуб бўлган кишилар образи яратилди. Худди шунингдек, ўзбек ёзувчилари асарлари ҳам бошқа халқларга манзур бўлиб, уларнинг қалбидан жой олди, адабиёт аҳлининг диққат-эътиборини қозонди. Адабий алоқаларнинг самараси сифатида турли халқ шоирларининг бир-бирларининг шеърларига назира тарзида ёзган асарлари, ғазалларига боғлаган тахмислари вужудга келди ва ҳатто бир тилга хос бўлган айрим элементлар баъзан иккинчи бир халқнинг бадиий асарларидан ҳам ўрин олди (масалан; Фузулий асарлари таъсири билан ўзбек шоирлариининг баъзи шеърларида озарбайжон тилининг айрим элементлари ҳам кўринади).

Бу давр адабий ҳаётининг муҳим жиҳатларидан бири Нодира, Увайсий ва Маҳзуна каби истеъдодли шоирларнинг етишувидир. XVII-XVIII асрлар ва XIX асрнинг биринчи ярми адабий ҳаётининг, адабий оқимининг ижобий тамойиллари асосан, шулардан иборат. Бу тамойиллар, хусусан Турди ва Машраб, Равнақ ва Нишотий, Мужрим ва Хиромий, Махмур ва Гулханий, Мунис ва Огаҳий, Нодира, Маҳзуна ва Увайсий каби забардаст қалам аҳллариининг ижодиётида равшанроқ кўринади. Бу ёзувчилардан ҳар бирининг ўзига хос ҳаёт ва ижод йўли, диди ва истеъдоди, услуби ва манераси бор. Лекин, шунга қарамай, уларнинг асарлари инсонпарварлик ва халқпарварлик, ватанпарварлик ва маърифатпарварлик мотивлари, олижаноб инсоний фазилатларни тарғиб этиш, халқ оғзаки ижодига ва классик адабиёт анъаналарига ижодий муносабатда бўлиш каби жиҳатлари билан бир-бирига яқин туради, бири иккинчисини тўлдиради.

ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ

Халқ оғзаки ижоди ёзма адабиётнинг тараққиётига самарали таъсир этувчи бой манбадир. Бу манба ёзма адабиётга ғоявий-бадиий озиқ беради, ёзма адабиёт намояндаларига таълим ва илҳом бахш этади, уларни янги-янги асарлар, образлар яратишга йўллайди наъмуна бўлиб хизмат қилади.

XVII-XVIII асрлар ва XIX асрларнинг биринчи ярмидаги адабиётнинг ўсиб, такомил топишида халқ оғзаки ижодининг роли ва таъсири бениҳоя каттадир халқнинг асрлар давомида яратган ва куйлаб келган асарлари, шу билан бирга, XVIII ва XIX асрларда пайдо бўлган халқ китоблари ёзувчиларга бир мактаб бўлиб хизмат қилди, уларнинг ижоди учун ғоявий-бадиий озиқ берди биз шу даврда яратилган ёзма адабиёт билан халқ оғзаки ижоди намуналарини бир-бирига қиёслаб ўрганиб чиқсак. Ўзбек адабиётининг бу

икки соҳили вакиллари ижодидаги ўзаро алоқани муштараклик ҳолатларини равшан кўрамиз, халқ оғзаки ижоди хоразмлик Вафой, Нишотий, Равнак, Мунис, Огаҳий, Қукондаги Машраб Гулханий Махмур, Маъдан; Бухородаги халқчил адабиёт намоёндалари Собир Сайқалий, Мужриб Обид, Шавқий, Мирза Қурбон Хиромий, Муҳаммад Очилди Мирий асарларига катта материал берган. Сайқалийнинг «Баҳром ва Гуландом», «Атхамнома», Хиромийнинг «Юсуф ва Зулайҳо», Дилафкорнинг «Раъно ва Сухангул», каби сюжет линияларини ташкил этувчи қаҳрамонлар саргузаштнинг ғайри табиий эпизодлар ва кучли фантазия орқали берилиши ижобий қаҳрамонларнинг ўз орзуларига етишишлари, бу асарлар тилининг соддалиги фикримизга далил бўла олади. Дилафкор дostonдаги баъзи кулгули ва қизиқарли эпизодлар ҳамда юмористик элементларнинг учраши ҳам шунингдек, халқ дostonлари услубига хос бўлган:

Ўзи моҳдир, қизи қирқин ситора,
Бу ойни ишқидан ой кўкси пора...
Қўлида қарчиғо, белда садоқлар,
Қуюндек кўкни кўзлар арғумоқлар...

каби халқ иборалари билан музайянлашган байтларнинг учраб туриши ҳам дostonнавис шоирларнинг халқ оғзаки ижодига хос тасвир приёмлардан образлар фантазиясидан, халқ асарларини безаган бадий омиллардан фойдаланганликларини исбот этади.

Турди, Машраб. Вафой, Гулханий, Махмур, Мунис ва Огаҳий ҳам, Мужрим - Обид ва Шавқий Каттакўрғоний ҳам ўз асарларининг тили ва услуби устида ишлаганда, халқ донишмандлигининг меваси бўлган ажойиб нақллардан, ҳикматли сўзлардан, образли иборалардан. халқ юмори ва аскияларидап усталик билан фойдаланиб. ифодаланаётган поэтик мазмунни чинакам бадий чиқаришга интилганлар. Масалан, шоир Турди «Эл работу тўра кўнок», «Ёғ ишқордин олуру қора сувдин қаймоқ» каби халқ мақоллари, иборалари орқали сатирасиниғ ғоявий-эстетик моҳиятини кучайтириб, янада халққа яқин, халқчил қилади. Ёки Шавқий қуйидаги байтида охират азобларидан, ҳажр балосидан ваҳимага тушмасликка, кўркмасликка чақириб:

Балойи ҳажридин кўп кўркма, Шавқий,

Масалдур: кўркқан кўзга тушур важр

мақолини адабий бир нозиклик билан шеър мисраларига синдириб юборган.

Шоир Шавқий халқ мақол ва афоризмларидаи фойдаланиш билан бирга уларни ижодий қайта ишлайди, ўзи ҳам мақол ва афоризм характеридаги мисралар тўқийди. Қуйидаги мисралар халқни кушёрлик ва эктиёткорликка даъват этувчи «Сўнгги пушаймон — ўзингга душман» мақолининг қайта

ишланганидир;

Хар иш айларда аввал эҳтиёт айлаб тафаккур қил,
Қўлингдин ўтса вақти, сўнгра суд этмас пушаймонлик.

Ёки шоирнинг:

Кушодарўй бўлибон айлағил тилинг чучук,
Агар десанг бўлойин олам ичра сарвари ноз.

Ўзингга айла тавозу тариқасин пеша,

Юзингни қилма совуқ халқ ичида мисли калос...

байтлари ҳам халқ ибора ва мақолларини давр ва шароитга, вазн ва қофияга мослаб қайта ишлашнинг санъаткорона намунаси.

Халқнинг бой оғзаки адабий меросидан, тил бойлиги ва гўзаллигидан таъсирланиш Шавқий лирикасидаги фразеологик ибораларда, турғун бирикмаларда ҳам кўринади. У халқ орасида машхур бўлган, субъектнинг рухий дунёсини очишга хизмат қилувчи турғун сўз бирикмалари ва ибораларини кўп қўллайди ва шу йўл билан ўз байтларининг халқчиллик элементлари билан суғорилишини таъмин этади.

Мисоллар:

Кўргил не жабрларни чарх анга кўрди эп,

Ул анда доғ бўлди-ю, бул бунда бўлди дор...

То буржи шарафдин ул моҳ рафъи ниқоб этди,

Кўз ёшими қон айлаб, бағримни кабоб этди...

Мушкул иш экан ишқ, они билмас эканман,

Ранжу аламин кўзга ани илмас эканман...

Агар даврида юрсанг посбондек тарки хоб этсанг,

Дамодам хизматин айлаб юрак-бағринг кабоб этсанг.

Келтирилган байтлардаги «кўрди эп», «доғ бўлди», «қоя айлади», «бағри қон», «кўзга илмас», «юрак-бағримни кабоб этди» каби иборалар халқ нутқида хос турғун бирикмалар, идиомалар бўлиб, улар ҳозирги жонли тилимизда ҳам кенг қўлланади.

Шоир тасвир этилаётган объектга нисбатан китобхонда хайрихоҳлик туйғусини пайдо қилиш учун айрим ҳажвий шеърларида халқ тилидаги ҳийлаю мақр, зоғу калхат каби синонимик сўзлардан ҳам, шайтон, ҳайвон, гурги биёбон, дунгу дағал каби ҳақоратомиз сўз ва сўз бирикмаларидан ҳам усталик билан фойдаланади,

Мисоллар:

Бу янглиғ фазл ила найлай чиқиб ғурбат йўлин тутмай,

Бухоро ичра мансаб топдилар ҳар зоғу-калходи...

Ҳийла-ю мақр ила элини ўзига қилди мурид,

Сурати шайхнамо, сийрати шайтон янглиқ.

Маърака садри бўлиб, бермайин илм аҳлига жой,
Билмайин илму адаб расмини ҳайвон янглиқ.
Назр деб ҳийла-ю талбис ила эл молин олиб,
Ҳазар этмай едилар гурги биёбон янглиқ...

Бундай мисолларни халқпарварлик услубидаги бошқа шоирлар ижодидан ҳам кўплаб келтириш мумкин. Чунончи, Мирза Қурбон Хиромийнинг (1810-1885) қуйидаги байти ўзининг лексик состави, синтактик қурилиши, умумий услуби билан халқ жонли сўзлашув тилига жуда яқиндир:

Яна очга нону яланғочга тўн,
Кимеким тилаб бир, бериб анга ўн.

Хиромий ўз асарларида халқ тили бойлигининг битмас-туганмас имкониятларидан, мақол, масал, ҳикматли сўзлардан санъаткорона ва ўринли фойдаланади. Чунончи, «Чор дарвеш» қиссасидан олинган қуйидаги мисоллар бу фикримизни тўла тасдиқлайди:

Демишларки, ҳар кимни келганда кўр,
Бўлубтур масал: сўзни сўрганда сўр...

Дедимки, мабодо хижолат этар,
Хижолат эрур юз ўлимдан батар.

Борур меҳмон ўз ризоси била,
Келур мезбон иқтизоси била.

Хиромийнинг «Раъно ва Зебо» номли асари XVIII-XIX асрлар дostonчилигида муҳим ўрин тутади. Бу дostonда ўз даври учун муҳим бўлган масалалар кўтарилган. Шоир дostonчилик жанрининг кенг имкониятларидан фойдаланиб, XIX асрдаги ўзаро урушларни, тож-тахт талашларини, ахлоқий тубанликни фош этиб ташлайди. Ижобий фазилатларга бой образлар воситаси билан ахлоқ, одоб, софлик, мардлик, ватанпарварлик, инсонга ишониш, аёлларни хурмат қилиш каби қатор қимматли ғояларни илгари суради. Бундай ҳаётбахш ғоялар истеъдодли дostonнавис томонидан ҳарорат билан қуйланади. Асарда яхшиликнинг ёмонлик устидан, софликнинг нопоклик устидан ғалабаси, ижобий қаҳрамонлар ўй-фикрларининг тантанаси, воқеалар жараёнида салбий образларнинг тарбияланиб, нжобий образларга айланиши «Хусну Дил» дostonидаги воқеаларнинг тугашига ўхшайди. Бу ҳолат дostonнинг ҳаётийлигини оширган. Асарда илгари сурилган ғоялар ўз вақтида катта аҳамият касб этганидек, бизнинг давримиз учун ҳам тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Мулло Қурбон Хиромийнинг «Раъно ва Зебо» дostonи ўзбек дostonчилигида муҳим воқеа эди.

«Хувайдо»

Хўжаназар Ғойибназар ўғли Хувайдо XVIII аср ўзбек адабиётининг йирик вакилларида бири бўлиб, унинг асарлари шоир яшаган даврда ҳам, ундан кейин ҳам анча шухрат ёйди. Хувайдонинг қатор замондошлари, ўз шажарасидан етишиб чиққан шоир ва шоиралар, шунингдек, сўнгги асрлардаги қаламкашлар унинг ижодидан баҳраманд бўлдилар.

Хўжаназар Ғойибназар ўғли Хувайдо Ўшда туғилиб, умрининг охиригача Фарғонанинг Чимён деган жойида яшаб, ижод этган. Лекин унинг туғилган йили ҳали аниқланмаган. Хувайдонинг замондоши Мавлоно Носеҳ ва шогирди Мир Ҳасан Садойиларнинг марсия-таърихларида шоирнинг вафот этган санаси 1780-1781 йиллар деб кўрсатилади.

Хувайдонинг отаси Ғойибназар сўфи ўз даврида Қашқарда машҳур бўлган руҳонийлардан Офок Хўжа эшоннинг муридларидан бири бўлиб, Чимёнда масжид ва хонақоҳлар қурдириб, эшонлик қилган. Хувайдонинг девонида келтирилган бир нақлга кўра, шоирга Хўжаназар исми ҳам Офок Хўжанинг «илтифоти» билан қўйилган экан.

Хувайдо аввал мактабда, кейин Қўқон мадрасаларидан бирида таҳсил кўради. Отаси вафотида сўнг мактабдорлик — домлалик ва хонақоҳларда ваъзхонлик қилади. Хувайдонинг мактабдор «домла сифатидаги фаолияти» таълим-тарбия соҳасидаги ишлари тўғрисида Мавлоно Носеҳ қуйидагиларни ёзади)

Тутиб суҳбат давом умрим борича,
Ба ёрон таълим эрди фикри ёдим,
Дабистонда саъй айлаб туну кун,
Ёзилган неча толибнинг саводи.

Хувайдодан сўнг унинг авлодидан бир неча шоир ва шоиралар етишиб чиқиб, улар бадий ижодда Хувайдо анъаналарининг издоши бўлдилар. Чунончи, Хувайдонинг набираси Мавлавий Сирожий (1877 й. да вафот этган), чеваралари Самарбону (1837-1891), Салоҳиддин Соқиблар (1838-1910) соҳиби девон шоирлар бўлганлар.

Хувайдонинг адабий мероси шоирнинг чевараси Ҳожи Салоҳиддин (Соқиб) ва Мирза Ҳаким ибни Мирза Умид Марғилонийлар кўчирган мукамал қўл ёзма девонда тўпланган бўлиб, у шоирнинг қаламига мансуб асарларни деярли тўла қамраб олади. Ҳатто уни Хувайдонинг куллиёти дейиш ҳам мумкин. Салоҳиддин Соқибнинг ушбу китоб сўнггида келтирган маснавийсидан кўринадики, у Қошғар, Ёркент, Оқсув, Хўтан, Балх, Бухоро, Хоразм ва бошқа жойларда бўлиб, ҳамма ерда Хувайдо шеърларига қизиқиш кучли бўлганлигини кўради. Бироқ уларнинг кўпчилиги «бадхат, ...ғалат ...ўқиб бўлмас» даражада қалтис кўчирилган экан. Соқиб юртига қайтиш билан Хувайдо асарларини асл ҳолатига қайтариш устида ишлаб, «жумлага

манзур» бўлувчи мукамал китоб қилади. Бу ҳақда Соқиб китобга муқаддима сифатида ёзган маснавийсида айтади:

Соҳибни хастадил Салоҳиддин
 Балади Мавлавий Сирожиддин
 Неча йил шаҳрлар саёҳат этиб,
 Қонча шаҳру макон сайрин этиб
 Қошғару Ёрканд, Ақсу Хўтан,
 Балху Хоразм ила Бухоро, Ўзган,
 Кўрди кўп нусхаи Хувайдони,
 Жумла эл илкида бу имлони.
 Жумласидур ғалат ўқуб бўлмас,
 Балки бадхат ани кўруб бўлмас.
 Бул сабабдин бўлиб кўнгилга хутур,
 Бул китоб ўлса жумлага манзур.
 Муни ушлаб, ғалатни ташласалар,
 Рост бўлган рақамни ушласалар.

«Девони Хувайдо»нинг нусхалари кўп бўлиб, улар турли фондларда сақланмоқда «Девони Хувайдо» тошбосмада ҳам чоп этилган.

Ҳожи Салоҳиддин ва Мирза Ҳаким ибни Мирза Умид Марғилонийлар кўчирган девонда шоирнинг 351 ғазали, 28 рубойси, 41 тўртлиги, 3 мухаммаси, 1 мусаддаси, 1 мусаммани, 1 мустазоди ва 3 маснавийси бор. Унда ахлоқий-дидактик мазмундаги «Роҳати дил» манзумаси ҳам берилган. Хувайдо «Роҳати дил» асарини аввал насрда ёзиб, сўнг назмга айлантирганини уқтириб, мана бундай деган:

Китобим оти эрур «Роҳати дил»,
 Эрур ҳар-бир сўзи танбеҳи ғофил.
 Кўнгулнинг шаҳри сори азм қилдим,
 Китобим наср эрди, назм қилдим.

Мазкур китобнинг 143-варағигача, ўрта қисмларида Хувайдониинг деярли ошиқона, орифона, риндона ғазаллари, мустазодлари келтирилиб, сўнгра мухаммас, мусаддас, мусабба, мусамман, мустаъи, муашшар, мураббаот, рубойётлари берилган. Ҳошияда 1-бетдан 237-бетгача шоирнинг шеърӣ хикоялари, жумладан, маснавий шаклида яратилган «Роҳати дил» манзумаси қайд этилган.

Шоир Чимённинг кўпчилик аҳолиси эҳтиёжини кўзда тутиб манзумани ўзбек тилида яратади:

Бу Чимён шаҳрининг пиру жавони
 Тамомиси эрурлар турки хони.
 Алар тожик сўзига беҳунарроқ,

Дедим бўлса китобим турки беҳроқ.

Хувайдо дунёқараши ва ижоди қарама-қарши қутблардан иборат шоирлардан бири саналади. Унинг асарларида худо ва пайғамбарларга аталган ҳамд ва наът, чаҳорёрларга эътиқод, рўза, намоз, тоат-ибодат, ҳаж, закот каби ислом таомилларига, жаннат ва дўзах ҳақидаги ақидаларга дилдан ишониш ўрин олган.

Хувайдо деярли ҳамма ўринда ўзи ҳақида ёзади ва ўзи мисолида жамиятнинг нотинчлиги, халқнинг ноиложлигига ишора қилади. Чунончи, куйидаги байтлар шоирнинг бахту толеи йўқлигидан шикоятининг, фалак дастидан фарёдининг бир ифодасидир:

Кимга бориб айтайин золим фалакдин додни,

Уқмагай аҳли замона нолаю фарёдни.

Айб қилманг оҳ урсам, мен нечук оҳ урмайин,

Шод ҳаргиз топмадим ман хотири ношодни...

Қаю ишга қадам қўйдим манга андин зиён бўлди,

Менинг бетолеим, эй дўстлар, кўп имтиҳон бўлди.

Хувайдо айтадур золим фалакнинг илкидин минг дод,

Менга қолганда ул золимни чархи каж равон бўлди...

Шоир девонида мағрурлик, худбинлик, мансабпарастлик ва пасткашликка қарши камтарлик, дўстлик, ростгўйлик ва хушфаҳмлиқ фазилатларини тарғиб қилувчи ҳикматли мисра ва байтлар жуда кўп. Мутафаккир шоир халқ ибораларидан, мақолларидан самарали фойдаланиш билан бирга, ўзи ҳам афоризмга айланиб кетган мисралар яратади:

Дариғо, ҳайф, одам бир-бирини қадрини билмас,

Қилур ўлғонидин сўнг ҳар нечук одам кадр пайдо.

Ўзингга нозиш этма, эларо ибни фалонман деб,

Неча ибни фалонга бўлди ер остида жо пайдо.

Жафою жабр чекмай ким бўлибди ёрга восил,

Жафосин чекмагунча бўлмагай бир парча нон пайдо.

Эй Хувайдо, хизмат этмай дўстдин қилсанг тамаъ,

Оқибат сандин узулғай бора-бора пойи дўст.

Рост айғил, эгри ҳаргиз сўзлама,

Эй Хувайдо, келса бошингга қилич.

Алам тортиб, юрак куймай қора кўздан тўкилмас ёш.

Қозонни остиға ўт ёқмагунча қайнатиб бўлмас,,,

Зое этма яхши сўзни фақми йўқ, бефаҳмга,

На билур ширу шакарнинг лаззатини сакмагас,

Хувайдонинг айрим шеърлари бошидан охиригача фалсафий дидактик мазмунга эга. Уларда инсон хулқ-атвори билаи боғлиқ бўлган бирор

хусусиятни олиб, шоир унга ўз муносабатини билдиради, сермазмун ўғитлар беради:

Бевафо ёрга кўнгул берган киши одам эмас,
 Меҳнату жавру жафо андин замоне кам эмас,
 Рози дилни айтмағил ҳар кимни сан маҳрам билиб,
 Бўлмаса аҳли муҳаббат, дардингга малҳам эмас.
 Эй Хувайдо, бевафони ёр деб берма кўнгул,
 Оқил эрсанг сен агар, ушбу насиҳат кам эмас,

Хувайдо соддадилларни алдаб, кўп гуноҳларга ботган шайхнинг маънавий жиҳатдан пуч эканлигини, иши риё ва ҳийладан иборатлигини таъкидлаб, шайхнинг ўз тилидан айтади:

Ту ну кун айлабон гуноҳ, ҳеч қилмагон савоб ўзум,
 Парвариш аблабон бадан, қилғучи хўрду хоб ўзум.
 Дунё ишига сустман, тоат ишига кўп лаванд,
 Журм ишига далир ўлуб, кўп қиламан шитоб ўзум,
 Элнинг кўзига зуҳд этиб, еб-ичнбон канорада.
 Зарра ҳарому шубҳадан қилмагон ижтиноб ўзум.
 Суратим авлиё қилиб, кашфу кароматим ўқуб,
 Содда дилон аро кириб, қилғучи кўп кубоб ўзум,
 Сўзида зарра лутфн йўқ, сурати бир қуруқ ёғоч,
 Бошида мағзи маъни йўқ, гумбази бўш мазор ўзум.
 Эл кўзида намоз ўқиб, тавқии бо риё қилиб,
 Кўзга малойика бўлиб, соддаи сурх айёр ўзум.
 Яқин билиб Хувайдони қилмангиз эътиқод кўб,
 Бергувчи элга кўп фириб, фосику нобакор ўзум.

Хувайдо ижодида кишиларни аҳил ва доно бўлишга чақирувчи, жоҳилликни қораловчи мисралар тез-тез учраб туради:

Тийра кўнглинг шамъ ўлсанг мардуми доно билан,
 Бир даме ҳамсуҳбат ўлсанг мардуми доно билан.
 Кизбу ғийбатлиғ сўздин уқмагайсан ўзгани,
 Ҳамнишин ўлсанг замоне жоҳилу расво билан.
 Талаб қил маънавий ганж, эй биродар,
 Вагарна сандин авло гов ила хар.
 Талаб қил, бўлса ганжи безиёни,
 Сенга бўлғай чу умри жовидони.
 Киши бўлмаса маънидин хабардор,
 Ани одам дема: нақши девор.

Хувайдо “Ишқий илоҳий” таъриф иа мадҳ қилувчи шеърлар ҳам битган. Шоирнинг асарларидан Мужрим, Носех, Садоийлардан тортиб кейинги аср

каламкашларн — Махмур, Гулханий, Огаҳий, Муқимий ва Фурқатларгача ижодий фойдаландилар, шеърларига назиралар боғладилар. Ҳувайдо ва мазкур шоирлар ижодидаги яқинлик айниқса куйидаги байтларда яққол кўзга ташланиб туради.

Ҳувайдо:

Саҳардларда менинг ҳолимга мурғони чаман йиғлар,
Фироқимдин яқо йиртиб қизил гул пираҳан йиғлар.

Мужрим Обидда:

Гулистон ичра кирсам ҳолима сарву суман йиғлар,
Қилур булбул фиғону нолалар бирла чаман йиғлар.

Элнинг кўзига зухд этиб, еб-ичибон канорада,

Зарра ҳарому шубҳадам қилмағай ижтиноб ўзум

(Ҳувайдо.)

Даври фалакда, дўстлар сарсори чанги роҳ ўзум,

Гирди жаҳонин чарҳ уриб сайқали меҳру моҳ ўзум.

Початалоши каллалар. зиллакаши маҳаллалар,

Ўғрийн эски саллалар, шом ўзум, пагоҳ ўзум.

(Махмур)

Ҳувайдонинг:

Арзимни айдим боди сабоға,

Еткурса ҳолим ул дилрабоға.

Қилса худойим кўнглин мулойим,

Раҳм айлағайму ман мубталоға

байтларини ўз ичига олувчи қувноқ ва енгил руҳдаги ғазали Муқимийда:

Арзимни айтай боди сабоға.

Шояд еткурғай ул гулкабоға...

Неча замондур, кўзга ниҳондур,

Ҳар ким ёмондур, солдим худоға

тарзида давом эттирилади. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг шеърларида

ҳам бу ғазал:

Арзимни айтай боди сабоға,

Еткур саломим гулгун қабоға.

Қилдинг, Ниҳоний, кўп аҳду паймон,

Ҳар ким ёмондур, солдим худоға

шаклида тараннум этилади.

Ҳ. Олимжоннинг «куйғай» радифли ғазалини тинглаган киши беихтиёр Ҳувайдонинг «куйғай» радифли ғазалини хотирлайди, Айниқса, уларда муболағанинг ғоят кучли ва образли ифодаланиши характерлидир. (Ҳувайдо ғазалида лирик қахрамон «мен» тарзида, Ҳ.Олимжон ғазалида эса «сен»

тарзида ифодаланади.)

Ўувайдода:

Қабоби дуди бағримдин Ўтан саҳросига тушса,
Ушалди ҳадри мушқим деб қийик бағрида қон қуйгай.

Ў. Олимжонда:

Сўзингни шарпаси тушганда олам боб-боб қуйгай,
Денгизлар, дарёлар, ҳаттоки қўлларда ҳубоб қуйгай.

Ўувайдо шеърларининг бунчалик шуҳрат ёйишининг сирларидан бири шундаки, унинг асарлари ўз услуби, латофати ва тил хусусиятлари билан Машраб сингари забардаст шоирларнинг халқчил поэзиясини эслатади, улар билан оҳангдош бўлиб, кишиларда чуқур ўй, теран фантазия ва бадий дид уйғотади. Ўувайдонинг услуби равон ва енгил бўлгани учун кўп шеърлари қўшиққа айланган.

Мутафаккир ва ҳассос шоир Ўувайдо шеърларида заррин бадий бўёқлар, образлар, лавҳалар, фавқулодда гўзал чиққан музайян байтлар, ҳикматомуз фикрлар жуда кўп.

Ўувайдо ғазалларида тажнис, тазод, талмеҳ, қўшалок ташбеҳлар, айниқса, муболаға жуда кенг қўлланади. Маъшуқанинг гўзаллиги идеаллаштирилгани сингари ошиқнинг кечинмалари ҳам кўтаринки руҳда тасвирланади:

"Чу ишқ бозорида, жоно, чиройинг рахтини ёзсанг,
Кўруб Юсуф, Зулайхо бўлғуси олдинда даллолинг.
Шидати оҳим ўтидин гумбази аҳзаринг куяр,
Шамсу Қамар била яна жумлаи ахтаринг куяр.
Чиқса танимни учқуни, тушса жаҳонни мулкина,
Ваҳшу туюру деву жин, мўмину кофиринг куяр...
Ғазаб айлаб Ўувайдони агар солсанг тамуғ ичра,
Фигону нолама дўзах чидолмай айлагай фарёд.

Ўувайдо арузнинг кўйгина баҳрларида ижод этган санъаткордир.

ҒОЗИЙ

Ғазаллар, мухаммаслар, мустазод, рубоий, таърих, таржеъбанд мустазоди ширу шакар жанрларида тартиб берилиб, турли йилларда тўрт нусхада кўчирилган «Девон» муаллифи шоир Ғозий (исми Муҳаммад Ғозий).

XVIII аср охири, XIX аср бошларида Қуқон адабий муҳитининг забардаст қаламкашларидан бўлган. У Бухорода мадраса таҳсилани кўрган, Қўқонда «Мадрасаи Мир»да мударрислик қилган, ижодиётда Акмали Бойтумани Хўқандий каби қаламкашлар билан «...муттафиқ дар калом»

(«сўзда итифоқдош») бўлиб қалам тебратган.

«Мажмуаи шоирон»да:

Ҳамедошт суҳбат бо Акмал мудом,
Бо ҳам будаш он мутгафиқ дар калом

(Ҳар доим Акмал билан суҳбатдош эди, у билан сўзда итифоқдош эди),
— деб маълумот берилади. Котиб Муҳаммадмақмуд ибн Мулло Ашурмуҳаммад томонидан кўчирилган мукамал «Девон» (ЎзФАШИ инв. 121)дан кўринишича, ўзбекча ва тожикча баббаравар ижод қила олган Ғозий, Шарқ классикларини, айиқса Навоий, Фузулий, Бедил ва машҳур тожик сатирик шоири Мулло Мушфиқий меросини пухта ўрганган, уларга издошлик қилгаи.

Унинг шеърларида кўпдан-кўп учрайдиган «кўрдукча» (кўрганимча), «ўлдукча» (ўлгунимча), «чўх» (куп), «йўх» (йўк) каби сўзлар ҳамда

Чўх эдар жавру жафо дилбари бедоду фаним

сингари мисраларида кўпроқ Муҳаммад Фузулийга иштиёқи сезилса,
Ҳама жавру жафо, меҳру вафо, он аз ту, ин аз май,
Задан санги ситам, доим дуо, он аз ту, ин аз ман

байтлари Мушфиқийнинг:

Ҳамшира аз рўй хона то ба лаби бом азони ман,
Аз лаби бом то ба сурайё азони ту

шеърнавислигидан илҳомланганлиги кўринади. Оригиналлик шундаки, Мушфиқий ўзи шеърида ўша даврда авж олган мерос талашувларини фош этган бўлса, шоир Ғозий ишқий мавзуда ғазал ёзиб «меҳру вафо» оилавий ҳаёт қонуни бўлиши лозимлигиини уқтирган. Шоир ижтимоий тузумдаги нотекислик, адолатсизлик, жабр-зулм ҳукмронлигидан ғазабга келиб, ҳатто ҳукмдор Олиш (1799-1811) ва унинг яқин гумашталари мулло Зокир, мулло Назар, катта савдогарлардан Шариф йўрға кабиларни ҳажв қилган. Чунончи, Мулло Муҳаммад Шариф номли сертакво, бироқ хасисмумсик, ўлгандан сўнг давлати исқот бўлиб қолган бадкирдор шахс вафотига (1221-1805/1806) ёзган таърихида «Жаннатнинг юзини кўрмасин бу баччағар»

Ёфтам тарихи фавти ин хасис

Рўйи жаннатро набинад баччағар,—

деб ундан нафратланган. Шоирнинг қайтариқ санъати билан яратилган:

Либоси зар билан нокас кас ўлмағай ҳаргиз,

Эшак эшакдир, агар неча қилсанг атласу жул
сингари байтларидаги «нокас кас ўлмағай», «эшак эшакдир» каби
ифодалар нодон одамларни шармандаю шармисор қилишга қаратилган.

Шоирнинг шахсий ҳаёти, ўз таъбири билан айтганда, «бахти
қаро»ликдан, ўзига ўхшаган «таъби равшан»ларнинг тақдирн ҳам
«нокомлиғ»дан иборат эканлигидан қаттиқ қайғуриб:

Даҳрдин нокомлиғ важҳини, Ғозий англадим,
Боис эрмиш тийра айёмиға таъби равшаним...
Менга хурсандлик мумкин эмасдур, айламиш гўё
Қазо меъмори ғам туфроғидин таъмир бунёдим,—
деб ёзган.

Замонасининг мумтоз шоири Муҳаммад Ғозий, «Мажмуаи шоирон»да
«Сафар кардў ҳам аз ин пештар» (Бу ҳам ундан олдинроқ сафар қилди) деб
келтирилишича, дўсти Акмали Бойтуманидан ҳам олдинроқ дунёдан кўз
юмган. Демак, «Мажмуаи шоирон» тартиб берилган 1821 йилдан ҳам
олдинроқ, тахминан 1917-18 йилларда вафот этган. «Ғозий фикр шамшири
билан сўз мулкини фатҳ қилди, билагининг кучини кўр: Ҳайбар қалъасини
енгди» мазмунида:

Ғозий ба шамшири фикр мулки сухан фатҳ кард,
Қуввати бозу нигар, қалъаи Ҳайбар шикаст,—
деб ҳақли равишда фахрланган шоир, ўз қисқа умри давомида ҳақиқат
излаб, халқпарварлик руҳида қалам тебратиб ўзбек ва тожик тилларида
ажойиб мерос қолдирди.

«Қилма ҳазин жонима мунча жавову ситам эй санами лабшакар.
Кушт маро, раҳм кун, меҳнату андуху ғам баҳри худо зудтар».

каби ширу шакар мустазодлар адабий жанрлар ривожига ҳисса бўлиб
қушилган.

Маъдан

Одиннамуҳаммад Авазмуҳаммал ўғли Маъдан 1761 йилла хозирги Ашт
(Тожикистон) туманинининг Понғоз дегая жойида оддий деҳқон оиласида
дунёга келади. Фазлий Намангоний «Мажмуаи шоирон»да бу ҳақда:

Чу Маъдан ба гавхар тарози бувад,
Ки аз мавъизи Панжғозий бувад.
кўрсатади. Шунинг учун ҳам уни Маъдани Понғозий деб юритганлар¹⁴.

¹⁴ Бу кунгача топилган манбаларда бошқача таъбирлар ҳам йўқ эмас. Чунончи, шоир Фазлий “Мажмуаи шоирон” китобинининг 9-бетида Маъдани Ришдони деса, 114,153,352- бетларида Понғозий деб атайди. Тожикистондаги адабиётшунослардан Ш. Хусейнзода “Шарҳи сурх” журналинининг 1946 йилги 3-сонидаги мақоласида Маъдани Ашти деб юритади. Бундан маълум бўладики, Маъдан шу жойларда кўпроқ бўлган

Уч ўғил ва уч қизнинг отаси бўлган Одинамуҳаммад чўпонлик, мардикорлик, ҳаммоллик билан рўзғор тебратган. Шунга қарамай, ўз қишлоғида хат-саводини чиқариб олган Маъдан сўнғроқ Понғоз яқинидаги Пунук қишлоғига қатнаб, замонасининг пешқадам зиёлиларидан Муҳаммадаминхожа кўлида тарбия топган. Муҳаммадаминхожа ҳам шоир, ҳам адабиётшунос ва хилма-хил ҳунарларнинг эгаси бўлган. Бу ҳақда Фазлий шундай ёзган эди;

Дар ин аҳд Мулломуҳаммад Амин
 Бувар дар фани шеър сеҳрофарин.
 Ба ҳар санъату ҳар ҳунар чарбдаст,
 Қи меояд аз дасти, ў, ҳар чи ҳаст.

(Мулламуҳаммад Амин шу куннинг шеър фани сеҳргарларидандир. Ҳар бир санъат ва ҳунарда чапдаст, унинг қулидан ҳар қандай иш келади).

Ана шу устоз кўлида шеър ёзишни машқ қилган шоир дастлаб Камина кейинча Маъдан таҳаллуси билан шуҳрат топа бошлаган. Маъдан шерларини тўплаб девон тузган. Бу девоннинг бизга маълум бўлган 5 кўл ёзма нусхаси бор. Мукамалроқ нусхада 3644 мисра булиб 2466 мисраси тожикча, 1168 мисраси ўзбекча шеърлардир. Маъдан хушсуҳбатлиги, латифагўйлиги ва ҳажвчилиги билан адабиёт аҳллари орасида танила бошлади. Чунончи бир суҳбатда ундан маъноси бир-бири билан бевосита боғланмаган гул шамшир нон ва танбур каби сўзларни ишлатиб шеър айтишни сўраганларида. у куйидаги рубоийни тўқиган:

Гул бар сарам неҳу рангам бин
 Шамшер ба дастам деҳу жангам бин,
 Ҳамчу танбур шиками холи дорам,
 Нон ба дастам деҳу оҳангам бин.

(Бошимга гул санчгилу рангимни кўргил,
 Қўлимга қилич бергилу жангимни кўргил.
 Танбур сингари қорни очлар ман,
 Қўлимга нон бергилу оҳангимни кўргил.)

Маъдан ўзбекча ва тожикча шеърларида Махмур ва Гулханий қаторида туриб қалам тебратади. Чунончи, Маъданнинг Махмур томонидан ёзилган Ҳапалак харобаларига доир машҳур шеърига ҳамоҳанг бўлган “Понғоз” радифли муҳаммаси бунинг ёрқин тимсолидир. Шоир бу муҳаммасида Понғоз ва Шайдон қишлоқларидаги аҳолининг азоб-уқубатлари, хон сиёсати

бўлса керакки, унинг ўша ерда ёзган шеърларида жойлар номини ҳам кўшиб, шоир таҳаллуси билан бирга уни Аштий, Ришдоний, Понъозий деб ҳам атаганлар.)

ва солиқларнинг оғирлиги туфайли вайроналар кўпайиб кетганлигини, бу қишлоқларнинг “ихтиёри аблаҳлар кўлига ўтиб, улар юзлаб бўрилар бўлиб” йиртқичлик қилганликларини, Понғоз аҳолисини талаб, “итсимон тўйинганликлари”ни, қашшоқ аҳолидан “тангаю тилло, симу зар” талаб этиб, яна ўзларини “Жамшиду Искандар” деб билганликларини захарханда билан тасвирлайди:

Диёнат рафт, ёраб, аз диёри мардуми Понғоз,
 Ба дасти аблаён шуд ихтиёри мардуми Понғоз.
 Ба вайрони муқаррар кишту кори мардуми Понғоз.
 Сагон серанд аз сайру шикори мардуми Понғоз,
 Қ-ин номардакон хасми китобри мардуми Понғоз.

Саду си гурги золим бар хилофи кор чўпон шуд,
 Ба таҳрики залолат дар масофи гўсфандон шуд,
 Балон Понғазу ғорат гари мулки Шаҳидон шуд,
 Ки ин ҳар ду вилоят з-офати ин қавм вайрон шуд.
 Намерўяд гиёҳе аз каноти мардуми Понғоз.

Бир шеърида:

Бузулди Понғоз, Шайдон хоним нега сўрмаслар?—
 деб дадиллик билан Қўқон ҳукмдорларига таъна қилган Маъдан,
 деҳқоннинг йил давомида машаққатли меҳнати ҳосилини йиғиб олиш фаслида
 бало-қазодай ёғилиб келган солиқ тўпловчи амалдорларни «Шайтон,
 маймунбоз, доғули малъун» деб атаган шоир:

Бири — ҳоким, бири — қози, бири — доғулидек
 малъун,

Бири бўлди раият моли бирлан хожаи

Қорун,—

деб, ўлкани «зулмобод» сифатида таърифлайди, уни шу ҳолга келтиргандарни лаънатлайди.

(Ёраб, Понғоз диёри кишиларидан диёнат кетди, Понғоз аҳолисининг ихтиёри аблаҳлар кўлига ўтди. Понғоз элининг экин-тикини вайронликка юз тутди. итлар понғозликлар шикори билан тўйиб олдилар; бу номардлар Понғоз элининг кибор душманларидир. Аксига олиб, бир юз ўттиз бўри чўпон бўлиб, қўйлар сафини тушқунликка судрамоқда. Улар Понғозга бало, Шайдон мулкини ғорат қилувчилар бўлди, бинобарин, Понғоз еридан бир гиёҳ ҳам унмас бўлди.)

Маъдан тожикча шеърларида кўпроқ Абдурахмон Жомий, Ҳилолий, Бедилга, ўзбекча шеърларида эса Алишер Навоийга эргашади ва уларнинг

машҳур ғазалларига тахмислар битади. Шеърятнинг ғазал, мухаммас, рубоий, қитъа, маснавий шаклларида асарлар ёзиб, «Девон» тартиб берган бу шоир ўз ижодининг дунёвий руҳдаги мотивлари, сатирасида замон ва шароит руҳини моҳирлик билан акс эттира олганлиги жиҳатидан ўзбек ва тожик адабиётида диққатга сазовор сиймолардан биридир. Маъдан 1838 йилда ўз қишлоғи Понғозда вафот этган эди¹⁵.

МАҲЗУНА

Нодира ва Увайсийлар қаторидан ўрин олан XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида яшаб ижод этган ўзбек шоираларидан бири Маҳзунадир. Маҳзунанинг ҳаёти ва ижодиёти ҳақида ниҳоятда оз маълумот сақланиб қолган, унинг адабий мероси ҳам бизгача девон тарзида етиб келмаган ёки ҳозирга қадар номаълум қолиб келмоқда. Ҳозирчалик унинг бор-йўғи уч асари (шоир Фазлий билан мушоираси, «Ошиқ бўлмишам» радифли ўзбекча мухаммаси ва «сахбо» радифли тожикча шеъри)гина маълум.

Маҳзуна ҳақида маълумот берувчи ягона ёзма манба Фазлийнинг «Мажмуаи шоирон» тазкирасидир. Фазлий Маҳзунанинг «...дўхтари Мулло Бошмон» («Мулла Бошмон қизи...») эканини таъкидлаб, шундай ҳикоя қилади:

«Фозил бир кишининг муборак чехра, бахт юлдузидек пок қизи бор эди. У ақлу идрокда Зебуннисодек ягона бўлиб, Қўқонда машҳур шоирадир. У ўз номидек мулойим, меҳрибон эди ва мени имтиҳон қилиб синаб юрарди. Ҳурлар рашк қиладиган бу гўзал узоқдан, хат орқали мен билан сўзлашиб турарди. Бу ой юзлининг таҳаллуси Маҳзуна бўлиб, баландпарвоз хаёли ўзгача эди. Мен нотавон турли ўй-фикрлар билан унга қандай ғазаллар юбормайин, ул пари чехранинг шеърини ўқиб сўзимизнинг завқ-шавқида беқарор бўлдим. Ва дарҳол уйларига бордим, у мени кўрибоқ «шеър ўқинг» деди. Бу нозаниннинг сўзларига таҳсин қилиб, мен мана бу туркча (ўзбекча — В. А.) шеърни ўқидим:

[Ф а з л и й]

- Юз офарин сўзинга лубби лубоб кўрмай,
Арзи шамол этарму ойина об кўрмай?

[М а ҳ з у н а]

- Кимдин чиқар бу сўзлар бағрин кабоб кўрмай,
Ганж ўлмағай муяссар, ҳолин хароб кўрмай...»¹⁶.

¹⁵ Қаранг : А.П Қаюмов. Қўқон адабий мухити. Т, 1961, 212- 217-бетлар Н.Маъсуми. Адабиёти тожик. Душанбе, 1962, 77-86 бетлар.

¹⁶ Фазлий ҳикояси адабиётшунос Тўхтасин Жалоловнинг насрий таржимасида берилган (Тўхтасин Жалолов. Ўзбек шоирлари Биринчи китоб Т, 1959 118 бет). М.Шайхзоданинг фикрича, юқоридаги байтдаги “лубби лубоб” аслида XII аср тазкиранависи Муҳаммад Авфийнинг “Лубоб ул-албоб” аслида номини нотўғри ўқиш

Бу мисралар Шайх Санъон қиссасини ҳам эслатади.

Тожик тилида ёзилган “Саҳбога парвона” ғазали ҳам шоиранинг жозибали лирикасидан бир намунадир. Унда шоира “болға тушган пашша» тариқида “Майга парвона” деб ирсоли – масал (мақол қистириб ўтиш) санъатини қўллаб:

Эрурлар бошқа олам қавмидин маънога ошиқлар,
Чивиндек бўлма, эй Маҳзуна, сен саҳбога парвона-дейди.

(М.Муинзода таржимаси.)

Хулоса қилиб айтганда, бу бир неча шеър ҳам Маҳзунани ўзбек шеърляти тарихида муҳим ўрин тутган шоира эканлигини кўрсатади.

ЖОНИЙ

Мулла Қурбон Жоний XVIII аср охири ва XIX аср бошларида Бухорода яшаб ижод этган. Шоир Сайфийнинг марсия тарзида:

Хирад пири деди уйқумга таърих айлагил
Сайфий.

Дедим минг икки юз эллик бошида Жоний

жон берди,—

деб ёзганидан маълум бўлишича, Жоний ҳижрий 1250 (милодий 1834) йилда вафот этган. Жоний классик адабиётнинг Жомий, Навоий, Фузулий каби улуғ намояндалари асарларидан ва ўз замондошларининг ижодидан анча баҳраманд бўлган шоирлардандир. Чунончи, Муҳаммад Шариф Гулханийнинг:

Лола кўксидек бағрим таҳ-батаҳ қаро қонлар,
Ҳажр ибтилойдур, найлай, эй мусулмонлар

мисралари билан Мулла Қурбон Жонийнинг:

Юраклар пора-пора, таҳ-батаҳ қондир жигар, Жоний,
Чаманда сина очиб, гул яқо чокини ноёб эт...

каби мисраларини таққослаш шундан далолат беради.

Мулла Қурбоннинг нолаю фиғонлари «мискин»лиги, «замондан сарзаниш кўрганлиги, ўз орзуларига эришолмай, «бенаво» кун кечирганлиги унинг ҳаётда ҳам, ижодиётда ҳам меҳнаткаш Гулханийга яқин тоифадаги шоирлардан бири бўлганлигини кўрсатади. Шоир бир ғазалида шундай ёзади:

Маломатлар етишди сенга, эй жон, мен ёмондин кўп,
 Неचाким менга етди сарзаниш аҳли замондин кўп.
 Агар булбул чаман сахнида юз йил лавҳа тортаркан,
 Эмасдур бир нафас мен бенаво чеккан фиғондан кўп.
 Адамдур, беибодур Жоний мискин, афоколлох,
 Жаҳон ичра баҳосин қилмағил аҳли замондин кўп.

Жоний ўз лирикасида маъшуканинг кулгусидан гул сочиб, қизларнинг нозини кўриб завқланишини, «сунбул» уни кўрганида қойил қолишини, «сарв» унинг ёқимли рафторидан ҳайратланишини истаган, «ҳар ким ўз гулрўйига» мафтун бўлиши лозимлигини куйлаган:

Ғунча гуфторин кўриб чирманди хазро пардаға,
 Сарв рафторин эшитиб, қолди ҳайрон силкиниб.

Ҳар ким ўз гулрўйига маҳв эрди, Жоний, бил ани,
 Гул юзин кўрди-ю, булбул қилди афғон силкиниб.

Жоний девонида¹⁷ шеърятнинг ғазал, мухаммас, рубоий ва қитъа каби формалари кўпроқ учрайди. У ўз даврига кўра юксак маҳорат билан ғазаллар ёзганидек, пухта ва мазмундор қитъа ҳамда рубоийлар ёзишда ҳам маълум даражада маҳорат кўрсата билган. Чунончи:

Зулф эмас рухсори жонон узра умредур дароз,
 Ул жиҳатдин ҳасратидан кўрмайин жон берсам оз.
 Кокулинг ториға банд ўлди кўнгул не важҳдин,
 Ўлса ул нисбат билан саргашталиқда сарфароз.

Шоир Жоний Навоий ва Фузулий ғазалларига назиралар боғлаганида, тахмислар тўқиганида, шеърнинг фақат вазни, қофияси ва туроқлари жиҳатидангина эмас, балки ғоявий мазмуни жиҳатидан ҳам юксак даражада бўлишига интилган. Чунончи, Жоний Навоийнинг:

Сунбулин Лайли очибдур ел абир осо эмас,
 Доғини Мажнун қонатмиш лолаи ҳумро эмас, -

деб бошлаган ғазалига мухаммас боғлар экан, келтирилган бу мисралар олдидан:

Боғи жаннат гулшани хуснингча руҳ афзо эмас,
 Наҳли туби қоматингдек сарви гардуносо эмас,
 Не деб олам ичра хаттинг рашкидин савдо эмас, -

¹⁷ Мулло Қурбон Жоний девони икки нусхада (ИНв. №125, 124 varaқ, Котиб Муҳаммадшукур; инв. № 7483, 136 varaқ). ЎЗР ФА ШИ да сақланмоқда.

деб ёзади. Ёки Фузулий:

Жонимнинг гавҳари ул лаъли гуҳарбора фидо,

Умримнинг ҳосили ул шеваи рафтори фидо, -

деб устозининг самимий ошиқона байтларига жўрозов бўлишга тиришади.

XVIII аср охири ва XIX аср бошларида Бухородаги ўзбек адабиётида лирика соҳасида Навоий ва Фузулий анъаналарини давом эттиришда кунт билан ижодий иш олиб борган шоир Жонийннинг ижодкорлиги, шубҳасиз, ўша давр адабий муҳитида маълум мавқега эга эди.

Номаълум котиб шоир

1882 йилда Навоий “Хамса”сини кўчириб, китоб охирида ўз мулоҳазаларини ёзиб қолдирган номаълум котиб-шоирлардан бири Навоийни “ҳазрати қутби даҳр”, “жомеи сирру жаҳр” деб таърифлаб, “Хамса”нинг ҳар байтида “жаҳон ганжи бор”, “ҳар ганж”да эса “бир жаҳон ниҳон”лигини баён этиб, қуйидагича байтларни келтирган эди:

Туну кун юрур эрдим ошуфтаҳол,

Абас ишлар айлаб ғалат қилу қол.

Ўшол ҳиндо тушти манго бир китоб,

На улдур китоб, мажмаи дурри ноб.

Экон “Хамса”и ҳазрати қутби даҳр,

Навоий ки, ул жомеи сирру жаҳр.

Анниг ҳар сўзидур муаммо мисол,

Анго етмагондин хирад нутқи лол.

Жаҳон ганжи ҳар байтидадур ниҳон,

Ки ҳар ганжидадур ниҳон бир жаҳон.

“Садди Искандарий” вазинад (мутақориб вазнида ёзилган бу мисраларнинг муаллифи “Хамса” қўлёзмасини кўтариб, Бухоро кўчаларидан бирида кетаётганида дунёвий адабиётга ихлосманд кишилардан бири китобга қизиқиб қолибди ва котибни “Хамса”ни кўчириб беришга кўнидирибди:

Чу бир ён борур ихтиёр айладим,

Анинг кўчасидин гузор айладим.

Баногоҳ мани кўрди ул некхў,

Борурсиз жада айлабон қайси сў?

Добон жузвдонимни қўлга олиб,

Навоий “Хамса”сига кўз солиб.

Деди: манго лойиқ экон бу китоб,

Беринг манго деб кўплар қилди хитоб.

Анинг сўзини рад қило билмадим.

Битиб неча муддат чекиб онча ранж,
 Анго айладим тухфаи “Беш ганж”.
 Ики юзиға бокиб эттим умед.
 Томар юзидин нури сурху сафед.
 Фақирларга кўп кўргузур илигин,
 Гадоларга охир этар эрлигин.
 Қилур ҳадясизларга зоҳир карам,
 Берур тухфаликка хазойинни ҳам...

Бу мисралар Навоий асарларининг халқ ўртасида қанчалик муҳаббат билан ўқилганини, “Хамса”да илгари сурилган ўлмас ғояларнинг кучли мухлислари бўлганлигини кўрсатади.

Шубҳасиз, ана шундай мароқли, жозибали мисраларни яратган котиб-шоир яна бир қанча шеърлар ёзган бўлиши мумкин. Лекин бу котиб-шоирнинг номи ҳам, бошқа асарлари ҳам ҳозирча аниқлангани, ўрганилгани йўқ.

Шавқий

Мумтоз назмнависликнинг ғазал, маснавий, мухаммас, мусаддас, муашшар, мустазод, муламмаъ, мусаммат, таърих, қитъа, рубоий, фард, чистон, таржеъбанд сингари жанрларида ўз ҳассослигини намоён этган бошқа қаламкашлар тажрибасида деярли кўрилмаган 3 тилда (ўзбек, тожик, араб тилларида) уч мустақил девон тартиб бера олганлиги билан Муҳаммадшариф Шавқий Каттақўрғоний (1785-1871) Шавқий тахаллусли бошқа шоирлардан ажралиб турар эди. Унинг “Рисолаи қофия ё Миротун-наҳв” (Араб грамматикасига доир), “Ҳаллул луғат” (Луғатшуносликка доир) илмий асарлари арабча “Мухтасари виқоя”га 230000 мисралик тожик тилида шарҳлар ёзганлиги, “Илмий лисон” (тилшунослик), “Илми риёзиёт”, хандаса, бадоеъ, саноеъ ва ҳ.к. илм-фанлар бўйича ҳам донишманд бўлганлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам Возеҳ Бухорий, Мирсиддиқ Ҳашмат сингари тазкиранавислар унинг “... шеърляти ғоят нафис”, илм-фанда “мукамал билимдон”,¹⁸ деб таъкидлаганлар.

Бироқ адабиёт тарихида, айниқса омма орасида, Муҳаммадшариф Шавқий шоир сифатида кенг шуҳрат топади. Чунки у кўп оммабоп, халқчил шеърлар битган, мусиқий шеърлари муғаннийлар, ҳофизлар томонидан куйга солиниб ижро этилган ва шоирнинг ўзи ҳам:

Қаерда чангу рубоб бўлса, Шавқийё базм эт,
 Муғаннийларнинг эрур нағмаси сўзунгга либос, -

¹⁸ Қаранг: Қори Раҳматуллоҳ Возеҳ. “Тухфат ул-аҳбоб фи тазкиратул асҳоб”. ЎЗР ФА ШИ. Инв №91-94, саҳ. 150; Мирсиддиқ Ҳашмат. Тазикрат уш-шуаро. ЎЗР ФА ШИ. Инв 61. саҳ. 80.

деб таъкидлайди.

Шавқий олим сифатида ўрганган илмларни ҳам мумкин қадар шоирлигига бўйсундириш, ўз шеърятига сингдириш устида ҳам меҳнат сарф қилган. Чунончи устоз Навоийнинг “васл боғинда - қулоғинда – дарду доғинда” қофиядошлигида ошиқ-маъшукларнинг васлу висол афзалиятлари таърифида ёзилган ғазалига мусаддас боғлаб тригонометрияга доир “хатти меҳвар” (чарх ўқи), “хатти устуво” (экватор) каби илмий терминларни ўринли сингдирган:

Анингдек баҳраварлик айшидин жисмим қуво

Ки чарх ичра не хатти меҳвару не устуво кўргай...

Висол фароғатидан одамзод жисмида пайдо бўладиган куч-қувватга “хатти меҳвар” ҳам, “хатти устуво” ҳам тенглаша олмайди мазмунидаги муболағали ифодалар орқали севишганлар ҳамжиҳатлиги оилавий ҳаётнинг замини деган олижаноб ғояни тарғиб этган. Муҳаммадшариф Шавқийнинг:

Кело, хубларни хуби, гиналарни ташламаймизму

Ёки:

Эй қадди сарви сиҳи, булбули гулзоргинам

бошланмали ғазаллари ҳам; “Эй сарвиноз, қадду қоматинг соясида жавлон ураман, худойим мени бошингдан сенинг соянгни кам қилмасин” мазмунидаги:

Ба сояи қадат, эъ сарви ноз, ошубам,

Худой аз сари мо сояи ту кам накунад...

ғазали ҳам юқоридаги фикрни далиллайди. “Шаҳзодалардек менга буйруқ бериш сендан, қўлни кўкракка қўйиб фармонни бажаришга ҳозир туриш мендан”, деб бухоролик XVI аср шоири Мушфиқий санъаткорлигидан илҳомланиб ёзилган:

Шаҳзодалар ба ман ҳукм рондан зи ту,

Бар сийна даст тобеи фармоншундан зи ман

байти ҳам шундай хусусиятларга эга.

Бироқ ҳаёт ҳақиқати бундай улуғвор орзу-ҳавасларни рўёбга чиқариш учун номувофиқ бўлганлигидан худди бошқа шоирларда кўринганидек, Шавқий лирикасида ҳам аламзадалик, фарёду фиғон алангалари кўкка чирмашган. Бу ҳолат қуйидаги Фузулиёна мухаммас байтларида ҳам равшан кўринади:

Ишқ офатидин душди маним бошима савдо,

Мажнун киби ҳайрон гезарам дашт ила сахро.

Дун-кун ишим ўлди мени ҳар ерда алоло,

Олам гўринур кўзима бир шахпари анқо.

Мунис менга ғам, дарду бало кулбаи маъво....

Шавқий шеърлятида Фузулий таъсири тўғрисида гап борганда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, шоир улуғ Навоийга қанчалик эътиқод қўйган бўлса, Фузулийни ҳам шунчалик муҳаббат билан ўрганган. Ҳатто ғазалларинигина эмас, 1841 йилда Бухорода тартиб берган “Девон”нинг “Дебочаи девон ва ғазалиёти Шавқий” сарлавҳали автобиографик маснавийсини ҳам озарбайжонлик устоднинг тили ва услубига яқин қилиб яратган:

Ҳижратдин ўтиб минг икки юз йил,

Йўхдин бу жаҳона келмишам бил.

Ўтизға кирганда сайр этиб боғ.

Хатми кутуб айламишман, эй шоҳ,

Толиблара ҳизмат айладим чўх

Уйқу била роҳат айламак йўх.

Шавқий Навоий ва Фузулий билан бирга Мирзо Абдуқодир Бедилга ҳам ғоят зўр ихлос ва эътиқод билан қараган, унинг меросини қунт билан мутолаа этиб ўзлаштирган. Бинобарин, у Бедил ҳақида:

Бир неча китоб қолди ондин,

Ҳар бириси онинг тотлу жондин,

Мен, Шавқий анинг сўзин асири

Бел боғли, муҳибларнинг бири,-

деган эди.

Шавқийнинг Мирзо Абдулқодир Бедил шеърлярига мухаммасларида “Гулшани таҳқиқ” (Ҳақиқат гулшани), “Нахли талаб” (Талаб ниҳоли), “Дандони тафаккур” (Тафаккур тиши), “Домани мурод” (Мурод-мақсад этаги), “Шарори нола” (Нола учқуни) сингари мураккаб символик ташбеҳлар кўп қўлланиши, унинг ўзи яшаб турган шароитни ҳисобга олиб, Бедил услубида теран, фалсафий фикр-ўйларни ифодалаганидан далолат беради. “Шавқатсиз ва қонхўр ҳукмдор” (Абдуазиз Сомий ибораси) Амир Насрулло даврида халқпарвар фикр-мулоҳазаларини, зулм-зўрликка қарши ғазаб-нафратини очиқ баён этиш мумкин бўлган бир шароитда Бедил услуби қўл келар эди.

Шу боисдан бўлса керак, Муҳаммад Тоҳир Абулқосим ўғли Муҳаммад Шариф Шавқий ваҳшатхона “Бухоро ичра мансаб” топган “зоғу калхат”лар муҳитидан кўра табиатнинг кенг яйлови “Қарнаб йўлини” тутиб ўз туғилган ери Қаттақўрғон қайтди. Бу ерда ҳам, гарчи “очлик” машаққатли ҳаёт ҳукмрон бўлса-да, ота касби дехқончилик ва шу билан бирга мактабдорлик билан шуғулланди:

Вафосиз беҳаёларни юзини кўрмаган авло,

Жафосидан кўнгил ойинасин синдирмаган авло,-

Деб байтлар битди,

Расолар ҳолини билмас учун Шавқий савол этди:

Қани бир аҳли дониш то жавобин қилсун иршоде, -
деб ҳажвиялар тўқиди.

Қаламкашлиқда “ашъори расолар” даражасига кўтарила олган Шавқий мероси ҳаётлигидаёқ шоир Мирий, Аҳқар Каттақўрғоний, Вола Янгиқўрғоний, Хиромий Шаҳрисабзий каби замондошлари учун мактаб бўлди. Улар 80 ёшган кекса устод ғазалларига назиралар боғладилар. Лайлию Мажнун, Вомиқу Узро, Юсуфу Зулайҳолар талмеҳ санъати билан дохил қилиниб яратилмиш:

Ул унда доғ бўлди-ю, бул мунда бўлди доғ

Мисраси ҳар бандининг охирида такрорланадиган мухаммас таржеъбанди изидан кўплаб чиройли асарлар яратдилар.

ХИРОМИЙ

Мулло Қурбон Хиромий Бухоро амирлигига қарашли Китоб вилоятининг Чармгарон гузарида 1796 йилда косиб оиласида дунёга келди. XIX аср иккинчи ярмида вафот этади. Бўлғуси истеъдодли шоир бошланғич маълумотни Чармгарон гузари билан юзма-юз жойлашган Қоралойча масжидида олади. 15 ёшларидан бошлаб таҳсилни Бухородаги Мирараб мадрасасида давом эттиради. Аммо иқтисодий танглик туфайли мадрасани «Хатми кутуб» қилолмай 25 ёшларида Бухородан Китобга қайтади, табиблик хаттотлик билан рўзғор тебратади.

Хиромий Фирдавсий, Шайх Саъдий, Зиё Нахшабий, Алишер Навоий, Бобир, Фузулий, Бедил, Зебуннисо сингари шарқнинг улкан санъаткорлари ижодидан баҳраманд бўлиб, замондошлари Шавий Каттақўрғоний, Ҳозик ҳамда Волалар билан яқин ижодий алоқада бўлган.

Хиромий камолга етиб, ижод майдонига кирганда, унинг ватани Китобда алғов-далғов кучайиб кетади. Шу сабабли унга таҳлика ва кўрқув остида яшашга, ижод этишга тўғри келади.

Хиромий мадрасада олган билимлари билан чегераланиб қолмай, ўз устида кунт билан ишлади, билимини оширди, тажриба тўплади, бутун истеъдодини шоирлик сирларини ҳар томонлама чуқур ўрганишга қаратди. Табиий талант, мадраса таҳсили, форс-тожик ва ўзбек адабиёти ҳамда Шарқ адабиёти вакилларининг ғоявий-бадиий мадади, замондошлари билан бўлиб турган ўзаро ижодий ҳамкорлик, дўстларининг руҳий-маънавий мадади, халқ ҳаётига бўлган яқинлик Хиромийнинг шоирлик иқтидорини юксалтирди, қаламига қудрат бахш этди. Ана шу манба ва омиллар туфайли олдин Шайх Саъдий, Алишер Навоий ва Зебуннисо ғазаллирга меҳр билан пайванд этилган мухаммас (тахмис)лари, кейин “Чор дарвеш” (1834), “Тўтинома” (1854),

“Раъно ва Зебо” (1865) дostonлари майдонга келди:

Неча қоғозни мен қаро қилдим,
 Элга ҳам арзи муддао қилдим.
 “Чор дарвеш” сари сўндим илик,
 Сана эрди минг икки юз эллик,
 “Маҳфил оро”ға айладим кўшиш,
 Сана эрди минг икки юз олтмиш.
 “Тўти алфози” то бўлди манга иш,
 Сана эрди минг икки юз етмиш.
 Ким бу тарих сари тушса кўзи,
 Билгай умримни муддатин ҳам ўзи.

Хиромий мухаммаслари билан (булар жами 5 та бўлиб, 176 мисрани ташкил этади), биринчидан, Шарқ адабиёти классикларига издошлик муносабатини билдирса, иккинчидан, улар яратган ўлмас ғазаллари, тахмисга яйлантириб, ўзининг поэтик маҳоратини синовдан ўтказди. Романтик услубдаги дostonлари билан эса умуман, ўзбек классик адабиётида, хусусан, XIX аср ўзбек адабиётида бу жанрни тараққий эттирган санъаткорлар қаторида шуҳрат қозонади.

Шоир дostonчилик жанрининг кенг имкониятларидаи усталик билан фойдаланиб, XIX асрдаги ўзаро урушларни, тож-тахт учуи тез-тез бўлиб турадиган омонсиз келишмовчиликларини, жаҳолат, эрқпавар адолатпарвар, ҳақиқатпарвар халқнинг бахт-саодат, омонлиги, тўғрилиқ, фаровонлик, осойишталик тўғрисидаги орзулар мисраларда илҳом билаи ифодалади.

Шундай қилиб, Мулло Қурбои Хиромий Бухоро хонлигидаги зиддиятли бир тарихий шароитда яшади, ижод этди, курашди, халққа бадиий сўа воситаси билаи хизмат қилди

Хиромийнинг ўзбек адабиёти тарихи тараққиётидаги камтарона хизматлари партия ва ҳукуматимиз томонидан ҳисобга олиниб Тошкент шаҳридаги на Қитоб посёлкасига қарашли биттадан кўча, Шаҳрисабз районидаги Қўйиоқбой қишлоқ совети Партия XXIII съезди колхозига қарашли Бешкарта қишлоғидаги 96- сон саккиз йиллик мактаби унинг номи билан аталади. Бу ёдгорликлар

Хуш улким ани жисми бўлғач ниҳон,
 Ки андин қолиб даҳр аро бир нишон
 Улус ёдига келгуси гоҳ-гоҳ,
 Дуо бирла анга бўлгай некихоҳ,
 Бу дафтар аро яхшидур, гар ёмон,
 Икки важҳдин қолғуси бир нишон.

Балоғат шиореки олмай ирод,
 Дуо бирла руҳимни гар қилса ёд,—
 деган шоирга бахтли авлодлари томонидан унинг табаррук номини
 абадийлаштириш борасида қилинган муқим чора-тадбирдир.

АДАБИЙ ЖАНРЛАР

XVII-XIX асрлар адабий жанрлар тараққиётида ҳам янги бир босқич бўлди, мавжуд жанрлар такомиллашиб борди, янги адабий жанрлар пайдо бўлди.

Равнақ, Нишотий, Мужрим, Гулханий, Махмур, Ғозий, Шавқий ва Маъдан қаби шоирлар қаламида ғазал ўзгача бир йўл билан давом эттирилди. Уларнинг кўпчилик ғазаллари ҳаёт ҳақиқатига қаратилганлигидан ёр ва дийдор, ошиқ ва маъшук ақл ва идрок, дониш ва эътибор, зулм ва истибдод, хорлик ва зорлик ҳақидаги ҳис ва ҳаяжон тароналари, ростгўйлик садолари билан битилиб, қизиқарли, мазмундор ва жозибадор чиқар эди. Ғазалнинг мазмун кўлами, образлар тизими кенгайди, ишқий-интим ғазаллардан ташқари, фалсафий дидактик, сатирик ва бошқа тур ғазаллар яратилди. Ғазалларда турли хил санъат усуллари, ранг-баранг бадий воситалар қўлланди. Мушоира-ғазал, муламмаъ-ғазал қаби янги ғазал турлари пайдо бўлди.

Қасидачилик ҳам бу давр адабиётида кенг қўлланди. Қасиданинг мадҳия, баҳория, фахрия жанрлари қаби турлари қаторига ўзбек ҳажвий қасидалари ҳам кўшилди. Ҳажавия — сатира ва юмор ҳам ўсди. Мавжуд муҳит иллатларини ростгўйлик билан танқид қилгани учун қувғинга учрадилар ва хонларнинг жазосига дучор бўлдилар. (Чунончи. Амир Умар ўлимидан сўнг Бухорога ўтиб кетган Қози Амир Насруллонинг Самарқандга қилган сафарида бирга бўлиб. унга қарши ҳажв айтади, буни билиб қолиб ғазабланади, шунинг учун шоир бошпана қидириб Шаҳрисабзга йўл олади; лекин Насрулло унинг кетидан махсус қотил юбориб, уни ўлдиртиради.) Сатирик ғазаллар билан билан бирга ҳажвий мухаммас (Турди, Махмур) ҳам адабиётдан кенг ўрин олди.

Адабиётда маснавий, рубоий, мухаммас, мусаддас, мусаббаъ, мусамман, мутассаъ, муашшар, мустазод, муқаттаъ, мушоира ва муаммо, чистон ва таърих жанрлари орқали ҳам лирика т давом эттирилди. Фазлий маснавийлари билан Огаҳий маснавийлари, Адо рубоийлари билан Мунис рубоийлари, Вазир мухаммаслари билан Махмур ва Увайсий мухаммаслари, Ғозий ва Махмур таърихлари билан Рожий таърихлари, Мунис на Огаҳий чистонлари билан сарой шоирларининг чистонлари ўртасида катта тафовут бор эди. Туркманларнинг машҳур классиги Махтумқули:

Ул нимадир, емадилар, тўйдилар?
 Ул иимадир, киёмата кўйдилар?
 Ул ким эди, тобонидан сўйдилар?
 Шоир бўлсанг шундай бизга хабар бер!-

деб мурожаат этганида, хевалик шоир Турди:

Ул дийдодур, емадилар, тўйдилар
 Ул намоздир, киёмата кўйдилар,
 Насимийни тобонидан сўйдилар,
 Биздан салом бўлсин, жавоб шундайдир,-

деб жавоб қайтарган эди. Бу эса халқ дostonларида кўпроқ учрайдиган шеърини савол-жавобнинг ёзма адабнётга кўчирилган мушоира шаклларида бири бўлиб, мушонрада ҳам реал масалалардан баҳс этилганидаи далолат берадн.

Бу мушоирадан равшанки, ҳар иккала шонр ҳам дийдор кўришувни ганимат деб билганлар, XV асрда асоссиз қатл этилган озарбайжонлик шоир Насимий фожиасига ачинганлар.

Фазлий билан шоира Маҳзуна ўртасидати машҳур мушоира эса шоиранинг ҳозиржавоблигини; ўткир фикрлилигини, мисраларининг мазмуни теранлигини, бадий баркамоллигини кўрсатади.

Демак, мушоираинт китобий шакли бўлиши билан бирга, халқ оғзаки ижоди шакллари асосида ёзма адабиётга кўчирилган шакллари ҳам мавжуд эди. Шунингдек, бу даврда лирик ишқий мухаммаслар ёзиш билан бирга, ижтимоий мотивларни (баъзи ҳолларда ҳажвий чизгиларни) киритиб мухаммас ёзиш ёки «мухаммаси муламмаъ» деб аталган (Махмурнинг «айладинг» радибли мухаммасини эсланг) қочиримлар, киноялар билан тўлиб-тошган мухаммаслар тўқиш ҳам расм бўлган эди.

Таърихларда, одатда, мақтов, хайрихоҳлик ниятлари ифодаланган бўлса-да, бу даврда шеърнинг шу туридан танқид, ҳажв, ўч олиш учун фойдаланиш ҳоллари ҳам кўринади. «Шариф йўрға» (Ғозий), «Дар сифати Муҳаммад Олимхон» (Махмур) каби таърихлар шулар жумласидандир.

Бу давр адабиётида сатира ва юмор, масал ва мақол, эртак ва нақлиёт жанрлари ривожланди. Бадий умумлашма образлар воситаси билан сатира яратилгани каби, бевосита айрим шахслар ҳақида ҳам сатирик асарлар яратилди. Чунончи, Шавқий кўпроқ умумлашган-мавҳум образлар билан, Махмур аниқ шахслар образи билан сатира битди, Нишотий эса тўқима образлар яратди, Нишотий:

Даҳр элининг эрди суханчини ул,
 Умр ўтибон демас эди чинни ул,—

деб ёлғончи, айёр, фитна, золим Ваҳми бало образини;

Бор эди бир дуни фалокат маоб,

Эрди нажас сурату иаҳо интисоб,—

деб, соф севги, тўғрилиқ ва ҳаққоният йўлларига ғов солувчи «Форуқай жодувон» образини ёки «на завқ, на нур, на илм, на ақл»дан дарак бўлмаган риёкор шайх Зарқнинг ифлос қилмишларини чизиб қўрсатиш билан ўз замонасида мавжуд бўлган қабих кишиларни қаттиқ ҳажв қилди, уларни фош этди.

Махмурнинг «Амаким», «Домулло Атои Аштий», «Авсофи Қози Ниёз» каби сатирик асарлари ўша даврдаги қози, муфти, домулло, аълам, амалдорлар қиёфасини очиб беришга қаратилган бўлиб, улар заҳарханда остига олинган. Муҳими шуки, шоир бу борада умумийликдан аниқликка ўтиб, адабиётнинг таъсир доирасини фаоллаштиришда катта ҳисса қўшган, дадил одим ташлаган. Сатира шеърининг маснавий, ғазал, таърих, рубоий, қитъа, муфрадот, таржеъ, таркиб формаларида ҳам яратилган эди.

Адабий алоқаларнинг ўсиши жанрларда ҳам ўз ифодасини топди. Бу давр ўзбек адабиётида шеърнинг муламмаъ — ширу шакар тури (у ғазал, мухаммас, мураббаъ ва бошқа поэтик шаклларда яратилар эди) кенг жорий этилди. Ўзбек шоирлари кўпинча ўзбекча-тожикча ширу шакар битар эдилар. Тожик шоирлари ҳам кўлпинча тожикча-ўзбекча муламмаъ битганлар.

Адабиётнинг эпик тури бўлган дostonнавислик фантастик ва реалистик шаклларда давом эттирилди. Нишотийнинг «Хусну Дил», Сайқалийнинг «Баҳром ва Ғуландом», Хиромийнинг «Чор дарвеш», Нодирнинг «Ҳафт гулшан» дostonлари XVIII-XIX асрлар адабиётининг бу турдаги муҳим намуналаридан эди. Нишотийнинг «Хусну Дил» дostonида тасвирланган символистик образлар орқали тиичлик, осойишталик, ободонликка, оилавий ҳаётда эрку ихтиёрга эътибор бериш масалалари илгари сурилади.

Шоир Нодирнинг 1824-1825 йиллар ичида ёзган «Ҳафт гулшан» асарида адолатли подшоҳ, садоқатли ошиқ, сахий дўст, вафодор ёр, ўз сўзига амал қиладиган олим образлари яратилади, Нодиранинг ҳам шоира, ҳам давлат арбоби сифатидаги хизматларига доир муҳим материаллар берилади ва унинг портрети чизилади.

Эпистоляр жанрда номачиликнинг янги асарлар, ишқий номалар билан бирга саломнома, ҳасби ҳолнома (Мужрим) каби асарлар яратилди.

* * *

Шоир Мутрибнинг «Шаҳномаи девона Мутриб» ва Андалибнинг «Шаҳномаи девона Андалиб» асарларида 1842 йилда Қўқон билан Бухоро хонлиги ўртасида бўлиб. ўтган қонли уруш ва унинг оқибатлари тасвирланган эди. Шоира Увайсий эса «Шаҳзода Ҳасан» ва «Шаҳзода Ҳусайн»

достонларини ёзди, «Воқеоти Муҳаммад Алихон» номли шеърый манзумасини яратди. (Бу ҳақда Увайсийнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига доир бўлимда батафсил тўхтаб ўтилган.)

«Шаҳноман девона Андалиб»ди эса Амир Насруллонинг қилмишлари, Қўқонга ҳоким қилиб тайинлаиған Иброҳим парвоначининг тахтдан туширилиши, Насруллонинг кетма-кет бир неча марта зарбага учраганлиги, ғазабланган Фарғона аҳолисининг жаллодларга қарши қатъий отланиб чиқиши, Насруллонинг Хевадан Бухорога ҳужум бошланганини ашитиб чекиниши тасвирланади. Чунончи, бир ўринда уруш манзараси:

Ул лашкар элини ҳой-ҳўйи,
Қонлар оқибонки, жўй-жўйи.
Бозори ажал у кун қўрилди
Манғит эли арпадек қирилди,
Отдин йиқулурди мисли борон,
Ҳамгаштлари қилурди афғон, -

деб тасвирланса, бошқа бир ўринда Насруллонинг золимлик қиёфаси ҳақида:

Ул зоти бузуғ амири бадкор,
Бадтурку сиёҳу гурги хунҳор, -
дейилиб, амирнинг қотиллиги, қонхўрлиги чизиб кўрсатилади,

Ҳар иккала достон ҳам бадийий томондан етарли даражада пухта ва юксак бўлмаса-да, лекин тарихий ҳақиқат маълум даражада реал гавдалантирилиши жиҳатидан ўша давр адабиётида замонавий мавзудаги достон сифатида муҳим аҳамиятга эгадир.

Шеърыйт билан бирга XVIII-XIX асрлар адабиётида бадийий наср ҳам ривожланди. Бадийий насрда ҳикоя, латифа, масал ва бошқа жанрлардаги асарлар билан бирга мемуар асарлар яратилди. Тарих китоблари, солномалар, тазкиралар, дидактик асарлар, ҳатто айрим илмий рисоалар ҳам бадийий қимматга эга бўлиб, улар айрим хусусиятлари билан бадийий наср хазинасини тўлдиради, бойитади. Чунки уларда бадийий ифода элементлари кенг қўлланилган, сажъ ва мусажжаъ усулидаи фойдаланилган, ора-орада ҳикоя, латифа ва тамсиллар келтирилган, персонажларнинг портрети яратилган, шеърый парчалар берилган, улар орқали «қиссадаи ҳисса» чиқарилган. «Зарбулмасал», «Шажараи турк», «Шажараи тарокима», «Фирдавсул-иқбол» ва бошқалар шу даврдаги бадийий насрнинг ажойиб намуналаридир.

XVIII-XIX асрлар адабиётининг, адабий жанрлар такомилининг муҳим бир ҳалқаси халқ китоблари бўлиб, фольклор билан ёзма адабиётнинг ўзига хос «кўприги» сифатида уларнинг қатор хусусият ва принципларини ўзида мужассамлаган халқ китоблари насрий ёки шеърый, кўп ҳолларда эса ҳар икки

ифоданинг уйғунлигида яратилар эди. Хиромий, Нишотий, Умар Бокий ва бошқалар қаламига мансуб халқ китоблари шулар жумласидандир.

Адабий жараёниинг ривожда бўлгани каби, адабий жанрлар таракқиётида ҳам турли халқларининг адабий алоқалари муҳим аҳамиятга эга бўлди. Адабий алоқаларнинг катта самараси, сифатида таржима адабиёти бисотига янги-янги обидалар қўшилиб, халқларни бир-бирининг адабиёти билан яқиндан таништириб борди, бадий ижодкорлик тажриба ва анъаналарини бойитиб борди.

ТАРЖИМА АСАРЛАР

Маълумки, ўзбек халқи қадим замонлардан бошлаб Марказий Осиёнинг бошқа халқлари, Қавказ халқлари ҳам Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари билан иқтисодий-маданий алоқада бўлиб келди, Ўзаро ихтилофлар, мустабид ҳукмдорларнинг босқинчилик ҳаракатлари, турли зиддиятлар ва бошқалар хўжалик ва маданий ҳаётда ўлкалар ва халқлар ўртасидаги алоқаларга шикаст берса ҳам, лекин бу алоқаларни емириб ташлай олмас эди. Маълум вақт ўтиши билан халқлар орасидаги алоқалар яна жонланар, ўзаро иқтисодий ва маданий ҳаётга фойда келтирар эди. Мана шу йўсинда ўзбек маданияти ва адабиётининг кўпдан-кўп намояндалари, жумладан Улуғбек ва Али Қушчи, Атоий ва Лутфий, Навоий ва Бобир, Мунис ва Огаҳий каби атоқли арбоблари бошқа халқлар орасида ҳам шуҳрат қозониб танилгани каби, ўзбек халқи орасида ҳам Фирдавсий ва Низомий, Саъдий ва Ҳофиз, Жомий ва Ҳилолий, Фузулий ва Воқиф, Бедил ва Зебуннисо, Махтумқули ва Зелилий, Сайидо ва Мушфиқий каби забардаст сўз санъаткорларн яқиндан маълум бўлиб, асрлар ва авлодларга манзур бўлиб келди. Ўзбек қаламкашлари сайёр сюжет, анъанавий образ ва поэтик маҳоратда қардош ва қўшни халқлар тажрибасидан фойдаланганлари каби, ўзбек санъаткорлари ижоди ҳам уларга маълум сабоқ бўлиб хизмат қилди. Ўзбек шоирларининг кўпи тожик тилида ҳам ижод этганлари каби, тожик халқининг бир қатор қалам аҳллари ҳам ўзбек тилида муваффақият билан асарлар яратиб шуҳрат қозондилар. Ўзбек адабиёти асарлари тилига форс-тожик, озарбайжон ва туркман тили элементлари кириб борди (бу, хусусан, Фузулий. Бедил ва Махтумқули ижоди таъсирида содир бўлар эди), ўзбек тили элементлари бошқа халқлар адабиёти ёки китоботида ҳам намоён бўлади (бунга, хусусан, озарбайжон адабиётшуноси Содикбек Китобдорнинг «Мажмаул-хавос»,— «Хос кишилар тўплами» асари мисол бўла оладиким, у мазкур тазкирасида Навоийнинг «Мажолисун-нафоис» асаридан баҳраманд бўлганидан ташқари, ўз асарини «чиғатой» тили — Навоий тилида яратган эди).

Адабий алоқаларнинг бир натижаси сифатида муламмаъ—ширу шакар

ёзиш бу даврда кучайгани каби, XVIII-XIX аср ўзбек таржима адабиётида ҳам ниҳоятда баракали, сермахсул бир давр бўлди. Саид Хусан Хоразмий, Киромий, Мунис, Огаҳий, Ҳозик Волидхожа Сиддиқ ва Хиромий каби етук таржимон – сўз санъаткорлари етишди. Улар ўзбек китобхонларини хусусан, форс-тожик тилида яратилган кўп асарлар дoston бадиий наср тазкира тарих-солнома ва бошқа турдаги асарлар билан таништирдилар, ўзбек маданияти ва адабиёти хазинасига таржима адабиётнинг обидаларини тортиқ қилдилар. Таржима адабиёт соҳасида, хусусан, Муҳаммадризо Огаҳий сермахсул иш олиб борди. У 20 га яқин бадиий ва тарихий асарни ўзбек тилига таржима қилди.

Мунис ва Ҳозик XV асрда яратилган машҳур «Равзатус-сафо»ни (Мирхонд асари) ўзбек тилига таржима қила бошлаган бўлсалар, Огаҳий Саъдийнинг «Гулистон» асарини, XVII- XVIII асрларда Ҳиндистонда яшаган Муҳаммад Вориснинг «Зубдатул-ҳико`т» асарини, Қайковус бин Вашмгирнинг машҳур «Қобуснома»сини, Махмуд Гиждувонийнинг «Мифтоҳут-толибин»ини, Хусайн Кошифийнинг «Ахлоқи Муҳсиний», Муҳаммад Маҳдий Астрободийнинг «Тарихи Нодирий», Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон», шунингдек, «Тазкираи Муқимхоний», «Табақоти Акбаршоҳий», «Равзатус-сафо» каби қатор насрий тарихий-дидактик асарларни ўзбек тилига таржима қилди. Бундан ташқари, бу даврда Восифийнинг хотиралар тарзидаги «Бадоеул-вақое» асари ҳам Волидхожа томонидан тожик тилидан ўзбек тилига таржима қилинган эди.

XVIII-XIX асрларда фақат пнасрий асарлар эмас, балки шеърий асарлар, поэмалар ўзбек тилига таржима қилинди, насрий асарлар ҳам шеърий йўл билан ўзбек тилига ўгирилди. Бу соҳада хоразмлик Хожа Сайид Хусайн томонидан «Вомиқ ва Узро» (Эрон шоири Заҳир Киромий), шахрисабзлик Хиромий томонидан «Чор дарвеш», «Тўтинома», Огаҳий томонидан «Ҳафт пайкар» (Низомий Ганжавий), «Ҳашт бихишт» (Хисрав Деҳлавий), «Саломон ва Абсол», «Юсуф ва Зулайхо» (Абдурахмон Жомий), «Шоҳ ва гадо» (Ҳилолий) каби асарларнинг таржима қилганини таъкидлаш лозим.

XVIII-XIX асрларнинг бадиий таржимачилигида қуйидаги ҳолатлар учрайди: баъзи бир таржимонлар насрий оригинални шеърий йўл билан таржима қилган бўлсалар (масалан, Хиромий томонидан «Чор дарвеш» ва «Тўтинома» асарларининг таржима қилиниши), айримлари шеърий оригинални насрий йўл билан таржима қилдилар (масалан, Низомийнинг «Ҳафт пайкар» асарининг Огаҳий томонидан таржима қилиниши); баъзан эса оригинал қандай формада бўлса, шу формада (наср ё назмда) ўзбек тилига таржима қилинди. (Чунончи, Огаҳий томонидан Саъдийнинг «Гулистон», Ҳилолийнинг «Шоҳ ва гадо», Сиддиқнинг «Чор дарвеш», Волидхожа

томонидан Восифийнинг «Бадоеул-вақое» асарининг таржима қилинганлиги.)

Насрий асарларни шеърий усулда ўзбек тилига таржима қилган муаллифлардан бири Мулло Қурбон Хиромийдир. Хиромий ўзбек китобхоиларига ўзининг «Тўтинома», «Раъно ва Зебо», «Юсуф ва Зулайхо» ҳамда машхур «Чор дарвеш» асарларининг таржимаси билан маълумдир.

«Кўп фунун ва одоб ва хусн ва ахлоқ ила мумтоз ўз замонида... бир донишманди рўзгор ва хунарпешаи боиктидор» бўлган Мулло Қурбон (Қурбон Муҳаммад) Хиромий ҳам шоир, ҳам таржимон сифатида мақтовга сазовордир. Хиромийнинг қалами билан ҳижрий 1250 (мелодий 1834) йилда таржима қилинган «Маҳфилоро», ҳижрий 1260 (мелодий 1844) йилда таржима қилинган «Чор дарвеш» ва ҳижрий 1270 (мелодий 1854) йилда назмга айлантирилган «Тўтинома» асарлари фақат шоирлар, адабиёт аҳллари орасидагина эмас, балки кенг омма ўртасида ҳам шуҳрат топган эди. Хиромий асарлари — таржималари ғоявий мазмуни, жозибатор содда услуби ва тили билан китобхонларга манзурдир.

«Чор дарвеш» Шарқда жуда кенг тарқалган ва машхур бўлган асардир. Бу асар аслида анча илгариги даврларда яратилган бўлиб, айрим манбаларда у ҳиндистонлик машхур форс-тожик шоири Хисрав Дехлавийга (1253-1325) нисбат бёрилади. «Чор дарвеш» асари бир неча тилларга (урду, рус, татар ва бошқа тилларга) таржима қилинган.

Хиромий ана шу машхур асарни ўзбек тилига содда ва оммабоп услубда шеърий таржима қилиб, юксак таржимонлик ва шоирлик истеъдодини намойиш этди. «Даҳр аро бир нишон» қолдириш орзусида бўлган Хиромий ўз асарлари, хусусан «Чор дарвеш»нинг таржимаси билан адабиёт тарихида ўз номини абадийлаштирди.

Хиромий «Чор дарвеш»нинг аслиятдаги асосий сюжет чизиғини сақлагани ҳолда, уни муваффақият билан таржима қилди. «Чор дарвеш»да муаллиф адолат, яхшилик ва юксак инсоний ахлоқни мактаб, золимлик, ёвузлик ва фисқу фасодни қоралади. Унда мақсадга эришиш йўлида ҳар қандай қийинчиликни енгиш, мардлик, ботирлик, ҳалоллик ва адолатпарварлик каби ғоялар илгари сурилди, эрлар образи билан бирга жасоратли хотин-қизлар образи (масалан, Озодбахт вазири қизининг образи) яратилди, хотин-қизларга ҳурмат ва хайрихоҳлик ҳис-туйғулари ифодаланди. Хиромий «Чор дарвеш» таржимасида арузнинг мутақориб баҳридан фойдаланди:

Ту ну кун эди кўнгли ғамдин малул,

Недин ким анда йўқ эди бир ўғул.

(Фаулун фаулун фаулун фаул)

Хиромий «Чор дарвеш»да ўзбек тили бойликларидан кенг фойдаланди,

халқ оғзаки ижоди дурдоналаридан баҳраманд бўлиб, халқ мақоллари, таъбирлари ва ҳикматли сўзлари билан асарнинг ғоявий-бадиий қимматини янада оширишга, тилини бой ва жозибали қилишга муваффиқ бўлди. Бу ҳолни, жумладан, унинг қуйидаги байтларидаёқ кўриш мумкин:

Демишларки ҳар кимни келганда кўр,
 Бўлубдур масал: сўзни сўрганда сўр.
 Ёки:
 Дедимки, мабодо хижолат этар,
 Хижолат эрур юз ўлумдан батар.

Бундай хусусиятлар Хиромийнинг бошқа асарларига ҳам хосдир.

Шеърый аслиятни наср йўли билан таржима қилиш Огаҳий фаолиятида равшан кўринади. Огаҳий машҳур озарбайжон шоири Низомий Ганжавийнинг «Панж ганж»ига кирган «Ҳафт пайкар» «Етти гўзал») достонини насрий формада ўзбек тилига таржима қилди. Таржимон оригиналдаги асосий воқеаларни сақлаган ҳолда, асарни бир оз қисқартириб қайта ишлади. Аслиятнинг тилини мукамал билган ва ўзбек тилининг бой хазинасидан кенг фойдаланган Огаҳий асарни жуда раво ва тушунарли тилда таржима қилишга муваффақ бўлди. Мисол учун «Ҳафт лайкар»даги «Иккинчи мазлум шикоят» бобининг таржимасидан парча келтирайлик:

«Иккинчи мазлум йиғлаб, шоҳ Баҳромни дуо қилиб дедиким,— мен бир боғбондирман. Отамдан мерос қолган бир дилкушо боғим бор эрдиким, неча алвон гуллар очилиб, турлик мевалар анда топулур эрди. Андин ўзга ҳеч мулким ва давлатим йўқ эрди ва ани бағоят яхши кўрур эрдим ва кеча-кундуз авқотгузорлиғимга сабаб анинг мевалари эрди...».

Кўрамизки, бу парча соддалиги, раволиги ва ифода услуби билан ўзбек халқ эртакларини эслатади.

Огаҳий насрий асарни ўзбек тилига наср билан таржима қилишда ҳам катта маҳорат кўрсатди. У хоҳ назмда бўлсин, хоҳ насрда бўлсин, аслиятга бирмунча ижодий ёндашишга, таржима қилинаётган асарга, қисман бўлса ҳам, ўз муҳитининг руҳини сингдиришга, услуб ва тил жиҳатидан асарни китобхонларга манзур этишга интилди, шу билан бирга, у аслиятнинг мазмуни ва хусусиятларини моҳирлик билан сақлаб қола олди. Буни Огаҳийнинг ўзи Ҳилолийнинг «Шоҳ ва гадо» достони таржимасининг муқаддимасида таъкидлаб, бундай деб ёзган эди:

Хомаи ибтидо сурарда мунго,
 Қўйдим «Таржумони Шоҳу гадо»,
 Чунки доно мусаннифи анинг,
 Назм қилган муаллифи анинг.
 Ҳар на сўзким қилибдурур таҳрир,

Байт-бар байт айладим тақрир.
 Барча сўзким дедим — анинг сўзидир,
 Ман демай ким деган анинг ўзидур.
 Гўйё ман анинг тилидурман,
 Тутғали хомани алидурман.

Бу ҳол унинг Шайх Саъдийнинг «Гулистон» асарини ўзбек тилига қилган таржимасида янада равшан намоён бўлади. (Шунн ҳам унутмаслик керакки, «Гулистон» аввал XIV асрда Сайфи Саройи томонидан «Гулистони бит-туркий» номи билан таржима қилинган эди.)

Огаҳий «Гулистон»нн таржима қилишда аслиятга яқин бўлишга, унинг руҳини ифода этишга интилди. Масалан, қуйидаги парчаларни чоғиштирайлик:

Аслият: «Ду кас ранжи беҳуда бурданду саъйи бефойда карданд: яке он, ки андўхту нахўрд ва дигар он, ки омўхту амал накард

Илм чандон, ки бештар хони
 Чун амал дар ту нест нодони.
 На муҳаққиқ бувад, на донишманд,
 Чорпое бар ў китобе чанд.
 Он тихи мағзро чи илму хабар,
 Ки бар ў ҳезум аст ё дафтар».

Таржимаси: «Икки киши беҳуда ранж кўрдилар ва бефойда саъй зуҳурга еткурдилар. Бири улким, кўп мол йиғнади ва емади ва яна бири улким, ўрганди ва амал қилмади. Маснавий:

Илм аро гар ваҳиди давронсан,
 Амалинг бўлмас эрса нодонсан.
 Топмағунг дониш аҳли ичра ҳисоб,
 Бир эшаксан — санга юк ўлди китоб.
 Бўлмағай ҳаргиз ул эшакка хабар,
 Ўтун устида бор ё дафтар».

Демак, XVIII-XIX асрларда бадиий таржима соҳасида катта ютуқларга эришилди, муваффақият билан таржима қилинган асарлар майдонга келди. Таржимонлар, асосан, ахлоқий-дидактик ва ишқий-романтик асарларни танлаб олиб таржима қилдилар. Асарларни танлашда, шубҳасиз, таржимоннинг дунёқараши, ўша замондаги адабий оқимларга муносабати чуқур из қолдирди. Шунинг учун Сиддиқ, Хиромий, Огаҳий ва Волидхожа каби таржимонлар таржима қилган асарларнинг кўпчилиги умумбашарий ғояларни, ахлоқий масалаларни қамраб олувчи асарлар эди.

Турди (Фароғий)

Мураккаб ҳаёт ва ижод йўлини босиб ўтгав Турди ўзининг энг яхши асарлари билан ўзбек адабиёти тарихида сатира жанрининг ўсишига муҳим ҳисса қўшди.

Турдининг бизгача сақланаб қолган ягона қўл ёзма асари шеърлар тўплами унинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўрганишда асосий манбадир. Бу тўплам Ўзбекистон Фанлар академияси Берувий номдаги Шарқшхнослик институтининг қўлёмалар фондида сақланмоқда. Унда 450 мисрага яқин 18 шеър (16 таси ўзбекча ва иккитаси тожикча 1 фард, 5 мухаммас, 712 ғазал) бор. Бу тўпламдаги автобиографик маълумотларни бошқа тарихий манбалар ва материаллар аспектида ўрганиш Турдининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида бирмунча тўлароқ тасаввур беради.

Турди Бухородаги «юз» уруғи бошлиқларидан бирининг хонадонида дунёга келади. Мактаб ва мадрасада ўқийди. Турди аштархонийлардан Нодирмуҳаммад (1642-1645). Абдулазиз (1645-1680) ва Субҳонқулихон (1680-1702) ҳукмронлиги даврида яшади. У Абдулазизхон даврида юз уруғи бошлиқлари орасида эътиборли ўрни олган эди. У бу даврни мамнуният билан таъкидлаб, бир шеърда бундай деган эди:

Ҳукм жори. еўз қабули, бир гули дар гўш эдим.

Хуш замонлар юз қазони бошида саржўш эдим.

Лекин Абдулазиз ҳукмронлиги вақтида ҳам аҳолининг ҳаёти ночор ва фожиали эди. (Масалан, Балк ҳокими Субҳонқули билан Бухоро ҳокими Абдулазиз ўрталарида ўттиз етти йил мобайнида сурункаля давом этган келишмовчиликлар тарихдан маълум.)

Турди ижодининг биринчи даврида замондошлари Нахлий Бухорий Шавкат Бухорий ва Насим Насафийлар сингари ишқий-интим шеърлар битади. Шундай шеърларидан бирида у «кўзлари шахло», «шўхи дилоро»ларни мадҳ этиб, «меҳр» (куёш)нинг нур сочиб чиқмоғи учун «субҳ яко йиртмоғи» керак, деб соҳибжамол ёрни ҳамма ёқни мунаввар қилиб чиқувчи куёшга тенглаштиради.

Туркона хиром айлади ул шўхи дилоро,

Дил мулкани бир гўшни чашм айлади яғмо.

Туфроғла жон битса раводур, на ажаб ул,

Чух саран сиҳи этди ниҳон кўзлари шахло.

Ҳар қандай ғами дўст дилпорани истар,

То субҳ яко йиртмади меҳр ўлмади найдо.

Турди форс-тожик тили ва адабиётини ҳам мукамал билар эди, у айрим шеърларини форс-тожик тилида ёзган, классик шоирларнинг ғазалларига мухаммас боғлаган. Шоирнинг «Мухаммас бар ғазали Саъдий» номли 20

мисрали бешлиги шулар жумласидандир:

Барги ҳар тоза гуле шоҳиди мадди назаранд,
 Ҳар варақ сафҳаи манзур зи аҳли басаранд,
 Хушк лаб, доғ ба дил, ташна ба хуни жигаранд,
 Нест он лолаки дар бодинҳо жилвагаранд,
 Куштагонанд, ки аз хок бароварда саранд.

(Ҳар бир янги очилган гул япроғи кишилар назарини ўзига тортади, гулнинг ҳар бир варағи маъноли кўз билан қаровчи кишиларга манзур бўладиган бир саҳифадир Бу гулларнинг лаби қуриган, дили доғли, жигарлари қондур. Чўл ва саҳроларда жилваланиб турган нарсалар лолалар эмас, балки суйилиб кетган кишилар бўлиб, тупроқдан бош чиқариб турибдилар.)

Шундай қилиб, Турди ижодининг дастлабки босқичи ғоявий-мазмуний жиҳатдан маҳдуд эди. Бу босқичда шоир, бир томондан, ишқий-ннтим шеърлар, иккинчи томондан, ҳукмдорларга атаб мадҳиялар битади.

XVI асрнинг 80-йилларида Турдининг ижодида янги босқич бошланди.

Бухоро хони Абдулазиз билан унинг укаси Балх ҳокими Субҳонқули ўртасидаги зиддиятлар зўрайиб бормоқда эди. Бухоро билан Эрон, Хуросон ва Хоразм ўртасидаги ихтилоф ва тўқинашувлар, шунингдек, Субҳонқули фитналари Абдулазиз ҳокимлигига путур етказмай қолмас эди. Ўзаро урушларда Субҳонқулининг қўли баланд эди. У бир бутун Бухоро хонлигини ўзиники қилиб олиш йўлида Фозил девонбеги юз Хушқолби деба, Таъмо парвоначи каби амалдорларга ҳам қарши юриш қилди, қанча-қанча соф дил кишиларни қиличдан ўтказди, ҳатто 10000 мисрали «Девон» тартиб берган ўз жияни — шоир Қосим Султонни ҳам тирик қўймади.

Субҳонқулихон бошлиқ аштархоний ҳукмдорлари мамлакатни ҳамжиҳатлик билан бошқариш ўрнига уруғ-аймоқчилик – анъаналарини авж олдириб юборадилар; қирқ, юз, минг, жалойир, жағалбойли, ойтамғали, хитой, қипчоқ, найман, кенагас, барлос каби уруғ бошлиқлари мансаб ва мартаба учун уруш-жанжал қўзғаб, халқ бошига турли-туман уқубатлар соладилар, бундан қаттиқ ғазабланган шоир Турди турли уруғларга мансуб бекларга қарата қуйидагиларни ёзган эди:

Тор кўнгуллуқ беклар, ман-ман деманг, кенглик қилинг,
 Тўқсон икки бори ўзбек юртидур, тенглик қилинг.
 Бирни қипчоқу хитою, бирни юз, найман деманг,
 Қирқу юз, минг сон бўлуб бир жон ойинлик қилинг...
 Ким қўйибдур уҳдаи ўз- мулкунгиздин чикмайин,
 Икки, уч, тўрт даъвосин этмоқни, кўтахлик қилинг.

Халқни хонавайрон қилган ўзаро урушлар авж олган ўша тарихий

вазиятда ана шундай чақириқ билан чиқиш ғоят муҳим аҳамиятга эга эди. Шунингдек, шоирнинг:

Шоҳлик улдурки, анинг ҳукму сўзи бир керак,
Адл бобини қуруб, рост нишон тир керак,
Рострав, дини дуруст пешаси тадбир керак

каби сатрлари ҳам катта аҳамиятга эгадир. Чунки шоир бу ўринда юртни ҳамжихатлик билан бошқарувчи шоҳ ҳақида хаёл суради. XVIII асрдаги ўзаро урушлар кучайган даврда яхши ният билан илгари сурилган бу фикрлар эса аҳамиятга молик эди. Буни яна шундан ҳам кўриш мумкинки, шоир ижтимоий ҳақсизлик ҳукм сурган ўша даврда одил шоҳ бўлишини орзу қилади:

Қани бир хисрави одилки анга дод этсам,
Сўрса аҳволими. ғам хирманини бод этсам,
Доми меҳнаткададин кўнглуми озод этсам,
Ким бузулгон дили вайроними обод этсам,
Айласам бўси адаб, шоҳ қўйиб қайда оёқ.

Лекин шоирнинг бу фикрлари ширин хаёл бўлиб қолаверади: ўз замонига нисбатан ўзини «қулзум» (катта денгиз). зотидан деб билади: «Қатраям ночиз, аммо зоти қулзум Турдиман». Шоир ўзининг «қирқ, юз, минг ақраболар»и орасидаги «бахти қаро»лиги, «толеи шум»лигидан шикоят қилади:

Қирқ, юз, минг ақраболар этдилар мандин нуфур,
Не бало, бахти қаро-ю, толеи шум Турдиман.

Субҳонқулихон ҳокимият тепасига келгандан сўнг шоир Турдининг сўзларига қулоқ солиш у ёқда турсин, балки уни Абдулазизхоннинг яқин кишиси деб сарой лавозимидан четлатади. Унинг ҳукмронлиги даврида зулм-зўрлик янада авж олади. Субҳонқулихон саройида низо-адоват, амалдорларнинг ўзбошимчалиги, порахўрлик. мунофиқлик кучаяди. Субҳонқулихон «барот» деб номланган мудҳиш усул бидан бир йўла етти йиллик солиқни ундириб ола бошлайди, Мамлакат харобалиги ва халқнинг хонавайроилиги кундин-кунга ортиб боради. Шунинг учун ҳам Турди ижодида сатира ўти алангаланари: бирин-кетин бир неча сатирик асарлари вужудга келади.

Шоир фитна фасод, зулм ва таловчилик авжига чиққан мамлакат аҳволини мана бундай чизиб кўрсатади:

Бир сари азм айла жойи номусулмондур бу мулк,
Фитнаи авбошу, зулму жабру туғёнду бу мулк...
Дур аҳду, танг чашму бесару яъжужваш,
Мухталиф мазҳаб гуруҳи ўзбекистондур бу мулк...
Жойи ислому мусулмонлиғ, Фароғий, истама,

Пойтахти кишвари Субҳонқулихондур бу мулк.

Турди «Дур аҳду, танг чашму бесару яъжужваш» Субҳонқулихонни ва унинг сарой аҳлини, айниқса, «Субҳонқулихои ва унинг амир-амалдорлари тўғрисида ҳажв» асарида ўткир сатирик қалами билан фош этган эди.

«Субҳонқулихои ва унинг амир-амалдорлари тўғрисида ҳажв»¹⁹

Турди бу сатирик мухаммасини 1691 йилда яратди. Сатира 33 банддан, яъни 165 мисрадан иборат бўлиб, унда шоир Субҳонқулихондан ва унинг амир-амалдорларининг кирдикорларини, уларнинг маънавий қиёфасини фош этади. Маълумки, Абдулазизхон ўрнига тахтга чиққан Субҳонқулихон Абдулазизга ихлосманд бўлган амир-амалдорларни, жумладан Турдини ҳам, саройдан узоқлаштириб, уларнинг ўрнига итоат ва садоқат билан хизмат кўрсатган кишиларни мансабга кўтаради. Турди Субҳонқулихон ва унинг амир-амалдорларини танқид қилар экан, шахсий ғарази доирасида қолиб кетмайди, балки Субҳонқулихон ҳукмронлигининг даҳшатли манзара ва оқибатларини объективроқ тасвирлашга интилади, шоирнинг мулоҳаза ва муҳокамаси субъективизмдан объектив тасвирга томон ривожланиб боради.

Турди Субҳонқулихон ҳукмдорлигини шундай тасвирлайди:

Жойи осойиш эмас ҳеч кима бу кўҳна равоқ,
 Ёғдурур бошимиза санги жафо, гарди фироқ,
 Йўқолиб расми вафо, бўлди ҳама бошу оёқ,
 Мулкдин адлу карам кетти, келиб кину нифоқ,
 Яхшилиқ қилма тамаъ, зулм ила дўлди офоқ...
 Фуқаро бўлди бу шоҳ асрида кўп зору наҳиф,
 Зулмдин бўлди раият эликим хору заиф,
 Соли тарихни этдим чу хираддин таклиф,
 Деди: «дин» бошдан-оёқ тушуб, «ислом заиф»,
 Даври Субҳонқули жобир, умароси япалоқ...

Турди Субҳонқулихонни «бидъату зулм анинг хилқату асли зоти», «сўзидур бетагу фармони нишони жаали», «мумсику сифлаю дундурки бағоят қабали» деб унинг мунофиқлиги, разиллиги ва золимлигини танқид қилиш билан бирга, халқ ва юрт аҳволига мутлақо қизиқмагани, саройи гирдобига ўралиб қолганини хоннинг ўз тили билан фош этади:

«Шукрим, дорул-амон манзилиму маъвоим...
 Давлату-хожасаролардур манинг симойим,
 Олами сел агар тутса, баланддур жойим,

¹⁹ Бу сатирик мухаммаснинг сарлавҳаси тожикча бўлиб, тўла номи қуйидагичадир: «Дар асри Субҳонқулихон ва бидъатхон, хон ва ғуломон ва умарои хони мазкур ва золимон ва иноқ будани Байлоқ кушбеги; мухаммаси турки дар ҳажви онҳо таҳрир намуда Турди» («Субҳонқулихон асрида хон, унинг қуллари ва амирларининг Сидъатлари ва золимлиги, Байлоқ кушбегининг иноқ бўлиши, Турдининг уларни ҳажв қилиб, туркий мухаммас ёзгани»).

Арк ичин маҳкам этиб айладим ўзимга ётоқ».

Субҳонқулихоннинг амир-беклари зўравонликда, инсофсизлик ва адолатсизликда унинг ўзидан қолишмас эдилар. Унинг саройи инсофсиз, жоҳил ва текинхўр амалдорлар билан тўла эди:

Хон эшигида киши қолмади бир соҳиби фан,
Бор бир неча сўқум қайди маҳзи гардан,
Келмас қўлларидин иш, ҳама ошхўр, ғарзаи...

Субҳонқулихонга ва унинг амалдорларига қарши халқ нафратини ифодалаган шоир бу амалдорларнинг жирканч башараларини тасвирлар экан, Субҳонқулининг парвоначиси — кўппак юзли кўр, додхоҳи — мағзава аралаш ичимлик билан тўлиб-тошган меш, сипоҳиси оч итдек дарбадар кезадиган қирчанғи эканлигини кўрсатади:

Кўр — парвоначидур, қўри саги - кўппакрў,
Додхоҳи дўла мағзобаю бир машки сабў.
Сойирун — нос сипоҳиси ўлуб қирчонғу,
Тинмай итдек юрурлар дарба-дару кўй ба кў.

Шоир халқнинг сўнгги бурда нонига ҳам чанг соладиган бу порахўр ва таловчи бекларни ҳамма нарсани ютиб юборишга тайёр турган йиртқич хайсондан ҳам баттарроқ махлуқлардир дейди:

Егани ҳаққи етим, мадрасалар авқофи,
Буларнинг олдида бордир бўрининг инсофи,
Аждаҳодек порага турмиш очиб оғзини,
Юртдин йўқ хабари барчасининг фикри тамоқ.
Едингиз барчангиз итдек фуқаронинг этиии,
Ғасб ила молин олиб, қўймадингизлар битини.
Қамчилар доғ солиб бўюнға, тилиб бетини,
Ёрдингиз захрасини (ичидан) олиб ўтини,
Бўлмади кам бу раият бошидин ҳеч таёқ.

Шундай қилиб, Турди Субҳонқулини ҳамда унинг қушбеги, додхоҳ, нарвоначи, бек ва хожасароларини сатира қамчиси билан савалайди ва уларга халқнинг «Эл — работ, тўра — қўноқ» деган ҳикматли сўзларини эслатиб, огоҳлантиради, «сизга даркор бу юрт», нега юртни бузасиз, ҳаммани хонавайрон, сарсон-саргардон қиласиз, деб эл-юрт номидан уларга хитоб қилади, инсоф ва адолатга ундайди. Лекин шоир афсусланиб, бу гапларнинг кўзи кўр, қулоғи қар бекларга таъсир этмаганини таъкидлайди:

Етмадим ҳеч ера бу қофия паймолиғдин.,,
Кош ул ғарзанлар солса қуруқ сўзга қулоқ...

Турди «жойи осойиш» қидириб, Бухородан кетишга мажбур эди. Акс

ҳолда, унинг сатирик шеърлари, исёнкор қалами ҳукмронларнинг ғазабини кўзғатиши ва ҳаётини таҳлика остида қолдириши мумкин эди. Бундан ташқари, Турди Субҳонқулихонга қаршн 1681-1686 йилларда кўтарилган исёнда фаол иштирок этган эди. Шу билан Турдн фаолиятининг учинчи даври бошланди.

Бухоронинг Намозгоҳида тўпланган исёнчилар кўзғолон кўтарган халқ оммаси билан кўшилиб кетди. Субҳонқулихон ваъзхонликлари исёнкор беклар, вакилларга қор қилмади; бундан ғазабланган хон эса кўзғолончи халққа кўшилиб кетган исёнчиларга қарши кўшин тортди. Икки ўртада қаттиқ жанглр бўлди, ниҳоят, Субҳонқули кўшини устун келди ва исёнчилар Зиёвиддинга чекиндилар.

Бу исёнчилар ичида яёв юрган Турди бир уловга муҳтож эди. Турдининг эски таниши Ҳазора қалъасининг бошлиғи Ҳалимбий оталиқ шоирга бир от инъом қилмоқчи бўлиб, лекин ваъдасини бажармайди. Шундан кейин шоир «Таърифи аспн инъоми Ҳалимбий оталиқ» номли ҳажвия ёзиб, унда Ҳалимбий оталиқнн қаттиқ уялтирган эди:

Аё мири валинаъмин кироми от инъоми,
 Юзини кўрмаға ҳасратда бўлдум эшитиб номи.
 На ёлғиз от эди умид юз инъом, эҳсондин,
 Ки нобуда хаёли шахдға ширин этиб коми.
 На гардиға етдим, на боқиб кўрдим қаросини,
 Саманди умрдин, боди нафасдин тез экан гоми.
 Била олмон бу дулдул рахши Рустам ё паризоди
 Ки одам ўғлига ром ўлмағон, не ерда ороми?
 Шарофат адлу эҳсон, бовужуди касрати куфрий
 Қолиб Нўширвону Хотаминг оламда неку номи.
 Ҳазора қалъасинда жамъи хосу ом аросинда
 Забони пур дурарборингдин эшитгим бу пайғоми.
 Ўшал тарихдим ўи ой ўтуб йилга қадам қўйди,
 Ки не оғозини билдим яқин, не маълум анжоми.
 Менинг озода бошимни гирифтори тамаъ қилдинг,
 Мудом, от бермас ўлсанг, нега бердинг ваъдаи хоми?
 Неча елдим, югурдим, бўлмади хосияти маълум,
 Қуруқ овозайи инъоми маҳзу от бадноми.

Кўриниб турибдики, Турди бу сатирасида Ҳалимбий оталиқ мисолида ўз замонасидаги шуҳратпараст, мунофиқ ҳукмдорларни аччиқ танқид қилади.

Бухородан Самарқандгача чўзилган кўзғолон Конибилда шафқатсизлик билан бостирилгач, Турди Жиззахга, ундан сўнг Раҳимбий ҳокимлигидаги Ўратепага ва Хўжандга ўтади. Уни «аҳли муҳтожлар»га раҳмдиллик қилиб,

уларга «сардор» бўлишга ундаб «Айлагай сени худо барчага сардор, Раҳим...» деб, шеър ёзади. Раҳимбийнинг вафотидан сўнг, унинг вориси (ўғли) Хўжанд ва Ўратепа ҳокими Оқбўтабийга мурожаат қилади, ундан ёрдам сўраб шеърлар ёзади:

Воқифе йўқ бу мусофирликда мандин не ўтар,
Баски юз қўйе била рўзи келиб, рўзи кетар.
Ўзмагай мундин балою, бўлмагай мундин батар,
Ақраболар суҳбатимдин ор этар, қошин четар.
Салб дилларда, назарларда қарих супрундиман.

Чархи дун қилди манга жавру жафолар беҳисоб,
Гардиши даврон берур ҳар лаҳза юз минг печу тоб,
Ҳар сари елдим-югурдим сувсаниб мавжи сароб.
Ташна лаб гарди кудурат зери пойида хароб.
Баҳри давлатдин йироқ, гарданшикаста мундиман.

Бу «Мухаммаси турки»да шоир ўз аҳволини ифодалаб, кимсасизлик ва бечорачилиқдан бало ўқиға ҳам, қазога ҳам рози бўлиб қолганини уқтиради:

Бекасе, мушти хасе, бир бандаи бечорае,
Собирам рўзи қазо тири балоға кўндиман.

Турди ўзининг «Мухаммаси турки дар вилояти Хўжанд дар воқеаи бўтафид ва Оқбўтабий хитоб карда таҳрир намуд» сарлавҳали иккинчи «мухаммаси турки»сида ҳам ўз ҳасрат надоматини ифодалайди, Оқбўтабийдан мадад сўрайди. Бироқ Оқбўтабийдан ҳам мадад бўлмайди. Шоир каттиқ афсусланиб, «Дар мазаммати сипомгари» {«Амалдорликни ёмонлаб») деган тожикча 12 мисрали шеърнинг ёзади. «Амалдорлик ботқоғида умримни ғафлатда нобуд қилдим. Подшоҳнинг лутф-эҳсонига умид қилиб, соч-соқолимни оқарттирдим», дейди у.

Турди Хўжанд ва Ўратепа ҳокимлари Раҳимбий ва Оқбўтабийлардан мадад ололмагач, бошпана кидириб, тоғлик районларда (жумладан, Тожикистонга қарашли ҳозирги Ёрий, Урметан, Киштут томонларида) дарбадарликда юрган бўлса керак. Чунки кейинги йилларда худди шу районлардан топилган тожикча шеърларни Турди томонидан ижод қилинган деб тахмин қилиш мумкин. Зотан, бу шеърлар ҳам мазмуни, ҳам услуби жиҳатидан шоирнинг қўлёзма тўпламидаги тожикча шеърлари билан ҳамоҳангдир. Чунопчи, Урметан қалъасининг деворида нақшланган шеърда шундай мисралар битилган:

Ази хона баромадему оҳе кардем,
Сўн ватани падар нигоҳе кардем,
Гулхои ватани падар шукуфтан гирад,

Беақл будем, худро мусофир кардем

(Уйдан чиқиб ота ватанига назар солиб, оқ тортдик. Ота ватанининг гуллари яшнай берсин. Ақлсиз эканмиз, мусофир бўлиб қолдик).

Киштут қалъасидаги масжид деворида Мирзо Турдига тааллуқли мана шундай байтлар бор:

Мардум ҳама ҳайрон шуданд,

Аз дасти нон гирён шуданд,

Аз гушкаги сарсон шуданд.

Ё раб, гуноҳи ман чи буд?

(Халойиқ ҳайрон бўлиб, бир парча нонга зор бўлиб йиғлади, очликдан сарсон-саргардон бўлиб қолди; эй худо, менинг гуноҳим нима эди?)

Шу масжид девооида қуйидаги байт ҳам нақшланган:

Ёдгор аз мо дар ин манзил ғами бисёр монд,

Гарчи оташ рафт, аммо дуд дар девор монд...

(Бу манзилда жуда кўп ғам-алам ёдгор бўлиб қолди, гарчи олов сўнган бўлса ҳам унинг тутуни деворларда қолди).

Бу байтларда мусофирликда маҳаллий ғариблар билан биргаликда бир парча нонга зор бўлиб ҳаёт кечирган шоирнинг оҳвоҳлари ифодаланган, бир вақтлар Субҳонқулихонлар зулмига қарши оташ бўлиб ёнган исёнкор шоирнинг нола-фиғонлари деворларда тутун бўлиб ёпишиб қолганлиги баён этилади.

Субҳонқулихон сиёсатидан норози бўлган Турди ва бошқа уруғ бошлиқлари, халқ кўзғолонидан фойдаланиб, исён кўтардилар ва шу йўл билан халқ орасига кириб келдилар. Шоир халқ ҳаёти билан кенгроқ таниша боради. Халқ томонида туриб, порахўр золим хонни, унинг амир ва амалдорларини “Халқ кўлига тамаъ била кўз тикиб кўз, сўзламас эл ғамидан юзи қаролар бир сўз”, деб танқид қиладиган ва фош этадиган бўлади. “Юртнинг молини чайнаб еди бу бедумлар” ёки “Бўлмади кам бу раият бошидан ҳеч таёқ” каби халқчил сатрлар Турди шеърлятидан кўпроқ ўрин ола бошлайди. Шоир сатираси тилида ҳам халқ сўзлари (чикка-пукка), бангу, қирчонғу, япалоқ, тўқмоқ, сак, эшак, шум, супринди, мунди, юнди, бедум ва хоказо) муҳим ўрин эгаллайди.

Шундай қилиб Турди шеърлярида, Турди шеърлярида, жумладан сатирасида, унинг “юз” уруғи бошлиқларидан бири сифатида маълум нуфузга, обрў-эътиборга эга бўлиш учун кураши ифодаланган субъектив ўринлардан қатъи назар, шу танқиддан келиб чиқадиган объектив хулосалар муҳим аҳамиятга эга. Шоир дунёқараши билан унинг амир-амалдорларни фош

қилишида намоён бўлган реализмга интилиши ўртасидаги зиддият яққол кўзга ташланиб туради. Турдининг Субҳонқулихон, унинг амир-амалдорлари ҳақидаги ҳажвияси, Раҳимбий оталиқ тўғрисидаги шикоятномаси, Оқбўтабийга ёзган арзномалари шоирнинг ўзбек адабиёти тарихига, жумладан, XVII асрдаги ижтимоий фикр тараққиётига қўшилган муҳим ҳиссасидир.

Турди ижодида Саъдий ғазалчилигининг, Навоий ҳажвияларининг, қардош озарбайжон шоири Фузулий шеърятининг ҳам баракали таъсири яққол сезилиб туради. Чунончи, Турдининг:

Фитнаю шўр ҳама руб ила маскун дутди,
Хўблар маснадини суфла била дун дутди.
Жойи шахбозлари қарғаву кузғун дутди,
Ҳамнишин ўлгали шунқор ила дойим япалоқ

мисраларида Фузулий шеърятти тили (дун, дутди, кўнглими каби)нинг таъсири кўзга ташланса, унинг қуйидаги:

Туфроғда жон битса раводур на ажаб гул,
Чўх сарви сихи этди ниҳон гўзлари шахло.
Ҳар қанда ғамн дўст дили порани истар,
То субҳ яко йиртмади, меҳр ўлмади пайдо

байтлари ҳам, тазод (қарама-қарши қўйиш) санъати билан ишланган:

Қатраям ночиз, аммо зоти қулзум Турдиман,
Келтурам амвожға баҳри талотум Турдиман

байтлари ҳам Фузулий ғазалнавислигини эслатади. Турди оддий ўроқ, машоқ, тамоқ, ямоқ, чикка, пукка каби сўзлардан, тазод, талмех, мажоз, тадриж, кесатик, киноя, истиора, муболаға, жонлантириш, мусалсал, риторик сўроқ каби усуллардан ўринли фойдаланади. Тасвирнинг оммабоплиги халқ мақолларининг мисраларга усталик билан сингдирилиши Турди шеърларининг қимматини оширади:

Бу қадим нақли эрур: эл работу тўра — қўноқ,
Еғ ишқорднн олуру қаро сувдин қаймоқ...
Қуюшқонни кўтариб, юртға урарлар шатароқ...
Дедилар: «Қаддингни чанг эт, пўсти жисмингни даф»...

Хуллас, Турди XVII аср ўзбек адабиётининг, хусусан сатирик шеърятининг йирик ва етук намояндасидир. У Саъдий, Навоий, Фузулий каби буюк санъаткорларнинг илғор бадий аъналарини ўзига хос йўл билан давом эттирган ва такомиллаштирган шоирдир.

Турди хилма-хил поэтик шаклларда ижод этди: ғазаллар, мухаммаслар, шеърӣй номалар яратди; уларда арузнинг рамал (рамали мусаммани максур), ҳазаж (ҳазажи мусаммани солим), музореъ (музореи мусаммани ахраби мусаббаъ) каби баҳрларидаги вазнлардан фойдаланди. Масалан,

Бошима бир кўхи ғам бир от коҳу емидин,
Бир кўнгул юз пора йўқлук, заъфи ваҳму биймидин
байти рамал баҳридаги бир вазнда бўлиб, унинг вазн парадигмаси —
ритмик схемаси қуйидатичадир:

Фоилотун фоилотун фоилот.ун фоилун.

-V- - / -V- - / -V - - / -V-

Ёки

Куяр тил шаммайи гар ҳолатимдан айласам тақрир,

Гирибон чок ўлур этса қалам дарди дилим таҳрир

байти ҳазаж баҳридаги бир вазнда бўлиб, унинг ритмик схемаси:

Мафоилун мафоилун мафоилун мафоилун.

-V- - / -V - - / -V- - / -V-

«Тор кўнгуллуқ беклар», «Бир сари азм айла», «Қатраям ночиз», «Ўзбек эли ўқуса» деб бошланадиган шеърлари ҳам, Саъдий ғазалига «Барги ҳар тоза гуле» деб боғланган мухаммаси ҳам, Оқбўтабийга қаратилган икки арзномаси ҳам музореъ баҳридаги вазнда яратилган.

Шупдай қилиб, Турди ўз даврининг маърифатли ва пешқадам шоири сифатида ўзидан аввал ўтган ижодкорларга нисбатан шеърӣятда муҳим янгиликлар бера олган, айниқса, ҳажвиётни - танқидчиликни ривожлантирган сатирик шоир сифатида ўзбек адабиёти тарихидан муносиб ўрин эгаллайди.

Бобораҳим Машраб **(1640-1711)**

Ўзбек адабиётининг XVII асрнинг иккинчи ярми ва XVIII аср бошларида яшаб ижод этган атоқли намояндаларидан бири Бобораҳим Мулло Вали ўғли Машрабдир. Бобораҳим Машраб илоҳий севгини тараннум килувчи жўшқин ва ҳароратли шеърлари билан халққа манзур бўлган машҳур сўз санъаткоридир.

Машрабнинг фаолияти ва адабий меросини ўрганиш тарихига доир

Бобораҳим Мулло Вади ўғли Машраб асосан ўзбек тилида, қисман тожик тилида шеърлар, ўз ҳаёти ва ижодий фаолиятини Марказий Осиёнинг кўпгина шаҳар ва қишлоқларида ўтказган, исёнкорлик руҳидаги халқчил шеърлари ва ишқий асарлари билан шуҳрат қозонган.

Халқчил шоир Машрабнинг ҳаёти ра.ижодий фаолияти адвбиёт ва илм аҳллари кизиқтирган. Жумладан, унинг замоидошлари: Балх шоири Сурут, хинд шоири Бехуд, Нозим Ҳиравий, Шавкат Бухорий, 1645 йилдан бошлаб Ҳиндистоннинг Шоҳи Жаҳонобод шаҳрида яшаган форс шоири Рафи Шоҳид, Сухан, афғон шоири Зухур, «Музокирўл-асҳоб» тазкирасининг муаллифи самарқандлик Малехо каби таниқли кишилар ҳам Машрабнинг шеърлари, ҳаёти ва тақдири ҳақида ўз мулоҳазалариини ёзиб қолдирганлар. Айрим адабиёт мухлислари ўзлари тузган тўпламларга, «Баёз»ларга Машраб шеърларидан намуналар киритганлар, бин Мулло Зокир Бухорий сингари хатотлар Машраб асарларини қайта-қайта кўчирганлар.

Машраб лирик шоирдир. Унинг шеърлари «Девонаи Машраб», «Эшон Машраб», «Эшон Шоҳ Машраб», «Эшок Шоҳ Машраби Девонаи Намангоний» ёки «Ғазали Эшон Шоҳ Машраб», «Мухаммаси Шоҳ Машраб» номлари билан китобат қилинган. «Туркистон вилоятининг газети»да «Намангонлик Машраб девонининг аҳволини баёни» сарлавҳаси остида шоир ҳақидаги «Қисса»га таяниб «Ўргандим», «Келур», «Кўрдим» каби шеърлари шарҳланган. Машраб ҳақидаги «Қисса» ҳамда шеърларидан баъзи бирлари Н. С.Ликошин томонидан рус тилига таржима қилиниб, 1910 йили Тошкентда ва 1915 йили Самарқандда нашр этилган. Археолог, профессор В. Л. Вяткиннинг Машраб тўғрисидаги мақоласи 1923 йилда «Туркистон Шарқшунослик институти тўплами»да (Тошкентда) босилган. Унда шоирнинг Марказий Осиё бўйлаб шуҳрат қозонишига сабаб «Машрабнинг мавжуд қалбакилик, ноҳақликка қарши йўналган кучнинг тимсоли сифат хизмат этишидир», деб уқтирилган. Бобораҳим Мулло Вали ўғли Машрабга иисбат берилган «Мабдаи нур» ҳақида: «Бу тўпламнинг муаллифи ҳам асли фарғоналик, у ҳам Мулло Бозор Охунднинг шогирди бўлган, у ҳам Машраб адабий таҳаллусини

кабул қил- ган», дейилган²⁰.

Машрабнинг адабий меросини илмий асосда ўрганиш, ёритиш ва ҳақиқий Машрабнинг ижодий қиёфасини кўрсатишда олимлар муҳим ютуқларга эришдилар. Бу жиҳатдан Ғафур Ғуломнинг «Иккн Машраб» номли мақоласи айниқса катта аҳамиятга эгадир. Ғ. Ғулом бу мақоласида Машраб ҳақидаги бир қанча чалкаш ва бир-бирига қарама-қарши фикрлар устида тўхталиб, «Мабдаи нур» номли диний асарнинг XIX асрнинг ўрталарида яшаган Ҳофиз Рўзибой Машраб (у Машраби Соний деб ҳам юритилган) асари деб уқтирди ва унга тескари Бобораҳим Машраб ижодипинг халқчил ғоявий-эстетик йўналишини ёритди. Ўзбек олимлари И. Мўминов, И. Сулгонов, В. Зоҳидов, Порсо Шамсиев, Абдуқодир Ҳайитметов, Абдурашид Абдуғафуров, М.Зокиров, Ш, Зуннуовларнинг илмий текширишлари шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятининг янги қирраларини очиб берди. Шубҳасиз, Машрабнинг фаолияти ва адабий мероси яна кўи илмий тадқиқот ишларини, айрим масалаларнинг тўғри ёритилишини талаб қилади.

Машрабнинг ҳаёти ва фаолияти

Бобораҳим Машраб ҳижрий 1050 (мелодий 1640) йилда Вали бобо бўзчи оиласида Наманганда тугилди²¹. Машрабнинг болалик йиллари Наманган ва Андижонда ўтган. Машраб мактабда ўқиб хат-савод чиқарди. Машраб болалик чоғидаёқ жуда зийрак, ақлли ва тиришқоқ бўлган. Шу билан бирга, у турли масалалар ҳақида эркин фикр юрнтишга. бошқаларнинг мулоҳазаларига танқидий ёндашишга интилган. Ривоятларга кўра, Машраб мактаб домласи билан масала талашпб.қолади; Машраб ҳақ бўлса ҳам, домла ундан ранжиб, воқеани Машрабнинг отасига айтади. Вали бобо ўғли Машрабдан қаттиқ хафа бўлган. Лекин, кўп ўтмай уни афв этади ва Намангандаги Мулло Бозор Охунд деган эшон тарбиясига топширади. Машраб эшоннинг эшигида хизмат қилган ва ўқиган. Бироқ Мулло Бозор ҳам унинг очиқ фикрли «ўжар»ликлари олдида ўзпнц ожиз сезганидан Вали бобо билан келишиб, Мулло Офоқхўжа Эшон ихтнёрига йўллайди. 7 йил эшоннинг қароли бўлиб хизмат қилган Машраб мусофирчилик ва моддий муҳтожликда оғир машаққат чекади. Бир шеърида: «Эй биродарлар, кийибман бмр кийим етти йил» деб зорланиши бежиз эмас эди. Машрабнинг ўз кўрган-ке-чирганлари ҳақида эркен фикр юритиши, танқидий мулоҳазаларн Офоқхожага ёқмайди, чўриларидан бирига муҳаббат қўйгани учун уни кофирликда айблаб, 1672 йили ўз даргоҳидан қувнб юборган.

Ота-насидадан ҳам айрилиб ғариб бўлиб қолган Машраб бахт ахтариб,

²⁰ В, Л. Вяткин. Ферганский мистик Дивана-и Машраб... Сборник Туркестаиского Восточного института в честь проф. А. Э Шмидте, Ташкент, 1923. стр. 28-29.

²¹ Баъзн манбаларда Машраб Ачдижонда тугилган, деб кўрсатилади.

жуда кўп вилоят, шаҳар ва қишлоқларни кезади, аммо ҳамма ерда ҳам «тиғи ситам, дарду алам»ларга гирифтор, хор-зор халқни кўради:

Дили тиғи ситамдин ёра бўлган халқни кўрдим,

Тани дарду аламдин пора бўлган халқни кўрдим,

Дарбадар юрган Машраб исёнкорлик руҳида шеърлар ёзади. Машрабнинг омма орасидаги обрў-эътибори кун сайин ошиб боради, хозиржавоб ва журъатли Машраб ҳақида турли ҳикоя ва латифалар тўқилади.

Юқори доиралар халқчил ва исёнкор шоир Машрабга қарши турли жазо чораларини қўллашга киришадилар. Ниҳоят, Машраб аштархонийлар сулоласининг ҳукмдорларидан бўлган Маҳмуд Қатоғоннинг буйруғи билан 1711 йилда Қундуз шаҳрида дорга осиб ўлдирилади. Бу ҳақда «Мажмуаи Абутолиб хожа Фаҳмий»да «Машраб дар соли 1123 дар Қундуз ва фатвои уламо ва ҳукми Маҳмуд бек Қотоғон шаҳид карда шуда» («Машраб 1123 йилда Қундузда уламо фатвоси ва Маҳмуд бек Қотоғон ҳукми билан шаҳид қилинди»),—деб ёзилган. Шундай қилиб, бу оташин, шоирнинг тақдири даҳшатли фожиа билан тугайди.

Машрабнинг адабий мероси

Адабиётшуноеликда яқин йилларга қадар «Девонаи Машраб», «Мабдаи нур» ва «Қимё» номли уч асар Бобораҳим Машрабга нисбат берилар эди. Олимларимизнинг тадқиқотлари «Мабдаи нур» номли асарнинг Бобораҳим Машрабга ҳеч қандай алоқаси йўқлигини кўрсатди. «Қимё» асарининг Машрабга тааллуқли-тааллуқли эмаслиги аниқланган эмас. «Қимё» диний ҳикоялардан ташкил топган ва Машраб дунёқарашига мувофиқ келмайдиган тасаввуфий бир асардир. «Девонаи Машраб» («Девони Машраб»)даги шеърларнинг кўпчилик қисми эса, шубҳасиз, Бобораҳим Машрабнинг адабий меросидир.

«Девонаи Машраб»да шеърлар, Машраб ҳақида пайдо бўлган (ёки тўқилган) кўпгина ҳикоя ва латифалар билан бирга келтирилиб, асар гўё бир қисса шаклини олган. Асардаги кўпгина ҳикоя на латифаларда Машраб халқпарвар, адолатпарвар, золимларни фош этган қаҳрамон сифатида тасвирланса, айримларида таркидунё қилган дарвеш сифатида талқин этилади.

«Девонаи Машраб» тўпламидаги шеърларни тематик-ғоявий хуеусиятларига қараб шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Исёнқорона шеърлар.

2. Ишқий шеърлар.

3. Сўфиёна шеърлар.

Шаҳар ва қишлоқларни қаландарона кезиб чиққан Машраб ўзи яшаган муҳитини ғурбатхона деб ҳисоблади, нола-фарёд чекди ва ғазаби жўшди:

Не ғурбатларни чекдим, чархи бевунёд, дастингдин,

Давом мотамда ўтгум, бўлмадим дилшод дастингдин,
Тамоми хонумоним бўлди чун барбод дастингдин,
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин.
Ки мен ҳар қайга борсам дод этарман, дод дастингдин.

Шоир «бахтини беэиё» ва «ошноларни ноошно» қилган фалақдан шикоят қилди:

Ошноларни манга ноошно қилди фалақ,
Кавкаби бахтпмни мундоғ зим-зиё қилди фалақ.

Шубҳасиз, бу фақат Машрабнинг шахсий нола-фиғони бўлиб қолмай, балки камбағал, қашшоқ ва аламзада аҳолининг ҳам оҳу фиғони, нола-фарёди ва ғам-ғуссаларининг ифодасидир.

Машраб ўзбек поэзиясида шу зайлдаги шеърларни яратиб, уларда қашшоқ, дарбадар ва етим-есир кишиларнинг аҳолини, дард-аламга тўла қалбини ифодалади. Машрабнинг:

Бугун бозорга ўхшайди,
Етимлар зор қақшайди.
Отаси йўқ, онаси йўқ
Етимлар зоо қақшайди.

Намангандан кетар бўлсам,
Мени йўқлар кишим борму?
Ғариблик шаҳрида ўлсам,
Мени йўқлар кишим борму?

Турарга тоқатим йўқдур,
Юрарга ҳолатим йўқдур,
Юракда ишқ ўти кўпдур,
Мени йўқлар кишим борму?

Бу мискин зор Машрабни
Киши ҳолини билмайдур,
Бу ердан бош олиб кетсам,
Мени йўқлар кишим борму?

каби ҳасрат-надомат билан тўлиб-тошган тўртликлари тоғлик тожикларнинг «Ғарибона», «Суруди шоми ғариби» деб номланган шеърлари типидagi шоир яшаган муҳит вужудга келтирган ғариблик шеърятининг намуналаридандир. Қисқаси, Машраб ўз шеърятини халққа хизмат эттиришга қаратди ва ҳақли равишда фахрланиб:

Бу Машраб сўзиини дурдонаи кимматбаҳо дерлар,
Жамеи халқ аро сўз бобида соҳибсухан келди,—
деб ёзди.

Шоир бошқа бир шеърида эса, Машрабнинг сўзлари кимматбаҳо гавҳардир, уларни ҳар нокасга ҳам айта бериш иодонлик бўлур эди мазмунида шундай дейди:

Машрабинг ҳар бир сўзидир гавҳари қимматбаҳо,
Айтма бу сўзларни ҳар нокасга нодонлик билан.

Машраб илм-фан, донишмандлик тўғрисида фикр юритганида ҳам, даставвал аламдийда халқни кўз олдига келтиради. Ана шу жихатдан қараганда, шоирнинг бир ўринда: «Олими худдон бўлма, олими касдон бўл»²²,— дейиши бежиз эмас эди. Шу билан бирга, шоир ўз замонасининг билимдонликни порахўрлик билан алмаштириб юборган «донишманд зотлари» устидан захарханда билан кулиб, уларнинг «илм ўқиб, шайтонлик йўлига кириб» кетганлигини фош этади:

Неча мулло илм ўқиб, роҳи шаётинни топиб,
Чун рибову ришвани ерлар хушторлик билан.

Демак, шоир илм-маърифатнинг равнақ тоишини орзу қилди.

Машрабнинг ишқий лирикаси. Машраб дунёвий ишқ, ҳаётий муҳаббат мавзуларида замонасининг ажойиб ғазалларини, лирикаси ўйноқи, шўх лирикасини, ошиқ ва маъшуқларнинг кайфиятига қараб, гоҳ хушнуд, гоҳ ғамгин тароналарни ўзига хос маҳорат билан яратиб қолдирган шоирдир. Масалан, Машрабнинг:

Эй кўнгли қаттқ, раҳм айламайсан,
Қилғил назора бечораларга.
Машраб деган кул кечди жаҳондин,
Бошин кўюбон остоналарга

мисралари мазмунидан кўриниб турибдики, Машрабнинг ишқий лирикаси «бечоралар»нинг, замонасининг бегуноҳ кулларининг мақсадлари билан суғорилган эди. Шоирнинг фикрича, ҳақиқий ошиқ ҳол-аҳвол сўрайдиган, ширинзабон, чиройли, хушфеъл ва самимий ёрни истайди. Ёрнинг пойқадамидан ошиқ даргоҳи чароғон бўлиши, ҳасрат-надомат ва оҳ-фиғон унутилиб, хушчақчақ ҳаёт бунёдга келиши керак. Бинобарин, шоир ҳақиқий ошиқнинг ўз ёрини кўриш истагини шундай ифодалайди:

Неча кундир бу кўнгил муштоқи дийдоринг эрур,
Ўргулай, эй дилбари ширин забоним, қайдасан?
Ҳолимиз беҳад ёмондир, келмадинг ҳолим сўраб,

²² Олими худдон — эгоист, қайсар олим, олими касдон — инсонпарвар олим, моҳрибон олим.

Эй менинг хуш меҳрибон, оромижоим, қайдасан.
Кўзларим кўрмас бўлиб, қолдим бу ғам саҳросида,
Ҳасратингда чикди бу оҳу фиғоним, қайдасан?

Демак, шоир ёр дийдорига эришиб, ғам саҳроларидан қутулишни —
хаёт чаманзорини истайди. Агар унинг бахтига ёр кўриниб қолса, унинг
кулбасига кириб келса ёки шоир-ошиқнинг ўзи унинг даргоҳига бориб,
васлига муяссар бўлса, ҳамма ёқ чароғон ва баҳористон бўлар эди. Шоир-
ошиқ жуда ҳам орзиқиб кутгани бундай азиз онларни шундай тасаввур этади:

Кўринди кўз қаросига магар хайли паризоде,
Шафақ тутди жақонни келди ё бир қадди шамшоде.

Чароғон бўлди дунё ё магар келди мени ёрим,
Биёбон бўлди боғу бўстон хуррам обода.

Ҳужуми ғам қилиб барбод келди бир насими хуш,
Магар озода ёрим, дўстлар, ишқ қилди бунёде.

Баҳористон бўлди, ранг-баранг гуллар бўлиб пайдо,
Хазон этмак учун, дўстлар, илоҳи келмагаи боде.
Бошқа бир шеърида шоир ёр васлига эришув қувончини маиа бундай
ифодалайди:

Мен нечук шод этмайин бу хаста кўнглимни бу кун,
Келди ҳолимни сўраб жона жоионим мени.

Борди-ю ошиқ ўз маъшуқасига эришса, ошиқ ҳамма вақт ҳушёр яшаши,
ғофил бўлмаслиги, ғафлат уйқусига учрамаслиги, булбул гул ишқида
чамандан узоқлашишни истамаганидек, у ҳам маъшуқасидан узоқлашмаслиги
керак:

Малаксан ё башар, ё ҳуру ғилмонсан, билиб бўлмас,
Бу лутфу, бу назокат бирла сендин айрилиб бўлмас.

Юзунг мисли қизил гулдур, кўнгул чун булбули шайдо,
Бу гулни ишқидин булбул чамандин айрилиб бўлмас.

Кел, эй Машраб, агар ошиқ бўлибсан, бўлмағил ғофил,
Бу ғафлат уйқудисин, эй ёронлар, уйғониб бўлмас.

Ёр — маъшуқа хусну жамолда шу қадар зебоки, мабодо, у юзидан

пардасини олгудай бўлса, уни бутун олам кўз бўлиб томоша қилгуси келади,
ошиқ унга хатто жонини беришга ҳам тайёр, шоир-ошиқ ёрга сажда қилади:

Зебо санамим гул юзидан пардани очди,
Олам ҳама кўз бўлди тамошо қилайин деб.

Ул пардани тар очса-ю, дилбар менга боқса,
Жоним берайин йўлида ҳамхона тасаддуқ.

Халойиқ қиблага боқиб деюрлар ё расуллоллоҳ,
Намозу рўзада сан деб, санга сажда қилай дерман.

Шоир-ошиқ ҳаёт гўзалига ғоят маҳлиёдир. Шунинг учун ҳам унинг
ижод ҳазинасида ишқ-муҳаббат бобида бахтиёрликни тараннум этувчи ана
шундай байтлар аичагина. Айрилиқ эса ошиққа даҳшат солади; ёрсиз бихишт
унга «нори сўзон» бўлиб кўринади; у «азоби қабр»ни «ҳижрон дардидин»
осонроқ билади:

На қаттиқ кун экаи, жоно, висолингдин жудо бўлмоқ.
Мени оҳим тутуниға замину осмон ўртар.

Бихишт ичра қадам қўймамки, йўқдур ваъдаи васлииг,
Ки сенсиз манга ул жаннат мисоли норн сўзондир.

Ки сенсиз найлайин ушбу жаҳонни, эй вафодорим,
Азоби қабр ҳижрон дардидин албатта осондур.

Машрабнинг ижод ҳазинасида бундай бахтсизлик шеърятини ёки
ошиқ-маъшукнинг мунгли кўшиғини истаганча топиш мумкин.

Машраб фақат ҳасрат-надомат қилиб, оҳ-нола чеккан ошиқ шоиргина
эмас, балки у ишқ йўлида ҳам исёнкор бир шоирдир. У ошақ-маъшуклар
севгисига тўсқинлик қилувчи сабабларни ахтаради ва уларга қарши курашади.

Машраб шеърятда лириканинг хилма-хил Машрабнинг поэтик
формаларини — ғазал, рубойи, мураббаъ, маҳорати муламмаъ, мухаммас,
мусаддас, мусаббаъ ва мустазодларни учратиш мумкин. Мана айрилиқ азоби
тасвирланган энгил вазнда ёзилган мусиқий мураббадан бир намуна:

Ҳажр аҳли келди, тутти ёқамдин,
Бағримни тилди пайкони гамдин.
Минг доду фарёд ушбу аламдин,
Ёрга етар қун борму, ёронлар?!.

Висол орзулари тасвирланган қуйидаги мураббаъ бир ўқигандаёқ кўнгил
дафтаридадан жой олади:

Қачои кўрарман ёрим юзини,

меросидан ўрганди ва ибрат олди. Чунончи, шоирнинг «келмади» радибли:

Ваъда қилди бир келай деб, кўзга уйқу келмади,
Телмуриб йўлида қолдим, шўхи бадхў келмади...

мухаммаси билан улуғ Алишер Навоийнинг:

Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрў келмади,
Кўзларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади,—
деб бошланадиган ғазали ҳамоҳангдир. Шунингдек, Машрабнинг:
На савдолар боша солдинг, бу савдолар туганмасму,
Кн банд эттинг аёғларни яна бандлар ёзилмасму?
Тавофи олами дил қил жаҳонда ҳар башардин сен,
Агар бир дилни сен бузсанг, юз ар Каъба бузилмасму?
мисраларини ўқиганда беихтиёр озарбайжон классиги Муҳаммад
Фузулийнинг «усонмазму» радибли ғазали эсга тушади.

Мани жондин усондурди, жафодин ёр усонмазму?
Фалаклар ёнди оҳимдин, муродим ша,мъи ёнмазму?
Фузулий ринди шайдодур, ҳамшпа халққа расводур,
Кўрунким бу савдодур, бу савдодин усонмазму?
Ёки иккинчи бир шеърида Машраб ўз аянч аҳволини ифодалаш учун
мувофиқ билиб, сўнгги мисраларни тазмин санъатига кўра Фузулийдан
ўзбекчага ўгириб олади:

Дўстлар ҳолимга йиғлар, душманим кўрса кулар,
Дард кўп, ҳамдард йўқ, душман кўп, толе забун.

Бу ўринда ҳам устод билан шогирд ўртасида яқин муносабат борлиги
шубҳасиз, чунки Машраб XV аср шоири Навоий шеъриятига қанчалик меҳр
хўйган бўлса, унинг олижаноб мухлиси, қардош ояарбайжон халқининг буюк
шоири Фузулий (1498-1556) ғазалларини ҳам шунчалик меҳр қўйиб ўқиган ва
унга тақлид этган, унинг анъаналарига ижодий равишда эргашган.

Машраб адабий мерос устида ишлаш, тақлид қилиш ва мустақил
забардаст шоир бўлиш соҳасида ҳам шеъриятда ўз замондошлари ва ўзидан
кейинги шоирларга бир мактаб бўларли даражада шуҳрат қозонди. Шу
сабабдан унга эргшиб қалам тебратувчилар ҳам оз эмас эди. Чунончи, XVIII
аср ўзбек адабиётининг чимёнлик машҳур вакили Ҳувайдонинг:

Туну кун айлабон гуноҳ қиладағон ҳеч савоб ўзум,
Парвариш айлабон бадан, қилғучи хўрду хоб ўзум

мисралари билан бошланган шеърини Машрабнинг:

Гулшани боғи даҳр аро булбули нағмагар ўзум,
Бир бути хушхиром учун ошики дарбадар ўзум
мисралари билан бошланган ишқий ғазалига солиштирсангиз, бу икки шеърнинг бир-бирига яқинлигини кўрасиз. Лекин, қизиғи шундаки, бу ўринда Ҳувайдо Машрабнинг ишқий ғазал формасидан ҳажвий ҳис-туйғуларни ифодалаш учун фойдаланган. Ҳар иккала шеърнинг вазни, радифи, оҳанг ва туроқлари деярли бир хил бўлгани ҳолда, уларнинг мотиви ва мазмуни бир-биридан фарқ қилади.

Шунингдек, Бухорода ва Хоразмда ўтган шоирлар меросига (жумладаи, XVIII асрда Равнақнинг «дилбар» радифли шеърига) назар солсангиз, Машраб шеърятига қизиқишнинг баракали натижаларини равшан кўра оласиз. Шубҳасиз, бу қизиқишнинг сабаби Машраб шеърларининг халқчиллиги, сермазмунлиги ҳамда содда, равон, ўйноқи ва мусиқийлигидир. «Сетор ила савти наво айлаганинг хўб» деб бошланган ғазалнинг ўзиёқ шоирнинг сетор, дотор, танбур, ғижжак, най каби музыка асбобларидан, «Савт», «Наво», «Дугоҳ», «Чоргоҳ» каби шашмақом йўлларида хабардор эканлигидан, замоннинг ҳасрат-аламлари қалб ярасини тирнаган вақтда шоир шу мақомларга мурожаат этиб шеър ёзганидан далолат беради. Шунинг учун ҳам Машраб шеърлари музыка оҳангидай ёқимли бўлиб, қалбга сингиб кетади:

Сетор деманг, ҳоли дилим сўрғучи танбур.

Кўнглимдаги ғамларими ёзғучи танбур.

Гар ёр жамолини кўриб парда очилса,

Ҳайрат уйида маҳви саиам қилғучи танбур,

Сўйлаб-сўйлаб ноз қил, мен ўргилайин,

Нозинг олди кўнглимни, нозик ниҳолий.

Турлук-турлук жилвангга жоним берайин,

Олтин-кумуш йўлингга барча хаёлим.

Офати жоним ул санам қоши қаросини кўринг,

Икки юзида чулғанур зулфи сиёсини кўринг.

Ҳуру пари уёладур, шамсу қамар хижил эрур,

Ким ани кўрса бандадир, зулфи сиёсини кўринг.

Бир боқиб кўз учидин танга кетирди жон қиз,

Айланиб, юз ўгириб қилди юракни қон қиз.

сингари байтлар шоирнинг ҳаётбахш лирикасидан намуналардир.

Машраб шеърлари арузнинг ҳазаж, ражаз, рамал, хафнф, музореъ ва мунсареъ баҳрларидаги хилма-хил вазндарда ёзилган. Ҳассос шоир шеър мазмунининг талабига кўра, баъзи баҳрлардаги вазнларни кўпроқ, баъзиларини эса камроқ қуллайди.

Машраб шеърятнда айникса арузнинг икки баҳри ҳазажи мусаммани солим ва ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф баҳрлари асосий ўрин эгаллайди. Бунга сабаб шуки, биринчидан, ҳазажи мусаммани солим баҳри Машрабнинг ғамгин ҳиссиётларини ифодалаш учун қўл келади. Буни яққол тасаввур қйлиш учун ҳазажи мусаммани солим баҳрининг вазн парадигмаси — ритмик схемасини кўздан кечириш кифоя:

На савдолар/ боша солдинг,/ бу савдолар/ туганмасму?

Ки банд эттинг /аёғларни,/яна бандлар/ёзилмасму?

мафоилун мафоилун мафоилун мафоилун

V - - - V - - - V - - - V - - -

Ёки:

Зихи расво/ лиғим олам/ ға солди шў/ ру шар пайдо,

Наҳанги нўх/фалак дарё/си бўлди мо/ ҳазар танҳо.

Иккинчидан, ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф баҳри Машраб шеърятндаги исёнкорлик руҳига уйғундир. Мисоллар:

Дунёга келиб лойиға билмай бота қолдим,

Дармон йўғидин неча оғиз сўз қота қолдим.

Бу байтнинг ритмик схемаси шундай:

Дунёга/келиб лойи/ ға билмай бо/ та қолдим

мафбулу мафоилу мафоилу фаулун

— — V У- - V V - - V V — —

Ёки

Дунё юзиға ман келибон ғамзада кетдим,

Бир лаҳза дам олмай турибон лаҳзада кетдим.

Бу байтнинг парадигмаси қуйидагича:

Дунё ю/зиға ман ке/либон ғамза/да кетдим

- - V V - - V V - - V V - -

Шу билан бирга, шоирнинг дунёвий руҳдаги ишқий тароналари, ўйноқи лирик ғазалларидаги мисралар, байтлар ҳам, Белинский табири билан айтганда, ўқиш учун эмас, куйлаш учун айтилгандай кишини беихтиёр музыкага чорлайди, куйлашга ҳаваслантиради:

Зебо санамим гул юзидан пардани очди,

Олам ҳама кўз бўлди тамошо қилайин деб...

Ёки:

Дилбар юзини кўргали девона келибдур.

Юз нозу карашма била жонона келибдур.

Бундай байтларнинг шўх, ўйноқи ва жозибадор мазмунини қисқа-қисқа

зарб ва равон мусиқий садолардагина ифодалаш лозим, албатта. Шунинг учун шоир ўз лирик қахрамонини самимий севги ҳарорати билан бунёд этилган қалб қўшиқлари орқали ифодалашда ҳазажи мусаммани аҳраби макфуфи маҳзуф баҳридан фойдаланиб, зўр маҳорат кўрсатди.

Шундай қилиб, Машраб исёнкор шоир еифатида адабиётда ўзига хос мавқега эгадир.

Бинобарин, Машрабнинг

Олнми нуктадон манам, пири ҳидояхон манам,
Шухратн шеър бобида Машраби мўътабар ўзим,—

деб фахрланиши ҳам ўринли. Машраб бадинй меросини янада пухтароқ ўрганиш, шоир ижодининг энг яхши сатирик ва лирик анъаналарини синчиклаб ўзлаштириш адабиётшунослигимизнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Мавлоно Вафо — Вафойй

Ҳаёти ва фаолияти. XVII асрнинг иккинчи ярмида Хоразмда яшаб ижод этган Мавлоно Вафо — Вафоййнинг ҳаёти ва ижодиёти ҳозирча етарли ўрганилган эмас.²³

Вафоййнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида Шермуҳаммад Муниснинг «Фирдавсул-иқбол» китобида, шунингдек, «Мухаммасоти мутафарриқа» ҳамда «Баёзи мухаммасот» каби китобларда баъзи маълумотлар берилди ва шеърларидан намуналар келтирилади. Булардан ташқари, хоразмлик шоирлардан Роқим ва Андалибниинг Вафойй шеърларига боғлаган мухаммаслари ҳам унинг ижодиётини текшириш ва баҳолашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Шермуҳаммад Муниснинг «Фирдавсул-иқбол» асарида шоир Вафоййнинг Хоразмда катта шуҳрат топгани қайд этилади. Мунис Вафойй фаолиятига доир муҳим маълумотлар беради. Масалан, у XVII асрнинг охирида Хоразмда ҳукмронлик қилган Орангхон (1689-1695) билан Вафойй орасида бўлиб ўтган учрашув ҳақида бундай дейди:

«Мавлоно Вафо дунёга майл қилмас эрди ва хужрасида бир парча намат ва бўрёдин ўзга бисот қўймас эрди ва мадрасаи Арабхоида мутамаккин эрди... Хон (Орангхон),— деб давом этади Мунис,— бир кеча бир маҳрам бирла илтифот қилиб, анинг сарвактига етди ва хужра эшигида мутавакқуф бўлиб хитоб қилдиким: Мулло, не нимарсангиз бор? Мавлоно чун бу воқеага муталле бўлди, беихтиёр ўрнидан туриб, таъзим расмин қиёмга еткурди ва бу бадеҳа замзамасига тараннум сурдиким, байт:

Нимиз бору, нимнз бор?

Бир намат, бир бўрёмиз бор,

Сенингдек подшоларга

Дуойи бериёмиз бор...»

Муниснинг бу сўзлари Вафоййнинг фақирона ҳаёт кечиргаини, унинг ҳозиржавоблиги ва бадиҳа (экспромт) билан шеър айтишга моҳир бўлганини кўрсатади. Вафоййнинг Орангхон билан бўлган бошқа бир учрашувда жуда қисқа бир фурсат ичида ҳозиржавоблик билан бадиҳа шеър айтиб, хонни мот қилганини баён этувчи қуйидаги ҳикоя ҳам диққатга сазовордир:

«Яна улким, бир кун хон Мавлоно Вафоййнинг бўғзига хаижарни етқуриб, дедиким: Бир ғазал бадиҳа айт, йўқса накши вужудингни бу ханжар сўйи бирла замон авроқидин маҳв қилурмен. Мазлоио филбадиҳа бу ғазални

²³ Тарихда Вафойй, Вафо, Абулвафо таҳаллуслари билаи ижод этган бошқэ шоирлар ҳам бўлган: Абулвафо, Вафойй - Аҳмад Хожибек (XV аср), бошқа Пифойй — Шайх Зайнитдин Хуфий (XVI аср), Вафо— Вафоқуя мирза Шариф (XVII аср), Вафо Исфаҳоний, Вафойй — Яздий ого Мухаммад Вафойй (XIX аср) кабилвр.

итмонга еткурдиким, онинг матлаъ ва мақтаъи булар дурур:

Матлаъ:

Дилеки ханжари оҳи била ду ним бўлур,
Душоха раста гуле гулшани наим бўлур.

Мақтаъ:

Фироқ тиғи била ҳар замон агар минг тил,
Жаҳаннам ўлса Вафойки, ғам ятним бўлур».

Шоирдан келтирилган матлаъ ва мақтаъ орасидаги мисраларни топиш, ғазални тугал тиклаш юзасидан олиб борилган текширишларимиз Вафойнинг ўша қисқа фурсатда «итмомга еткур»ган (тамомлаган) воқеабанд ғазали ўн мисрадан нборат бўлганини кўрсатади. Чунончи, Хоразмнинг кейинги асрда ўтган шоирларидан Мавлоно Роқим Вафойнинг мазкур ғазалига мухаммас боғлаган. Бу мухаммасни Муҳаммад Раҳим II ҳукмронлиги давридаги хаттотлардан бири Мулла Болта Ниёз ибн Усто Қурбон Ниёз ўзининг «Мухаммасоти мутафарриқа» китобига киритган. Лекин бунда баъзи сўзларни кўчиришда айрим фарқлар (масалан, оҳи— оҳим, минг бўл — минг тил каби) кўзга ташланиб туради. Шундай қилиб, Мулла Болта Ниёз кўчирган Роқим мухаммасидан Вафой мисраларини ажратиб олганда, Вафой ғазалининг тугал шакли куйидагича бўлади:

Дилеки ханжари оҳи била ду ним бўлур,
Душоха раста гуле гулшани наим бўлур.
Тасаддуқинг қилиб ўлтурғали кўзинг аммо,
Тағофул айламаким хублар раҳим бўлур.
Худо била кишиким сўзлашур бўлур Мусо,
Сенинг-ла кимки такаллум қилур; калим бўлур.
Бошимни арша етурдиким, саждаи қудуминг,
Қарим сояси тушган киши карим бўлур.
Фироқ тиғи билан ҳар замон агар мииг тил,
Жаҳаннам ўлса Вафойки, ғам ятим бўлур.

Бу бадиҳа Вафойнинг юксак шоирлик истеъдодини намоиш этади. Шойр «Тағофул айламаким, хублар раҳим бўлур» мисраси билан шафқатсиз ҳукмдорни раҳмдил бўлишга даъват этади. Чунки Абулғозининг набираси бўлган Орангхон, гарчи адабиётга бўлган қизиқиши жиҳатидан XVII асрнинг охирларидаги Жўжихои ва Валихон каби ҳукмдорлардан бирмунча фарқ қилсада, лекин у ҳам айш-ишратга берилган бир мустабид эди. Шунинг учун бўлса керак, шоир ўз бадиҳасида хонни сиртдан енгил кулги остига олиб, аслида зимдан унинг енгилтаклик, ҳовлиқмалик ва маишатпарасглик каби

хислатларини фош қилишга уринади. Шоирнинг ҳазилга ўхшаш фикрлари ҳажв даражасигача кўтарилади. Вафойнинг;

Худо била кишиким сўзлашур бўлур Мусо,...

Карим сояси тушган киши карим бўлур

мисраларидаги «худо», «карим» сўзлари хонга нисбат берилиб айтилган бўлса-да, аслида хонни мазах қилиш учун қўлланилгандир. Чунки Орангхоннинг ўзи шоирнинг камбағаллигини кўра-била туриб: «Муллом, ие нимарсангиз бор» деб берган саволига Вафойнинг;

Нимиз бору, нимиз бор?

Бир наMAT, бир бўрёмиз бор.

Сенингдек подшоҳларга

Дуойи бериёмиз бор

мисралари билан жавоб қайтариши аслида енгил кулги остида хонни ҳажв қилишдан иборатдир. Вафой бу сўзлар орқали, уйимизда эски наMAT ва бўрёдан бошқа ҳеч нарсамиз бўлмаса ҳам, сендек подшоҳга дуо бор, яъни сандан бирор нарса тама қилмаймиз, деган маънони ифодалаган. Ўзи яшаган даврни ғам-ғуссалар даври деб билган шоир;

Фироқ тиғи била ҳар замон агар минг тил,

Жаҳаннам ўлса Вафойки, ғам ятим бўлур

мисраларида менинг танамни минг бўлакка парчалаб ташларсану, аммо мен ўлсам, бу даврда орттирган бойлигим — ғам-аламларим эгасиз қолиб, етим бўлади-да, деган маънони ифодалайди. Демак, биринчи ҳикоядаги мисралар ҳам, иккинчи ҳикояда нақл қилинган бадиҳа ҳам мадҳзам усулида ёзилган бўлиб, улар моҳият эътибори билан, енгил кулги орқали бўлса ҳам, ҳукмдорни ҳажв қилишга қаратилган. Бинобарин, ана шуларнинг ўзиёқ Вафой ижодининг муҳим ғоявий-бадий хусусиятларини кўрсатиб турибди.

Вафой шеърятдагина эмас, балки бинокорлик ва наққошлик соҳасида ҳам ўз даврининг моҳир санъаткори бўлган. Чунончи, Шермуҳаммад Мунис бу ҳақда шундай ҳикоя қилади:

«...Хон (Орангхон) Хевақ аркида кўринишхонае иморат қилди. Мавлоно Вафо ул нморатнинг банно ва наққоши эрди. Кўп дилкаш ва бағоят мунаққаш бино бўлди».

Бироқ у вақтларда катта иморатлар камдан-кам қурилган, бинокорлар ва наққошлар ўз ҳунар ва санъатларини кенг татбиқ этолмаганлар, уларнинг бозори касод, моддий ҳаёт шароитлари оғир бўлган, Вафой ҳам ана шундай қашшоқ ҳунар ва санъат аҳлларидан бири эди. Бинобарин, умр бўйи «машаққат девори тагидан бош кўтара олмаган» Вафойнинг ўз аҳволини ифодалаб:

Кўнгил ҳам қилди соф оинасин зангор меҳнатдин,

Ҳануз, эй жисм, турмассан тайи девори меҳнатдин,—
деб ёзиши бежиз эмас эди.

Ораигхондан кейин ҳукмронлик қилган хонлар зулм-зўрликда, ишратпарастлик ва жоҳилликда янада ҳаддан ошган эдилар. Мунис: «Оз фурсатдэн сўнг зулм ва бедод андоқ истило топдиким, фуқаро бузулувға етишди», деган эди. Жўжихондан сўнг ҳокимиятга келган Валихон ҳақида эса: «Мажнунваш ва нодон киши эрди ва юртға низом бера олмади», деб таъкидлаган эди.

Бундай зулму жаҳолат ва тартнбсизликлар мамлакатнинг, халқнинг ҳаётига салбий таъсир этмай қолмас эди. Халқ норозилиги кундан-кунга авж олиб бормоқда эди. Шоир Вафойнинг дунёқараши мана шундай тарихий шароитда шаклланди. У ўз халқи билан мамлакатнинг қуёш нурлари порлаб турган гулистонга ўхшашини истар эди. Бироқ у даврнинг куни ҳам тунидек зим-зиё эди. Тонг отмасдаюқ ғам-қайгу зулмати босиб кела берар эди. Вафой шоир Фузулий ғазалига боғлаган бир мухаммасида шунга ишора қилиб:

Гулистон ичра дун тушди гузорим субҳ чоғида,
Ўқурди булбуле бу нуктани гулбун будоғинда,—
деган эди.

Вафойнинг қисқа умри ғам-ғусса билан ўтди, шунинг учун ҳам у ўзи яшаб ижод этган замонни «дунёи бевафо» деб атади ва ўша бевафо дунёда ҳаддан зиёд ғам тортганини таъкидлади.

Шоир ўзи яшаб ижод этган, «шўру шардин» холи бўлмаган даврни «тиғ-табар», «таёқ», «шамшир»лар тўхтовсиз ишга туширилган, турли-туман уруғлар орасида низолар кучайган, мамлакат ва халқ бошига даҳшатли ташвишлар солган давр деб тасвирлайди:

Бир умр эди ва эрдим фориг бу шўру шардин,
Ёд этмас эрдим асло шамшир ила сипардин,
Худу таёку жавшан тушмиш эди назардин,
Эмдн нечук чекарман қўл тиғ ила табардин,
Бир чўқли тўьмалудин бўлди низо арода.

Вафой ва Нодир.

Ўз даврининг илғор фикр-қарашларини куйлашда шоир Вафой ёлғиз эмас эди. Унинг Нодир шоир Нодир сиигари сафдошлари ҳам бор эди. Улар бир-бирларининг ғазалларига мухаммаслар боғлаб, ҳамжихатлик билан ижод қилар эдилар. Мавлодо Нодир ҳам, худди Вафой сингари, ўз шеърлариини халқчиллиги билан Хоразмда кўзга кўринган шоирлардан бири эди.

XVII асрда яшаб ижод этган хоразмлик шоир Нодирнинг ҳаёти ва ижодиёги ҳақида ҳозирча кенгроқ маълумотга эга эмасмиз. Бу шоирнинг айрим шеърлари ва ғазаларига бошқа шоирлар боғлаган мухаммаслар орқалигина унинг ижоди ҳақида маълум тасаввур ҳосил қила оламиз. Жумладан, Вафойй ҳам Нодирнинг бир ғазалига мухаммас боғлаган. Нодирнинг бу ғазали унинг ўзи яшаган муҳит билан чиқиша олмай, зулмга қарши исёикорлик руҳида ижод этганини кўрсатди. Шоир шу ғазалида сеҳрли қўл ва ҳийлакор, маккор кишилар кўпайиб, ҳаётда «дарёи можаро»лар зўрайиб кетганлигидан зорланади:

Ёраб, паноҳ бергил ман зори — номурода,
Ким солди яна шайтон роҳи шару фасода.
Эмди нечук чекарман. қўлтиғ ила табардин,
Бир чўқли тўъмалудин бўлди низоъ арода.
Машхурдир бу, оре, ҳар кимга дўнса даврон,
Дермнш ўзин Сулаймон деу харомизода.
Соҳир қўлинг тегинда беҳуш ўлиб ётондир,
Инсоф қилки, мандин аслинг недур зиёда.
Оинаи дилингда занги кудуратинг бор,
Гирдоба ғарқ ўлубсан дарёи можарода.
Биноларинг ёнинда бир чашми кўр найлар,
Кўр кимдур, исми воҳид, айт, эй сафои сода.
Боргоҳи базми майдои Нодир суханвариман,
Алимда шиллинг урмуш сендек юз минг пиёда.

Ғазалдаги «Бир чўқли тўъмалудин бўлди низоъ арода», «Оинаи дилингда занги кудуратинг бор», «Гирдоба ғарқ ўлибсан дарёи можарода» каби ҳаққоний фикр ва хулосалар шоирнинг воқеликка танқид кўзи билан қараганидан дарак беради.

Демак, шоир низонинг боиси бўлган «бир чўқли тўъмалудин» ҳам, дил оинасидаги «занги кудурат»дай ҳам қаттиқ ранжийди, «пардаи можароға» ғарқ қиладиган бундай иллат ва фитна-фасодлардан ғазабланади, адолатсизликка қарши эътироз билдиради.

Вафойй Нодирнинг шу ғазалига боғлаган мухаммасида ундаги юявий мазмунни янада чуқурлаштиради, ўткир сўзлар билан мақтанчоқ ва бебурд амалпарастларни танқид қилади. «Ҳар бир туки тагида юз минг шайтоннинг» макр-ҳийласи яширинган ва ўзини «бир пора халқ ичинда султон» деб ҳисоблаб, талтайиб юрган ҳаромзодаларнинг ҳақиқий башарасини очиб ташлайди:

Ғабри мукаддаридур мазҳабда номусулмон,
Ҳар бир туки тегинда юз минг ҳазор шайтон,

Бир пора халқ ичинда дермиш ўзини султон,
Машхурдир бу, оре, хар кимга дўнса даврон,
Дермиш ўзин Сулаймон деу харомизода.

Охирги мисрадаги «деу харомизода» сўзлари шоир Нодир томопидаи чингиззодаларга қарши қаратилган бўлса, Вафой томонидан қаҳру тазабни янада бўрттириш мақсадида келтирилган ўша пайтдарда хонликдаги бой ва зодагонларнинг ташаббуси билан Чингиз авлодидан бўлган кишилар ҳам ҳокимият тепасига кўтарилган эди¹.

Бир вақтлар Хоразм устига қўшин тортиб келган Чингиз мамлакатдаги экинзорларни пайҳон қилиб, шаҳар ва қишлоқларни харобага айлантирганини Вафой ва Нодир каби шоирлар яхши билар эдилар. Бинобарин, Чингиз яғмоси халқни қанчалик нафратлантирган бўлса, XVII асрнинг охирларида ўз даврининг пешқадам шонрлари бўлган Вафой ва Нодирларнинг ҳам ғазабини оширган эди.

Шоир Вафой инсонни улуғлайди, унинг порлоқ келажагига умид ва ишоич билан қарайди. Шоир «Вафой саъй қилким, одами хар ишда қобилдур», деб одамнинг яратувчилик қобилиятига юксак баҳо беради.

Инсоннинг куч-қудрати ва қобилиятини улуғлаган шоир унинг олижаноб фазилати бўлган самимий севгига бағишлаб жўшқин лирик шеърлар ҳам битади. У Навоийнинг айрим ишқий ғазалларига мухаммас боғлайди. Чуёнчи, Навоий муҳаббат шаънига ёзган бир ғазалини:

Сенсизин, эй умр, бир соат манго жон бўлмасун,
Сен бўлу бас, тубию фирдавсу ризвон бўлмасун,—
деб бошлаган бўлса, Вафой бу мисраларга ҳамоҳанг қуйидаги мисраларни илова қилади:

Бўлғали сендин жудо дерманки, даврон бўлмасун,
Моҳрўйинг бўлмаса, хуршиди тобон бўлмасун.

Алишер Навоий ўша ғазалнинг сўнгги мисраларида ишқ ҳақидаги фикрларига хулоса ясаб, «дилбарга эришнш учуи унга жонини фидо қилишгача бориш» лозимлигини уқтирса, Вафой «оби ҳайвон шарбатин» текинга бермайдилар мазмунидаги афсонавий тушунча ёрдамида, дилбарга эришиш унга садоқатли бўлишни талаб этади, дейди:

Лаъли маккарбор янглиғ тебратиб ширин лабин,
Қўймадп мискин Вафога нлтифот этмак камин,
Оби ҳайвон шарбатин тонгла бермаслар текин,
Дедиким жон бер дағи, ўпғил аёғим туфроғин,
Эй Навоий, тезроқ ўлким, пушаймон бўлмасун.

Демак, Вафой шеърятисининг асосий мазмуни ҳаётга муҳаббат,

инсонга ҳурмат ва вафодор ёрга садоқат ғояси билан суғорилган.

Бу ўринда шуни ҳам эслатиб ўтиш лозимки, шоир бўғиқ муҳит воқелигига қарши қаратилган шеърлари билан бир қаторда:

Мағрибнишини шом сияҳ бўлди кавкабим,
Ул офтоби машриқи анвор қайдадур?
Болиним узра келди табиб ёнди оҳ ила,
Олам ичида мен киби бемор қайдадур?

каби мисраларни ҳам қайта-қайта такрорлаб, ўз кечинмалари орқали замонасидан норозилик туйғуларини ифода этади. Булар эса ўша гарихий вазиятда, шубҳасиз, ижобий аҳамиятга эга эди.

Аммо Вафойй яшаган муҳит унинг шеърлятида айрим умидсизлик кайфиятларини ҳам тугдирган эди. Масалан, унинг Фузулий ғазалига боғлаган бир мухаммасида «ўлма Вафоя толиб дунёи бевафода» каби тушкун кайфият ифодаси ҳам учрайди.

Вафоййнинг шеърлари арузнинг хилма-хил баҳрлари, чунончи, ҳазажи мусаммани солим (мафоилўн мафоилўн мафоилўн мафоилўн), ҳазажи басити мусаммани солим (мустафъилун фоилун мустафъилун фоилун), музореъи мусаммани ахраби мусабба (мафъулу фоилотун мафъулу фоилотун) рамали мусаммани мақсур (фоилотун фоилотун фоилотун фоилун) ва мужтаси мусаммани маҳбуни маҳзүф (мафоилун фоилотун мафоилун фаулун) каби баҳрлардаги вазнларда ёзилганган.

Вафоййнинг шеърйй ижодиёти замон билан ҳамнафас бўлиб, нисбий тинчлик, ободонлик, меҳнатсеварлик руҳи билан суғорилгандир. Ҳаётга муҳаббат гуйғулари Вафойй шеърларининг мағзини ташкил этади. Мамлакат аҳолисининг оғир аҳволига ачиниш, тинчлик, ободончилик орзусида олға интилинш каби илғор поэтик ният ва тараққийпарвар фикрларни ёрқин ифодалаши билан ўзбек адабиёти тарихида муҳим аҳамиятга эгадир.

Пахлавонқули Равнак

Пахлавонқули Равнак XVIII асрда етишган атоқли сўа санъаткорларидан биридир. Унинг ижодиёти Андалиб, Роқим Нишотий, Муҳаммад Хоксор каби пешқадам замондошларниит ижоди билан жўр ва ҳамоҳангдир. Навоий ва Фузулий каби устоз сўз санъаткорларининг анъаналаридан таълим олган, уларнинг ғазалларига мухаммаслар битган Равнак ўз даврининг грук шоирларидан бири бўлиб, замондошлари ва кейинги даврда ўтгая бир қатор адабиёт аҳлларининг ижодиётига самарали таъсир этди.

Пахлавонқули Равнакнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида жуда оз маълумот сақланиб қолган²⁴. Равнакнинг айрим шеър ва таърихларига таяниб, у XVIII асрнинг 20-30- йилларида дунёга келиб, XVIII аср сўнгида оламдан ўтган деб хисоблаймиз. Равнакдан 286 лирик асарни ўз ичига олган 5351 мисралик «Девони» (ЎзР ФА ШИ, инв. №291-II) мерос қолган. Бу мерос 258 ғазал, 22 мухаммас, 5 қасида, 1 мустазоддан иборат.

Равнак яшаган давр Хева хонлигининг иқтисодий-сиёсий тушқуилиги даври бўлиб, бу даврда тож-тахт талашлари ниҳоятда авж олган, ва, ниҳоят, Муҳаммад Амин Иноқ (1770-1791)нинг фаолияти билан Абулғозийлар сулоласи харобалигида янги сулола — кўнғирот сулоласи ҳукмронлигининг куртаклари пайдо бўлган эди.

Равнак ўзи яшаган даврнинг ҳаёт машаққатларига, турли зиддиятларига дуч келди. У ўз ижодини асосан яшаган муҳити воқеаларини, даҳшатларини тасвирлашга, давр иллатларини танқид қилишга, олижаноб инсоний фазилатларни, ҳаёт ва маърифатга муҳаббатни куйлашга, халк оммасининг манфаатларини ҳимоя қилишга бағишлади, ўзига хос услуб ва овозга эга бўлди, пешқадам шоир бўлиб етишди, халққа ва адабиёт аҳлларига манзур бўлди²⁵.

²⁴ Равнак ва Равнақий таҳаллуси бўлан ижод этган шоирлар, чунончи XVII асрда яшаган тошкентлик Мулло Нийёз қаландар Равнак (бу шоир ҳақида Малехо «Музокирул-асҳоб»да маълумот беради), XIX асрнинг бошларида Қўқон хонлигида ўтган марғилонлик шоир Равнак (бу шоир ҳақида Фазлий «Мажмуаи шоирон»да маълумот беради) ва бошқалар ҳам бўлган.

²⁵ XVIII асрда яшаб ижод этган хоразмлик шоир Пахлавонқули Равнак асарлари билан Равнак (ёки Равнақий) таҳаллусида шеърлар битган бошқа шоирларнинг асарларини аралаштириб юбормаслик учун қуйидаги манбалар асос қилиб олинди:

а) «Девони Равнак», қўлёзма; хевалик котиб Муҳаммад Юсуф томонидан кўчирилган (ЎзР ФАШИ, инв. 291-II);

б) «Баёзи мутафарика», қўлёзма, Хевада Муҳаммад Раҳим II даврида тузилган (ўша институт, инв. № 6960);

в) «Мухаммасоти мутафаррика», қўлёзма; Хевада котиб Мулло Болта ибн Қурбонниёз томонидан тузилган; (Шахсий кутубхонамизда сақланмоқда — В. А.)

г) Муниснинг «Фирдавсул-иқбол» асарида келтирилган тарих ва Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг «Шажараи Хоразмшоҳий» асарида келтирилган ҳажвий парча;

д) Хевадаги Пахлавон Муҳаммад мазоротида кираверишда (ўнг томонда) Муҳаммад Амин Меҳтар томонидан солинган хона - макбаранинг эшиги тепасига ўрнатилган мармар тошга кўчирилган Равнакнинг қуйидаги матлаъли марсияси;

Ёраб, ул ҳур ёрин ризвон этгил,

Нозанин руҳини масти майи ғуфрон этгил...

Чунончи, Пахлавонқули Равнақ XVIII асрдаги Мудҳиш шароит ва ўша жамиятдаги бахтсизликлар ҳақида шундай ёзган эди:

Чархи носоз била мумкин эмас созишимиз...

Бўлмади хотиримиз қайғудин озод ҳануз...

Оҳким, мен чекмаган даврон жафоси қолмамиш...

Эй бахт, қачон бир кун ҳолим сўра келгайсен...

Равнақо, ғамхонаи ҳижронда қолдим хору зор,

Қайда бир ҳамдардим, қилсам ғамимни ошкор...

Бу мисраларда шоир яшаган давр, халқ ва шоирнинг аҳволи ҳам очик акс эттирилган. «Чархи носоз» билан шоир ҳам, халқ ҳам чиқиша олмайди. Халқ ҳам, унинг дардманд фарзанди Равнақ ҳам «қайғудан озод» бўлишни истади. Ўша даврдаги жамиятнинг бир аъзоси сифатида «даврон жафоси»ни жуда кўп тортган Равнақ ўз аламдидида халқи билан бирга бахтли кунлар келишини сабрсизлик билан кутади.

Бироқ бу зиддиятлар қаршида «бемурувват чарх» ҳар соат жабр-жафо қилади, ажал уругини сочади, «тиғи. бедод»и билан минг-минглаб кишилар қонини тўқади. Бунинг устига вабо ва ўлат балосидан халқ қирилади:

Бемурувват чарх, ҳар соат алигдин дод, ҳей!

Жабру зулмингдин ишимдур нолаву фарёд, ҳей!

Ҳар неча минг қон тўкарсан тиғи бедодинг била,

Эй ажал, йўқ сен кибн бир қотили жаллод, ҳей!

Равнақнинг бу мисралари унинг кекса замондоши бўлган машҳур туркман шоири Давлатмамед Озодий (1700-1760)нинг қуйидаги мисраларига жўр ва ҳамоҳангдир:

Ғам тумани босди кўнглимни, очилмас, дод, ҳей!

Барк уруб, борони раҳматлар сочилмас, дод, ҳей!..

Равнақ халқ бошига тушган даҳшатли кулфатларнинг, мусибатларнинг сабабини излаб топишга, шу ҳақда мулоҳаза юритишга интилади. У шундай дейди:

Мунча не солди қаро кунни фалак бошимиза,

Билмадик ким не эди, Равнақ, анго қилмишимиз...

Шоир доноларни хор-зорликка дучор қилган, бадбахтликка учратган жоҳиллар, «сурайё»гача кўтарилган мағрур, пасткаш «дунлар», давлат ва амалга маҳлиё бўлиб, фуқароии, ҳатто таншш-билишни, ёру дўстни ҳам эсдан

чиқариб юборган нокас, номардларни халқ бошига тушган қулфатларнинг асосий сабабчиси деб ҳисоблайди. Шоир, улар бутун бойлики талончилик йўли билан қўлга киритганлар; уларнинг бошига дунёнинг осмонидан «абри найсон киби дур-гавҳар» сочилади, «ишга ярар» эл эса хор-зор бўлиб мамлақатни харобазорга айлантирувчи думи нокор»лар эътиборлидир, деб фарёд чекади:

Мунча жаврин дегил, эй чархи ситамкор, недур?
 Ҳар не этмоқ бу қадар зулми падидор недур?
 Кимки нодондур, этиб они жаҳон ичра азиз,
 Кимки донодур, ани айламагинг хор, недур?
 Кимки жоҳилдур, ани лойиқи иқбол кўруб,
 Кимки олимдур, ани қисмати идбор недур?..
 Кимқи нокасдур ўзин давлата еткач унутиб,
 Қайда билгай они ким дўст недур, ёр недур?

Ўз замонаси ҳақида бундай танқидий фикрларни жасорат билан. қаламға олган шоир мамлақатни, ҳалокатдаи кутқариш, осойишталик, маданият ва адабиётни равнақ топтириш масалалари ва бошқа масалалар борасида бош қотиради, халқ ва юртни ўйлаб қалам тебратади, тарихга назар ташлаб, ўзича ўзгаларга ибратли бўлган хонларни қидириб топишга интилади.

1740 йили Нодиршоҳ томонидан ўлдирилган хон Элборс (1728-1740)нинг ўғли Абдулмуҳаммад Султон ибн Элборс (Абдудғози соний «Байзо» тахаллуси билан шеърлар ҳам ёзган) Равнақнинг кўзига жуда улуғ, мўътабар кишидай кўринади. Шоир уни Ҳусайн Бойқарога тенглаштиради: унинг фикрича, Ҳусайн Бойқаро сўз аҳлларига катта эътибор берганидек, Абулғози ҳам унга тақлид қилиб шу зайлда иш тутган. Шоир ўз кўнглидаги мақсадига эришиш йўлида бирорта раҳнамо топа олмаганидан ғам-ғусса тортади, азоб чекади:

Жаҳонни кездиму бир ҳолдонни топмадим ҳаргиз,
 Кўнгилдин дўст тутган меҳрибонни топмадим ҳаргиз.
 Кимеки дўст бўлдим, кўргузуб юз меҳр бир соат,
 Вафосидин онинг ному нишоне топмадим ҳаргиз.
 Бу олам мулки ичра билгучи аҳли сухан қадрин,
 Абулғозий киби шоҳи жаҳонни топмадим ҳаргиз.
 Ҳамоно даҳр аро султон Ҳусайни соний ул эрди,
 Суханрасликда андоқ нуктадонне топмадим ҳаргиз.

Маълумки, Ҳусайи Бойқаро Алишер Навоий каби буюк мутафаккирларнинг ташаббуси билан ободоичилик ишлардга ва маданиятга бир қадар эътибор берган бўлса-да, аммо унинг бу фаолияти изчил эмас эди,

айниқса, умрининг сўнгги йилларида айш-ишратга берилган, халқ бошига кўп кулфатлар келтирган эди. т Абулғози ҳам шоир ва олим киши бўлганидан, Хусайн Бойқаро билан унинг фаолиятида баъзи бир ўхшашликлар бор эди.

Равнақнинг Бухоро хонлари Муҳаммад Раҳим манғит (1747-1758), Доийёлби оталиқ (1758-1785), Амир Шоҳмурод (1785-1800); Хева хукмдорлари Муҳаммад Амин иноқ (1770-1791), унинг укаси Фозил Муҳаммадларга қасидаларининг ҳам ўша замон воқеа-ҳодисалари билан боғлиқ бўлган сабаблари бор. Хоразм алғов-далғов бўлиб турган кезларда Муҳаммад Раҳим манғит ўғиллари Темурғози, Абулғози Солис (Ш)лар ҳокимият тепасига келган. Равнақ қандайдир бир тартиб ўрнатилишини умид тутган. Муҳаммад Амин Иноқ Кўнғирот хонадонини қайтадан тиклаб, маълум даражада осойишталик ўрнатганида унга таъриф битган. Ҳамма ўринда талбех санъатини кўллаб, асосан юқоридаги ғояни ифодалаган. Равнақнинг фикр-мулоҳазалари унинг осойишталикни, ободончиликни ва маданият равнақини исташи, орзу қилиши заминида туғилган эди.

Равнақ умидсизлик гирдобига тушмади. У тараққийпарвар майлга эга бўлган ўзига ўхшаш кишиларни кўрди. Шунинг учун ҳам шоир, кишининг кадр-қимматига етувчи ақлли одамлар бўлса эди, улар Афлотундан юз карра ортиқроқ донишманд бўлган одамлар борлигини кўриши мумкин бўлур эди, деб ёзади.

Шоир, юқорида айтганимиздек, хаёл денгизига чўмиб, ўтмиш даврлирни ўйлаб кетади. Хаёл кемаси уни Алишер Навоий даври- даги Ҳири (Ҳирот)га олиб боради²⁶.

Равнаққа маъкул тушган Ҳирот Нодиршоҳ давридаги ёки, умуман, XVIII асрдаги Ҳирот эмас, албатта. Равнақни маҳлиё этган Ҳирот XV аср охирларида Алишер Навоий ва унинг маслакдошлари ёрдами билан меҳнаткаш аҳоли томонидан обод қилинган ва Алишер Навоий ғазалларида ифодаланган Ҳири эди. Равнақ Навоийнинг ана шундай ғазалларига мухаммас боғлаб, Хоразмни Ҳиротдек бўлишини, ўзининг эса Алишер Навоийдек бўлишини орзу қиларди:

Эй кўнгул, оламини кездим неча йиллардин бари,
 Не Хуросон шаҳри қолди, не Сифаҳон кишвари,
 Қоф то қоф жаҳонни сайр қилдим бир сари,
 Мен Ҳири шаҳрида кўрдим бир ажойиб манзаре,
 Манзар ичра ўлтурубдур ҳур янглиғ бир пари.

Равнақ Навоий ижодиётини ўз дунёқараши ва савиясига мувофиқ, тарзда тасаввур қилади, Навоийнинг сермазмун ва бадийий етук асарларини ўз ижодининг камолоти учун бир мактаб деб билади. Равнақ Навоий шеърлари

²⁶ Равнақ Хуросон шаҳарларини, «Сифаҳон кишвари»ни ва бошқа жойларни кўрган бўлиши мумкин.

изидан бориб, ўзи яшаган муҳит воқеаларини, янги тарихий шароитда туғилган фикр-ўйларини Навоий анъаналарига уйғунлаштиради. Чунончи, Навоийнинг «қолмамиш» радифли бир шеърида вафосизликнинг аламли оқибатлари мана бундай тасвирланади:

Ўйла бузмиш меҳнату ғам хайли кўнглум кишварин,

Ким нишот анда сиғингунча фазоси қолмамиш...

Ёрким қилмас жафою жабр эрмас раҳмдин,

Ким менга кўргузмаган жавру жафоси қолмамиш.

Баски ҳар торин бало атфоли уздилар чекиб,

Ваҳки урён жисм уза меҳнат палоси қолмамиш.

Равнақ ана шу ғазалга мухаммас боғлаб, чеккан жафоларини, ҳолаҳволини тубандагича чизиб беради:

Оҳким, мен чекмаган даврон жафоси қолмамиш.

Кўнглима андин риоят илтимоси қолмамиш,

Сайри боғ айларга табъим иқтизоси қолмамиш.

Менга энди сарв ила гул муддаоси қолмамиш.

Сарв бўйлуқ гулжабинликлар ҳавоси қолмамиш.

Нағоийнинг «яна» радифли бир шеърида инсоннинг бошига тушган оғир фожиа мана бундай тасвирланади:

Ақл йитти, хуш кетти, кўнгул куйди, чиқди жон,

Шукур эт энди Навоийки сабукбор мен яна.

Равнақ бу ғазалнинг ғоявий йўналишини давом эттириб, ўзининг беморлиги ва дардига даво қидиришини қуйидагича ифодалайди.

Ёраб, бир ойга ошиқи дидор мен яна,

Тунлар ғамида тонггача бедор мен яна.

Дардим давоси қайдаки, бемор мен яна,

Ҳайхот ким, биров ғамида зор мен яна,

Фарёдким, балоға гирифтормен яна.

Демак, бу истеъдодли шоир ҳам ғоявий мазмун, ҳам бадий форма масалалари юзасидан Навоий меросига жуда кўп мурожаат этган, унинг шеърлари изидаи бориб, жуда кўп машқлар, қилган. Шу сабабдан Равнақ Навоий ғазалларидаги бадий воситалардан, унинг услуби ва поэтикасидан ижодий фойдаланган Чунончи Навоий:

Ҳуреки менинг жонима офат етилибтур,

Тубо киби қад бирла қиёмат етилибтур,—

дсб ёзса, Равнақ қуйидаги мисраларни битади:

Ёраб, не ажаб, кўргали дилбар етилибсен,

Зебо қад ила сарви санубар етилибсен.

Ёки Навоий:

Ўзга бўлди ёру меҳри менда боқийдур ҳануз,
Нотавон кўнглумда ул ой иштиёқидур ҳануз,—
деб ёзган бўлса, Равнақ мана бундай мисраларни ижод қилади:

Бу на. толе эдиким, қилмади имдод ҳануз,
Бўлмади хотиримиз қайғудин озод ҳануз.

Буидай байтлар Равнақ девонида анчагина бор. Булардан ташқари, девонда Навоийнинг «барот-зақот», «манзари-пари», «тутибмен-унутибмеи», «дейин», «яна», «менинг», «санчар» каби қофия ёки радиф билан тугаган ғазалларига Равнақ томонидан боғланган мухаммаслар қам учрайди. Чунончи, Равнақ девонидаги 22 мухаммасдан 14 таси Навоий ғазалига тахмис қилинган. Бу мухаммаслардаги мазмун, вазн, қофия ва оҳанг Навоий шеърларига тахмис қилинган ғазалларга мувофиқ ишланган. Масалан:

Токай мани, эй гардун, ғам хастаси қилгайсен,
Ҳижрон қиличин тортиб бағрим кеча тилгайсен.
Эй бахт, қачон бир кун ҳолим сўра келгайсен,
Санчилган ажал хори ишқ учраса билгайсен,
Ким жонга бало нишин ҳажр ўзгачароқ санчар.
Ханжар чекиб ул қотил қон тўкмак учун келди,
Мужгонларидин ўқлар Равнақ сари отилди,
Кўксига етиб баским, новаклари санчилди,
Жисмин чу Навоийнинг пайкони ниҳон қилди.
Билмонки синон энди бағрига нетак санчар.

Ёки:

То хоки раҳинг сурмасидин кўз ёрутубмен,
Ул рутба била авжи сурайёдин ўтубмен,
Шавқингга кўнгул икки жаҳондин совутубмен,
Ишқинг этагин жон илиги бирла тутубмен,
Сен киргали ёдимға ўзимни унутубмен.
Ғайридин ани ишқида бу хаста кечибдур,
Қаддимга ризо рашк либосини бичибдур,
Эл оғзиға мундин ғалат афсона кечибдур,
Ёринг дедилар гайр била бода ичибдур,
Таҳқиқина еткунча не қонларки ютибмен.

Бу мисоллар шоирнинг Навоийга издошликда муваффақият қозонганидан далолат беради.

Равнақ Навоийга тақлид қилар экан унинг санъаткорлик тажрибасидан (чунончи, муболаға, истиора, жонлантириш, ўхшатиш каби тасвирий воситаларидан) баҳраманд бўлгани ҳолда, шеърятда ўзига хос тил ва услуб эгаси бўлишга, мустақил қалам юритишга, маҳоратини оширишга интилади, кўр-кўрона тақлид қилиш ёки айнан кўчириб олишдан қочади, оригинал ташбеҳлар тўқийди ва ҳоказо. Чунончи, Навоий:

Лолазор эрмаски, оҳимдин жаҳонга тушди ўт,
Йўқ шафақким бир қароқдин осмонга тушди ўт

байтида «лолазор»ни ўз оҳидан пайдо бўлган «ўт»га ташбеҳ қилиб, кечки шафақни қизарган кўз қорачиғидан осмонга тушган - ўтга ўхшатган бўлса, Равнақ бундай ташбеҳлардан ижодий фойдаланиб, имтиноч (ўта муболаға) санъатини ишлатиб, кечалари осмон этагида кўринадиган қизғиш шуъла шафақ эмас, оҳимдан пайдо бўлган қизил ўтдир мазмунидаги қуйидаги мисраларни яратади:

Бўяма ғофил кечалар оҳимдин, эй гул хирмани,
Ким шафақ эрмас қизил ўтдек фалакнинг домани,
Хок ўлуб ишқинг йўлинда Равқақинг жону тани...

Умуман, классик адабиётда, айниқса, Навоий байтларида кўпроқ учрайдиган бадий санъатлардан бири «тажохли орифоиа» (билиб билмасликка олиш)дир. Чунончи, Навоий ёр юзидаги тер доналарини дурдоналарга, унинг сўзлашини лаъли лабидан дурдоналарнинг сочилишига ўхшатгани ҳолда, ўзини билмасликка солади:

Қатра терлардин юзида дур нишониму дейин?
Ё такаллум вақти лаъли дурфишониму дейин?

Бундай бадий санъат Равнақ байтларида ҳам учрайди:

Оразинг партавини шамъи шабистонму дейин?
Ё гули боғи Эрам, ё маҳи тобонму дейин?

Равнақ ўз шеърларида классик адабиётдаги талмеҳ, тазмин сингари бадий воситалардан ҳам ижодий фойдаланади. Шоир, одатда, талмеҳ санъати билан бирорта афсонавий ёки тарихий қиссани назокат билан шеърый мисраларга қистириб ўтади ёки уига ишора қилади. Мана шу тарздаги санъаткорлик шоир Равнақ шеърларида кўпроқ «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Юсуф ва Зулайхо» қиссаларига ишора қилишда кўринади.

Масалан:

Юсуфи Мисрий тилар, шоҳо, жамолингдин барот,
 Офтобу ой олиб хуснинг фуруғидин закот.
 Ёр дидориға, Равнак, кўзларим муштоқдур,
 Айлагандек Юсуфини пири Канъон орзу.
 Дерлар хароби Ширин Фарҳоди кўхкандур,
 Зуннори зулфи онинг банд айлаган расандур,
 Мижгонидин қадалгон бағримга юз тнкандур,
 Лайли ғамида Мажнун девонае экандур,
 Маълум бўлди ҳоли ман ҳамнашаст бўлдим.

Демак, Равнак ўз шеъриятида бадий форма, бадий тил воситалари, тасвирий ифодалар ва ғоя жиҳатдан Навоий меросидан фойдалана олган. У ўз даврининг жирканч томонларини, зўравонликларини фош қилади, халқ манфаати тўғрисидаги ўй ва андишаларини Навоийнинг инсонпарварлик ғоялари билан боғлаб боради.

Равнак Навоий меросига ижодий ёндашади. У Навоий анъаналарини давом эттиришда Навоий ғазалларининг айрим бадий жиҳатларини, тайёр ташбеҳ ва истиораларни «ўзлаштирган» Убайдий ва Азизий шеъриятидан, мақтанчоқлик билан ўзига Навоий лақабини қўйган шоир Бақоийдан тамомила фарқ қилади.

Равнак XVIII аср шароитидаги адабиётда тилнинг соддалиги учун курашади. «Ишқнинг этаги», «жон илиги», «рашк либоси», «ғам хастаси», «ҳижрон қаличи», «ажал хори», «гул хирмани» каби оригинал метафорик иборалар яратади, «хобгоҳ», «номард», «нокас» каби содда тожикча сўзларни ўз поэтик лексиконига сингдиради: «Эй ажал, йўқ сен киби бир қотили жаллод, ҳей» каби мисраларда оҳангни кучайтирувчи «ҳей» сингари нидо ва хитобларни ишлатади.

Мамлакатда ижтимоий тенгсизлик, диний таассуб, чирик урф- одатлар ҳукм сурган феодал ўтмишда бундай фнкрларни баён этншга интилиш катта аҳамиятга эга эди, албатта. Бу жиҳатдан қараганда, Равнақнинг «Шавқингда кўнгил икки жаҳондин совутибмен», «Ханжар чекиб ул қотил қон тўкмак учун келди», «Ёр дийдориға, Равнак, кўзларим муштоқдир» каби мисраларни ўз ичига олган шеърларни ғоят муҳимдир.

Бу шеърларда Равнак бахтиёр оилага, қувноқ ҳаётга бошловчи ёр, эркин ишқ-муҳаббат ва ҳис-туйғуларни тараннум этади:

Вайронлиғима боқсанг эди, айлагай эрдинг
 Меъмори иноят била кўнглумни иморат...
 Булбул каби фарёдиға ет, Равнақи зоринг,

Эй ғунчай хандони гулистони назокат.

Шоърнинг ишқ-муҳаббат ҳақидаги бир қанча лирик шеърларида замондан шикоят, адолатсиз ҳукмронлардан норозилик каби сатрлар бўлиб, уларда лирик қаҳрамон омманинг қайғу-ҳасрати билан ўз қайғу-ҳасратини чамбарчас боғлаб куйлайди. Равнақнинг «Равнақо, ғамхонаи ҳижронда қолдим хору зор», «Ким менга кўргузмаган даврон жафоси қолмамиш», «Бўлмади хотиримиз қайғудин озод ҳануз» каби шеърларя ана шундай мазмунли лирик асарларига яққол мисол бўла олади.

Равнақ бу шеърларида ўз давридаги ижтимоий адолатсизликни фош этиш, тенгсизликни қоралаш, бир тўда кишиларнинг тўқ-бадавлат яшаб, кўпчилик аҳолининг чор-ночор ҳаёт кечиришини дадил очиб ташлаш, меҳнаткаш аҳолининг истак-орзуларини куйлаш даражасига кўтарилади. Равнақнинг «Бемурувваг чарх, ҳар соат алиндан дод, ҳей», «Мунча жавринг дегил, эй чархи ситамкор, недур?», «Жаҳонни кездиму бир ҳолдонни топмадим ҳаргиз» каби мисраларни ўз ичига олган шеърлари лирикасининг гўзал намуналаридир. Унинг шеърят хазинасида «Кеча нўш айлаб тонг отгунча шароби маъсият» каби ҳажвий шеърлар ҳам борки, улар «бистари ғафлат»даги ҳукмрон доиралар кирдикорини фош этишга қаратилган.

Равнақ нисбий тинчлик, осойишталик ва ободонликни кўмсаб, шу муддаога хизмат қилувчи идеал ҳукмдор тўғрисида романтик фикрларни ҳам илгари суради. Чунончи, у бир шеърда:

Улки даврида жаҳон аҳлининг осойиши бор.

Ахтари давлату иқбол ила оройиши бор,—

дейди. Бироқ, афсуски, Равнақнинг бу сўзлари фақат бир хаёл бўлиб қолган эди, Равнақ бундай кишини тополмаганидан: «Эй бахт, қачон бир кун ҳолим сўра келгайсен», деб хитоб қилади. Равнақнинг бу хилдаги шикоятлари атоқли туркман шоири Озодийнинг замон зулмидан, бахт-толе ёр бўлмаганидан ўкиниб қилган:

Йиғларам ким қолмишам дармондаи ғарқ ичра, вой,

Умрими ўткармишам беҳуда моҳу сол ила

каби шикоятларига яқин туради.

Демак, шоир Равнақ ўз замонаси билан ҳам, ҳукмрон доиралар билан ҳам келиша олмайди. У XVIII асрнинг тараққийпарвар кишилар фикрини ифодаловчи қаламкаш сифатида намоёя бўлади.

Аммо Равнақ байтларида баъзан худога сиғиниб, сенинг ҳажринг билан доимий ҳасратдаман, сенинг ёдинг билан танам тол баргидек титрайди мазмунидаги қуйидаги:

Афтода ба ҳижрони ту дар ҳасрати жовид,

Ларзон шуда барги танам аз ёди ту чун, бед

сингари заиф томонлар ҳам учрайди. Лекин булар шоир ижодида ўткинчи бир ҳолдир.

Равнак зуллисонайн шоирдир. У классик адабиётимизда анъана бўлиб қолган «ширу шақар» усулида ажойиб бадиалар яратди, ўзбекча мисраларига тожикча сўзларни пайванд этиб, байтларини жозибадор қилишга интилди. Бу жиҳатдан унинг:

Эй юзи гул нигоримиз, килма -жафо жиги-жиги,
 Севгили гул узоримиз, қилма -жафо жиги-жиги.
 Мастона чиқиб қасдима жоно ба чи маъни?
 Ноз ўлди ишинг сарви равоно ба чи маъни?
 каби байтлари мароқлидир.

Шу билан бирга, Равнак Ғиёсий каби шоирларнинг ғазалларига мухаммаслар боғлади, турли баҳрларда тожикча ажойиб шеърлар ҳам ёзди. Чунончи:

Дар жаҳон нест касё волаю хайрони ту нест,
 Кист арсаи офоқ қурбони ту нест.
 Аз чашми пурхумори ту олам хароб шуд,
 В-аз оташи узори ту дилҳо кабоб шуд.
 Дўш дидам духтареро к-ў ба хуби тоқ буд,
 Ҳамчу хуршеди дурахшон шўхраи офоқ буд.

Равнак улуғ озарбайжон шоири Муҳаммад Фузулий анъаналаридан ҳам илҳом ва таълим олди.

Ўзбек шеърятининг жуда кўп атоқли арбоблари Фузулийни улуғ устод, айниқса, ишқий ғазаллар яратишда ҳассос санъаткор деб билдилар, унга назиралар битдилар, ғазалларига мухаммаслар боғладилар; унинг ғоявий ва бадий жиҳатдан пухта байтларини адабий суҳбатларда намуна қилиб кўрсатдилар; «Баёз», «Ғазалиёт» ва «Мухаммасот» номи билан тартиб берилган китобларида унинг шеърларини келтирдилар, алоҳида девонларини, куллиётларини кўчириб, оммалаштирдилар. Бинобарин, XVIII аср шоири Равнак ҳам Фузулий шеърларига ўхшаш:

Келки бошингга дўнуб нозинга қурбон ўлайин,
 Чашма жодуи фусунсозингга қурбон ўлайин,
 Ўтар эрди бошимиз тоқи фалакдин Равнак,
 Гар мадад қилса эди ахтари иқбол биза...
 Ёндим, севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма...
 Куйди жигарим, хоҳ иион, хоҳ инонма...

каби (Мавлоно Лутфийга тазмин) шеърин мисралар яратди. Фузулий таъсири ўзбек адабий тилига озарбайжон адабий тили элсментларининг кириб ўзлашиб қолишида ҳам намоён бўлди. Равнақнинг Фузулуй ғазалларига

боғлаган сермазмун мухаммасларини кўздан кечирар эканмиз ёки ўзбек ва тожик тилларида ёзган шеърларини ўқир эканмиз, шоирнинг бошқа халқларга ва уларнинг маданиятига ҳурмат билан қараган, ўз даврига кўра, юксак савияли, ўқимишли, пешқадам одам бўлганлигини равшан тасавуур эта оламиз.

Шоир Равнак исёнкор шоир Машрабдан ҳам баҳраманд бўлди. Чунончи, у Машрабнинг

Гулчехралар бошингдин бўлсин садоға, дилбар,
Раҳм айла сшшам узра доғ узра доға, дилбар
мисралари билан бошланган ўйноқи шеърига назира боғлаб:

Қурбон ўлай шакардек ширин дудоға, дилбар,
Тушмиш азолда завқим бодом қабоға, дилбар.
Равнак бўлур худоға маҳшарда додхоҳинг,
Кўи қилма зулму бедод ул бенавоға, дилбар.
Фасли баҳор чиксанг гар сайри боға, дилбар,
Гул ўргулиб бошингдин тушгай аёға, дилбар

каби ғазаллар ижод этди.

Равнақнинг қуйидаги ғазали ўзи яшаб ижод этган замона устидан ҳаққоний бир ҳукмдай янграйди

Не жўрай замонада бор экан эътибор,
Не ошно деганда саботу не устувор.
Не ёру дўст ваъдасида бордурур вафо,
Не пойдор элга муҳаббат, не барқарор.
Не ҳолдони анису не ҳамдард ҳамдаме,
Ие бир рафики якдилу не ёри ғамгусор.
Мумкин эмас топилмоғи аҳли замонада
Не ошиқи содику не ёри дўстдор.
Дей кимга дарду ҳолимни ким журми фазл учун,
Помол қилди гардиши бадмеҳри рўзгор.
Гар ўтса назм мартабаси тоқи аршднн,
Аҳли суҳанни хор қилур чархи бемадор.
Паймон на юздин айлади тарки вафою меҳр,
Бу дўстларки бор эди Равнақға хосдор.

Бунда шоир ўз замонасининг «аҳли суҳан»га меҳрсизлиги ва шафқатсизлигиини маҳорат билап чизиб берган.

Разнақ айшу ишрат, маишатпарастлик билан бўлиб, «тонг отгунча шаробн маъсият»дан, «мастлик уйқуси»дан бош кўтармай, «бехудлиғ» ва

«ғурури жоҳ ила» гердайган, «хукми подшоҳ» билан қаламкашларни фармонбардорликка мажбур этган ҳукмдор доираларни фош қилади:

Кеча нўш айлаб тонг отгунча шароби маъсият.
 Масту беҳудлиғ била ҳолинг табоҳ этмак недур?
 Бир кўз очмай рўзу шаб то мастлик уйқусидин
 Бистари ғафлат ўзингға хобгоҳ этмак недур?
 Мадфанинг охир қаро ердур ғурури жоҳ ила
 Осмон авжида касби боргоҳ этмак недур?..

Равнақнинг:

Кўз ҳуснинга солсам; севарим, нетди, на бўлди?
 Рухсоринга тушса назарим, нетди, на бўлди?

каби байтлари ҳам,
 Гул узоро, сен кнби днлдор бўлғай? Бўлмағай!
 Дилраболар ичра сендек ёр бўлғай? Бўлмағай!
 Равнақо, аҳли жаҳон ичра демакка дарду ҳол,
 Бир мувофиқ маҳрамн асрор бўлғай? Бўлмағай!

сингари мурожаат ёки савол-жавоб санъати билан ншланган сатрлари ҳам унинг чуқур мазмунни ифодалашга қодир бўлган истеъдодли санъаткор шоир эканлигидан далолат беради.

Шупдай қилиб, Равнақ ўтмиш меросдан самарали фойдаланиш билан бирга шеърятда мавзу, шакл ва бадий маҳорат эътибори билан мустақил йўл тутди. Бинобарин, шонринг ўз фахрияларидан бирида:

Гулшани маъни аро мурғи хушилҳон Равнақ,
 Бебаҳо гуҳари ганжинаи ирфон Равнақ,—

деб айтиши бежиз эмас эди, албатта. Шоир ўз лирикасида маснавий, рубоий, мураббаъ, мухаммас, қасида, таърих, мустазод каби хилма-хил шеърый жанрларнинг гўзал намуналарини яратди. Роқим, Мунис, Аҳмад Табибий ва бошқалар унинг ғазалларига мухаммаслар боғладилар. Шоир бир ўринда: «Сўз диёрин олурда Равнақдин борми соҳибқирон фасоҳат аро» деб ўзига фахрия айтса, бошқа бир ўринда: «Равнақ то маҳшаргача топгунг ҳаёти жовидон», деб уқтиради. Унинг бу нияти, ижодиёти бизнинг кунларгача етнб келганлигини, хрестоматиялар, илмий китоблар, дарсликларга киритилганлигини ҳам назарда тутадиган бўлсак, ўринлидир. Дарвоқе, А. Вамбери XIX асрнинг ўргаларида Марказий Осиёда бўлиб, ҳозирги Туркменистон ҳудудсида бир бахшидан тери муқовали Равнақ шеърларини Навоий ва Ғузулий асарларига қўшиб Венгрияга олиб кетган, Европа

тилларига таржима қилдирган экан.

Шундай қилиб, Равнақ ижодиёти ўзининг соддалиги, қўшиқбоплиги, мазмунан бойлиги билан кўпларни қизиқтиради. Кўп қаламқашларга, жумладан ўзидан кейинги ўзбек шоирларининг ижодига ҳам баракали таъсир кўрсатади.

Равнақнинг мазмундор шеърлари XVIII аср ўзбек шеърятининг гўзал намунасидир.

Муҳаммаднийез Нишотий

Ҳаёти ва ижоди. Нишотий XVIII асрда етишган истеъдодли лирик ва эпик шоирдир. Унинг «Хусну Дил» достони халқ орасида айниқса машҳур. Бу дostonда шоирнинг ҳаётига доир баъзи маълумотлар баён этилган. Чунончи, дostonнинг кириш қисмидаги:

Бор эди Хоразм диёри ерим,
Ондин эди яхши, ёмон гавҳарим.
Чикмоқда фикр айлабон икки рафик,
Ул деди: ғурбат сари бошла тарик,
Мен дағи амрнға қилиб инқиёд,
Йўлга тушиб изладим ўзга савод.
Токи Бухоро сари қўйдим қадам,
Оҳ, бу хори аро бўлдим адам.
Гарчн эрур манзили дилкаш бaсе,
Лек мусофирға эмас хуш бaсе

қаби мисралардан кўриниб турадики, шоир Хоразмда туғилган ва умрининг маълум қисмини Бухорода ўтказган. Афтидан, XVIII аср ўрталарида Хоразм тож-тахти учун бўлган ўзаро урушлар вақтида Нишотий хонавайрон бўлиб, бошпана ва осойишталик тилаб Бухорога борган. Шоирнинг қуйидаги мисралари бунга далил бўла олади:

Чархи дун ногаҳ ўлуб бадмизож,
Дун элиға берди камолу- ривож...
Молики амлок ўлуб, ул бож ўлуб,
Бизға иложи анинг ихрож ўлуб...

Нишотий Бухорода ҳам кўп қийинчиликларни бошидан кечирган. Таниш-билиши ва турар жойн йўқлиги, рўзғор танқислиги уни кўп машаққатларга дучор этган:

Не манго маъвою не манзил аён,
Ваҳ не дедим турғали қайда макон?
Тўъма учун шому саҳар нолишим,
Тифл киби бармоғи сўрмоқ ишим.
Қай бир алам васфини таҳрир этай?
Ёки қаю дардни тақир этмай?

«Хусну Дил» достони XVIII асрнинг 70- йилларида ёзилганини эътиборга олганда, Нишотийнинг Бухорода кечган оғир дамлари асосан шу йилларга тўғри келади.

Нишотий лирикаси. Нишотий нозик ва жўшқии лирик шоирдир. Унинг лирик шеърлари «Ғазалиёт ва мухаммасоти Нишотий» (бу 1903 йилда Муҳаммад Юсуф Чокарий томонидан кўчирилган нусха бўлиб, ЎзР ФА

Шарқшунослик институтнда сақланмоқда), «Баёзи мутафарриқа», «Баёзи мажмуаи ашъор» «Мухаммасоти мутафарриқа» каби манбалардан ўрин олган. Унинг мазкур манбалардаги шеърларида ҳурмат билан тилга олинган Фирдавсий, Низомий, Хусрав Дехлавий, Жомий, Навоий, Фузулий сингари улкан қаламкашлар; «Хусну Дил». достонида учрайдиган Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сидаги Кайқубод, Навдар, Тахмурас, Тур, Бижан, Гев сингари иерсонажлар; Нуширвон, Фаридун, Кайковус, Хисрав, Ҳусайн Бойқаро сингари ҳукмдорлар ҳақидаги фикрлари ва хилма-хил анъаналар, урф-одатларга берилган тасвирлардан кўринишича, ўзигача бўлган маданий мерос хазинасидан мукаммал хабардор бўлган ва ижодий фаолиятида улардан ўрни билан фойдалана билган. У замонасининг баркамол шоири бўлиб етишади, ижтимоий масалаларда ҳам, ишқ-мухаббат, оилавий ҳаёт, илм-фан, маданият масалалари буйича ҳам ўзига хос қалам тебратади.

Нишотийнинг:

Очганда доли зулфинг, етгач шамоли зулфинг,

Қилди хаёли зулфинг торожи дину имон...

Дилоромим ҳарими ноздин чиққач адо бирла,

Нишотий кўнглини айшу тарабдин ийдгоҳ этди

каби самимий севгини тараннум этувчи ғазаллари ҳаётийлиги ва жўшқинлиги билан китобхонларни ўзига мафтун этади.

Дастлаб шуни таъкидлаш лозимки, Нишотийнинг ижтимоий-сиёсий фикр-мулоҳазалари кўпроқ «Хусну Дил» достонида, айниқса унинг кириш қисми ва хотимасида мужассамлашган бўлса, мухаббат мавзуи билан боғлиқ хис-туйғулари, ички кечинмалари кўпроқ лирикасида ифодаланган. Лекин, шунга қарамай, унинг шеърларида лирик кечинмалар билан бирга, яшаган муҳитининг айрим иллатларини фош қилувчи ва қораловчи ижтимоий-сиёсий фикрлари ҳам акс этган. Бу эса Нишотий лирикасининг ижтимоий-эстетик қимматини янада оширади. Мисол учун қуйидаги бир парчани кўздан кечирайлик:

Ёраб, нечук балодур бошимға шоми хижрон,

Не дардиға ниҳоят, не меҳнатиға поён.

Не сабру не қарорим, не хуш, не ихтиёрим,

Не ёру не диёрим, не жон манго, не жонои.

Ҳар кунда бошқа ғавго, ҳар тунда ўзга савдо,

Не маизилу не маъво, йўқдур макони имкон.

Шоир Навоий ва Фузулий ғазалларига боғлаган мухаммасларида ҳам кўпроқ ижтимоий ҳаёт воқеаларига эътибор беради. Айниқса, Навоийнинг «давронидур — хижронидур», «обу тоб — офтоб» каои қофиялар билан тамомланган шеърига ва Фузулийнинг “бесукун - толе забун» каби қофиялар

билан тугаган ғазалига боғлаган мухаммасларида Нишотийнинг ўз даврига ўз мухитига муносабати, шикоят руҳидаги фикрлари кўпроқ учрайди. Масалан:

Йўқдурур даврони дуипарвар мадориға қарор,
Инқилобе бирла охир бўлрусидур хор-зор.
Вах, неча ул ой Нишотий бандасии ёд этмагай,
Йўқдурур бирдамки даври чарх бедод этмагай.
Нўшн ишрат, неши меҳнат бирла бордур тавъамон,
Оҳким, бу дард қилди ғунчаи кўнглимни қон.

Шоир XVIII аср ўрталаридаги Хева хонлиги ҳаётидан олган таассуротларини лирик кечинмалар тарзида ифодалаб, «даврони дунпарвар»ни қоралайди ва машаққатли ҳаётдан қоникмаганини бяён қилади. Нишотийнинг Навоий ғазалига боғлаган мухаммаснинг қуйидаги банди ҳам мазмуни жихатидан шу руҳдадир:

Нсчун этмай чархи кажрафтор элиндин доджим,
Ғам уза ғам еткурур, бедод уза бедодким,
Нега ҳасрат ўтиға куймай мани ношодким,
Сўзи ишқимдии савол этди ул ой, фарёдким,
Юз жавобим бору йўқ ҳушим демакка бир жавоб.

Озарбайжон халқининг машҳур классик шоири Фузулий ўз кечинмалари фонида ўз мухитини қоралаб, «бераҳм фалак», «бепарво дўст», «қавий душман»дан норозилиги, дард кўплиги ва толе забунлигини тасвирловчи бир шеърини, XV аср ўзбек шоири Юсуф Амирий изидан бориб, шундай бошлаган эди:

Дўст бепарво, фалак бераҳм, даврон бесукун,
Дард чўх, ҳамдард йўх, душман қавий, толе забун.

Шоир Нишотий бу мисраларда тасвирланган ҳолатни ўз мухитида кўргандай бўлади ва Фузулийнинг шу ғамгин ғазалига мухаммас боғлаб, Хева хонлигида кишиларга «ҳамдам — оҳ», «ҳамнафас афғон» эканини, кишилар руҳи — ҳазин, хотири ғуссага тўлиб-тошганини таъкидлайди, мамлакатда фисқ-фужур, азоб ва ўлим авж олганидан фарёд чекади:

Ҳамдам — оҳу ҳамнафас—афғон, балолиғ банд-банд,
Рух — маҳзун, жон — ҳазин, хотир — ғамин, суҳбат газанд.
Ҳамроҳим — ғам, мунисим — дарду рафиқимдур ано,
Махрамим — меҳнат, шафиқим — марг, ҳамдардим казо.

Қуйидаги парчада шоир ўзини олов ичида қолган сомон парчасига ўхшатади, ақл ва дониш учун нажот йўли қолмаганлигини, фалакнинг тескарилиги ва давлат ишлари тушкунлиги таъкидлаб бундай дейди:

Вах, нучук айлай гумон ўзни бу ҳолатда ҳаёт,

Хок аро пинҳонман, андоқ охтариб топмас мамот,
Ўтда барги коҳдек аҳлу хирадға йўқ нажот,
Елда барги лоладек тамкину дониш бесабот,
Сувда акси сарвдек таъсири давлат вожгун.

Нишотийнинг бу мисралари XVIII асрнинг 40-йилларидаги ғоят оғир аҳволни кўрсатади. Бироқ шоирнинг муҳитдан норозилик руҳидаги бу фикрлари фақат шикоятлигича қолаверган, натижада:

Зулм этди чархи золм, қилди фузун малолим,
Кўп мушкул ўлди ҳолим, ёраб, сен айла осон,—
деб худога ёлворади. Шоир шу нима қилишини билмай, майхонада хушдан кетгунча ичиб, ором олишни истайди, аҳли хираддан ажралмоқчи бўлади, боши берк кўчага кириб қолади:

Тутнинг, эй аҳли хирад, ҳар бирингиз ўзга мақом,
Кунжи майхона аро мен дағи айлай ором.
Қутулиб бир йўла сиздин, бўлайин масти мудом,
Қочинг, эй ор ила номус, кетинг, эй нанг ила ном.
Тобакай риштаи дониш била побаст бўлай?
Қўйинг аҳбобки лояқил ўлай, маст бўлай.

Шоирнинг бир қатор шеърларида замонасининг соғлом нидоси, муҳитдан нолиш барала эшитилади. Шоир ўз давридаги аҳлу дониш аҳлларининг мусибатли ҳаётидан изтироб чекиб:

Ақлу биниш била то бошдан оёқ зор ўлдум,
Сабр зиндоида донишға гирифтор ўлдум,
Барчадин зор Нишотий киби безор ўлдум
каби аламли мисралар битади.

Шоирнинг ишқий-интим шеърларида ҳам бундай зиддиятларни кўриш мумкин. Шунини алоҳида уқтириш лозимки, шоирнинг ҳаётга яқинлашиб, кўз олдида гавдаланган ошиқ-маъшуклар ҳақида яратган мисралари жозибадорлиги ва ҳароратлилиги билан ажралиб туради. Чунончи, унинг:

Ҳар бир куним эди ой, ҳар ойим эрди бир йил,
Ул зулфу юзни кўргач хуш бўлди моҳу солим.
Дедимки: шоми ҳижрон туи эрди ҳам қоронғу,
Дедики: кўзинг ойдин, топдинг бу тун висолим

каби байтларн ҳаётлийлиги билан мароқлидир. Шоир бошқа бир шеърда ошиқ ва маъшуқа ўртасидаги айрилиқнинг ғам-ғуссасиини ифода этиш фониди ўзи яшаган даврининг ғурбат ва аламлариини тасвирлайди:

Қайда ул бедилга оё сабру орому шикеб,
Азм этиб ғурбатға ул қолса ватан ичра ҳабиб.

Иишотий шеърларининг анчагина қисми Навоий ғазалларига боғланган

мухаммаслардан иборат. Шоир Навоийни «ақл-донишда ғуррон паланг» деб таърифлаган ва унинг ғазалларига 15 дан ортнқ мухаммас боғлаган. Аммо айрим мустақил шеърлари ғоявий-бадиий бўш бўлгани каби, баъзи мухаммаслари ҳам заиф бўлиб, Навоий мисраларига ғоявий-бадиий жиҳатдан мос келмайди. Лскин, бундай камчиликлардан қатъи назар, Нишотий лирикаси XVIII асрдаги ўзбек поэзиясининг гўзал намунасидир.

«Хусну Дил» достони

«Хўсн Дил» достонининг сюжети форс-тожик ва туркий тиллар адабиётида кўпдан бери кенг тарқалган ва қайта-қайта ижодий ишланган сюжетдир. Чунончи, XV асрда шоир Фаттоҳий (1450 йилда вафот этган) «Хусну Дил» сюжети асосида насру назм услубида тожикча достон ёзган эди. Бу достоннинг қўлёзмаси Тожикистон фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг Шарқшунослик бўлимида сақланмоқда. Шу фондда сақланаётган «Равзатул-ушшоқ ва хикояти Ибодуллоҳил Ғафури Нишопурий ва Риёзул-латоиф» номли қўл ёзма китобнинг 89-137-бетларида ҳам тожикча «Хусну Дил» достони берилган. Бу достон ўз сюжети, насрий ифодаси, вазни ва бошқа жиҳатлари билан, қисман бўлсада, Фаттоҳий вариантдан фарқ қилади. Шунингдек, машқур тожик ёзувчиси Мушфиқий ҳам (XVI аср) «Ғулзори Эрам» достонида «Хусну Дил» сюжетини ижодий равишда қайта ишлаган (1571 йил). Форс-тожик адабиётида «Хусну Дил» достонининг бошқа вариантлари ҳам бор.

«Хусну Дил» достони ўзбек адабиётида ҳам хийла узоқ тарихга эгадир. Жумладан, XVI асрда ўтган ошнозлик шоир Али Оҳий «Хусну Дил» сюжети асосида достон ёзган. (Бу достоннинг бир қўл ёзма нусхаси Озарбайжон Фанлар академиясининг Низомий номидаги қўл ёзмалар фондида сақланмоқда.)

«Хусну Дил»нинг халқ орасида кенг тарқалган. вариантлардан бири шоир Нишотий достонидир. Нишотийнинг «Хусну Дил» достони шу сюжет асосида яратилган бошқа достонлардан тубдан фарқ қилади. Бу достоннинг кўпгина қўл ёзма нусхалари Тошкент, Хева, Бухоро, Самарқанд, ва бошқа жойларда бор²⁷.

Достоннинг қисқача мазмуни.

Ақлшоҳ деган шоҳ ва унинг Фуод деган ўғли бўлган экан. Шаҳзода Фуод «Обиҳаёт»ни ва «Обиҳаёт» чашмаси яқинида яшовчи Хусн деган қизни излаб топиш тараддудига тушибди. Фуоднинг хизматкори ва дўсти Назар унга

²⁷ Нишотий ва унинг «Хусну Дил» достони ҳақида ушбу дарслик муаллифининг бир неча мақолалари бор: «О поэте Нишати и его поэме «Хусну Дил» (Труды Таджикского учительского инс-та им. С. Айни, т. 3, 1955); «Хоразмдаги XVIII - аср адабиётида мафқуравий кураш» (А. Навоий номидаги Самду асарлари, янги нашри, 63, 1956); «Хоксор ва Нишотий» (СамДУ нашриёти, 1960).

кўмаклашмоқчи бўлиб сафарга чиқибди, йўл юриб, мўл юриб, «Шаҳри офият»га етиб борибди на бу жойнинг ҳукмдори шоҳ Номусдан «Обихаёт»нинг мақтовларини эшитиб, яна йўлга тушибди. «Шаҳри шухрат»га етиб, бу жойнинг ҳокими «Фохир пуршавкат» ёки шоҳ Фохир номли ҳукмдордан «Обихаёт»ни излаб топишга маслаҳат сўрабди.

Шоҳ Фохир Назарнинг бу сўзларига истехзо билан қараб:: «Обихаёт» деганинг аслда симу зар (олтин ва қумуш)дир. Симу заринг қанча кўп бўлса, ҳамма мақсадга эришасан, ҳатто дев ва парилар ҳам сенинг бандингга дучор бўлурлар»,—дебди.

Бу сўзлар Назарга ёқмабди. У яна йўл юриб, «Жабли масеҳо» деган жойга сгиб борибди ва тоғ этагига қўниб, Зарқ номли, шайхга дуч келибди. Бу шайхнинг турар жойи ва хулқи ҳақида шоир бундай дейди:

Кўх қироғида топибдур сабот,
Зулмат аро ўйлаки обихаёт,
Умри ўтиб савмаада сарбасар,
Ғўлу шаётинга эди роҳбар...

Назар шайх Зарқни ана шундай ҳолда кўриб, унинг фикру зикри, ахволи ва маънавий қиёфасини зимдан кузатиб. билиб олгач, ўзини сўфиларга ўхшатиб муомала қилибди. Лекин шайх Зарқнинг: «Обихаёт кўз ёши тўкмоқ демакдир. Бу дунёда қанча кўз ёши тўксанг, жаннатга шунча яқиолашасан»,— деган ваъзхонликлари Назарга маъқул бўлмай, у ердан дарҳол жўнаб кетибди. У жазирама сахрога чиқиб, ундан бир амаллаб ўтиб олибди ва «Бешай беоб» (сувсиз чангалзор)га кириб, турли жониворлар ва йиртқич ҳайвонларга йўлиқибди. Оқшом чоғи аждарсимон жониворлар чангалидан қутулиб, «Дарёи ҳайрат»га чиқибди ва бир кемага тушибди. Аммо кема катта тўлқин зарбидан парчаланиб кетибди. Назар бир тахтага илиниб, дарёда оқа-оқа «Баҳри тахайюр» денгизига етибди Бу денгизнинг қирғоғида «Фавзи нажот» бешаси бўлиб, ундан «Шаҳри Ҳидоят»га ўтиш лозим эди. У бир кемага тушиб кетаётганида, қаттиқ шамол туриб кема бир тошга урилибди ва шикастланиб, сувга чўкибди. Назар тўлқин ёрдамида бир амаллаб қирғоққа чиқиб олибди ва «Шаҳри Ҳидоят»га етибди. Бу жойда Ҳиммат деган киши ҳукмдор экан. Назар шоҳ даргоҳига бориб, унга Фуодни мақсадига етказиш учун ҳаёт чашмасини қидириб юрганини айтибди. Ҳиммат эсп Назарнинг бу гапига шоҳ Фохир ва шайх Зарқдан кўра бошқачароқ жавоб қайтариб, бундай дебди:

Ҳар кишига таъбичадур барча ком,
Бирдек эмас олам аро субху шом.
Ҳар кишидин ком муяссар эмас.
Ҳар қора тош гавҳару афсар эмас.
Мандин эшит оники, таҳқиқ эрур,

Чашмаи ҳайвон сўзи тасдиқ эрур,
Лекин анинг бўлди хусули маҳол,
Жон анга таъйину вусули мажол...

Ҳиммат «Шаҳри Ҳабиб»нинг шоҳи Қомати пуршавкат номига нома ёзиб, Назарга кўмаклашишни илтимос қилибди. Назар бу номадан хурсанд бўлиб, йўлга чиққач, «Диёри саксор» деган жойга бориб қолибди. Бу жойда маймунсимои тоифалар ва тўрт кўзли девларга йўлиқибди. Улар Назарни талабди. Шунда Назар оғзига бир гавҳар солиб, кўзга кўринмас ҳолатга кириб, улардан қутулибди, аммо Рақиб Ағёрга дуч келибди. Рақиб Назардан «зар» сўзини эшитиб, унга йўл кўрсатмоқчи бўлибди, улар биргаликда «Шаҳри Ҳабиб»га етиб келибдилар. Шоҳ Қомат билан учрашганларида Рақиб ёлғон гаплар сўзлаб, бемаънилиқ қилибди. Қомат номани ўқиб, Назарнинг кимлигини билгач, Рақибни суҳбатдан четлатиб, Назарнинг ғайратига қойил қолиб, унга таҳсинлар ўқибди:

Деди шах: эй ёри фақиру ғариб,
Сўзинги де эмдики, кетди Рақиб.
Фитратингга, ҳимматингга офарин,
Меҳнат ила хизматингга офарин.
Кимса жаҳон ичра сенингдек жафо
Чеккан эмас, айлабон аҳду вафо...

Назар ҳам Қомати пуршавкатдан бу хил мақтовларни эшитгач, унинг ҳурмати ва марҳаматидан хурсанд бўлиб, ўзининг касб-кори ва маънавий фазилатларини сўзлабди. Қомати пуршавкат Назарни Жилва билан бирга «Манзили мақсад» га йўллабди. Бу жойнинг номини «Мулки Адаб» дейишар экан. Жилва Назарни «Мулки Адаб»да қолдириб, қайтибди. Гесу номли қиз Назарга «Мулки Адаб» ҳақида, бу мулкнинг ҳукмдори Хаё ҳамда унинг вазирлари Ифбат билан Исмаиллар ҳақида гапириб берибди. Суҳбат давомида Назар ўз отасининг туркистоилиқ, онасининг ҳиндистонлик эканлигини сўзлабди; шунда Гесунинг она жихатдаи унга қариндошлиги маълум бўлиб, бир-бирлари билан танишишибди:

Билди ани ўзига сирдош эмиш,
Она тарафдан яна қардош эмиш.
Сўрашибу топишибу мунграшиб,
Ўпди юзин бир-бирини йиғлашиб...

Гесу Назарга Ҳусннинг жойини кўрсатибди ва еочиниинг бир толасини бериб: Агар ўтга солиб тутатсанг, ёрдамга тайёрман.— деб уни жўнатибди.

Назар анча йўл босиб, Қалъаи дийдорга етиб келибди. Унинг саҳнида Гулшани рухсор деган манзил бор экан. Назар боққа кираётганида ҳинд кўриқчилг уни ўғри гумон қилиб асир олибдилар ва Хол номли йигитнинг

олдига олиб борибдилар. Хол эса Назарнинг ўғли эди. Бир вақтлар Хўтан мулкида Хитой қароқчилари Холни ўғирлаб, Ҳиндистонга олиб кетган ва «Гулшани рухсор»да қолдирган эдилар. Назар ўз ўғлини таниган бўлса қам, унга билдирмай, таъзим билан салом берибди. Хол дастлаб унинг илтимосига кўнмаган бўлса ҳам сўнгра Ҳусн олдига киришга рухсат берибди ва унга девлардан асрайдиган тумор тутишибди. Назар ухлаб ётган қизга яқин борган экан, қиз уйғониб, бошини кўтарибди. Назар унга ўзининг «Ғамзаи Ғаммоз деган ёрининг «турктоз» пайтида шу тарафларга асир тушганини сўзлаб берибди. Қиз Ғамзани унга кўрсатибди. Назар Ғамза ёрдамида Ҳусни билан учрашибди. Ҳусн «Обихаёт»дан хабар бергач, Назар Фуодни ишонтириш учун бирор чора кўришни илтимос қилибди. Ҳусн Назарга икки ғуломини («Хаёл ва Нағмаи ширин деган қулларини) кўшиб ҳамда «Чашмаи ҳайвон» нишонаси бўлган «ақиқ муҳр»ни (хотам лаълини) топшириб: «Муҳрии оғзингга солиб, таъми билан истаган жойга бора оласан»,— дсбди.

Назар икки ёнига Хаёл билан Нағмани олиб, оғзига «ақиқ муҳр»ни солганича «Гулшани қудсий»га қараб йўл олибди. «Мулки бадан»га борганларида, Хаёл сурат чизиб, Фуодга тақдим қилар экан, Нағма унга кўмаклашибди. Фуод қувончга тўлиб, Назардан сафар саргузаштларини сўрабди. Назар «Обихаёт» манзилени, Ҳусннинг «Қалъаи дийдор»даги маскани «Гулшани рухсор» эканлигини ҳанқоя қилиб берибди. Фуод «ақиқ муҳр»ни кўзига суртганида ажойиб бир олам намоён бўлибди. Жаҳонгашта бўлган наққош Хаёл «Чашмаи ҳайвон»нинг подшоси «Ҳусни жаҳонбол» эканини айтибди.

Фуод Ҳусннинг суратини кўргач, ўзидан кетиб қолибди. Назар «ақиқ муҳр» ёрдамида уни ўзига келтирибди. Фуод ишқ ўти ичида тўлғаниб, Ҳусн ёнига боришга аҳд қилибди. У «Шаҳри бадан»нинг шоҳи бўлган ўз отаси Ақлшоҳга билдирмай тонг саҳарлаб Хаёл билан Ҳусн томонга яширин ҳолда бормоқчи бўлибди. Лекин девор орқасида пойлаб туриб, уларнинг гапини эшитиб олган Ақлшоҳ вазири Ваҳми бало бу ҳақда шоҳга хабар қилибди. Ақлшоҳ ғазабланиб, ўзининг ишонган одамлари билан биргаликда Фуод ва унинг дўстлари кетидан қувиб кетибди. Йўлда уларнинг олдидан шайх чиқиб қолиб, кўп гапларни айтибди. Шоҳ ҳам ўйлаб ўтирмай, унинг айтганларини савоб деб билиб Фуод, Назар, Хаёл ва Нағмани тутиб зиндонга солибди. Фуод шериклари билан бирга зиндонда азобланиб ётганда, ҳақимлар ўртага тушиб, унинг ишқ дарди билан қийналаётганини фаҳмлаб олибдилар. Шунда Фуод зиндондан чиқарилибаи.

Ақлшоҳ бутун жаҳон шоҳларини йиғиб, Кўҳи Қофга жўнабди. Ақлшоҳнинг икки паҳлавони Ғам билан Андух «Қалъаи дийдор»ни ва ундаги Ҳусн кўшинининг ҳаммаси хотин-қизлар бўлишига қарамай, барчаси дов юрак

ва шердил эканлигини айтибди.

Ақлшоҳ Хўсн томонга лашкар тортибди. Қўшинлар орасида Фуод ҳам бор экан. Ақлшоҳ ўз лашкари сафининг зичлигини кўриб, Хўсн кўшини устидан ғалаба қозониш хаёли билан мағрурланиб, йўлида давом этибди.

Ақлшоҳнинг хом хаёлларга берилиб кетаётганлигидан фойдаланган Назар “ақиқ”ни оғзига солиб, кучга тўлиб, бандларни узибди ва зиндондагиларни кутқариб, «Қалъаи дийдор»га етиб келиб, Хўснга Ақлшоҳнинг кўшин тортиб келаётганини айтибди...

Кейинги эпизодларда Хўсннинг ўз яқинлари билан кенгашиб, турли жойларга мактублар юбориб, кучларни бирлаштиришга чақиргани, Хўсн ва унинг отаси Шаҳриёри Ишқ бошлиқ қанча элатлар кўшини билан Ақлшоҳ бошлиқ элатлар кўшини ўртасида қаттиқ жанг бўлгани, жангда Ақлшоҳ мағлубиятга учраб, ўзи зиндонга ташланганлиги, Ишқ ва Хўсн ғалаба қозонгани, Хўсн билан Фуод дийдор кўришиб, дардлашганликлари, Рақиб Девнинг кизи Форуқанинг Хўсн билан Фуодни хижрон ўтида ёндирмоқчи бўлгани ҳикоя ҳилрқади.

Бу воқеалар давомида Ақлшоҳнинг аслида Ишқнинг қариндоши эканлиги билиниб, у зиндондан қутқарилибди. Ишқ уни ўзига вазир қилиб тайинлабди; Ишқ ва Ақл биргалашиб, «раиятга риоя» қилибдилар; «Элга амну амон» берибдилар...

Зулмат лашкари кириб ташланибди. Ёруғлик элати кундан-куи камол топа борибди. Ранж ва азоб чеккаиларга кўмаклашибдилар.

Хўсннинг талаби билан ҳамма «Боғи Вафо»да тўпланишиб, 40 кунлик тўй-томоша бошланиб кетибди.

Шундай қилиб, Фуоднинг Обихаёт деб билган орзуси ушалибди: у Хўснга эришибди, бир-бирларига иззат-хурмат кўрсатиб, кун кечира бошлабдилар. Фуод Хўсн висолига эришгаидек, Назарга Ғамза, Ақлга Он, Ҳимматга Вафобону, Сабрга Карашмабону, Қоматга Зебо муяссар бўлибди. Уларнинг мақсадлари Ишқ раҳбарлигида рўёбга чиқибди.

Шоир худди шу ўринда Ишқ ҳақида гапириб, кишилар мурод-мақсадларига етсин, севган севганини олсин, деб ҳаёт гашти ва оила бахтини улуғловчи мароқли байтлар келтиради. Шоир бу дostonнинг ёзилиш тарихини куйидагича баён этади:

Суҳбат ила ул эл ўлуб муҳтарам,
Бўлди фароғатда нучукким қалам.
Муддати тарихиини этсам баёну
Хатми Дилу Хўсндур, эй нуктадон²⁸.

²⁸ «Хатми Дилу Хўсн» сўздаридоги ҳарфларнинг ададлар сони хижрий 1192 (мелодий 1778) йил бўлади.

Достоннинг образлари ва ғоявий таҳлили

«Хусну Дил» достонининг қисқача мазмуни ва ғоявий мазмунидан равшанки, июир ўз даврнинг илғор ғоялари мавқеида туриб, ажойиб афсонавий сюжет формасида тинч ва осойишта ҳаёт ҳақидаги олижаноб ниятларга эришиш мумкин, деган оқилона хулосалар чиқарган. Нишотий мамлакатда ранжу ситам уруғига барҳам бериш ва оламни ҳар қандай «хору хас»дан тозалаб, даҳр элига «файз ва завқ» бағишловчи боғ-роғлар яратиш ғоясини яққол ифодаладиган идеалларни ифодалаган. Шоир, ақл ва ишқ, фаҳм-фаросат, ҳиммаг-мурувват, онг-идрок билан иш кўрган тақдирдагина олийнийатларга эришиш мумкин, деган оқилона хулосалар чиқарган. Нишотий мамлакатда ранжу ситам уруғига барҳам бериш ва оламни ҳар қандай “хору хас”дан тозалаб, даҳр элига “файз ва завқ” бағишловчи боғ-роғлар яратиш ғоясини яққол ифодалайди:

Кимки биров қасдиға ўтин ёқар,
Чарх аниул ўт уза охир ёқар.
Ранжу ситам тухмини экса биров,
Ургусидур ҳам они вақти даров.
Эй нахуш ул субҳи саодат насим,
Накҳат анга бор эса давлат шамим,
Баҳравар андин бўлибон боғ-роғ,
Даҳр элига бўлса муаттар димоғ.
Қилса жаҳон саҳнини гулзорваш,
Қолмаса ул гулшан аро хору хас.

Достонда Ақл, Фуод, Назар, Ишқ, Хусн, Ҳиммат, Қомат, Он, Хаёл, Вафобону, Ғамза, Ишва, Карашма каби. образлар айниқса муҳим роль ўйнайди. Нишотий бу образларнинг қиёфаси ва фаолиятида тинчлик, осойишталик, ободонлик ва фаровонлик ғояларини мужассамлаштиради. Иккинчи гуруҳ образлар — Ваҳм, Рақиб, Форуқа, Фохир, Зарқ ва бошқалар зулм ва зўравонлик, қаҳр-ғазаб намояндалари сифатида гавдаланади. Демак, зиё ва зулмат кучларини мужассамлаштирган мажозий образлар ўртасидаги кураш достондаги конфликт асосини ташкил этиб, унинг характерини белгилайди.

Ақя образи, Нишотийнинг тасвирича, Ақл Юнонда (Грецияда) подшоҳ бўлиб, зўр ақли, донишмандлиги, ахлоқи билан ажралиб турар экан. Унинг адолатидан «мулк маъмур» ва яхши ишларидан «халқ масрур» бўлган экан:

Илм ила ҳикмат аро Лукмон эди,
Фаҳм ила фикрат аро бурҳон эди.

Етмагудек фаҳми Фалотуи. анго,
Ўзга эди расм ила қонун айго.
Мулки жаҳон ичра қилиб адлу дод,
Доди била эрди жаҳон мулки шод.
Адли била мулк эди маъмур анго.
Фазли била халқ эди масрур анго.
Илму адаб бобида моҳир дағи,
Қофиясанж эрдию шоир дағи,
Бўлганидин зоти қабули ином,
Даҳр эли отин дер эди Ақли том.

Фуоднинг аҳволи ёмонлашиб боради. Ҳақимлар унинг касалини «ишқ касали» деб айтадилар. Ақл эса яна ўзининг Ваҳми бало сингари маслаҳатчиларининг гапига кириб, Ишқ ўлкасига қарши жангга отланади ва бир ҳамла билан Ишқ ўлкасини босиб олмоқчи бўлди. Аммо у Ишқ ўлкасининг қудратини эътиборга олмайди. У ўз кучларига ортиқча баҳо беради, мағрурланади, Шоир айтганидек:

Ҳар бирида нахвату ужбу ғурур,
Ончаки ўздан эдилар бешуур.
Бор эди ул элга мунингдек хаёл,
Боргач этиб Ҳусн элин поймол.
Айлагамиз мулку диёрин хароб,
«Гулшани Ҳусн» ҳисорин хароб.

Нишотий Ақлшоҳдаги бу салбий сифатларнинг XVIII аср ҳукмдорларига хос эканлигини назарда тутиб, қаҳр-ғазабга, тўлган жоҳил ва золим шоҳларга яқин йўламаслик кераклиги тўғрисида бундай дейди:

Кимки қилур қурбати шаҳни ҳавас,
Қаҳр ўтиға ёнғуси андоқки хас.
Шоҳ демак кимсага ўйла ҳавас,
Охир анга оҳ бўлур ҳамнафас.
Шоҳ қусуридин ўзинг айла дур,
Токи санга шаҳ дегай эл беқусур.

Демак, Нишотий Ақлшоҳнинг илмини мақташ билан бирга, унинг камчиликларини ҳам танқид қилади. Шоир Ақлшоҳнинг бу камчиликлари ярамас маслаҳатчиларига ишонганининг натижаси эканини қайд этиб, XVIII аср ҳукмдорларида ҳам бундай салбий сифатлар борлигига ишора қилади.

Фуод образи. Фуод — Ақлшоҳнинг ўғли. У дунёга келганида ҳикмат эли

биргалашиб, маслаҳат билан унга ном қўйишган²⁹. Фуод эсини таний бошлаши биланок, ҳикмат эли тарбиясида бўлиб, фаҳм-фаросатини ошира борган. Шоирнинг ёзишча, Фуоднинг зехни ўткир бўлгаидан, у етти ёшидаёқ қироатни ўрганган, аста-секин ҳар қандай илмни ҳам ўрганиб, «ҳар неки мажҳул» бўлса, фикр юритиб ўзлаштира борган. У кўпроқ тарих ўқиш, шеър санъати устида муҳокама юритиш билан шуғулланган.

Фуод «Қалъаи жисм» деган жойда ўсади. «Қалъаи жисм» қасрлари олдида 360 наҳр ва 440 анҳор бўлиб, бундан бутун мамлакат фойдаланар эди. Ақлшоҳ шу жойнинг ҳукмронлигини ўғли Фуодга топширди. Фуод бу жойни адолатпарварлик билан идора қилди:

Ўғли дағи кўрсатибон адлу дод,
Мамлакатин айлади ободу шод.
Адл хуруфи каби кўз бирла дил
Халқ анга боғлаб эди муттасил.

Фуоднинг ёшлик йилларн турли фанларни ўрганиш билан ўтади. У илм ва ҳикмат аҳлларини ҳурмат қилади. Аммо ўз ўғлини ғоят севган Нафисбонунинг унга «дахр ёмон-яхшиси»ни билдирадиган, бошдан-оёқ «Ишқ ила Хусн» таърифидан нборат китобни тақдим қилиши билан Фуод ҳаётида ўзгариш пайдо бўла бошлайди. Энди Фуод ишқ-муҳаббат ҳаёлига берилиб кетади ва ғамгин воқеаларга дуч келади:

Лек ичибон жоми муҳаббат мудом,
Чехралари бор эди гулгун давом.

Нишотий тасвирича, Фуод кўп билимлардан хабардор бўлган на айна замонда Хуснни зўр оташ билан севган, ишқ йўлидаги ниятларидан сира қайтмаган ошиқ йигитдир. Аммо у айрим камчиликлардан ҳам холи эмас. Чунончи, мастлик туфайли Форуканинг қўлига тушиб, жафо чекади:

Ваҳки, на хуш деди ўшул мухтарам,
Маст паришон эса кўргай ситам.

Фуоднинг бошига тушган ташвишлар унинг ақлу фаросат вз сергаклик билан ҳаракат қилмай, ит билан охуни, зоғ билан булбулни фарқ қилолмай қолишининг натижаси эди. Нишотий Фуоддаги бу нуқсонларни умумлаштириб, унга ҳам, «жавҳари идрок»жа бефарқ қаровчиларга ҳам танбех беради:

Кимда ки йўк жавҳари идроки илм,
Кўнгли эмас ойнаи поки илм...
Хизматида бор эди бир пурхунар,
Зоғ ила булбулға бир ўлди қафас.

Нишотий ўз қахрамонларидаги бу камчиликларни танқид қилиш билан

²⁹ Фуод — Ақл, юрак, қалб демақдир.

бирга, унга ёрдам кўлини чўзган Ҳуенга таҳсин ўқийди ва унинг ғалабасидан хурсанд бўлгани ҳолда, ўз замонида аиа шундай меҳр-муҳаббат, ор-номус йўқлигидан шикоят қилиб, ўз аҳволига ачинади:

Оҳки, ман хастага йўқ ёру ор,
Ваҳ, на дедим бал манго қайда диёр?!
Улсам агар сўргали йўқдир кишим,
Ваҳ, на ажаб ёкса кўки нолишим...

Назар образи. «Ҳусну Дил» достонидаги образлар орасида Назар образи ўзининг маънавий бойлиги, ғайрати, шижоати, ҳаракатчанлиги ва тадбиркорлиги билан диққатга сазовордир. Аслида «Шаҳри Бадахшон»лик бўлган Назар халқдан чиққан (ота-боболари қоровул, қарол бўлиб ўтган) ва «пурхунар» киши бўлиб, шаҳзода Фуоднинг хизматкори эди:

Ит била оҳу бўлубон ҳамнафас,
Зоти қоровул эди, оти Назар.

Назар Фуоднинг аҳволини билгач, ҳар қандай хавф-хатарга қарамай, «Чашмаи ҳайвон каноридаги жонон»дан (Ҳусндан) хабар олишга жўнайдики, бу унинг жасурлигидан ва инсонга бўлган ғамхўрлигидан далолат беради. Достонда тасвирланишича, у денгизлардан жасур «маллоҳ» (матрос) сифатида сузиб ўтади, даҳшатли дашту саҳроларда ботир сайёҳ сифатида кезиб юради:

Қулумуз Уммон аро маллоҳ эдн,
Дашти жаҳон саҳнида сайёҳ эди.

Назар шоҳ Фохирнинг ҳам, шайх Зарқнинг ҳам ёлғон гапларига ишонмайди, уларнинг сўзига кириб ўз олдига қўйган мақсадидан қайтмайди. У шайхнинг бемаза ва «сидку сафо»дан маҳрум сўзларидан ҳамда бошдан-оёқ бемаъни ваъзхонлигидан унинг маънавий қашшоқлигини билиб олади:

Чунки Назар онглади онинг сўзин,
Қўрмади ул шайх сўзининг тузин.
Ваъзи аро йўқ эди нашъу намо,
Чунки йўқ эрди-анго сидку сафо.
Хуллас, онинг сўзин эшитти тамом,
Бошдин-оёқ бор эди муҳмал низом.

«Дарёи ҳайрат» эпизодида эса Назарнинг паҳлавонлиги гавдаланади. Шоирнинг тасвирича, Назарнинг паҳлавонлиги турли билим за хунарларни эгаллашида ҳам зоҳир бўлади. Назар образидаги бундай маънавий фазилатлар «Шаҳри Ҳабиб» эпизодида унинг шоҳ Қомат билан учрашувида алоҳида намойиш эттирилган. Шоҳ Қомат Назарнинг садоқати ва баҳодирлигига қойил қолади.

Бу ўринда шонр Назарга шундай характеристика беради:
Деди Назар борман анингдек фақир,

Ҳар фан аро табъим эрур беназир.
Илми нужум, ҳикмату адвор ҳам,
Билгум эрур сеҳр ила ашъор ҳам.
Илми риёзию илоҳий манго,
Табъим аро барча камоҳий манго...

Назар зиндонга солинганида ҳам умидсизланмайди. У зиндондан қутулиш йуллари излар экан, фақат ўзинигина эмас, балки Хаёл, Ғамза каби дўстларини ҳам қутқаришни кўзлайди:

Ҳар кишиким бор эди йўлдош анго,
Меҳнати зиндон аро сирдош анго,
Ечди адар бандини доғи равон,
Чиқтйлару қочтилар элдин ниҳон...

Хуллас, Назар ўз орзулари билан яшовчи, келажакка умид кўзи оилан қаровчи ижобий образ бўлиб, кўп жиҳатлардан «Фарҳод ва Ширин»даги Шопурга, «Алпомиш»даги Қоражонга ўхшаб кетади. У ўзининг ҳаракатчанлиги, курашчанлиги билан Фуоддан анча устундир.

Ҳусн образи. Ҳусн Шаҳриёри Ишқнинг қизи бўлиб, у гўзал, билимдон, тадбирли, бардошли. бўлиши билан бирга, вафо ва садоқат тимсоли ҳамдир. Ҳусн наққошлик, бинокорлик, музыка ва шеърятни жуда севади. Хаёл унинг ёнида наққошлик қилса, Ғамза мақомнавозлик қилади. Ҳусн «Қалъаи дийдор»да яшаб, хотин- қизлар билан бирга бўлади: ор-номуси ва юрт ҳнмоёси учун мардона курашда шерга тенг келадиган бу хотин-қизларга ҳомийлик қилади.

Ҳуси Назарни самимият билан кутиб олади. Фуод ишқининг нишонаси сифатида «Чашмаи ҳайвон» ақиқини бериб, наққош Хаёл билан нағманавоз Ғамзани унга қўшиб юборади. Аммо «Қалъаи дийдор»га лашкар тортган Ақлшоҳга қарши курашга отланишга мажбур бўлади. У адашмаслик учун кенгашиб иш қилишни бирдан-бир тадбир деб билади ва шундай фармон қилади:

Деди қилинг жам аозимлари³⁰,
Сафҳаи девондаги нозимлари,
То на кенгош қилгай алар ошкор,
Топғамиз ул маслаҳат узра қарор.
Неки кенгош бирла топар иртиқоб,
Бўлғуси албатта хатосиз савоб.

Ҳусн Ақлшоҳ қўшини билан Шоҳи Ғасод устидаи ғалаба қозонгандан сўнг, Фуодни зиндондан қутқариш тадбирларини ўйлаб, бу ҳақда Вафобону

³⁰ *Аозим*, — катталар, мансабдорлар.

билан маслаҳатлашади.

Ҳусш—ўйлаб иш қиладиган, ҳаёли, ифбатли соҳибжамол қиз:

Урмас эди дегали ғам элга дам,
Топмас эди маҳрами асрор ҳам.

Унинг сирдоши Вафобону эди. Назар Фуодга қанчалик садоқат билан хизмат кўрсатган бўлса, Вафобону ҳам Ҳуснга шунчалик нафодор ва фидокор эди. Шунинг учун ҳам шоир уни Вафобону деб атаган. Ҳусн ўз муҳаббатини яшира олмайди; буни Нишотий қуйидагича ифодалайди:

Мушкни гар сақласанг элдин ниҳон,

Қилғусидур иси-ўқ они аён.

Мушк ила ишқ ўлмағуси ёширун,

Зоҳид этар ўт бор эканин тутун.

Ҳусн фақат ўз севгиси, бахт-саодати учунгина эмас, балки дўстларининг шод-хуррам бўлиши учун ҳам жонбозлик қилади. Чунончи, у Нозни Назарга, Вафобонуни Ҳимматга, Қарашмани Сабрга унаштириш ишига аралашади. Нишотийнинг фикрича, Ҳусн ўзи ва дўстларининг муҳаббатини эл осойишталиги, ватан ободонлиги, виждон поклиги учун кураш билан чамбарчас боғланган деб билган номусли ва қаҳрамон қиздир.

Шаҳриёри Ишқ образи. Ишқ — идеал шоҳ образи. Нишотийнинг тасвирича, Ишқ кишиларни қадрлаш, дўстликка ривож бериш, маслаҳат билан иш кўриш, юрт ободонлиги учун ғамхўрлик қилиш каби олижаноб инсоний хислатларга эга бўлган. Шоир ишқнинг ғалабасидан, риёкорликнинг маҳв этилишидан қувонади:

То топайин Зарку риёдин халос,

Айлайин ихлосга жонимни хос.

Ақлшоҳни енгган Ишқ бу ғалаба билан чекланиб, мағрурланиб қолмайди, балки Ақлшоҳнинг юрти «Мулки бадан»ни эгаллаб олган Шоҳи Фасодга қарши кураш ҳам очади. Ҳамма жойда тинчлик, осойишталик ўрнатмоқчи бўлади. Кўпчиликнинг маслаҳати билан Ақлшоҳни зиндондан қутқаради ва ўзига вазир қилиб белгилайди. Ҳамма жойда «амн-амонлик», нисбий тинчлик учун курашади, ҳунар аҳлларининг ҳам қадр-қимматини оширади:

Аҳли ҳунар қадрини қилди баланд,
Этти инод аҳлини хору нажанд...

Нишотий бу идеал шоҳда ишқ ва ақл ҳам, дил ва ҳиммат ҳам борлигини ифодалайди ва ҳиммат бўлмаган жойда дунё «чоҳи бало»дан иборат бўлади, деб яна ўз замонидан шикоят қилади:

Ёраб, этиб сабр ила ҳимматни ёр,
Ишқ жанобида манго бер қарор.
Ҳиммат агар бўлмас эса доварим,
Ақл ила дил бўлмадилар ёварим,
Ҳиммат ила бўлмас эсанг дастгир,
Чоҳи бало ичра эрурман асир...

Ишқнинг суянган кишилари Ҳиммат ва Ғайратдир. Улар дўстни душмандан фарқ қилиб, Ишқ салтанатини мустаҳкамлайдилар. Бинобарин, Нишотий тасвирича, Ишқ қўшини зиё — ёруғлик бахш этади; душман томони эса «Лашкари Шом» — зулмат бўлиб, у ўлимга маҳкумдир. Нишотий бундай мажозий образлар орқали, «олам эли камёб» бўлиши керак, деган халқ орзумидларини ўз поэтик нияти билан улаб, романтик тасвир яратадн:

Ишқ эрур шоҳи муалложаноб,
Андин эрур олам эли камёб,
Зот анго аксар эрур кимиё,
Туфроға ул қадр берур ҳам бақо...

Рақиб образи. Рақиб разил кучлар ва девлардан иборат бўлган «лашқари фурқат» айрилиқ лашқари)нинг бошлиғидир. Рақиб — зиё душмани. Шоир Рақиб мисолида мужассамлантирилгач қора гуруҳларга нафрат билан қарайди, «Мол эгасига ўхшамаса, ҳаром ўлади» деган халқ мақолига ишора қилиб, уларнинг мудхиш қўшини ва туғларидақ кулади; муболаға санъатини ишлатиб, ёзади:

Туғи анинг бор эди андоқ фароз,
Ҳашр кунидин қади эрди дароз. _
Чунки эрур эл аро бу хушқалом:

Ўхшамаса мол эгасига ҳаром.

Рақиб «дўзахнишон» бўлган ўз қизи Форуқанинг макрларига таянади. Унинг гапига кириб, Фуод билан. Назарни дорга осмоқчи, сўнг уларнинг жасадини ўтда ёқиб, кулларини кўкка совурмоқчи бўлади. Лекин қўлга тушганидан кейин турли найранглар ишлатиб, ғоят «фирибгар» товламачи эканлигини кўрсатади, Чунончи. Ҳиммат уни аеир олиб, Фуод ва Назар ҳақида сўроқ қилишида, у маккорлик билан шундай дейди:

Халқи жаҳон матлаи огоҳ эмас,

Танимағон сийламаса айб эмас.

Нишотий тасвирича, Рақиб кишилик жамиятига нуқул «ранжу ғам» уруғини сепадиган қора кучлар намояндасидир. Шунинг учун ҳам Ишқ шохнинг лашкарбошилари Ҳиммат билан Ғайрат унинг илдизини қуритиш чораларини кўриб, уни ўзи қазиган чоҳга ташлайдилар.

Форуқа образи. Форуқа Рақибнинг қизи бўлиб, «Қалъаи ҳижрон»нинг посбонидир. У ўз қиёфаси ва хулқи билан Ҳусн, Вафо, Ғамза, Адо, Ишва ҳамда Карашмага сира ўхшамайди. У ғоят бадбашара, ёмон хулқли ва пасткашдир. Шоир Форуқани шундай тавсифлайди:

Бор эди бир дуни фалокатмаоб,

Эрди нажас сурату наҳс интисоб.

Умри ўлуб золи фалакдин зиёд,

Қиз эди эр топмайин ул бадниҳод.

Талъат анга бор эди дўзахнамо,

Хилқат анга оташи қаҳри худой.

Юз уза чуруқ ёғоч эрди бурун,

Ҳар ера ул борса, бориб ул бурун.

Баски совуқ юзлик эди тиражон,

Қочмоқи андин тилар эрди йилон.

Оти анинг Форуқаи жодувон,

Кўрқар эди хайбатидин инсу жон.

Отасининг оти Рақиб муҳиб,

Ҳокими дарбанди «Висоли ҳабиб».

Форуқа жодугарлик ҳам қилади. У маст бўлиб қолган Фуодга ўзини Ҳусн сифат қилиб кўрсатишга ҳаракат қилади, Фуод билан Ҳусн турмушини бузмоқчи бўлади. Сири фош бўлгач, ғазабланиб, Оуод билан Назарни дорга ошишга уринади. Аммо Шаҳриёри Ишқнинг зарбасига учраб, тоғдан-тоққа қочиб, қилмишига яраша жазоланади.⁷⁶

Нишотий Форуқани энг зарарли оғуга ўхшатади ва бундай кишиларни жамиятдан қувиб, таг-томири билан қуритишга ундайди. Пировардида Ҳиммат билан Ғайрат уни ўтга ташлайди.

Шайх Завқ образи. Нишотий риёкор шайхларни кишиларни жаҳолатга судрайдиган кабиҳ шахслар сифатида тасвирлаб, шайх Зарқ ва Муршиди илҳон образларини яратади.

Шайх Зарқда «на завқ, на нур, на илм, на амал» бор. У ҳатто «ғулу шаётин»га ҳам раҳбарлик қилади:

Зикр аро йўқ эди жуз нақш фикр,
Кайфи паришон бор эди анга фикр...
Шайх дема, бир ях эди фавқшин,
Аида на илму на амал, на яқин.

Шайхнинг ичи ғоят қора бўлиб, бировга яхшиликни раво кўрмайди, доим ваъзхонлик қилиб, кишиларни алдашга ҳаракат қилади. Шайх Зарқ ва унинг муридлари доим кўз ёши тўкиш керак, чунки кўз ёши кимёдир, у билан молу иқболга етиш мумкин; хазина топиш учун мол-жонни назр қилиш зарур, деб кишиларни аврайди:

Назр қилиб халқ анго, чун молу жон,
Топғуси ул даҳр аро г.анжи равон.

Ваҳми бало образи. Ваҳми бало Ақлшоҳнинг вазиридир, Ваҳми бало исмининг ўзиёқ унинг халқ бошига бало келтирувчи киши эканини кўрсатади. Шоир таъбири билан айтганда:

Оти анинг Ваҳми баложў эди,
Баддилу баддин эди, бадгў эди.

Ваҳмнинг энг ярамас ва хавфли хислати чақимчиликдир. Бировларнинг гапини тинглаш ва чин гапни қўйиб ёлғон сўзлаш унинг одатидир. У ана шу ярамас одати туфайли, Фуод ва Назарнинг бошига кулфат солади. Ақлшоҳни Ҳусн ва Ишққа қарши қўшин тортишга мажбур этади.

Достондаги масаллар. Нишотийнинг «Ҳусну Дил» достонида «Шаҳбоз ва Булбул», «Гул ва Даф», «Иай ва Шамшод», «Қосаи Чин ва Наргис», «Бинафша ва Чанг» каби масаллар ҳам келтирилган бўлиб, улар достоннинг узвий қисмини ташкил этади. Шу билан бирга, бу масаллар, достондаги воқеалардан қпъи назар, мустақил асар сифатида ҳам кўзга ташланиб туради.

«Шаҳбоз ва Булбул». Кунларнинг бирида, баҳор айёмида,. Булбул билан Шаҳбоз мунозара бошлабди. Булбул келишган ҳусни ва хушхонлигини пеш қилиб, Шаҳбозга мақтанибди, унинг «жаҳласар»лиги «баджамол» ва «бадмақол»лигидан кулибди:

Бир чамане сахнида фасли баҳор,
Боз ила Булбул эдилар сўз гувор.
Бозга Булбул деди, эй жаҳласар,
Санда қани савту наводин хабар?

Қушлар аро сан каби бир бадмаҳол.
Мумкин эмас бўлмоғи, эй баджамол.
Манман ўшул Булбули гўёхваш,
Нағмам эрур эл аро довудваш.

Булбулнинг танқидидан «савту наво»дан хабардор бўлиш, ширин сўзли бўлиш керак, деган хулоса чиқадики, бу тарбиявий аҳамиятга эгадир. Лекин Булбулнинг ҳам камчиликларидан кўз юммаслик керак. Масалан, у Шаҳбозни танқид қилар экан, ўз фазилатлари билан мағрурланади, «манман»ликка берилади. Гарчи Булбулнинг сўзлари Шаҳбозга огир ботса ҳам, у Булбулга шоир тилидан, «иззат тиласанг, бекордан-бекорга вайсама; юз иш қилгагингда, бирини айт, худбинларнинг иқболи паст бўлади», деб ғоят оқилона жавоб қайтаради:

Боз деди онга, ки хомуш бўл,
Бўлма тил, иззат тиласанг гўш бўл,
Англа яқинки, мангадур ёзу қиш,
Юзни қилиб бирни демаслик равиш.
Ҳар киши худбин эсаю худпараст,
Сен киби иқболи нетонг бўлса паст.
Манзили мақсад тиласанг сода бўл,
Жода киби сар-босар афтода бўл.
Ҳар киши худбину аъмо эрур,
Чунки кўзи хокаро маъво эрур.

«Шаҳбоз ва Булбул» масали ҳеч иарсани писанд қилмай Ҳусн устига кўшин тортиб бораётган Ақлшоҳнинг мағрурлигини фош этиш учун келтирилган.

«Гул ва Даф». Достон персонажларидан Меҳри диловар тўй катнашчиларини «Гулзори баҳор»га таклиф қилар экан:

Ҳар не ки, ул базмға даркор эди,
Гайри талаб барчаси тайёр эди, —

деб, у ерда илм эли шеър билан бадиҳа айтаётганини, нуктадонлар маънолар денгизида сузаётганини, соз аҳли нағмалар куйлаётганини баён этади. Шу пайт Гулга кўзи тушиб қолган Даф (чилдирма) унга қараб:

Гарчи қадим ғам юкидин дол эрур,
Шакл манго аҳсанул ашкол эрур, —
дейди

Гул унга шундай жавоб қайтаради:

Гарчи сени қўлга кўтарди гадо,
Бўлди наво истабон ул бенаво.
Лек мени боши уза шоҳлар

Қўйдилар ул моҳи фалакжоҳлар.

Кўрамизки, бу масалда Дафни қўлига олиб, наво истовчиларнинг бенаво бўлиб қолганлигига, бинобарин, шоир яшаб ижод этган даврда санъат аҳллариининг камол топиши учун ҳеч қандай шароит бўлмаганлигига ишора қилинади.

«**Най ва Шамшод**». Шу тўйда Шамшод дарахтининг савлат билан гердайиб туришини кўрган Най гапга аралашиб: Сен ҳавойи, худбин ва мағрурсан. Оёқларинг лой ичида бўлса ҳам, аммо димоғинг кўкка кўтарилган. Баҳор кела берса, ғурурланиб, янада баландроқ кўтариласан. Аммо шуни ҳам билиб қўйки, хазон ели бир кун сени хароб қилиб қўяди,— дейди:

Отинги Шамшод этибон шоҳсан,
Нахли баруманди бўлиб ерга банд.
Аслинг эрур банди балойи ҳаво,
Сен киби йўҳ даҳр аро бир худнамо.
Лой ародур банд оёғинг сенинг,
Баски етар кўкка димоғинг сенинг.
Фаҳри баҳор ила кўп ўлма баланд,
Боди хазон қилғуси бир кун нажанд.

Шундан кейин Най ўз шакли ва сифатлари ҳақида гапириб, бундай дейди:

Манман ўшал тўтии шаккар насиб
Бандам эрур нола чоғи андалиб.
Меҳр киби ич била тошим ёруғ,
Чарх киби кўз била кўнглум очук.
Дуди дамим шўъладур ул бод эмас
Пеша манго беҳуда фарёд эмас
Шамшод эса уни “Икки бошли ўлик илон”га ўхшатади ва ўз соясини мақтаб, ундан шоҳу гадо баҳраманд бўлишини айтади:
Этсанг ҳақиқатда ўзингга назар
Зотинг эрур мурдаи мори дусар,
Соя манго ўйла саодат шиор,
Кўнса ҳумо бўлғусидир тождор.
Манман ўшал соҳиби баргу наво
Мандин олур баҳрани шоҳу гадо.

Демак, Нишотий Най ва Шамшоднинг фойдали томонларини қайд этиб, уларнинг мақтанчоқлигини, бир-бирини писанд қилмаслигини қоралайди.

Шоир бировларни назар-писанд қилмай, димоғини кўтариб юрувчилар бир кун хазон ели билан яксон бўлурлар, деб “қиссадан ҳисса” чиқаради. Шоир ички дунёси ҳам, ташқи кўриниши ҳам “меҳр каби” ёруғ кишиларни мақтайди.

“Косаи Чин ва Наргис”. Ғамзанинг “Равзаи жаннатобод”идаги суҳбатда Коса билан Наргис мунозараси берилади. Суҳбатда кўлдан-кўлга ўтиб юрган Косанинг кўзи ҳеч кимни писанд қилмай гердайиб ўтирган Наргисга тушади:

Косаи Чин Наргиса солди назар,
Дидаи маълул ила ул бевасар,
Бори такаббурдин эди саргарон,
Илмас эди кўзига яхши-ёмон.

Шунда Коса Наргисга қараб:

Кўр кўзинг бирла недур бу ғурур?
Иллоти сўғро била не бу сурур?
Сен киби йўқ даҳр аро бир бевасар,
Юзингда иуқ нақши ҳаёдин асар.
Ҳар кнши ўз рутбасида хуб эрур,
Ҳар нима ўз ҳаддида марғуб эрур.
Шому саҳарлар тилабон симу зар,
Кўз санго кўр ўлди, кулоқ доғи кар,
дейди ва ўз нақшу нигорини таърифлайди:

Ҳар неки бор даҳр аро, нақшу нигор
Боқ бу тарафким, манғо юз онча бор.

Наргис унинг сўзларига шундай жавоб қайтаради:

Жонинг эрур хайр тамаъ ғор-тан,
Қайда таом ўлса очарсан даҳаи.
Бошинга гар бўлмаса мунча нифоқ
Демас эдилар отипғни эл аёқ
Сурат эли нақшга маҳрур эрур,
Маъни эли нақшдин ул дур эрур.
Кимки қилур дидаи жонон савод,
Нисбати зотим анго бордур мурод.

Бу масалда Нишотий Коса ва Наргис образлари орқали жамиятдаги «нақши ҳаёдин асар»и бўлмаган нодонларга кеча-кундуз фнкру хаёли «симу зар» (кумуш, олтин) тўплаш билан банд бўлган «сурат эли»га таъна қилиб, «маъни эли»га хайрихоҳлик билдиради.

«**Бинафша ва Чанг**». Гесу тўй қатнашчиларини ўз бинафшазорига олиб чиқади. Бинафша тўшалган бу жойда кишилар ҳам бинафша либосда намоён бўладилар. Ҳамма маст бўлиб, йиқилиб қолганида, қора кийимли, бошини қуйи солиб ўтирган Бинафша улар ўртасида шайхга ўхшаб кўринади:

Боши қуйи эрди, либоси қаро,
Шайх эди бу расм ила ул эл аро.

Бинафшани бу аҳволда кўрган Чанг унга қараб:

Фикр санго тийра, либосинг қаро,
Хона санго тору палосинг қаро.
Пеша санго бўлди сияқкорлик.
Дин йўлидин иш санго безорлик.
Лойиқ эмас бўлмоғинг ушшоқ аро,
Ваҳ на дедим бал бу куҳан тоқ аро,—

деб, ўзини мақтайди:

Кўр мани ким, фойиқи офоқ ман,
Сарвари сардафтари ушшоқ ман.

Бинафша эса унга жавобан:

Мажлис аро сен киби ғамгин қани?
Маҳфили зотинг аро тамкин қани?
Таййи мақомот ила кўп урма дам,
Кўз санга кўр ўлди дағи шал қадам...
Ишқ сўзи бирла кўп ўтма ғулўъ,
Лойиқ эмастур санго бу гуфтуғў,—

дейди ва у ҳам ўзини мақташга киришади:

Бил мани аттори гулистони ишқ.
Мандин олур бўйни гулистони ишқ.
Гулнинг эрур ранги била бағри сув,
Мандин эрур ер била кўк мушкбў.
Билдим ани даҳр вафосиз эмиш,
Умо деган усру бақосиз эмиш.
Онинг учун бўлди либосим қаро,
Ўлдим ҳам тутдим ўзумга азо.

Бу сўзлар Чангни ҳазин бир ҳолатга солади:
Чанги ҳазин этди бу оҳанги гўш,
Бош куйи солди-ю, бўлди хамуш.

Бу масалда ҳам шоир Бинафша ва Чанг сингари аллегорик образлар орқали ўз замонасининг ноҳўя хагги-ҳаракатлари устидан кулади.

Достоннинг тили ва бадий воситалари

«Хусну Дил» достонининг тили классик эпик иоэзия услуби билан узвий боғланган. «Наҳри ҳаёт», «Айни садоқат чашмаси» каби таъбирлар Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидаги «Наҳру ҳаёт», «Баҳрун нажот» номларига, ғулғула, валвала каби сўзлар эса «Садди Искандарий» достонидаги тасвирий сўз ва ибораларга ҳамоҳангдир. Чунончи:

Чекти келиб наъраи пур ғулғула,
Тўлди фалак дашти аро валвала.

Нишотий лексиконида Фузулий шеърятининг баракали таъсирини ҳам кўриш мумкин. Чунончи, достонда тушум келишиқ кўшимчаси –и (-ни) шаклида (Келтурунг Ақли деди кишваристон), қаратқич келишиқ кўшимчаси –инг (-нинг) (Қоматинг оғушиға қилди нигоҳ) қўлланган.

Достоннинг тилида Хоразм шеvasига хос элементлар бор:
Хуш дедиму амриға қилдим шурўъ,
Сўз қопуси сориға эттим ружўъ.

Шувингдек, достонда Бухоро шеvasига хос сўз ва иборалар ҳам тез-тез учраб туради (бу — достоннинг Бухорода ёзилганидан бўлса керак). Масалан, ўтмишда ёмон хулқли кишиларга, золим қукмдорларга ўлим тиланар экан, уларнинг кийими, савлати ва юриш-туришига киноя қилиниб, «марги нав муборак» (янги ўлим муборак) дейилар экан. Шаҳриёри Ишқнинг элчиси Ғампаҳлавон Ақлшоҳнинг олдиға бориб, у билан сўзлашганида гап орасига шу тожикча қочиримни қистириб ўтади:

Шаҳға дуо дер чоғи элтиб гарав,
Деди: «Муборак санго бу марги нав».

Достон классик эпик поэзиянинг маснавий формасида, арузнинг «мусаддаси матвии мавқуф» (муфтаилун муфтаилун фоилун) баҳрида яратилган бўлиб, 7092 байт (15584 мисра)дан иборат. Айрим боблардаги тавсифлар эса қофияланган мусажжаъ — Шарқ насри услубида ёзилган. Масалан, «Ҳиммати сипаҳдор, сабри фалак иқтидор, ғайрати солор... Диёри Саксорга... Фуоди гирифторга» бордилар... — «Хусни дилнавоз, Вафобону

Соҳиб эъзоз ва Нози Танноз, Ғамзаи ғаммоз, Гесуи фусунсоз ва Маҳлиқои ошнапардоз ва Моҳтақаллуми *сеҳрпарвоз* ва Меҳрбонуи *босўзу гудоз*, Қоматсардори *баландпарвоз*, Сарви *сарафроз*, яъни фуоди *соҳибниёз...*» хизматга тайёр эдилар.

Нишотий шеърий сатрларнинг мумкин қадар содда, маъноли, равон ва образли бўлиши учун ҳаракат қилган; асарнинг эстетик таъсир кучини ошириш мақсадида хилма-хил бадиий воситаларни ншга солган. Достондаги байт ва мисраларда ўхшатиш, истиора, киноя, муболаға, сифатлаш, мажоз, қарама-қарши қўйиш каби воситаларни жуда кўп учратиш мумкин. Бу бадиий воситалар воқеий манзараларни ёрқин ифодалашга ёрдам беради. Масалан, Назарнинг сувсиз саҳрода кезиб ҳолдан толиши қуруқликка ташланган балиқ талвасасига ўхшатилиб, муболаға билан қуйидагича бўрттирилган:

Толпинибон ўйлаки сувсиз балиқ,

Жон йўқ эди онга бугун тонглолик.

Ишқнинг лашкари билан Ақлнинг навкарлари ўртасидаги жанг тасвирида: «Шер ҳам бу талашлардан қўрқиб, хатто қорнидаги боласини ташлаб юборди», деб муболаға қилинган:

Бўлди аён турфа қитоли кабир,

Қўркусидин ташладн ҳамлини шер.

Ишқнинг лашкари билан Ақлнинг навкарлари ўртасидаги жанг тасвирида: “Шер ҳам бу талашлардан кўрқиб, ҳатто қорнидаги болаисни ташлаб юборди”, деб муболаға қилинган:

Бўлди аён турфа қитоли кабир,
Кўркусидин ташлади ҳамлини шер.

Тубандаги мисралар Ит билан Оҳу, Зоғ билан Булбул, Шаҳд билан Оғу кабиларни қарама-чарши қўйиш (тазод) йўли билан битилган бўлиб, улар Фуод билан Форуқа ўртасидаги воқеани ёритишга қаратилган:

Ит била Оҳу бўлибон ҳамнафас,
Зоғ била Булбулға бир ўлди ҳафас.
Шаҳд ила Оғу топибон имтизож,
Ишқ ила ишратға бор эрди ривож.

Инкор маъносини таъкидловчи на боғловчиси такрор усули билан қўлланилган:

Онда на завқу на ҳузуру на нур...
Онда на илму на амал, на яқин.

Қуйидаги мисраларда таъзил санъати қўлланиб, бирин-кетин фикрни кучайтирувчи сифатлашлар берилади:

Оти анинг Ваҳми баложў эди,
Баддилу баддин эди, бадгў эди.

Достонда ирсоли масал санъати ишлатилиб, халқ эртакларига хос бўлган («Бир бор эди, бир йўқ эди» каби) муқаддима ҳам кўзга ташланади:

Бор эди Юнонда биров подшо,
Эрди жаҳон шоҳи анга хоки роҳ.

Достонда халқнинг ҳикматли сўзлари ва ибораларини кенг қўллаб, асар тилини оммабоп қилишга интилиш сезилиб турадики, бу мақтовга лойиқдир. Чунончи, Фуоднинг маст бўлиб Форуқанинг домига тушганлигини англатиш учун «Маст паришонхотир бўлеа, ситам кўради» афоризми айниқса ўринли ишлатилган:

Ваҳки, на хуш деди ўшул мухтарам,
Маст паришон эса кўргай ситам.

Шунингдек, достонда «Ош эгаси билан тотли» мақоли Фуод тилидан қуйидагича ифодаланган:

Лек демиш кимсаки диққатлидир,

Ош эгаси бирла еса тотлидир.

Ёки доетонда «Айтилган сўз — отилган ўқ» мақоли:

Бир сўз агар чиҳса оғиздан равон,
Келмаги йўқ қайтиб оғизга гумон

мисраларига, «Аввал ўйла, кейин сўйла» мақоли:

Ҳар кишининг бор эса гар ақли туз,
Аввал анга кўз керагу сўнгра сўз

байтига, «Элчига ўлим йўқ» мақоли эса:

Сўйгай эдим тутмаса бу сўз кўлим,
Ким дер улус: Элчига йўқдир ўлим

байтига моҳирлик билан сингдирилгандир.

Шунингдек, тожикча «Чоҳ кандаро чоҳ дар пеш» мақоли ёки шу мазмундаги ўзбекча «Ким бировга қудуқ қазиса, ўзи тушади» ҳикматли сўзи Нишотий мисраларига бадий соддалик бахш этган;

Ушбу масал бордурур эл ичра фош,
Зоҳиру равшан эрур андоқ қуёш;
«Кимки қозар оқибат ул тушғуси,
Кимки ёқар охир ўшул пишғуси».

Тожикча «Кабутар бо кабутар, ғоз бо ғоз» мақоли ёки ўзбекларнинг шу мазмундаги «Тенг тенги билан...» ҳикматли сўзи ҳам Нишотий достонида ишлатилган:

Ҳар киши ўз рутбасида хуб эрур,
Ҳар нима ўз ҳаддида марғуб эрур.

Шоир халқ мақолларини усталик билан ишлатиш билан бирга ўзи ҳам мақол формасидаги мисралар битиш — мақоллар яратиш даражасига кўтарилади. Чунончи:

Суврат эли нақшга мағрур эрур,
Маъни эли нақшдин ул дур эрур.
Тўю азо хуштурур аҳбоб ила,
Шодию ғам ҳам яна атроб ила.
Бўлмағуси лоф ила одам далер,
Кимса тахайюл била ёхуд амир.

Ишки ўтар, анга пушаймон на суд,

Қушки тутилди, анга афғон на суд.

«Хусну Дил» достонининг тилидагина эмас, балки ғоявий мазмуни ва бадий формасида ҳам Навоий ижодиётининг таъсири сезилиб туради.

Навоий:

Жаҳон ким зоҳир айлар лолаю боғ,

Эрур ул боғ зиндон, лоласи доғ

каби мисралари билан замонасига танқидий қарапшни ифодалаган бўлса, Нишотий ҳам бу мазмунни ўз муҳитига татбиқ этиб:

Ёраб, ўзинг лутф ила осон манго

Айлаки, боғ ўлди чу зиндон манго,—

деб ёзган эди.

Навоий ўзининг «Фарҳод ва Ширин» достонидаги:

Дилорому Долорою Дилосо,
Гуландому Суманбўю Сумансо,
Паричеҳру Паризоду Париваш,
Парирайкар зиҳи ўн исми дилкаш
каби мисраларда Шириннинг надима (суҳбатдош)ларидан ўнта олима
қиз номини эслатиб ўтганидек, Нишотий ҳам Ҳусннинг атрофини ўраган
қизлар номини қуйидаги мисраларда тасвирлайди:

Барча дилором эди анда тамом,
Ҳар бирнга ном эди бир эҳтиром.
Ғамзаву Ишва дағи Ону Адо,
Шева Карашма дағи Меҳру Вафо,
Ёна бири Нозир фусунсоз эди,
Бири ани Сарви сарафроз эди.

Достоннинг қофияланишида ҳам сўз санъатининг хилма-хил
намуналарини учратиш мумкин. Қўп ўринларда бир сўз бир неча маънода
қўлланади. Чунончи, туюқни эслатувчи:

Юз уза чурук ёғоч эрди бурун,
Ҳар ера борса, борибон ул бурун

омонимик қофияли байтининг биринчи мисрасидаги «бурун» одам
аъзоларидан бири, иккинчи мисрасидаги «бурун» эса илгари, олдин
маъноларида ҳўлланган.

Умуман, «Ҳусну Дил» достонининг муаллифи Навоий ва Фузулийнинг
бадий тилидан файз ва завқ олиш билан бирга, ўзбек ва тожик тилидаги
халқчил ибора ва ифодалардан, ҳатто маҳаллий шева элементларидан ҳам
баҳраманд бўлиб, ўз асарини содда тил ва равон услубда яратиш учун катта
ижодий меҳнат қилган.

Достонда адабиёт ва унинг улуғ намоёндалари ҳақида айтилган фикрлар

«Ҳусну Дил» достонида Нишотийнинг сўз санъати ва унинг улуғ
арбоблари Низомнӣ, Хисрав Дехлавий, Жомий ва Навоий ҳақидаги фикрлари
алоҳида аҳамиятга эгадир. Шоир XVIII асрнинг 70-йилларида Хоразмда ўзбек
адабиёти жонлана бошлаган бир шароитда улуғ классиклар изидан бориб тил
ва адабиётга доир муҳим назарий хулосалар чиҳаради. Унинг фикрича, сўз
дури жон гавҳаридан ҳам азиздир. Сўз кишига жон беради. Сўзсиз одам
деворга ўхшайди. Қиши жисмоний нуқсонли бўлса ҳам, лекин ширин ва
бамаъни сўзлай олса, кишилар унинг ёнига борадилар, албатта:

Сўз дуридур жавҳари жондин азиз,
Валки эрур икки жаҳондин азиз.
Сўздин эрур ҳар тан аро жон дағи,

Жон демайин гавҳари имон дағи.
Бўлса биров шакли забундин забун,
Қомат эса ҳам анго андоққн нун.
Қўл анго шал бўлса, оёқ доғи ланг,
Бошдин оёқ бўлса агар ору нанг,
Лекин айго бор эса дурри мақол,
Борғусидир ёнига аҳли савол.
Сўз дуридин келтурибон анга дил,
Тиргузур они гар эса мурда дил.

Нишотий сўзнинг икки хил — «қабих» ва «малих» бўлишини, қабих барча ёмондан ёмон эканини, малих эса эл таъбирича, жон озиғи эканини уқтиради. Унинг таърифича, қабих сўз — «гилоб» (лойқа) бўлса, малих сўз «гулоб»дир. Бинобарин, қабих сўзламасдан, малих сўзлаш, унга маъно билан ранг бериш лозимдир. Маъносиз сўз «гарду бод»дир:

Мантиқ эли қилганида жонда фарқ,
Қилдилар ҳайвон била инсонда фарқ.
Сўздин эрур маънийи рангин мурод,
Бўлмаса ул сўзни дегил гарду бод.
Кимки ёмон сўзни дер — инсон эмас,
Сўзки ёмондир, ани ҳайвон демас.

Нишотийнинг фикрича, «ганжи роз» дунёда шу қадар кўпки, уи ишлатиш билан тугамайди. Сўзга зебу зийиат бериш лозим. Уни дилу жон деб аталмиш «айвонда» (қалбада) парвариш қилиб чиқариш керак. Сўз шундай таъсирчан бўлсинки, уи тингловчи «жон» десин. Сўз санъатининг назми ҳам, насри ҳам нозик адо бўлиши, латиф либосга ўралиши лозим:

Аршнинг остида эрур ганжи роз,
Олмоқ ила бўлмағай ул ганж оз.
Сўзки малоҳат била марғуб эрур,
Зийнат анго бўлса агар хўб эрур.
Ҳар киши сўз бикрини пайдо қилур.
Бошдин-оёқ зеб ҳувайдо қилур.
Парвариш айлар ани айвон аро,
Ваҳ, қаю айвонки дилу жон аро.
Нукта адосин дағи осон дегай,
Сўзни эшитганда улус жон дегай.

Нишотий сўз санъатининг улуғ устозлари Низомий, Хисрав Дехлавий, Жомий ва Навоийнинг ижодий хизматига юксак баҳо беради, уларнинг илғор кишилар бўлганлигини ва ҳар қайсилари адабиёт соҳасида алоҳида бир улуғ денгиз эканликларини зўр фахр билан куйлайди:

Шеър элидин улки муқаддам эди,
Ҳар бири бир баҳри муаззам эди.
Дурри балоғат қилиб онлар ниҳон,
Мавжи фасоҳат қилур эрди аён.
Дема алар васфини шоир эди,
Мусо эди, йўқ эса соҳир эди...

Шоирнинг эътирофича, улар назм элининг сардафтарлари, сухан аҳли тожининг қимматбаҳо гавҳарларидир:

Улки эрур назм эли сардафтари,
Аҳли сухан афсарининг гавҳари:
Тўрт киши бордур онлар аён,
Ҳар бири ҳайрони эрур баҳру кон.
Бирда ниҳон «Махзани асрор»и ҳақ,
Бирда аён «Матлаъи анвор»и ҳақ.
Сўз бирида «Тухфатул-аҳрор» эди.
Тил бирида «Ҳайратул-аброр» эди.
Ул бирисин Шайх Низомий дегил,
Мамлакату мулк низоми дегил.
Бу биридур Хисрави олижаноб,
Торами назм узра мунир офтоб.
Ул бириси ҳазрати Жомий эрур,
Даҳр элининг пок каломи эрур.
Ёна бири булбули дostonсаро,
Яъни Навоий эрур ул хушнаво...

Нишотийнинг таъбирича, Низомий, Хисрав, Жомий ва Навоийлар шундай ижод боғларини яратиб ўтганларки, у боғларга боди хазон ҳам зиён етказа олмайди, у ижод боғлари абадий яшнаб қолаверади:

Хисрав ила Шайх Низомийни кўр,
Миралн ҳам ҳазрати Жомийни кўр.
Тўртови тўрт боғ ила бўстон нишон,
Айладилар қилгани андин макон,
Ҳар бири ўз боғида дoston-саро,
Бўлди алар бўлғуча рўзи жазо,
Боғлари боди хазондин амои,
Ҳодисадин ўзларига йўқ зиён.
Чекди алар меҳнат ила дарду ранж,
Топди анинг ҳар бириси «Панж ганж»,
Тўртови чун «Хамса» қилиб иртиқоб,
«Хамса» лақаб топди аларга китоб.

Шундан кейин Нишотий ўзини ана шу улуғ устозларнинг содик шогирдлари сингари камтар тутиб, «Хусну Дил» достонининг муаллифи «Ғариб» ва «мулку диёридин бенасиб» бўлган шоир сифатида қуйидагиларни ёзади:

Ёзмок эрур пеша манга дам-бадам,
Лек нетай, бўйла ёзибдир қалам.
Сўзима сахван агар этсанг назар,
Тўла хато кўрсанг агар сар-басар...
Нуқсима бордур ўзима эътироф,
Сан дағи этгил анинг айбин маоф...
Мунча била доғи бор эрдим ғариб,
Мулку диёримдин эдим бенасиб...

Хуллас, Нишотийнинг «Хусну Дил» достоида шоир яшаб ижод этган жамият ҳаётининг тасвири ва умум фойдасини кўзлаб юритилган фикрлар муҳим ўрин тутди. Достон 62 бобдан иборат бўлиб, дастлабки бобларда шоирнинг ер, сув, осмон, офтоб, табиаг, инсон (1-5-боблар); ҳаёт, инсон ва унинг ишқи (2-боб), ёр-диёрга муносабати (6-боб), асарни яратиш тараддуди (7-боб), сўз санъати ва унинг кадр-қиммати (8-боб) ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларп. адабиёт оламида мангу бўстон яратган Низомий Ганжавий, Хисрав Деҳлавий, Абдурахмон.Жомий, Алишер Навоий хизматлари ҳақидаги фикри (9-боб), кириш қисмининг сўнги -10-бобида қаламга мурожаати акс эттирилган ва 11-бобдан асосий қисса бошлаиб, хотимада “Етти минг етти юз тўқсон иккн байт»ли асарни 5 ой ичида ёзганлиги уқтирилган.

Достон сюжети мураккаб ситуациялар, ҳаётий лавҳалар билан ривожланиб боради. Ақл-фаросат, ишқ-муҳаббат, илм ва ҳунар, меҳр ва садоқат сингари олижаноб инсоний хислатлар улуғланади. Демак, адолат, инсонпарварлик, дўстлик, ободонлик, инсоний севги ва маърифатни, сўз ва сўз санъатини бундай улуғлаш, шоир замонасининг шароитига кўра. муҳим ва шарафли хизматдир. Шоир қичоилардир яхшиликнинг ёмонлик устидан ғалаба қозонишига ишонади:

Дун элининг дунлиғ эрур пешаси,
Яхши элинг яхшидур андешаси.

Ўз даврида халқнинг хонавайрон ва оёқ осги қилинишидан нолиган шоир тинчликка, осойишталикка ундайди, ўз давридаги қўполлик ва дағалликларга қарши:

Чарх киби сан дағи бўлма дағал,—
деб хитоб қилиб, ғам-алам, кулфат ва машаққатлардан мустасно бўлган янги бир дунё қуришни орзу қилади:

Ким йўқ эрур анда аламдин нишон,

Меҳнату кулфат била ғамдин нишон.

Бироқ шоирнинг бундай фикр ва ғоялари замонасининг шароити билан чекланган эди. У ўз давридаги ҳукмдорларни яхшиликка, инсофга чақириш йўли билан ўз орзусига эришмоқни хаёл қилади.

Шоирнинг китобхонларга мурожаат қилиб ёзган:

Бор эса кўп ҳар неча саҳву хато,

Айлагил ислоҳини онинг ато.

Зайли карамдин анга ёпқил ниқоб,

Айламагил руҳима қаҳру итоб

каби байтлари, анъанавий хотима тарзида бўлишидэн ташқари, ҳикматли байтлардир. Мавлоно Нишотийнинг «Хусну Дил» достони ана шундай ғоявий-бадий фазилатлари билан шоир салафларининг дostonларидан фарқ қилади. Бинобарин, «Хусну Дил» достои XVIII аср ўзбек дostonчилигида ғоят муҳим ўрин эгаллаган ажойиб шърий қиссадир.

Мужрим — Обид

Ҳаёти ва адабий фаолияти. Мужрим — Обиднинг ҳаёти ҳақида тўлароқ маълумот берувчи манба ҳозирча топилган эмас. Лекин Мужрим ўзининг бир шеърида:

Гаҳе руҳим мазаллатнинг ғуборидин сўрамоққа,
Эрур ҳар саҳфаи девонда забт ўлғон рақам мерос,—

деганидек, унинг бизгача етиб келган адабий меросидаги айрим автобиографик материаллар, хусусан, «Ҳасби ҳол» шеъри асосида унинг ҳаёти ҳақида фикр юритиш мумкин. Мужрим тахминан XVIII асрнинг 40-йилларида туғилиб, 80-йиллар чамаси умр кўрган (унинг бир шеърида 76 ёшда экани таъкидланади).

ЎзР Фанлар Академиясининг Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган Мужрим — Обид девонларидаги насрий муқаддима ҳамда айрим шеърий парчалардан маълум бўлишича, шоир Бухорога илм олиш учун борган. Мужрим шеърларининг тили эса унинг Бухорога яқин жойдан эканлигини кўрсатиб туради. Бир ғазалида шоир ўз манзили Кумушкент эканини айтиб, қуйидаги мисраларни ёзган:

Кумушкент ўлкаси манзил,
Қолибмен анда по дар гил.
Ишимдур назми беҳосил,
Ки ёлғон сўзга чин бўлдим.

Бинобарин, Мужрим ҳозирги Бухоро вилоятининг Вобкент туманидаги Кумушкент деган жойда туғилиб, дастлабки маълумотни шу ерда олган, сўнг ўқишни давом эттириш учун Бухорога келган, деган хулоса чиқариш мумкин. Зотан, девонда шоирнинг ўзи ҳам ўн бир ёшгача туғилиб ўсган қишлоғида устоз қўлида тарбиялангани, қобилияти ва зийраклиги туфайли муаллимига ёрдамчи бўлганини, сўнгра отаси Миракхожа (шоир Мирак) ва акаси (хаттот Назир) ёрдами билан Бухородаги «Мирараб» мадрасаеига ўқишга борганини таъкидлайди.

“Арзи аҳволи бу фақиру ҳазин» мисраси билан бошланувчи ҳасби ҳол маснавийсида шоир ёшлигидаги ҳаёти тўғрисида қуйидагиларии ёзади:

Қайда бир базм бўлса ҳозир эдим,

Кўп томоша кўрарга нозир эдим.

Ҳама эл суҳбатимга толиб эди,

Орзулар кўнгулда ғолиб эди.

Иззатим, ҳурматим фузунроқ эди,'

Ҳар тараф боргали йўлим оқ эди.

Бандадин эҳтиёж йўқ эди,

Кўнглимиз бу сабабдин тўқ эди.

Кунда кўп меҳмон кузатмак ила,

Бирин олиб бирин узатмак ила,

Йўллари узра интизор эдим,

Эл аросида эътибор эдим.

Шундай қилиб, «қарилик қирқ ёш мобаъди» бўлганга қадар Мужрим иззат-ҳурматда турмуш кечиради. Бундан кейин эса:

Бўлди фарзандлар бариси кабир,

Манга бўлди бу муқтазо замир,—

деб шодланади ва ширпн орзулар оғушига берилиб, умрининг қолган қисмини ўзи тарбиялаб вояга етказган фарзандлари соясида ўтказиш умидида бўлади:

Ким алар соясида бўлсам пир,

Ула турғонда қилгуси тавфир.

Жоним осойиши алар биладур,

Шомнинг зийнати сахар биладур,

Яъни фарзандлар мулозим эрур,

Хизматим барчасига лозим эрур.

Бўлишурлар ўларгача манга ёр,

Ҳар на амр айласам эрур тайёр.

Аммо шоирнинг орзуси ушалмайди, умидлари хомхаёл бўлиб чиқади:

Ғалату беҳаво деб эканман,

Сўзларим кўб хато деб эканман.

Хайф молу манол беҳуда сарф,

Ки бнй айлагай зиён ила ҳарф.

Ота билан бола ўртасидан меҳр-оқибат кўтарилиши ажабланарли эмас, албатта. Шоир айтганидек, ўша даврда:

Кўтарилди халойиқ оросиндин меҳр ила шафқат,

Ота-ўғил, она-қиз бир-бира номехрибон бўлди.

Мужримнинг бошига тушган алам-изтироблар ўша давр иқтисодий шароити, ижтимоий ҳаёт билан изоҳланади:

Икки ўғилу беш қиз бариси,
Ҳар бири бўлдилар бир уй эгаси,
Кўрдиларким, атода йўқ дирҳам,
Рафту омадни қилдилар барҳам...
Ушбу қарридин этмадилар ёд.
Анинг учун ману кўнгул ношод,
Рўзгор аҳли ичра хор ўлдум,
Удбони аҳли рўзгор ўлдум.

Орзу-умидлари амалга ошмаган шоир дунёнинг барча иссиқ-совуғидан кўнглини узиб, умидсизликка берилади:

Бир қурук чўби бед бўлмишман,
Ҳаммадин ноумед бўлмишман,
Энди манда на орзу, на хавас,
Ғайри туфроқ уза кўмилмагу бас.

Демак, шоир ҳаётининг сўнгги йилларида ҳаддан ташқари мухтожлик ва азоб-уқубат билан кун кечирган. Унинг кўп шеърлари шоирнинг ўз «Ҳасби ҳоледур бу Обид айғони», деб уқтирганидек, ўз аччиқ саргузашти, демак, ҳаёт ҳақиқатини инъикос эттиришга қаратилган.

Адабий мероси. Мужрим — Обиднинг ўзбек тилида икки девони (ЎЗР ФАШИ, инв. № 976, яна инв. № 3798) ва тожик тилида ёзилган бир (ЎЗР ФАШИ, инв. № 991) шеърый девони бизгача етиб келган. 130 варақдан иборат 976 рақамли нусха 1233 (1817-18) йилда, 3798 рақамли нусха эса ундан 26 йил сўнг, демак, шоир умрининг «қарилиғ» йилларида тартиб берилган. Девоннинг «Дебоча»сида келтирилишича, шоир барча асарларини тўплай олмаган, «беомон»лик пайтларида унинг жуда кўп шеърлари «пароканда» бўлиб «йўқолган». Мужрим ёзади: «Ночор хангоми қарилиғ қуввати аъзога сустлиғ ориз бўлди ва ҳар ғазални овони шабобдин то замони беамони шайхлиғгача (ёшлик палласидан омонлик қарилик замонигача — В. А.) айтилиб, ҳар ерда ажзу пароканда бўлуб йўқолган эди». Мужрим ўз замонасининг илғор кишиларидан бўлиб, давр адабиётнинг тараққиётига маълум ҳисса қўшган. У дастлаб (чунончи, Амир Шохмурод ҳукмронлиги даврида) Мужрим тахаллуси билан шеърлар ёзиб, шуҳрат топган. Амир Ҳайдар эса унинг адабий тахаллусини ёқтирмаган. Мужрим тахаллуси ўрнига Обид тахаллусини олишни буюрган. Шоир шеърда Обид бўлгани билан ҳеч қандай моддий имтиёзга эга бўлмаганлиги ҳақида шундай мисраларни битган

эди:

На Обидлиғда масрурам, на Мужримлиғда махжурам,
Чу толе ёр йўх, миқдор йўқдур мунча номимға.
На бир Мужрим бўлиб аҳли жаҳон олдиға йўл топдим,
На бир Обид экан деб ҳам жаҳонга эътиборим йўқ.
Обид ўлғондин бери Мужримлиғ исмим бўлди махв,
Қоили ҳар иккаласи роқим осорим қалам.

Шунингдек, шоир Обид бўлиб, ибодат қилувчилар сингари хопақоҳ кунжини ўзига макон қилмаганини шундай ифодалайди:

На обидларга ўхшаб хонақоҳ кунжин макон этдим,
На мужримлар киби махбуси ҳар зиндойа ўхшарман.

Мумтоз адабиёт анъаналари. Мужрим — Обид классик адабиётнинг ғазал, мухаммас, маснавий, қитъа, рубоий каби шеърӣ жанрларида ижод этди. Унинг шеърлари мавзу жиҳатдан анча кенг ва хилма-хилдир.

Мужрим классик шоирларимизнинг асарлари билан жуда яхши танниш бўлган шоир сифатида адабиёт майдонига кириб келади. У устоз шоирлардан таълим олади, шеърӣят қонун-қоидаларини ўрганади. Дастлабки ижодий изланишлари даврида классик шоирларнинг айрим ғазалларига назиралар боғлаган Мужрим бора-бора мустақил овози ва лирик созиға эға бўлган санъаткор бўлиб етишади.

Мужрим — Обид ижодида Алишер Навоӣ, Бадриддин Ҳилолий, Мирза Бедил, Бобораҳим Машраб ва Хўжаназар Ғойибназар ўғли Ҳувайдонинг таъсири борлиги сезилиб туради.

Масалан, Алишер Навоӣнинг:

Юз туман меҳнат ўқи андуҳлик жонимдадур,
То ҳаводин сарзаниш сарви хиромонимдадур,—

деб бошланадиган ғазалиға Мужрим — Обид қуйидагича назира ёзади:
Охир ул бедодгар қасди менинг жонимдадур,
Ёки тиғин тез этарға муддао қонимдадур?
Кўнглим афгор ўлғанин андин халойиқ фаҳм этар,
Ким хароши доғ кашфи оҳу афғонимдадур.
Мужрим англаб халқи олам кўрдилар кўзға ҳақир,
Билмадилар хосиятлар банду зиндонимдадур.

Ёки Навоӣ:

Ўйрулай бошингғаю беҳушу ҳайронинг бўлай,
Бир замон садқанг булай, бир лаҳза қурбонинг бўлай,
деб ишқӣй лириканниг ажойиб намунасини яратган бўлса, Мужрим ҳам

шоирлик маҳоратини ишга солиб:

Ман асири қомати сараи хиромонинг бўлай,
Ё бошингдан ўргулай, ҳар лаҳза қурбонинг бўлай
каби лирик сатрлар яратади.

Мужрим ўша даврда машҳур бўлиб кетган Бобораҳим Машраб ижодидан ҳам фойдаланиб, унинг шеърлари таъсирида асарлар ёзди. Чунончи, унинг:

Кўрмакка орзуманд, эй дилбари хирадманд,
Дилбар, кўзим йўлингда кўп интизор бўлди.
Кўйсанг қадам кўзимга, бошим етар самоға,
Гаҳ ман салом қилсам, гаҳ сен салом қилсанг.

Мужримга қил нигоҳе, ҳарчанд кўп гуноҳи,
Сан ҳусн аҳли шоҳи мундоғ низом қилсанг

каби мисралари Машрабнинг «дилбар» радифли машҳур ғазалининг маъно, мазмун ҳамда вазнига ҳамоҳангдир.

Одатда, шоир бошқа бирор шоирнинг байтига тахмис тўқиш орқали ўзининг ўша шоир ижодига бўлган муносабатини кўрсатади. Чунончи, Мужрим Навоий, Бедил каби ажойиб сўз усталарининг ғазалларига мухаммаслар боғлаган экан, бу ҳол унинг илгари ўтган шоирлар билан шеърятда ҳам гоё, ҳам фикр бўлиши учун мусобақа қилишга, улар сингари етук шеърый асарлар ёзишга бел боғлаганидан дарак беради. Масалан, Алишер Навоий:

Меҳр кўп кўргуздим, аммо меҳрибоне топмадим,
Жон баче қилдим фидо, ороми жоне топмадим

матлаъли ғазалида лирик қаҳрамоннинг севгида муваффақиятсизликка учраб, оғир руҳий азобда қолишини, ёрининг вафосизлигидан шикоятини тасвирлаган. Мужрим — Обид Навоийнинг шу ғазалига мухаммас боғлаб, Навоий ғазалига ҳамоҳанг чуқур мазмунга эга бўлган мисралар яратган:

Олами фонийда кулфатсиз маконе топмадим,
Ғайри андуҳу ғаму оҳу фиғоне топмадим,
Бир аниси шоду ғам, ширин забоне топмадим.

Мужрим бу мухаммасни Навоий билан мусобақалашини учунгина эмас, балки худди Навоий сингари, ўз замонасндаги ижтимоий тенгсизликдан норози бўлгани, ўзига муносиб ҳамдард, дўст топа олмагани учун ҳам ёзган.

Худди шунингдек, Алишер Навоий:

Кўнгул жон бирла бўлди ҳамраҳинг, ман дард-ла ўлтурдум,
Санга жон бирла кўнглумни, сани тенгрига топшурдум

матлаъли ғазалида ёрини сафарга жўнатган ошиқнинг ички кечинмаларини ифодалаган бўлса, шу ғазалга тахмис боғлаган Мужрим

ундаги мазмунни ривожлантириб, қуйидати мисраларни пайванд қилган:

Сафарға озим ўлди ёру оху алвидо урдум,
Фигону нолами тўққуз фалак сахнидин ошурдум,
Кўзимни тутди ашким, на еру на осмон кўрдим.

Мужрим — Обид тожикча шеърларида Бедил ғазалларига ҳам муваффақият билан мухаммаслар боғлаган. Чунончи:

Обидо, бар хеш бингар, ҳасби ҳоли мо мапурс,
Хомии табъи маро диди, хаёли мо мапурс,
Мужрими дорем тарҳи инфилоли мо мапурс,
Шахси тасвирем, Бедил аз камоли мо мапурс,
Ҳарфи мо ногуфтанию, кори мо нокарданист.

(Эй Обид, ўзимга қара-ю ҳол-аҳволимни сўрама, шеърларимнинг хомлигини кўрдинг, хаёлимни сўрама, гуноҳкорлигимиз бор, ҳолимизни сўрама, тасвир кишисимиз, Бедил, камолимиздан сўрама, бизнинг сўзимиз айтилмайдиган, ишимиз қилинмайдигандир).

Демак, Мужрим — Обид ўз шеърлятида илғор бадий анъаналарни давом эттиради ва такомиллаштиради.

Шоир халқчил адабиёт тамойилларида туриб, ўз давридаги зиддиятли ҳолатларни очади:

Замона ҳар кима бир тарз рўзгор қилур.
Бировни восили давлат, бировни хор қилур.
Бировни кўлига берур мадори мулки жаҳон,
Бировни то даме ўтгунча бемадор қилур.
Бировни ғам била, қайғу била адо айлар,
Бировни ишрати оламға пойдор қилур.
Бировни дийдаи бийносидин жудо айлаб,
Тамоми умрин асокашга интизор қилур.
Бировга симу зар беҳисоб рўзи этар,
Бировни бир пул учун йўл юзида зор қилур.
Бировни кўнлида кибру, ғуруру завқу ҳузур,
Бировни кўйи ғарибликда хоксор қилур.

У ҳамма жойда ҳам ўзи каби ижодкор - меҳнат аҳлининг хору зор, зулм ва ситам остида изтироб чекканини кўради:

Ман харобот ичра бу кун айларам дафъи малол.
Анда ўзимга муносиб неча бағри пора бор.

Шунинг учун ҳам шоир меҳнаткаш омманинг дард ва аламини қайғу ва ҳасратини куйлайди, ўзи каби жафокашларга ҳамдард бўлиб, умум фикри ва кечинмаларини ўзининг лирик қаҳрамони орқали умумлаштиради. Шоир кўлида қалами бор экан, замонасининг зулмидан, даврон жафосидан нолиб,

тинмай куйлашини дадиллик ва самимият билан ёзади:

Ёзарман то қалам илгимда даврони жафолардин,
Камолим қайгу бўлди, билмадим, бир кун заволим бор.

Шоир кишилар аҳволига ачинади, улар хору зорлигининг ҳақиқий сабабларини излашга интилади. Шоир жамиятда тенгсизлик ҳукм сураётганлигини кўради, аммо ўша кулфат ва аламларнинг боиси шу тенгсизлик эканини тушуна олмайди. Шу сабабли шоир баъзан умидсизликка тушади, баъзан келажакдан умидвор бўлади. Бу жиҳатдан шоирнинг қуйидаги шеъри айниқса характерлидир:

Дариғ, айланмади чархи фалак бир кун маромимға,
Тазарви бахт илинмай, ром бўлмай ўтди домимға.
Яқосиға қўлим етмай, чолиб домонидин тутмай,
Фалак не қилғонимға айланибдур интиқомимға.
Қоронғу рўзгорам, балки хорам, жони афгорам,
Ажаб йўқдур агар табдид топса субҳ шомимға.

Бу шеъри парчанинг кейинги (шом субҳ - кеча кундузга айланиши ҳақидаги сатри) диққатга сазовордир. Умуман, мудҳиш замондан ва унинг жабру жафоларидан нолиш Мужрим ижодида марказий ўрин эгаллайди. Чупончи, шоир шеърида ўзини қанотидан айрилиб, «сокини вайрона» бўлиб қолган кушга ўхшатади:

Қулоғим тинди, шамъим сўнди, жоним ишрати синди,
Ҳамоно чуғзи бепар, сокини вайрона ўхшарман.

Шоир алам ва қайғудан жаҳонни бузғудай кучли оҳ чекади, унинг дард-алам тўфони билан қопланган уйига ҳатто қуёш ҳам киришга кўрқади, кўзидан оқизган ёши дарё бўлиб эшигини тўсиб қўяди. Шоир ўз аҳволининг оғирлигини муболағали мисралар билан ифодалайди:

Бу кунларким жаҳонни бузғудекдур шиддати оҳим.
Қуёш кўрқиб киролмас мунча тўфонлиғ мақомимға
Уйим атрофини селоби ашким қилди дарёе,
Эшик масдуддур, эй ғам, бугун келма саломимға.

Шоир, айниқса ўз фарзандларидан бевафолик кўргач, аччиқ азоб билан ўтган умрига ачинади:

Бевафолик баски хўб кўрдим жаҳон абносидин,
Ҳайф охир ўтди умрим субҳдин то шом талх.

Азоб-уқубат, алам-ҳасрат шоирга шунчалик гаъсир қиладики, у саҳроларга чиқиб ўз «ғунчаи табъи»ни очишни истади:

Тушубдур бошима савдойи ғурбат,
Бўлибман волаи шайдойи ғурбат.
Ватан ичра топилмас хушёре,

Ичай бир неча кун саҳбои ғурбат.
Бўлибман қофила солори ҳижрон,
Ғаму дарду алам колоийи ғурбат.
Бу маъвода очилмай ғунчаи табъ,
Ҳавас айлар кўнгил маъвойи ғурбат.
Қўрибман бевафолик шаҳр элидин,
Бўлай овораи саҳрои ғурбат.

Шоир:

Обиди саргаштайи маҳжур кўп доғи алам,
На анису, на касу, на кўю на дамсози бор

байтида ёлғиз ва кимсасиз қолганига ишора қилади ва жамиятда орзу-умидларини амалга ошириш имкони йўқлигини ҳис қилиб, шундай хулосага келади:

Уй ичра сўзларинг бозор савдосиға рост эрмас,
Дегонингча йўқ эркан бу жаҳони бевафо Мужрим.

Шоир фарзандларининг унга бевафолик, оқибатсизлик қилганини ўз фикрига далил қилиб келтиради. Фарзандлари вояга етгач, Мужримни кўҳна вайронада қолдириб, ўз вақти хушлиқларини ўйлаб кетишлари унинг қалбинн тирнаган ғам-алам боисларидан бири эди. Буни шоирнинг «ҳасби ҳол»и дейиш мумкин бўлган маснавийсида яққол кўриш мумкин. Шоир бу аламли фожиани зўр ҳасрат ва надомат билан эслаб:

Қўйнимни холи кўрди авлод юмди кўз,
Азбаски ошно экан, онлар пулим билан,—
деб ёзади.

«Меҳр излаб, қаҳр кўрган», меҳнат қилиб, роҳат кўрмаган шоир тазод санъати билан ёрқин ифодаланган қуйидаги лирик сатрларида кншини тўлқинлантирадиган дард-ҳасратини тўкиб ташлайди:

Айтингиз, оламда мандек бенавое бормикин?
Бедилу, бечораю ғам мубталое бормикин?
Ҳеч биродардан менга келган эмас бўйи вафо,
Аҳли оламда манингдек пур жафое бормикин?
Меҳр излаб, қаҳр кўрган, шарбат излаб, захр нўш,
Рўйи роҳат кўрмаган меҳнат адое бормикин?

Инсонлик шаънига иснод келтирадиган қабиҳлик — кишини молу давлатига қараб баҳолашнинг, камбағал шоирни кўҳна вайронада қаровсиз ва эътиборсиз қолишининг боиси оқибатнинг йўқолиши эди, Ҳақиқатан ҳам, мол-давлати йўқлиги учун қўли калта ва ўзи эътиборсиз бўлиб қолган халқчил ва истеъдодли шоир Мужримнинг ҳасби ҳоли барча халқнинг ҳол-аҳволини

ифодалаши жихатидан ҳам характерлидир:

Таъсир йўқ сўзимдаю, ўзимда эътибор,
Молим йўқидин ўлса тилим лол, найлайин?!

Мужримнинг форс-тожик тилида ёзган ғазалларини ўз ичига олган девонида ҳам замонидан шикоят ва норозилик кайфиятларини ифодаловчи шеърларии кўп учратиш мумкин. Масалан:

Чи захмхо ба дили зору нотавонам кард,
Чи фитнахо ба ман, эй шўх, ин жаҳонам кард.
Хуши зи модарй айём дидамаш дар мадх,
Ки ҳар чи кард ба жонам, ҳамин замонам кард

(Замона менинг нотавон кўнглимда қанча-қанча яралар ҳосил қилди, менга не-не фитналар кўргузди. Мен фақат онадан туғилган вақтимда, бешикдагина шодликни кўрдим) ва ҳоказо.

Шоир бир шеърида, мен юрагимдаги дарду ғамимнинг мингдан бирини қайд қилсам, уни ўқиган китобхон ақлдан озади, дейди:

Маи аз ҳазор якеро қайд кунам,
Девона мешавад, ки бихонад китоби мо.
Обид зи дарду ғуссаи айём меравад,
Ҳар каски по ниҳад ба мавжй сароби мо.

Шоир ижодида замонадан норозилигини ифодаловчи шеърларн шунчалик кўп эдики, у ҳатто бойлардан қанча «молу ҳашам» мерос қолса, ундан шунча «ранжу алам», «туганмас дарду ғам» мерос бўлиб қолишини эътироф этади:

Кетарман даҳрдин бир кун, қолур ранжу алам мерос,
Ки қолгайдек ғанийлардин неча, молу ҳашам мерос.
Эмасдур ҳеч давлатманд манго монанд мустағний,
Қолур мандин ҳамоно ҳеч туганмас дарду ғам мерос.

Ҳақиқатан ҳам, шоирнинг замонасидан ўзи ва ўзи каби жафокашларнинг катъий норозилигини ростгўйлик билан ифодалаган ҳам ғамгин, ҳам жўшқин шеърляти мерос бўлиб қолди, бу шеърляти катта маърифий ва тарбиявий аҳамият касб этди.

Севги лирикаси. Мужримнинг ўзбек ва форс-тожик тилларидаги девонларига кирган шеърларининг кўнчилик қисмини муҳаббат лирикаси ташкил этади. Шоир лирика бобида ҳам классик поэзиянинг илғор бадий анъаналарини муваффақият билан давом эттиради. Шоир лирик шеърларида ёрга садоқат, уни хуру парилардан устун қўйиш ва ёрга вафодорлик мотивларини олға суради; «На хушдур ҳар кишига ишқ ўтидин асар бўлса»,— деб ёзган шоирнинг ўзи лирикасида севгилисига содиқ олижаноб инсон сифатида гавдаланади:

Сансиз, эй махваш, кўнгул сайри гулистон истамас,
Балки жисми нотавоним роҳати жон истамас.

Шаҳдинг жондин сучукдур, бир табассум қилғонинг,
Лаззати лаълингни кўрган оби ҳайвон истамас.

Эй қарчиғай нигоҳим, кўнглим шикор қилдинг,
Мастона кўзларингга жоним хумор қилдинг.

Юзингни гул дедим, сочингни сунбул, кўзларинг наргис,
Сўзинг шаккар, тилинг руста, лабинг лаъли бадахшоним.

Шоир маъшуқанинг гўзаллигини тасвирлаш учун «қарчиғай нигоҳим» сингари халқчил образли иборалардан ва классик адабиётдаги турли бадий воситалардан ўринли фойдаланиб, оригинал ўхшатишлар ҳам ижод қилади. Чунончи, шоир ижодида:

Лабингдин ғунча кулмак истару наргис нигоҳингдин,
Тараҳхум айла помол ўлмасун гул, кирма гулзора

каби мисралар билан бирга, унинг поэтик маҳоратики намоиш этувчи ўз замондоши Муҳаммад Шариф Шавқийнинг «...гулзоргинам, йўқу боргинам, гули баҳоргинам» каби эркалаш воситаларига ҳамоҳанг сўлим ва ўйноқи байтлар ҳам бор:

Кўнглим очилур гулдек, ёргинамни бир кўрсам,
Хизмат айларам қулдек ёргинамни бир кўрсам.

Ул моҳи парипайкар илгида зару зевар,
Ҳар каломи жонпарвар ёргинамни бир кўрсам.

Тоза дилбарим келсун, меҳрпарварим келсун,
Шўри маҳшарим келсуч, ёргинамни бир кўрсам.

Доғи мубталодурман, ҳамдами балодурман,
Бошдан ўргулодурман, ёргинамни бир кўрсам.

Мужрими адойиман, зору бенавойимаи,
Кўйида гадойиман, ёргинамни бир кўрсам.

Бу мисралар Мужримнинг Шавқий Каттақўрғоний билан бир қаторда туриб халқ оғзаки ижодидан, айниқса, халқ қўшиқлари вазнидан баҳраманд бўлиб, санъаткорлик намуналарини яратганини кўрсатади. Шоир соф муҳаббатни улуғлайди:

Эй, хуш улким, базми гулзор ичра сарви нози бор,
Сарви нозеким, чаман ичра қади мумтози бор,

Қадди мумтозеки, шамшод бирла тўбо рашкидин,
Ўзларин оро бериб, машшотаи пардози бор.

Қаю манзилдаким, ул хушнигоҳ абрў хилолим бор,
Борай дерман қошиға, талпинарман то мажолим бор.

Бу ғазалдаги байтлар мантиқан бир-бирига чамбарчас боғланган бўлиб, шоир ошиқлик дардини нафис ифодалаш мақсадида ғазални бошдан оёқ ташбих (ўхшатиш) санъати асосида қурган ва шу йўл билан фикрий бутунликни таъминлашга эришган. Қуйидаги мисраларда эса шоир соҳибжамол дилдор образини яратади, унга бўлган жўшқин севгисини чуқур эҳтирос ва самимият билан куғлайди:

Ман асири қомати сарви хиромонинг бўлай,
Ё бошингдин ўргулай, ҳар лаҳза қурбонинг бўлай.

Хирмани гулдек ўгир, бошингдин айлантир мани,
Молу мулким, хонумоним садқаи жонинг бўлай.

Шоирнинг таърифича, маъшуқа гулдан ҳам латиф ва назокатли, агар у сайри гулистон этгудай бўлса, барча гуллар ўз баргини, бор бисотини унинг йўлига пояндоз қилади:

Сан нечук хурсан, ниҳоли еарвсанким ҳар тараф,
Айласанг майли хиром, айлар қадингдин ноз гул.

Бу назокат бирла гар сайри гулистон айласанг,
Баргу борини қилур йўлингда пояндоз гул.

Шоир баҳор мавсумида гулзор ичида сайр қилишни севади, табиат гўзалликларидан завқланади; унинг кўнгил қуши хурсандлигидан кўкка парвоз қилишни, севгилисини мана шу гулзор орасида кўришни хоҳлайди:

Гарчи очилган эди ҳар боғ ичинда ёз гул,
Мавсуми дай боғ аро кирди очилди боз гул.

Шодликдан кўкка учмоғлик тилар кўнглум қуши,

Ҳар ёнимдан саф чекиб айлайди бир парвоз гул.

Шоир Мужрим замон ва ноқулай шароит тақозоси билан баъзан умидсизлик кайфиятига тушса ҳам, лекин табиатан қувноқ, завқ-шавқли, хушчақчақ киши эди. Шоир шу фикрини давом эттириб, яхши кечирилган кун инсоннинг умрини узайтиришини, нохуш ўтказилган кун эса уни заҳарлашини таъкидлайди:

Гарчи бордур жисм ичинда жон лазиз,

Лек андин ҳам ғами жонон лазиз.

Соҳиё, навбат аёғин тўла тут,

Нўш бори соғари даврон лазиз.

Нохуш ўтқарган кунингдур заҳр, лек

Хуш кечурсанг умри жовидон лазиз.

Ахлоқий-таълимий фикрлари. Мужрим — Обид девонларида тарбиявий шеърлар ҳам бор. Шоир бу шеърларида сахийлик, камтарлик, дўст билан душманни ажрата билиш, эл билан маслаҳатлашиб иш қилиш каби яхши хислатларни улуғлайди.

Душманни ўзингга маҳрами жон қилма,

Ўз жонингга мунча жабру нуқсон қилма.

Эл машварати бирла ҳар иш топар салоҳ,

Иш қилма ўз олдингга, пушаймон қилма!

Ёки:

Ялғон сўзингни чинга баробар қилма.

Дўстингдин агар биров шикоят этса,

Зинҳор анинг қавлини бовар қилма.

Шоир «сарф» радифли тожикча бир шеърида умрии бекор ўтказмасликни, ўқимишли, донишманд кишилар билан ҳамсуҳбат бўлишни, умр агар юз йил бўлса ҳам, ғариблар билан бирга бўлишни маслаҳат кўради:

Умр меҳоҳи ба дунё бо табибон соз сарф,

Ҳар чи дори дар бисотат бо ҳакимон соз сарф.

Давлати жовид хоҳи дил ба даст оводанаст,

Умр агар сад сол бошад, бо ғарибон соз сарф.

(Дунёда умр кўришни истасанг, табиблар билан алоқада бўл, бисотингда нимаики бўлса, ҳакимларга сарф эт. Абадий давлат тиласанг—бу бировнинг кўнглини хуш қилмоқдир, агар умринг юз йил бўлса ҳам, уни ғариблар билан ўтказ.)

Шоир 68 ёшида ёзган бошқа бир ғазалида ҳам бу фикрини такрорлагаи:

Эй кўнгул, ман сенга айтдим: яхшиларга ёр бўл,
Сухбати аҳли таманнодин қочиб, безор бўл.

Мужрим Навоий ғазалига боғлаган бир мухаммасида умрнинг қадрига етишга даъват этиб, майпарастликка берилувчилар, оқарган соч-соқолини бўяб юрувчилар устида кулади:

Йигит тутиб ўзингни қофингии танг этма,
Кўнглинг ойнасини муҳити занг этма,
Май ичма ёшлар ила, бошинг гаранг этма,
Шабоблик ҳавосидин соқол ранг этма,
Оқарса сабза кўкармоқлик яна на имкандур.

Шоир қуйидаги рубоийсида илмсиз, жоҳил кишиларни танқид остига олиб, илм-маърифатнинг аҳамиятини улуғлайди, кишиларни илм олишга даъват этади:

Ул ким ҳаваси жоҳ ила манзил қилди,
Чун сарв ўзинн пой даргил қилди,
Илми била жаҳлни муқобил қилди,
Билмаски бу умрдин на ҳосил қилди.

Шоир Бедилнинг «кам аст» радифли шеърига боғлаган мухаммасида «Маъний дилхоҳ агар сад нусха бошад ҳам кам аст» (Дилга ёқадиган гаплар юзлаб бўлса ҳам камлик қилади), деб халққа манзур бўладиган сўзлар айтишга, асарлар ёзишга чақиради.

Шоирнинг фикрича, гапни ўз ўрнида гапирадиган киши суҳбатдошларининг эътиборига сазовор бўлади, ҳар бир сўзн гавҳардек қабул қилинади, кўз билан чироқ маъракани зийнатлаганидек, маъракада айтилган яхши сўз ҳатто ўликка ҳам жон киргизади:

Доно машома ичра ҳарифи суҳан бўлур,
Ҳар бир сўзи ба манзили дурри Адан бўлур,
Жон киргузур ўлик танига яхши сўз била,
Чашму чироқ маъракада анжуман бўлур.

Демак, шоир халқнинг ҳикматли сўзларидан унумли фойдалангаи, ҳатто ўзи ҳам ҳикматли сўз даражасида мисралар яратган.

Мужрим — Обид «қалам» радифли шеърида қаламнинг хизматларини тасвирлаб беришга ҳаракат қилган. Қаламни шоир яккаю ягона суянчиғи, дўсти, сирдоши, шодликда ҳам, қайғуда ҳам ҳамкори сифатида гавдалантиради:

Умрлардур холи зоримдин хабардорим қалам,
Боши бирлан хизматим қилмоққа тайёрим қалам.

Бошга меҳнат тушса ё роҳат йўлиқса шоду ғам,
Айтибу йиғлаб ёзарда соҳиб асрорим қалам.

Мужрим Обид шеърियाи мазмун ва шакл жиҳагидан ранг-баранг бўлиб, ундаги энг муҳим нарса шоирнинг ўзи яшаб турган давр воқеа-ҳодисаларини акс эттирувчи шеърлар, байту мисралардир. Ўзбек адабиёти тарихида, айниқса, унинг XVIII—XIX асрлар тарихида ўчмас из қолдирган, гўзал асарлари билан уни бойитгаи Мужрим — Обид бир шеърива:

Етмиш олти ёш, бош бўлса омон шукрини қил,
Санга бундин ўзга не орзую, не армон ўлим,—
дейдики, бундан Мужримнинг анча кексайиб 80 ёшларга етиб, вафот этганини англаш мумкин.

Шоир ижоди ўз даврида кадрланмаганидан кўп афсусланган эди. Аммо у ўз шеърларининг келаси авлод томонидан кадрланишига, кишиларнинг уни ҳурмат билан эслашларига ишонади. Шунинг учун ҳам шоир келажакка зўр умид ва ишонч билан қуйидагиларни ёзиб қолдирди:

Сўзларим халқи замона ичра иоми боқидур,
Гарчи бу кун бори, тонгла йўқу, фонийман ўзум.
Ёки:

Ҳаётим қолмаганда ҳамки отим даҳрдин кетмас,
Ғазал айтур бу Мужрим, анга ҳар аҳли сухан ворис.

Мужрим Обиднинг умиди бекор кетмади. Ўзбек халқи шоирни ҳурмат билан хотирлайдилар, унинг шеъриваидаги барча илюр ғояларни авайлаб сақлайдилар ва улардан баҳра оладилар.

Шермуҳаммад Мунис

Муниснинг ҳаёт йўли ва ижодий мероси. Шермуҳаммад Мунис ўз замонасининг етук шоири, адиби, тарихчиси, таржимони, мураббийси ва маърифат куйчисидир. У фақат замонасидагина эмас, балки кейинги даврларда ҳам халқ ўртасида, хусусан, маданият мухлислари, шоирлар, олимлар, санъаткорлар ва толиби илмлар ўртасида хийла шуҳрат қозонган эди.

Муниснинг фаолиятини ва адабий меросини ўрганишда маълум ютуқлар қўлга киритилди. Дастлаб шарқшунослар Муниснинг «Фирдавсул-иқбол» (давомини Огаҳий ёзган) асарини ўрганиб унга кўпроқ мурожаат қилдилар. Муниснинг тарихий асарини ўрганишда В. В.Бартольд, П. П. Иванов маълум хизмат қилдилар. С. П. Толстов, Я. Гуломов, М. Йўлдошев ва Қ. Мунировлар Мунис ва Огаҳийнинг «Фирдавсул-иқбол» асарини ўрганишда катта муваффақиятларга эришдилар.

Адабиётшунослигимизда Мунис ҳаёти ва ижодиётига доир кўпгина ишлар қилинди. Чунончи, шоирнинг ижодий меросига алоқадор бўлган қўл ёзма ва литографик асарлар Хева, Урганч, Самарқанд, Бухоро ҳамда Душанбе кутубхоналарида ва айниқса, Тошкентда кўпроқ тўпланди. Муниснинг адабий фаолиятига доир бир неча мақола ва тадқиқотлар бунёдга келди, диссертациялар ёзилди. Мунис асарлари хрестоматия ва дарсликларга, антология ва тўрт томлик «Ўзбек адабиёти»га киритилди. Шоирнинг 10000 мисрача шеъри алоҳида «Девон» қилиб нашр этилди. Бинобарин, бу маълумотларнинг ҳаммаси Муниснинг ижодиётини ўрганиш анча кенг қулоқ ёйиб, унинг ижодий меросини китобхонларга етказишда катта ютуқлар қўлга киритилганлигидан далолат беради.

Мунис шоир сифатида «Мунис ул-ушшук» дсвонини, педагог сифатида «Рисолаи савод» манзумасини, тарихчи сифатида «Фирдавс ул-иқбол» асарини яратди, таржимон сифатида Мирхонднинг «Равзатус-сафо» асарини (биринчи томнинг ҳаммаси на иккинчи томнинг ярмини) таржима қилди, хаттот сифатида XVIII аср ўзбек шоири Роқим кабиларнинг девонини кўчириб, бой мерос қолдирди. Муниснинг ҳаёт йўлини ўрганишда шоирнинг ўзи томонидан ёзилган асарлар (девон дебочаси, айрим шеърлари, айниқса қасидалари), тарих китобидаги хотиралари, замондошларнинг ёзишмалари, котиб сифатида кўчирган асарлари муҳим маълумотлар беради.

Мунис 1778 йили Хева яқинидаги Қиёт қишлоғида Аваз мироб оиласида туғилди. Отаси Аваз Хева хонлигида бош мироб ва кемалар нозири эди.

Муниснинг болалик ва ёшлик йиллари (дастлаб Қиёт қишлоғида, сўнгра Хевада) масжид ёнидаги мактабда, кейинча мадрасада ўқиш, китоб мутолаа қилиш билан ўтди. Унинг ўқиши ва тўрбиясига кўшнисси Сайидэшонхожа каби олим ва шоирлар раҳбарлик қилди. «Фирдавсул-иқбол»да баён этилишича,

Мунис Сайидэшонхожага қўшни бўлганлигидан, уникага келиб-кетадиган пешқадам кишиларнинг суҳбатидан бақраманд бўлар эди. Сайидэшонхожа кейинча Хева мадрасаларидан бирида мударрислик қилиб турганида, Мунис ундан дарс ҳам олган эди.

«Фирдавсул-иқбол»да қайд қилинишича, мадрасада «илму фазл»га чанқоқ Мунис каби ёшлар «базми китоб» қилишга уринар эдилар. Муҳаммади Хоксор томонидан 1798 йилда Хевада ёзилган «Мунтахабал-луғот»да фойдаланидиган ўнларча дунёвий руҳдаги асарлар ана шу «базми китоб»ларда мунозара ва мушоҳадаларнинг асосий объекти бўлган. Чунончи, Муниснинг ўзи «Фирдавсул-иқбол»нинг 1770-1780 йилларга доир бобида «базми китоб» суҳбатлари ҳақида гапириб, ундай пайтларда «...шеършунослиғ ва латифагўйликдин ўзга сўз жорий бўлмас эди», деб уқтирган эди.

Муниснинг адабиётга бўлган ҳавасини оширишда, уни шеър машқ қилишга ва классикларни пухта ўрганишга рағбатлантиришда ўша замоннинг Киромий, Равнақ, Мавлоно Нишотий, Андалиб каби пешқадам ва тажрибали қаламкашлари муҳим роль ўйнаган эдилар. Чунончи, Мунис Мавлоно Киромийнинг шоирликда ўзига устоз бўлганини бир шеърда қуйидагича баён қилган эди:

Тонг эмас Мунис, агар бўлсам кироми қадр ким,
Устоди зоҳиру ботии Киромийдур манго...

Мунис ўз ижодида Равнақдан ҳам ўрганган. Масалан, Равнақ бир ғазалини:

Сарвнзимки, эрур моҳлиқолар сараси,
Дуди оҳимдек эрур бошда қора қарқараси

мисралари билан бошласа, Мунис шунга ҳамоҳанг бўлган:

Менинг ҳабибим эрур рашки хурлар сараси,
Тутун киби кўринур боши узра қарқараси
каби мисраларни битган. Лекин бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, Муниснинг дастлабки шеърлари ҳамма вақт ҳам муваффақиятли чиқавермаган, албатта.

Мунис мактаб ва мадрасада ўқиб юрган йилларида термушнинг аччиқ-чучугини тотмаган, тирикчилик ташвишини бошидаи кечирмаган эди. У ҳақда шоирнинг ўзи «Мунисул-ушшоқ» асарида қуйидагиларни ёзган эди: «...Ул овони саодатнишонда (Авазбий Инок ҳукмронлиги давридаги ҳаёти — В. А.) ...вақт муқтазоси ва шабоб хайёмининг ҳавоси билан... риндлик ва ошиқлиғ сифатига мавсуф бўлиб, беҳудлиғ оламиға тушдим... лайливаш маъшуклар висолининг таманносидин телбалик даштиға мажнунвор қадам урдум ва

ширинвисол маҳбублар жамолининг тамошосидин бало кўхсориға Фарҳод янглиғ ўзумни етурдум, маснавий:

Гаҳи телбалар бирла гулхан аро
Суруб дардкашликка юз можаро...
Гаҳи риндлар базмиға йўл топиб,
Ҳамоноки мақсудға қўл топиб,
Гаҳи мактаб ичра кириб шод ком,
Гаҳи мадраса сори айлаб хиром,
Қаю ерда аҳбоб базм айласа,
Тараб иртиқобига азм айласа,
Ўзимни алар ичра солур эдим,
Кўнгул қонғунча баҳра олур эдим...

Ана шундай ҳолларда «...не замон инқилоботидин зарра ғамим бор эрди, не жаҳон ҳодисотидин лавҳаи аламин... Ва лекин ул асно- да табиати жибиллий ва кайфият иқтизоси билан аҳёнан фузало хизматиға мойил ва китобхонлиғ суҳбатиға дохил бўлур эрдим». Ана шундай пайтларда Мунис олим ва донишмандлар суҳбати таъсирида шеърлар ҳам ёзар эди: «Шарафи хизмат натойижи ва асари суҳбати маёмини била табъимга кайфиятлар юзланиб ва ҳолатлар даст бериб, назм силкида мубайян вазн зевари била музайян бўлур эрди». Чунончиг

Мунис талаб эт камол эурсан чу йигит,
Қим яхшидур этса фазл учун қайғу йигит.
Ўқ қилган ишни ё қило билмас ҳаргиз,
Қарилар ила баробар ўлғайму йигит.

Демак, Мунис ўз ижодининг аввал баҳориданоқ ҳаётни — яшашии севиш, умрини қувноқ ўтказиш орзуси оилан нафас олган. Шунинг учун ўз ҳаётининг кейинги даврларида ҳар хил монеликларга дуч келса ҳам, яхши яшашга интилиш Мунис ижодий фаолиятида етакчи ўринни эгаллаган эди.

Кўп вақт ўтмай Мунисни ғам-ғуссалар чулғаб олади. Бир томондан, шоир мамлакатда авж олиб бораётган зиддиятлардан қайғурса, иккинчи томондан, оилавий нотинчликлар, отаси ва оға-шшларининг бирин-кетин дунёдан ўтиши ҳамда рўзғор ташвишлари унинг қалбини тирнайди. Бу ғам-ташвишлар айниқса 1800 йилда, отаси Аваз мироб қазо қилгандан кейин, кўпайиб кетади. Бу ҳақда «Мунисул-ушшоқ»нинг дебочасида ширрининг ўзи куйидагиларни ёзган эди:

«Насиб ғам уза ғам бўлди чархи гардондин,
Мусибат уза мусибат етушди даврондин,

Андокким, ото ва оқо-инима бекас(лик) ибтилошига сазовор ва мотамкашлик балосиға гирифтор қилди. Назм:

Тийра қилдим дуди оҳимдин жаҳон кошонасин,
Ҳар бирининг сўк андуҳиндин айлаб нолалар,
Лахта-лахта ашки хун олуд ила қилдим равон,
Ҳар бири ҳажрида бағримни қилиб парголалар..
муидин ўзга яна навойиб ва оломиким, шарҳ ва итноби мужиби кудурат
дурур, насибим бўлди. Ҳар бирининг хазон тундбодидек, замирим
гулистониға гузар қилмогидин умедим гули кулли сўлди».

Бу даврда шоир ижодининг мазкур воқеаларга алоқадор бўлган намуналари унинг оилавий турмушида ҳамда мамлакат ҳаётида рўй берган воқеаларнинг инъикоси сифатида кўроқ мотам марсиялари, оҳ-фиғонлар акс эттирилган шеърятнинг таърих ва қасида жанрларида майдонга келди. Чунончи, шоир «Мунисул-ушшоқ»да отасининг вафоти муносабати билан яратган таърих тарздаги марсиясида ўз ҳасрат-аламларини ифодалаб, бундай деб ёзган эди:

Фиғонким, чархи кажрав доми зулмидин эмас озод,
Агар худ аҳли фақр ўлсун ва гар худ соҳиби асбоб.
Хусусан, кимга дод айлайки, бир беги хумоюнфол,
Анинг бедодидин бўлди ажал туфроғига ноёб..
Дедим пири хирадға бу на шўриш айт тарихин,
Деди Мунис фиғон қилким, «эрур сўки Аваз мироб»³¹.

Мунис 1801 йилда Тўрамурад фитнасининг мағлубияти муносабати билан ёзган 36 байтли қасидасида Хева хони Авазбий иноқ шаънига мақтовлар тўқиди. Чунки Мунис отасининг вафотидан бирмунча вақт ўтгандан кейин хон томонидан бош мироблик мансабига тайинланган эди. Шундай қилиб, Мунис хон саройига хизматга киради.

Мунис мазкур қасидасида Авазбий иноқни мақтаб, Тўрамурад сўфини лаънатлади. «Фирдавсул-иқбол»да баён этилишича, 1801 йилда хонликнинг шимолий қисмидан — Қўнғирот, Орол, Манғит, Қот районларидан Тўрамурад сўфи таъсирида хонликка қарши бошланган сепаратлик ҳаракати 1811 йилгача гоҳ сулх, гоҳ хуруж ҳолатида давом этади. Албатта, бу ҳаракатнинг турли шаклларда узоқ вақт давом этиши ва унга қатнашганлар сонининг кўплиги хон ва сарой амалдорларининг адолатсизлигига, уларнинг солиқ сиёсати, чексиз зулмига қарши халқ норозилигининг ифодаси бўлганлиги турган гап. Бироқ бу норозилиқдан фойдаланиб Тўрамурад сўфи хонликнинг шимолий қисмини ажратиб олиб, ўзи идора қилмоқчи бўлган. Бинобарин, у кенг омма манфаатини эмас, оплки бир гуруҳ руҳонийлар, оқсуяклар манфаатини кўзлаб иш куради. Бу эса халққа ва мамлакатга зарар етказар эдн.

³¹ «Сўки Аваз мироб» сўзларининг абжад ҳисобида ифодалажган рақами ҳажрий 1215 (мелодий 1800) йялдир.

Ана шунинг учун Мунис бу фитнани коралаб, Тўрамурад сўфи хақида шундай мисраларни тўқиган:

Тўра сўфи улким, ямонларға бош,
Хусумат иши бирла айлаб маош,
Топиб элни ғофилроқ ўз ранжидин,
Хабарсиз замон гардиши сахтидин,
Баногах сешанба келиб вақти субх,
Кириб Котғаву қилдилар усру кубх,
Бале гар ажал етса, ҳар сайдға
Келур ўз оёғи била қайдға...

Бу мисралардан аниқ кўришиб турибдики, шоир Тўрамурад сўфипи «хусумат» юзасидан «ямонларға бош» бўлганлиги ва Кот, Қиёт каби жойларнинг аҳолисига жуда кўп зарар етказганлиги учун қаттиқ койиган. Авазбийнинг ғалабасини эса маъқуллаган.

Муниснинг фақат шу қасидасида эмас, бошқа қасида ва шеърларида ҳам унинг Авазбий шаънига ошкор нафрат баён қилгани сезилмайди. Мунис бу ҳукмдорга хайрихоҳлик билан қарайди. Албатта, бундан Мунис Авазбийнинг қиличи дамидан оққан қонларни (Тўрамурад фитнаси туфайли қурбон бўлган бегуноҳ кишилар қонини) кўрмаган ёки ҳисобга олмаган, дейиш тўғри бўлмас эди. Чунки мазкур қасидадаги:

Ёриб баъзи кўксини ханжар уруб,
Эзиб баъзи жисмини шашпар уруб,
Кесиб бошларин, маҳв этиб номини,
Аёқ остиға ташлаб ажсомни

каби мисраларда ифодаланган ҳалокатга дучор қилинганлар фақатгина Тўрамурад сўфилар бўлмай, алданганлар, бегуноҳлар бўлиши ҳам мумкин.

Муниснинг Авазбий ҳақндаги мақтовли сўзларининг сабаби шундаки, бу вақтларда Хева хонлигида бир қадар тартиб ва нисбатан тараққиёт кўзга ташланмоқда эди. Авазбийнинг рус медицинасига хайрихоҳлиги, «Мунтахабал-луғот» каби китобларни бунёдга келтиришдаги ҳомийлиги, Навоий дostonларини назмдан насрга айлантиришда Умар Боқий кабиларни рағбаглантриши, плм-фан ва адабиётга қизиқиши Муҳаммад Хоксорга ёққани каби, Мунисга ҳам маъқул тушган бўлса керакки, ҳукмдорни мақташни раво кўради.

Лекин Авазбий вафот этган (1804)дан кейин унинг катта-кичик саккиз ўғли орасида тахт талашини, низо ва адоватлар авж олиб келади. Бу бошбошдоқликлар мамлакат ҳаётини издан чиқариб, аҳоли бошига, жумладан, Мунисга сон-саноксиз ташвиш ва кулфатлар келтиради.

Анъанага кўра, тахтга Авазбийнинг катта ўғли Элтузар ўтириб, ўзига

«хон» титулини қабул қилди. Мунис шу муносабат билан ёзган қасидасида Элтузарнинг иниси (Авазбийнинг кичик ўғли) Муҳаммад Раҳимга насиҳатлар қилиб, уни Элтузарни ҳам ака, ҳам ота ўрнида кўришга, ҳурмати уни сақлашга, ўлкани баҳамжиқат идора қилиш йўлида кўмаклашишга даъват этди:

Мунингдек ўзунгни ҳазин қилма кўп,
Кўнгул мотамидин ғамин қилма кўп.
Киши йўқдурур даҳрдин етмагон,
Фано манзили сори азм этмагон.
Чу мундоқ эса фурсати зиндалик.
Қилиб сабр қилмоқ керак бандалик.
Ағонг Элтузарбеги Фархундарой,-
Амири фалак қадри кишваркушой,
Анинг давлатидур сенинг давлатинг,
Анинг ҳашматидур сенинг ҳашматинг.
Худо шукрига шокир ўл дамба-дам,
Иноётини онглағил муғтанам.
Агар топса сарве шикасту завол,
Ниҳоли сиҳиларга етсун камол.
Вагар кўҳна шохига етсуи хазон,
Гули тозалар жилва қилсун аён.

Албатта, Авазбий вафотидан кейин юз берган вазиятда ҳукмрон доираларни келиштиришга, хон ва хонзодалар ўртасида бирлик ҳосил қилишга интилиш, хонликни идора қилишда одатда бўлиб турадиган низоларнинг олдини олншга уринишга жихатидан бу мисраларнинг муҳим аҳамияти бўлган.

Элтузар хонликда бирмунча тартиб ўрнатиб, идора ишларини йўлга қўйгач, ўз ҳукмронлиги даврида Хоразм таришни ва ота-боболарининг ҳукмронликларини ёздириб, бир китоб қилдирмоқчи бўлади. Бу вақтларда Муниснинг яқинларидан бири уни хон олдига даъват этади:

Хотир аро меҳнату ғам бор эди,
Ранжу аро жон аро бисёр эди...
Дедики, юрмак ишини жазм қил,
Шоҳ жанобиға туруб азм қил.

Мунис Элтузар олдига боради. Элтузар Хоразм тарихини ёзишни унга буюради:

Гарчи кўпдур латиғағў шуаро
Нуктасанж аҳли фазлу диққат аро,
Назм тиғи йила жаҳон очғон,
Наср базми аро гуҳар сочғон.

Лек сендин кўруб бaсе ихлос,
Сени бу хизмат ичра қилдук хос.
Нукта узра қаламдек айла шитоб,
То етушгай ниҳоятиға китоб.

Албатта, бу таклиф Мунисни беҳад қувонтирган эди. Шоир
топширилган вазифанинг ижросига киришади:

Агар подшоҳ айласа илтифот,
Бўлуб ман балоғатфазон нукот,
Урай дасту по қувватим борича,
Қилай жустужў қудратим борича.
Неким келса қўлдин дариф этмайин,
Илик чекмайин то бу пш битмайин.

Шундай қилиб, Хоразм тарихига доир ўзининг машҳур китобни «Фирдавсул-иқбол»ни ёза бошлайди. Шеър машқ қилиш ва тарих ёзиш билан ўз ғам-ғуссаларига даво тутмоқчи ва жамият учун қўлидаи келганча хизмат этмоқчи бўлган Мунис албатта, Хева хонининг «марҳамати ва илтифоти»га муҳтож эди. Бунинг устига бу вақтларда унинг саломатлиги ёмонлаша бошлаган эди:

Тутубман гўшае, лек эл ҳужумидин ҳамул гўша,
Мани ошуфтага андоқки саҳрои қиёматдур.
Яна табъимға даҳр ашғолидин зафъе эрур тори,
Бале савдои ўлганға на имкони саломатдур.
Маломат қилмангиз нуқсонима, гар бўлсангиз воқиф,
Кишиким, бўйла ҳоли бўлса не жойи маломатдур.

Мана шундай ҳолатда Мунис «Фирдавсул-иқбол» китобининг Шерғози ҳукмронлиги давригача (1715-1728 йилларгача) бўлган қисмини ёзиб тугатади. Аммо бу орада Элтузар фожпаси (1866) рўй беради, яъни Бухоро амири Ҳайдар билан бошланган урушда унинг кемаси Амударё тўлқинлари гирдобига ғарқ бўлиб, Элтузар ҳалокатга учрайди. Шундан кейин хонликда яна фитна-фасод авж олади ва ҳар хил кўнгилсиз воқеалар рўй беради, натижада Муниснинг китоби ёзилмай қолади.

«Чун қалам бу ерга етишди, Хоразми эрамбазм диёрида фитнау фасод жозиб бўлиб, султони махфиратнишон Элтузар Муҳаммад баҳодирхоннинг воқеаи ҳойиласи вуқуъ топди. Ул жиҳатдин бу китоб таълифи... муддати мадид таъхир топди, балки матрук бўлди».

Ҳокимият янги хон — Элтузарнинг иниси Муҳаммад Раҳим (1806 йили) қўлига ўтди. Элтузарнинг хонлиги даврида шоир панд, наснҳат тарзидаги айрим байтлари билан Муҳаммад Рзҳимни акасига (Элтузарга) самимий биродарлик руҳида тарбиялашга уриган эди. Энди Муҳаммад Раҳим менга— ўз насихатгўйига қандан муносабатда бўлар экан? деган фикр билан Муниснинг кўнгли ғаш бўлиб, китобни давом эттириш ва шоирлигига ривож бериш учун қулай шароит ахтариб, ҳукмдорнинг феъл-атворини кузатиб юрди. Ниҳоят, Муҳаммад Раҳим хонликда ўз таъсирини ўтказиб, бутун ншларни ўз қўлига олиб бўлганидан сўнг, Мунисни чақирди ва ўз “воқеоти»ни ҳам қўшиб, китобни давом эттиришга ижозат берди.

Бу китоб таълифин итмомға еткур ва бизнинг воқеотимизни даги таҳрир силкига кетур».

Кўрамизки, Мунис XIX асрнинг дастлабки ўн йилидаёқ шеърятда танилганидек, тарихшуносликда ҳам шуҳрат топа олган эди,

Мунис умрининг кейинги қарийб йигирма йили Муҳаммад Раҳим ҳукмронлиги (1806-1825) даврида ўтди. Бу давр Муниснинг ижоди камолотга етган ва жуда чиройли ғазаллар, қасидалар ёзган давридир. Мунис бу даврда фақат шоир ва тарихнавис бўлибгина эмас, таржимон сифатида ҳам шуҳрат қозонди (у Мирхонднинг «Равзатус-сафо» асарини таржима қила бошлади); унинг ягона лирик девони «Мунисул-ушшоқ»даги шеърларининг кўпчилики кнсми шу давр ижодий меҳнатининг маҳсулидир.

Бу даврда Хева хонлигининг ҳудуди анча кенгайди, Тўрамурод сўфилар хуружи тамомила бартараф қилинди ва босиб олинган ўлжалар ҳисобига хон ва бекларнинг бойлиги анча ошди.

Мунис мана шу имкониятлардан фойдаланиб, Хоразмнинг ободонлиги, маданий тараққиётига, илм-ҳунар ривожига эътибор бериш, пешқадам илм аҳлларини рағбатлантиришни изчил ҳимоя қилди. У ўзининг бутун фаолияти, ижодий меҳнатини шу йўлга хизмат эттиришга уринди. Шоир девонидаги ҳукмдорга (хонга) қаратилган кўпгина қасидалар ва бошқа бир қанча шеърлар ана шу ҳомийлик остида ёзилган.

Хоразмда XVIII асрнинг иккинчи ярмида бошланган бинолар, мадрасалар қуриш иши бу йилларга келиб нисбатан ривож топган эди. Олимлар, шоирлар ҳам ўтган асрдагига қараганда бирмунча кўпайган эди. Мунис шу муҳитнинг йирик намояндаси бўлганлигидан, уни қуршаб олган шароитдан кўз юмиб ўтолмас эди. Чунончи, Мунис ўзининг «Мунисул-ушшоқ» девонига кирган «Хоразм» шеърида ҳаддан ташқари мактовлар тўқиб қўйидагиларини ёзган эди:

Бош кўкка чекиб ҳисори Хоразм,
Оламғадур ифтихори Хоразм.
Дур махзани, илм мазҳаридур,
Ҳар махфию ошқори Хоразм.
Жаннат чаманин қиёс қилсун,
Ким кўрмаса марғзори Хоразм.
Даҳр эли кўзига тўтиёдир,
Хоки раҳи хоксори Хоразм.
Сукроти замону Бу Алидур.
Ҳикмат аро ҳушёри Хоразм.
Хевақғаки маркази жаҳондур,
Бир доирадур мадори Хоразм...

Бироқ, у вақтда Хоразм ва ундаги ҳаёт бу мисраларда тасвирлангандай гўзал ва обод эмас эди, албатта. Мунис бундай, шеърларни, бир томондан, ўзининг она юртига бўлган ватанпарварлик туйғуларини ифодалаш ва халқни ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, иккинчи томондан эса қўшни давлатлар олдида Хоразмнинг куч-қувватини, аҳамиятини ошириб кўрсатиш мақсадида ёзган эди.

Муниснинг шахсий ҳаёти ҳам оғир аҳволда эди. Масалан, Мунис бир қасидасида ҳар хил енгилликлардан «махрум... нотавон... танҳолиғ» балосига гирифтор фуқарога ачиниб, Муҳаммад Раҳимхондан элга (шу жумладан, ўзига) эҳсон, моддий ёрдам бериб туришни илтимос қилади:

Бо вужуди маҳрамият топмишам маҳрумлик,
Ҳар неча қилсам тааммул билмон онинг иллатии.
Бир дуогўйи ҳақири бекасу дилхастамен,
Кўрмадим ҳолимға шомил ҳеч кимвинг шафқатин.
Бир кишим йўқдурки даргоҳингда мандин ёд этиб,
Айласа маъруз то бу нотавоннинг ҳолатин.
Умрлардурки бўлиб мен хонумонимдин жудо,
Рўзи айлаб чарх танҳолиқ балову меҳнатин.
Борчадур ид оқшоми маҳбуби бирла комрон,
Меида йўқ маҳбуб то ёқсам. чароғи вуслатин.
Комдин илкимни кўтаҳдастлик кўтоҳ этиб,
Фахм этар мен зор кўнглумда малолат шиддатин.
Ҳар кунинг ид ўлсину, ҳар оқшоминг қадр оқшоми,
Элга эҳсонинг қилиб форхунда ишрат суҳбатин.

Муҳамиад Раҳимхон вафоти (1825)дан сўнг ҳукмронлиа униинг катта ўғли Оллоқули қўлига ўтади.

Мунис кейинги тўрт йилини Оллодули ҳукмронлиги (1825-1842) даврида ўтказди. Шоирнинг бу хонга ва унинг тадбирларига талаби аввалгидай, яъни Муҳаммад Раҳим давридагидай қола берди. Шунинг учун Мунис Оллоқулнини мамлакат ободонлиги, эл осойишталиги учун ҳаракат қилишга даъват этиш пайида булди. Шу жиҳатдан хоннинг Хуросон, Машҳад, Серахс, Курдистон, Марв, Дашти қипчоқ тарафларига уюштирган ҳарбий юришларини ҳам ўз қасидаларида қайд эта борди.

Маълумки, Муҳаммад Раҳимхон даврида босиб ва талаб олинган катта бойлик унинг ўлимидан сўнг Оллоқули ихтиёрида қолган эди. Бу хон ҳарбий ғалабаларини нишонлаш, ўз номини пештоқларга, мрамар тошларга ёзиб қолдириш мақсадида айрим биноларни (чунончи, 1811 йили Муҳаммад раҳим вақтида Хевада солинган “Полвон Пир мадрасаси”ни ва кўҳна аркни)

кайта тиклаш, баъзи янги иморатларни (ўзи ва оила аъзолари учун солинган “Тош ҳовли” ва бошқаларни) қурдириш учун шу тайёр маблағлардан фойдаланар эди. Уларнинг қурувчилари халқ усталари, Хева ҳунарманд, наққош ва меъморлари бино пештоқлари ва эшикларига шоирларнинг шеърлари, бинонинг тарихига доир байтлар ёзган эдилар.

Демак, бу қурилишлар ҳунармандлар, олимлар ва шоирларнинг фикрлаш, ёдгорлик қолдириш, ижодда янгилик яратиш учун интилишига объектив суратда катта ёрдам берар эди. Шунинг учун Хева, Ҳазорасп каби шаҳарларда солинган бинолар ва мадрасаларни Шермуҳаммад Мунис Хоразмнинг зийнати — маданиятнинг анча илгари силжиши деб тушунди:

Хевакки навоҳатда гулистони жаҳондур,
Ҳуро киби ҳар тарафда юз офати жондур.
Хоразмки жонбахш дурур обу ҳавоси,
Ул таиға мушобих дуру бу рухнишондур.
Ҳар тоза чаманзорки серсабзадур онда,
Рашки эраму ғайрати бўстони жинондур.
Қўрғони ўтуб рифъат аро авжи фалакдин,
Бозуси уза чиқғали коҳкашондур.

Мунис айрим қасидаларида Оллоқулини мақтади ва шу йўл билан шоирларнинг ижодий ишига шароит яратиш, шеърини юксалтириш орзусига эришмоқчи бўлди. Бироқ сарой аҳллариининг қилмишлари кўпинча Муниснинг орзуларига зид эди. Баъзан шоир шоҳдан ҳам, вазирдан ҳам «карам» — саховат топа олмайди:

Мунис ғамимни кимга дейин қилмаса карам,
Дастури аъзаму шаҳи волотабор ҳам...

Шоир бир тўда амалпараст, маишатпараст, бахил ва пасткаш кишилар олдида ўз қадри, насру назм ва илму ҳунарнинг қадр-қиммати пасая борганидан газабга келади ва аҳволнинг ёмонлашиб бораётганлигидан ғоят ташвишга тушади:

Неча арзу ҳунар қилсам сўз ичра,
Тутарлар ул ҳунарга айб ила ном.
Агар фаҳм этса ҳолим эҳтиёжин,
Килур. изҳори бухлу хиссати том.
На шаҳ олида бор бир қулча қадри,
На қуллардин манго бир итча икром.
На насрим ҳосили жуду суюрғол,
На назмимға сила таҳсину инъом.
Мунго шукр айлагил, Муниски, мундин,
Баттароқ қилмагай иш бахти худ ком.

Муниснинг бу даврдаги қасидалари ҳам бошқа бир тус («мадху зам» тусини) олади. Мунис бундай қасидаларида кўпинча ўз аҳволининг оғирлигини тасвирлагандан сўнг, айрим шахсларнинг «мақтови»га ўтади:

Балоғат рахши ромимдур фасоҳат тиғи таслимим,
Нетонг тасхириим ўлса мулки дониш кишвари ҳикмат.
Музайян мисраи баржасталардин дафтари шеърим,
Хиёбон сарвлардин, ўйлаким, гулшан топар зийнат,
Оғиз очсам тўкар тўтии нутқим шаккари маъни,
Рақам сурсам сочар ғаввоси килким гуҳари диққат.
Ва лекин чархи дунпарвар қилиб ҳар лаҳза юз бедод,
Вужудимни этибдур хок янглиғ мужиби накбат.
Қўриб шаҳ қурбидин маҳрумлик ҳолимга оиддур,
Маломат аҳлидин таъну арозил хайлидин хиффат.
Фаромуш ўлмишам аҳбоб ёдидин анингдекким,
Ўтуб йиллар топа олмон аларнинг ёдиға қурбат.
Вазиринг ройи бордур Осафосо соҳиби девон,
Низомул мулку ваддавла муиззиддину вал миллат.
Вазорат авжининг хуршиди Юсуф меҳтари аъзам,
Бўлиб ройи муниридин мунаввар олами нисфат.

«Мунисул-ушшоқ»

Шоирнинг, шикоят, норозилик кайфиятлари гаъсирида Юсуф Меҳтар шаънига айтилган «мақтов» туссизланади, аввалги мисралар кейингиларни рад этади. Бу бежиз эмас. Мунис Юсуф Меҳтарнииг «Лаззатун-нисо» номли парнографик бир рисолаи форсчадан ўзбек тилига таржима қилишни топширган эди. Мунис бу топширикни рад этади. Шоир билан вазир муносабатлари қескинлашади, шундай бўлса-да, у Юсуф Меҳтарга қасида бағишлашга мажбур бўлади. Шоир бошқа бир қасидасида қалам аҳллариининг бундай фожиасини ифодалаб айтади:

Мунунг бирла бас қилмайин зулму озор,
Қилур мубталои нифоқи арозил.
На шеър иртифои топодур, иа шоир,
На фазл эътиборе топодур, на фозил.
Хусус улки бечорае мадҳ боғлаб,
Агар мунъими базмиға бўлса дохил.
Сила ўрниға кўргузуб юз тамасхур,
Ани маҳзул айлар арозилни фозил.
Шикоят ёзордин қалам асра Мунис,
Амири замон мидҳатиға очиб тил.
Муҳаммад Ризо қушбеги беги даврон.

Карампарвари ҳазрати шоҳи одил.
Вакили умура хилофатки бордур,
Ҳамеша мамолик миҳомига кофил.

«Мунисул-ушшоқ»

Мунис Роқим каби шоирларнинг «Девон»ларини чиройли қилиб кўчиради, неча минг мисралаб байту ғазаллар, қасида ва қитъалар ёзади, уларни тўплаб, «Мунисул-ушшоқ» («Ошиқлар дўсти») номли девон тартиб беради, «Фирдавсул-иқбол» китобида эса — Хоразм тарихининг қадим замонлардан бошлаб Муҳаммад Раҳим.1 (1806-1825) ҳукмроилигининг 1813 йилгача бўлган воқеаларини ёзиб улгуради, машҳур форс-тожик тарихчиси Мирхонднинг «Равзатус-сафо»сини ўзбекчага ўгириш устида ишлаб, биринчи жилдини бутунлай таржима қилиб бўлади, иккинчи жилдининг таржимасини битказа олмай, вабо касали билан 1829 йилда дунёдан кўз юмади.

«Мунисул-ушшоқ» девони ҳақида

Муҳаммад Раҳимхон ҳукмронлигининг еттинчи йили Мунис ўз шеърларини тўплаб, «Девон» тартиб бера бошлайди. Девонга киритилган шеър турлари ва байтларнинг сони ҳақида шоирнинг ўзи «Мунисул-ушшоқ»нинг дебчасида қуйидагиларни ёзади: «...Ғарро қасидалар, дилкушо ғазаллар, ғасоҳатойин таркиббандлар, латофат тазъийн қитъалар, шариф мусаддас ва мухаммаслар, латиф рубоий ва муаммолар, ширин маснавий ва рангин туюғлар ва ғайр ҳам тахминан олти минг байтдур».

Мумтоз шеърининг хилма-хил турлари бўйича яратилган байтларни ўз ичига олган ана шу «Мунисул-ушшоқ» девонининг бир қўл ёзма ва икки тошбосма варианты бор. Ҳижрий 1297 йилда (мелодий 1879 йилда) Хевада «Матбааи Хуршид»да нашр қилинган нусханинг ҳажми 668 саҳифадан иборатдир.

«Мунисул-ушшоқ» девони муаллифининг ўзбек адабиёти хазинасига қимматбаҳо дурдоналар қўшиш йўлида, шеър санъати устида қандай ишлаганини: шеърларининг мавзу доираси, ғоявий мазмуни, бадиий савияси қандай эканини, классиклардан ёки замондошларидан қимлар унга устодлик ва ҳомийлик қилганини умумий тарзда бўлса ҳам шу девоннинг 18- шеърида кўриш мумкин. Шеърининг илҳомига қизиқиш, Низомий, Хусрав ва Жомий меросини ўрганиш, Ансорий, Ҳофиз ва Аттор меросидан баҳраманд бўлиш, Фирдавсий ва Ҳоқоний меросидан файз топиш, Саъдий ва Анварий асарлари билан табии равшанлатиш, Ироқийнинг ишқий байтларга меҳр қўйиш, Бедилдан маъно ўрганиш, Навоий руҳини ўз ижодига ҳомий деб билиш ва, ниҳоят, ўз замондоши — устози Мавлоно Киромий қўлида тарбияланиш Муниснинг шоирликда камол топишига сабаб бўлган эди:

Волии мулки тариқат гар Низомийдур манго,

Манзили маънига хизри роҳ Жомийдур маиго.

Хотиримға Хусравийдин ҳар замон шуре етиб,
Банда давронинг бори ширин каломидур манго.

Пири Ансорий сўзидин чошни нутқим топиб,
Сўзда ҳосил шарбатн яҳюллнзомийдур маиго.

Ҳофизн Шероз лутфидин тараққийлар топиб,
Жилвагоҳ аҳли тасаввуфнинг мақомидур манго.

Юзима Аттор ҳар лаҳза дўкони файз очиб,
Доим андин атрпарвар жон машомидур манго.

Файзп Фирдавсий гаҳи кўнглум очиб, фирдавсдек,
Гоҳ Хоконий футухининг паёмидур манго.

Гоҳ таълим Анварий нури била равшан бўлиб,
Гоҳ Саъдий жомининг файзи мудомидур манго.

Топибон ишқи Ироқийдин замирим нашъае,
Ҳосили аҳли ишқнинг шўри тамомидур манго.

Нусхаи таъйид Бедилдин топиб файзи сухан,
Маъни ичра номаи иқбол номидур манго.

Қилса ҳосид даҳли бежо сўз аро йўқтур ғамим,
Ким бу маънида Навоий руҳи ҳомийдур манго.

Тонг эмас, Мунис, агар бўлсам кироми қадрким,
Устои зоҳиру ботин Қиромийдур манго.

Албатта, бу мисраларда эслатилган машҳур забардаст қаламкашлар билан бирга, шоирнинг хоразмлик замондошлари Равнақ, Андалнб ва Нишотийларга ҳам мурожаат қилганини, уларнинг кузатиши ва кўмаги натижасида қаламкашликда балоғагга ета борганини ҳам эсда тутиш лозим.

Маълумки, Муниснинг ҳаёти Хева хонлигида сарой доираси билан боғланган ҳолда ўтди.

Мунис қуйидаги байтларида кишилар ўртасидаги ошналик, виждон ва аҳду паймон пул ва давлат билан ўлчанганини фош этади, меҳнат ва ҳунар

аҳдларининг ғоят хор-зор, айбсиз айбдор бўлиб қолгдларига қайғуради:

Давлатинг боридадурлар барча олам ошно,
Қайтғач давлат жаҳонда топилур кам ошно.
Баски, даврон хоҳнши бегоналиғ солмоқғадур,
Бир-бирига бўла олмас икки ҳамдам ошно.
Кимки бўлди ошно, бот айлади бегоналиғ,
Топмадим бу давр аро бир аҳди маҳкам ошно.
Даврон ичрадур баским ҳунар айб,
Ҳунар аҳли каби йўқ элда маъюб.

Шоирнинг тожикча ғазалларининг айрим байтларида ҳам худди шундай норозилик мотивларини учратиш мумкин:

Забон ба ком кашадам ба муқтазои хамуши,
Вагарна шикваи айёмро ниҳоя надорам
(Сукут саҳлаб, тилимни танглайимга тортдим, йўқса, замонадан шикоятларимнинг охири иўқдир).

Дарин замона тавозеъ нишонани хорист,
Мадон зи хори такаббур гули тағофули мо
(Бу замонада иззат-ҳурмат хорлик аломатидур. Аммо сен бизнинг кишилар кўриб ўзини курмасликка солган гулимизни такаббурлик тиканидан деб билма).

Шоир меҳнаткаш халқни талаб, қўрқитиб, «ҳайвон каби» семириб юрган қозилардан, шафқатсиз ва раҳмсиз беклардан нафратланди. Улар маишат қилиб семирганлари билан бугун-эрта ўлиб кечиб, қуртларга ем бўладилар, дейди:

Кўп ебон ҳайвон киби танни семиртурмоқ недур,
Ким бу кун ё тонгладур айлар тановул они ҳурт.

Шоирнинг таъбирича, қозининг ҳам зўр бериб халқдан мол йиғиши дўзахда ўз жонининг ёқилиши учундир:

Жонни ёқарға дўзах аро жам этар ўтун,
Қозики мол йигнар этиб майли иртишо.

Бекларниёғ эса муҳтож кишига бирор нарса инъом этиб, кетидан мақтаниб, миннат қилиб юриши сахийликдан бўлмаганидек, берганини қайтариб олиши ҳам нокаслиқдирки, бундай қилиғи учун у лаънатга сазовордир:

Фалонбек ким бировга қилди инъом,
Валекин айлади изҳори миннат.
Агар ул ёна беклик этса даъво,
Қилур ўзига бўлмас ишни тухмат.

Вагар бу нокас ул инъомин олса,
Мунигдек нокаси дунга лаънат.

Халққа қаратиб ёқилган зулм ўти шуъласининг тутуни билан сенинг рўзгоринг ҳам қои-қора булиши турган гап; ғарибларга вафо қилиш, бева-бечораларни шодлантириш билан давлатинг боқий бўлади. Подшоҳлик неъматипи топган киши айна замонда чўпонлик ҳунарини ҳам касб қилсин, Агар у раиятга тишини қайрайдиган бўлса, қўйға қурт ёпишгандай бўлади», деган фикрни илгари суради:

Зулм ўтин, эй шоҳ, ёқма халқ аро ким ногоҳон,
Қилмағай ул шўъла дуди рўзгоринг қоп-қаро.
Гар тиларсен жоҳу иқболингни, эй шаҳ, мустадом,
Беваларни шод тут, айтом бошини, сийпалаб.
Эй ки шаҳлиғ неъматин топдинг шўбонлиғ пеша қил,
Тишни тез этма раоёға нечукким қўйға қурт.

Мунис «адолат мулкини тузатиб», ўз қўл остидаги фуқаронинг оч-тўқлигидан хабардор бўлган ҳукмдорни шоҳ деб билади:

Шоҳ улдурким адолат мулкин тузатиб,
Бўлса ғамгин фуқаро очига, хуррам тўқиға.

Шундай қилиб, Мунис мамлакат ҳокими ва унинг халққа қандай муносабатда бўлиши кераклиги ҳақида ўз даври учуи муҳим бўлган фикрларни олға сурди. Ниҳоят, шоир қабилачилик, уруг-аймоқчилик низоларини қоралайди ва хонни мансабга учмай, «соҳиби файз» бўлиб, бирини «қўнғиротлик», иккинчисини «қиётлик» демасдап, бу низо-жанжалларга хотима беришга чақирди:

Киши улдур насабдин урмаса дам бўлса соҳиби файз,
Насуд ондинки гар у қўнғиротлиғ ё қиётлиғдур.

Шоирнинг ҳаёти ва ижодиётида асосий эътибор юртда осойишталик ўрнатишга қаратилган эди. Чунки мамлакатда қозониладиган ҳар қандай муваффақият халқ кучи билан бўлади, ҳукмдорнинг ҳам мўлжаллаган зафарлари халқ ҳаракати билангина амалга ошиши мумкин: «Хайлу сипоҳ билан топар шоҳлар зафар...»

Шоирнинг фикрича, раият, яъни халқ, айниқса, унинг меҳнат билаи тирикчилик қиладиган табақалари ўз ҳаётларининг осойишталиги ва фаровонлиги ҳақидаги талабларини ҳукмдор олдиға кўтариб чиқишга ҳақлидир. Агар бу ҳаҳли талаб қондирилмаса, халқнинг ҳуқуқлари оёқ ости қилинса, амалдорларнинг олам-олам миннатини кўтариб юришдан кўра, камбағаллар орасида, қийинчилик билан бўлса ҳам, миниатсиз кун кечириш минг мартаба афзалдир. Шоир камбағал халқнинг «нони жавини» (арпа нони) ва «ёвғон ўмочи» шоҳнинг «қандин куложидин» ва «олтин табақдаги»

паловидан кўп марта яхшироқ, камбағал халқ «арбоби ғино» (давлатмандлар)нинг ит жулига ўхшаш тўнларига кўз тикмайди, дейди:

Нони жавини фақр элига хуштурур баче,
Шаҳ суфраи наволида қандин кулождин.
Хуш турур хони қаноат аро ёвфон ўмоч,
Бўлмаса бўлмасун олтин табақу анда палов.
Арбоби ғино тўнини фақр аҳли на қилсин,
Итнинг жўлидин кимсага сажжода бўлурму?

Демак, шоир ўзининг бутун онгли ҳаёти давомида меҳнаткаш халққа хос бўлган самимийлик, пок виждонлилик, тўғрилиқ руҳида тарбияланди ва унинг ўзи ҳам бошқаларни шу руҳда гарбиялашга уринди. Шоир ҳар хил фитналарга сабаб бўлувчи мансабпарастликни қаттиқ танқид қилди; шохни адолатга, халқпарвар ҳамда ватанпарвар бўлишга чақирди.

Хушлас, Мунис XIX аср бошларидаги адабий ҳаётда ўзининг илғор фикрлари билан муҳим ўрин тутган. Мунис «Мунисул-ушшоқ» девонида халқ манфаатларига номувофиқ бўлган шароитни тузатиш, ижтимоий ҳаётни тараққиёт изига солиш учун илм-ҳунарга ва маданиятга эътибор, бериш лозимлигини уқтирди ҳамда ҳукмдор доираларни шунга мос ҳислатлар эгаси бўлишга даъват этди. Шоир насл-насаб, мансаб ва бойлик билан ғурурланишни нодонлик деб ҳисоблади ва элга фойда келтирадиган «касби фазл» бўлишга чақирди:

Ғурур этма аслинга, қил касби фазл,
Эрур мўътабарроқ насабдин ҳасаб.
Аҳли дониш бирла ҳар дам айлангиз базми китоб,
Жамъи нодонлар била изҳори улфат қилмангиз.

Илм-ҳунарда камол топишнинг энг муҳим фурсати «фасли шабоб» - ёшлиқ давридирким, шоир илм ўрганишда бу ғанимат фурсатни қўлдан бермаслик лозимлигини уқтириб ўтади:

Камол касбида Мунис шитоб қилки эрур,
Ҳаёт фурсатиким бедаранг фасли шабоб.

Мугшс таълим усулидаги қийинчиликлар тўғрисида ҳам кўп бош қотирди, болалар ва ёшларнинг хат-савод чиқаришларини, илм ўрганишларини бир қадар осонлаштириш мақсадида ўзининг «Саводи таълим» ёки «Рисолаи савод» асари (1803)ни яратди.

Муниснинг «Мунисул-ушшоқ» девонининг охирида келтирилган 250 мисрали бу асари икки қисмдан иборатдир. Унинг биринчи қисмида хат-саводнинг маданият тараққиётидаги аҳамияти уқтирилади, илм-дониншандлик хат орқали қоғоз саҳифаларига кўчирилиш ва йўқолиб кетмаслиги

таъкидланади:

Ҳар сўзки кўнгилдин ўлди мавжуд,

Хат бўлмаса бўлғай эрди нобуд...

Бу навъ буюрди шоҳи аброр,

Ким илм ёри хатдур, эй ёр.

Бас мундоқ эса хат эътибори,

Иззат дарин оч хат аҳли сори...

Шоир илм толибларини чиройли ёзишни ўрганишга, бунинг учун қалам учини яхши йўниб, «рақамлар»ни қоғоз саҳифаларни яхши туширишга, «хатти хуб»га — ҳуснихатга эътибор беришга ундайди:

Вар яхши йўнулмаса қаламлар,

Шак йўқки ямон тушар рақамлар.

Зебо қамишдни найшакар бил.

Нўгида анинг шакар самар бил.

Ҳарфидин оқиб шароби маъни,

Эл андин эрур хароба маъни.

Олам иши интизоми. андин,

Олам элининг низоми андин.

Ул бўлмаса бўлмагай китобат,

Бу бўлмаса қолмагай хикоят.

Хатдин мақсуд эрур хати хуб,

Таълим қавонди билан жуб.

«Рисолаи савод»нинг иккинчи қисмида шоир ҳарфларнинг таърифи, шакли, имлоси тўғрисида бир қаача маслаҳатлар беради. Масалан, у арабча ҳарфлар билан таништирар экан, болаларга савод ўргатишда бадий тасвирдан — сурат солиш воситаларидан фойдаланишнинг аҳамиятини уқтиради. Чунончи, (к) ҳарфи ҳақида шоир шундай ёзади:

Қоф аввали фо бошига монанд,

Нун ҳалқасига валеқ пайванд.

Шунингдек, (л) ҳарфини ёзиш учун (н) билан (алиф)ни бир-бирига боғлаш лозимлигини уқтиради.

Гар ломни истасанг мураттаб,

Нун бирла алифни қил мураккаб.

Бироқ «таълим ишин осон» этиш мақсадида «Саводи таълим» рисоласини бунёд этган шоир бу йўлда қанчалик меҳнат сарф қилмасин («жидду жаҳд» кўрсатмасин), барибир, таълим иши жуда ёмон аҳволдалигича қолаверган эди. Аммо муҳими шундаки, Мунис бу рисоласи билан бир маърифатпарвар, «элнинг» ғамхўри сифатида майдонга чиқади. Шоир элнинг саводсизлигидан қайғурар, элни саводхон, билимдон ҳолда кўриб, «аламдан

озод» бўлишни истар эди. Шу мақсадда у элни ўз рисоласига рағбатлантириб, ундан савод чиқаришини истайди.

Шоир ўз девонини «Мунисул-ушшоқ» деб атади, чунки бу девондаги кўпчилик шеърлар (ғазаллар) ишқ-муҳаббат мавзусидадир.

Шоир ишқий ғазалларида ўзини ошиқларга «қиблано» деб атайди; маъшуканинг юзини қуёшга, ўзини унинг олдидаги заррага тенглаштиради; дилбарининг жафокор эмас, балки вафодор ва раҳмдил бўлишини истайди; дилбар сарв қоматининг соясини жаннатдаги «тубо» (гўзал дарахт)дан ва «хоки кўйи»ни жаннат гулшаидан ортиқ деб билади. Шоирнинг фикрича, муҳаббат икки томмондан бўлмаса, ошиқ ва маъшуқа ўртасидаги севги дил ва тил билан мувофиқ бўлмаса икки ўртадаги муҳаббат мўътадил ривож топмайди, балки бахт йўлига ғов бўлади. Иккала томоннинг ҳам севиши ва севилиши ишқнинг асосий шартидир.

Ҳамеша бошим ўрармен йўлунг сари санамо,
Магарки ишқ аро бўлмиш мен элга қиблано.
Оразинг гар бўлмаса ҳусн авжи узра офтоб.
Нечун олингда қилурмен зарра янглиғ изтироб.
Соия сарв қадинг тўбодин ортиқ дилрабо,
Хоки кўйинг гулшани жаннатдин ортиқ дилфиреб.
Вафову лутф ила Мунисни хуррам айла мудом,
Жафову жавр ила кўп қилдинг они озурда.
Муҳаббат икки ёндин бўлмаса кўшиш абас бўлғай,
Илоҳи ул пари кўнглини Мунисга гирифгор эт.

Керақдурким, тараққий топса ишқ аҳли таназзулдин,
Чиқиб ҳомундин, эй сели сирншким, азми кўҳсор эт.

Демак, шоир ўзининг ишқий шеърларида ҳақиқий ёрни — самимий ошиқ ва вафодор маъшукани мадҳ этади. Зўрма-зўраки севиш-севилпшнинг файзи бўлмаслигини таъкидлайди; Фарҳод ва Ширинларни, Лайли ва Мажнунларни улуғлайди; ибн Салом ва Хисрав кабиларни аёвсиз савалайди.

* * *

«Мунисул-ушшоқ»да шеър ва шоирлар, адабиёт масалалари ҳақида ёзилган айрим байтлар ва бадий парчаларни ҳам учратиш мумкин. Мунис яхши шеърни «сели ҳодисот»дан ҳам бузилмайдигани «махкам иморат» билан тенглаштиради; уни кишининг фарзандидан ҳам афзалроқ бўлган адабий мерос деб баҳолайди:

Шеър — ул неъмат эрурким, ҳар неча базл этсалар
Лаззати ортар дағи қадрига топмас нуқс роҳ.
Шеър ул маҳкам иморатдуркн, сели ҳодисот

Айламас ҳар неча бўлса тунд бунёдин табоҳ,
Балки шеър афзалдурур фарзандимки шеърни
Насли боқидин бақолиғдур дер аҳли интибоҳ.

Мунис шеърни жамиятга таъсир кучи ва тез тарқалиши жиҳатидан тиғи дудамга (қиличга) ўхшатади:

Шеър ул тиғи дудамдурким, жаҳонни фатҳ этар...

Лекин Мунис ўз даврида аксар шоирларнинг, худди бошқа хунар аҳллари сингари, хор-зорликда яшаганини, одамларнинг «симу зар»га берилиб кетиши натижасида шеър ва шоирга эътибор берилмай қўйилганини кўради:

Ривожи шеър умедин бу давр аро, Мунис,
Кўтарки, барчага манзур симу зар ўлди.

Бироқ бундан шоирларнинг умидсизликка тушиб, ўз касбларидан воз кечишлари тўғри эмас, деб уқтиради Мунис. Шоир, турли машаққатлар билан бўлса-да, фахрли ишга киришиб, сўзга «дурри маънини мунтазам» қилиши, «жавохирсанж» бўлиши лозим, деб билар эди.

Бўлай. десанг мутасарриф висол гуҳариға,
Ниёз ашқй била Мунис ўз жавохирсанж.

Мунис сўзингға қил дурри маънини мунтазам,
Лекин замона аҳлидин этма тамаъ сира.

Мунисни шеъриятда ҳар жиҳатдан кўпроқ қизиқтирган устод ўз халқинияг гениал шоири Алишер Навоий эди. Мунис Алишер Навоийни ўзига пир – буюк устод деб билади:

Сўз ичра Навоийки жаҳонгир дурур,
Мунисга маоний йўлида пир дурур.

Шоир халқ учун хизмат қилишда ўз замонининг Навоийси бўлиши истар эди. У худди шу ниятни кўзда тутиб, Муҳаммад Раҳимхоига ёзган бир касидасида Навоий даражасига етиш учун ўзига ҳомийлик қилишни сўрайди:

Бас эрур, вожиб санго айлаб ҳамеша тарбият,
Манки Мунисман, мани қилмоқ Навоий дастгоҳ.

Муниснинг Навоий ва унинг меросига қанчалик муҳаббати борлигини «Девон»даги кўпгина шеърларидан англаб олиш мумкин Бу шеърлардан маълум бўлишича, Мунис фикрни таъсирчан мукамал ифодалашда, сўз санъати, вазн, қофия ва адабий воситаларни яхши билишда Навоий сингари моҳир бўлишни истаб, амалда, асосан, бир-бирига жуда яқин бўлган икки йўлни: 1) Навоий ғазалларига мухаммаслар боғлаш ва 2) Навоий ғазалларига назиралар айтиш йўллариини тутади.

Шоир Мунис Навоийнинг «кўрдинг — еткурдинг», «бўлғуси» «манго», «афсонадур - фарзонадур», «савдо - ғавғо», «оромим - жомим», «нетайин», «айлаб», «махбуб» каби қофия ва радифлар билан тамомланган кўпгина

ғазалларига мухаммаслар боғлаган. Мунис назираларида баъзан тазмин тарзида Навоий ғазалларидан

Эй қошинг меҳроби тарҳ айлаб янги ой ҳайъатин,
Вақф анго қилмиш малопик хайли нақди тоатин
каби байт ёки мисраларни келтиради; кўпинча эса ҳеч қандай мисра ёки байт келтирмасдан ҳам Навоий ғазаллари шаклида байтлар яратади. Чунончи, унинг:

Рухпарвар лаълинг руҳи равонимдур фидо
Жонфизо ширин сўзингға хаста жонимдир фидо
байти Навоийнинг:

Гулу гулзор сенинг боғи жамолингга фидо,
Сарву шамшод дағи тоза ниҳолингга фидо'
блйтига шаклан ўхшашдир.

Дсмак, Мунис тақлидчилик қилмаган ва Навоийнинг сўзлари ва мисраларини айнан кўчирмаган; у Навоий шеърятидан ўрганиши иатижасида мустақил фикр юритишга, шеърятда Навоий изидан бориб, янгиликлар яратишга муваффақ бўлган. Хуллас, Мунис Навоий ва унинг замондошлари ҳамда кейинги давр шоирлари анъаналарини ижодий ўрганиб, Хевадаги адабий ҳаётда мустақил ва йирик шоир бўлиб танилган.

«Мунисул-ушшоқ» девонида классик шеърятнинг ғазал, қасида, маснавий, рубоий, мухаммас, мусаддас, мусамман, мувашшах, китъа, фард, туюқ, чистон каби турларидан намуналар бор.

Албатта, шоир ҳаётининг турли даврида яратилган бу намуналар шакл ва мазмун жиҳатидан бир хилда силлиқ ва кам-кўстсиз эмас эди. Шоирнинг ёшлиқ йилларида, эндигина шуҳрат қозонаётган вақтларнда яратган байтларида фикрнинг бўш ифодаланиши, қофия танқислиги, вазн оҳангидаги сакталик каби камчиликлар йўқ эди, деб бўлмади. Унинг 1800 йилда отаси Авазбий мироб вафоти муносибати билан ёзган марсия тарзидаги шеъри ҳам бадиий жиҳатдан анча бўш эди. Бу шеърнинг қуйндаги мисраларидаги сўзлар бир-бирига яхши боғланмаганидан, айтилмоқчи бўлган фикрни англаб олиш қийин ёки охириги мисрадаги «фарзандлик» сўзини чўзиброқ ўқишга тўғри келади, одатда, қадимий адабиётда «имойа» деб аталадиган бу ғализ ҳолатга классиклар йўл қўймасликка интилар эдилар:

Вале бу мотаи ошуфтага бордур атогонинг
Қабулидин бўлуб фарзандлик дурри менга сероб.

Авазбий иноқ ва Тўрамурод сўфи ўртасидаги жанг ҳяқида. ёзилган қасиданинг айрим мисраларида ҳам «ранжидин»- «сахтидин» қофиялари бир-бирига равон ёпишиб келмаганидек, бир мисрада бирин-кетин «ки» боғловчисининг икки мартаба тақрорланиши ҳам равонликни бузган:

Топиб элни ғофилроқ ўз раижидин,
Хабарсиз замон гардиши сахтидин.
Ки бу йил ки ҳижрат била то бу дам,
Минг икки юз эрдин ўн олти ҳам.

Муниснинг ўзи ҳам «бехутлиғ хангомида... усруклик айёмида» яратилган, баъзи нуқсонлардан холи бўлмаган шеърлари борлигини инкор қилмайди. Аммо «Девон»ни тартиб бераётганда мазкур шеърларни тушириб ҳам қолдирмайди. Мунис нуқсонли шеърларни ҳам яхши шеър ҳисоблашни нодонлик деб билиб, ўз камчиликларидан кўз юнмайди вл камтаринлик билан, «бедни (тол дарахтшш) беҳосиллик журми билан гулшандин» четда қўйилмаслиги ва «сарвни бебарлик хатоси била чамандин ташқари қовмоқ инсоф»дан эмаслигини айтиб, гулшандаги гулнинг ҳам тикани бўлади,— дейди, шунинг учун айрим камчиликлари бўлган байтларни ҳам «Девон»га атайлаб киритганини эслатиб ўтади:

Гулшанда гул ўлса хор ҳам бўлғусидур,
Бехор гули латиф кам бўлғусидур.
Мунис нухабо яхшилари мажмаида
Бир неча ёмон бўлса не бўлғусидур.

Ҳар навъ шеър ила ораста ва ҳар заиф назм била пийроста булди». Мунис «иборатлари номарбут... мазмунлари номазбут...» бўлган шеърлардан аста-секин сермазмун ва бадий гўзал шеърлар яратишга ўта борди. Шеърият маданиятини ўрганиш ва ўзлаштиришга киришди. Адабий воситалар, бадий тил, вазн турлари, қофия унсурлари устида кўп ишлади. Зўр бериб қилган ижодии мсхнати натижасида Мунис оддий ҳаваскордан йирик адибгача, оддий китобхоидан тортиб адабиёт аҳлигача манзур бўладиган байтлар яратишга кодир бўлди. Мисоллар:

Муниснинг тубандаги байтлари «талмеҳ санъати» (тасвирланаётган объектга мослаб байт орасида бирор ҳикоя ёки қиссага ишора қилиб ўтиш) билан яратилган:

Нури рухсоринг бўлиб, Юсуф жамоли зийнати,
Дидаи Яъқубға гарди кудуминг тўтиё.

Не паридур сенки, Мунис оразинг кўрган замон,
Бўлди дашти ишқ аро Мажнуни саргардон анго.

Балолар ичра ким солмиш фироқинг,
Эрурмен сабр қилмоқликка Айюб.

Шоирнинг қуйидаги мисралари «тазмин санъати» (ўз шеърининг таъсир

кучини янада ошириш учун бирор машхур шоирдан мисра ёки байт келтириш) билан яратилган:

Эй қошинг меҳроби тарҳ айлаб янги ой ҳайъатин,
Вақф анго қилмиш малойик хайли нақди тоатин.

Чун бу матлаъ фикрига топди хаёлим эҳтисос,
Кўнглума солди ҳавас бу навъ даъви нахватин.

Ким киши бўлғайму ким, деса бу матлаъга жавоб,
Кўргузуб арзи балоғат ичра табъи хиддатин.

Қуйидаги мисралар «мутаносиб санъати» ва жонланшириш санъати асосида яратилган:

Жилва қилса қоматинг бўстон аро, эй дилрабо,
Сарв дер: аҳлан ва саҳлан, қумри айтур мархабо.

Мунис ўқувчини қизиқтирадиган, тасвирланаётган объект характериға мос ташбеҳлар ҳам ишлатган.

Оразингдур гажи хусну онда зулфинг аждаҳо.
Бўлмади бу аждаҳодин топгон ул гажинг раҳо.

Шоир муболаға, киноя, истиора каби тасвирий воситалардан ҳам унумли фойдаланган ва уларнинг кўпгина ажойиб намуналарини яратган. Масалан, девонда ўхшатиш усулида яратилган еёи ўхшатиш усули кўлланган шеърлар жуда кўп бўлиб, шоир «дек», «киби», «ёнглиғ», «чу», «чун», «бўйла», «бўйлаким» сингари ўхшатиш аломатларидан унумли фойдаланган,

Мунис аруз вазнининг хилма-хил (рамал, ҳазаж, ҳафиф, мутақориб ва ҳ.) баҳрларида ҳам мувафақият билан шеърлар ёзган. Мунис қофия тизимида ҳам, қофияланувчи сўз танлаш ёки яратишда ҳам маҳорат кўрсатган. У энг оддий сўзларни ҳам қофияга олиб, байтларда муҳим маънони – мазмунни ифода этган. Чунончи:

Тез этар жонон ғами ишқим ўтини кўзғолиб,
Куйдурур ул ўтға бир-бир устухонимни қалаб.

Жонимға урдунг оташи ишқинг тутоштуруб
Ёқдинг сўнғакларимни ул ўтға қолоштуруб.

Ўлтурурлар мени ҳар дам кўзу қоши талошиб,
Тиргузурлар икки жон бахш дудоғи ярошиб.

Муниснинг байтларида оддий қофия шаклларида ташқари, бошқаларда

камдан-кам учрайдиган кўш қофия, такрор қофия, тақлидий сўзларни қофиялаш ҳам учрайди. Мисоллар:

Олур юз жонни ҳар боққанда не кўзлар дурур ваҳ-вах,
Минг ўлук тиргузур ҳар сўзда не лаблар дурур ваҳ-вах.

Фироқинг шиддатидин кўзларимдин қон оқар, тим-тим,
Кўриб они рақиб кинавар ҳар дам кулар қаҳ-қаҳ.

Чекар завқи сиҳи қаддинг била қумри фцғон ку-ку
Тузар шавқи гули рўйинг била булбул наво чаҳ-чаҳ.

Етар бошимға ҳажринг тиғию ғам тошлари бот-бот,
На бўлди васлдин марҳам етурсанг захмима гаҳ-гаҳ.

Йиғла саҳарлар ун чекиб, ашки надоматни тўкуб,
Бехуда кулмагинг недур тифл киби шоқур-шукур.

Дўст хаёли бирла сен айла хомушлиғ шиор
Сўзламак усру зиштдурур қурбақадек вақур-вукур.

Очилиб боғи жамолинг гули гулшан-гулшан,
Солди ўт равзай ризвон аро хирман-хирман.

Қоматинг кўрди муаззин деди қомат-қомат,
Оразинг кўрди бараҳман деди аҳсан-аҳсан.

Гаҳ юзинг очди латофат гули алвон-алвон,
Гаҳ сўзинг сочди балоғат дури домон-домон.

Тўкулиб хайли бало бошима лашкар-лашкар
Солдилар хаста танимга яро жавшан-жавшан.

Узорингда нуре аёндур-аён,
Ки ондин куну ой нишондур-нишон.

Бало ўқларин отғали жонима
Ики эгма қошки камондур-камон.

Улус келса мандин фиғонга не тонг,

Ишим кеча-кундуз фиғондур-фиғон.

Мунис шеърият тилининг бадийлигига алоҳида эътибор беради, мисраларни қуруқ эмас, балки мумкин қадар маъноли ва чиройли сўзлар билан бойитишга интилади. Жумлаларнинг содда, равон, тушунарли ва таъсирчан бўлиши учун интилади; халқ ибораларини ва мақолларини кўп қўллайди ва ўзи ҳам ҳикматли сўзлар тарзида мисралар тузади:

Аҳбоб топди васлину ёд этмади мени,
Чиндур бу сўзки, йўқ хабари тўқнинг очдин.

Боқма эл айбиғаю ўз айбинга наззора қил,
Кўрмай ўз айбин, киши айбини кўрмак келди айб.

Мунис шеърларида Хоразм диалектидаги *қабоз, топук, қопу, шир, эврулай, эвурди, юруса, юрумоқ, ботон* каби сўзлар анчагина бор. Бу сўзлар шоир яшаб турган даврдаги халқнинг ҳаётда, муомала-муносабатда қўллаган сўзларидан олинган бўлиб, улардан баъзилари ҳозир ҳам хоразмликлар орасида ишлатилади.

Хулоса. Шермуҳаммад Мунис XVIII аср охири ва XIX асрнинг биринчи чорагида Хевадаги адабий муҳитда яшаб ижод этган етук шоир ва донишманд тарихчидир. У ўз даврида рўй берган кўпгина воқеа-ҳодисаларнинг гувоҳи бўлган, муҳокама қилган ва ўз сиёсий қарашларида халқнинг ҳукмдорлар томонидан эзилаётганига ачинган ва норозилигини ифодалаган, ўз шеърларида ҳамда тарихий асарларида мумкин қадар халқнинг ҳимоясини кўзда тутган халқпарвар ва маърифатпарвар шоирдир.

Мунис поэзиясида жаҳолат ва нодонликка нафрат, илм-хунарга эътиқод, шеър ва шоирга ҳурмат, иок виждонли ва вафодор ишқ аҳлларини ҳимоя қилиш каби мотивлар асосий ўрин эгаллайди. Шоир ҳамма масалалар тасвирида дастлаб баъзи камчиликлар билан, кейинча эса шеър санъатининг етук вакили сифатида иш тугади ва замондошларига ҳамда ўзидан кейинги шоирларга ўрнак бўларли даражада бадий ютуқларга эришади. Бунини шоирнинг ўзп ҳам эътироф этиб, жуда кўп қийинчиликларни бошидан кечирган бўлса-да, шеъриятнинг баланд чўққисига кўтарила олганини қайд этади:

То мусаххар айладим сўз бирла маъни кишварин,
Шоҳ мен, эй Мунис, аҳли донишу идрок мен.

Ҳақиқатан ҳам, Мунис ўз замонасининг адабий доирасида аҳли донишларнинг шоҳи эди.

Муҳаммадшариф Гулханий

Гулханий XVIII аср охири ва XIX асрнинг биринчи ярмидаги ўзбек адабиётининг йирик вакилларида бири бўлиб, ўз ижодий фаолиятида ҳажв ва масал жанрини янги босқичга кўтарган шоир ва масалнависдир.

Гулханийнинг бизгача етиб келган адабий меросидан маълум бўлишича, у ўзбек, форс-тожик классиклари асарларини кунт билан ўрганган; озарбайжон адабиётига иштиёқ қўйган, ҳанд адабиётининг ўлмас дурдоналаридан ҳисобланган «Калила ва Димна»ни мутолаа қилган.

Ҳаёти ва фаолиятига доир баъзи маълумотлар. Гулханий ҳаётининг тафсилоти сўнги вақтларга қадар равшан эмас эди. Лекин адабиётшуносларимиз томонидан олиб борилган тадқиқотлар бу соҳани анча ойдилаштирди. Фазлий Намангонийнинг «Мажмуаи шоирон», Қори Раҳматулло Возеҳ Бухорийнинг «Тухфатул-аҳбоб фи тазкиратул-асҳоб» тазкираларида Гулханий ҳақида айрим маълумотлар берилган бўлиб, улардан шоир ҳаётининг баъзи бир томонларини: унинг сўз санъатида жиддий имтиҳондан ўтганини кўрсатади.

Гулханийнинг туғилган йили номаълум.

Фазлий Намангонийнинг Гулханий ҳақидаги маълумоти, шоирнинг тожикча ғазалларининг тил хусусиятлари, унинг ғармлик бўлганлигидан далолат беради. Фазлий ўз тазкирасида унинг «Кўҳистон мулкидан» эканлигини таъкидлаб, қуйидагиларни ёзади:

Бувад Гулхани шоири кўҳсор,

Асоси суханҳои ў бемадор.

Ғазалҳо навишта латифу равон,

Ба дастури алфози кўҳистон

(Гулханий тоғлик шоирдир, унинг сўзларининг асоси бўшдир. Латиф ва равон ғазаллар битган, бу ғазаллар тоғликлар тили услубидадир).

Аммо бошқа тазкираларнинг муаллифлари уни гоҳ Намангандан гоҳ Қўқондан чиққан деб талқин қиладилар. Қори Раҳматулло Возеҳ ўз тазкирасида Гулханийнинг исми Мулло Муҳаммад Шариф бўлиб, асли наманганлик эканини, Умархоннинг сарой шоирларидан бўлганини уқтиради. Шунингдек, тазкира муаллифи унинг дастлаб ҳаммомдорлик ншларига муносабати бўлгани учун Гулханий тахаллусини қабул қилганлигини эслатади ва унинг шоирлик истеъдодига баҳо бериб, «шеърлари вазн жнҳатидан равон ва ўз тенгдош-замондошлари томонидан юқори баҳоланган», деб қайд этади.

Кекса адабиёт ўқитувчиларидан марҳум П.Қаюмовнинг «Қўқон тарихи ва адабиёти» номли қўл ёзма асарида таъкидланишича, «Гулханий... Қўқонда туғилган, онаси ўзбек бўлиб, отаси тожик эди. Шоҳи Қушбегининг

юзбошиларидан бўлиб, Қоратегиндан келган ва Хўжандда уйлапган. Онаси хон саройида оддий қора хизматда кун кечирган. Боласи (Гулханий кўзда тутилади — В.А.) мадрасани тамом эта олмаган, кейинча аскарый сипоҳликда пастроқ даражада туриб, сарой доирасида кун кечирган».

Агар, бир томондан, тоғлик тожиклар шеvasида ёзилган «бидех» радифли ғазалининг тил хусусиятлари (чунончи, «нон», «маржон», «дармон», “айвон” сўзларидаги «о» унлисининг «у» билан алмаштирилиб, «нун», «маржун», «дармун», «айвун» тарзида ёзилиши), иккинчидан, Олимхоннинг тоғлик тожиклардан (явкар) олиш воқеаси ҳисобга олинса, Гулханийнинг Ғарм ёки Дарвоздан эканлиги маълум бўлади.

Муҳаммад Шариф Гулханий ХУШ асрнинг 70-йилларида дунёга келган, деб тахмин қилинади. Фазлийнинг хабар беришича, унинг ота-боболари тоғ аҳолисининг эътиборли кишиларидан бўлган («Ки буданд аждоди ў дар диёр, Писандидаи мардуми кўҳсор»). Муҳаммад Шариф ўз илмини ошириш ниятида Қўқон хонлигига қарашли Наманган шаҳрига келиб, кишилар юмушини бажариб юради. Муҳаммад Шарифнинг оғир турмуш шароити унинг Фарғонага келишини ҳам тақозо қилди десак, хато қилмасмиз. Тоғлик тожик аҳолисининг ҳунармандчилик ва савдо-сотик бирмунча ривожланган шаҳарларга келиши, шу асосда ғариблик мазмунидаги кўпгина рубоийлар, тўртликларнинг пайдо бўлиши ҳам буни яққол исботлайди.

Бизгача етиб келган маълумотларда Олимхон салтанати даврида навкар олиш эълон қилинган пайтларда Гулханийнинг ўз истаги билан сипоҳийликка киргани айтилади. Жумладан, Фазлий бир ўринда Гулханийнинг хон навкарларидан эканига очиқ ишора қилиб, уни сипоҳий сифатида тасвирлайди ва ўз ишига моҳирлигини қайд этади:

Бувад Гулхани шоири кўҳсор,
Ба доҳғари шохест ўро қарор.
Зи мардони корест дар зўру жанг,
Салоҳаш ба каф теғу тиру туфанг.

(Гулханий тоғлик шоирдир, у шоҳ даргоҳида қарор топди, яъни яшамоқда. Куч-қувватда ва жангда мардлардандир, тиғ ва тир-туфанг отиш касбини ахши эгаллагандир.)

Аммо Муҳаммад шариф урушларда фаол қатнашиб, ботирлик намунасини кўрсатган бўлса ҳам, у қашшоқликда кун кечирди, қорни нонга тўймади. Кўрсатган қаҳрамонликлари хон томонидан тақдирланмади. Бу ҳақда Фазлий тазкирасида бундай дейилади:

Ба даврони жаннатмакони амир
Чунон буд дар бенавойи асир.
Ки нашкаста дар умр ноне дуруст,

На биншаста бар гирди хоне дуруст.
Сипоҳигари карду роҳат надид,
Ки осойиш аз ранжу меҳнат надид.
Мурувват накарди ба ҳолаш амир,
Басе бенавои кашид он фақир.
Зи беилтифотии жаннатмакон,
Ҳаме буд муҳтожи як парча нон.
Ки аз тангдасти ба жон омади,
Зи бемояги дар фиғон омади...

(Жаннатмакон амир, яъни Олимхон даврида у бенаволик асири эди. У умрида бир дурустгина нон ушатмади, яхши дастурхон атрофида ўтирмади. Сипоҳийлик қилдию, лекин роҳат кўрмади, ранж-меҳнат чекдию, роҳат кўрмади, унинг ҳолига амир мурувват қилмади, у фақир яшаб, бенаволик чекди. Жаниатмаконнинг илтифотсизлигидан бир бурда нонга муҳтож эди. Қўли қисқалигидан жонидан тўйди, пулсизлигидан оҳ-фиғон қилди.)

Умархон давридаги Қўқон адабий муҳити қатнашчиларининг маълум маънодаги биографи Фазлийнинг юқоридаги сўзларига шубҳаланмаса ҳам бўлади. Шуни айтиш керакки, Фазлий ўз сўзларини тасдиқлаш, унинг реал заминга асосланганини кўрсатиш мақсадида шоир ижодига мурожаат қилади ва:

«Ғазал суфт дар сурати холи хеш,
Чунин гуфт дар арзи аҳволи хеш»³²,

дея Гулханийнинг навкарлик давридаги аянчли аҳволини кўрсатувчи автобиографик характердаги «бидех» (бергил — бер менга) радифли ғазалини келтиради:

Ҳазратим, очликдан ўлдим, егани нон бер менга,
Кофир ўлғайман агар десамки, баҳмон бер менга.

Мошу буғдою гуруч берким, шулар менга керак,
Ҳеч айтмасман ақиқу лаълу маржон бер менга.

Эгнима ёпиқ бериб, қорнимни тўйғиз нон билан,
Сенга биллоҳким демасман: дину имон бер менга.

Навкаринг очликдан ўлса, нега хайфинг келмагай,
Эй табиби ҳозиким, дорую дармон бер менга.

32 Ғазалга кўшиб куйлади холини,
Бу янглиғ деди арзи аҳволини (Васфий таржимаси).

Нону тўн бер, бенаволик дардидин кутқар мени,
Мен қачон айтдимки, Қорун ганжидек кон бер менга...

Гулханийни эр йигитлар тўпидан камситмагил,
Фўта бер, от бер, қилич бер, тўну чакмон бер менга.
(Муинзода таржимаси.)

Бу шеър Гулханийнинг бизгача етиб келган ғазалларининг каттаси бўлиб, 9 байтдан иборатдир. Шоир бу ғазалда сипоҳийлик вақтларидаги кайфиятини, оғир турмуш шароитини ифодалайди. Ғазал матлаи (бошланмаси) оч қолган кишининг ўз хўжайинидан нон сўраши билан бошланиб, лирик қаҳрамон — навкарнинг қалб аламлари изчил очила боради. Лирик қаҳрамон, очлик, қашшоқлик ҳукм сурган даврда қимматбаҳо тошларнинг, дур ва олтинларнинг аҳамияти йўқ, оч киши учун мош, буғдой ва гуруч ҳамма нарсадан кераклидир, демоқчи.

Бу ғазалга чуқурроқ назар ташланса, унда фзқат якка, очликдан тинкаси қурнган айрим шахс ҳақида эмас, балки амир Олимхоннинг навкарлик сиёсати ҳақида фикр юритилаётгани маълум бўлади. Ғазалда лирик қаҳрамоннинг образи умумлашма образ даражасига кўтарилган, чунки Олимхон навкарларидан фақат Гулханий хон илтифотига сазовор бўлолмади, деган қарорга келиш янглишдир. Демак, лирик қаҳрамон навкар ўз бошидан кечирганларини баён қилиш асосида Олимхоннинг навкарларига мурувватсизлигини ва қўшиндаги тартибсизликни фош қилади. Ўз ҳуқуқини ёқлаш билан бошқа навкарларни ҳам шунга даъват этади.

Ғазалнинг мақтаи (охирги байти) ҳам характерлидир. Унда лирик қаҳрамоннинг ўз ҳазратидан уни «эр йигитлар қаторидан камситмаслик» ҳақидаги истаги ифодаланади. Шеърни маълум маънода сипоҳий сақлаш борасида хонга берилган қўлланма деса ҳам бўлади Чунки шоир, ҳоким ўз навкарларига қарамоғи, уларнинг хизматларини вақт-вақти билан тақдирлаб туриши керак, деган фикрни илгари суришга ҳаракат қилади. Ғазал марказида ўз давридан норози бўлиб, хоннинг навкардорлик тизимини фош этувчи шоир образи туради. Ана шу образнинг мақсади ғазал матлаида баён этилади, образ характерининг бошқа томонлари эса қолган байтларда бирин-кетин очила боради. Ғазалда зорланиш, талаб, кесатиш, умид оҳанглари бир-бири билан алмашилиб, чорасиз қолган кишининг руҳий ҳолати, ички олами равшан кўринади.

Умуман, Гулханийнинг навкарлик йиллари унинг ҳаётидаги энг оғир даврлардан эди. Лекин, шунга қарамай, шоир ўша йилларда ҳам ўз билиминини

ошириш, такомиллаштириш учун ғайрат қилади. Бошқача қилиб айтганда, Гулханийнинг сипоҳийлик иллари ҳам ижодий иш, ҳам ўз билимини тинмай ошириш, ўзбек ва форс-тожик адабиёти намуналарини мутолаа қилиш даври ҳисобланади.

Олимхон вафотидан сўнг тахтга чиққан Умархон ўз истеъдодини навкарлик давридаёқ кўрсата олган Гулханийни саройга жалб қилди. У ўз сарой атрофига бир қатор қалам аҳллари тортди: Мовароуннахрнинг турли жойларидаги қалам аҳллари, шунингдек, Хуросоннинг баъзи бир шоирларини ўз атрофига тўплади. Масалан, Фазлий эътирофига кўра, балхлик шоир Фоний «шаҳриёр», яъни Умархоннинг шўхрати ёйилганда, ўз ватанини тарк қилиб Қўқонга келган («Жаҳон пур шуд ба шўхрати шаҳриёр, аз он кард тарки ватан ихтиёр»). Шу шоирлар қаторида Гулханий ҳам бор эди.

Шуни эсда тутиш керакки; Олимхон даврида илтифотсизлик, хорлик кўрган Гулханий дастлабки вақтларда Умархонни адолатли ва тадбиркор подшоҳ деб ўйлаб, унга бир қанча ғазал ва қасидалар бағишлади. Қасидаларида Умархонни мактади, уни фуқаропарвар, адолатпарвар, зулм ва ҳақсизликка хотима берувчи киши қилиб тасвирлади ва бу билан хонни ана шундай ижобий хислатлар эгаси бўлишга даъват этди. Аммо Умархон саройидаги фисқ-фужурлар, мунофиқликлар, хон ва уни ўраб олган аркони давлат — давлат таянчлари томонидан халқ бошига келтирилган қора кунлар Гулханийдек ҳассос шоирнинг сарой аҳлига бўлган муносабатини ўзгартириб юборди; энди у баъзан ихтиёрий равишда ва баъзан пайравлик қилиб шохни таърифлашдан чекинадиган бўлди, ўз эътирозларини билдира бошлади.

Гулханий ҳаётининг охири давларига доир турлича маълумотлар бор. Баъзи бир манбаларда Гулханийнинг Умархон вафотидан сўнг ўз ватанига қайтиб кетганлиги тахмин қилинса, бошқа манбаларда унинг Муҳаммадалихон (1822—1842) томонидан ўлдирилганлиги айтилади. Чунончи, мазкур, хон ҳокимиятга келгач, отаси давридаги эътиборли кишиларни таъқиб остига олади. Жумладан, Гулханийни Янгиқўрғонга ҳоким қилиб тайинлаш баҳонаси билан Наманган ҳокими билан келишиб, шоирни жун қопга солиб, Сирдарёга ташлатиб юборади. Гулханийнинг бундай фожиали ўлдирилишини ЎзР ФА мухбир аъзоси шоир Бокий (Абдулла Насриддинов) кўлидаги кўл ёзма ҳамда Аваз Муҳаммад Атторнинг «Тарихи жаҳоннамо» ва муаллифи номаълум «Тарихи Хўқанд» кўл ёзма асарлари тасдиқлайди.

Хуллас, Гулханийдек истеъдодли шоирнинг хон ва унинг амалдорлари томонидан ҳалок қилинган бўлиши мумкин.

Гулханий лирикаси. Агар Гулханийни XVIII асрнинг 70- йилларида туғилган деб тахмин қилсак, ўз-ўзидан равшанки, унинг адабий фаолиятининг

бошланиши Намаиған мадрасаларида ўқиб юрган вақтларига тўғри келади. Адабиёт майдонига эндигина қадам қўяётган Гулханийнинг дастлабки шеърлари тақлидий характердаги хомаки шеърлар бўлиши табиий эди. Лекин у аста-секин камол топа бориб, мустақил ижод қила бошлайди. Албатта, Муҳаммад Шарифнинг дастлабки шеърлари мадрасадаги шеър ихлосмандлари, шаҳарда яшаб ижод этган шоирлар таҳриридан ўтган бўлиши мумкин.

Гулханий ҳам ўзбек, ҳам тожик тилларида бемалол қалам тебратган. Фазлий таъбири билан айтганда у «такаллум қилур туркию форси эрур шеър майдонининг фориси» (от чопари).

Муҳаммад Шариф аввал ўз таҳаллусини Гулханий деб атаб келган, кейинчалик эса уни Журъат сўзи билан алмаштирган.

Бу Журъат ки аввал эди Гулханий,

Эрур барча ҳазъён демаклик фани.

Муҳаммад Шарифнинг ўзига Гулханий таҳаллусини олиш сабабини шоир Фазлий ўз тазкирасида қуйидагича изоҳлаган эди:

Хушо Гулхани шоири пурфан аст,

Чи гулхан, ки зеботар аз гулшан аст.

Зи девонахўию оташфани,

Таҳаллус ниҳода ба худ Гулхани.

(Гулханий ҳамма нарсани билувчи шоирдир. У фақат гулхан эмас, балки гулшандан ҳам чиройлироқдир. Девонафёълиги, оловтабиатлиги, истеъдодлиги, ўткир фикрлиги туфайли ўзига Гулханий таҳаллусини қўйган.)

Қори Раҳматулло Возиҳ Гулханийнинг шеър ва қасидалар девони борлигини хабар қилган бўлса ҳам, аммо у ҳанузгача топилгани йўқ. Бизгача шоирнинг 12 ғазали ва бир қасидаси Фазлий тазкираси орқали етиб келган, холос.

Булар «ангуштам», «аз чашми ман», «омад барун», «эй тўти», «ашушт» радифли ҳамда «Лола кўксидек бағрим таҳбатаҳ қаро қонлар», «Герламиш май тобидин гулбарги рухсорин кўрунг» сатрлари билан бошланган ғазаллари ва бошқалардир. Улардан айримлари Умархон шеърларига назира тариқасида ёзилган.

— Гулханий лирикасига назар ташлар эканмиз, шоирнинг адабий анъанага, ғазалчилик анъанасига риоя қилганини дарҳол сезамиз. Унда лирик қаҳрамон — ошиқнинг қалб аламлари, рухий кечинмалари, ички туғёнлари, маъшуқанинг ўжарлиги, вафосизлиги, ёрига берган озорлари тасвирланади. Ошиқнинг ёри «жабру жафо мазҳари», «меҳрсиз, оқибатсиз ой», жоду кўзлари харидорни бедор қилувчи, илтифотсиз ва парвосиздир. Ошиқ ҳамиша ёр

висолига интилади, мурод ҳосил ҳилолмайди, ғамга ботади Шоир лирик қаҳрамонининг забун ҳолини кўрсатиш билан бирга баҳорнинг гўзал манзарасини ҳам чизиб ўтади:

Дар баҳорон баҳри тазъин наварўсони чаман,
Мекашанд дар гўшҳо дурри хушоб аз чашми ман.

(Баҳор чаманининг келинчаклари ўзларига зеб-зийиат бериш учун кулоқларига менинг кўз ёшларимдан ҳалқа тақиб оладилар.)

Айрим адабиётшунослар Гулханийнинг Фазлий тазкирасидаги ғазаллари тақлидий руҳда ёзилган, шунинг учун улар шоир ижоди учун характерли эмас, деган фикрни баён этмоқдалар. Агар Гулханий шеърларини синчиклаб мутолаа қилсак, бундай фикрнинг бир томонлама эканлигини, унинг ҳамма ғазаллари ҳам тақлидий эмаслигини, шоҳга бағишланган ғазалларида ишқ ва ошиқлик мавзuida баҳс юритиб, ўз шахсий ҳаётини ифодаланганини кўрамиз. Жумладан, Гулханий Умархоннинг ўз сиёсий мақсадларини, хонлик ҳудудини кенгайтиришни кўзда тутиб:

Амири кишвари шарам, ливои адл дар дастам,
Ки мнфтоҳи дари фатху зафар бошад ангуштам

(Шариат ўлкасининг амириман, адолат байроғи қўлимда бўлганлиги сабабли ҳар бармоғимда ғолиблик ва зафар эшигининг калити бор),

деб ёзган ғазалининг йўналишини усталик билан ўзгартириб, унда ўзининг мавжуд ҳаётдан норози эканини қистириб ўтади:

Ҳунар ҳар чанд инжо метаровад аз ҳар ангуштам,
Зи бахти норасо коре надорад бо зар ангуштам.

Ба иззу давлати султон Умар нозам, ки дар аҳдаш,
Ба фарқам тожи иқбол аст чу нохун бар ангуштам.

Ба хушки рондаам киштию умре зиндаам, Журъат,
Нашуд 3-ин баҳри беҳосил сари мўе тар ангуштам.

(Менинг бармоқларимдан хунар томади, аммо бахтсизлигим туфайли менинг бармоқларим олтин билан ошно эмасдир. Мен Умар султон давлати билан фахрланамай, чунки унинг даргоҳида иқбол тожи менинг бошимга бармоқ этидан ажратиш мумкин бўлмаган тирноқ сингари маҳкам кўндрилгандир. Эй Журъат умрим кемасини қуруқлик денгизида суриб, қийналиб яшадим. Бу ҳосилсиз денгиздан заррача баҳра ололмадим.)

Гулханийнинг бу ғазали «ба таъби шоҳ» шеър айтиш анъанасидан четга чиққани ва унда ҳаётда қийинчилик кўрган кишининг овози баралла эшитилганлиги сабабли ғазал Фазлий каби маддоҳ ширга ёқмайди, у ғазал

муаллифини сафсата айтишда айблаб, шеърни «на маънисии маҳкам, на лафзи бажо», деб баҳолайди. Аммо у Гулханининг Умархон услубини сақлаб қолган «силлиқ», «хавотирсиз» ғазалларини мақтайди. Масалан, Фазлийнинг тазкирада Гулханининг «кўрунг», «омад барун» радифли ғазалларига берган баҳолари бунга яққол далилдир.

Гулханий ғазалларида турмушдан олинган образлар, ҳаётӣ лавҳалар тасвири кўзга ташланади. Маълум адабий анъана билан боғланган ғазалчиликдаги бундай ҳол шеърга ҳаётӣлик бахш этади, унинг таъсирчанлигини оширади. Чунончи, шоирнинг «этмаз» радифли ғазалида шаҳар табиби, қароқчи, зоҳид образларини учратиш мумкин.

Гулханий ғазалларида табиб образининг яратилиши бежиз эмас, албатта. Маълумки, табиб беморларни даволайди. Демак, бемор учун табиб катта умид таянчи бўлиб, у ўз тақдирини, қисматини ана шу табиб билан боғлайди. Гулханий ҳам баъзан ўзи яшаб турган жамият ноқулайлиги туфайли хасталанганини таъкидлаб, ана шу табиб образига қайта-қайта мурожаат қилади; ундан ярасига малҳам қўйишни, дардига шифо беришни тилайдш Лекин бундан ҳам бирор мурод ҳосил қилолмагач, менинг оғир дардимни даволаш учун табибнинг меҳнатлари, уринишлари бефойда, деган қатъий хулосага келади.

Гулханийнинг бизга маълум бўлган ғазалларининг ўзи ҳам унинг ғазалчиликда катта маҳорат орттирганлигини, ўхшатиш, сифатлаш, муболаға, талмеҳ каби воситаларни топиб, уларни ўз ўрнида усталик билан ишлатганини, шеърнинг равонлиги, бўёқдорлигини таъминлаганини кўрсатади. Унинг байтлар орасига қистириб ўтган баъзи сатрлари катта мазмун касб этади. Чунончи, ошиқнинг ўз севгилисига қарата айтган:

Дили вайронадин, жоно, тавуққуъ қилма доғингни,

Бузилган мулкдин албаттаким султон хирож этмаз

сўзларида шоирнинг нимани назарда тутгани ўз-ўзидан равшан. Бу ҳол Навоӣ ғазалчилик анъанасининг кейинги асрларда ҳам давом эттирилганини кўрсатувчи далилдир. Чунки ўзбек адабиётида ғазал жанрини юқори босқичга кўтарган ҳассос шоир Навоӣнинг шеърларида ана шундай характердаги байтлар оз эмас.

Гулханийнинг айрим ғазаллари ёрни сифатлайдиган «Эй бути ширин, лаби симин, тани рангин қабо» сингари мисралар билан бошланса, баъзи бирларида ошиқ — лирик қаҳрамоннинг ички кечинмаларини очишга ёрдам берадиган муболағани («Дидаи ман бар лаби лаъли майолуде, к-буд, Метаровад нашъаи сад хум шароб аз чашми ман») учратамиз. «Бири» радифли ғазалида шоир Фарҳоду Ширин, Лайлию Мажнун қиссаларига ишора қилиб, ғазалга янги рух, янги маъно бахш этишга эришганки, бу Гулханийнинг

талмех санъатини муваффақиятли равишда қўллаганини кўрсатади. Шоир лирикасида халқ ҳикматини эслатувчи сатрлар ҳам бор:

Уз маконини тилар харгиз қафасдин қочса қуш,
Эйки истарсиз қўнгулни, зулфи ҳам торин кўрунг.

Гулханий ғазалларининг тили ҳам умуман содда ва тушунарлидир. Унинг шеърларида озарбайжон тили (тошга — «доша», истайман — «истарам», қиламан «айларам», кўп — «чўх» каби) ва қадимги тожик тили («намедонам» феълининг «менадонам» тарзида қўлланишн каби) элементлари ҳам мавжудки, бу ҳол ғазал муаллифишиг озарбайжон адабиётидан хабардор эканлигини, форс- тожик классиклари асарлари устида иштиёқ билан иш олиб борганини кўрсатади.

Бироқ Гулханийнинг «Мажмуаи шоирон»да келтирилган тожик тилидаги қасидасининг ўзиёқ шоирнинг қасидачиликда ютуққа эриша олмаганини кўрсатади. Қасида 52 мисрадан иборат бўлиб, У Умархонга бағишланади. Қасида:

Сахаргаҳ булбули шўрида нолае сар кард,
Зи хуни дида гули сурх домане тар кард
матлаи билан бошланиб, ташбиб (муқаддима) қисмада баҳор айёмининг жозибали манзараси тасвирланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, Гулханий назира тарзида ёзган ғазалида ўз турмуш шароитини акс эттиради, шеърятни ҳаёт билан боғлашга уринади,

«Зарбулмасал»

Гулханий ўз турмуш тажрибасида, ижодий фаолиятида ғазал ҳодиса-воқеаларни атрофлича тасвирлашга қулай эмаслигини, унинг маълум адабий анъаналар билан белгиланишини, ғазалнинг бош мавзуси ишқ ва ошиқлик эканлигини яхши тушунди, Шунинг учун ҳам шоир ўзининг муҳим қарашларини, эл-улус тақдирига бўлган муносабатини адабиётнинг бошқа жанрда яхшироқ ифода этишни назарда тутиб, «Зарбулмасал» асарини ёзди.

Гулханий сарой муҳити билан келиша олмади. Меҳнат аҳлининг оғир, машаққатли ҳаёти унинг кўзини очди. Гулханий сарой базмлари ва кети узилмас майпарастликларниш халқни талаш ва қийнаш ҳисобига уюштирилганини пайқади. Лекин шоир ўз норозилигини очиқ ифода қила олмас эди. Шунинг учун у аллегорик асар ёзишга жазм қилди. Аллегорияда шоирнинг ҳаётга, ўзини ўраб олган муҳитга, ҳоким табақаларга муносабати бевосита эмас, балки жониворлар, қушлар ва шунга ўхшаш аллегорик образларнинг тасвири орқали ифодаланади.

Гулханий «Зарбулмасал» асарини ёзиш учун кўп тайёргарлик кўради; масал жанрининг хусусиятларини яхши ўзлаштиради. Турли тоифадаги

кишилар билан муомала-муносабатда бўлиб, халқ мақолларини, ҳикматли сўзларни тўплайди. Зотан, асарда халқ мақоллари катта ўрин тутгани учун муаллиф асарини «Зарбулмасал» (мақоллар, мақоллар жамъи) деб номлади. Аиа шу жиҳатдан Гулханийни халқ оғзаки ижодининг энг ихчам намуналаридан бири саналган зарбулмасал ва мақоллар тўпловчи, ёки, бошқача қилиб айтганда, адиб-фольклорист дейиш мумкин.

«Зарбулмасал» шунчаки оддий бир аллегорик асар бўлиб қолмай, кушларнинг характериға, асардаги мавқеиға мос равишда усталик билан ишлатилган мақоллар ва ҳикматли сўзларға бой бўлган асардир. Асарнинг ҳам шакл, ҳам мазмун, ҳам бадий-тасвирий воситаларнинг қўлланиши жиҳатидан халқ оғзаки ижодига, хаёлий-маиший эртақларға ўхшаб кетиши унинг асосий хусусиятидир. Асар, халқ эртақлари сингари, маълум терма билан бошланиб, «муродларига етдилар» ибораси билан тугалланади. Асарнинг шунга ўхшаш ўринлари унинг халқчиллигини, китобхонлар томонидан севиб ўқилишини таъминлаган.

Асарнинг асосий мақсади фақат Мовароуннаҳрнинг эмас, балки Қўқон хонлигининг ҳам вайронаға айланганини, харобазорға юз ўгирганини, хукмронларнинг зулми, ярамаслиги, саройдаги фисқ-фужур ва қабоҳатларни, халқ оммасининг оғир турмуш шароитини ва шунга ўхшаш бир талай масалаларни кўрсатишдан иборатдир. Бу масалаларнинг ҳаммаси кушларнинг қудачилик можаролари, қизнинг маҳри воқеаси орқали баён қилинади.

«Зарбулмасал»нинг қисқача мазмуни куйидагича:

Фарғона иқлимиға қарашли Кайқубод отлик подшоликдан қолган бир эски шзҳристонда Бойўғли ва ундан бир ёғоч масофада Япалоққуш яшар эканлар. Бойўғлининг Гунашбону исмли бўйи етган ой юзли, нозли қизи бўлиб, Япалоққуш ўз ўғли Кулонкирсултонға шу қизни олиб бермоқчи бўлади ва шу ният билан Кўрқушни Бойўғлининг уйиға совчиликка юборади. Қизнинг отаси уруғ-аймоқлари билан кенгашиб бир қарорға келгандан сўнг жавоб беражагини билдиради. Бу хабар кушлар шоҳи Маликшоҳингача бориб етади. Маликшоҳин Бойўғли талаб қилган қалин миқдорини аниқлаш ва тайёрлаб қўйиш мақсадида синалган, ишнинг кўзини биладиган хазиначиси Кордонни Турумтой исмли хизматкори билан кўшиб Бойўғлининг уйиға жўнатади. Бойўғли буларни кутиб олгандан сўнг Кордон, «Ҳар на тилаган қалинни ўз қулоғим билан англағали келдим», деб мақсадини баён қилади. Аммо иш битмайди. Кордон Бойўғлидан аниқ жавоб ололмай, Кўрқуш олдиға бориб, бўлган воқеани унға баён эғади. Охири Кўрқуш қизнинг отаси талаб қилган минг чордевор эвазига унинг розилигини олгандан сўнг хутба ўқитиб, Гунашбонуни Кулонкирсултонға никоҳ қилиб беради.

Шуни айтиш керакки, Гулханий кушларнинг қудачилик можароларини

тасвирлаш жаарёнида ўша замондаги ижгимой муносабатларни, миллий одатларни, жумладан, қизга совчилик қилиш, маҳр сўраш, хутба ўқитиш каби расм-русумлари кўрсатади. Асардаги Бойўғли, Япалоққуш, Гунашбону, Кулонкирсултон, Кўрқуш шунчаки оддий паррандалар бўлмай, балки ўша замонда яшаган турли кишиларнинг маълум хулқ-атворини ўзида мужассамлаштирган аллегорик образлардир. Масалан, Гунашбонунинг совчи келгандан сўнг отаси билан бўлган муносабатини кўрсатувчи бир парчани кўздан кечирайлик:

Бойўғли...айди: «Эй, болам, Япалоқбибининг боласи Кулонкирсултон ҳавохоҳ бўлиб, совчи юбормиш, на жавоб берурсан?» Анда Гунашбоиу ойим, нечукким рўзгор қизларининг аълोलаридиндур, «Сукут—аломати ризо» дегандек, бошини қуйи солиб ўлтурди. Бойўғли қизининг майлини билиб айдик: «Бу болиғанинг кўнгли эр тилар ўхшар»—дегач, қиз тилга келиб айдди: «Эй бемаъни чол, соқолнингдан уял. Хомуш турмоқлик бўйла бўлурму жавоби? Хайр ишига мутакаллим бўлғонинг бўйла бўлурму хитоби?..»

Анда Бойўғли айдди: «Эй бошинг кесилгур, англағон эмасмусан — «ўлтурган қиз — ўрин топар».

Анда Гунашбону ойим айдди: «Эртаги савдонинг даҳсар оғирлиғи бор», «Кечки экиннинг хатари бор» ва яна айтибдурларким: «Эртаги ишни кечга қўйғудек эмасдур».

Анда Бойўғли билдиким, «Тадбирнинг енги билан тақдирни яшуруб бўлмас эркан». Ўрнидан туриб Кўрқуш олдиға чикди.

Демак, бу парчада отаси уйда юрак бағри қон бўлган қизнинг рухий кечинмалари ва интилишлари акс эттирилган.

Келтирилган парчадан маълум бўлишича Гулҳаний ота-она ўз фарзандидан унинг фикрини сўраши, унинг арз-додига қулоқ солиши керак, деган ғояни олға суради ва бу билан асарнинг ҳажвий-танқидий кучини оширади.

«Зарбулмасал»да латифага ўхшаш кичик-кичик ҳикоялар, турли тоифа кишиларининг кирдикорлари, хатти-ҳаракатларини фош қилувчи ҳажвий парчалардан ташқари, персонажлар тилидан ҳикоя қилинган «Маймун билан Нажжор», «Туя Силан Бўталоқ» ва «Тошбақа билан Чаён» масалларн ҳам бор. Бу масаллар асарнинг гоёвий-бадий қимматини оширади, ахлоқий масалаларни ёритади, халқчиллик моҳиятини кучайтиради Моҳир масалнавис «қолиплаш» усулидан усталик билан фойдаланиб, уларни асарнинг умумий композициясига узвий равишда боғлайди, сингдиради.

«Маймун билан Нажжор». Бу масал, Кашмир ўлкасининг бой пейзажи, сермева жойлари, хушбўй гуллари, киши ҳордиғини чиқарувчи, унга роҳат бахш этувчи ширин сувларининг қуйидаги тасвири билан бошланади:

«Бор эди Кашмир навоҳисиди тор,
Боғи Эрам рашкидин кўксиди доғ.
Анда нморатға яроғлик яғоч,
Етти қулоч — бўйи, эн — ўн икки қулоч.
Бор эди кўп неъматиди алвонлари,
Хурраму маъмур эди ҳайвонлари.
Зулф каби сунбули хушбўлари,
Роҳатиди эрди оқар сувлари.

Шундан сўнг Гулҳаний гўзал табиат кўйнида, гулбута ичида бир маймун истиқомат қилишини уқтириб, масалнинг иккинчи қаҳрамони билан таништиради. Бу қаҳрамон ўз ишига моҳир, доно бир дурадгор бўлиб, иш масолаҳи (материал) йўқлигидан ўзини ўнғайсиз сезади. Шоир ўз қаҳрамонининг психологиясини, шаҳарнинг днмиқтирувчи шароитидан қутулиб, дурадгорлик асбобларини олиб тоққа жўнаганини, тоғда тешасини эсидан чиқариб қолдирганини ва уни олиб келгани кетганини қуйидагича тасвирлайди;

Бир куни Нажжори хирадманди фард
Кўнгли яғоч йўқлигидан қилди дард.

Борди ўшал тоққаки мавқуф эди,
Эзгу яғочлар анда маъруф эди.

Шаҳрнинг зиндониди озод ўлуб,
Тоғнинг Ширинига Фарҳод ўлуб.

Сонур эди ўзини тоғ Хисрави,
Тоғин ўқуб Дехлавийи маънавий.

Элина навкиссаларин қистари,
Расм эди Нажжор яғоч истари.

Эгди у дил гўшасининг пардасин,
Белга суқиб теша била аррасин.

Бориб анга кесди яғоч решасин,
Кўйди ўшал ерда унутиб тешасин.

Ўзга тоққа борди-ю кесди яғоч,
Ёрмоғи макрина қилди илож.

Болта била бир учини ёрди ул,
Фона қўйиб, теша сари 'борди ул.

Шу пайт ўзини «оқилу доно» ҳисоблаган маймуннинг кўзи пона
қоқилган ёғочга тушиб,

Айди: «Улус ичра бу бир касбдур,
Касбини бошина кийсанг насбдур...

Мен дахи нажжорлиғи ўрганай,
Болаларим барчасига ўргатай».

Жаҳд қилиб турди равон борғали,
Яъни яғоч қолмишини ёрғали...

Мииди яғоч устига Нажжордек,
Косибди пуркардаи пуркордек.. - .

Кетди ҳунар шавқи била ғуссаси,
Тушди яғоч айрисига думчаси.

Бал кейинидин бўлди тутулмоқлиқи,
Мумкин эмас ўлди қутулмоқлиғи.

«Маймун билан Нажжор» масалида шоир бир қатор муҳим фикрларни
олға суради; ҳунар ва ҳунар аҳлини улуғлайди; қўлингдан келмайдиган ишга
уринма, деган фикрни аллегорик образлар хатти-ҳаракати орқали ифодалайди.

Масалда Нажжор (дурадгор) образи муҳим ўрин тутади. У ўз ишига
моҳир ҳунар аҳлларидадир. Нажжор учун фойдали меҳнат билаи
шуғулланиш ҳар нарсадан муҳим. Шоир «кўнгли ёғоч йўқлигидан қилди
дурд» сатри билан дурадгорнинг ишсиз тутолмаслигини таъкидлайди. Маймун
эса ҳунарнинг аҳамиятини фаҳмлаб, уни ўрганмоқчи, сўнгра болаларига
ўргатмоқчи бўлади. Аммо фаросатсизлиги туфайли думи ёғоч орасига қисилиб
колади ва думидан айрилади.

Шоир масал охиридаги:

Одами жинсида йўқ қиссаси,
Қолди анинг думчасининг қиссаси

байти билан ҳикояга жуда яхши якун ясаб, қўлидан келмайдиган ишга

тутинганларнинг аҳволи ана шундай бўлади, демоқчи.

«Туя билан Бўталоқ». Бу масалда ҳикоя қилинишича, Фарғонада бир сорбон-туячи (халқ орасида бу касб ҳаммоллик деб ҳам юритилади) бўдиб, у бисотидаги биргина туяси билан юк ташиб рўзғор тебратар экан. Кунларнинг бирида сарбон, одатдагидек, туяга юк ортиб, йўлга тушади. Туянинг орқасидан эмадиган бўталоғи ҳам эргашади. Бўталоқ онасини эмолмай, орқасидан зорланиб кетаверади. Бўталоқ кўп нолиганидан сўнг:

Айди оноси боласига боқиб,
Кўзларининг ёшлари сувдек оқиб:

Кўрки, бурундуқ кишининг кўлида,
Бу кишининг кўзлари ўз йўлида.

Менда агар зарра каби ихтпёр
Бўлса эди, бўлмас эдим зери бор.

Аввало шуни айтиш керакки, ҳажми катта бўлмаган бу масалда халқнинг оғир турмуш шароити, ҳуқуқсизлиги, иложсизлиги жуда яхши танлаб олинган образлар орқали кўрсатилади. Воқеанинг типик шароит фонидида тасвирланиши Гулханий олға сурмоқчи бўлган фикрнинг китобхон томонидан тезликда англаб олиншига имкон беради, Биз масални ўқир эканмиз, туянинг иложсизлигини, оғир меҳнат остида қолганлигини тушунамиз ва маълум маънода унга хайрихоҳлик билдирамиз. Бўталоқ образи туя образини анча тўлдиради. Туянинг пассив норозилиги ана шу Бўталоқ образи ёрдамида ифодаланади. Бу масал, «Маймун билан Нажжор» сингари, арузнинг сарё баҳрида ёзилиб, таъсирчан вазмин оҳангда ўқишни талаб этади. Чунончи, Бўталоқнинг онасига айтган:

Бўзланиб айди ҳоло, бераҳм онам,
Қуйдшо ёнди-ю тутошти танам.
Аста-аста юрсанг, бўлғай не ғам?
Сийна сутидин эмайин дам-бадам
сўзлари чорасиз Бўталоқнинг қалб аламларини, ички кечинмаларини ифодалайди.

«Тошбақа билан Чаён». «Тошбақа билан Чаён» Гулханий масаллари ичида драматизмнинг кучлилиги билан ажралиб туради. Бу масал сафарнинг фойдасини ифодалаш мақсадида Кордон тилидан Турумтойга Бозанда ва Навозанда номли икки кабутарнинг саргузаштини ҳикоя қилиб бериш орқали баёи қилинади. Бозанданинг сафарга жўнаш учун ошиққанини билган Навозанда унга қараб: «Сафарга кўп ҳарис бўлмаки, анда бир нуқта зиёда

бўлса. сақар бўлур. «Сафарда рафиқ керак... Яхши рафиқ бирла сафар қилсанг, саодат топарсан ва ёмон рафиқ бирла шақоват», деб ўз сўзини тасдиқлаш мақсадида Тошбақа (Сангпушт) билан Чаён саргузаштига ишора қилади. Шунда Бозанда Навозандадан бу можарони айтиб беришини талаб қилади. Навозанда ҳикоя қилиб беришга киришади.

Навозанда айди: «Андоғ эшитганим борки, Сангпушт Ироқдан Ҳижоз сари борур эрди. Йўл узасида ночор бир Чаёнга йўлдош бўлди. Иккиси заруратдин ҳамроҳ бўлдилар. Аммо Сангпушт бағоят фаросатлик эрди, То баҳаддики кўп сафарларда юруб, кўп тажрибалар ҳосил қилган эрди. Аммо Чаёнга инон-ихтиёрини бериб, бодиялар катъ этуб, манозил ва мароҳил тай қилуб юрур эрди. Ўшал аснода ногоҳ бир наҳри азимга дучор бўлдилар Андин ўтар иложини топмадилар. Тафаккур ёғочи анга кўприк бўлурға ожиз ва тадбир қамиши сол бўлурга ночиздир. Охируламр Сангпушт мурод ҳадафиға мақрун бўлиб, шиноварлик бирла муддао истидъосининг соҳилига ўзини олди, ғоз ва ўрдакдек силкуниб турди. Ногоҳ орқасига боқди, кўрдик, йўлдоши йўлда хорғон... иайзисини кифтига тик ушлаб, юқорн қуйи юрибдур. Сангпушт айдик: «Эй биродар, сабаб надурки буён ўтмайсиз?»

Чаён айди: «Кўз ёшича сув бўлса, бизга маъзур тутунг».

Сангпушт кўнглида айдик: «йўлдош бўлмоқ шарти бу эмаски, оз ходиса бирла ҳамроҳлик расмини бартараф қилсам, унча хўб эмас. Авло улдурки, ўткариб қўйсам, қадимий яхшилар масалидурким: «Яхшилик қил — сувга сол, сув билмаса балиқ билур, балиқ билмаса, холик билур».

Алқисса, Сангпушт чулғочини кўлига олиб, оз ҳаракат бирла ўзини нажот соҳилига олди. Айди: «Эй биродар, сени дарёдин ўткаргали ўғрадим. Менинг устимга мин. Бежо ҳаракат қилмаки, ўз жонингга жабр қилурсан».

Анда Чаён: «Ҳар ким ўз маслаҳатини ўзи билур», деб Сангпуштни орқасига минди. Дарёга тушуб оқдилар. Замондин сўнг Чаёи тебрана берди. Сангпушт айди: «Бу бежо ҳаракатдан муддаонг надур?»

Чаён айди: «Буқун майдонингни васеъ топдим. Бурунги яхшилар: «Эшак ўюни қирқ йилда», дебдулар. Буқун пўлод найзамни якжирма қалқонингга озмойиш қилай дерман».

Сангпушт айди: «... Сенинг бу хорсифат найзайи бемажولينг менинг бу якжирма қалқонингга нима кор қилсин?» Анда Чаён айди: «Билганинг йўқмуки, ақрабнинг муддаоси ниш урмоқдур. Хоҳ дўст кўксинадур, хоҳ душман орқасина»...

Сангпушт айди: «Яхшилардин бир масал қолибдурким: «Ишонмагил дўстингга, соман тикар пўстингга». «Ошнангдин топ» дегандек, дўстим, сув узра хасдек юрмоқ тоқай? Бу баҳри амиқ жавоҳирларин тамошо қилмоқ керак», деб, ғаввослардек бир гўта урдиким, ул жавоҳир термоқда ва Чаён жон

бермоқда қолди».

Авалло шунн эслатиб ўтиш керакки, Тошбақа билан Чаён ҳақидаги масал халқ оғзаки ижодининг маҳсули бўлиб, ана шу масал орқали қалам аҳллари ўзларининг қарашларини, ахлоқий-дидактик фикрларини олға сурганлар. Жумладан, бу масал Жомийнинг «Баҳористон» асарида ҳам бор. Унда ҳикоя қилинишича, Чаён сафарга жўнаб, бир сувга дуч келади. Сувдан ўтолмай, хайрон бўлиб қолади. Шунда Тошбақанинг унга раҳми келиб, ўз орқасига миндириб, қирғоқдан ўтказиб қўймоқчи бўлади. Шу пайтда Тошбақанинг қулоғига бир товуш чалинади. Тошбақа ундан бу нима деб сўраганида, Чаён «менинг нишимнинг товушидир, гарчи сенинг яхшилигингга бундай (ёмонлик) қилиш инсоф юзасидан бўлмаса ҳам, лекин бу одатимни ташлай олмайман. Чунончи, дебдурлар:

Фард:

Неши ақраб на аз паи кин аст,
Муқтазон табиаташ инаст.

(Чаённинг ниш уриши адоватдан бўлмай, балки унинг табиати шуни тақозо қилади.) Тошбақа ўзича, яхшиси, бундай хулқи ярамасни ёмонлик хислатидан халос қилсам ва яхшиларни унинг зараридан қутқарсам, деб сувга шўнғийди. Сув Чаённи олиб кетади.

Гулханийнинг Жомий талқин этган вариантдан фойдалангани шубҳасиздир. Лекин «Зарбулмасал» муаллифи Жомий версиясини асосан сақлагани ҳолда, унга янги деталлар қўшиб масалнинг таъсирчанлигини анча оширади ва характерларнинг тўқнашувини кескинлаштиради.

Гулханий талқинида, аввало, Тошбақанинг сафар маршрути Ироқдан Ҳижозгача деб аниқ кўрсатилади ва у Чаён билан эҳтиёж юзасидан йўлдош бўлади. Икковлари йўлда бир катта дарёга йўлиқадилар. Ваҳоланки, Жомийнинг «Баҳористон»ида талқин этилишича, улар сув бўйида танишадилар. Шунингдек, Жомий асарида Чаённинг Тошбақадан узр сўраши, Тошбақанинг ҳиммат ҳақидаги сўзлари ҳам йўқ. Ниҳоят, Гулханий Чаённинг Тошбақа устига миниши эпизодини анча кучайтириб, улар ўртасидаги диалогни кучли драматизмга айлантиради. Мақол орқали чаёндаги салбий хусусиятларни бўрттириб кўрсатади. Ана шу деталлар масалга янгича руҳ бағишлайди. Гулханийнинг бу масални талқин қилишдаги ўзига хослиги ҳам худди шундадир.

Тошбақа фаросатли, сафарларда кўп юриб, анча тажриба ҳосил қилган хайрихоҳ инсон образидир. У Чаёндан ёмонлик содир бўлишини билса ҳам (у бир ўринда Чаённи «Бежо ҳаракат қилмаки, ўз жонингга жабр қилурсан», деб огоҳлантириб қўяди), лекин уни яна бир марта дуруст йўлга солмоқчи ва бунинг учун ўз саховати, тутган иши билан унга ибрат кўрсатмоқчи бўлади.

Лекин яхшиликка ёмонлик кўргач, сув тубига шўнғиб, Чаённи ҳалок қилади.

Чаён умр бўйи бировга ёмонлик қилгав, зарар-зиён етказган инсоннинг аллегорик тарзда талқин қилинган образидир. У бировга заҳар солиш одатини ўзининг ёмон хулқидан деб билмайди, балки табиати шу нарсани тақозо қилишини очик-ойдин эътироф этади: «Билганинг йўқмуқим, ақрабнинг муддаоси ниш урмоқдур, хоҳ дўст кўксинадир, хоҳ душман орқасина».

Хуллас, Гулханий «Тошбақа билан Чаён» масали орқали ўзининг муҳим дидактик қарашларини, кишиларни душман билан дўст тутинмасликка ундовчи фикрини баён этади.

* * *

«Зарбулмасал»нинг бошқа аллегорик асарлардан ажралиб турадиган хусусиятларидан бири шуки, унда кичик-кичик ҳикоячалар берилиб, улар шоир яшаб турган даврнинг у ёки бу шахсига қаратилади: бозор даллоллари, хато кўчирувчи котнблар ва бошқалар қаттиқ танқид қилинади. Чунончи Муҳаммад Қосим даллол рангфурушнинг қиёфасини кўрсатувчи ҳикоя бшан танишайлик:

«Кўркуш айди: Сўзингинг омади Муҳаммад Қосим даллоли рангфурушга ўхшаркан, бир кун девор урғали мардикор солибдур. Намозн дигар вақтида мардикорга қараб туриб, таҳорат қилиб, дўпписини тез сувга оқизибдур. Неча жаҳду жадал бирла ололмай, мардикорга яна захрини солубдур. Мардикор ишдин фориғ бўлиб, ҳаққи муздурликни талаб қилади. Мазкур Муҳаммад Қосим даллол ўрнидан туриб, бечора мардикорнинг бошидан дўпписини зўр бнрла тортиб олиб ўзининг бошига кийиб айдиким, «Менинг дўппимнинг баҳоси уч танга эди, сенинг дўппингни базўр бир таига олади. Бир танга ишлаганинг бирла икки танга бўлур. Менинг бир тангали ҳақим сенинг гарданингга боқидур. Мен сенга қараб туриб, дўппимни сувга оқизиб, ололмадим. Энди буниинг тавонини сеи берурсан. Яна бир кун келиб ишлаб бергил», дебдур. Ваҳоланки, Муҳаммад Қосим даллолнинг дўпписи мардикор дўпписндан ҳам хароб, уч мирига ҳам олмас экан...»

Бу ҳикояда икки персонаж қатнашади. Уларнинг бири ўта ҳасис, ўз манфаати йўлида ҳеч нарсадан тап тортмайдиган даллол образидир. Муаллиф даллолнинг мардикорга қилган муомаласини тасвирлаб, ўз меҳнати билан кун кўрувчи кишининг — мардикорнинг ҳақ-ҳуқуқини ёқлайди.

Гулханий ўз асаридаги ҳажвий ҳикоячаларнинг қаҳрамонларини жамиятнинг турли табақаларидаи танлашга ҳаракат қилади. Чунончи, унинг бундай ҳикоячаларида вайсақи «хунарманд»ни, ўзини эплай олмайдиган Сафарбой боғбонни, Муҳаммад Аминхўжа муфтини, бетамиз Отабой Аминни ва бошқаларни кўриш мумкин.

«Зарбулмасал»даги ҳикоячаларнинг бош хусусиити шундан нборатки,

уларда муаллиф бир-икки чизги билан ўз қаҳрамонининг кимлиги, нима иш билан шуғулланиши, маънавий қиёфаси ҳақида ўқувчида аниқ бир тасаввур қолдиради. Масалан, одамзод орасида ўзни «ўтқарур сўфи», «донишманди рўзгор» ҳисоблаб юрган «Ёдгор булотқи» деган бир одамни Ёдгорнинг пўстин тикканини кўрсангиз, чокидаи бармоқ ўтар, харидор ушлаб кўриб, дер эрдик: «Бу қандоқ тикиш?» Ул жавобда: «Мушт ўтмаса, яхши тикиш» дер эрди каби сиқиқ, куйма жумлалар билан характерлайди.

Бойўғли тилидан нақл эттирилган Муҳаммад Аминхўжа муфти ҳақидаги ҳажвий ҳикоя ҳам жуда характерлидир. Ҳикоя наср ва назм йўли билан ёзилган. Унда ҳикоя қилинишича, «Муҳаммад Аммихўжа муфти... мудом ҳар ишда ўзидан бемаза ва бефаҳм ва беидроқроқ одамға маслаҳат қилур эрди. Хоҳ форсий, хоҳ арабий— ҳар китоб битса сахв ва ғалатдин холи эмас эрди, бо вужуди бу амма ноқислиги бирла ўзини ҳаммадин мулло ва донишманди рўзтор кўрар эрди...» Шундан кейин муаллиф бу шахсининг очкўзлнги, хасислиги, манманлиги ва кеккайишини кўрсатиб, ҳикояни тугатади.

Ҳикояда Муҳаммад Аминхўжа хато кўчирувчи котибларнинг умумлашма образи даражасигача кўтарилиб, «Зарбулмасал» муаллифи ўз асарининг ҳам хатосиз кўчирилишига доир фикрини ора-сира қистириб ўтади. Чунки, Навоий таъбири билан айтганда, «котиб шуаро сўзининг варақнигоридур ва сўз махзанининг хазинадори. Хозин хунари амонат бўлур ва тасарруфи хиёнат бўлур».

Модомики, котибларнинг иши сўз хазинасини кўфиқлаш, ундаги қимматбаҳо дурларга хиёнат қилмаслик экан, улар, даставвал, қалам аҳллари мулкини кўз қорачиғидай сақлашлари лозим. Бинобарин, Гулханий хато кўчирувчи котиб ҳақида гапирганда, аввало, ана шу анъанани кўзда тутати.

“Зарбулмасал”нинг тасвирий воситалари. Муҳаммад Шариф Гулханий “Зарбулмасал”нинг композицияси, тили ва тасвирий воситалари устида анча меҳнат қилган. Асар Шарқ халқ оғзаки ижодида кенг тарқалган, шунингдек, Навоий сингари сўз усталари томонидан қўлланилган ҳикоя ичида ҳикоя, халқ аскиячилиги усулида яратилган. Бу ҳол Гулханийнинг «Минг бир кеча», «Калила ва Димна» сингари асарларни, Навоий ижодини яхши ўзлаштирганидан, ўткир аскиячи ҳам бўлганидан далолат беради. Баъзан муаллиф бирор ҳикояни муфассал баён қилмай, уни мутолаа қилиш учун ўқувчига манба кўрсатади. Масалан, у Куланг билан Дуррож масалини тўла келтирмай, «бу сўзнинг тафсиллини «Силсилатуз-заҳаб»дан топ, деб Жомий асарини ўқишга йўллайди. Ёки Япалоққуш Кўркушга жавобан: «Сен менга Куланг ва Қарчиғай воқеасини ҳикоя қилурсан, мен ҳам Бино ва Нобино ҳикоятин билурман... Сенга гапирсам, бу муҳим хайр кечга қолур. Бу ҳикоятнинг баёни воқеасини истасанг, «Калила ва Димна»дин топ», деб Ҳинд масаллари тўпламини мутолаа қилишга рағбатлантиради. Муаллиф баъзан китобҳои диққатини асосий сюжет лиииясидан узоқлаштирмаслик учун («Тошбақа билан Чаён» масалини ҳикоя қилиб бўлгач): «бу сўзнинг ниҳояти узоқдур, лекин мақсуд қўлдин кетар, сўз мақсудига келдук» деб яна асосий воқеага кўчади.

Шарқ услубида яратилган улкан бинонинг чиройли, ҳашаматли ва уйғун бўлишини таъминлашда ҳар бир нақш ва бўёқнинг роли ва аҳамияти катта бўлганидек, «Зарбулмасал»даги халқ ҳикматли сўзлари, кўп йиллик турмуш тажрибасини акс эттирган мақолларнинг ҳар бири ҳам жуда муҳим бўлиб, бадий асарни ҳар жиҳатдан безайди, унга турли бўёқлар беради.

Гулханий асарни ёзишга киришар экан, аввало, халқ аскияларида кўп ишлатилган мақолларни турларга ажратади, мавзуларга бўлади, сўнгра уларни персонажларнинг характери ва дунёқарошига мос равишда ишлатади.

Муаллиф баъзи мақолларни тўла келтиради, баъзиларини персонажлар гапи таркибига сингдириб юборади. Масалан, «Сенинг серка тиларга лаб-лунжинг йўқ экани маълум ва машҳурдир», «Тақсир, афандим, хато қилдим. Оғзи ошга етганда бурни қоиаган мен бўлдим», «Мен сени Бойўғли деб эшитиб эрдим, эшитганим кўргандек эмас экан» каби жумлаларда халқ мақолларининг сингдириб юборилгани ўз-ўзидан кўриниб туради. Баъзан Гудханий баъзи мақолларни ҳам келтирадики, уларнинг айнаи ўзини қардош халқлар ижодида ҳам кўриш мумкин. Бунга «Чучварани хом санабсан» («Тушбераро хом шумурди»), «Аёз, ҳаддингни бил, барчани қўй ўзингн бил» («Аёз, ҳадди худро бишинос»), «Аввал таом, сўнгра калом» («Аввал таом в-онгаҳ калом»), «Шайхнинг ҳунари бўлмаса, хонақоҳ танг» («Шайхро ҳунар нест, хонақоҳ танг аст»),- «Иссиқ жон иситмасиз бўлмас» («Тани гарм бе дард

нест») ва шуига ўхшаш мақоллар яққол мисол бўла олади. Бу ҳол ўзбек ва тожик халқлари ўртасида узоқ вақтлардан буён давом этиб келган иқтисодий ва адабий алоқаларни кўрсатади. Гулханий айрим ўринларда бирон мақолнинг қайси халққа мансублигини ҳам кўрсатиб ўтади.

Гулханий Ҳусайн Воизи Кошифий, Заҳириддин Бобир, Зайниддин Маҳмуд Восифийларнинг асар ёзишдаги анъаналаридан ижодий фойдаланиб, ўз асарида ёзма адабиёт вакилларининг шеърдан парчалар ҳам келтиради ва бу билан фикрини қувватлайди. Ҳофиз, Навоий асарларидан олинган айрим шеърӣ парчалар бунга мисол бўла олади.

Гулханий масал жанри хусусиятларини яхши ўзлаштирган ёзувчидир. У аллегорик образларнинг хусусиятига мос деталларни топиб асарнинг завқ-шавқ билан ўқилишини таъминлайди. Чунончи Кўркушнинг совчиликка бориб, Бойўғли билан кўришганини қуйидагича тасвирлайди:

«Замондин сўнг Бойўғли келганидан огоҳ бўлиб, анинг олдига чиқо, «...Хуш келибсиз, сафо келибсиз» деб, таъзим ва тавозуъ бирла кўрушуб, бир-бирининг юзини чўқишуб, Бойўғли Кўркушни уясига қўндурди ва олдига моҳазар қўйди».

Бу мисолда қушларнинг бир-бирларини чўқишиб кўришганларш оригинал чиққан.

«Зарбулмасал»да муаллиф ўхшатиш, сифатлаш, истиора, мажоз такрор, мурожаат каби тасвирий воситалардан ҳам ўринли фойдалаган. Бир-икки мисол:

«Андин сўнг Бойўғли базм асбобини тузуб... меҳмондорлик расмини барпо тутди. Муғаннийлар созларининг қулоғига гўшмол учун қўл солиб, тоблай бердилар. Бир-иков нақора орасига дарра бирла коҳили намозни урган раисдек ура бердилар ва ўтга даф орқасини ўғрининг орқасин тоблағондек тоблай бердилар».

Бу мисолда ноғорачи ва доирачиларнинг базмга тайёргарлигини кўрсатиш учун муаллиф ҳаётга мурожаат қалиб, ундан ўхшатиш танлайди ва ўз замонидаги жазолаш тартибини усталик билан фош қилади. (Раиснинг намоздан қочувчи кишини уриши, ўғрининг орқасини ўтга тоблашлари.)

Ёки Гунашбонунинг чиройини муаллиф қуйидагн муболаға ва ўхшатишлар орқали тасвирлайди: «Аммо Бойўғлининг бир қизи бор эрдик, меҳри ховарий юзига банда эрди:

Оразидин шамсу қамардур хижил,
Сўзларидин шахду шакар мунфаил...

ва ул қиз офтоби оламтобдек ҳар хомни пишиур, ҳеч махлуқ ани кундузи кўрмоққа чораси йўқ эрди».

Муаллиф сифатлашга ҳам кенг ўрин беради. Жумладан, у Қўқондагп

Ашур чўлоқ билан Алини «бетамиз, Каж ва Фаж аҳмақи нодири» (тенги йўқ аҳмоқ) деб тавсифлайди. Асарда истиоралардан ҳам кенг фойдаланилган. Унда «фасоҳат аёғи», «мурод ўқи», «муддао девори», «вужуди найистоний», «ҳиммат камари», «кибруманлик шароби», «тафаккур ёғочи», «тадбир қамиши» сингари бир қатор истиоралар ишлатилганки, уларнинг ҳар бири тасвирланаётган ҳодиса воқе моҳиятини бўрттириб кўрсатади. Чунончи, Гулханий Кордоннинг совчиликка бориб, Бойўғли билан гапи қочгаидан сўнгги аҳволии кўрсатиш мақсадида бир қатор истиоралар қўллайди:

«Бойўғли айди: «Менга насиҳат ўргатгали келдингми? Сенинг насиҳатинг қулоғимдин елдек ўғар, елдек чиқар».

Кордон айди: «Насиҳат қулоғинг(да) елдек турмасга ўхшар...»

Бойўғли айди: «Ёмоннинг кучи япалоққа етар» дегандек англагонинг йўқмиким, «Англамай сўзлаган оғримай ўлар, чайнамай еганлар кавшамай кетарлар».

«Бу сўзни эшитган замон Кордон хазиначининг ғазаб ўти иштиғоланиб, вужуди найистониға ўт тушиб, тутуни гардунга хиром боғлади. Баҳаддеки, хижолат тери тўфон, балки ажуз айёмининг қор ва ёмғири анинг чорасига ҳайрон эрди».

Баъзи бир ўринларда истиора ўхшатиш билан биргилликда ишлатилади: «Алқисса, Кордон камари ҳимматини ғаравдек неча ёрдин боғлади». Мазкур жумлада Маликшоҳиннинг ҳазиначиси Кордонни яхши характерлаб, унинг ўз хўжайини буйруғини бажаришга доимо тайёр эканлиги жуда усталик билан тасвирланади.

Гулханий ўзбек халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётда қўлланиб келинган сажъ приёmidан фойдаланиб, асарнинг равон, ўйиоқи ўқилишини таъмин этган. Мисоллар:

«Алқисса, Япалоққушнинг бир қарға дўсти бор эрди. Шўранул — қушлар кўзига гул, ўз ишига пишиқ, харомзодаи *таррор*, ўғри мишиқ, ҳарифи *айёр*, солор давлатмандлар аснофида мумсики *беор*, ҳар мурда устида *тайёр*, йигирманинг бешини мустаҳикқа бериб, ўн бешини қўйниға урган, тумшуғи Зокирбой жомафурушнинг тумшуғига ўхшар экан».

Муаллиф келтирилган парчада сажъ усулининг асосий хусусияти ҳисобланган ички қофияланиш принципига риоя қилиб (Шўранул — гўл, таррор — айёр, солор беор...), Шўранул образини яхши характерлайди ва сиқик, ихчам жумлалар билаи ўқувчида Япалоққушнинг дўсти ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилади.

«Зарбулмасал»нинг тили (баъзи истиснодан ташқари) содда ва халқ жонли тилига яқиндир. Унда айрим арабча ва форсча сўзлар ҳам қўлланади. Жумладан, асарда араб тилидаги отлар кўплик шаклида, яъни собит

«савобит», тайр «туюр», манзил «манозил», марҳала «мароҳил», насихат «насоеҳ» шаклида қўллаилади. Лекин бу ҳол «Зарбулмасал»нинг ўқилишини, унда олға сурилган фикрнинг тушунилишини қийинлаштирмайди.

Умуман, Гулханий масали яратилгунга қадар ва ўша даврдаги иома ва ёрлиқларнинг дабдабали услубда ёзилгани ҳисобга олинса, «Зарбулмасал»нинг кенг халқ оммаси тушунадиган тилда ёзилгаилиги янада ойдинлашади.

Хулдас, Гулханиининг «Зарбулмасал» асари халқ орасида жуда кенг тарқалган, котиблар томонидан кўп нусхаларда кўчирилган асардир. Тошкентнинг ўзида асарнинг тўрт марта нашр этилиши унинг қай даражада оммалашганлигидан далолат беради.

* * *

Гулханий «Зарбулмасал»да қудалик можаролари фониди мавжуд тузумга, ўз атрофидаги муҳитга бўлган муносабатини жуда қатта усталик ва эҳтиёткорлик билан билдиради. У ўзининг қарашларини кўпинча юмористик тарзда ифодалайди.

Ёзувчи тасвирига кўра, Бойўғли мутакаббир, мол-мулкка ҳпрс қўйган, ўз манфаатини ҳар нарсадан устун қўювчи шахсдир. У қизини молдек сотишга жон-дил билан киришади, совчилар билан савдолашадн.

Гунашбону бойнинг тўқ, бадавлат оилада ўсган яккаю ягона ба эркатой кизидир. Муаллифнинг таевирича, у бўйга етганда ҳам тўғри сўзга эгри жавоб беради. Гунашбону характерининг бошқа томони, юқорида келтирилган парчада кўриб ўтганимиздек, униг отаси билан бўлган мунрсабатида якқол очилади.

Асар қаҳрамонларидан яна бири Маликшоҳиндир. У тадбиркор, ишнинг кўзини биладиган шахс образидир; у ўз қўли остидаги сарой хизматкорларига имкони борича яхшилик қилади, ўз хазиначисини хайр ишига юбориб, тўй маросимии тезлаштириш учун тадбиркор подшоҳ сифатида иш кўради.

Кордон эса Мапик-шоҳиннинг ҳалқабағўшларидандур. У Маликшоҳиндан буйруқ о гач, уни тезлик билан бажаришга киришади.

Яиалокқуш билан ўғли Кулонкирсултон Бойўғлига нисбатан бирмунча пастроқ мавқеда бўлса ҳам, лекнн аёи ашрофлар гуруҳига мансубдир. Бу ҳолни Кулонкирсултон даргоҳининг ҳашамати ҳам тасдиқлайди.

Гулханий адолатли шоҳ тарафдоридир. Унинг фикрича, ўлкани однл, инсофли, фуқаропарвар шоҳ идора этса ва ўз атрофига ҳалол, тажрибали кишиларни тўплаб иш кўрса, давлатнинг аҳволи яхшиланиши мумкин. Унинг бу ҳақдаги қарашлари Кўрқуш мисолнда очик баён қилинади.

Гулханий фикрига кўра, «Улуғнинг боргоҳида хидеви дониш ва аҳли хирадманди боҳуш ҳар қанча кўп бўлсз ҳам, оз бўлур. Хусусан, подшоҳи

одилга уч тоифадин гузир ва чора йўқдур. Аввал олими боамалки, подшоҳнинг охиратлик асбобини анга кўргазса. Иккинчи вазири соҳибраъйки, подшоҳнинг дунёлик яроғини тараддудида бўлса, учинчи муншии ростнавис, қаламзани иигаҳдор ва шамширзан».

Гулханий сарой хизматкорларининг кўлидан ҳеч иш келмаслигини, «ошхўри жомадарронларнинг таом емоққа ҳозир», маслаҳат беришга фаҳм-фаросатлари етмаганини ўз кўзи билан кўради. Шунинг учун ҳам Кўрқуш тилидан мана бундай деб ёзади: «Биз кўй кўрмаган бўлсак ҳам, қий кўрган эдик...», «Бу тоифанинг оз хизмати, кўп миннати бўлур. Ҳар ким бу тоифадан мурувват тилабду, гўё тол ёғочдин зардолу тилабдур... Мундоқ амр вуқуға келмас...» Бинобарин, шоир бу ўринда, агар амирни ўраб олган кишилар кўлидан иш келса эди, давлатнинг аҳволи анча яхшиланган бўлур эди, демоқчи.

«Зарбулмаеал»нинг ўзбек адабиёти тарихида тутган ўрни яна шу билан изоҳланадики, унда муаллиф меҳнаткаш халқнинг оғир турмуш шароитини, вайронагарчиликнинг авж олганини аллегорик образлар орқали кўрсатди. Аммо Гулханий Бойўғли талаб қилган минг чордеворнинг Фарғоиа иқлимида эмас, балки Бухорода мавжудлигини таъкидлайди. Бу таъкидлаш, аввало, киноя тарзида айтилган бир ҳақиқат бўлиб, аслида Бухорода ҳам, Фарғона иқлимининг ўзида ҳам жуда кўп вайронагарчилклар, харобазорлар мавжуд эди. Бу ҳолни Махмур Ҳапалак қишлоғи мисолида, Маъдан эса Понғоз ва Шайдон харобаси мисолида очик кўрсатган эдилар.

Шундай қилиб, Муҳаммад Шариф Гулханий ўзи яшаб ижод этган замоннинг айрим ярамас томонларини, унинг мунофиқ кишиларини усталик билан танқид қилди, хатти-ҳаракагларини фош этди.

МАХМУР

Махмур XVIII аср охири ва XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган, ўзининг сатирик асарлари билан ўзбек адабиётининг ривожлантиришга сезиларли ҳисса қўшган шоирлардан биридир.

Махмурнинг ҳаёти Махмур тахаллуси билан шеър ижод этган машҳур шоирнинг номи Махмуд бўлиб, у XVIII асрнинг охирларида Қўқон шаҳрида ўша даврнинг илғор зиёлиси оиласида дунёга келди. Махмурнинг отаси Мулла Шермуҳаммад ўз даврининг эътиборли мударрисларидан ва Акмал тахаллуси билан шеърлар ёзган шоирларидан эди.

Мулла Шермуҳаммад ўғлининг тарбиясига алоҳида эътибор бериб, уни ўқитади. Зийрак Махмур отаси томонидан ташкил этилган адабий суҳбат ва мажлисларга қатнашар, унда шоирларнинг шеърларини, адабиёт классикларининг номларини эшитар эди. Шундай қилиб, Махмур ёшлигидан адабиётга ихлосманд бўлиб бадий асарларни ўқий бошлади. Ўзи маъқул кўрган мисра ва байтларни ёдлаб олиб, уларни адабий суҳбатларда ўқиб бериб, ўз истеъдоди билан мажлис аҳлини ҳайратда қолдирар эди. Махмурнинг болалик ва ёшлик йилларидаги ҳаёти ҳақида тўла маълумот бўлмаса ҳам, лекин хотирасининг ўткирлиги, ёдлаган шеърларининг бадий етук ва мазмунан кучлилиги унинг мадрасага ўқишга киргунга қадар ҳам адабиётга қизиқиши кучли бўлганидан далолат беради. Алишер Навоий, Саъдий, Ҳофиз каби улуғ адиблар ижодини мутолаа қилади, шеър ёзишни ҳам машқ қила бошлайди ва кейинчалик Қўқондаги мадрасаи Мирда билим олади. Махмур мадрасада ўқиш билан бирга, мустақил равишда адабиёт тарихи ва унинг назариясига доир илми аруз, қофия, бадоеъ каби фанларни ҳам ўрганади. Натижада унинг ижодиёти ривожланиб такомиллашиб боради.

Махмурнинг уч фарзанди бўлиб, шоир, қанчалик ўқинмишли бўлмасин, иқтисодий жиҳатдан ниҳоятда қийналиб яшайди.

Махмур Умархоннинг лашкарига сипоҳ (аскар) қилиб олинади. Лекин сипоҳликда ҳам Махмурнинг моддий аҳволи яхшиланмайди. Буни биз унинг «Арз қардани Махмур ба жаноби амир Умар султон» номли шикоятнома тарзидаги шеърида равшан кўришимиз мумкин. Бу шеърда Махмур кийишга кийими, ейишга овқати бўлмаганини ачиниш билан қайд қилади:

Кечалар ётгани на кўшим бор,
 Қундузи ичгани на нўшим бор,
 Бир овуч на уйимда ғаллам бор,
 Икки газ на бошимда саллам бор,
 Бошнма гар десамкн, саллам йўқ,
 Салла десам, уйимда ғаллам йўқ.

Махмур тўғри сўзлиги учун шоҳнинг марҳаматига сазовор бўла олмаган

эди. Махмур моддий аҳволини баён қилиб, хон ва унинг амалдорлардан ёрдам сўрайди:

Осафо, овқот илгида адо бўлдим, вазир,
Муфлису қаллошлиқдан ғамзадо бўлдим, вазир,
Уч болага нон тополмай бенаво бўлдим, вазир,
Даргаҳингга шоятуллоҳ деб гадо бўлдим, вазир,
Мисли соиллар каби соҳибнидо бўлдим, вазир.

Ёки:

Ҳеч киши оламда мендек толиби нон ўлмасин,
Нон сўроғида халойиқ ичра сарсон ўлмасин,—
деб нолийди, чидаб бўлмас мухтожликдан ғазабланади. Аммо шопрнинг бу илтимослари унинг моддий аҳволини епгиллаштира олмас эди. Оилани боқиш учун у зўр бериб меҳнат қилди.

Махмурнинг ҳаёти ўша даврда «мисли соиллар» (тиланчилар)га айланиб қолган халқ аҳволининг яққол мисоли эди.

Махмур оғир ҳаётни яхшилаш йўллари ахтарди, лекин топа олмади, хон ва амирларга умид боғлади, лекин умиди сароб бўлиб чиқди.

Қори Қундузий Комийнинг «Таворихи манзума» асарида эслатилишича, шоир Махмур ҳижрий 1260 (мелодий 1844) йилда вафот этган. Чунончи, бу тўғрида мазкур асарда шундай маълумот берилган (мазмун):

«Фарғона мамлакатининг шоирларидан бўлиб, яхши ва қабих сўзлари ҳам ўткир бўлган, хусусан, ҳажвиётда тенги бўлмаган Махдум Махмурнинг (Бойтуман кишлоқлик Мулло Шер Акмалнинг ўғли) вафоти тарихини:

Қомий, кимки унинг вафоти йилини сўраса,
Гарчи зебсиз бўлса-да, ҳайф у Махмур ўлди,—
дегин».

Махмурнинг ижодий фаолияти. Махмурнинг ҳозирга қадар ягона нусха ҳисобланган шеърлар девони бўлиб, унда шоирнинг асосан сатирвк ва юмористик характердаги 69 асари (3417 мисра) тўпланган. Бу девон Махмурнинг бутун ижодий фаолияти давомида яратган адабий меросининг фақат бир қисмини — сатирик ва юмористик меросини ўз ичига олади. Шоирнинг лирик мероси бирор девонга тўплангани ҳозирча маълум эмас. Аммо кўпгина баёзларда, «Мажмуаи шоирон» каби ёзма манбаларда шоирнинг лирик меросидан намуналар ҳам бор. Лекин улар ҳали Махмурнинг танланган асарларига киритилганича йўқ. Айримларигина нашр этилган, холос.

Махмурнинг бизгача етиб келган адабий мероси турли жанрларда яратилган бўлиб, унда ғазал, маснавий, мухаммас, мусамман, қасида ва

таърихларни учратиш мумкин. Бундан равшанки, Махмур классик адабиёт жанрларидан кенг фойдаланган ва, шу билан бирга, классик адабий анъанани давом эттириб, уни яида ривожлантирган. Бу ҳол хусусан шоирнинг мухаммас жанрига бўлган муносабатида яққол кўринади. Маълумки, мухаммас авваллари лирик характерда бўлса, Турди ижтимоий мотивлар билан суғорилган ҳажвий мухаммас жанрини ривожлантирган эди. Шу йўлдан борган Махмур эса ҳажвий мухаммас жанридаги шеърларида замон воқе ходисаларини акс эттириб, ўткир сатирик маҳоратини намоиш эттира олди. Натижада мухаммас ҳам, бошқа жанрлар каби Махмур ижодида унинг ижтимоий ҳаётга муносабатини билдирувчи кучли восита бўлиб хизмат қилди. Бинобарин, ўша давр адабиётида, асосан, сатирик шоир сифатида шуҳрат қозонган Махмур ўз асарларида замонасидаги иллатларни маҳорат билан фош этди.

Махмур ҳажвиётининг ғоявий мазмуни ва мавзу доираси. Махмур ўзининг ҳажвий асарларн билан ўзбек адабиётидаги сатирик оқимни ривожлантиришда катга хизмат қилди. Махмурнинг ҳажвиётга мурожаат этиши бежиз эмас эди. Чунки халқнинг ғоятда ачинарли ҳаёт кечиришини, қишлоқ ва шаҳарларнинг харобага айланиб боришини кўрган шоирнинг ғазаби шунчалик кўзгаган эдики, бу ғазаб шоир асарларида XIX асрнинг биринчи ярмидаги омма ҳис-туйғуларининг ифодаси бўлиб янгради.

Махмурнинг сатирик асарларида фош этувчи йўналиш, танқид қилувчи, захарханда билан кулувчи киши шундай кучли ва бақувватки, у адолат излаш йўлида хонга ҳам дадил тикилиб, адолатли бўлишни талаб этади, сарой амалдорларнга ҳам истехзоли боқади, ҳокимларнинг шафқатсизлигини, мунофиқларча қилмишини очиб ташлайди, уларни масхаралайди. Демак, шоир ўз асарларида ўзи яшаб турган даврдаги ижтимоий иллатлар, ярамас ҳолларнн мавзу қилиб олиб, турли-туман сатирик ва юмористик образлар орқали ҳар хил шахсларнинг хатти-ҳаракати, психологияси ва портретини маҳорат билан чизади.

Махмур асарларида яратилган сатирик образлар бирор йўсинда бири иккинчисини тўлдиради ва ҳокимларнинг разил башарасини, мунофиқлигини фош қилувчн сатирик образларнинг бадий галереяси тарзида гавдаланади. Чунончи, Махмурнинг «Муножот ба даргоҳи қозиюл ҳожот» асари мухаммаси муламмаот жанрида ёзилган бўлиб, унда муаллиф умумий тарзда «чархи кажравишнинг дастидин» шикоят қилади, унинг барча қилмиши ёмон, жабру зулми эса «ҳадду ғоятдан бурун» эканини ўзбекча ва тожикча бандларда зўр ачиниш ва ғазаб билан ифода этади:

Қайси бир зулминг этай теъдод, эй гардуни дун,
Ким сенинг бедоду жавринг ҳадду ғоятдин бурун,

Беҳунар жоҳилга бердинг беадад дунёи дун,
Жамъи доноларни қилдинг ҳолини зеру забун,
Зоғни аъло қилиб, тўтии нодон айладинг.

Шундан сўнг ўша гардуни дуннинг «аҳли дил бағрини ҳасрат ўтида... кабоб» этганини, «синалар маъмурасини селдек... хароб» қилганини, сўзида ростлик йўқлигини, иззат-ҳурматли кишиларни ниҳоят хор-зор этганини, олижаноб кишиларни «чоҳи зиндон ичра банд»га гирифтор этганини фош қилиб ташлайди. Бунинг натижасида кўз ўнгимизда XIX асрнинг биринчи ярмидаги машаққатли ҳаётнинг мудҳиш манзаралари намоён бўлади. Кўккон хонлигидаги зулматни, фисқу фужур тўлиб-тошган адолатсизликларни фош этади.

Меҳнаткаш омма манфаатини кўзлаган шоир ундан қутулиш йўлини ахтарарди. Аммо сермашаққат муҳитнинг тақозоси билан бундай йўлни топа олмаган шоир яна фалакнинг ўзига қасоскорона оҳанг билан мурожаат қилади. Ана шу кайфият Махмурнинг «Муножот...» мухаммаси мулламаотида ифодаланган:

Эй фалак, дар бораи мо зулми беҳад то бакай?
Мо асирон дар тилисми мардуми бад то бакай?
Бар сари мо рост он шамшери чун мад то бакай?
Як алам дар бораи мо сохтан сад то бакай?
Эй ситампарвар, юраклар таҳ-батаҳ қон айладинг.

(Эй фалак, сенинг ҳадсиз зулминг биз учун қачонгача давом этади? Қачонгача биз ёмон кишиларнинг тилсимида аср бўлиб қоламиз? Қачонгача бизнинг бошимизда қайрилма қиличлар кўтарилади? Биз учун бир аламини қачонгача юз алам қиласан?)

Шоирнинг бошқа асарларида алоҳида кишилар аҳволининг тасвири, золим шахсларнинг танқид қилиниши ҳам ана шу умумий мулоҳазалар аниқлаштирилгандай туюлади. Мисол учун шоирнинг Ҳапалак қишлоғи ва Қурама вилояти ҳақида ёзган асарларини кўздан кечириш мумкин.

Махмурнинг машҳур шеърларидан бири «Ҳапалак» (аниқроғи «Дар сифати қишлоқи Ҳапалак ки ба Махдум Махмур тааллуқ ёфта») номли ғазалидир. Бу ғазал ниҳоятда ўткир ёзилгани сабабли Махмур ижодиётида алоҳида ўрин тугади. Чунончи, бу асарда шоир ўз замонасидаги қишлоқларнинг харобалигини ва ундаги аҳолининг хон ва беклар зулми остида эзилиб ётганини акс эттириб, халқ манфаатини ҳимоя қилувчи киши сифатида бу ҳолга, бир томондан, ғоят ачинади, иккинчи томондан эса оғир аҳволни енгиллаштириш мақсадида хондан илтифот, адолат қилишни талаб этади. Шоир ўз мақсадини амалга оширишда қишлоқ ва унинг аҳолиси аҳволини чизишда шундай усталик кўрсатадики, бунинг натижасида шеърни

ўқиган ҳар бир киши Ҳапалак деб аталган қишлоқ «бир қапа, икки қапа, уч олачуқ, тўрт каталак»дан иборатлигини, уйлар ҳам:

Дема уй, балки заминкандур, агар кирса киши,

Ҳар тараф бетига ургайлар анинг кўршапалак

тарзида эканини, яъни қоп-қоронғи ертўладан бошқа нарса эмаслигини зўр ачиниш билан англаб олади. Бу тасвирдан маълумки, Ҳапалак қишлоғи XIX асрнинг биринчи ярмига келиб, амалдорларнинг золимлиги, ҳокимларнинг лак-лак солиқлари туфайли харобазорга, чордеворга айланиб:

Халқини кўрсанг агар ўласн-ю ҳоқу хароб,

Очлигини эгилиб қомати мисли камалак...

Ажириғ томирини ўғурида майда туюб,

Қайнатиб кунда ичар, отини дерлар сумалак.

Шундай қилиб, Махмур Ҳапалак қишлоғининг ғоят ачинарли манзарасини ундаги аҳолининг ннҳоятда қашшоқлик бидан азоб чекиб яшашини, сувсизликдан қийналишини тасвирлайди.

Шуниси характерлики, Махмур ўз асарида қарама-қарши қўйиш усули орқали хон ва сарой аҳлларининг ҳашамати қишлоқларни шу даражага етказиш ҳисобига эканни ҳам кўрсата олган.

Ғазал матлаининг:

Эй жаҳондори зафар, кавкабаи даври фалак,

Гўш қил қиссаи қишлоқи хароби Ҳапалак,—

деб қочирим тарзидаги мадҳ шаклида ёзилиши ҳам шу фикримизни тасдиқлайди. Шоир биринчи мисрада хонни жаҳон эгаси ва зафарли ғолиб, фалак доирасининг юлдузи деб мақтаб, иккинчи мисрадаёқ бундай ҳашамат ва дабдабага тамоман қарама-қарши турувчи «қиссаи қишлоқи хароби Ҳапалак» ҳақида фикр юритади. Шунинг ўзи билан ҳам Махмур хон ҳашамати зўрлик, ноҳақ солиқлар солиш йўли билан майдонга келганини кўрсатмоқчи бўлади. Зотан, хонлар саройининг ҳашамати фақат бир Ҳапалак эмас, балки Ҳапалак каби қанча-қанча қишлоқларни харобага айлантириш ҳисобига юзага келган эди. Махмур тасвирлаган Ҳапалак ўша даврдаги қишлоқларнинг типик мисолидир.

Шоирнинг худди шу мавзудаги асарларидан бири «Таърифи вилояти Қурама»³³ ва аз довони Кандир гузаштан» номли мухаммосидир. Бу асар ўзига хос характери билан саёҳатнома жанри хусусиятига эгадир. Чунки унда муаллиф ўзининг «Қировчи» ва «Дашти қиёмат» чўлини босиб ўтганини, «Кандир» довонидан ошгани ва, ниҳоят, «Қурама» вилоятига сафар қилганини, «йўл азоби — гўр азоби»ни чеккани ҳамда бу саёҳатдан олган таассуротларини ёзади.

³³Қурама — ҳозирги Оҳангарон водийсида жойлашган бир жой.

Бу ҳолни муаллифнинг қуйидаги мисралари равшан кўрсатади:

Самадо, сақла дигар бора Қировчи йўлидин,

Солма ёдимга ани Дашти қиёмат чўлидин.

Талхком айлама лутфинг била Аччиқ кўлидин,

Шикв-гар то бўлмайн қуми Қароқчи чўлидин.

Бир юриб йўлида, минг чўкма саройи Қурама.

Бундан кўринадики, Махмур Қурамага етгунча кўп жойлардан ўтган. Аммо уларнинг бирортаси ҳам обод бўлмагаи. Қурама эса хароба ва вайрона, сувсиз ва нообод жой бўлиб, у ҳам Ҳапалак кўринишидаги қишлоқлардан бири эди:

Турфа шаҳрекий анинг сар-сари монанди самум,

Куйдирур шиддати сармоси халойиқни чу мум.

Ҳар тараф анда қолиб хайли бало фавжи ҳужум,

Суви захробаи ғам, чашмалари айни зақум,

Ҳосили маҳсули офоти бакони Қурама.

Шуниси диққатга сазоворки, Махмур шаҳарнинг географик ва табний шароити ёмонлигини тасвирлаш фоннда ундаги аҳолининг «ёзу қиш ўру ёлонғоч» эканини алоҳида уқтиради. Бечора халқ олачук, қапа ва катакларда, қоронғи ва зах ертўлаларда яшаган, ажриқ томири ва бошқа гиёҳлар билан кун кечирган.

Шоирнинг бизгача етиб келган сатирик меросида шаҳар ва қишлоқларни вайрона ва чордеворга айлантирган, аҳолисини эса қашшоқлик ва яланғочликка ғрифтор этганлар танқид остига олиниши алоҳида ўрин тутади.

Бу мақсадни амалга оширишда муаллиф турли услубларни қўллайди: гоҳ қаҳрамонларнинг сифатини уларнинг хатти-ҳаракати орқали фош этади («Дар ҳажви Хўжа Мир Асад»), гоҳ уларни ўзларини сўзлатиш билан танқид қилади («Ғазали қози Муҳаммад Ражаб дар бораи худ», «Ғазали Ҳожи Ғиёз», «Дар сифати ҳаким Туробийи ҳазор халта»), гоҳ эса шеърлардаги «мен» орқали уларнинг вазилликларини қаттиқ қамчи остига олади («Дар ҳажви домло Атои Ашти»). Сатирик фош қилиш услубининг бундаи ранг-баранглиги, бир томондан, ҳар бир асарнинг ўзига хос бадиий қимматини ошириб, мақсадни аниқ ифода этишга кўмаклашса, иккинчи томондан, қаҳрамонлар портретини бўрттириб тасвирлашда, уларнинг психологиясини кенг ва чуқур ёритишда муҳим роль ўйнайди. Бундан ташқари, сатирик асарларнинг эстетик ва эмоционал таъсири ортади ҳамда шоирнинг ўз бадиий маҳорати намоён бўлади. Шунини ҳам алоҳида уқтириш керакки, Махмур ижодидаги бу хусусият ўзбек адабиёти тарихида улуғ Алишер Навоий, ҳажвнавис Турди, шоир Ҳувайдо каби шоирларнинг сатира соҳасидаги илғор анъаналарини давом эттириш, янада мукаммаллаштириш туфайли майдонга

келган эди. Алишер Навоийнинг сатирик ғазалларида объектни изчил равишда фош қилиш анъанаси қўлланса, шоир Турди асарларида, хусусан, унинг Субҳонқулихон ҳақидаги машҳур ҳажвий мухаммасида қаҳрамоннинг ўзини сўзлатиш орқали фош этиш услуби кўринади.

Демак, ўзбек сатирик поэзияси XIX асрнинг биринчи ярмигача тобора мукамаллашиб, ғоявий-бадий жихатдан ўткирлашиб келди ва ҳар бир асрда янги-янги хусусият касб этди. Ана шу эволюция Махмур асарларида янада ривожлантирилди ва ўзбек сатирасининг XIX асрнинг иккинчи ярмида шаклланиб, мустаҳкамланишига замин тайерлади. Бунга хусусан Муқимий сатираси, айниқса унинг Махмур томонидан ёзилган «Ҳапалак» ғазалига боғлаган тахмиси яққол мисол бўла олади. Шунинг учун Махмурнинг сатирик меросини унинг салафлари меросидан ҳам, ундан сўнг ўтган давомчилар меросидан ҳам ажрагиб олиб баҳолаш мумкин эмас.

Махмур сатирик асарлари маълум сюжет чизигига эга бўлиб, фикрни изчил давом эттириш композицияси асосида қурилган; бўлсада маълум бир эиизоднинг бошланиши, ривожи ва охирига етиши эмас, балки объектнинг хусусиятларини сатирик тарзда очиш асосий ўрин эгаллайди.

Махмурнинг воқеабанд шеърларидан лирик тасвир услубининг эпик тасвир услуби билан қоришиб кетиши натижасида майдонга келган «Дар ҳажви хўжа Мир Асад» номли кичик сатирик ҳикоясини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Бу асар қасида жанрида ёзилган. Лекин шуниси аҳамиятлики, Махмур, асарни бевосита маҳсаддан бошлаб, Хўжа Мир Асад ҳақидаги ўз ҳикоясини баён этади. Бу ўша даврдаги қасиданинг мадҳия, баҳория типидеги шеър бўлмасдан, балки қасидаи ҳажвия жанрига мансубдир. Маълумки, ўзбек, тожик ва озарбайжон адабиёти тарихида қасида «ёзиш анча узоқ тарихга эга. Ана шу узоқ ўтмишда ўзбек, тожик ва озарбайжон тилларида қасиданинг мадҳия, баҳория жанрларида ҳам, фалсафий ва ижтимоий характердаги жанрларида ҳам кўпгина асарлар ёзилган эди. Ҳажвий қасидалар турли халқларнинг адабиёти тарихида ҳам учрайди. Аммо ўзбек адабиётидаги қасидачилик тарихида сюжетли ҳажвий қасиданинг энг яхши намуналаридан бири Махмурнинг «Дар ҳажви Хўжа Мир Асад» асаридир. Қасида, умуман, бирор ҳодиса, воқеа, тарихий шахс ва бошқаларни мақташ ёки табиат манзараларини тасвирлаш мақсадида ёзилар эди; Махмур эса қасидалардан сатирик объектни тасвирлаш учун фойдаланиб, сатиранинг жанр жихатидан имкониятини кенгайтирди ва бойитди. Шунинг ўзи ҳам шоирнинг ҳар бир масалага ижодкорона ва новаторлик кўзи билан қараганини кўрсатади. Махмур бу асарини ҳам муламмаот услубида яратиб, ундаги ўзбекча ва тожикча мисраларда сатирик объектнинг сирини фош этди, асл башарасини

очиб ташлади ва ўлимтик хасис образини яратди.

Махмур асарида келтирилган воқеа қуйидагича: лирик қаҳрамон — шоирнинг ўзи Хўжа Мир Асад даргоҳига борганида, у ердан нолаю фарёд овози эшитилади, кишиларнинг бири ёқасини йиртиб, бири эса бошини деворга уриб йиғлар эди. Бу ҳолнинг сабабшш сўраганида, биров:

Гуфт: эй шоири Махмур туро нест хабар?

Хўжаи Мир Асад шуд зи фано сўи бақо.

Деди: эй хайрати, гўё сенга етмади хабар?

Хўжамиз қилди фано мулкидан оҳанги бақо,—
деб жавоб берди.

Лирик қаҳрамон — «мен» бу ҳолдаи таажжубланади, чунки у Хўжа Мир Асаднинг эрталаб отлик кезиб юрганини кўрган эди. Бирор кутилмаган, фавқулодда ҳодиса бўлиб ўлган деган қарорга келиб, ўлимидан маъюсланган бўлади ва ўзининг Хўжа Мир Асадга бўлган муносабатини шундай ифода этади:

Мени ким айлади маъюс Асаднинг ўлими,
Самадо, манзилу маъвосини қил дўзахаро..
Йиғлабон қуллари бирлан дедим, эй воҳ, Хўжам,
Кетди афсус ўлуб, ваъдаси ялғон Асадо..
Во дариғо ки қаён кетди ўшал мазҳари жаҳл,
Доғ, дардоки адам бўлди имом ул-жухало...

Шундан сўнг неча кун унинг дарвозаси ёнида ўтирса ҳам, Мир Асаднинг ўлигини чиқармадилар. Эҳтимол, уни уйида кўмган бўлсалар керак, деб шоир ўз уйига қайтади. Лекин бир кун йўлда отлик бораётган Хўжа Мир Асадни кўриб қолади:

Неча кундан кейин оники саломат кўрдим,
Дедим, эй Хўжаи ўлган, бу на аҳвол санго?..
Рости бирла боқиб, менга деди Хўжа Асад,
Ботиним сирридин айлай сенга бир лафз бажо..
Деди ул вақтки даргоҳима бординг ба тамаъ,
Кетди жоним хабарингни эшитиб танднн аро..
Кетди деб то ки эшитдим сени маҳрум нечадин,
Шул замой руҳ дуйўм бор менга берди шифо.

Шундай қилиб, тирилган мурда ўз сирини лирик қаҳрамонга шоирга айтади, Шоир ваъда қилинган нарсани сўраганида, Мир Асад келгуси йил экиладиган пахта ҳосилидан бирор нарса беришга ваъда қилади.

Бу ҳикоядан кўргшадикки, Махмур воқеани Хўжа Мир Асаднинг данғиллама уйига боришдан бошлаб, бирдан ана шу ҳолга мос келмайдиган

эпизодни — «тирилган мурда» воқеасини келтиради, кулгили манзара яратади ва тасвирлаётган воқеасининг комизмини кучайтиради. Натижада Хўжа Мир Асаднинг ўлими қайғуга сабаб бўлмайди, балки, аксинча, кишининг кулгисини қистатади. Бунинг устига, шоирнинг қайғуриб, афсусланиб, унинг жойини дўзахлан бўлишини исташи, «имомул-жуҳало»—жоҳиллар бошлиғининг ўлганини уқтириши кулгини заҳархандага айлантириб, ўқувчида Хўжа Мир Асадга нафрат туйғусини уйғота боради. «Мурда»нинг тирилиши акс эттирилган ўринлардаги юморнинг заҳарханда кулги — сарказм билан қоришиб кетиши натижасида хасис амалдорларнинг барча хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган Хўжа Мир Асаднинг сатирик образи гавдаланади. Бир хабба (қатра, кичик бўлак) учун жонини беришга тайёр турган ва шоирга ваъда қилган озгина инъомни беришдан қутулиш мақсадида ўзини ўлдига чиқарган киши, албатта, инсонпарварлик хусусиятидан ҳам, инсоний меҳр-муҳаббат туйғусидан ҳам маҳрум бўлган молпарастдир. Махмур ўз асарига Хўжа Мир Асаднинг ана шундай кишилардан бири эканини кўрсатиш орқали хасисларнинг умумлашма образини яратди.

Махмурнинг домла Атои Ашти ҳақидаги ҳажвий мухаммаси эса ўша даврдаги порахўрларнинг вакили образини чизиб, уни фош этишга қаратилган. 19 банд (95 мисра)дан иборат бу мухаммас тожик тилида ёзилган бўлиб, шоир унда порахўрлик билан бутун Фарғона водийсини талон-торож қилган домла Атои Аштининг психологиясини ва бадбашара портретини ҳам чизиб, иу махлукнинг бутун фикру зикри шахсий бойишга қаратилганлигини маҳорат билан фош қилади. Шуниси характерлики, мухаммасда ифодаланган мақсад, фикр ҳар бир бандда ривожлантирилади ва, ниҳоят, бундай иллатдан қутулиш зарурлиги уқтирилади. Албатта, Махмур бу ўринда худога мурожаат қилади ва ундан кўмак истайди.

Илоҳо, беҳу бунёди вакилонро зи бун бар кан,
Нишонуну номи ин ришватпазирон жумла барҳам зан.
Хусусан, сарвари Эшон Атои афсали маъман,
Зи рўи порахўри гашта бо дину наби душман.
Илоҳо дар жаҳаннам соз жон ин дили ғазбон

(Эй худо, вакилларнинг илдизини узиб ташла, бу порахўрларнинг ному нишонини қуритгил, хусусан, уларнинг бошлиғи бўлган Эшон Атоининг жойини дўзахнинг қоқ ўртасидан қилгил).

Шоир замондошларини «Дар сифати Ниёзча оғалиқ», «Дар ҳажви Маҳмуд Қурама», «Дар мадҳи домулло Ғоиб Мунший Куюк», «Авсофи Қози Муҳаммад Зухур заргар», «Такаббур», «Авсофи Каримқул меҳтар», «Ҳажви чор дар чор дар сифати наврўз меҳтар комкор», «Дар мадҳи Муҳаммад Шариф

оталик», «Дар сифати амир Олимхон, тарихий ў», «Дар ҳажви Мавлоно Фазлий, саромади шеър мусаммо ба Абдулкарим Намангоний» каби турли жанрларда ёзган сатирик асарларида ҳам аёвсиз фош қилади. Бу асарларда турли лавозимларни эгаллаб олган амалдорлар — хон, меҳтар, маликушшуаро, оталиқ ва муншилар ўзларига хос тасвирий воситалар, чизги ва деталлар билан фош этилади.

Масалан, шоир «Дар сифати амир Олимхон, тарихи ў» номли ғазалида амир Олимхон ҳукмронлиги даврида аҳолининг «зору мазлум» эканини, зулм бениҳоя кучайиб кетганини, амирнинг халққа кек ва адоват билан қараганини қайд қилиб, Олимхон ана шундай золимлиги туфайли худонинг ғзабига учраб ўлдирилди, деб хулоса чиқаради. Шунинг учун Махмур амирнинг ўлган йили тарихини баён этганида Олимхонни «мири мазлум» — эзилганлар амири, деб заҳарханда билан эслайди. Иккинчи таърих жанридаги шеърда эса уни «золими мардуд» деб тилга олади ва Олимхон амирлигининг зулм-ваҳшатга тўла бўлганини айтади.

Махмурнинг сатира соҳасидаги яна бир хизмати унинг ўша замон адабиётида сатирик шеърлар силсиласини яратганлигидир. Бу цикл ҳам. ғоявий, ҳам композицион жиҳатдан бир бутунни ташкил этади. Махмурнинг сатирик циклдаги шеърларига унинг: «Авсофи қози Муҳаммад Ражаби, Авж», «Ғазали Қози Муҳаммад Ражаби Авж дар бораи худ», «Авсофи Ҳожи Ниёз», «Ғазали Ҳожи Ниёз», «Авсофи Лоуболи ўратепаги», «Ғазали Лоуболи дар бораи худ», «Дар сифати ҳаким Туробийи ҳазор халта», «Дар сифати ҳаким Туробийи ҳазор халта будир», «Дар сифати мулло Яъқуб Хўжандий», «Ғазал гуфтани Хўжандий» («Ғазали мулло Яъқуб»), «Дар сифати қозии Хўжа сағбон», «Ғазали қозии Хўжа сағбон» номли шеърлари киради.

Бу циклдаги шеърларда, асосан, олти хил касб кишилари — қози, ҳожи, табиб, мулло ва бошқалар танқид қилинди (ҳар бир кишига иккитадан шеър бағишланади). Биринчи шеър шоир томонидан объектни характерловчи маснавий жанридаги асар бўлса, иккинчи шеър объект тилидан айтилган ғазалдир. Бу иккала шеър бири иккинчисини тўлдиради ва танқид қилинаётган объектнинг характери, психологияси, портретини очиб беришга бўйсундирилади.

Махмурнинг сатирик шеърлар цикли «Авсофи қози Муҳаммад Ражаби Авж» маснавийси ва Қози Муҳаммад Ражаб Авжнинг ўз тилидан айтилган ғазал билан бошланади. Маснавий жанговарлик ва қаҳрамонлиқ поэмалари эзилган арузнинг мутақориб мусаммани мақсур баҳрида яратилиб, шу баҳрнинг тантанавий оҳанги (фаулун фаулун фаулун фаул) ёрдамида Қози Муҳаммад Ражаб Авжнинг кирдикорлари, нодонлиги, фақат салла ва тўнга зеб бериб, қуруқ савлат, сохта салобат касб этган қозилиги ўқувчи кулгисини

қистатадиган даражада фош қилинади:

Қилиб тўл дасторини юз қулоч,
Вале эскиликдан эди минг умоч.
Даме гар бузилса бу дастори зор,
Тузатмоққа солгай анга мардикор.
Бузиб жумла дарвозани салласи,
Эшикларни вайрон қилар калласи.

Аслида эса Қози Муҳаммад Ражаб Авжда билимдан, фаросат ва инсонликдан асар ҳам йўқ:

Ажаб қозийи қоҳили жоҳиле,
Бўлиб омилик илмига комиле.
Анинг кўксини чок қилсанг ҳама,
Ғилу ғишини пок қилсанг ҳама.
Адамдур алиф анда, кўп излама,
Бу нархарни қози дебон сизлама.

Махмур тасвирича, Муҳаммад Ражаб фитнаю фасодни, хийлаю найрангни ўзининг касби ва ҳатто «мазҳабу миллати» қилиб олган:

Жаҳон ичра бу қозийи девранг,
Эрур мазҳабу миллати реву ранг.
Тузар ўзини гоҳе зуҳходдек,
Қилар шаклинн мисли уббоддек.
Ғаҳе марди муллои олим ўзи,
Ғаҳе бобн раддул-мазолим ўзи.

Шундан сўнг қозининг назм соҳасида ҳам ўз кучини синаб, шеърлар ёзгани айтилади-да, унинг тилидан бир ғазал келтирилади. Бу ғазалда Қози Муҳаммад Ражаб тилидан унинг ўзи фош қилинади, яъни маснавийдаги фикрлар яна давом этгирилади, Муҳаммад Ражаб Авжнинг чирик ички дунёси унинг узун салласи, ҳашаматли тўни ва қозилик номи остига яширингани уқтирилади. Қозининг ташқи қиёфаси билан ички дунёси мос эмаслигининг тасвирн объектнинг комизмини кучайтирган ва шоир сатирик образни яратишда кинояни, заҳархандани ва, ниҳоят, енгил кулгини ишлатиш имкониятига эга бўлган.

Худди шундай ҳолни «Авсофи Ҳожи Ниёз» маснавийсида ва ҳожи тилидан келтирилган ғазалда ҳам учратиш мумкин. «Авсофи Ҳожи Ниёз» маснавийсида муаллиф Маккага бориб, ҳаж қилиб келган бир «ҳожи»ни ва унинг фирибгарлик, найрангбозлик, алдамчилик хислатларини, лекин, шунга қарамасдан, унинг доим миршаблик, сипоҳигарлик лавозимларида ишлаб келишини, баъзан эса ҳатто шоирлик кўчасидан ҳам ўтиб туришини заҳарханда билан тасвирлайди.

Махмур Ҳожи Ниёзни виждонсиз, ор-номуссиз, инсофсиз, маккор бир киши деб ҳисоблайди. Махмурнинг фикрича, Ҳожи Ниёзда одамгарчиликдан ному нишон ҳам йўқ: у қилмагаи ёмонлик, у орттирмаган гуноҳ ҳам кам. Махмур бу фикрни Ҳожи Ниёз тилидан келтирилган ғазалнинг қуйидаги мисраларида баён қилади:

Даври фалакда, дўстлар, сар-сари танги роҳ ўзим,
Гирди жаҳонни чарх уриб сайқали меҳру моҳ ўзим.

Баски пиёда йўл юриб, яхши-ёмонни кўп кўриб,.
Маккада неча йил юриб фазлахўри илоҳ ўзим...

Ҳажни сотай йўлда деб, ўлмаин ўлда-чўлда деб,
Менга кнройи қўлда деб муътарифи гуноҳ ўзим.

Журм десанг қабат-қабат, фисқ десанг сабат-сабат,
Наҳс десанг наMAT-наMAT, сўфии хонақоҳ ўзим.

Бунда Махмур Ҳожининг бутун ярамас хусусиятларини фош қилади.

Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис»нинг учинчи мажлисида Мавлоно Хуррабий номли бир зот ҳақида гапириб, унинг бир неча марта Макка ва Мадинага борганини, аммо «бу сафарлардан келгандин сўнгра боргандин бурунроқдин беҳабарроқ ва бадафъолроқ» бўлиб келганини қайд қилган эди. Бу ҳол Навоий билан Махмурнинг Мавлоно Хуррабий ва Ҳожи Ниёз сингари золим, бадфеъл, алдамчи ва фирибгар шахсларга бўлган муносабатининг яқинлигидан далолат беради. Шунингдек, Махмурнинг Шарқда машҳур бўлган:

Ҳожи, ки зи Маккаю сафо баргашта,
Море чу бирафта аждаҳо баргашта.
Зинҳор фиреби оҳи сардзш махўред,
Ин хонахароб зи худо баргашта

(Маккадан қайтган ҳожи аждаҳо бўлиб қайтган илондир. Унинг совуқ оҳу фарёдига алданманг. Чунки бу уйи куйгур, худодан қайтган кишидир) рубойиси ҳам худди Мавлоно Хуррабий ва Ҳожи Ниёз каби ҳожиларни назарда тутиб ёзилганга ўхшайди. Махмур Ҳожи образини яратганда, бундай анъаналардан ва Ҳувайдонинг:

Туну кун айлабон гуноҳ қилмагон ҳеч савоб ўзим,
Парвариш айлабон бадан қилгучи хўрду хоб ўзим

матлали ғазалидан хабардор бўлганлиги шубҳасиздир.

Махмур ўзидан олдин ўтган шоир Ҳувайдонинг бу ғазалидан илҳом олар экан, ўз ғазалини Ҳувайдо ғазалининг баҳрида (рамал баҳрида) ёзади. Ҳувайдо қўллаган «ўзим» радифини ўз ғазалининг радифи қилиб олади; Ҳувайдо услубини — қаҳрамонни ўз тилидан сўзлатиб фош этиш услубини маҳорат билан давом эттиради. Бу икки ғазал шакл жиҳатидангина эмас, балки мазмун жиҳатидан ҳам бир-бирига жуда яқиндир. Иккала ғазалда ҳам фақат ярамас ишлар билан шуғулланиб, гуноҳни «қават-қават» қилган, фиску фасодни «сабат-сабат» орттирган, бойликка хире қўйиб, «эл кўзига зуҳд этиб», хилват жойларда еб ичган фирибгарлар танқид остига олинади ва фош этилади.

Махмур яратган сатирик шеърлар циклидаги образлар орқали ўша даврдаги ҳоким табақаларнинг ярамасликларичи очиб ташлайди: агар Хўжа Мир Асад хасислик тимсоли бўлса, домла Атои Ашти порахўрларнинг бошлиғидир; агар Ҳожи Ниёз фирибгар ҳожиларнинг умумлашма образи бўлса, ўратепалик Лоубол ахлоқсиз ва ор-номуссиз амалдорларнинг ёрқин тимсолидир. Агар Ҳаким Туробий нодон ва жаллод табибларнинг намоядасидир; Хўжа сағбон эса хон саройининг ахлоқий тубан гумаштасдир.

Шундай қилиб, Махмур ўз шеърларида XIX асрнинг биринчи ярмидаги ижтимоий ҳаётни, хусусан, ҳукмронларнинг халққа ўтказган жабру жафосини, уларнинг разиллиги ва маънавий тубанлигини жасорат билан акс эттирди. Бу ўринда шуни ҳам қайд қилиш керакки, бу шеърларда номлари кўрсатилган кўпгина шахслар Махмур билан бир замонда яшаган эдилар.

Махмур шеърларининг аниқ шахслар танқидига бағишланиши шоирнинг катта ютуғидир. Чунки бу билан муаллиф ўзбек сатирасининг умумийликдан аниқликка томон боришига маълум даражада кўмаклашди, Демак, Махмур ўзининг сатирик мероси билан XIX асрнинг биринчи ярмида Кўқон хонлигидаги ижтимоий иллатларни фош қилиб, ўзбек сатирасини янги-янги хусусиятлар билан бойитган, уни янада ривожлантирган шоирдир.

Махмурнинг лирик мероси. Махмурнинг сатирик асарлар девони бизгача мероси етиб келган бўлса ҳам, аммо унинг лирик шеърлар девони ҳозиргача номаълум. Лекин турли баёзларда шоирнинг лирик шеърлари ҳам учраб турадики, бу ҳол Махмурнинг сатира соҳасидагина эмас, балки лирик шеърлар ёзишда ҳам моҳир ижодкор эканидан далолат беради. Албатта, Махмурнинг «Мажмуаи шоирон»да келтирилган ғазаллари шоир лирик меросининг ҳаммаси эмас. Унинг тожик тилида ёзган ғазаллари, Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий, Соиб Табризий каби моҳир сўз санъаткорлари

ғазалларига боғлаган мухаммаслари диххатга сазовор асарлардир. Ҳозирча бундай асарларнинг сони 10 тадан ошмайди. У ўз шеърларида, бир томондан, ҳаётнинг гўзаллигини, ҳақиқий инсоний муҳаббатни куйлаш билан классик ёзувчилар анъанасини давом эттирди ва, иккинчи томондан, фақат ўзбек тилида эмас, балки тожик тилида ҳам дилрабо асарлар ёза олиш кудратига эга эканлигини намойиш этди. Масалан:

Қасди дил бурдан кунанд бо чашми шахло дилбарон,
Дил чи бошад жон баранд бо қадду бо рухсор гул
(Гўзаллар шахло кўзлари билан кўнгилни олишни мақсад қиладилар;
улар ўзларининг гулдай юзи ва нозик қадди билан кўнгилнигина эмас, балки
жонни ҳам ўз қўлларига ола оладилар).

Ёки:

Бодо муборак иди ту эй нури ҳар ду дидаам,
Жавлонгаҳат на бир замин бояд ки аидар дидаам
(Ҳайитинг қутлуғ бўлсин, эй кўзларимнинг нури, сенинг жойинг ерда
эмас, балки менинг кўз қорачиғимда бўлиши керак).

Бу сатрларда, асосан, дилбар ва унга бўлган муҳаббат тасвирланган бўлса, баъзи ғазалларида шоирнинг қийин аҳволда яшагани ифода этилади:

Чун хўрам ғам баҳри рўзи бо мани захробанўш,
Ҳар саҳар аз кони қисмат захри мор омад бурун
(Мен ризку рўз учун ғам ейман, аммо ҳар саҳар тақдир дастурхонидан
менга илон захри келади).

Бундай мисраларнинг лирик ғазалларда ҳам учраши хор-зорликда яшаган Махмурнинг ҳаёти унинг бутун меросида ўз изини қолдирганидан далолат беради.

Бундан ташқари, Махмурнинг бир неча мухаммаслари ҳам бор. Буларнинг иккитаси форс-тожик шоирлари Ҳофиз, Жомий, учтаси эса озарбайжон шоири Соиб Табризий ғазалларига боғланган. Махмур машҳур ғазалнависларнинг асарларига мухаммас боғлаш билан ўз маҳоратини намойиш эттиради. Чиндан ҳам, шоирнинг мухаммаслари бадиий жиҳатдан бенуқсон ва кучли бўлиб, унинг юксак қобилият эгаси эканлигини кўрсатади. Мисол учун ҳар бир мухаммаснинг матлаини кўздан кечирайлик.

Ҳофиз:

Биё эй нўши доруи лаби лаълат мудавворо,
Ба жонбахши диҳад таълим анфоси Масеҳоро,
Ба фарқи бандаги созам кулоҳ шахболн анқоро,
Агар он туркн шерози ба даст орад дили моро,
Ба холи ҳиндуяш бахшам Самарқанду Бухороро.

Абдурахмон Жомий:
Эй сарви суманбари сихизод,
Шуд эй қадди ту, чу нахли шамшод,
Гардида ба боғи хусни бедод,
Қурбонн сари ту сарви озод,
Мажнуни рухат ҳазор Фарҳод.

Соиб Табризий:

а)
То офати дилу жон он шўхи симбар шуд,
Дар снна оташи ғам ҳар лаҳза дар шарар шуд,
Бо сад ҳазор шева аз хона то бадар шуд,
Аз ҳалқаҳон он зулф дил соҳиби назар шуд,
Ин мурғи чашмбаста аз дом то бадар шуд.

б)
Баҳор омаду сарсабз қард бўстонро,
Кушод мўҳр зи лаб ғунчаҳои хандонро,
Мадеҳ зи даст тамошои рўйи хубонро,
Иҳота қард хат он офтоби тобонро,
Гирифт хайли пари дар миён Сулаймонро.

в)
Парирўе ки ман гаштам шаҳиди теғи мижгонаш,
Шаванд аз як ниғаҳ хубони олам жумла қурбонаш,
Ба ошиқ роҳнамо Хизрест хатти анбарафшонаш,
Раги абрўст он лабҳои навхат бўсаборонаш,
Ки умри жовидон бошад ба ошиқ мадди эҳсонаш.

Келтирилган парчалар Махмур лирик меросини тўплаш ва ўрганишни кенг кўламда давом эттириш кераклигини кўрсатади. Лекин шуларнинг ўзидан ҳам хулоса чиқариш мумкинки, Махмур ўзининг лирик мероси билан (ҳозиргача топилган янги ғазалларининг ҳаммаси тожик тилидадир), бир томондан, бақувват лирик шоир эканидан, иккинчи томондан эса шоирнинг форс-тожик ва озарбайжон классик адабиётини чуқур ва ҳар томонлама билгани, мутолаа қилганлигидан далолат беради.

Махмурнинг бадиий маҳорати. Махмур ижоди ўзининг бадиий қиммати билан ҳам диққатга сазовордир. У мазмунга мувофиқ маҳорати адабий жанрларни танлашга, тасвирланадиган объектни ҳар томонлама очишга хизмат қилувчи жанрларда, хусусан, маснавий ва мухаммасда кўпроқ

ижод этди. Шу билан бирга у асарларининг ғоявий ва мантикий изчиллигини, бир бутунлигини таъминлашга алоҳида эътибор берди ва ҳатто сатирик шеърӣ ҳикоя ҳам яратди. Бундан ташқари, шоир ўз асарларида классик адабиётда бўлган бадий тасвир воситаларининг мазмунни очиб беришига, тасвирланаётган объектга мувофиқ келишига диққат қилиб, ўз даври адабиётига кўра, катта ютуқни қўлга киритди. Шунинг учун ҳар бир сатирик шеърнинг ҳажвий қаҳрамони ўзига хос портрет ва хусусият билан ўқувчи кўз ўнгида гавдаланади.

Салбий образлар портретини чизишда Махмур ўзининг ажойиб санъаткор эканлигини намойиш қилди. Шоир образнинг ташқи қиёфасини бадий тарзда гавдалантиришда шундай деталларни топадики, бунинг натижасида салбий объектнинг ташқи кўринишигина эмас, балки унинг маънавий дунёси ҳам ойдинлашади. Чунончи, гоҳ зоҳид ва обид, гоҳ олими доно, гоҳ шайхи зуфунун, гоҳ шоир, гоҳ қози қиёфасида юрувчи фирибгар Муҳаммад Ражабнинг башараси шундай тасвирланади:

Чиқиб ар-ари қадди чандон узун,
Бўлур сақфи гардунға қилсанг сутун...

Терибдурким офоқдин паттани,
Йиғиб кўчадин лакбуруш латтани.

Кийим паттани жома пайванд этиб,
Ани устидин латтани банд этиб.

Қилиб тўли дасторини юз қулоч,
Вале эскиликдин эди минг умоч.

Даме гар бузулса бу дастори зор,
Тузатмоққа солгай анга мардикор.

Бузуб жумла дарвозани салласи,
Эшикларни вайрон қилар калласи.

Бунда Махмур турли бадий воситаларни — муболаға, ўхшатиш, сифатлаш ва метафораларни ишлатиб, сатирик образнинг карикатура шаклидаги портретини чизган. Агар шу асосда бирор рассом Муҳаммад Ражаб расмини чизишга киришса, унда ниҳоятда новча ўзи ориқ, аммо, шунга қарамай, тегирмон тошидай катта саллани бошига ўраб олган, эгнига тўн кийган одамнинг кулгили портрети тўлиқ полотнода намоен бўлади. Махмурнинг усталиги шундаки, Муҳаммад Ражабнинг карикатур портретини

чизиб қолмай, унинг маънавий тубанлиги, разиллигини ҳам фош этиб ташлайди:

Анинг кўксини чок қилсанг ҳама,
Гилу ғишини пок қилсанг ҳама,
Адамдур алиф анда, кўп излама,
Бу нархарни қози дебон сизлама...

Шундай қилиб, муаллиф қаҳрамон портретини чизар экан, уни асарнинг асосий сатирик ғоявий мазмунини тўла ва ҳар томонлама очишга хизмат қилдиради. Натижада қаҳрамон портретини чизиш асарнинг ғояси билан мантиқий боғланади, унинг янада кучлироқ ифода этилишига кўмаклашади. Бу ҳол бошқа қаҳрамонларнинг портретини чизишда ҳам кўзга ташланиб туради.

Шунингдек, муаллиф қаҳрамон характерини очишда фақат портретгина эмас, балки ўша объект мансуб бўлган муҳитга мурожаат этиб, шунга мос ашёларни ҳам келтиради ва бу билан шу шахснинг маънавий пуч ва ярамаслигини таъкидлайди. Чунончи, шоир «Ғазали қозии Хўжа сағбон» асарида қози Хўжа сағбон образини чизар экан, итбоқар қозининг оши итлар билан «бир табақ»да эканини, «бир катак»да ётишини таъкидлаб, итбоқар қозининг итдек кун кўришини, аниқроқ қилиб айтганда, сарой амалдорлари хоннинг содиқ итлари эканини, шунинг учун халқ улардан нафратланишини батафсил баён этади. Ҳаким Туробийнинг портретини чизишда ёки феъл-атворини ёритишда эса шоир кўпинча табиблик терминларини ишлатади.

Шу билан бирга, шоир салбий қаҳрамонларни тавсифлаганида, Шарқ адабиётидан мифологик образларни (Аҳраман, Ож ибни, Ануғ, Шаддод, Намруд, Бужаҳл, Булаҳаб ва бошқаларии) талмеҳ санъати шаклида келтириб, сатирик образнинг ярамас хусусиятларини янада бўрттиради:

Фиръавнга мукорину Намрудга надим,
Шаддодга мусоҳибу ҳамдам манам-манам...
Бадбахту шўми шуҳраи охир замон десанг,
Бужаҳлу Булаҳабга мукаррам манам-манам.

Махмур салбий объектлари тасвирлашда сатирани ҳам, юморни ҳам усталик билан қўллайди; киноя, истиора ва ничинг билан ўқувчи кулгисини кўзгайдиган ҳолат ва образларни яратади. Мисол учун Махмурнинг «Авсофи Каримқул меҳтар» номли юмористик маснавийсини келтириш мумкин. Бу асар маълум сюжет чизиғига — ижобий қаҳрамон ва юмористик типнинг характерини очиб берувчи эпизодга эгадир. Бу эпизод қуйидагича: Каримқул меҳтар хоннинг буйруғига мувофиқ, Махмурга тўн ва эгар-жабдуқли бир кора от тухфа қилади. Бу от ишга яроқсиз бўлиб чиқади. Бунини эшитган меҳтар унга бошқа от беради, лекин буниси ҳам биринчисидан баттарроқ эди, Бу иккала от

ҳам шоирнинг нафратини кўзгайди.

Шоир икки отнинг таърифини берар экан, нозик киноя ва енгил кулги воситасида ўқувчи кўз ўнгида ишга тамомила яроқсиз бўлган отларни гавдалантиради. Масалан, қора отнинг хусусиятлари шундай таърифланади:

Ҳам ҳариш, ҳам хароб, ҳам бадном,
Икки минг айб ангадур мудом'

Кеча-кун беқарору қоқ,
Кеча-кундуз ажалгадур муштоқ...

Сув ҳам ичса, томоғига тикилур,
Пашша. гар қўнса ёлиға, йиқилур...,

Йўқ эрур оғзида асар тишдин,
Қарилардурки, чикқон ул ишдин...

Азм агар айласанг минай деб ани,
Феълу атворини синай деб ани,

Гоҳ тишлар, гаҳе тепар бул зор,
Гоҳ ҳўкиз сифат сузар бул зор.

Шохи йўқ, мисли қўчқор сузар,
Жони йўқ, кунда етти нўхта узар...

Шоир оқ отнинг хусусиятларини қора отнинг хусусиятлари билан чоғиштириб:

Униси кунда бир қадам кўтарар,
Муниси не қадам қўяр, не юрар,—
дейди.

Бу мисраларни ўқиганда, Муқимийнинг от таърифига ёзган мухаммаси эсга келадики, бу ҳол Муқимий Махмурнинг сатирик ва юмористик ижодиёти анъаналаридан баҳраманд бўлганлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, Махмур образ яратишда бадий тасвирнинг турли усулларини қўллаб, катта ижодий ютуққа эришган.

Махмур асарларида табиатнинг гўзал манзараларини бадий буёқларда чизиш ва ана шу фонда лирик қаҳрамоннинг кайфиятини баен этиш ўринлари ҳам анчагина. Бу, хусусан, унинг тожик тилида ёзган лирик ғазал ва мухаммасларида кўзга яққол ташланади. Махмур асарларида оригинал ўхшатиш, сифатлаш, муболага тазод ҳам кўп учрайди. Масалан, ўратепалик

Лоубол тилидан ёзган ғазалида куйидаги мисралар бор:

Ҳисоби журмими билсанг шумори чўх кумдин,
Гуноҳдин сўрсанг санги хорадин афзун.

Бунда оригинал ўхшатиш бор: гуноҳнинг кўплиги ҳисобсиз кумга ўхшатилади. Шоир бу билан Лоуболнинг ғоят кўп гуноҳи борлигини таъкидлайди. Шу гуноҳларнинг характерини белгилашда ҳам Махмур биринчи мисрадаги ўхшатишга мос келувчи иредметни, яъни чақир тошни тилга олиб, гуноҳлар чақир тошларнинг вазъидан ҳам оғир деган фикрни баён этади. Дикқатга сазовор томони шундаки, шоир икки мисрада ишлатилган икки ўхшатишда (кум, тош) ҳам уларнинг ўзаро мантиқан алоқадорлигига эътибор берган. Ёки Махмур Ҳожи Ниёз тилидан ёзган ғазалида унинг сифатларини янада кучайтириб кўрсатиш мақсадида бир сўзни атайлаб жуфтлайди, натижада ички қофия вужудга келади:

Ҳажни сотай йўлда деб, ўлмайин ўлда-чўлда деб,
Менга киройи кўлда деб муътарифи гуноҳ ўзим.

Журм десанг қабат-қабат, фикс десанг сабат-сабат,
Наҳс десанг наMAT-наMAT, сўфийи хонақоҳ ўзим.

Махмур асарларидан бундай мисолларни жуда кўп келтириш мумкин. Бу ўринда Махмурнинг сатирик образ тилини индивидуаллаштиришга интилганини алоҳида қайд қилиб ўтиш керак. Шоир ишлатган кўпгина сўзларда, жумладан феълларда шева хусусиятлари сақланган. Чунончи: «қиса» (қилса), «бўма» (бўлма), «қиган» (қилган), «кегай» (келгай), «бўсам» (бўлсам) ёки «ёнилмадим» (ёнмадим), «айилмадим» (айрилмадим) ва ҳоказо.

Иккинчи томондан, Махмур кенг халқ оммаси орасида ишлатиладиган сўз ва ибораларни ўз асарларига кўп киритади: камалак, каталак, катак, қапа, олачуқ, заминкан, ертўла, ажрик, ўғур, сумалак, фалакзада, чўли биёбон, олатўрткўз, кўппак, буруш (бурда), ялоқ, тубак, «худо тепасидан ани урмаса», юҳо, дев ва ҳоказо. Буларнинг ҳаммаси Махмурнинг халқ ҳаётини яхши билганлигидан далолат беради. Шуни ҳам қайд қилиш керакки, Махмур ўз асарларини, асосан, аруз вазнида яратди ва арузнинг ҳазаж. мутақориб ва хусусан рамал баҳрига кўпроқ мурожаат этди. Унинг кўпгина ғазал ва мухаммаслари рамалнинг мусаммани мақсур ёки маҳзуф бўлимларида ёзилган. Бунинг асосий сабаби рамал баҳрининг ўзбек поэзияси ва тили қонун-қоидаларига бирмунча мувофиқ келишидир. Махмур ўз асарларининг ғоявий-бадий уйғунлигини таъминлашда вазни, қофия ва радифни, туроқ ва рукнларни усталик билан ишлатди.

Шуниси характерлики, Махмур шеърларининг қофияси ҳам, радифи ҳам

мазмунни очишга, қаҳрамон характери́ни ёритишга кўмаклашади; улар баъзан хатто бир ибора ва тушунчани ифода этади. Масалан, «Авсофи Қози Муҳаммад Ражаб Авж» маснавийсида шундай характерли қофия ва радифлар учрайди: «жоҳиле — комиле», «чок қилсанг ҳама — пок қилсанг ҳама», «излама сизлама», «дев — ғирев», «узун — сутун», «паттани — латтани», «қулоч — умоч», «салласи — калласи», «деванг — реванг», «зуҳоддек — уббоддек», «сифоти (учун)—зоти (учун)» ва ҳоказо.

Демак, Махмур шеърнинг ҳар бир элементини мазмунини ифодалаш учун хизмат қилдиришга жуда катта эътибор берган.

Шуни ҳам уқтириш керакки, шоир икки тилда — ўзбек ва тожик тилида муламмаот услубида ўзбек ва тожик халқларига тушуниладиган содда ва равон шеърлар ижод этди, бу билан икки қардош халқ ўртасидаги маданий-адабий алоқалар тажрибасини янада бойитди.

Албатта, XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган Махмурнинг дунёқараши қарама-қаршилик ва камчиликлардан холи эмае эди. Бундай ҳол, хусусан, ижтимоий ҳаёт масалаларини тушуниши ва тушунтиришида кўзга яққол ташланиб туради. Шунингдек, унинг услубида баъзан на ўзбекча, на тожикча англаниши қийин конструкциялар, луғатсиз тушунилиши мушкул бўлган сўзлар учрайди. Аммо шоир ижодиётининг йўналиши ва аҳамияти олднда бу нуқсонлар аҳамиятсиз.

Шундай қилиб, XIX асрнинг биринчи ярмида Кўкон хонлигида яшаб ижод этган ўзбек адабиётининг вакиллари́дан бири бўлган Махмур ўзининг мероси, хусусан, сатирик асарлари билан ўзбек адабиётининг хазинасини бойитди, ўзбек сатираси анъаналарини давом эттириб, ўзбек сатирасининг тараққиётига замин ҳозирлади.

НОДИРА

Ҳаёти ва адабий фаолияти. Шарқ адабиётида Робиа, Исмати ва Ойша (XI аср), Муниса Хўжандий, Ситтихоним Мутриба (XII аср), Жахонхотун (XII аср), Мунажжим; ва Меҳри (XV аср), Гулбаданбегим, Гулчеҳрабегим (XVI аср), Нуржаҳонбегим ва Зебуннисо (XVI-XVII асрлар), Маҳзуна, Нотавон ва Увайсий (XVIII-XIX асрлар), Муаззамхон ва Назмихоним (XIX-XX асрлар), шоира Анбар ва бошқа ўнлаб шоиралар сиигари шуҳрат топган Моҳларойим Нодира XIX аср ўзбек адабиётидаги қувонч ва ғазабни, внсол хурсандликлари ва ҳижрон аламларини, тинч ҳамда осойишта яшаш умидлари ва бу умидлар қаршисидаги фожиали ҳолларни ўз ижодида акс эттирганлиги билан машҳурдир.

Мавлоно Нодир томонидан хилма-хил «шарофат»лари, «карам бобида юз эрдин зиёд» деб, шоир Ҳотиф томонидан «Ақлу дониш ва яхши фазилатлари билан нодираи даврон» деб, таърифланган Нодира бадавлат оилага мансублиги билан, ўз замондошлари бўлган косиб қизи Увайсий ва тоғлик бечора Маҳзунадан фарқ қиларди. Нодиранинг отаси Раҳмонқулбий Қўқон хони Норбўтабийнинг ҳукмронлиги вақтида Андижон ҳокими эди. Нодира 1792 йили мана шу хонадонда дунёга келди. Норбўтабий ўлимидан сўнг ҳокимият унинг катта ўғли Олимхонга ўтганда ҳам, Раҳмонқулбий шу мансабда қолди. Бу вақтларда Марғилонда ҳокимлик қилиб турган Олимхоннинг укаси Умархон кўни-кўшнилар, қариндош-уруғлар ва сарой аҳли ўртасида таърифлана бошлаган Нодирахонга ишқ кўйди ва 1808 йилда уни ўзига никоҳ қилиб олди. Олимхон ўлдирилгандан кейин 1810 йилда Умархон ҳокимият тепасига ўтирди ва Нодирани Қўқонга кўчириб олиб келди.

Нодира ҳали Андижопдалигидаёқ фақат ҳусн-латофати, зеболиги билангина эмас, балки ақл-идроки, донолиги, илм-фаиға майли, адабиётга лштиёқи билан ҳам тилга олина бошлаган эди. У отинбибилар тарбиясида хат-савод чиқариб, Қўқонда Саъдий, Ҳофиз, Навоий, Жомий, Фузулий, Бедил асарларини янада кўпроқ мутолаа қила бошлади. Нодира хон кутубхонасидан истаганча фойдаланар 19-362 ва Андижонданок бошланган шеър ёзишни машқ қилишда, аввало, Умархон (Амирий) ва сўнгра унинг саройидаги шоирлардан маслаҳат олар, уларнинг адабий мунозараларидан манфаатланар эди. Ниҳоят, у шоира сифатида камолга етиб, ҳаммага маъқул ва манзур асарлар³⁴ яратдики, ҳақиқатан ҳам, унинг гўзал ва сермазмун сўзлагини ўқиганда, «аҳли даврон мархабо» демай қўймас эди:

³⁴ Қаранг: Нодира. Девон, ЎзР ФАШИ, инв. № 4182; М а к н у н а, Девон, ЎзР ФАШИ, инв. № 7768; Нодира. Девон, Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи, қўлёзмалар фонди, инв. № 313; Нодира. Асарлар, II жилд, I-китоб, Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Бадиий адабиёт нашриёти. 1971 йил, нашрга тайёрловчи Маҳбуба Қодирова,

Нодира ҳар сўзки, иншо айладим,
Айди анга аҳли даврон марҳабо!

Лирикаси. Нодира ишқ-муҳаббат, илм-маърифат, эл-юрт, дўстлик, осойишталик, ободонлик ва маиший фаровонлик ҳақида асарлар яратган эди. Албатта, унинг бевосита мамлакат ва халқ ҳаёти билан алоқадор бўлган шеър ва ғазаллари аҳолининг турли қатламлари, унинг «Шоҳ улдурки, раиятга тараҳхум қилса», «Шод қилгил бандаларнинг кўнглини эҳсон этиб» деган сўзлари халққа маъқул тушган ва Нодиранинг шоира сифатидаги муборак овозини халқ овози, халқ истак-орзуси билан маълум даражада ҳамоҳанг қилган:

Масалан, у хонни адолатпарварликка чақириб, бундай деган эди:

Бўйла ким мумтоз эрурсен барча султонлар аро,
Шод қилгил бандаларнинг кўнглини эҳсон этиб...

Фуқаро ҳолига гар боқмаса гар шоҳ, анга
Ҳашмату салтанату рифъату шон — барча абас.

Шоҳ улдурки, раиятга тараҳхум қилса,
Йўқ эса қоидаи амну омон барча абас...

Нодира баъзан адолатсиз шоҳдан шикоят қилардики, шубҳасиз, бу шикоят маълум даражада унинг ўз атрофидаги муҳитидан шикояти эди:

Дода келдим, эй салотин сарвари, додим эшит,

Сен шаҳу мен бенаво, лутф айла фарёдим эшит

каби мисралари Нодиранинг бевосита арз-доди, ўз ҳис-туйғулари ифодасидай кўринса-да, бунда «шоҳдан лутфу марҳамат» тилаб, арз қилган кишининг «дод-фарёдлари» ҳам ўз ифодасини топган. Масалан, у одамларда «вафо» йўқлигидан вк ўз теварагидаги дунёдорларнинг маккорлиги, алдамчилигидан шикоят қилиб бундай деган эди:

Олам элида вафо топилмас,

Бу гавҳар эрур жаҳонда ноёб...

Жаҳон маккора золи бевафодур,

Вафо бирла кўнгулни қилмади шод...

«Олам ваҳму гумон» билан тўлиб-тошганлиги шоирага маълум даражада аён бўлади:

Бордур олам биноси ваҳму гумон,

Эй кўнгул, ваҳм ила гумондин кеч...

Шоира шеърларида Умархонни мадҳ этади, уни муболаға билан мактаб таърифлайди. Унга бўлган муҳаббати тўғрисида ёзган байтларидан «Лаззати шеъри Умар соҳибқирон» анқиб туражагини айтади:

Нодира қилғач муҳаббат нашъасидин гуфту-гў,

Лаззати шеъри Умар соҳибқирондан берди ёд...

Бу байт, бир томондан, Нодиранинг севгисини ифодаласа, иккинчи, томондан, унинг шеъриятда Умархондан таълим олганини англатади.

Годиранинг кўпчилик ғазаллари муҳаббат темлисида ёзилган бўлиб, у ижтимоий-ахлоқий фикрларини, зулм-зўрликдан норозилик тунгуларини мазкур ғазалларга сингдириб юборадн. Шоира муҳаббат оат Ҳақиқидаги қарашларини ифодалаганида ўз замонасидаги воқеа ва ҳодисаларга, кўзга яққол ташланиб турган фактларга ҳам ишора қилиб ўтади.

Нодира муҳаббатни одам учун энг азиз ва энг муборак, пок ва самимий туйғулар мужассами, ошиқнинг маъшуқага, маъшуканинг ошиққа нисбатан илиқ севгиси, икки дил ва икки тилнинг хоҳиш ва ифодада, ҳурмат ва самимиятда бирлиги, ҳамжихатлиги деб билади. Шоира муҳаббатсиз кишиларни одам қаторига ҳам қўшмайди:

Муҳаббатсиз киши одам эмасдур,

Гар одамсан, муҳаббат ихтиёр эт.

Шоиранинг фикрича, «кимда осори муҳаббат» бўлса, унинг маҳбубаси, яъни унинг самимий севгисига лойиқ маъшуқаси ҳам бўлади:

Ҳар кимда агар бор эса осори муҳаббат,

Айлар анга маҳбублар изҳори муҳаббат.

«Ҳақиқий ишқ биноси роҳат» келтириши, «соия девори муҳаббат» эса осудалик, оройиш, ором бағишлаши лозим:

Роҳат тиласанг ишқ биносини паноҳ эт,
Осуда эрур сояи девори муҳаббат.

Нодиранинг бу мавзудаги тожикча шеърлари ҳам худди шу мазмунни талцин этади. Чунончи, шоира: «Дили ғампарвари ман кони муҳаббат» (Менинг ғампарвар дилим муҳаббатнинг конидир); «Макнуна бувад бандаи фармони муҳаббат» (Макнуна муҳаббат фармонларининг бандасидир), дейди.

Унинг фикрича, ошиқ киши: «аҳл, хуш, дониш, сабр, фаҳм ва хирад»нинг ҳаммасини «шамъи рухи жонона»сига «парвона» қилмоғи лозим:

Донишу фаҳму хирад, сабру сукуну аҳлу хуш,
Барчани парвоиайи шамъи рухи жонона тут.

Шоира, ошиқ кишининг «жилваи рухсори ёр» дохия бўлган манзилни «жаннат, чамаи, гул, баҳор» деб айтишга ҳам ҳақи бор, дейди:

Дар манзиле ки жилваи рухсори ёр шуд,
Жаннат шуду чаман шуду, гул шуд, баҳор шуд.

Нодира «қоидаи меҳру муҳаббат»ни «барпо тутиб», ҳамиша ёр билан бирга бўлиш, ифторда ҳам, ҳатто рўза-намозда ҳам дийдор кўришиш ғаниматлигини тараннум этади:

Жон кўрмади рўзадин ҳаловат,
Ифторда ёрсиз на лаззат!
Ёр айласа ёри бирла ифтор,
Йўқ рўзада мундин ўзга давлат.

Нодира 30 ёшларда эканлигида, 1822 йилда Умархон вафот этди. Жудолик ва елғизлик Нодира шеърлярида хижрон азоби мотивларини янада кучайтирди. У умрининг сўйигги йилларигача ёзган шеърларида айрилиқнинг ёмои оқибатларини баён қилади:

Нодира гар васли давронин ғанимат билмади,
Марказийнур эрди хаёли шоҳи даврон айлагач...
Ҳар кишининг бир муносиб ёри бор,
Мен ўшал оворадурман ёрсиз...

Нодиранинг бундан кейинги ҳижрон қўшиқлари кенг мазмун касб этиб боради.

Шоира Муҳаммад Али ва Султон Маҳмуд номли ўғиллари билан бева қолди. Шу сабабдан ҳам «пираҳан» (одатдаги қўйлак) ўрнига қора «қабо» (қора камзул) кийиб олиб, мотам либосида жудолик аламини куйларди:

Домани ёр иликдин кетди,
Нодира пираҳаним бўлди қабо.

Шоира «сели ғам» туфайли «иморат»и (юррак-бағри) вайрон бўлганини, «ашк гавҳарлари» қонга беланганини, умрининг баҳори «хазон»га айланганини куйлайди:

Васл уйин обод қилдим, бузди ҳижрон оқибат,
Сели ғамдин бу иморат бўлди вайрон оқибат...
Ваҳки қон бўлди юрогим гавҳари ашк ўрнига,
Қатра-қатра кўзларимдин томди маржон оқибат...
Нодира, булбул киби то нола иншо айладим,
Навбахор ўтди, хазон ўлди гулистон оқибат.

* * *

Умархоннинг ворислари ёш эди. Хонликнинг идора ишларини Нодиранинг ўзи бошқара бошлади. Бу ақлли, тадбирли аёлнинг фаолияти амалдорларга маъқул тушмади. Улар ҳокимиятдаги Муҳаммад Алихон ва укаси Султон Маҳмудни бир-бирига қарама-қарши қилиб, Нодира ҳукмронлигига шикаст етказишни истар эдилар. Уларнинг қўли устун кела бошлаганидан Нодиранинг «гардундин мурувват» кутиши мумкин эмас эди. Шу сабабдан ҳам айрилик куйлари шоира «дарди дили»дан садо берар эди:

Ёрдин айру мени бедилни зор этти фалак,,
Ёшурун дарди дилимни ошкор этди фалак.
Нодира, кўз тутма гардундин мурувват ким баса,
Эътибори даҳрни безътибор этди фалак.

Нодира учун энди фақат бир йўл қолган эди: у хонликни каттиқ туриб идора қилишга, олиму фозил, шоир ва шоираларни кўпроқ тўплашга, иложи борича, мадраса, карвонсарой ва йўллар қурдиришга қарор берди. Нодира ана шундай мақсад билан «Мохларойим» номида мадраса қурдирди, бинолар тиклади, шеърят ва адабиёт ишини ривожлантиришга киришди.

Нодиранинг ҳукмронлиги замонида ёзилган «Етти гулшан» китобининг муаллифи Нодир бу ҳақда куйидагиларни ёзган эди:

Анингдек келмагай даҳр ичра ойим,
Анинг кўнгли саховат бирла дойим.
Сўрубон келтуруб аҳли фазойил
Йиғилди дарғаҳида ҳар кабойил.

Бариси шеър ичра эрди мохир,
Ғазал демокқа барча эрди шоир.

Нодира донишманд аёлларни кўпроқ тўплади, улар билап кенгашди,
маслаҳатлашди:

Йиғибон ҳар тарафдин неча хотун,
Бариси фазлу дониш ичра отун,
Бари Зебуннисодек эрди шоир,
Бари Марям киби зуҳд ичра мохир.
Барининг фаҳми бир-бирдин фузунроқ,
Барининг илми бир-бирдин узунроқ.

Нодиранинг «Макнуна» тахаллуси билан ёзган шеърларини тўплаб
кўчирган котиб-шоира «девон» муқаддимасида келтирган шеъррий
таърифларидан бирида Мавлоно Нодирнинг фикрларини тасдиқлаб, мана
бундай деб ёзган эди:

Иқбол ёфт фаҳми маони зи фитраташ,
Равнақ гирифт шеър ба давру замони ў...

Бу даврда шоира Увайсий ҳам ўз ижодий ишини давом эттириб, бир
неча дostonлар, жумладан «Воқеоти Муҳаммад Алихон» манзумасини ёза
бошлади. Етмиш яшар кекса шоир Мавлоно Нодир эса ўнлаб шеърлар ва
«Ҳафт гулшан» асарини бунёд этиб, юқорида айтиб ўтганимиздек, адолатли
шоҳ, сахий ҳукмрон, донишманд олим, ҳақиқий ошиқ ва маъшуклар образини
яратди. Нодирага тухфа қилинган бу асар ўша давр ўзбек адабиётида муҳим
воқеа эди.

Бу даврда Нодиранинг ўзи ҳам шеър ёзишни тўхтатмади. Ўзбекча
Нодира ва Қомила, тожикча Макиуна тахаллуслари билан ғазаллар битди ва
девонлар тузди.

Форс-тожик тилида шеърлари. Моҳларойим — Нодиранинг юқорида
қисман таҳлил қилинган шеърлари унинг ўзбекча ва тожикча девонларида
келтирилган³⁵.

³⁵ Нодиранинг ўзбекча ва тожикча девонларининг тузилиш тартиби куйидагича:

1. Ўзбекистон Фанлар академиясининг қўл ёзмалар фондида сақланаётган 4182 рақамли «Девон»нинг 1-52-
бетларида Нодира шеърлари келтирилиб, ундаги 109 ғазалнинг охириги 6 таси тахаллуссиз берилган.
Китобнинг 53-саҳифасидан 150-саҳифасигача шоир Нодирнинг ўзбекча ва тожикча ғазаллари рубойиси,
фарди, мувашшаҳи, мухаммаси ва марсияси, Саъдий рубойилари, Рожий, Махмур, Амирий, Увайсий, Толиб,
Комийнинг ғазал ва мухаммаслари, Алишер Навоий ғазалларига битилган мухаммаслар киритилган. 155-229-
саҳифаларда эса шоир Фаттоҳий (Себак)нинг «Шабистони хаёл» асари илова қилинган.

2. ЎЗР ФА ШИ қўл ёзмалар фондида сақланаётган 7766 рақамли девон шоиранинг Макнуна тахаллуси билан
ёзган тожикча шеърлар девони бўлиб, у 132 варақдан иборат. Девоннинг сўнгги варағи йўқ. Шундай
бўлишига қарамай, «Муқаддима»дан кўринишича, бу китоб Умархоннинг ўлиmidан сўнг Нодиранинг
топшириғи билан-аллаким томонидан тартиб берилган. Чунончи, муқаддимада куйидагилар баён этилади:
«шу мусибат чоғида унинг ёқимли мастураси, ифбатли маҳбубаси салтанат паноҳида ва ҳашамат чодирда
тарбия топган насаб ва камол денгизининг гавҳари, иззу иқбол садафининг дурри ноёби, фуқаро ва
халқпарварлик ишида катта-кичикка мусаллам бўлган, ёқимли ва ширин-ширин, шеърлар ёзиш ва тушунишда
минг ақлли эрқакдан ортиқроқ бир хотин. Унинг яхши хислатлари ва мактовга лойик сифатлари ҳаддан зиёда

Тожиқча девон муқаддимасида номаълум котиб-шоиранинг Моҳларойим фазилатлари ва хизматлари ҳақида «Камол денгизининг гавҳари, иззу иқбол садафининг дурри ноёби, ул хотинлар тожи» деган сўзлари; шунингдек, Нодиранинг ўзбекча ва тожиқча «ёқимли ва ширин-ширин шеърлар» ёзганлиги ҳақидаги қайдлар муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки шу «Мажмуа» (девон)да келтирилган шеърлар муқаддимада қайд этилган фикрларни тўла тасдиқлайди.

5000 мисрадаи кўпроқ бўлган 333 шеърни ўз ичига олмиш бу «Девон»даги ғазалларнинг бирида Нодира: «Мен гавҳарликда Жайхун дарёга етсам ҳам, бир қатра сувман, қадру мартабада осмонга етсам ҳам, бир зарра тупроқман», деб қуйидагиларни ёзади:

Қатраи обам гар аз гавҳар ба Жайхун мерасам,

Зарраи хокам гар аз рифъат ба гардун мерасам.

Бу юрак сўзлари Макнунанинг олижаноблигидан, камтарлигидан дарак беради. Катта фалсафий фикрлар билан тўла бўлган бу «Девон»даги шеърларининг бирида шоира:

То бувад пои жаҳли Макнуна

Аз сари жустужў нагардам боз

(Макнунанинг оёқлари ҳаракатда экан, излашдан қолмайди) — деса, бошқа бир шеърда:

Умед ҳаст ки, субҳи умеди мо бирасад,

Ниҳояти шаби зиндони бало бирасад.

(Умидимиз борки, иқбол куёши чиқажак, зиндон қоронғуликлари ниҳоясига етажак), — деб яхши кунларни орзу қилади. Шоира фалакнинг можароларига,, «дарду аламга мубталло» қилувчи ҳолларга Қарши инсон эркинлиги тўғрисида ўйлаган. «Зиндон қоронғулигига барҳам берувчи иқбол куёши» порлаб чиқишини орзу қилган.

Моҳларойимнинг 1962 йилда Намангандан топилган «Девон»и ҳижрий 1239 (мелодий 1824) йилда тузилган бўлиб, унда шоиранинг 180 шеъри (11 мухаммас, 2 мусаддас, 1 мусамман, 1 таржеъбанд, 1 таркиббанд, 1 фироқнома;

ва санокдан ташқаридир.

Лекин тузини кўп ичган менингдек кулга, ул ифбат ҳарафининг мастураси тўғрисида бундан ортиқ сўзлаш одобдан узоқ бўлгани сабабли сўзимни қисқартирдим. Хуллас, ул хотинлар тожи, иззат ёа улўғлик парданишини, баъзи-баъзида хурсандлик ва юрак ўти алангаланган чоғларда олий табиатидан турли-турли рангдор-шеърлар ёзар эди. Озгина вақтда унинг кўп пароканда ғазаллари йиғилиб қолди. Шунинг учун унинг олий фармони билан ул шеърларни шу «Мажмуа»га жам ва дарж қилинди.... Чуқур маъноларга, шеър ва адабиётга тушунадиган қуллари ва табиати юқори хизматчиларининг маслаҳатлари билан ул жаҳонпаноҳнинг ифбат садафи яширинган гавҳарининг тахаллуси Макнуна деб муқаррар этилди».

Кўқон қоғозиди. оддий настаълик хати билан йирик-йирик қилиб ёзилган бу «Девон» икки қатор тартибда кўчирилган; саҳифалар олтин ҳал ва кўк чизиқлар билан рамкага олинган китоб ҳижрий 1329 (мелодий 1911) йилда Муҳаммад Саҳхоф томонидан муқоваланган. Нодиранинг 4182 рақамли ўзбекча девонидаги 28 шеърнинг 26 таси (Нодира, Комила ўрнига Макнуна ёзилиб) ушбу девонга киритилган. Баъзи ўринларда айрим шеърларнинг сўнги мисларига ўзгартиришлар ҳам киритилган.

136 шеъри ўзбек тилида 44 шеъри тожик тилида) келтирилган.

«Девон»да Ҳотиф, Ҳозик, Гулханий, Дабир, Мушриф, Фазлий шеърларн хам бор. Муҳими шундаки, бу девонга Навоийнинг «Кўнгул жон бирла бўлди ҳамраҳинг, мен дард ила турдум», Мулло Абдуқодир Бедилнинг «Илоҳи пора тамкин деҳ дами ваҳши нигоҳонро» каби ғазалларига шоира томонидан боғланган мухаммаслар илова қилинган.

103 банддан иборат мухаммаслар, 11 бандли иккп 5 бандли бир мусамман, 8 бандли таркиббанд ва 10 бандли таржебанд муашшар (ҳар банди 10 мисрадан иборат) шоираншг фақат ғазал жанрида эмас, балки бошқа хилма-хил жанрларда ҳам маҳорат билан қалам тебратганини очик кўрсатиб туради. Мисол учун шоиранинг фироқнома тарзидаги муашшаридан бир бандини кўздан кечирайлик:

Оҳким, беҳад менга жавру жафо айлар фалак,
Фуркат ичра қисматим дарду бало айлар фалак.

Ёрдин айру манго кўп можаро айлар фалак
Ғам била гулдек юзумни қаҳрабо айлар фалак.

Бевафодир оқибат, кимга вафо айлар фалак,
Ҳасрату дарду аламга мубтало айлар фалак.

Ёрнинг албатта ёридин жудо айлар фалак,
Гул била булбулни бебаргу наво айлар фалак.

Ҳеч ким, ёраб, жаҳонда ёридин айрилмасун,
Жондин ортуқ меҳрибон дилдоридин айрилмасун.

Бу мисралардан аёнки, шоира, бошига қанчалик кулфатлар тушмасин, умид тонгига етмоқчи, қоронғи зиндон оқшомидан ёруғликка чиқмоқчи бўлган, қандайдир илм, маърифат ва маданияг ривожига йўл берувчи шароитга интилган.

Нодиранинг амалий фаолияти, шубҳасиз ҳокимиятни мустаҳкамлашга қаратилган эди. Лекин у ҳар доим адолат, сулҳпарварлик ва халқпарварлик нуқтаи назаридан иш кўрар эди. Унинг бу журъати (замон, муҳит ҳақида чуқур қочиришлар билан ёзган шеърлари) ҳукмронларнинг ғазабини кўзгамай қолмас эди. Улар ўзларининг энг яқин таянчлари бўлган Бухоро амири Насруллоҳонга такрор-такрор мурожаат этиб, Нодирани ўртадан олиб ташлашни сўрайдилар.

Нодиранинг фожиаси. Тарих китоблардан маълумки, амир

Насрулло, дастлаб, Муҳаммад Алихонга тескари борган укаси Султон Маҳмудга Шаҳрисабздан «такъягоҳ»—жой беради. Сўнгра уни Хўжандга ҳоким қилади. Нодира анчадан кейин ака-укани яраштириб, Тошкент тарафларини Султон Маҳмудга, пойтахт Қўқонни, Хўжандни, умуман, Фарғона водийсини Муҳаммад Алихонга беради. Бу ҳақда Муҳаммад Фозилбек Муҳаммад Отабек ўғли «Таворихи мукаммали Фарғона» номли китобида қуйидагиларни ёзади:

«Амир (амир Насрулло — В. А.) кетгандан сўнг Муҳаммад Алихон онаси Хўжанд келиб, кичик ўғли Султон Маҳмудхонни акаси Муҳаммад Алихон бирла яраштуруб, Султон Маҳмудхонни Тошкентга ҳоким айлаб, ўзи Хўжандга кетди».

Бундан ғазабланган амир Насрулло 1842 йилда катта кўшин тортиб, Қўқонга бостириб келади ва Муҳаммад Алини ҳам, Султон Маҳмудни ҳам, шоиранинг 12 ёшли набираси Муҳаммад Аминни ҳам сўйдиради, Нодира бегуноҳ набирасининг жасади устида дод-фарёд кўтариб, амир Насруллога лаънатлар ёғдиради. Шундан кейин амир Насрулло Нодирани ҳам унинг энг яқин маҳрамлари (Хушҳолбиби, Норбиби кабилар) билан биргаликда ўлдиртиради.

Нодиранинг фожиаси ҳақидаги маълумотлар шоир Мутрибнинг «Шоҳномаи девона Мутриб» достонида, Муҳаммад домло Атторнинг «Тухфатут-таворих» китобида, Мирзо Олимнинг «Ансобус-салотин ва таворихи хавоқин» китобида, самарқандлик Мир Абдулхайхожанинг бир китобида ҳам баён қилинган.

Хулоса. Умри мудҳиш фокиа билан тугаган Моҳларойим — Нодиранинг шеърлари ўзбек ва тожик шеърятининг муҳим дурдоналаридандир. Бинобарин, шоиранинг;

Тонг эмасдур бўлса бу муддатда устои сухан,

Нодира ашъорига таҳсин этар Салмон кўриб

ёки:

Нодираи ғазалсаро назмини кўрса ногаҳон,

Дурру жавоҳирин қилур фикрига баҳру кон фидо,

деган фаҳрия сўзларида зўр ҳикмат бор. Ҳақиқатан ҳам, Нодира сўз санъатининг моҳир устаси сифатида мисраларни бадийлаштиришга, маъно-мазмуннинг ифодасига мос воситалар қўллашга, талмеҳ, тазмин, мукаррар, хусни таълил ва тазод саибагини тўғри ишлата билишга қобил эди. Чунончи, унинг:

Фурқат ичра тушди савдои Зулайхо бошима,

Қиймати Юсуф баҳо топди харидоримға айт

мисралари талмех санъати асосида ишланган бўлса,

Талхкомонро ба соғар аз лабу дандони, ў

Заҳр - шахду, шахд ширу, шир - шаккар мешавад.

(Ёрнинг лаби теккан қадах бахти қора, тақдири аччиқ одамлар назарида заҳарни болга, болни шакарга айлантиради) мисралари мукаррар усули асосида бунёд этилган. Ёки:

Ҳусни ишқ айлар сени хокистарингни тўтиё,

Шамдек куймакни касб эт мазҳаби парвона тут

мисраларида ҳусни таълил ва хитоб усуллари қўлланилган бўлса,

Ошиқ ўлдинг, эй кўнгил, эмди раҳи майхона тут,

Маст ўлуб соқи аёғини ўпуб паймона тут.

мисраларида хитоб ҳам, «тазод санъати» ҳам қўлланилган Сўнгги мисрадаги «соқи аёғи» ибораси ҳам қадах (пиёла) маъносида, ҳам соқининг оёғи маъносида келтирилган.

Шоира фахрия усули билан ёзган:

Бўлубтур Нодра мумтози маъни,

Каломи равшану ашъори фаррух,

деган мисраларида ҳақли эди. У шеърий ифодада “мумтоз”ликлар кўрсатиб, “равшан калом”лар ишлатиб, ижодий меҳнат қилди. Хуллас, у яхшилик, тўғрилиқ, камтарлик, халққа фойда етказиш йўлида хизмат қилиб, шеъриятда тарих саҳифасидан ўчмайдиган “некном” қолдирди:

Хушо оқилки, айлаб яхшилик бунёдини маҳкам

Ўтар бу дайри фонийдии ўзини некном айлаб.

Увайсий

Ҳаёти ва адабий фаолияти. Жаҳон отин Сиддиқбобо қизи — Увайсий XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг I ярмида яшаб ижод этган истеъдодли шоирадир.

Увайсийнинг фаолияти ва ижодий меросини ўрганганда адабиётшунослигимиз хийла катта ютуқларга эришди, янги маълумотлар қўлга киритилди. Шу жумладан, Увайсий авлодидан бўлган кишиларнинг берган маълумотлари ҳам муҳимдир. Чунончи Андижон вилоятининг Марҳамат туманида ҳаёт кечирган Холжон отин Абдуқодированинг ўз ота-боболари тўғрисида қилган ҳикоялари ана шундай муҳим маълумотлардандир¹.

Холжон отин ҳикоясидан маълум бўлишича, Увайсий ва унинг фарзандлари, наб³⁶иралари жуда оғир шароитда ҳаёт кечирганлар.

Увайсий шеърят майдонига замона кулфатидан куйганларнинг булбулигўёси бўлиб чиқиб, фиғону нола чеккан эди:

Замона кулфагидин бу кўнгил доғ ўлди, доғ ўлди
Бу чархи бемурувватдин кўнгил доғ ўлди, доғ ўлди.

Жароҳат бўлди бағрим тиғи бедоди рақиблардин,
Бу кўтоҳфаҳм мардумдин кўнгил доғ ўлди, доғ ўлди
Увэйсий «меҳнат, алам, ғам-ғуссага гирифтор булган дард эли» ННН1 шоираси сифатида:

Меҳнату аламларга мубтало Увайсийман,
Қайда дард эли бўлса, ошно Увайсийман.
Кечалар фиғонимдин тинмади кавокиблар,
Арз то само узра можаро Увайсийман...
дсб ёзади.

Увайсийнинг 4 нусхада кўчирилган девонлари маълум.

37. 1960 йилларда топилган бир девони 404 бетлик — 5628 байт,

³⁶ Холжон отин Увайсийнинг чевараси бўлиб, 1965 йилда вафот этган Холжон отин билаи 1961 йилда суҳбатлашганимизда, у ўз авлод-аждоди ҳақида ҳикоя қилиб, энг катта бувиси — онакалони Жаҳон отин эканлигини, Жаҳон отин Ҳожихон деган кишига эрга берилиб, ундан Муҳаммад исмли ўғил ва Қуёшхон номли қиз кўрганини, ўғли Мажнун қизи эса Хокий тахаллуси билаи шеърлар ёзганини ганириб берди, Холжон отиннинг ҳикоясидан маълум бўлишича, шоира Хокий (Қуёшхон)нинг қизи Хадича отиндан Холжон отин (тахаллуси Мағзий) дунёга келиб, у Абдурахмон (1928 йилда вафот этган), Абдуразоқ (1934 йилда вафот этган) номли икки ўғил, Жаҳон отин номли қиз (1978 йилда вафот этган) ва ундан Фозилжон, Икромжон номли икки набира бўлган.

³⁷ Қ а р а н г. Увайсий фаолияти ва ижодиётини ўрганишда О. Шарафиддинов Ўткир Рашид, А. Қаюмов, Э. Иброҳимов, Ҳ. Раззоқов, Т. Жалолов ва бошқаларнинг маълум хизмати бор. «Ўзбек адабиёти хрестоматияси», 11 жилд, Ўздавнашр, Тошкент, 1945 йил, 240-245; «Ўзбек поэзияси антологияси», Тошкент, 1948 йил, 183-185; «Уч шоира», Т., Ўздавнашр, 1958, 17-34; «Ўзбек адабиёти», III жилд, Тошкент, 1959, 600-607; Увайсий. Девон, ЎзФАН 1959; Увайсий. Девон, Тошкент, 1963, «Қўқон адабии мухити», У'ФАН' 1961 240—243; Увайсий. Тошкент, ЎзФАН, 1965; «Ўзбек шоиралари», Ўздавнашр, 1970, 39-76; «Ўзбек адабиёти тарихи», Ўзбекистон «ФАН» нашриёти, Тошкент, 1978, 158-171.

иккинчи нусха 161 бетлик — 2093 байт, 1870/71 йилларда кўчирилган учинчи нусха 228 бетлик бўлиб, улар таркибида шеърӣ жанрларнинг келтирилиши бир хил эмас. Чунончи, Холжонбиби Мағзий отин қалами билан кўчирилган кўл ёзмада кейинги икки нусха девонга нисбатан 300 дан зиёд шеър бор. Улар — ғазал, мухаммас, мусаддас, мусамман, маснавий, рубоӣй, туюк, чистон, мустазодлардан таркиб топган. Увайсийнинг Беруний номидаги институтнинг кўл ёзмалар фондида (№ 1837-111) сақланаётган «Девон»ида 269 га- зал, 29 мухаммас, 55 мусаддас, 1 мураббаъ ва «Карбллонома» ёки «Достони Ҳасан ва Ҳусайн», «Воқеоти Муҳаммад Алихон» номидаги асарлар бор. «Девон»даги байтларнинг ҳаммаси ҳам бир хил эмас.

Увайсийнинг «Девон»ида маъшуқнинг ўз ошиғига қарата айтган латиф ва чиройли мисралари бор:

Жои тасаддуқ бошинг узра чирмаган дасторингга,
Бош тасаддуҳ сўзлаган шаҳду шакар гуфторингга.

Кўз тасаддуқдур сенинг хуршид талъат ҳуснингга,
Қадди долим ҳам тасаддуқ чун алиф рафторингга.

Кўл тасаддуқдур сени ул ядди абёзингга ҳам,
Жон тасаддуқ этмаган ким кўзлари хуммориингга.

Бу мисралар, эҳтимол, шоиранинг ёшлигида битидган ёки янги турмушга чиққан пайтларида эри Ҳожимхонга қаратилгандир. Увайсий ғазалнависликда маъшуқанинг ошиққа бўлган ишқини васф этади, маъшуқанинг жасорати, пок муҳаббати, самимий ва беғубор ҳис-туйғуларини тараннум қилади, бу туйғуларини қалбининг нозик торларидан чиққан юрак сўзлари билан равон ифодалайди.

Увайсий «Девон»идаги кўпчилик шеърларнинг тирик қтҳрамони аёл образи эканлиги Увайсий шеърятининг муҳим хусусиятдир. Уларда гўзаллар васф этилган. Мисол учун унинг нозик дилбар ҳақидаги латиф байтларини кўздан кечирайлик:

Қадинг нозик, қошинг нозик, кўзинг нозик, лабинг нозик,
Тилинг нозик, сўзинг нозик, тишинг дурри Адан нозик.

Хатингдур сабзаи райҳон, лабингдур кавсар андоми,
Мижанг бўстон, юзинг гул, мисли гулзори чаман нозик.

Увайсий, ўз-ўзингча сўзлама, тийгил забонингни,
Мабодо келмасин нозик дилиға сўзлаган нозик.

Увайсий ғазалнавислигида, жумладан радифгўйликларида мазмун, шарм-хаё, номус ва иффат масалаларига алоҳида эътибор берилган. Шоира - кокулни ҳуснига ниҳоб айлаб, мақсадни пинҳон тутиш»ни хотирдан чиқармайди, чегарадан чиқиб кетмаслик учун ўзига ўзи «тийғил забонингни» деб уқтиради. У «ҳар кимсага ҳасрати дил» қилавермай, «соҳиби асрор»га сўзлашни мақсад қилиб кўяди:

Вайсий, дема ҳар кимсага сен ҳасрати дилдан,
 Ҳол англагуни соҳиби асрор келурмиш.

Адабиётшунослигимизда Увайсийнинг сарой шоирлари даврасига кириб қолиши сабаблари ҳақида турли хил фикрлар бор. Баъзи манбаларда Увайсийнинг эри жуда жоҳил эди, шунинг учун Увайсий эридан ажралиб, маълум вақт отаси қўлида қолган ва ўз илтимосида кўра, Қўқонга юборилган, Қўқонда отасининг бир дўсти уни «кампир» либосида саройга киритиб юбориб, шоирлар даврасидан жой олдириган, деб ёзилгач бўлса, бошқа манбаларда, унинг саройга келишига Нодира сабаб бўлган, дейилади. Айрим манбаларда эса шоиранинг ўзи тўппа-тўғри саройга келиб, шеърини ичкарига кириттириб юборган ва Умархонни ҳам, унинг даргоҳидаги шоирларни ҳам қойил қолдириганидан сўнг саройга дохил бўлган, деб ёзилган. Лекин бу фаразларнинг қайси бири тўғрилиги ҳали аниқланмаган. Ҳар ҳолда, Увайсийнинг шеърларидан шу нарса равшанки, у шоирлар муҳитига дохил бўлишни истаган. Ҳар ҳолда Нодирахонимнинг умр йўлдоши, Марғилон ҳокими Умархон билан (1800-1809) шу ерда яшаган йиллари, ўз шеърлари орқали таъсир ўтказиб, дўст туғиниб, имконият ахтарган; Умархон саройидаги шоирлар билан «куч синашмоқчи» бўлган. Хуллас, Увайсий сарой шоирлари орасидан ўрин олган. Увайсий замондошларидан ферқли ўлароқ, Навоий ва Фузулий ғазалларига ажойиб мухаммаслар боғлади, уларнинг ғоялари, санъат ва маҳоратларини таърифлади.

Аммо бу истиснододли шоира сарой доирасидан дурустроқ моддний ёрдам ололмади. Чунончи, у хон томонидан бйр таноб ер бериш тўғрисида қилинган ваъда ҳам ёлғон бўлиб чиққанлигини зўр алам билан шундай ёзади:

Бир танобона учун ман сенга муҳтож ўлдум,
 На учун аҳли хирад элига ман тож ўлдум.

Баргн сабз илкима олмоққа тараддуд этдм,
 Эй ғани, давлатинг олдидаки қаллож ўлдум.

Ҳасратим миннатидин нуктаи шарҳ этсам ман,
 Лашкари ғамга ажаб турфаки торож. ўлдим,

Ҳаддим эрмас саги кўюнгга Увайсий ўлса дучор,
Бир танобона учун ман сенга муҳтож ўлдим.

Кўришиб турибдики, Увайсийни саройга фақат шоирлар билан «куч синаш» истаги змас, балки тирикчилик ўтказиш ташвиши ҳам бошлаб келган эди. У «аҳли хирад элига тож» бўлгани ҳолда муҳтожликда қолиб, илгига «барги сабз» ҳам ололмай, бир таноб ерга ҳам эришолмай, чексиз ғам остида қолган за ҳукмдорнинг «саги кўйи»га дучор қилинган эди.

Шундан кейин Увайсий саройдан кетиб, ўғли Муҳаммад ва қизи Қуёшхон билан биргаликда деҳқончилик билан кун кечира бошлайди. Энди шоира дунёнинг вафосизлигидан нолиб, шундай мисраларни тўқийди:

Авалло, мен ушбу дунёнинг вафосийи билмадим,

Вожгун золим фалакнинг муддаосин бўлмадим.

Шоира кўп шеърларида, сарой шоирлари шеърига, ҳатто хоннинг суянган тоғларидан бири бўлган шоир Вазир шеърига боғлаган мухаммасида ҳам ўзининг «ожизу зору ҳазин»лигини баён қилган:

Донадек кўмди ўзин туфроқ аро бўлди ниҳон,

Ожизу, зору, ҳазин, гарчи заифу нотавон.

Барҳам урди то жаҳон бўлди Увайсийи замон,

Шукрим шаҳ олдида бўлди Вазири комрон,

Остони дарғаҳида қадри микдорин кўринг.

Вазир комронлигидан «шаҳ олдида шукр» қилиб дабдабали мисралар битганида, Увайсий бу туйгуга қарши ўзининг «нотавон»ликларидан шикоят қилган, вазирни макташ ўрнига, дардли мисралари билан унинг шармандасини чиқарган.

Увайсий сингари шоирлар ўз дардларини баён этиш ўчун баъзан назира ёзиш анъанасидан ҳам фойдаланганлар. Чунончи, шоиранинг «фарёд», «руҳ», «ғараз», «хат», «халос», «хайф» радифли лирик ғазалларга; «лазиз», «меърож» радифли фалсафий шеърларга боғлаган мухаммасларида, «баҳс» радифли ғазалга битган мусаддасида, қисман бўлса-да, бу ҳолни кўриш мумкин.

«Таълиму-Ошиқш», Дебоя, 1903, 5-бет.

Масалан, шоира Навоийнинг «фярёд - шамшод» қофияли ғазалига боғлаган мухаммасида қуйидаги мисраларни тўқийди:

Мен хастау зорингни бирор айламадинг ёд,

Султонсану ҳокимсану, бас, меи кима дей дод.

Ўз девонида шоира улуғ айёмлардан бирида «тўн» йўқлигидан ўғли «Мажнун» (Муҳаммад) кўчага чиқа олмаганлиги, «кўйлакла рўймол дебон» қизи Қуёшхон йиғидан бош кўтармаганлиги сабаблн шеърий арзнома ёзиб, «шаҳаншоҳ»ни ўзидан ҳам, «халқ дилидан» ҳам огоҳ бўлишга даъват этганлиги, унинг олдида борганлиги ҳақида қуйидагиларни ёзади:

Ид ўлди бу кунки, эй шаҳаншоҳ,

Бўлгилки бу халқ дилидин огоҳ.

Тўн деб тўқади ёшини Мажнун,

Қилди мани ончунон жигархун.
Кўйлакла рўмол дебон Қуёшим,
Онинг йиғисидин қотти бошим.
Оз бўлса ҳам аларда гирён,
Қилғай эдим ушбу сирни пинҳон.
Олдинга келибман ушбу соат.
Сай — санки муқарраби саховат.
Вайсий сўзига қилмагин шак,
Ўғлимга тўну, қизимга мурсак...

Бу маснавийда шоиранинг шахсий ҳаётини ва халқнинг ўша вақтдаги ҳаётини ўрганишга алоқадор бўлган яна икки момент кўзга ташланиб туради. Биринчидан, «Олдинга келибман ушбу соат» мисрасидан шоиранинг умрбод сарой муҳитига боғланиб қолмагани, иккинчидан,

Оз бўлса ҳам аларда гирён,
Қилғай эдим ушбу сирни пинҳон

мисраларидан кўз ёши тўккан Муҳаммад ва Қуёшхон моддий аҳволининг оғирлиги намоён бўлади.

Холжон отин (шоира Мағзий)нинг айтишига қараганда, ўша вақтларда Увайсийнинг ўғли Муҳаммадга ҳам бир жойда тинч бош кўтариб юришига монъелик қилганлар. Бу аламли кўргилик муносабати билан шоира фарзанди, жонининг «дармони», «кўзу кўнгли»нинг зиёсини соғиниб, нола ва фиғон тортиб, куйидагиларни ёзган эди:

Буқун, эй дўстлар, фарзанди жононимни соғиндим,
Гадо бўлсам на айб, ул шоҳи давронимни соғиндим.

Мусофирман, ғарибман, бекасу ҳам бенаводурман.

Вужудим дарда тўлди, энди дармонимни соғиндим.
¹ «Тавъизул-ошиқин», 5-6- бетлар.

Тилимининг зикрию, кўнглимининг фикри, яхши фарзандим,
Азизим, ёлғизим, давлатли султонимни соғиндим.

Қеча-кундуз йўлиға мунтазирдурман, тикарман кўз,
Келиб ҳолим сўрубон кетса, меҳмонимни соғиндим.

Қоронғу бўлди олам кўзима ушбу жудолиғдин,
Кўзу кўнглум зиёси моҳи тобонимни соғиндим.

Бунинг устига Увайсийнинг ўттиз ёшлардаги қизи Қуёшхоннинг қиз кўриб, дунёдан ўтиши ғоят қаттиқ фожиа бўлди. Энди она юртида ўзини «беватан», кулбасини «байтулҳазан» каби ҳис этган ғариб она виждон ва дил

азобларини қуйидагича баён этади:

Сенингдек шахга мендек бир ғариби беватан йиғлар,
Сабаб улдур кўриб аҳволими байтулҳазан йиғлар.

Агар дарди дилим изҳор қилсам базм аросинда,
Қарору сабр этолмай улфату ҳам анжуман йиғлар.

Увайсий ҳам қизи, ҳам ўғли ўрнида қолган ёлғиз набираси Хадичабибини (Холжон отиннинг онасини) бағрига олиб, тарбиялай бошлайди. Лекин неварасини 11 ёшга ҳам етказолмай, 60 ёшларда (тахминан 1850 йилларда) вафот этади.

Увайсий — истеъдодли лирик шоира

Юқорида Увайсийнинг ҳаётининг фаолияти ва қисман ижодиёти билан танишган эдик.

Шоиранинг:

Топмадим излаб бу олам аҳлидин бир дардманд,
Йиғласам мен сенга дийдамдин тўкуб қон, қилма айб...

Эй рафиқо, кулфати оламдин арз этган замон,
Нутқи бетаъсирими қилдим фаровон, қилма айб...

Мени мискинни билмон халқ доим имтиҳон айлар,
Қўнгулни беқарорндин таваҳҳумли гумон айлар

Ҳолимға йиғлар барча бағри тош,
Қон бўлиб оқди кўздан тўлган ёш

каби байтларни ёзиши бежиз эмас эди. Бундай байтлар «меҳнату ғам-алам»лари, «ноаҳил бедил»лар туфайди бунёд этилган байтлар бўлиб, уларда «асиру ғарибу гадо»лик садолари акс этган.

Шоира инсоннинг ҳақиқий дўсти «соҳиби идрок», ақли расо бўлшичи лозим, деб уқтирди:

Увайсий, ваҳм қилма ишқ китобидан қуруқ тан деб,
Рафиқивг билмадингму соҳиби идроклардандур.

Шоиранинг фикрича, ҳақиқий ёрнинг фазилатлари жуда кўп бўлиб, унинг юриш-туриши, суҳбати, муомаласи, жамоли, вафоси, садоқати, ихлоси ва ҳоказо фазилатларини санаб битириш қийин:

Ёзай васфингни қай бир хўблиғинг бирла ададсиздур,
Агар истар эсам саҳрода қум онинг ҳисобидур.

Ана шундай «хўблиғ» (фазилат) билан шуҳрати кетган ошиқ-

маъшуклар бир-бирининг васлига етолмай қадлари букилишини кўп шоирлар, одатда, арабча д (дол) ёки ^ (нун) ҳарфига ўхшатсалар, Увайсий ошиқ-маъшукнинг бу ҳолатини «печу тоб»нинг чирмалишига ўхшатиб, шундай тасвир яратади:

Печу тоб этмиш муҳаббат, ваҳки жисмимни чунон,
Қошини ёд айлабон жисмимни дол этгум ғалат.

Увайсий оддий қофия, оддий ифода иборалар кўллаб, ўз фикр-мулоҳазаларини шакл ва мазмун бирлиги билан тақдим этади. Чунончи:

Гул эмас, то бўлмаса олдида хоре кўндаланг,
Ёр кўйи эрмас ул, йўқ, дилфигоре кўндаланг.

Ҳар киши Мансурдек берса аналҳақдин хабар,
Ул замон бўлғай анинг олдида доре кўндаланг.

Вайсий, сўз кўтоҳ қил, дам урма нодонлар аро,
Сўзни соф этганча то чиққай ғуборе кўндаланг.

Шоира шеърларида ўрни билан халқ мақоллари, топишмоқлари ва ҳикматли сўзлари ҳам кўллайди. Асрлар давомида халқ онги, тили ва дилида ишлана-ишлана қиёмига етган ва кишиларни тарбиялашда катта аҳамиятга эга бўлган ҳикматли сўзлар ва мақоллар шоира шеърларининг латофатини янада оширган. Чунончи, шоира бир ғазалида «Деворнинг ҳам қулоғи бор» (Тожиқларда: «Девор муш дорад, муш гўш дорад») мақолини қуйидагича кўллаган:

Буни дерлар, бордурур девор кейнида қулоқ,
Ул макон даврида кўз етгунча девор ўлмағай.

Бошқа бир ғазалида «Ранг кўр, ҳол сўр» («Ранг бину, ҳол пурс») мақолини ишлатган:

¹ «Таъвизул-ошиқин», 5-6- беғлар.

Муяссар бўлса васлинг ким, на ҳожат ҳолими айтмак.

Қи ҳолам пурс, рангам бин, соғиндим ман, соғиндингму?

Увайсий шеърининг ҳамма турларида (маснавий, рубоий, ғазал, мухаммас, мусаддас ва бошқаларда) ижод қилишга қобил эди. Унинг муаммо ва мувашшахлари ҳам диққатга сазовордир. Чунончи, қуйидаги байтнинг сўзларидаги ҳарфлар ва мазмун ёрдамида шоира ўз исмини («Жаҳон») чиқара олган:

Жиму, ҳою алифқим мен киму дардинг юки бирла
Дилида нуктаси бағримда доғим лойиқи хун мен.

Тасмия — китобат санъати асосида ишланган бу муаммонинг биринчи

мисрасидаги олдинги уч сўзнинг йиғиндиси (жим, хо, алиф бўлса, кейинги мисрасидаги «дилида нуқтаси, бағримда доғим» сўзлари шаклининг тасвири бўлиб, мазмун эътибори билан бағир доғини, кўнгил ғуссаларини ифодалаб келган). Демак, шоира муаммо ва мувашшах шаклларида шеърлар ёзганда ҳам шаклбозликка берилмай, ҳаётини мазмунни ифодалашга эътибор берган.

Шунинг учун бир вақтлар:

«Дунёни бугун давр ила даврони ғанимат»,—

деб не-не орзулар билан қалам тебратган шоиранинг кейинроқ:

Кундузим — туи, кўкрагим — хун, қоматим — нун, дўстлар,

Меҳиату ғам бирла чун дашти ғарибон ман букун,—

деб ёзиши табиий эди. Айниқса, Муҳаммад Алихон (1822-1842) ҳукмронлик қилиб турган йилларда шоиранинг бошига тушган мушкул кунлар: севикли қизи Қуёшхон (шоира Хокий)дан жудо бўлиши, ўғлининг сарбозлар қаторида хон тарафидан Қашқарга жўнатилиши, ёлғизлик «дашти ғарибон»да саргардонликлари шундай ғамгин байтларни тўқишга олиб келдики, бу фақат Увайсийнинггина эмас, ўша нотинч, серғалва шароитда барча муштипар оналарнинг аҳволи руҳияти тасвири эди.

Увайсий дostonлари

Увайсий «Шаҳзода Ҳасан», «Шаҳзода Ҳусайн» номли дostonларни ҳамда «Воқеоти Муҳаммад Алихон» номли шеърини манзумасини ёзди. Иккала дostonнинг мавзуси ҳам Шарқ адабиётида Увайсийгача ўнлаб-юзлаб шоир ва ёзувчилар томоидан қаламга олинган эди. Бу мавзунинг Увайсий томонидан «не мақсад билан қаламга олингани» ҳақида ўрни билан мулоҳаза юритамиз.

«Воқеоти Муҳаммад Алихон». Бу асарда Муҳаммад Алининг туғилиши, унинг тахтга ўтириши, Қашқарга ҳарбий юриш қилиши воқеалари тасвирланган. Дostonда тасвирланишича, Алихон Қашқарда рўй берган ғазот муносабати билан у ерга ҳарбий юриш қилади. Бунга айрим вазирлари ва сарой аҳллари қаршилик кўрсатишига қарамай, у онаси Нодирахонимдан рухсат олиб, йўлга тушади. Онаси ўз ўғлини Марғилонгача кузатиб бориб, сафар натижасини шу ерда тоқатсизлик билан кутиб қолади. Дostonда Нодиранинг сабрсизлик билан худога сиғиниб, ўғлининг саломат келишини сўзлаганлиги, унинг кечаларни уйғоқ, кундузларни бетоқат бўлиб ўтказганлиги тасвирланадиган Чунончи:

Ул кеча уйда бўлди бедор,

Ҳазрат Ойим ки сарврафтор.

Хуршид каби юзни ўшал кун

Кўйди, мисоли бўлди мажнун.

Асосан, маснавий формасида ёзилиб, ора-сира ғазаллар ҳам келтирилган бу манзума тугалланмай қолган. Асарда Қашқардати ғазот воқеасининг натижаси нима билан тугаганлиги — Муҳаммад Алихон ва бошқаларнинг сафари ҳақида ҳеч нарса баён қилинмаган.

Бу дostonда диний ривоятлар билан биргаликда Нодирахонимнинг ҳамсухбат замондоши томонидан Нодирага хос айрим хусусиятлар ишонарли қилиб тасвирланиши ғоят муҳимдир. Чунончи, дostonда Қўқондан Марғилонга келгунга қадар Нодирахонимнинг айрим кишиларга «сарупо» бериб, «ғарибу ғурабо»ларни тўйдирганлиги, «эхсон» қилишда ҳимматли эканлиги, раҳмдиллиги, шафқат-муруввати билан дарҳол кўзга ташланиб қолганлиги ҳикоя қилинади:

Ул куни туриб бериб сару по,
То қилди улуғлигин бар аъло.
Сер айлади ҳар ғариб ғурабо...
Эҳсонекки беадад қилиб ул,
То тушти Марғилона ғул-ғул.

Марғилонда интизорликда қолган Нодиранинг ҳам, Тунқатор онасининг ҳам, Увайсийнинг ўзининг ҳам фарзандларини саросима билан кутиши тасвирланган ҳаётий лавҳаларда ўша давр оналарининг оналик драматизми ифодаланган.

«Шаҳзода Ҳасан ҳақида дoston»

Аввало шуни эслатиб ўтиш лозимки, Увайсийнинг Ҳасан ва Ҳусайн ҳақидаги дostonлари 60- йилларгача батафсил текширилмаган бўлиб, улар ҳар хил номлар билан аталиб келган эди. Чунончи, «Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси» ва «Ўзбек шоирлари» китобида ҳар иккала дoston биргаликда «Қарбалонома» деб номланган. Ваҳоланки, Қарбало воқеалари «Таввизул-ошиқин», 5-6- бeтлар. Ҳусайн номи билан боғланган бўлиб, иккинчи дostonгагина тааллуқлидир. Бу дostonлар дастлаб Тошкентда «Китоби Увайсий» номи билан нашр этилган. Шоира «Девон»ининг охирига илова қилинган ҳар иккала дoston аслида номсиз эди. 1960 йилда Увайсий ижоди юзасидан номзодлик диссертацияси ёзилганда, биринчи дostonни «Шаҳзода Ҳасан ҳақида дoston», иккинчисини эса «Шаҳзода Ҳусайн ҳақида дoston» деб аташ мувофиқ кўрилган.

Иккала дostonда ҳам Муҳаммаднинг қизи Фотиманинг ўғиллари Ҳасан ва Ҳусайн воқеалари берилади. Лекин муҳим томони шундаки, шоира Увайсий ана шу воқеалар фонида ўз замонасидаги ижтимоий воқеаларга ишора қилиб, ўша давр китобхонларига (замондошлари, айниқса, ҳукмрон доираларга) ибрат бўладиган мулоҳазаларини баён этишга уринади.

а) дoston Қашқарда ғазот бошланган кунларда, Нодирахонимнинг

Марғилонда ўғлини кутиб турган пайтларидаёқ ёзила бошлаган

б эҳтимол, Муҳаммад Алихон лашкари Қашқарга бориб етмай, ғазот воқеаси тугаб, улар ундан кўра хавфлироқ бирор воқеа туфайли Қуконга қайтишга мажбур бўлган бўлишлари мумкин. Балки худди шу вақтларда амир Насруллонинг Қўқонга хужуми тўғрисидаги хабарлар эшитилиб, янги воқеалар бошланиб кетгандир. Бу эса Нодиранинг ҳам, Муҳаммад Алихон ва бошкаларнинг ҳам ташвишларини ошириб юборган. Натижада, ўз-ўзидан равшанки Қашқар сафари билан боғлиқ бўлган «Воқеоти Муҳаммад Алихон» ҳақида бошқа бирор гап ёзиш мумкин ҳам бўлмаган.

Достонда ҳикоя қилинишича, Фотиманинг эри Али вафот этгач, ҳокимлик қилган Кўфа ерлари катта ўғли Ҳасан ихтиёрига ўтади. Шом ҳокими Муовия (у Алининг рақиби эди) Алининг ўлганидан фойдаланиб, Кўфани босиб олиш ниятида Ҳасан устига қўшин тортади. Ҳасан эса ўз лашкарини пастқам ўнғурда шайлаб қўйиб, ўзи танҳо Муовия олдига боради ва уни қон тўкишдан тўхтатиб, еулҳга кўндиради. Аммо Муовия ўз мақсадини бошқача йўл билан амалга ошириш режаларини тузади. Чунончи, Ҳасан Мавсалда дўстининг уйида меҳмон бўлиб турганда, уй эгаси, Муовиянинг маслаҳати ва уидовига кўра, Ҳасанга захар солинган ош беради. Лекин захар Ҳасанга қор қилмайди. Шунда Муовия иккинчи марта захар юборади. Аммо захар ташувчи йўлда бўрига ем бўлади.

Ҳасан Мадинага келганида ҳам бу ернинг ҳокими Мардон, бир томондан, унинг иззат-ҳурматини жойига қўйса, иккинчи томондан, ўз қанизаги орқали Ҳасаннинг хотини Жўъдага катта маблағ ваъда қилиб, бир неча марта Ҳасанга захар ичкизади. Лекин булар ҳам Ҳасанга таъсир қилмайди. Ҳатто Ҳасаннинг эски рақибларидан бири бўлган бир кўр одам унинг оёғини захарли калтак билан жароҳатлаганида ҳам, малҳамлар ёрдамида оёғи тўзалиб кетади. Кўр киши эса ўлдирилади, Ниҳоят, Муовия Жўъдага олмос қириндилари қориштирилган захар юбориб, Ҳасанни захарлашга муваффақ бўлади.

Увайсий пайғамбарзодалар оиласида ҳам ана шундай макр-ҳийла ва ярамас воқеалар бўлиб ўтганини эслатиб, ўз замондошларига панд-насихат қилади. Чунончи, Ҳасаннинг урушга кўнмай, эски рақиби Муовияни сулҳга чақирганини ва бунинг сабабини шундай акс эттиради:

Шаҳзода дер эдилар борҳо,
Қилмам киши бирла кийна асло.
Қилмамки мунозаат кишидан,
Йўқдир иншм киши кшидан...
Эл судини истагум шабу рўз,
Бу сўзни дебой шақи дилафрўз...

Олдимда бу эл саломат ўлғай,
Кўнглумға бу иш кифоят ўлғай.
Йўқ хоҳишим ўлса эл паришон,
То бўлмаса фитна, бўлса пмкон...

Увайсий Ҳасан образи орқали «киши бирла кийна»да бўлмаслик «эл суди» (фойдаси) за «эл саломат»лигини назарда тутиш, элни «паришон» қилмаслик учун фитналарга йўл қўймаслик керак деган истакларини илгари сурган. Шунинг учун шоира Ҳасан тилидан бир ўринда:

Халқ ганжига то хазинабон мен,
Дунё зару сиймига эмасмен.
деса, бошқа бир ўринда:

Сулҳ айламасанг, неча мусулмон Бўлғайки ҳалок, тўкилур қон,—
дейди ва ҳукмдорларга мурожаат қилиб: «Халқ ганжига хазинабон» бўлиш, кишиларнинг беҳуда ҳалок бўлишлари ва қон тўкишларга йўл қўймаслик керак, демоқчи бўлади.

Достонда Муовия ва унинг тарафдорларининг «юз ҳийлаю макр ила» иш кўришлари танқид қилинади. Жўьда «мулку зару молни ҳавоси» билан ўз эрини ўлдирган калтафаҳм, бефаросат ва пуржафо хотин сифатида тасвирланса, уни ўч қўлига ола билган Шом ҳокимининг канизаги Ойсунийё уйма-уй дайдиб юрувчи «малъун, шум», бадкор «сак» (ит) сифатида гавдалантирилади:

Бор эди Мадинада канизак,
Ҳар уйга киради гўё сак.
Даллоллик эди канизак иши,
Ҳар сориға бор эди бориши.

Увайсийнинг достондаги воқеалар давомида келтирган қуйидаги

Эй ахли хирад, қилинг фаросат,
¹ «Таъвизул-ошиқин», 5-6- беглар.

Бу сўз батамоми элга ибрат.

Беҳуда кишига қасд қилмоқ

Беҳуда ўзин ҳалока солмоқ...

Гар қилса ситам киши кйшиға,

Гўё ситам айламиш ўзиға

каби умумлашма панд-насихатларидан кўзлаган мақсади замон кишиларини тўғри изга. тушириш, беҳуда «озор, ситам, қасд» қилишга барҳам бериш эканлиги кўриниб туради.

«Шахзода Ҳусайн ҳақида достон»

Бу достондаги воқеалар Карбало чўлида давом этади. Ҳикоя қилинишича, Муҳаммаднинг кейинги набираси Ҳусайн ўз оила аъзолари ва

тарафдорлари билан Карбало чўлидан ўтаётганида рақиби Язид бошчилигидаги лашкар қуршовида қолади. Жазирама иссиқда чанқаб, бир култум сувга илҳақ бўлган қуршовдагилар ортиқ чидаб тура олмай душман ҳалқасини ёриб чиқиш учун жангга тушиб кетадилар. Ҳасаннинг ўғли Қосим ва Алиакбар, иниси Аббос ва бошқалар қанчалик жонбозлик кўрсатмасинлар, барибир, душманнинг зарбалари ва сувсизлик уларни ҳолдан тойдириб, сафдан чиқаради. Ниҳоят, Қусайн ташналиқдан чинқириб йиғлаётган ўғли Алиасқарни кўтариб, душманлари ёнига бориб, сув сўрашга мажбур бўлади. Лекин Язиднинг раҳмсиз кишилари болани найза санчиб ўлдирадилар. Шундан кейин Ҳусайн мажолсиз хотини ва бошқа аёллар билан видолашиб, душман лашкарига ташланади. Дуч келганини чопади, ўлдиради ва, ниҳоят ўзи ҳам ҳалок бўлади.

Шоира Увайсий бу дostonда ҳам беҳуда низо ва адоватларнинг катта фожиалар билан тугагини кўрсатади ва уларни қоралайди. Шоира ўз фикр-мулоҳазаларининг китобхонга тез англашилиши учун содда ва қулай ифода, иборалар қўллайди. Воқеаларнинг мазмунига мос келадиган хилма-хил шеърӣ жанрлар (маснавий, ғазал, марсия, мусаддас ва ҳоказо)да яратилган бу асар тилида киян, чекан, биза, сиза каби сўзларнинг қўлланиши унда озарбайлсон тили элементларининг таъсири борлигини кўрсатади. Чунонини, Ҳусайннинг иниси Аббос жасади устида айтган қуйидаги марсиясида бу хусусият кўзга яққол ташланади:

Букун ичкан ошим, эй дўстлар, қони жигардандур,
Жудолиғ оташи бирлан чеккан охим шарардандур.
Киян тўним кафандандур, еган ошим захардандур,
Сенга бундоқ балоларким ажал отлиқ кафандандур.
Бу меҳнатлар биза, Аббос, чархи киавардандур,
Шаҳодат шарбатин нўш айламоқ жоми кадардандур.
Кўриб Аббос холин, чархдин дод айламай найлай,
Кўриб қўлсиз танин, дод ила фарёд айламай найлай,
Бу ғам ўзгача қаттиғ, нола фарёд айламай найлай,
Фано туфроғида жисмимни барбод айламай найлай,
Бу меҳнатлар биза, Аббос, чархи кинавардандур,
Шаҳодат шарбатин нўш айламак жоми кадардандур.

Бу факт (шоира «Девон»идаги кўпгина шеърларда кўрингани каби) Увайсийнинг озарбайжон адабиётига, айниқса, Насимий ва Фузулий, Видодий ва Воқиф каби шоирлар ижодига кўпроқ мурожаат қилганини, улардан ўргангани ва таъсирланганини тасдиқлайди.

Шуни ҳам уқтириб ўтиш керакки, Увайсийнинг Ҳасан ва Ҳусайн ҳақидаги дostonлари, гарчи ўша даврдаги дostonнависликлар ривожи учун

маълум даражада ёрдам берган бўлса ҳам, лекин улар шоира «Девон»идаги лирик шеърларга нисбатан бадий жиҳатдан анча заифдир. Буни юқоридаги марсиянинг баъзи мисраларида кўруб, дод, фарёд сўзларининг икки мартадан такрорланишидан ҳам пайқаб олиш мумкин. Бундан ташқари байтлар қофиясидаги жигардандур, шарардандур, кийнавардандур, жоми кадардандур каби сўзлар ҳам Фузулий, Равнақ, Нишотий ва бошқа шоирлар томонидан такрор-такрор қўлланган.

Хуллас, Увайсий ўз ижодиётидаги қарама-қаршиликлардан, умидсизлик кайфиятларидан қатъи назар, ўз даврининг юксак даражадаги шоирасидир. Унинг халқ ҳофизлари репертуаридан ўрин олган ғазаллари ўтмишдаги «дард аҳли»нинг тароналари сифатида ўз қимматини сира йўқотмайди.

Меҳнату аламларга мубтало Увайсийман,
Қайда дард эли бўлса, ошно Увайсийман,—

деб ёзган шоира бутун қаламкашлик умри давомида «дард эли» билан бирга бўлган ва ўзининг ҳам, элининг ҳам азоб-уқубатлардан халос этиш орзулари билан жўшиб қалам тебратган.

¹ «Таъвизул-ошиқин», 5-6- бетлар.

Муҳаммадризо Огаҳий

(1809-1874)

Муҳаммадризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий атоқли маданият арбоби, классик шеърятнинг моҳир устаси, тарихий, адабий асарлар муаллифи, форс-тожик классикларининг баъзи бир машҳур асарларини ўзбекчага таржима қилган таржимон, Хевадаги адабий ҳаракатнинг юксак сиймосидир.

Огаҳийнинг ҳаёти Хева хонлигини Муҳаммадраҳим I, Оллоқули, Раҳимхула, Муҳаммад Амин II, Сайид Абдулло, Қутлуғмуродхон,, Сайидмуҳаммадхон ва, ниҳоят, Муҳаммад Раҳим II идора қилган даврларга тўғри келади.

Муҳаммадризо (тахаллуси Огаҳий) 1809 йилда Қиётда туғилди. У ёшлиқ пайтлариданок Шермуҳаммад Мунис раҳбарлигида адабиёт ва тарих билимларидан баҳраманд бўлишга интилади, (Унинг отаси Эрнийезбек Муниснинг укаси бўлиб, Огаҳий уч ёшга кирганда дунёдан ўтган, Огаҳий эса Муниснинг қўлида қолган эди.) Мунис даргоҳида ўша замоннинг толиби илмлари, шоирлар ва адабиёт мухлисларининг суҳбатларида қатнашиб юрган Огаҳий ёшлигидаёқ ўқиб-ўрганиш, илм ва шеърят хазинасидан баҳраманд бўлиш орзу-ҳаваси билан жўшади. Бу ҳақда унинг ўза кейинчалик бундай деган эди:

«Шабоб айёмининг авойидаким, умрим боғининг навбахори ва ҳаётим навбахорининг навшукуфта лолазори эрди, фазлу камол икгисобига майл ва рағбат кўргузуб, мадрасанишинлик расмин ихтиёр қилдим ва ҳар ердаким, фузало ва шуаро хайрининг мажмуи ва мажлиси бўлса, аларнинг хидматиға бормокни ўзимга вожиб ва лозим билдим:

Қадам айлабон илм йўлида бош,
Ҳунар касбида айлар эрдим талош,
Не тунлар манго хобу роҳат эди,
Не кунлар замоне фароғат эди.

Лекин Огаҳий ҳаётида турли тўсиқ ва қийинчиликлар юз бериб, рўзгор машаққати туфайли мадрасани қўйиб, истар-истамас ота-бобосининг касби бўлган мироблик билан шуғулланишга мажбур бўлади,

Шоир мироблик давридаги бўғиқ ва серташвиш ҳаёти ҳақида қуйидагиларни ёзган эди:

«Гоҳо мотамдорлиғ таҳассуридин афсурда ва гоҳо сўқворлиғ тафаккуридин пажмурда ва гоҳо аақотгўзорлиғ асбоби саранжомининг фикри била бошимда қаро қайғу ва гоҳо сипахдорлиғ олотининг таҳяси қайғуси билан кўзимга жаҳон қоронғу ва гоҳо гоҳо шоҳ хизматининг тараддуди била кўнглимда минг ғам ва гоҳо вазир мулозаматининг тажассуси била жонимда

юз алам. Маснавий:

Кичикликда тушиб бошимға кулфат,
Замоне бўлмадим беранжу мехнат.
Кўнгилда ер тутуб юз навъ қайғу,
Бўлуб кўзга ёруғ олам қоронғу.
Бўлуб хуллас ғамим андоқ фузунроқ,
Ки шарҳидур ниҳоятдик узунроқ.

Қуйидаги мисралардан кўринишича, Огаҳий мироблик мансабида хизмат қилса ҳам, йирик мулкдор бўлмаган:

Ер юзида, Огаҳий, чун йўқ санго бир кулча ер,
Барча умрингда на ҳосил айласанг мироблиғ.

Огаҳийнинг асосий мақсади амалдорлик билан эмас, балки юксак савияли маданий киши бўлиб жамият учун хизмат қилиш, олимлик ва шоирлик билан шуҳрат қозониш бўлган, Шунинг учу: «...андак фориг бўлгон ва фурсат тспгон вақтларда камоли шавқ ва ихлос билан гоҳо уламои узом хидматларига рағоат била бориб нуктадонлиғлари шарбати лаззатидин ширинком бўлиб, гоҳо шуарои дониш илтизом суҳбатларин суръат била охториб итобхонлиғлари вақтидин ҳажзи вофир олиб, руҳафзо иборатлариға кулоқ солур» экан, ўз замондошлари Шермуҳаммад Мунис, Комил, Рожеъ, Диловарий, Хожа, Нозимий, Хисрави, Рожий, Фируз каби шоирлар; Мулло Расул Муҳаммад, Мулло Нурмуҳаммад бин Усто Қаландар Хевақий, Мулло Усто Нурниез каби тош йўнувчилар; Муҳаммад Яъқубхожа ибни Иброҳимхожа Хевақий, Абдулло ибни Мулло Оллоберди Ҳазораспий, Муҳаммад Сафохожа ибни Аминхожа Хўжайли каби хаттотлар муҳитида ўсди, вояга етди, илмий-адабий суҳбатларда бўлди.

¹ «Таъвизул-ошиқин», 5-6-бетлар.

ХІХ асрда Хева хонлигидаги адабий ҳаракатда Шермуҳаммад Мунисдан сўнг поэзия ва прозада (шунингдек, таржимонликда ижодий фаолиятни давом эттириш, илғор сафда туриб ёзувчи ва шоирларга намуна кўрсатиш бурчи Огаҳий зиммасига тушди. Огаҳий ўз шеърий ва насрий ижодиёти билан ХІХ асрни дастлабки йилларидаёқ танилган эди. Таржимонлик ишларини эса, асосан, Муҳаммад Амин II ҳукмронлиги даврида бошлади. 1852 йилда тартиб берилган «Таъвизул-ошиқин» девонидаги байтлар Огаҳий шеърларининг ҳаммасини ўз ичига олмайди. Чунки хонликда ғала-ғовур кучайган пайтларда (айниқса Сайид Абдулло ва Қутлуғмуродхон ҳукмронлиги йилларида) Огаҳий шеърларининг қўл ёзма нусхалари ҳар жой-ҳар жойда қолиб, йўқолиб кетган эди. «...Олордин баъзининг мусаввидаги жузвдонда пинҳон қолиб, баъзининг мусаввидаси ҳар тарафга сочилиб, нобуд ва паришон бўлур эрди», дейди шоирнинг ўзи.

Хоразмда Сайид Муҳаммадхон ҳукмронлиги вақтида, нисбатан тинчлик ўрнатилгандан сўнг, Огаҳий ўз шеърларини тўплаб борди. Девондаги аксарият шеърлар ҳам 60-йиллардан кейинги даврнинг мевасидир.

Огаҳий девонида шоирнинг камол топиш, илм-хунар тараққиёти йўлидаги тўсиқлардан тортиб, халқ ҳаётининг машаққатли манзараларини ҳам акс эттирган шеърлари борки, албатта, бу шеърлар ҳаёт воқеалари таъсирида бунёдга келгандир. Шоирнинг уқтиришича:

«...Етурдим ҳар жамоатга ўзумни,
Очиб ибрат била ҳар ён кўзумни.
Борининг ҳолидин бўлдим хабардор,
Аён кўнглумга бўлди барча асрор.

...Ҳар тоифанинг ҳолига лойиқ... бир мазмун шоҳидининг ҳаёли хотирим кўзгусиға хутур қилса эрди, гуногун иборатлар билан рангин назмлар либосин кийдуруб... халойиқ назарида намойиш бсрур эрдим».

Огаҳийнинг ўз ижодида Алишер Навоий ва Муниснинг тараққийпарварлик, маърифатпарварлик анъаналарияи давом эттирди. Огаҳий кишилик маданиятининг қимматбаҳо бойлиги ҳисобланган 19 асарни ўзбек тилига таржима қилиб, ўзбек халқининг муштарак меросига айлантирган моҳир таржимон ҳам эди.

Огаҳий XIX аср адабий ҳаракатида мўътабар классиклардан Лутфий, Навоий, Фузулий, Мунис каби шоирларнинг шеърият соҳасидаги ютуқларидан фойдаланиб, ижод этганлиги ҳамда улуғ форс-тожик классиклари Саъдий, Ҳофиз ва Бедилнинг санъаткорлигиини ўзлаштириб, форсча-тожикча яратган шеърлари билан катта шуҳрат қозонди. Бу ҳақда шоирнинг ўзи шундай ёзган эди: «Аларнинг кўпроғи халойиқнинг тиллари азкорида мазкур ва кўнгуллари авроқида мастур бўлиб, олам атрофи ва фалак ақторида қубш янглиғ шуҳрат тутиб акобир мажолисида рутбул— лисон ва асоғир маҳофилида вирди забп эрди...»

Огаҳийнинг поэтик ижоди. «Таъвизул-ошиқин» девони

XIX асрда Хева хонлигидаги адабий муҳитда Огаҳийнинг шоир ва олим сифатида қилган хизматларини ҳеч ким унинг замондоши Паҳлавонийёа Комил Хоразмий таърифлагандаи яхши таърифлаган эмас. Огаҳийнинг ҳаёти ва ижодиёти доир илмий текшириш ишларида Комил Хоразмийнинг шу ҳар доим эсда тутишга тўғри келади:

Улки огаҳларнинг огаҳидур,
Фаҳму дониш сипехрининг маҳидур
Сўзи ортикдурур гуҳардин ҳам,

Фазлу донишда олам ичра аълам

Огаҳий тарихшунос ва таржимон ҳамда лирик шоир сифатида кенг ва батафсил ўрганилмоқда. Чунончи, Огаҳий ижодига бағишлаingan ўнларча маколлар ва диссертациялар ёзилди тўрт томлик «Ўзбек адабиёти» китобларига Огаҳийнинг шеърлари киритилди. Танланган асарларн нашр қилинди.

Не ишким бўлса муҳлик ғавго боис,
Фалак қилди менинг шаънимда ҳодис.

Демак, шоир Огаҳий ўз даврининг шодлиги доимий эмаслиги-, дан нолиб, ғанилардан «гадо аҳлиға» раҳм қилишни сўраган, «жафо аҳлиға» ҳарши чиқиб, «аҳли вафо»ни ҳимоя қилган экан, бу унинг ўз давридаги ижтимоий ҳаётда рўй берган воқеа-ҳодиса- ларни кузатиб, текшириб, маълум хулосалар чиқарганидан дало- лат беради.

Огаҳий аввалги асрларда ўтган классик шоирларнинг, айниқса Навоийнинг ижодий даҳосидан таълим ва илҳом олди. Буни шоир- нийг ўзи:

Огаҳий, ким топгай эрди сози назмингдин наво,
Баҳра. гар йўхтур Навоийнинг навосидин сеига,—
деб тасдиқлаган эди.

оу ўринда шуни таъкидлаш керакки, «Навоийнинг навосидин баҳра» олган Огаҳий назарида «Навоийнинг навоси» фақат ижод техникаси, бадий тил бўлибгина қолмасдан, шу билан бирга, инсон тўғрисида ўйлаш, унинг бахт-саодати йўлида зулм-жаҳолат ва нодонликка қарши фикрларни илгари суриш, илм-хунарга даъват қилиш, мамлакат осойишталиги, маданият тараққиёти ва халқ манфаати учун кураш каби ғояларни ўзида мужассамлаштирган «наво» эди.

Навоийни ўз устози деб билган шоир Огаҳий ахлоқ-одоб масалаларида, худди Навоийга ўхшаб, тараққийпарварлик фикр-мулоҳазаларини илгари сурди:

Бас, киши ким оқилу доно дурур,
Фаҳму хирад бирла тавоно дурур.
Гар амалинг бўлмаса не фойда,
Барча сўзинг бўлғуси бефойда...

Шунингдек, шоир:

Назир истар эсанг, гар жоҳилу олимға, билгилким,
Эрур зоғу заған нодону доно булбулу, кумри,—

деб жоҳилларни «зоғу заған»га, доноларни «булбулу кумри»га ўхшатади.

Шоир ўз замонасида одамнинг кадр-қиммати унинг «симу зари» (олтин ва кумуши) билан ўлчанганини, илми жихатидан Саъдий ёки Анварий

даражасида бўлган кишилар олтини йўқлигидан одам каторига киритилмаганлигини таъкидлайди:

Одам улдур бу жаҳон аҳли аро

Қайси ҳайвоннинг эса симу зари.

Кирмагай зарсиз кишилик сониға,

Саъдий ўлсун фазл аро ё Анварий.

Огаҳийнинг:

Сахову адлинг икки чашмасоре то абад элга:

Бири айнул ҳаёт ўлсун, бири баҳрун нажот ўлсун,—

деб, Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидаги «айнул-ҳаёт», «баҳрун-нажот» сўзларини қўллаб, мамлакат ҳукмдорини адолат ва саховатга чақирнши ва:

Ожизу бечораларнинг кўз ёши ҳаққи учун,

Мулку умринг муддати бўлсин илоҳи жовидон,—

деб, «ожнзу бечоралар» маифаати учун қайғуриши, уларга муҳаббат билан қараши, ундаги чуқур инсонпарварликнинг ифодасидир.

Шоирнинг «Девон»идаги шеърларга эътибор қилсангиз, унда:

Ростравлик, Огаҳий, руҳдек сени солмиш йирок,

Қурби шаҳ топгай эдинг кажрав эсанг фарзин киби

сингари жуда кўн байтларии учратасиз. Кўриниб турибдики, шоир росттўйлик ва тўғрилиқни севади, эгрлик билан кун кечирувчилардан нафратланади. Шоир Хева ҳукмдорларининг ростравларни (оддий халқнинг азиз фарзандларини) оёқ ости қилиб, кажравлар билан иш олиб борганликларини қоралайди. Унинг фикрича, жисман шоҳ ва гадо ўртасида ҳеч қандай тафовут йўқ, улар фақат ташқи кўриниши, кийим-кечаги билангина фарқ қилади:

Агар урён эса шоҳу гадо жисми баробардур,

Тафовут бу иковга айлаган изҳор хилъатдур...

Шундай экан, ташқи кўринишга-зеб бериб, бефаҳм ва бефаросат юриш билан эл-юртга масхара бўлишдан кўра, маънавий оламни, қалбни, ақл ва онгни тарбиялаш ва билимдонлик асосида иш тутиш афзалдир:

Кўп ўлма зоҳир оро, Огаҳий, кел, ботинингни туз,

Ки ботин тузган эяинг олида бекор хилъатдур...

Шоир шоҳона либослар кийиб, талтайиб юрувчиларни масхаралаб кулади. Тер тўкиб ишламай, меҳнаткашлар ҳисобига кайф-сафо билан ҳаёт кечирувчиларни қаттиқ қоралайди, ранж ва машаққатларга гирифтор бўлган замондошларининг оғир аҳволига ачинади:

Тараб базми аро бекорлар доим қилиб ишрат,

Ҳамиша хизмат аҳли мубталодур ранжу меҳнатға.

Шоир нодонларнинг иззат-ҳурматда, аҳли дониш ва таъби расо кишиларнинг эса умрбод хорлик-зорликда кун кечирганини кўриб афсусланади:

Нодон азизу, муҳтараму, лек хордур,
Ҳар одаме ки донишу таън расоси бор.

Юқорида кўриб ўтилган мисоллар, шубҳасиз, Огаҳийнинг Навоий, Равнақ, Нишотий ва Мунис каби шоирлар изидан борганлиги ва Навоийнинг «наво»сидан «бахра» олганлигини кўрсатади. Шунинг ҳам эслатиб ўтиш лозимки, Огаҳий Навоий ғазалларига ўз замондошларидан кўра кўпроқ мухаммаслар боғлаган (девондаги 83 мухаммасдан 30 таси Навоий ғазалларига боғланган). Шоирнинг «Таъвнзул-ошиқин» девонида Навоийнинг «оё», «ойрув», «арзимас», «андин», «айлаб», «ўт», «ўйна», «нетай», «нетайин», «била», «тут», «гул», «муборак», «чекди», «ёр ўлмағай», «қилдила», «кокилинг» каби радифли ғазалларига боғлаган мухаммаслари, кўпгина назиралари бор. Чунончи, Навоийнинг Наманган шеvasи билан «қилдила» радифида айтган ғазалига мухаммас бошлашдан ташқари, шу радифга ўхшаш «эттило», «айладило», «бўлдило» радифли ғазаллар битган. Бу маълумот Огаҳийнинг шакл ва мазмун жиҳатидан Навоийдан кўп ўрганганини тасдиқлайди.

Шоир девонидаги «сақоқимиз — иштиёқимиз», «айтинг» радифли ёки шундай қофияли шеърлари Лутфий шеърлари таъсирида, «бидоят — бихоят» қофияли шеъри Фузулийнинг «қомати—қиёмати» қофияли шеъри таъсирида яратилган. Шунингдек, шоирнинг Фузулий ғазалларига боғлаган мухаммаслари ҳам бор.

Девонда, юқорида кўриб ўтганимиздек, даврдан, ҳукмрон гуруҳлардан норозилик кайфиятлари ифодаланган шеърлар ҳам кўп. Буни янада яққолроқ аңлаш учун шоирнинг баъзи шеърларини кўриб ўтайлик:

¹ «Таъвнзул-ошиқин», 5-б- беғлар.

Даврондин агар, эй дил, етса санга бир роҳат,
Чекмоққа муҳайё бўл юз кулфату минг меҳнат.

Гар даҳр элидин. олсанг ўлмакка етиб бир нон,
Бир лаҳза қутулмассан ўлгунча чекиб миннат.

Юз ваъда била хизмат ҳар кунда буюрғайлар,
Ер тутмас агар қилсанг ҳар ваъдага юз хизмат.

Бу турфаки юз хизмат буткоргали жон чексанг,
Ҳар хизмат учун кўргунг ҳар лаҳзада минг тухмат.

Гар киприк ила қазсанг юз тоза қудуқ ондин,
Сероби мурод ўлмоқ. кўргузмагуси сурат.

Кел, эй маҳзун кўнгул, хў эт ғаму андуҳу кулфатга,
Талабгор ўлма ҳаргиз инбисоту айшу ишратга.

Нединким чархи кажрав гардишидин етмади ҳаргиз,
Қилиб юз саъю кўшиш ростравлар кому роҳатга.

Хасосат аҳлинииг комини гардун айлабон ҳосил,
Етургай доимо нокомлиғлар аҳли ҳимматга.

Зухалдек тийра диллар иззат авжида мақом айлаб,
Қуёшдек соф диллар туштилар хоки мазаллатга.

Тараб базми аро бекорлар доим қилиб ишрат,
Ҳамиша хизмат аҳли мубталодур ранжу меҳнатга.

Аларким беҳунардур дам-бадам хилъат кийиб қат-қат,
Ҳунар аҳли вале муҳтождур бир кўҳна кисватга.

Чу топдинг, эй кўнгул, гардуни дун ҳолидин огоҳлиғ,
Бериб орқа ҳунарга бўлмагил мағрур хизматга.

Ҳасад бирла иифоқу бухл ила хуссатни касб этма,
Тилаб иззат замона аҳли ичра қолма захматга...

Огаҳий девони диққат билан кўздан кечирилса, унда бир-бирига зид бўлган икки қарама-қарши мотивнинг параллел равишда баён этилгани сезилади. Шоир ҳам мақтайди, ҳам танқид қилади: шодлигини ҳам билдиради, қайғусини ҳам изҳор қилади. Чунончи, шоир девонининг 159-бетидаги «қуллик» радифли шеър хонга миннатдорлик руҳида ёзилган бўлса, худди шу бетдаги «совуқ» радифли шеърда ҳаётдан норозилик кайфиятлари ифодаланади. “Не ўт, не лукма, не либос» бўлмаган вақтда совуқ бошланиб қолганлиги шикоят руҳида талқин этилади. Шоир девонининг 207-208-бетларидаги шеърларида хондан «чакман» инъом олганлиги учун:

Инъом чу килди шоҳ чакман,
Бўлдим буюк, ўйлаким, фалакман,—

деган бўлса, 220- бетдаги бошқа бир шеърида хондан тама қилиш бутун умр миннат тузоғига илиниб қолишдир, дейди:

Очма, дунё аҳли, хон базлиға дасти тамаъ,

Гаф десанг банд ўлмаин ўлгунча миннат домига.

Огаҳийнинг маданият ва тараққиёт тўғрисидаги истаклари ижтимоий тизимдаги хилма-хил тўсиқларга учради: Огаҳийнинг 65 йиллик ҳаёти Хева хонлигининг Эрон, Бухоро ва Росоия билан бўлган қарама-қаршиликлари хилма хил шаклларда давом этиб турган даврларга, мамлакат ичкарисидаги турли уруғ-аймоқларнинг, низо-адоватлари, исёнлари авж олиб, бир хон ўлдирилиб, иккинчиси ҳокимият тепасига чиқиб турган даврларга тўғри келган эди.

Табийки, турли хонларнинг ҳукмдорлиги шароитида ҳаёт манзараси, мамлакат осойишталиги, сиёсий ва иқтисодий вазият бир хилда эмас эди. Бу даврларда баъзан шоирни «қувонтирадиган» битта-яримта тасодифий воқеалар ва, кўпинча, шоирни беҳисоб қайғуга соладиган кўнгилсиз воқеалар (бировни ноҳақ жабрлаш, уй-жойини тортиб олиш, юртдан бадарға қилиш каби) рўй бериб турар эдики, бу ҳодисаларнинг шоир психологиясига таъсир этмаслиги мумкин эмас эди. Бинобарин, мутафаккир шоирнинг зиддиятли ҳаёт йўли, ижодиётидаги қарама-қаршиликларнинг боиси ҳам худди шу воқеа-ҳодисалар билан боғланган эди.

Огаҳий ижодиётидаги қарама-қаршиликларни унинг замондошлари Мунис ва Комил ижодида ҳам кўриш мумкин. Бироқ бу қарама-қаршиликлар қисман ўхшаса-да, кўпинча, бир-биридан фарқ қилади. Чунки бу шоирлар ижодий методлари жиҳатидан бир-бирига яқин ва айна ҳолда, ифода-ибора услуби жиҳатидан мустақил шоирлар эдилар. Бу уч машҳур шоирнинг бир-бирига яқинлигини ва ижодидаги тафовутни уларнинг бир мавзудаги байтларидан пайқаб олиш қийин эмас. (Чунончи, учала шоирнинг «ганж» радифли шеърини чоғиштириб кўринг.)
«Таъвиул-бшиқин», 5-6- бетлар.

Огаҳий умрининг сўнгги йиллари Хева хонлигининг Россия чоризмига қарам — вассал бўлиб қолган даврига тўғри келади. Бу даврда хонликда бирмунча осойишталик ва иқтисодий жонланиш пайдо бўлди: Хева хонлиги билан Бухоро ва Эрон ўртасидаги жанглар барҳам топди; хонликдаги туркман ёвмутлари билай деярли тўхтовсиз давом этиб келган тўқнашувлар камайди, Хева хонлигининг Россия билан бўлган савдо алоқалари аввалгига қараганда хийла кучайди.

Бу ижобий ўзгаришлардан Огаҳий хурсанд бўлиб, «улус осуда» лигини

Огаҳийнинг ўз замонасига, ўша даврдаги ҳукмрон табақалар ҳамда меҳнат аҳлларига илм-фан, адабиёт, маданият, ишқ-муҳаббат, ахлоқ масалаларига бўлган қарашларини янада чуқурроқ ўрганиш учун унинг

ижодини бошқа шоирларнинг ижоди билан ҳам чоғиштириб куриш лозим.

Чунончи, шоирнинг ишқ-муҳаббат мавзусидаги шеърларини кўрайлик Маълумки, муҳаббат мавзуси жуда қадим замонлардан бери адабиётимизда қаламга олиб келинаётган етакчи мавзулардандир. Чунки муҳаббатсиз ҳаёт бемаъни ҳаётдир. Ҳақиқий муҳаббат вафодорлик, самимият ва жўшқин ҳис-туйғулар билан суғорилган бўлади. Субутсизлик, жафокорлик ва разиллик ҳақиқий ишқ-муҳаббатга ётдир. Истеъдодли лирик шоир Огаҳий ҳам чинакам ошиқлик, пок, самимий муҳаббат куйчисидир. Шу сабабдан у «Девон»идаги ғазалларининг бирида:

Огаҳий ҳолини гар ишқ ичра билмак истасанг,
Чашми ибрат бирла дардангиз девонимға боқ,
деб куйлади ва ўз девонини ҳам «Таъвизул-ошиқин» («Ошиқлар тумори») деб атади. У ишқий ғазаллар ёзишда «дастпарвардаи Мунис» (Муниснинг шогирди) бўлганидан китобга ном танлашда ҳам Муниснинг:

Ғазалларким, ғами ишқингда таҳрир айлади Мунис,
Қилурлар қилсалар ушшоқ хайли бегумон таъвиз
каби ишқий ғазалларидан фойдаланди.

Огаҳий девонидаги ишқ-муҳаббат мавзусида ёзилган шеърларнинг деярли ҳаммасида эркин ишқ, эркин оилавий ҳаёт куриш йўлидаги интилишлар олдида катта ғовлар борлигидан шикоят қилади, соф муҳаббат аҳллариининг фикр-туйғуларига ҳамдард бўлади. Чунончи,

Ёрсиз найлай, бу маҳзун жонни олғил, эй ажал,
Ким ўлим ушбу тирикликдин баса хушдур манго

мисраларидан кўриниб турибдики, ёр билан ҳамшиша бахтиёр турмуш кечириш орзуси Огаҳий ғазалларининг мағзини ташкил этади. Шоирнинг фикрича, серташвиш, нотинч ва номаъқул шароитида айрилиқда хор-зор яшашдан кўра, ошиқ учун ўлмоқ ва машаққатлардан халос бўлмоқ «хушроқ, афзалроқ»дир. Айрилиқ эса «гулзордин» жудо бўлган булбул нола-фиғонлари билан тенгдир:

Фиғону нола қилсам айб эмас гар ёрдин ойрув,
Ки бўлмас тушса булбул ноласиз гулзордин ойрув.

Машҳур форс-тожик шоири шайх Саъдийнинг:

Пеши касе рав, ки талабгори туст,
Ноз бар он кун, ки харидори туст.

(Шундай одам олдиға боргинки, у сенга талабгор бўлсин, шундай кишига ноз қилки, у сенга харидор- бўлоин),— деган фикри ва «Суймаганга суйканма» каби халқ мақолларида ифодаланган мазмун Огаҳий ишқий шеърларининг асосий мазмунидир. Севиш ва севилиш, синаш ва синалиш, ошиқ ва маъшуканинг ҳар жиҳатдан бир-бирига муносиб бўлиши лозим, деган

фикр шоирнинг ишқий шеърларига сингдириб юборилади. Чунончи:

Эй кўнгул, кимдаким сени севмас,
Қоч, анинг теграсига айланма.
Гар насихат қилурда ўтганлар
Дедилар: «Суймаганга суйканма...»

Шоирнинг фикрича, самимий ошиқ билан маъшуқа орасига рақиблар, ағёрлар, хусуматчилар суқилиб кириб, турли фитналар ўйлаганида ҳам ошиқ ва маъшуқа бир-биридан воз кечмаслиги, ранжимаслиги, ўзини дадил тутиши, руҳсизланмаслиги, мустақил фикрлаши ва ҳаракат қилиши, ҳар қандай машаққат билан бўлсада, ёрига ғамхўрлик қилиши лозим. Бу ҳақда машҳур озарбайжон шоири Фузулий:

Эй Фузулий, ёр агар жавр этса, аидин инжима,
Ёр жаври ошиқа ҳар дам муҳаббат тозалар,
ёки:

Гирифтори ғами ишқ ўлоли овораи даҳрам,
Ғамн ишқа бани бундин батар ёраб гирифтор эт,—

деб, ошиқ ҳамиша содиқ, қамиша ўз ишқида қатъий бўлиши лозим, деган фикрни илгари сурган бўлса, Огаҳий машҳур устод фикрларини ривожлантирди, жумладан, у «Ошиқ» сарлавҳали шеърида қуйидагиларни ёзган эди:

Агар минг жавр қилсанг, дарди ишқинг таркин этмон ким,
Бўлур шавқи фузунроқ нечаким чекса жафо ошиқ.
Қилурман етса сандии ҳар жафоу жавр юз минг шукр,
Қи қилмоқдур шикоят ёр жавридин хато ошиқ.
Агар жавр эт ва гар эҳсон, на қилсанг комим улдирким,
Ризои ёрсиз ҳеч ишни қилмас муддао ошиқ,

¹ «Таъвизул-ошиқин», 5-6-бетлар.

Албатта, Огаҳий аслида бу мисраларда ёринг ҳар қанча жабр қилса ҳам, уни севавер демоқчи эмас (ўз ошиқиға жабр қилиш ҳақиқий маъшуканинг фазилати эмас), балки ҳар қандай тўсиқ бўлганда ҳам, чинакам ёрдан воз кечмаслик, унга ҳамдам бўла олиш керак, демоқчи. Шоир «вафосиз» ёрдан кўра ёрсиз ўтишни афзал билиб:

Ёрсизлик дардиға сабр айламаклик яхшиким,
Ёрлик истаб вафосизларга ёр ўлмоқ абас,—

дейди ва ишқ-муҳаббатда сарви осо қомату рухсори гулфом» бўлиш эмас, балки «хулқу малоҳат» шартлигини уқтиради:

Ушшоқ кўнглин олғали хулқу малоҳат шарт эрур,
Йўқ сарв осо қомату рухсораи гулфом шарт.

Ўзга дилбар сори кўнглим, ваҳ, нечук майл айласун,
Ким русуми дилраболиғ келди дилдоримға хос.

Шоирнинг фикрича, ўз маъшуқасида ана шундай фазилатларни кўрган
оқил ошиқ гулни кўйиб, хор (тикан)га бормайди, албатта;

Деманг илгинин чекиб қўл, ўзга шўх илгин тут,
Қайси оқил ташлабон гулни, олур хор илгина.

Шоирнинг фикрича, ишқ-муҳаббатда халқнинг «тенг-тенги билан» деган
доно маслаҳатига амал қилиш лозим. Акс ҳолда, «бир куҳанға (қарига) тоза
жувон» тутқазин «муздин совук»рок воқеа бўлур эди:

Лек аҳли ақл олида муздин совукдурур,
Бир куҳанға тоза жувон бирла ихтилот.

Огаҳийнинг муҳаббат масаласида «тенг-тенги билан» деган фикрни
ҳимоя қилиб чиқиши ғоят катта аҳамиятга эга эди.

Демак, Огаҳий ишқ-муҳаббат мавзуидаги шеърларида ҳам ўз устодлари
Навоий, Фузулий ва Мунис каби шоирлар фикрини ривожлантиради ва
уларнинг ғазалларидан қолишмайдиган сермазмун ва гўзал ғазаллар яратади.
Муҳими шундаки, кўпчилик шоирлар (айниқса, сарой шоирлари) гўзалниинг
ташқи чиройини мадҳ этиш билан чекланган бўлсалар, Огаҳий маъшуқаниннг
ички дунёсини, маънавий оламини ҳам очишга, унинг ақл-фаросати, илм-
маърифатга бўлган муносабати, муҳаббати, ҳавас-қизиқиши ва маданий
савияси масалаларини (ўз идеал орзулари орасида) биринчи ўринга кўяди:

Ул малак сиймоки, барча илм бўлмиш ёд анга,
Рўзу шаб дарсу сабақ такроридур муътод анга.

Сарфу наҳву мантиқ ичра токи саъй этти аён,
Сибхвай руҳи қилур таҳсину ҳам имдод анга...

Касби илм этмай киши, гар қолса маҳзи жаҳл ила,
Икки олам обрўйи бўлғуси барбод анга.

Илмдин бебаҳра эл ҳолини билмоқ истасанг,
Огаҳийнинг зор ҳолин билгил истишҳод анга.

Шундай қилиб, ўз замонасининг буюк маърифатпарвари бўлган Огаҳий
ўзинн жуда камтар тутиб, маъшуқа билимдон бўлиши керак деган фикрларини
умумга кўчириб, ҳаммани ҳам билим олишга даъват этади, ишқий мавзу ичида
маърифатпарварлик ғояларини тарғиб этишга интилади.

Демак, Огаҳийнинг поэтик ижоди ниҳоятда қимматлидир, мумтоздир.

«Таъвизул-ошиқин» девонининг тузилиш Огаҳийнинг бадий маҳорати.

«Таъвизул-ошиқин» дебчасида айтилишига қараганда девонда

«...Шавқангиз ғазаллар ва мавъизаомиз қасидалар ва муҳаббатасар рубоийлар ва диққатпарвар маснавийлар ва базморо мухаммаслар ва руҳафзо мусаддаслар...»дан кўплаб намуналар келтирилган. Огаҳий девонидаги шеърлардан қарийб 70 йил давомида шеърий жанрлари ва бадиий маҳоратда қандай ютуқларга эришилганлигини ва ўша адабий ҳаётда Огаҳийнинг ролини, кўшган ҳиссасини аниқлаб олиш мумкин.

Девондаги шеър турлари тўғрисида гапиришдан олдин, унинг тузилиш тартиби ҳақида қисқача маълумот бериш мақсадга мувофиқдир. Огаҳий ўз девонини анча ёшга егиб қолганида, Муҳаммад Раҳимнинг маслаҳати билан, тартиб берган эди. Бу ҳақда шоир қуйидагиларни ёзади:

«...Бир неча муддатдин сўнг бир кун фақирга иноят назари била боқиб, дилнавозлик юзидин хитоб қилиб дедиким, борча мусаввидалардаги ва баёзлардаги ва ўзга ерлардаги паришон бўлган шеърларингни жамъ этиб девон суратида тартиб бергил на анго дебоча ҳам ясаб, сўнгра айтилган ашъорингни дағи ҳамул девонда ўз маҳаллида рақам силкига гуҳар янглиғ тергил. Нединким, кишидан то қиёматгача боқий қолатурғон ёдгор ва фарзанди саодат осор — яхши сўздур...

Бўлубдур шеър яхшилар шиори,
Жаҳонда то қиёмат ёдгори.
Кишига шеърдин йўқ яхши фарзанд,
Ки доим боқи ул фарзанди дилбанд.
Сўзингдур ўзга сўзлардин зиёда,
Саиго фарзанд, бизга хоназода.
Раво кўрма аларга дарбадарлик,
Етимосо ҳамиша навҳагарлик.
Олор ҳаққинда меҳр ойинини туз,
Борисин йиғнабон девонга киргуз.
Ямон деб солмағил бирни назардин,
Ки фарзанд ўлғуси пора жигардин.
Неча яхши аро бўлғай ямон ҳам,
Туман буғдой аро бўлғай самон ҳам.
Агарчи очилур юз гул чамандин,
Валекин чораси йўхтур тикандин...

¹ «Таввизул-ошқин», 5-6-бетлар.

Алқисса, бў амри шарифни алмаъмуру маъзурун ҳадиси муқтазоси била қабул эттим. Неча муддатлар кўп меҳнат ва машаққатлар чекиб, аксар ашъоримни жамъ этиб, девон суратида бир неча авроқ сутурига биттим...»

Девон тартиб беришдаги анъанаси Мунис девонининг дебочасида баён этилган анъанасига ўхшайдики, бу ҳол шоир Огаҳийнинг адабиётда, ҳақиқатан ҳам, «дастпарвардаи Мунис» эканлигини яна бир марта тасдиқлайди.

Огаҳийнинг «Таъвизул-ошиқин» девонининг икки тошбосма нашри бор. Биринчи нашри ҳижрий 1323 (мелодий 1905) йилда чиқарилган бўлиб, қоғозининг сифати у қадар яхши бўлмаганлигидан айрим саҳифаларда сўзлар, ҳатто мисра ва байтлар хира чиққан. Иккинчи нашри ҳижрий 1327 (мелодий 1909) йилда чиқарилган бўлиб, яхши, қалин оқ қоғозга босилган. Шунингдек, девоннинг 1905 йилда котиб Муҳаммад Яъқуб Харрот томонидан кўчирилган кўл ёзма нусхаси ҳам бор. Девоннинг бу нусхалари бир-биридан асосан фарқ қилмайди. Унинг 1323 (1905) йилги биринчи нашрида шеърлар қуйидаги тартибда жойлаштирилган:

дебоча (1 — 18-бетлар);

ғазаллар (20—257-бетлар);

уч мустазод (257—260-бетлар) ;

мухаммаслар (260—351-бетлар);

мусаддас, мурабба, мусамман (351—368-бетлар);

таржеъбандлар (368—384-бетлар);

баҳри тавил (384—431-бетлар).

Ашъори форси (форсча-тожикча шеърлар):

ғазаллар (431—442-бетлар);

мухаммаслар (442—449-бетлар);

муножот (449—450-бетлар);

таворих (451 —468-бетлар);

қасоид (468—530-бетлар);

девоннинг охиригача муқаттаот, рубоиёт, туюқлар, чистонлар, муаммолар, маснавийлар берилади. Лекин девон бетларига рақам қўйишда эътиборсизлик натижасида йўл қўйилган хатолар кшобхонни анча қийнаб қўяди.

«Таъвизул-ошиқин» девонидаги шеърларни кўздан кечирар эканмиз, Огаҳийнинг классик адабиётимизда бўлган шеърий жанрларнинг қарийб ҳаммасини ўз ижодий лабораториясида ишга солганини пайқаймиз. Лекин биз бу ерда Огаҳий девонидаги шеър турларининг ҳаммасидан мисол келтириб ўтирмасдан, унинг ўз замондошлари девонида учрамайдиган ёки кам учрайдиган шеърий шаклларда қандай ижод қилгани ҳақида қисқача тўхталиб, баъзи мисоллар келтирамиз, шунинг ўзидан ҳам Огаҳийнинг шеърият соҳасидаги билими, тажрибаси ва маҳоратини англаб олиш мумкин.

Одатда, ўтмишдаги шоирлар 4-6 ёки ундан ҳам кўпроқ мисралик бадий парчада бирор сўз ёки фикрни яширин шаклда ифодалаб, уни топиш учун ўқувчини ўйлашга, фикрлашга ва тегишли хулосалар чиқаришга ундаганлар. Шеъриятнинг бу формаси чистон деб аталган. Баъзи шоирлар сўз ўйини учун, баъзилари эса жиддий бир фикрни ифодалаш ниятида чистон яратганлар.

Огаҳий поэзиясида чистон кўпинча муҳим бир аҳамиятга эга бўлган маънони ифодалайди.

Масалан, куйидаги 4 мисралик чистонда шоир оёғи битта, боши олтига ва қаноти саксонга бўлган қуш тўғрисида фикр юритиб, унинг «замон аҳли аро» оти бор, аммо ўзи «йўқлуқ ошиёни»да маскан тутганини уқтиради:

Ул на янглиғ турфа қушким, олтидур онинг боши,
Турфароқ бу ким оёқ бирдур, қанот саксон анго.
Гарчи онинг бу замон аҳли аро бордур оти,
Лек йўқлуғ ошиёни ичрадур маскан анго.

Бу чистонда «вафо» деган сўз яширинган бўлиб, бу бир неча сон (6, 80 ва 1) орқали ифодаланган. Бинобарин, Огаҳий бу чистонда ўз замонасида «вафо» сўзи ишлатилса ҳам, аслида «вафо» йўқлигини айтмоқчи бўлган. Вафо — сўзидаги ҳарфлар абжад ҳисоби билан санаб чиқилса, чистонда савол тариқасида қўйилган сонларнинг йиғиндисига баробар келади. Шунингдек, девоннинг. 402-403-бетларида «давлат», «танга», «оташгир» сўзлари яширинган чистонлар қам бор. Шоир давлат сўзи яширинган чистонни:

Топмағонға соясин базму тараб зиндон ўлуб,
Ҳам қад ила нола айлар ҳар тун андохким кубуз
мисралари билан; танга сўзи яширинган 16 мисралик чистонни эса:
Топмаса гар илтифотин ҳар кишн,
Хордур, гарчи жаҳон доносидур
мисралари билан тугатади.

Бу символик тасвирларда Огаҳий шеъриятидаги рамзлар ёрдамида фикр баён қилиш услубини кўриш мумкин. Шоир «давлат»сиз киши «кубуз» сингари нола қилади, «танга»сиз киши, «жаҳон доноси» бўлса ҳам хор-зордир, деган фикрларни билдириб, ўз давридаги аҳволни англатмоқчи бўлади.

Классик адабиётда шеърятнинг «манқуд» (мисраларда калималарнинг нуктали келиши), «гайри манқуд» (мисраларда калималарнинг нуқтасиз келиши), «восеул-шафатайн» (мисрада лаблашмаган товушларнинг келтирилиши), «васул-шафатайи» (лаблашган товушларнинг қаторлашиб келиши), «мусовеул-тарафайн» (ҳамма тарафдан ўқилганда сўзларнинг баробар келиши), «мақлуби мустави» (мисрани охиридан бошига қараб ўқиганда, шакл ва маънони тўғри ўқигандаги каби қайтарилиши) каби шакллари кўп қўлланган.

Огаҳий девонидаги шеър шаклларида кўринишича, у шеърятнинг ана шу шакллари яхши билган. Чунончи, шоир ўз девонида «мусовеул-тарафайн» шаклида ёзилган 4 мисралик парчани келтиради:

1	2	3	4
1 - Ул шўҳки	очилди	хатти	рухсори

2 – Очилди	раёҳинда	юзи	гулнори
3 – Хатти	юзи	бесабуру қарори	манман
4 – Рухсори -	гулнори	манман	зори.

Бу парчанинг тўртала мисрасини ҳам одатдагича ўқиганда қандай маъно англашилса, сўзларни юқоридан пастга қараб ўқиганда ҳам шу шакл ва маъно айнан такрорланиб келади. Бу мисралар Огаҳийнинг ҳар қандай шаклда ҳам шеър ёза олиш қобилиятини кўрсатади.

Бу ўринда шуни алоҳида эслатиб ўтиш керакки, Огаҳий ижодида етакчи жанр даставвал ғазалдир. Огаҳий ғазалларида фақат ишқ-мухаббат мавзусигина талқин этилмайди. Унинг ғазалларида ошиқ, маъшуқа, ёр, ағёр образлари, фозил-олим, донишманд — мутафаккир киши (аввало, шоирнинг ўз шахси ва май ичиб, ўзини манфур, жирканч муҳитдан узоқ ғазаллар ёзди.

Девонда шоирнинг 8 та қитъаси келтирилган. Ҳикматли сўзларга бой бу қисқа, ихчам жаирда ҳам шоир усталик билан қалам тебратган.

Огаҳий, одатдаги 7—8, 10—11 ёки 12—13 байтлик ғазаллар ёзиш тартибини бузиб, мазмун талаби билан 20 байтлик ва 23 байтлик

Эй кўнгил, кимсаким сени севмас,

Қоч, анинг теграсига айланма

мисралари билан бошланган қитъаси ҳам мавжуд.

Шоир девонида бандлари ва байтлари миқдори турлича бўлган таржиъбандлар ҳам бор. Биринчи таржиъбанд 9 мисралик беш банддан иборат бўлиб, ҳар банди охирида:

Даҳр бир вайронадурким, хароб обод эрур,

Чикса ондин ҳар киши ғам бандидин озод эрур

мисралари такрор (таржиъ)ланиб келади. Етти бандлик иккинчи таржиъбанднинг ҳар бир банди 12 мисрадан бўлиб, ҳар банди охирида:

Раҳм айлаки, қолмади қарорим,

Чикмоққа етушти жони зорим

байти такрорланиб келади.

Девонда икки мурабба, 5 мусаддас, 3 мусамман ва бир неча рубоий бор. Одатда, а-а-б-а шаклида қофияланиб келадиган рубоий жанри Огаҳий ижодида жамият ҳаётига доир муҳим фикрларни ифодалаган. Чунончи, Огаҳийнинг:

Эй келди фунуну илм таслим санга,

Қилмоқ манга лозим ўлди таъзим санга,

Гарчи йўқ эрди қувват аёғимда, вале,

Қелдим бош ила олгали таълим санга

рубоийси «илм-фан учун бошни ҳам оёқ қилиб югуриш лозим» деган фикрни ифодалаб, шоирнинг маърифатпарварлигидан далолат беради.

Шоир девонида «туш», «қошима», «ёқилмади» сўзлари бир неча маънода қўлланилган туюқлар ҳам оз эмас. Туюқларда ҳам қофиялар шакли, худди рубоийдаги сингари, а-а-б-а бўлса-да, шоир омоним сўзларга эътибор беришни диққат марказида тутади. Чунончи:

Дарди захри солди чинлар қошима,
Келмади ҳолим сўрарға қошима.

Юқорида Огаҳий девонида назира тарзида ёзилган шеърлар ва тахмислар анчагина эканини уктириб ўтган эдик. Огаҳий назираларининг муҳим хусусияти шундаки, улар назира учун танланган шоирларнинг шеърларидан қолишмайди ва керакли ўринда ўз замонасига бевосита алоқадор бўлган фикрлар билан бойитилади. Шоирнинг тахмисчилигида эса икки ҳолни яхқол кўриш мумкин. Дсвонда шоирнинг ўз ғазалларига ҳам, ўзидан илгари ўтган ёки замондош шоирларнинг шеърларига ҳам боғлаган тахмислари бор. Чунончи, шоирнинг 83 мухаммасидан 30 таси Навоий ғазалларига, қолганлари эса Жомий, Саъдий, Фузулий, Бедил, Равнақ, Мунис ва бошқа шоирларнинг шеърларига боғланган, «арзимас», «ёлғиз» радифли ўзининг икки ғазалига ҳам мухаммас битган.

Аммо шоир бу мухаммасларида мазкур шоирларнинг фикрларини фақат такрорлаб қолмасдан, уларни тасдиқлайди, ташвиқ этади ва уларга ўз фикрларини қўшади. Чунончи, Фузулий:

Даврои аро усру кўп эрур шўхи дилоро,
Яхши назар эттукча саронжоми ёмондир,—

деб ғазал айтган бўлса, Огаҳий шу мисраларнинг мазмунига қўшилгани ҳолда (226—273), «жаҳонда гўзаллар кўп, аммо ҳаммасига ҳам асир бўлавериш ярамайди, уларнинг ақл-фаросатига, дидига ва латофатига эътибор бериш, мустақил фикрли бўлиш лозим» деган фикрни илгари суради.

Огаҳий яшаган даврда Хоразмда дostonчилик жанри кенг ривож топмаган бўлиб, катта дostonлар ҳам жуда кам эди. Аммо Мунис, Комил каби айрим шоирлар ижодида катта ҳажмли шеърлар — маснавийлар кўпроқ учрар эди. Бундай маснавийлар Огаҳий девонида ҳам бор. Бироқ шуниси характерлики, Огаҳийнинг кўпчилики маснавийлари Навоий «Хамса»сидаги дostonлар вазнида бўлиб, баъзилари маълум воқеликни ҳикоя қилиши жиҳатидан кичик дostonга ҳам ўхшаб кетади. Масалан, 1909 йилда нашр этилган девоннинг 348-353-бетларидаги 144 мисралик маснавийда берилган ҳикоят Навоийнинг «Баҳромнома»сидаги ҳикоятларга ўхшайди. Тил хусусиятлари, қофияси жиҳатидан қисман халқ дostonларига ва Навоий дostonларига уйғунлиги сезилиб турган бу маснавий шундай бошланади:

Бу ширин қиссаға сурғон қаламни,
Варақ узра чекар мундоқ рақамни,

Ки бор эрди ажаб бир ошиқи зор,
Балои ишқға бўлган гирифтор.
Анинг маъшуқи эрди бир паризод,
Назокат гулшанида сарви озод.
Жамоли бандаси хуршиди анвар,
Хати шармандаси мушк ила анбар.

Ҳикоя қилинишича, шоир тасвирлаган шу гўзални бир йигит севади. Рақиблар йигитнинг йўлини тўсиб, уига азоб берадилар. Бундан хабари бўлмаган қиз йигитдан у билан учрашиб турмаганлиги учун хафа бўлади. йигит узр айтиб, чеккан азобларини бир-бир изҳор этади. Шундан сўнг қиз тан бериб, бундай дейди:

Эмассан ошиқу ман ошиқингман,
На иш қилсанг сенинг лойиқингман.
Огаҳий мисраларни яратишда Навоий усулларидан ҳам фойдаланади:
Чу сен-сен шохдурсен, мен гадойинг,
Гадойинг демайинким хоки пойинг.

Маснавийда йигит томонидан қизга айтилган бу икки мисра Навоий дostonларида жуда кўп қўлланилган «муболаға ва инкор» санъати билан яратилган. Огаҳий девонининг 357-бетидаги бошқа бир маснавий ҳам ўз вазни, ҳикоятлари ва афористик мисралари билан Навоийнинг «Ҳайратул-аброр»идаги шеърӣй ҳикоятларни эслатади.

Шоир ўз девонидаги шеърларда аруз вазнининг турли баҳрларини қўллади:

Кўйинг, йиғлайки, ушбу кун севар ёримдин айрилдим,
Мурувватлиғ, муҳаббатлиғ вафодоримдин айрилдим.
(Ҳазажи мусаммани солим — мафоилўн мафоилўн мафоилўн мафоилўн.)

Эй жони ғамгин муждаким бу кеча жононим келур,
Гунча даҳону гул бадан сарви хиромоним келур.
(Ражази мусаммани солим — мустафъилўн мустафъилўн мустафъилўн мустафъилўн) ва ҳоказолар.

Шоир шеър мисраларини бадий жиҳатдан пишиқ ва гўзал ишлаш учун классик адабиётнинг талмеҳ, тазмин, табйин, ихом, илтизом, тажоҳилул-ориф, лаф ва нашр каби йўлларида ҳам фойдаланган. Масалан, шоирнинг қуйидаги мисралари тажоҳилул-ориф санъати билан яратилган:

Базмим ичра кеча тукқон ойму?
Ёхуд ул рухсори базм оройму?
Огаҳий токи сочар сўз нақдини,
Ким маони ганжидин ул бойму?

Шоирнинг:

Кўр шомити хиссатнию хосияти ҳимматниким.

Қорунғадур тахтус сари, Мусоға фавқи тавр ганж
мисралари лаф ва нашр санъати асосида яратилган бўлса, қуйидаги
мисралари таносиб санъати асосида ёзилган:

Оғзин қачон зикр айласам, ширин мақол айлар мани,

Белин қачон фикр айласам, нозик хаёл айлар мани.

Хироми қоматингнинг фикрин этгач,

Равонлиғ бўлди ашъоримға махсус.

Сочи андешасидин Огаҳийдек,

Назокат келди ашъоримға махсус.

Тонг эомас, Огаҳий, аҳли жаҳои шеърингга майл этса,

Нединким, ҳар сўзинг назм ичра бир гавҳарга ўхшайдур.

Қейинги мисралар мазмунидан Огаҳийнинг бадиий адабиётга, шеърятга бўлган муносабатини ҳам аниқлаб блиш мумкин. Огаҳий «Таъвизул-ошиқин»нинг дебочасида: «Шеър... айтмоқ ҳунари ҳар кимнинг кўлидан келмамишдур. Шеър шоирнинг иззу давлат неъматин ҳосил қилмоқға боисдур», дер экан, шоирнинг шуҳрат топиши, халқ ҳурматиға сазовор бўлиши унинг бадиий хизматининг қиймати билан ўлчанишини кўзда тутган. Шунинг учун юқоридаги мисраларда шеърда «равонлик», «назокат» бўлиши ва «назм» сўзининг «гавҳар»га монанд бўлиши уқтирилган.

Тожиқ тилидаги шеърлари

Огаҳийнинг «Таъвизул-ошиқин» девонида қасидаларидан олдин «Ашъори форси» сарлавҳаси билан унинг тожикча шеърлари (ўзбекча таржибандлар ўртасида) берилган бўлиб, улар ғазал, мухаммас, мусамман, муножот, таърих ва маснавийлардан иборатдир. Девондаги тожикча шеърларнинг ҳаммаси 1090 мисрани ташкил этади.

Шоирнинг тожикча шеърлари ҳам ўз мазмуни ва бадиий хусусиятлари билан ўзбекча шеърларидан қолишмайдиган юксак асарлар бўлиб. уларда ўша замон турмуш таассуроти инъикос эттирилган. Масалан, шоир узоқ вақтгача хорлик билап тамаъ чоҳига дучор бўлганини, тамаъ бандидан қутулиб, иззатга лойиқ бўлиш орзусида эканлигини қуйидагича баён қилади:

Халоси дода аз банди тамаъ кун лоиқи иззат,

Ки муддатҳо ба хори мубталои ҳаъри ин чоҳам.

Шоир сув билан ўтнинг бир жойда қарор топиши мумкин бўлмаганидек, «бефайз ва ноаҳил» кишилар билан доноларнинг ҳам суҳбати қарор топмайди, деб уларга киноя қилади.

Маро аз суҳбати бефайзи ноаҳлон жудои дех,

Ки як жо обу оташ жамъ натвонад шудан бо ҳам.

Огаҳий ўз даврида киши умрининг қадрсизлиги, бебақолигидан нолиб, шундай мисраларни битади:

Шуд зи умри бебақои худ магар огоҳ субҳ,
Меравад аз хештан ҳар дам кашада оҳ субҳ.

(Ўз умрининг бебақолигидан тонг хабардор бўлди, шекилли, ҳар доим оҳ чекиб, ўзидан кетади.)

Махўр ҳаргиз фиреб аз фурсати ҳасти дар ин гулшан,
Қи умри нимрўзи саҳт ноёб аст шабнамро.

Бу мисралардан шоир ҳаётни — яшашни севмас экан, деган хулоса чикмайди. Шоир ҳаётни, маъшуқа билан фаровон ҳаёт кечирини истаган ҳолда тирикчилик учун ўз даврининг мувофиқ змаслигидан нолиди, холос. Огаҳий тожикча шеърларида ҳам тинч ва осойишта ҳаёт ҳақидаги орзулари қаршисидаги тўсиқлардан ғабланади. Унинг вафодор, самимий ошиқ ва маъшук тўғрисидаги байтлари шоирнинг орзуларини очик кўрсатади.

Чунончи, шоир «дилдор лаълидин» нўш қилишга муяссар бўлганда, Хизрнинг «обу ҳайвон»идан воз кечади:

Маро, эй Хизри раҳ нанмо ба сўи обиҳайвонат,
Ки нўши лаъли дилдорам бас аст обибақо имшаб.

Дилбарнинг шаҳло кўзлари билан «нигоҳ»и, «лаъли гўё»си билан луқма ташлашининг ўзи шоир (ошиқ) учун ҳар қандай дарднинг давоси ва мангу ҳаётдир:

Давои дарди мам омад нигоҳи чашми шаҳлоят,
Ҳаёти жовидонам шуд адои лаъли гўёят.

Шоир (ошиқ) дилбарнинг «фирдавс осо» мажлисидан жой олишга муваффақ бўлар экан, «жаннат гулшани»нинг қасрлари тўғрисида сира ўйламаслиги, улардан воз кечиши турган гап:

Намегирам ватан дар қасрҳои гулшани жаннат,
Агар жоям диҳи дар мажлиси фирдавс осоят.

Шоирнинг ўзбекча шеърларидаги сингари, тожикча шеърларида ҳам (айниқса, умрининг сўнгги йилларида) узлатга чекиниш, худога ёлвориш, гуноҳи учун кечирим сўраш бўртиб кўринади.

Огаҳийнинг форс-тожик тилидаги шеърлари Саъдий, Ҳофиз, Бедил каби классик шоирлар таъсирида ёзилган. Шоир форс-тожик классик адабиётидаги ютуқларни ўзлаштириш учун Бедил ва Амирийнинг тожикча шеърларига мухаммаслар ҳам боғлаган.

Огаҳийнинг бутун умри давомида бир хон ўрнига иккинчисининг келиши, Хевада бино қилинган турли қурилишлар, мадрасалар ҳақидаги таърих шеърлари девоннинг «Ашъори форси» қисмида (451-476-бетларда)

келтирилган. Бу шеърлардан 454-бетдаги 18 мисралик «Таърихи бинои Ҳисори беруни Хевак» шеърдан ташқари, ҳаммаси тожикча айтилган шеърлардир.

Огаҳийнинг таърих формасидаги тожикча шеърлари ҳам, ўзбекчаси сингари, муваффақиятли чиққан. Шуни ҳам уқтириш лозимки, девондаги 29 таърихдан 27 таси форс-тожик тилида ёзилган бўлиб, улар, «Таърихи вафоти Оллоқулихон ва жулуси Раҳимқулихон» (1258), «Таърихи жулуси Муҳаммад Аминхон» (1202), «Таърихи жулуси Сайид Муҳаммадхон» (1268), «Таърихи мадрасаи Муҳаммад Амин» (1268), «Таърихи мунори мадраса» (1271), «Таърихи бинои мадрасаи Раҳмонбердибий», «Таърихи мадрасаи Мўсо Тўра» (1275), «Таърихи бинои мадрасаи Муҳаммад Раҳимхон» (1271), «Таърихи бинои мадрасаи Амирул Умаро Сайид Маҳмуд Тўра» кабилардан иборатдир.

Чунончи, Муҳаммад Амин мадрасаси хаҳидаги 10 мисралик таърих шеърда шоир мадраса бино қилинган йилни шундай қайд этади:

Огаҳи таърих ба таъмири ў,
Кард рақам мадрасаи хушбино.

(Огаҳий мадраса таъмири таъриҳида «хушбино» (ҳижрий 1268 йил демак) рақам қилди.)

Муҳаммад Раҳим II (Фируз)нинг Хевада бино қилинган мадрасасининг тарихи ҳақида эса қуйидаги мисралари битди:

Таърих бар бинои хушаш гуфт Огаҳи,
Омода ёдгори Муҳаммад Раҳимхон.

(Огаҳий бу яхши бинога таърих айтиб, уни Муҳаммад Раҳимхон ёдгорлиги (1286 йил демак) деб атади.)

Шеърятнинг таърих тарзида ёзилган байтлардан кўринишича, Огаҳийни кўпроқ мадраса қурилишлари қизиқтирган. Шунинг учун Сайид Маҳмуд Тўра ва Муҳаммадниёз Девонбеги мадрасаларига иккитадан, Муҳаммад Аминхон ва Муҳаммад Раҳимхон мадрасалари таъриҳига тўрттадан шеър ёзган. Бу ҳам Огаҳийнинг илм, маданият ва маорифга иштиёқмандлигини кўрсатади. Шоир бундай қурилишлардан хурсанд бўлганидан Муҳаммад Амин мадрасасини «дилкашу дилкушо, дилкашу жонпарвар» ва иккнчи жаннат деб таърифлайди, мадраса тоқиларини қизларнинг қошига ўхшатади. Муҳаммад Раҳимхон томонидан солдирилган мадрасани эса «аҳли илм» учун «бинои шарафнишон» ва «латофату файзу шарофат»и билан «аҳли фазл» учун дунёнинг «тоза бихишт»и деб баҳолайди ва униг таъриҳини «мадрасаи файз афзо» деб атади.

Маълумки, Раҳмонбердибий ва Муҳаммадниёз Девонбеги хонликда катта амалдор бўлишларидан ташқари, катта ер эгалари ҳам эдилар. Шоир

буларнинг мадрасаларига ҳам таърих ёзган. Шоирнинг мақсади бу шахсларнинг давлатларини маданият йўлига сарф қилдириш бўлиб, у, Раҳмонбердибий ва Муҳаммаднӣёз Девонбегиларнинг диққатини тортиш учун, уларнинг мадрасаларига «бетаваққуф», «филҳол» деб таърих айтган; Раҳмонбердибий мадрасасини «фазлу камол» талабгорларининг макони, дсб баҳолаган. Муҳаммад Раҳимхоннинг амакиси Амирул Умаро мисралари билан Сайид Маҳмуд Тўра мадрасасини ҳам «олимлар ва фозилларнинг жойи», деб таърифлаган.

Огаҳий — тарихчи ва таржимон.

Огаҳийнинг тарихчилик ва таржимонлик фаолияти. Шермуҳаммад Мунис томонидан ёзилиб, лекин тугалланмай қолган тарих асари «Фирдавсул-иқбол»ни давом эттириши ва форс-тожик тарихнависларининг асарларини ўзбек тилига таржима қилиши билан бошлади. Шоирнинг «Таъвизул-ошиқин» девони деб очасида ёзилишича, Огаҳий «Фирдавсул-иқбол»ни 1812 йилдан сўнгги воқеалар баёни билан тўлдирган; Оллоқули, Раҳимқули, Муҳаммад Аминхон, Сайид Муҳаммадхон, Муҳаммад Раҳим II ҳукмронлиги даврларида Хоразмда рўй берган воқеаларнинг баъзиларини китобга қўшган. Чунончи, Саъдий «Фирдавсул-иқбол»ни давом эттиргани ва унга алоҳида сарлавҳалар билан ўзининг қуйидаги мустақил тарихий асарларини қўшгани ҳақида қуйидагиларни ёзади:

«...Фақирнинг ўз муссаннифотидин «Риёзуд-давла»ким³⁸, Оллоқулихоннинг воқеотиға муштамилдур ва «Зубдатут-таворих» 39 ким, Раҳимқулихоннинг воқеотиға муштамилдур ва «Жомеул-воқеот»⁴⁰ким Муҳаммад Аминхоннинг воқеотиға муштамилдур ва «Гулшани давлат»⁴¹ ким Сайид Муҳаммадхон марҳумнинг воқеотиға муштамилдур ва «Иқболи Фирузий»⁴² ким Муҳаммад Раҳимхони дому иқболанинг муборак воқеотнға муштамилдур».

Бу асарларнинг қандай тарихий аҳамиятга эга эканлиги шарқшуносларимиз ва тарихчиларимизнинг, В. В. Бартольд,

П. П. Иванов, А. Ю. Якубовский, Я. Руломов ва Қ. Мунировнинг илмий ишларида ифодасини топган. Ҳатто 1873 йилдаёқ рус шарқшуносларидан А.

³⁸ «Риёзуд-давла» асари 1844 йилда ёзилган бўлиб, унда Оллоқули ҳукмронлиги (1825—1842) ва[^]тида Хоразмда рўй берган воқеалар акс эттирилади. Ўзбекистан Фанлар академияси Шарқшунослик Институти (№ 821-2 5364-11) ва Санкт-Петербург Шарқ бўлимида (№ Е6, Д-123 590 ос)да асарнинг бир неча нусхалари бор.

³⁹ Раҳимқули ҳукмронлиги (1843-1846) вақтида юз берган воқеаларни қамраб олган «Зубдатут-таворих» асари хижрий 1262 (1845-1846) йилда ёзилиб, ЎзФАШИда унинг икки нусхаси (821-III, 5364—111) сақланмоқда.

⁴⁰ Муҳаммад Аминхон II ҳукмронлиги (1846-1855) пайтларидаги воқеаларни акс эттиришга қаратилган «Жомеул-воқеоти Султоний» асари 1856-1857 йилларда ёзилган бўлиб, унинг бир нусхаси ЎзФАШИда (№ 97-86), бошқа нусхаси Санкт-Петербургда (Е-6 шифри билан) сақланмоқда.

⁴¹ Сайид Муҳаммадхон ҳукмронлиги (1856-1865) йилларида руй берган воқеаларни ҳикоя қилувчи «Гулшани давлат» асарининг 1321 йилда кўчирилган бир нусхаси ЎзФАШИда (№ 7572), иккинчи нусхаси Санкт-Петербургда (Е—6, 1891) сақланмоқда.

⁴² «Иқболи Фирузий» ёки «Шоҳиди иқбол» номли асари Муҳаммад Раҳим II (Фируз) ҳукмронлиги давридаги (1865—1872) воқеаларга бағишланган бўлиб, бу асарнинг нусхаси Санкт-Петербургда (С—572) сақланмоқда.

Л. Кун Хева кутубхонасида Мунис ва Огаҳий китоблари билан танишганида, биринчи бўлиб «Туркестанские ведомости»нинг (ўша йили чиққан 40-сони) саҳифаларида муҳим маълумотлар эълон қилган эди.

Огаҳий ўз ижодий фаолияти давомида, юқорида қисқача эслатиб ўтгаганимиздек; форс-тожик ва усмонли турк тилларида ёзилган тарихий ва бадиий асарларни ўзбек тилига таржима қилади. Бу ҳақда «Таъвизул-ошиқин» деб очасида шоирнинг ўзи шундай ёзади:

«Фақирнинг турк тили билан таржима қилгон китоблари «Равзат-ус-сафо»нинг 2-дафтарида «чаҳо ёри узом» воқеаси ва 3-дафтари ва «Нодирнома» ва «Зафарнома» ва «Зубдатул-ҳикоёт» ва «Мифтохут-толибин» ва «Ахлоқи Муҳсиний» ва Восифий ва «Насихат-номаи Кайковус» ва «Саломону Абсоли Жомий» ва «Гулистони Сьдий» ва «Баҳористони Жомий» ва «Равзатус-сафои Носирий» нинг биринчи дафтари ва «Далоилул-хайрот» шарҳи ким, рум туркисидин чиғатой тилига ўтқарилди ва «Тазкираи Муқимхоний» ва «Табақоти Акбаршоҳий» ва «Ҳафт пайкари Низомий» ва «Ҳашт бихишти Хисравий» ва «Юсуф Зулайхон Жомий» ким, манзум бўлди ва «Шоҳу гадои Ҳилолий» ким, манзум бўлди».

Демак, шоирнинг узи эътироф этганидек, у Саъдий, Низомий, Хисрав, Жомий, Хондамир, Хусайн Воиз, Ҳилолий, Восифий ва Ризоқули Ҳидоятларнинг 19 та асарини — 16 насрий ва 3 шеърий асарни ўзбек тилига таржима қилган. Бу ёзувчи ва шоирлар мазкур асарлари билан тарих ва адабиёт хазиналарига қанчалик катта ҳисса қўшган бўлсалар, Огаҳий ўз халқини форс-тожик ва озарбайжон классикларининг бой меросидан баҳраманд қилиш ниятида уларнинг асарларини ўзбекчага таржима қилиб, ўзбек маданиятининг ривожига шунчалик катта ҳисса қўшди.

Ҳар ким ўқимок тарҳини бунёд этгай
¹ «Таъвизул-ошиқин», 5-б-бетлар.

Бу хастани бир дуо била ёд этгай.

Тангри бсриб икки жаҳонда комин,

Мажмуи балиётдин озод этгай.

Худди шу жилдларнинг ўзбекча иккинчи варианты эса хижрий 1319 (1901) йилда котиб Домло Холмурод девон Ғурланий ибн Муҳаммад Юсуф Хоразмий томонидан кўчирилган бўлиб, у ҳозир Хсва шаҳар музейида сақланмоқда. Шу китобнинг охирида хотима сўзидан сўнг қуйидаги рубоий келтирилган:

Ҳар кимки ўқур вақтида мени ёд этгай,

Рухимни дуойи хайр ила шод этгай.

Кавнайн аро ҳақ анга фараҳ рўзи этиб,

Мажмуи ғаму қайғудин озод этгай.

«Таъвизул-ошиқин» деб очасида келтирилган маълумотга қараганда, Огаҳий «Равзатус-сафо»нинг иккинчи дафтарида «Чаҳорёри узом» воқеаси ва учинчи дафтарида тўлиқ таржима қилган. 1851 йилги қўлёзма нусханинг хотимасида келтирилишича, Мунис бипинчи жилдини тўла таржима қилган ва иккинчи жилддан «Чаҳорёри узом»нинг воқотиға еткурган. Огаҳий Муҳаммад Аминхон ҳукмронлиги (1846-1855) даврида китобнинг худди шу жойидан таржима қила бошлагани ва иккинчи жилдни тамомлагандан сўнг, учинчи жилдни ҳам таржима қилиб улгурган. Бу ҳақда «Равзатус-сафо»нинг котиб Муҳаммад Яъқубхўжа ибни Иброҳимхўжа Хевақий томонидан кўчирилган биринчи вариантнинг хотимасида шоирнинг ўзи қуйидагиларни ёзган:

“Бу нусхаи шарифа ва бу мажмуаи латифани мутолиа қилғучи фаросат ва каёсат аҳлининг замири латофат тазмирлариға равшан ва ва хувайдо мубарҳан ва жилваниро бўлсунким... Муҳаммадраҳим Баҳодирхоннинг фармони вожибул замони мужиби билан фазойилмаоб камолот интисоби Шермуҳаммад мироб ал мутахаллие бал Мунис мироб... «Равзатус-сафо» китобин туркий тил била таржима қилиб, аввалғи дафтари итмомға етқуриб, иккинчи дафтари доғи хулафои киром аъни Чаҳорёри узумнинг воқотиға етқургон аснодаким санаи ҳижрия минг икки юз қирқ тўртта эрди жаҳони фонидин олами боқийға рихлат қилиб, бу китоб таржимаси итмом ва ихтитом сарҳадиға етмай қолди ва чун подшоҳи олийшон Муҳаммад Амин Баҳодурхон салтанат тахтиға жулус қилиб, Хоразмшоҳлиг тожин ҳумоюн фарқиға қўйди... фаройиз ва сунун ижроси ва мамлакат умури ашғолидин фориғ бўлган авқотда гоҳо таворих китобларининг мутолиасидин баҳра олиб, аҳли салаф ҳикоятиға вуқуф топар эрди. Бу жиҳатдин жулуси саодатмонусидин бешинчи йиликим сана минг икки юз олтмиш бешда эрди, бу фақри касир алтақсирул-ҳақиир ибори мулки ал ваҳоб Муҳаммадризо мироб ал мулаққаб бал Огаҳий ибни Эрнийезбек бародарзода ва дастнарвардаи Мунис миробға иноят ва илтифот кўргўзуб, бу китоб таржимасин итмомға етқурмоққа амр қилди. Охир ул амр юз навъ ажзу инкисор ва минг турлук хавфу умедворликлар била бу нусхаи ҳумоюн таржимасиға қалам сурдум ва тамом ва ихтитом сарҳадқға етқурдум. Эмди бу мажмуаи маймунани ўқугувчи дониш аҳлидин умед улким, агар ҳар ерда саҳву хато кўрсалар, айб қилмағайлар, балки шафқат ва меҳрубонлиғ кўргузуб, ислоҳ бергайлар...»

Таржимоннинг «Равзатус-сафо»да келтирган бу изоҳи айрим адабиётшуносларнинг «Огаҳий таржима ишини Оллоқули ёқн Раҳимқули даврида бошлаган», деган тахминий фикрларини ҳам рад этади.

Огаҳий ўз таржималарида Навоий ва Бобир насрининг тил хусусиятларидан фойдаланган. Чунончи, жумлаларнинг «андоқким, айтурким,

дебдурким деб бошланиши, жумладаги боғловчиларниш ва, ва яна мансур етушсун ва мансур суръат билан маркаб суруб... ва ҳамро шаҳарга кирдилар ва то олар...» шаклида ишлатилиши жумлаларнинг «олмиш эрди, келмиш эрди, бормиш эрди, дер эрди, эрдилар» шаклида тамомланиши, шубҳасиз, Навоий ва Бобир насрининг Огаҳий таржималарига таъсири натижасидир.

Огаҳий прозасига Навоий прозасининг стилистик жиҳатдан таъсирини янада аниқроқ фаҳмлаш учун «Чаҳор девон» дебочаси билан «Таъвизул-ошиқин» дебочаси чоғиштирилса, бу фикрга тўла қаноат ҳосил қилинади. Бу ўхшашлик фақат айрим сўзлар ва ифодалар яқинлиги билангина эмас, балки эски проза қоидасига мувофиқ, жумлаларнинг «мусажжаъ» ва «муражжаз» шаклларида ишланиши билан ҳам яқиндир. Чунончи:

«...Бу нокомлиғ майдонининг саргаштаси ва нотаомлиғ биёбонининг лабташнаси ва маломат майхонаси бодахўри ва малолат вайронасининг хоксори ва ишқ кўчасининг девонаси ва дард хайлиннинг ҳамдаму ҳамхонаси... фақир ҳақир касирул тақсир... Муҳаммадризо мироб... бародарзода ва дастпарвардаи Мунис мироб... ўз саргузаштин бу навъ афсона билан ашзға еткурур ва ўз аҳволим бу янглир тарона била маони элиға билгурур...» («Таъвизул-ошиқин», 1323,4- бет).

Академик В. В. Бартольд Мунис ва Огаҳий асарларининг (жумладан, тарих асарларининг) бадиий хусусиятлари ҳақида текшириш олиб бормаган бўлса ҳам, аммо уларнинг аҳамиятини уқтириб: «Мунис ва Огаҳий томонидан яратилган адабий ва тарихий асарларнинг қанчалик камчиликлари бўлмасин, тарихий воқеаларни баён этиши ва уларда келтирилган аниқ материалларнинг кўплиги жиҳатидан Қўқон ва Бухоро хонликлари тарихига доир бизгача етиб келган ҳамма нарсаларни ўзидан анча орқада қолдирадн»⁴³, деб ёзган эди.

Демак, Огаҳий ҳам наср, ҳам назм билан таржималарида муаллифларнинг маънавий руҳини сақлаб қолган. Буидай пжодий меҳнатда «Таъвизул-ошиқин», 5-6- бетлар. ўзининг маданий қиёфасини, таржимонлик маҳоратини ҳам кўрсата олган.

Огаҳий олижаноб фазилатлари билан ўз замондошларидан устун турар эди. Ў ўнлаб киши бажариши лозим бўлган вазифани бир ўзи бажара олган. Шу сабабли унда баъзи бир нуқсонлар (ортиқча мақташ, ортиқча тафсилот) содир бўлмаслиги мумкин эмас эди, албатта. Аммо шунга қарамай, фақат ўзбекларнинггина эмас, балки XVII, XVIII ва XIX асрлардаги қорақалпоқ, туркман ва бошқа халқларнинг ҳаёти, маданий-маиший муносабатларини, шунингдек бошқа соҳаларни ўрганишда ҳам бу асарлар «жуда катта аҳамиятга эгадир»⁴⁴.

⁴³ В. В. Бартольд. История культурной жизни Туркестана, Л., 1927, 113- бет.

² П- П. И в а н о в. Очерк истории каракалпаков. Материалм по истории караякалпаков. ИВ АН СССР, т. УП, М.—Л., 1935, 44-бет.

